


МУХТОР АВЕЗОВ

АБАЙ
ЙУЛИ

РОМАН

ИККИНЧИ КИТОБ



УзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ - 1960

Козокчадан ЗУМРАД таржимаси

КОРОНГИ КЕЧАДА

1

Иртиш дарёсига олиб тушадиган ёнбағир, нишобликда икки от қүшилган енгил трашпанка ғизиллаб келмоқда. Козладаги күчер ўзини чалқанчасига ташлаб, кучининг борича тизгинларни тортса ҳам, бўладиган эмас. Кун бўйи йўл юриб, чарчамаган иккита бақувват, тўриқ от бўй бермай чопиб бораради. Бу йўловчилар шундай от қўйғанларича бориб, Иртиш дарёсига тушиб кетадигандай туюларди. Лекин юқоридан қараганда тепанинг таккинасида кўринган Иртиш дарёси унчалик қин эмас экан. Ҳалиги тепалик этагида бир оз текис, сайдон ер ҳам бор экан. Ўша сайдон ерда отлар ўзларини сал тўхтатиб елиб кетишли. Бир оздан кейин икки отлик арава жарни ёқалаб кетди. Секинроқ юра бошлигларида, на шабада сезилди-ю, на кечки салқин. Ҳозир июлнинг ўртаси. Бу — шаҳарнинг энг иссиқ пайти. Шу сабабли кечки пайт ҳам иссиқ, дим. Ҳавода тиқ этган ҳаракат йўқ.

Юлдузларнинг сўник нури билан шуълаланиб, яқин ерда оқаётган азим дарё ҳам тинч, сокин кўринар, гўё уйқуга чўмгандек товланар эди.

Дарёнинг нариги томонида, олисроқда қорайиб, қалин ўрмон қад кўтарган. У — ўша Полковник оролининг баланд, қуюқ ўрмони. Нариги соҳилдаги катта Семейнинг чироқларини, уй-жойларини кўздан яшириб турган ҳам ўша оролининг ўрмони. Ҳозир у соҳил билан бу соҳилда билинаётган ҳаёт аломати — итларнинг товушигина, холос... Биттаси йироқдан, биттаси яқиндан баъзан

секин, салмоқ билан, баъзан қаттиқ ҳуради. Гоҳо жар уришиб,чуввос солиб, ҳуриб кетишади. Шундай пайтда шаҳарнинг четигина кирган йўловчилар бир неча оддийгина уйларни айланиб ўтишди. Яна бир оздан сўнг пастаккина, усти тим ҳовлиниң чоққина дарвозаси олдида тўхташи.

Кучер тезликда иргиб тушди-да, қўлидаги қамчи билан дарвозани тақиллатиб, қоқа бошлади. Шу пайтда аравадан барваста йўловчининг ўзи ҳам тушди. Дарвозанинг орқасига келиб товуш берган тиниқ овозли аёл, аввало тирқишдан мўралаб, келганларни аниқлаб кўрмоқчи бўлди. Эл ётар пайт, қоронғи кечада келган одамларни таниёлмай, товушининг борича:

— Ҳам а, бу ким? Кимсиз? — деганида, кучер дарҳод:

— Оч, мен, Боймағамбетман. Абай оғам келдилар! — деб жавоб қилди.

Шу пайтда Абай аравадан нарироққа, жар бўйига бориб, елвагай тўнини ечиб, йўлнинг чанг-тўзонини қоқиб, қайтадан кияётган эди. Меҳмонларнинг ким эканлигини билиши биланоқ аёлнинг товуши дарҳол ўзгарди.

— Епирим, Абай оғамми? Ҳозир, ҳозир очаман! — деб дарвозани оча бошлади. Ҳали ўзлари танилмаса-да, бўйлари кўрингандан кейин, эсонлашиш бошланди. Абай рӯҳли, кўтаринки товуш билан:

— Дамежонмисан? Қалай, уй ичинг, бола-чақан эсон-омонми? — деди.

Дамежон очиқ чеҳра билан жавоб қилиб, эсон-омонликларини айтди-да, Абайнинг уй ичи, уруғ-аймоги, эл-юртининг соғ-саломатлигини яхшилаб сўради. Бу — товуши ўткир, сўзлари дона-дона бўлиб эшитиладиган, овози ёқимли аёл экан. У сўрашиб бўлиши билан ҳовлиниң ичи қоронғи эканлигини айтди-да, шам олиб чиқмоқчи бўлиб, шошганича ичкарига кириб кетди. Усти тим ҳовли ичидан унинг тақ-туқ қилиб босиб бораётган кавушининг товуши йироқлашмоқда эди. Боймағамбет очиқ дарвоза олдида сабрсизлик билан сўлиғини чайнаб, ер тепиниб турган отларга ва Абайга сўзламоқда. У:

— Ҳовли қоронғи, ҳозир, ҳозир. Шам келсин! — деб шошганича ҳар сўзини такрорлаб, «ҳозир, ҳозир», — дер эди.

Аслида бу хонадон ҳовли-жойни шаҳар усулида солған эмас. Қор қалин, совук қаттиқ ҳукм сурадиган саҳролардагидек усти тим билан ёпилган иссиққина ҳовли бўлиб, ўшанинг тўрига ёки бир бурчагига одам турадиган жойнинг, хоналарнинг эшиги очилган.

Ана шундай усти тим, устунлари кўп, кенгіна ҳовли, ичкаридан шам кўтариб келаётган Дамежоннинг яқинлашишига қараб, бурчак-бурчакларини, бўш бағриларини кўрсата бошлади. Дамежон билан бир оёғини силтаб босадиган эри бирга чиқди. Ола кўзроқ, новча, бўйни узун катта ўғли Жумаш ҳам чиқди. Арава ҳовлига кирганида, дарвозанинг чап томонида отлари чиқарилган бир сариқ арава кўринди. Унинг устида одамлар ётганилиги пайқалди. Шу хонадоннинг саҳродан келган меҳмонлари бўлса керак. Ҳовлининг чап томонидаги пастак ғишт охурда беда еяётган иккита-учта, от, кўк бедани карт-карт чайнаркан, пишқириб қўйишарди. Абай уй эгаларининг энг кейин чиққанлари билан сўрашдида, ҳалиги аравага кўз ташлади. Шундан кейин Дамежонга қараб:

— Дамежон, шамингни бу ёққа тут-чи! Берироққа, бу ёққа!— деб сариқ арава ёнида турганича устига энгашди. Шам кўтарган Дамежонни ҳам арава ёнига чақирди. Аравада икки киши қатор ётган экан. Чалқан-часига ётган иккала меҳмоннинг ҳам кўмирдек соқоллари кўзга яққол кўринди. Биттасиники қуюқ, жингалак бўлса, биттасиники узун, пахмоқ соқол экан. Ётганлар ёши эмас, кексайиброқ қолган кишилар экан. Иккала соқолга ҳам бир хилда оқ оралабди. Аравага шамнинг шуъласи тушганда, буларнинг сёқ томонида кўндаланг ётган яна биттаси ғингшиб, ўгирилиб олди. Униси ёшроқ кўринди. Лекин унинг ҳам соқоли қўнғир, узун, пахмоқ экан. Ётганлар уйғонмади.

Абай уларга қараб жилмайиб қўйли-да, Дамежонни ўз араваси ёнида тува турди. Боймагамбет билан отабола мезбонлар уч киши бўлишиб, қўш отни аравадан тезгини чиқариб бўлганларидан кейингина, Абай Дамежонни олдига солиб, бошқаларни ҳам эргаштириб, уй томон юрди. Дамежоннинг кўҳна, нураб турган ҳовлисининг тўрида бир уй, бир даҳлиз, икки хонали уйи бор эди. Аёл меҳмонларни бошлаб кириб, уйнинг эшигини очди-да, Абайга йўл берди. У уйда пастак қиррали печканинг токчасида катта, ёруғ чироқ ёниб турган экан.

Дамежон шошиб-пишиб күрпача солиб, меҳмонларга ёстиқ ташлаб, тұғарак хонтахтани уйнинг ўртасынга қўйди-да, ҳалиги чироқни печка ўқчасидан олиб, столга қўйди. Энди яқин ўтиришгандан кейин ҳамманинг чиндан ҳам чиройи очилиб кетди. Уй ичидагилар ҳам жуда руҳланиб, хурсанд бўлиб кетиши. Шу чоғ Дамежон эридан пастроқ ерга тиз чўкиб ўтиаркан, Абайларининг нега мунча бемаҳалга қолганликларини, қаердан келаётганликларини сўради.

Дамежон матол бўйли, қирра бурун, жавдираб турадиган катта-катта, ажойиб қоп-қора кўзли аёл эди. Оқ-қораси тиниқ кўзлари — мўлдираган чин бўта кўзнинг ўзи. Тиниқ овозли Дамежон сўзлаётганида дона-дона оппоқ тишлари қатор очилиб кетади. Нафис лабларининг қизилига ярашиб, дам-бадам кўриниб туради. Эри индамас, камгап, ичимдагини топ дейдиганроқ киши бўлса, Дамежон мутлақо бошқача. У аксинча, очилиб-сочилиб сўзлайди. Одамга тез эл бўла қоладиган, йўл-йўриқни ўзи билиб, ўзи бошқарадиган кўча одамига ўхшайди. Бу уйнинг эркаги эри эмас, ўзидек туюлади. Ҳали ўтиришлари биланоқ катта ўғлига самовар қўйишни буюрди. Боласи ўша ишга айланишаётганда, эрига ҳам иш буюрди. Утин ёриб келишга юборди. Абай Дамежоннинг жозибали кўзларига хиёл қизиқиш билан боқаркан, кулиб қўйиб гап бошлади:

— Дамежон, шаҳарга кечикиб келганимиз учун, яқинроқ деб сенинг уйингга қайрила қолдик. Аввало сен ташвиш тортма. Бизга самовар қўйиб, чойингни берсанг бас. Йўлдан чарчаб келдик, тезроқ ётиб дам олайлик.

Дамежон дарҳол бу гапнинг эвини қилди.

— Ниманинг ташвишини тортади дейсиз, Абай оға. Борлигимиз — бойлигимиз бўлиб, сиз келганда дастурхон устида бўлади-да. Келиб қолган экансиз, бу ёғини ўз ихтиёrimга беринг? — деди.

Абай бундан кейинги гапни ҳазилга айлантирди. Ҳали ҳам кулиб, шодланиб қараб ўтирганича Дамежонга:

— Уйингизда меҳмон йўқдир, холидир деб келган эдим. Ҳалиги аравага ортиб қўйганларинг қандай соқоллар? Бу қоп-қоп соқолни йиғиб, бозорга сотмоқчилизларми? — деганида, қора тўридан келган юzlари қипқизариб, хурсанд бўлиб Абайга қараганича оппоқ тиш-

лари қатор очилиб, ҳаммадан олдин Дамежон шақиллаб кулиб юборди. Боймағамбет ҳам қуюқ сариқ соқоли, сариқ мўйловларини селкиллатиб ҳузур қилиб кулди. Даҳлизда ўчоққа ўт ёқиб, самоварга ўт ташлаётган новчагина, ола кўз йигитча Жумаш ҳам хиринглаб кулиб юборди. Абайнинг ўзи ҳам кулиб, сўзида давом этди.

— Соқолларини томоша қиласман деб, ўзларини таниёлмай қолдим, бунчалик давлат сенинг қўлингга қаердан тушди. Дамежон? Қаердан келган, қандай соқоллар булар ўзи? — Бу гаплар Абайнинг ҳозирги айтишида ўйноқи, ўзгача бўлиб чиқди. Уй ичида гилар боягидан ҳам қаттиқроқ кулишиб, хурсанд бўлишди.

Шундай қилиб, бу кеча Абайлар Иртишнинг чап соҳилидаги Слободка деган, қозоқча «бу томон» деб юритиладиган жойда ётиб қолишли. Бу — Семей шаҳрининг бир қисми. Ўшанинг Дамежон ҳовлиси жойлашган томони бош жотоқ лейилади. Бу ердаги шаҳарлн қозокларнинг кўпчилиги саҳродан, кўчманчи элдан келиб ўрнашган. Саҳрова бўлса, яйловга кўча олмай, қишлоғ-қишлоғда қоладиган хонадонларни «жотоқ» дейилади. Ўша одат бўйича мана бу шаҳарда ўтирган қозоқ хонадонларини кўча-кўчалари билан «жотоқ» леб айтилаверади. Бу ернинг «бош жотоқ» дейилишининг сабаби — дарёнинг бош томонида. Аслида шаҳар ҳалқи орасида шаҳар ҳаёти, таомилини ҳали бутунлай ўзлаштиргмаган, саҳро билан шаҳар урфи-одатларини аралаш қўллашлар мана шу четда — «бош жотоқ»да кўпроқ пайқалади.

Яхшилаб солинган ўринда ётиб, хўп ухлаб тиниққан Абай эрталаб туриб, юз-қўлинни ювиб, Дамежон ҳозирлаган нонуштага бамайлихотир келиб ўтирганида, кечаси у сўраган «соқоллар» кетма-кет кириб келинди. Улар салом бериб сўрашгач, катта хонтахтанинг бир томонига бориб ўтиришли.

Синкаланган оппоқ, тоза лачак-дуррачани дол қўйган Дамежон, катта, тоза самовар ёнига ўтирди. Қулоғидаи катта кумуш сирғалари силкиниб, хонтахта атрофини лиқ тўлдириб ўтирган одамларга дамба-дам чой қўймоқда. Абайга атаб пиширилган бир товоқ қўймоқ дастурхон тўла бўғирсоқнинг ўртасига қўйилган эли. Ҳалиги соқоллар Абайдан олдин қўл уриб, дув ёпиришганларида, Дамежон Абайга қараб:

— Абай оға, құймоққа қаранг, олинг! — деди мәҳмон-дүстлик қилиб.

Абай шу пайтда ҳалиги мәҳмонлар билан сұзлашиб ўтирган эди. Үлар Абайнинг қариндошлари экан. Биттаси Иргизбойларнинг машұр әзмаси Жуман, иккінчи-си шу сингари бир отадан тарқалған, Үсер овулидан бўлган бақироқ Мақа экан. Яна буларнинг отбоқары сифатида юрган, Жуманнинг жингалак соқолли, чағир кўэли катта ўғли Мұхаммеджон ҳам бор эди. Жуманнинг ўғиллари фақат афти-антор жиҳатдаигина ўзига ўхшаш бўлмай, сергаплик, әзмаликда ҳам худди ўзига ўхшаган. Шунинг учун ҳалқ унинг ўғилларининг отларини ўзгартириб: «Ғўнан әзма», «Дўнан әзма», Бести¹ әзма» дейишади. «Бести әзма»си мана шу Мұхаммеджон. Кечаси Абай келганини билганидан буён шу «Бести әзма»нинг қорнини тарс ёриб юборгундай, тоқатини тоқ қилаётган бир сўзи бор эди.

Ҳозир уч-тўртта құймоқни ўраб-ўраб, икки ямлаб бир ютиб юборди-да, аччиқ чойни хўриллатиб ичаётib, катталардан олдин Абайга ўша «Бести әзма» сўз қўтди:

— Хўш, Абай, элдагиларнинг омонлигини айтдинг. Қани, энди ўзинг шаҳардаги ёмонликни эшиздингми? — деб кутилмаган бир гапни кўндаланг қилиб қолди.

Дамежон алаңглаб, жозибали кўзлари ялт этди-да, Мұхаммеджонга боқди.

— Бу нима деяпти, а?

— Бу нима деяётир, нима гап ўзи? — деди, Абай ҳам ҳайрон бўлиб.

Шу чоқ Мақа кучаниб, шанғиллаб:

— Айтапман-да, кечасидан буён эшитмадингми? Бу шаҳрингга бир оғат келибди-ку! — деди.

Абай ҳамон ҳайрат ичиде тикилиб турди.

— Нима деяпсанлар, ўзинг уқдир-чи! Офати нимаси? — деб Абай бир уй бўлиб ўтирган эркаклар ичиде Дамежонни эс-ҳушли билиб, ўшанга қаради. Лекин отабола Жуман билан Мұхаммеджон, бир-бирларига гап бермай сўзлашиб, илиб кетишиди.

— Бу шаҳарга ёмон бир дард келибди?

— Худо урган бир юрак оғриғи!

¹ Бести — Беш ёшлик от. (Тарж.)

— У томон-у бу томондан куннга қанча-қанча одам улаётир!

— Вабо келганга ўхшайди.

— Чивиндең қирилаётир!

— Отини нима дейишади! Одам эшишмаган бир бало касал. Халқ шаҳардан қочаётир! — дейишди иккови. Саботли, ғамхүр, анча билимдөн киши бўлиб, гапни энди Мақа илиб кетди.

— Кечасидан буён сепи «Бу ерга нега келди-а?» — деяпмиз. «Илвиллаган, дард босган элда нима бор экан?» — деб, биз учовимиз шуни гапиришдик-куй — деди.

Ўзларининг бу ерда нега туришганини сўраган Бой-мағамбетга улар ҳозироқ, шу чойни ичишлари биланоқ жўнашларини айтишди. Бу офат теккан шаҳардан, фалокатдан, дарддан қочмоқчи бўлаётганларини шошганиларича баён этишди. Ешлари улуғ Мақа билан Жуман Абайга тезда қайтишни, шаҳардан қочишни маслаҳат кўришаётир. Абай уларнинг ганини қўя туриб, энди Дамежонга қаради. Аёл ётиги билан гапирди. Шаҳарда шу ўн кунчадан буён ўлим бўлиб турганини, бир юракбуруғи борлигини айтди. Лекин ҳалиги Жуманларнинг қиргин, офат, чивиндең қирилаётир, — дейишганини бошдан-оёқ уйдирма гап деб:

— Олди-қочди, ёлғон-яшиқ шундан чиқади-да. Бола эмас, кап-катта бошлари билан шунчалик ваҳима қилишмаса, нима қиласи-а? — деб қўйди.

Дамежоннинг бу гапидан Мұҳаммельжон ғазабланиб, қизишиб кетди.

— Мана булар, шаҳарнинг жотоқлари бўлса, шусиңгари «ҳеч гап йўқ» — дегилари келади. Ҳамма хонадони шундай, «ўлигини яширсанг, кўмишини қандоқ қиласи?» — деса, нима дейишарди? Ундац кўра, кечаси Абай келиши билан шуни айтсанг бўлмас эдими? Эрталабгача нима қилиб яшириб ўтирибсан?

Дамежон пушаймон бўлиб, кулимсиради. Бу гап ҳамиятига тегиб гапирди. Ялт-ялт этиб кексаларга галма-гал боққаш катта-катта кўзларида бир ажойиб учқун, алангали ўт чақнади. Оппоқ, дона-дона тишларини қуршаган латиф лаблари баъзан истеҳзо билан газабини баравар ифодалайдиган одати бор эди. Ўша кайфиятда гапирди.

— Асли ўзи худойим яхшини ҳам, ёмонни ҳам биз-

нинг Иргизбойга берган-ку. Мени ёзгираётганини қарачи: Хўш, йироқ йўлдан ҳориб-толиб, қоронғи кечада келган меҳмонга: «Бу ерга офат келган», «Бу ерга тушманг!»— десам, у нима деган гап бўлади? Дарвозамнинг тагидан ҳайдаб юборганимми? Аллақандай касални баҳона қилиб чўчитиб, қочирганимми? Унда мен Абай оғамдан бир самовар чойни, бир солим этни аяган, йўқ ердан баҳона топаётган ит бўлмас эдимми?— деди.

Абайнинг шодланиб-кулиб ўтирганини кўрган Дамежон, сўзининг охирини ҳазилга бурди-да, шарақлаб кулганича очилиб-сочилиб гапирди. Абай унинг гапини қувватлаганини билдириб, кулганича бош иргади. Енгилганини билмай, ҳамон баҳс қилмоқчи бўлаётган, Ўзи билан тенгдош қариндоши Муҳаммеджонга у энди буйруқомуз қилиб:

— Кўй, бас қил, эзмаланма? Енгилганингни биладиган бўлсанг, Beste эзма леган ном олар эдингми?— деди.

Дамеждон бу меҳмонлар ичида ўқтамлик, шаддодлик билан гапирди. У аслида шундоқ бўлиши керак. Абай унинг сўзамонлигини ҳозир пайқади. Ўқтамлиги эса, отасига ўхшабди. Бу эркаклар Дамежоннинг қариндошлари, жигарлари. Бу Абайларнинг ўз хонадонининг, Изиқуттининг катта қизи эди. Кўпгина йиллар муқаддам майда-чўйда, ойна, тароқ сотиш учун эски аравада элга бориб юрадиган, бир оёғини силтаб босадиган мана шу майда савдогар Жабикенга Дамежон кунгил бериб, аҳди-паймон қилганда, бир кечада ўша билан шаҳарга қочиб кетган эди.

Булар ҳали ҳам шаҳарнинг бечораҳол қашшоқларидан эди. Тўғри, бола-чақали бўлишди. Яхши бўлмасада, ўз ҳолларига яраша тирикчилик қилишади. Шаҳарнинг четидан элнинг кўп карвонлари тушиб ўтадиган оддийгина ҳовли-жой қилиб олишган. Шу билан бу унинг асосий устуни мана шу Дамежоннинг ўзи. У ҳалиги дай пайтларда ор-номуслилигига бориб, бошидан ошириб гап гапиртирмайди. Шаҳардаги қўни-қўшнилари ҳам унинг бу феълини яхши билишади. Шунинг билан бирга бутун Слободканинг бош жотогидаги кўп қозоқларга ёқсан, қадр топган эди. Ҳали Абай ҳам худди шу хилда ашглаб, унинг гапини маъқуллаган эди.

Бироқ, энди гап унда эмас. Жумонлар у ёқда турсин, ҳатто Дамежоннинг ўзи ҳам «шаҳарда ёмон касал» бор-

лигили яширмади. Үлим ҳам бор дейишаётир. «Бу нима?», «нима қилиш керак?» Абайнинг ўзи нима қилади? Шаҳарга бир катта, зарур иш билан келган эди. У ҳам бор. Энди бу масалани бирорта эсли-ҳушли одам билан сўзлашиб ҳал қилиш керак. Шунинг учун нонуштадан кейин Абай русчалаб тездан бир хат ёзида, Боймагамбетга берар экан:

— Ҳозир тездан отни қўш-да, мана буни Федор Иванович Павловга олиб бор. Вақти бўлса тез келсин, дедим. Бу ерга ўзинг олиб кел! — деди-да, ўзи шу срда Павловни кутиб қолди.

Мақа билан Жумонлар бозор тарафда яна бир ишлари борлигини айтишиб, пешинда жўнамоқчи бўлишиб, бозорга тушиб кетиши. Нонуштадан кейин Дамежон уч ўғлини уларнинг кундаги касблари — ишларига жўнатди. Болаларнинг каттаси, кечаси самовар қўйган новча Жумош, икки инисини эргаштириб кетди. Улар — ўн беш яшар Салижон билан ўн икки яшар кенжа иниси Алимжон. Нонушта устида буларнинг катта-катта кўзлари ялт-ялт этиб онасига боқиб турган бўлса-да, гапга аралашибмади. Индамай ўтириб, овқатланиши. Кейин оналарининг авзойидан кундагидек ишга бориш кераклигини пайқашиб, дарров ишларига кетиши. Уйда, Абайнинг ёнида Жабикен билан Дамежоннинг ўзигина қолди.

Абай аввало бу икковидан уларнинг ҳозирги ҳаётлари, касб-корлари, тирикчиликлари ҳақида сўради. Да-межон ҳол-аҳволларини яширмади. Қариндоши, яқини, ҳатто оғаси ҳисобланадиган Абайга ўзларининг камбағаллик, қашшоқликларини яширмай баёни эта бошлади.

Аҳвол-тирикчиликлари жуда оғир экан. Қўлларида биттагина сигирлари бор экан. Дамежон унинг сутини сотар экан. Ундан кейин ҳалиги уч боласи билан эру хотини беш киши баравар ҳаракат қилишар экан. Уч боласи бу йил кўкламдан буён битта кичикроқ қайиқза эга бўлишибди. Ӯша қайнқда Иртиш дарёси билан Қорасувда у томон-бу томонга ўтишиб, пиёда қатновчиларни ташишар экан. Ора-чўра қўллари бўш қолганда оролдан чўп чопишиб, ёлғиз сигирларига олиб келишар экан. Ёз бўйи оролдаги ўрмондан қуриган шох-шаббларни, қуриган дарахтларни ташмалаб, қишлиқ ўтиниғи ғамлашар экан. Уч боласининг бировга орқа қилмай, бир-бирининг ёнига киришиб, эпди ўз ҳолларича кун ке-

чириш чорасини кўра бошлаганларига Дамежон билан Жабикен кўп шукур қилишар экан.

— Шу йил кўкламдан буён, ёши ўн иккига тўлгандан кейин, ҳалиги кичик ўғлимиз Алимжон ҳам акаларининг ёнига кириб, қайиқнинг бир эшкагини ушлаб ўрганиб юрибди!— деб Жабикен ҳам Дамежоннинг гапига аралашиб қўйди.

Дамежоннинг гапидан маълум бўлишича; бу хонадоннинг шу кунларда қилиб ўтирган тамаддиги ўша болаларнинг кундагисини кунда топиб келадиган озроқ чақалари экан. Бунинг устига кунда бўлмаса-да, ондасонда Дамежон билан Жабикен ҳам унча-мунча даромад қилишар экан. Айтишига қараганда, қишин-ёзин Дамежон тумоқ, телпак, дўлпи тикар, уни Жабикен бозорга чиқариб сотиб келар экан. Баъзан Дамежон мана шу бош жотоқдаги бадавлат хонадонларнинг аёллари учун зарҳал жияклар тикиб, пўстин, камзул, гуппи, кўйлакларини бичиб, тикиб ҳам берар экан.

Бундан аввалги йилларда бу хонадондаги беш жонни Дамежоннинг қўл ҳунаригина асраб келибди. Бу атрофдаги қозоқ қўшниларнинг аёллари Дамежонни жуда яхши кўришар экан. Унинг гапини ҳам, ўзини ҳам, айниқса қўл ҳунарини ҳам қадрлашар экан. Бундан Жабикен хурсанд бўлиб, шу гап орасида Дамежонга меҳр билан қараб ўтирди. Абай билан ўз хотинига галма-гал кўз ташлаб, қадрли меҳмоннинг ўз синглисини мақтанини кутиб, кулимсираб, қаддини ростлади.

Ҳақиқатан ҳам Абай Дамежоннинг кўнглини кўтарди. Унинг ҳунарини, чеварлигини катта бир баҳт деб билди. Асл оналик фазилати деб баҳо берди. Лекин, ўзлари ҳақидаги бор ҳақиқатни Абайдан сир тутгиси келмаган Дамежон йўқчилик, муҳтоҷликларини ҳам яширамади.

— Қисқаси, ўзингиз сўраганингиз учун айтиётирмизда. Ҳаммамиз бир бўлиб, товуқдек чўқилаб топиб, терганимиз фақатгина оби ёвғон билан устимиздаги бир сидра энгилгагина етади, холос. Ундан бошқасини «бор, йўқ» деб нима қиласилик.Faқат бирорнинг эшигига бориб, бирорнинг қўлига қараб, меҳру шафқат тилаб қўл чўзганимиз йўқ! Меҳнати кўп, баракаси йўқ ҳаётимизнинг ҳақиқати шу, Абай оға. Атрофимиздаги қўшниларимизга, кўп қашшоқларга қараб:— биздан ҳам камбагаллар бор, биздан ҳам яланғочи, биздан ҳам қорни

очлар бор-ку. Үшалар ҳам ўлмай юришибди-ку, деймиз. Мәхнатимизни сарф этайлик деб, кечаю кундуз қаддимизни күттармай, тирикчиликнинг ҳаракатидамиз!— деб хўрсишиб қўйиб, Дамежон ўйчанлик билан ўзлари ҳақида гапга хотима берди.

Шундан кейин Абай юқорида айтилган касал, ўлим ҳақида яна сўради. Дамежон энди чиндан ҳам оғир дард ҳақида ётиғи билан, батафсил сўзлаб берди.

— Узоқдагиларни билмаймиз, эшишишимга қараганда, у томонда ўлим сийракроқ бўлса керак!— деб Дамежон янги гапга кўчганида, Жабикен ҳам аралашиб:

— У томоннинг ҳам анави Затон томони, чет-четларида касал кўп дейишяпти.

Дамежон унинг гапига эътибор қилмади.

— Енимиздагиларни, мана бу томондагиларни, ўзимиз билганларни айтайлик-чи, бундай пайтда довруқдан, олди-қочдидан ёмони йўқ!— деди.

Абай бош иргаб қўйди.

— Аниқ кўрганларингизни, атрофингиздагиларни айтинглар-чи. Шу ерда ҳам касал билан ўлим борми?

— Уша, бор-да!

— Бор бўлганда ҳам кўпайиб кетяпти!— деб, энди очиб айта бошлаган Жабикен яна гапга аралаши.

— Қани, кимлар! Ким касал бўлди, ким ўлди?— деб сўраган Абайга, бу иккви бири олиб, бири қўйиб, мана шу сўнгги икки ҳафта ичидан қазо қилган қўшниларини санаб бера бошлаши.

— Қерейбойни танирмидингиз? Энг олдин ўшанинг кекса онаси ўлди. Ундан кейин Содиқ деган чол қазо қилди.

— Семейбойнинг оласи ўлди. Жилқибойнинг отаси, Жумобекнинг хотини, мана бу рўпарамиздаги Жубондиқнинг учбирдек ёш боласи ўлди!— деб Жабикен болаларнинг ҳам ўлимини эслатганида, Дамежон ҳам:

— Болаларда ўлим жуда кўп! Ҳали мен катталарни айтган эдим. Не-не кўзнинг оқи-қорасидек, бироннинг ёлғизи, бироннинг тўнғичи, кўп уйларда ўлим бўлиб турибди.

Абай буларнинг гапидан оғатнинг пақадар оғирлигини ашглай бошлаб, чордопасини қуриб олди-да, Дамежонга тикилганича ўтири.

— Хўш, эркак-аёл, катталар-чи? Миришкор, меҳнаткаш одамлар қалай? Улэрда касал камми дейман. Ҳа-

лиги айтган хонадонларингизни биламан-ку, аслида кексалар билан болаларда ўлим қўпми дейман?

Унинг гапини Жабикен қувватлай кетди:

— Шундай, шундай! Бу гапингиз жуда тўғри. Дамежон бу гапга унча қўшилмади. У бошқаларнинг ўлими ни ҳам эслади.

— Нега, нега ундоқ дейсан?— деб шаҳло кўзларида ўйчанлик акс этганича ялт этиб Жабикенга бир қарадида,— Буқпа, Сапар, Қайир, Исобеклар-чи? Улар тепса, темирни узадиган баҳодир азаматлар эмасмиди!— деди.

— Э-э, ҳаммаси ҳам серғайрат, эзилган меҳнаткаш, силласи қуриб юрган шўрликлар-ку! Мойкада жун ювиб, тери ёйиб юрган, кунини ўтказа олмай келган оч-яланғочлар эди-ку!— деб Жабикен кўхна кулбалар аҳлиши, қашшоқларни эслади. Дамежон бу гапни маъқуллаб, бош иргаб қўйди-да:

— Рост-а, Абай оға, яна бир пайқаганимни айтайми? Шу дардга оч-яланғоч хонадонлар билан оғир меҳнатдан эзилиб, азият чекиб кетган эркак-аёллар тезроқ йўлиқадиганга ўхшайди. Унинг устига жуда юқимли касал экан. Ҳайтовур, мана шу қаторимиз, девор қўшиниларимиз, беш-олтида уйимизгина ҳозирча омон турибди. Шунга шукур қилиб, болаларни ҳам ҳеч ерга чиқармай, унча аралашиб-қуралашмай, қўлимииздан келганча сақланиб ўтирибмиз!— деди.

Қозоги кўп Слободка деб аталадиган бу томоннинг қальясида ҳар хил бойлар, иирик савдогарлар, бадавлат олиб сотарлар бор эди. Үшаларнинг орасида фалончи бойвачча, тугинчи ҳожи ака, бой акалар бор эди.

Үй эгаларининг жавобларига қараганда, аҳёнда бир бўлмаса, ҳозирча ундейлардан «фалончи ўлди» деган хабар эшитилмабди. Бир оздан сўнг Дамежон билан Жабикен бу касалдан ўсал тортиб, ўлимга юз тутган кишиларнинг ранги-рўйи қандай бўлиши ҳақида сўзлашди.

Дард енгган беморнинг ранги-рўйи жуда бузилиб кетар экан. Дамежоннинг айтишича: кўзлари ўпирилиб, бурни, ияги сўррайиб қолар экан. Кўзларининг атрофида «ўлим тамғаси» дейиладиган бир кўкимтири гирдоб пайдо бўлар экан.

Жабикен билан хотини мана шу шаҳардаги эл оғзида юрган гапларни даҳшат ичидаги чўчиб сўзлашмоқда.

— Одамнинг нафаси музлаб кетар экан.

— Қўл-оёғи тошдек қотиб қолади!

— Сүзлаганда товуши гүрдан чиқаётгандек жуда ўзгариб чиқади дейишади.

— Оғзидан ҳам, кетидан ҳам тинмай кета берар экан!— деб Жабикен яна бир томонини айтганида, Да-межон қовоғйни солиб қолди-ю, дархол гап бошлаб:

— Одамнинг чанқоги асти босилмай, сув-сув деяверар экан. Нимасини айтасиз. Ҳалиги маҳшаргоҳда кағанига чўлғаниб, гўридан чиқиб ўтиради, дейишади-ку муллалар, шунга ўхшаш бир гапга ўхшайди, одамнинг бошига тушган бир мушкул-ку!— деб сўзини тамомлади.

Боймагамбет бошлаб келган Федор Иванович Павлов шу чоғ буларнинг устига кириб қолди.

Абайнинг бараваста гавдаси тез қўзғалиб, ўтирган жойидан иргиб турди. Қўз тутаётган меҳмонини шодлануб қарши олди. Федор Иванович индамай қучоғини ёзиб келди-да, ўпишиб кўришди. Анчагача Абайнинг қўлини қаттиқ қисиб, силкитиб турди.

Бир оздан кейин, Павлов жойлашиб ўтириши билан-поқ Абайнинг бу ерга қандай иш билан келганини сўради. Даставвал учрашиш пайтида Абай дўстининг ҳалиги саволига жавоб бериш билан банд бўлди. У, бу сафарга чиқишига мажбур экан. Негаки, Петербургда ўқишини битириб, бир оз вақтга отпуска олиб, элга келган Абиш энди Олмаотага, хизматга тайин қилинган жойга кетмоқчи экан. У яқинда элда ўзининг қаллиқчаси Магишга уйланибди. Бу гапни эшитган Павлов қисқача қутлуг бўлсин деди-ю, Абайнинг сўзини бўлмай қулоқ сола берди.

Абай келини билан ўғлини ўша йироқ сафарга жўнатгани келибди. Бунинг устига Абишнинг йўлига пул тайёрлаш керак экан. Шу туфайли мана шу бозорга мол ҳайдатган экан. Энди ўша молни тезроқ сотдириб, пул қилиб, Абишнинг керак-яроғини битирмоқчи экан. Узи ҳақида сўзлаб келиб, Абай энди кулимсирап, Федор Ивановичга:

— Буларнинг устига устак, шаҳардаги дўстларни соғиндим. Шаҳарни кўргим келди. Шундай қилиб, келиб қолдим. Қани энди шаҳрингиз, ўзингиз ҳақингизда сўзлаб беринг-чи, Федор Иванович! Александра Яковлевна қалай? У одам доктор-ку. Шаҳардаги мана бу касаллик ҳақида нима деяётир? Менга бу ишларнинг ҳаммаси қоронфи. Менинг идрокимга шуъла беринг-чи?— деб ҳазил

қилди, ўзи ўқиган баъзи бир китоблардан қаҳрамонлар сингари сўзлаб.

Федор Иванович Абайга аввало фақат касаллик ҳақида гапирди. Унинг хавфи билан бир қийинчилиги тўғрисидагина сўзлади. Ўзи доктор бўлмаса-да, олдин «Сашадан эшитганим» деб, ўзининг хотини доктор Александра Яковлевнани эслатиб ўтди. Абайга унинг саломини етказди. Шу касал бошланганидан кейин Александра Яковлевнани бу томоннинг касалхонасига юборган экан. Павловнинг айтишига кўра, бу касал Россияга сўнгги олтмиш-етмиш йил ичида шунинг билан учинчи марта тарқалиби.

Ўзи ниҳоятда хавфли, юқимли касал,— одам танламайди. Барчага баравар оғат. Илгари ҳам, ҳозир ҳам Ҳиндистондан тарқалган экан. Шундан кейин Россияни, Европани, Англияни, Хитойни, Японияни ҳатто Шимолий Американи ҳам оралаб ўтган экан. Ҳозир Россияяда эллик-олтмиш губернияга ёйилибди деган миш-меш бор. Лекин ҳар ерда халқнинг ҳаётига, шароитига қараб, урфи-одатига кўра бу касал турлича ўтар экан. Хотини Абай сингари халқпарвар одамларга айт, деб Павловга топширган сўзлари бор экан. Павлов аввалги гапларни қисқа-қисқа қилиб келди-да, бундан кейинги сўзларига Абайнинг алэхига дикқат қилиб қулоқ солишини ўтиди.

Шундан кейин қозоқ халқи ҳақида сўзлади. Бу халқ ўллини кўп ардоқлаб кутар экан. Бирор ўлса, ўшанинг уйига, жанозага жуда кўп одам келади. Янги ўлик чиққан уйга ҳаммаси кира беради, кўпинча ўша ерда овқат сийшади. Бир эмас, бир неча бор йиғилишади. Бу ишлар ҳозир мана шу Слободкадаги қозоқ халқи орасига мана бу ёмон касални жуда тез тарқатиб юбораётир. Ким орқали халққа маслаҳат бериб, шу ишларни тўхтатиш мумкин? Қимнинг сўзига қулоқ солади? Қаерга бориб халққа айтиш мумкин? Бозордами, мачитдами? Қандай бўлса ҳам, халқ ғамхўри бўлган одамлар тездан ёрдам беришмаса бўлмайди. Бу бир. Иккинчидан, Павловнинг ўзи қўшимча қилиб айтмоқчи бўлган гапи ҳам бор экан. Илгарилар барча элларда, шаҳарларда бўлганидек, ҳозир Слободкада ҳам кўпроқ қашшоқлар ўлаётир. Айниқса оғир меҳнат аҳли билан оч-яланғоч, беҳисоб кўпчилик орасида ўлим кўпайиб кетди. Гап шу ерга келганда Павлов Затонни, бир неча заводни, мойкани

айтиб ўтди. Ушаларнинг ҳаммасида ҳам рус, қозоқ, татар меҳнаткашлари уй ичлари билан кўп ўлаётган экан. Павловнинг энди Абайнинг ўзига ҳам қаерда туриши, қандай юриши тўғрисида берадиган маслаҳати бор экан. Бу тўғрида қисқача қилиб, дўстона буйруқ тарзида гапирди.


— Ибрагим Кунанбаевич, ниҳоят Саша икковимизнинг сиз билан Боймагамбетга берадиган бир буйругимиз бор. Ҳа, буйруқ! Сиз фақат эшитинг-да, қабул қилинг! Сиз бу уйда турманг, чунки бу хонадон ичадиган сувини дарёдан олади. Бу сув ҳозирча касал тарқатувчининг биттаси. Ҳозир касал ружу қилиб, ўлим кўпайиб турган пайт. Слободканинг шу жойи билан қўйин томони хавфли ерлар. Сиз тездан Слободканинг ўрта қисмига, яна ҳовлисида қудуғи бор уйга кўчинг. Ундан кейин қаттиқ чарчамасликка тиришинг. Овқатни кўл очиқ масдан енг. Бу касалга очлик қандай хавфли бўлса, мечкайлик ҳам шундай хавфли. Ҳар бир овқатни озроқ-озроқ тўйгунчагина ейиш керак. Қани энди...— деб Павлов кулди-да,— бундан бу ёғига шу хилда гапира берсам, доктор бўлмасам-да, докторлик қиласидан шарлатан бўлиб кетмай деб қўрқаман. Шундай ҳолга тушмай бас қиласай. Иложи бўлса, халқа сўзи ўтадиган одамлар орқали ҳали мен даставвал айтган гапларни шаҳардаги қозоқ халқига уқдиришига тиришинг?— деди.

Яна бир оз суҳбатдан кейин Павлов Абай билан тез-тез кўришиб туришга ваъдалашди-да, кетишига ҳозирланди. Зийрак Дамежон Абайнинг бу русни қанчалик ҳурмат қилишини яхши фаҳмлаган эди. Мехмон кетмоқчи бўлаётганда Абайга қараб:

— Абай оға, овқат пишиб қолди. Бу одам қадрдинингизга ўхшайди, овқатга олиб қолсангиз-чи?— деди.

Абай бу гапни таржима қилиб берганида, Павлов ўнг қўлинни кўксига қўйиб, бош эгди. Катта-катта, жозибали кўзлари Дамежонга мулойим боқиб, кўп одоб билан раҳмат айтди-ю, лекин овқатга турмади.

Иргизбойларнинг нонуштада бўлган серсоқол, сергап эзмалари тушлик овқатга ҳам етиб келишди. Энди улар отларини қўштириб қўйиб, Абай билан гўшт сб олгани ўтиришибди. Жўнаш олдидан Абайга жонкуярлик, фамхўрлик қилиб, иккита-учтаси бирлашиб, бир «маслаҳат» беришибди. уни Мақа бошлаб, Жумон қувватлади. Бести эзма — Муҳаммеджон ҳам оталаридан қо-



лишмай ўтириб, гапни тамом қилди. Улар Абайга «ҳозир элга қайтайлик» дейишиди.

— Тұсатдан келиб қолибсан, қирилса, шаҳарнинг ўзи қирилсин. Элга етиб олайлик, балодан қочайлик, тезроқ жүнаб қолайлик? — дейишиди.

Абай буларнинг гапини чала-чулпа эшишиб: «Эл қириладиган бўлса, қаерга кетар эдик. Бу ерда ҳам беҳисоб халқ. Ундан қўрқиб, жонимни олиб қочаманми?» деб қўя қолганди.

Шунга кўра Жумон ўзинча донолик қилиб, йўл кўрсатмоқчи бўлди.

— Қанақа эл ўзи, у айтаётганинг? Шу ердаги қирқ уруғдан қуралган шаҳарнинг жотоги ҳам эл бўлибди-ми! Киройи элим десанг, ана у тинч далани тутиб ётган, бир отадан тарқалган қариндошларинг — тўбиқтиликларни айт-да. Қаёқдагиларни халқим деб, нима деяётир ўзи-а? — деди.

Абайнинг жаҳли чиқиб кетди. Қаттиқ жеркиб:

— Бўлди, ичар ошингни ичдинг! Айтадиган худоининг амонати, бемаъни зэмалигингни қилиб бўлдинг. Энди тур, жўна! Менда нима ҳақларинг бор? Кимни халқим дейишимнинг сенларга кераги йўқ! Бор, бора-веринглар! — деди-да, ғазабланиб, ўқрайганича, учала Иргизбойни ҳайиқтириб, уйдан чиқариб юборди.

Ўзи Дамежонга, бошқа жойга кўчиши зарур эканлигини ётиғи билан уқдиради. Абай турган уйга эртаю кеч келди-кетди кўп бўлади. Иқим-чиқим ҳам, бехаловатлик ҳам кўп бўлади. Яна орқасидан, овулдан келадиганлар бўлади. Шунинг учун кенгроқ жойга жойлашиши зарурлигини айтди. Дамежоннинг кутганига раҳмат деди. Шундай қилиб, бу томондаги, ўзи мудом тушадиган тошкентлик Қумошнинг уйига кўди.

Қумошнинг уйи бу томоннинг ўрталик ерига яқин, бош жотоқ мачитининг ёнида эди. Ости қизил гишт, таҳтавонлик қилиб солинган, эски чодирли икки қаватгина ихчам уй, кўзга ҳам кўриниб туради. Дарвозаси ҳам ўз вақтида баланд қилиб яхши таҳтадан ишланган. Панжаралари ҳам Сибирдаги рус шаҳарлари таомилига кўра таҳтадан ясалган. Дарвозадан киргач, катта ҳовлининг тўрида ѡт-арава турадиган — «лапас», «заездний» деб аталадиган бостирмалари бор. Икки қаватли уйнинг пасти ва устки қаватида ҳам Қумошнинг ўз хонадони, меҳмонларигина туради.

Абай баъзан иккинчи қаватдаги хоналардан бирида турса, баъзан кирди-чиқдига қулай деб, пастки қаватга жойлашарди. Күча томондаги кенг, кунгай хонани танлаб оларди. Бу гал ҳам ўша уйга тушди.

Бу томонда «бош жотоқ», «ўрта жотоқ», «қуий жотоқ» ёки «Тинибой жотоги» деб қозоқлар бўладиган шаҳар бўлимининг (даҳасининг) ўрта жотоги ўша Қумош уйининг рўпарасидан бошланади. Аслида бу атрофда бир қаватлик қизил гиштин уйлар, икки қаватлик тунукавонлик, тахта чодирлик уйлар кўп учрайди. Қозоқ савдогарлари билан татар савдогарлари кўпроқ турадиган жой, мана шу Иртиш дарёси бўйлаб солингган икки-уч кўча.

Бу томоннинг бозори, дўконлари шу кўчаларнинг жануб томонидаги тепаликда. Ундан қуйироқда, ўша тепаликни бўйлаб Слободканинг руслар яшайдиган қисми келади. Бу томоннинг касалхонаси, каланчаси, почтаси ҳам шу ерда. Слободканинг ҳокими «зеведейши»нинг маҳкамаси ҳам шу ерда.

Абай Қумошнинг уйига кўчгандан кейингина, ўзини шаҳарга келгандай ҳис қилди.

Ўша куни кечқурун Боймагамбетни юбориб, ўзи турган катта, кенг уйга Слободканинг бир билимдон одами — Сармуллани айтдириб келди.

Сармулла вабодан ўлган одамларни кундузи Абай эшитганидан кўра кўпроқ санаб берди. Унинг ўзи маҷитда имом ҳам эмас. Халфа, қори, маҳдумлар сингари диндорлар билан ҳар кун учрашиб турадиган одам ҳам эмас. Сармулла аслида бир гала болаларни, ёшроқ шогирдларни йигиб, ўз ҳолича уйида ўқитиб юрган бир устоз эди. Шунда ҳам шогирдлари, қўни-қўшнилардан эшитиб билганларни Абай учун кўп янгилик бўлди. Сармулла дарёнинг у томон, бу томонидаги шаҳарни маҳаллаларга бўлади. Бу томонни «Бош маҳалла», «Тинибой маҳалласи» деб иккига бўлади. У томонни эса, етти мачитга тааллуқли қилиб, етти маҳалла дейди.

Касал, ўлим шуларнинг ҳаммасида ҳам бор экан. У қашшоқларнинг, оч-ялангочларнинг ёки оғир ишдаги меҳнат аҳлининг кўп ўлаётганинг фарқига бора олмади. Ўзи жанозаларга кўп аралашмаганидан, ўликка қилинаётган хайри-худойиларни унча билмас экан. Лекин, ҳарқалай мачит, мадрасалар атрофидаги имомлар билан маҳдумлар, қўрилар, халфалар мана шу офат кезида

жуда бойиб кетишаётир деб билар экан. Гапнинг салмоғини шунга солиб гапирди. Баъзи бир ўчи бўлган қори, халфа, маҳдумларнинг номини ҳасад билан айтди. Айниқса ўшаларни кўп ёмонлади.

Унинг айтишига қараганда, мана шу бош маҳалладаги Шарибжон халфа, Самат қори, кўр қори, Сомурот маҳдумлар ҳозир шодланишиб, терисига сиёмай юрган экан. Улар жанозадан, исқотдан, хатимдан ҳамда ўлганиларнинг еттиси, қирқидан кечаю кундуз беҳисоб йигим ундириб юрган экан.

— Иброҳим мирза, асли шубҳа қилманг, Шарибжон халфа, Сомурот маҳдумлар шу офатда халқ тортаётган кулфатдан хафа бўлади дейсизми? Йўқ-йўқ. Албатта улар борлиғи билан қувонади, семиради. Бунчалик йигим уларга ҳайит кунларида ҳам тушган эмас. Нега шодланмасин! «Ўлимли ерда мулла семиради, ўланли ерда ҳўқиз семиради» — деб қозоқ халқи кўп билиб айтган. Мен булардан, ҳатто ҳазратнинг ўзидан ҳам ҳафсалам пир бўлиб кетган. Уларни шу қадар айблайманки, халққа ачинмайдиган озғинлар дейишга ҳам ботила оламан! — деди.

Абай халққа шу сингари жаноза ўқиш, ош бериш, ҳатим қилиш ҳақида маслаҳат бериш керак, деди. Ўликни озгина одам билан тез чиқариш, сақланиш зарур деди. Шу гапни кўпчиликка етказиш шарт деди. Сармулла бўлса, Абайнинг сўзига қўшилиб, ўзи кўролмайдиган маҳдумлар, халфаларни бадтар ёмонлай берди. Энди Абай гапга хотима бериб, гамгин ўтирган эди. Сармулла шу вазиятни пайқаб, эҳтиёт бўлиш учун халққа насиҳат қилиш кераклигини жуда қувватлаб гапирди. Бироқ, гапни шундан бошласа-да, яна Шарибжон халфа, Самат қори, Сомурот маҳдумларнинг бундай насиҳатга нақадар қарши чиқишига тўхталиб, ўшаларнинг халқ учун асти қовурғаси қайишмаслигини эслаб ўтди. Кўзини юмиб, бошини чайқаб, танглайини қоқа-қоқа сўзлади.

Абай Сармуллани дин бошлиқларида бошқачароқ кўрарди. Унинг шарқ шоирларининг асарларини яхши билишини, ўшаларнинг кўп китобларини сақлашини яхши кўрарди. Абай ундан Шайхи Садъий, Хўжа Ҳофиз, Алишер Навоийнинг баъзи бир девонларини ўқиб беришга олиб юрарди. Бошқа имом, ҳазратларга нисбатан унинг умуман дунёга қараши кенгроқ деб билар

эди. Шаҳарлик қозоқ халқининг ҳам ўз болаларини кўпроқ шу муллага беришини билар эди. Аммо Сармулла-нинг бундан бошқа ички сирини Абай билмас эди. Ҳозир шаҳар халқи бошига шу сингари мусибат тушиб турган пайтда «шу одам маслаҳатгўй бўлар» деган бир умид билан чақиртирганди. Лекин яхши гаплари билан бирга у ҳам шу ердаги барча муллалар сингари: «Жанозадан анави кўп олди, исқотдан манови кўп топди. Менга оз тегди, четда қолдим!» — деб ўзича ҳасад ўтида ўртанадигандек кўринди. Сармулла бутун гапни ўзининг ўчи, рақиби бўлган халфаларни ёмонлашга буравергандан кейин бир вақт Абай уни танқид қилиб, қаттиқ-қаттиқ гапирди.

— Сармулла, сабр! Шоир айтган-ку: «Бошқанинг бир айбини менга келиб айтган киши, менинг юз айбимни бошқаларга ҳам бориб айтади» — деб. Шу сингари ўлим, оғир мусибат тушиб турган бир пайтда орага ўчлик-қасдликни қўшмай қўя қолсангиз-чи! — деди.

— Албатта, албатта, Иброҳим мирза, шубҳа йўқ, тўғри айтаётисиз. Айб ғарибингиздан ўтди! — деб Сармулла қизаринди-да, телпакли бошини қўйи солди. — Менга қандай маслаҳат берасиз, энди шуни айтинг-чи! — деди.

Абай унга:

— Ҳеч бўлмаса мачитга, намозга йигиладигац одамларга, жуда бўлмаганда жума куни хутбадан кейин маҳаллакўй-гузардагиларга маслаҳат беринг! — деди. — Мана шу юқимли дардан сақланиш учун жаноза, хатим, оши беришларни бошқача қилиш керак. Оз одам билан ўтказиш маъқул денг! — деди.

Сармулла Абайдан кўп хижолат тортган эди. Кўп ўтиромлади:

— Хўп, хўп! Баракалло, мен энди ўз ҳаракатимни қиласман. Уйда ўзимга-ўзим айтиб ўтиргунча, маҳаллакўй-гузардагиларга айтишнинг чорасига киришаман! — деди.

Сармулла кетаётганида Абай ўрнидан туриб, сиполик билан қўл олишди. Хайрлашаётисб:

— Айниқса шогирдларингизга қаттиқ тайинланг. Сизнинг маслаҳатингизни ота-оналарига, қўни-қўшниларига тарқатишин. Сиз ўқитган шогирдлар ичида бу кунларда азамат бўлиб қолганлари ҳам бор-ку. Ӯшаларга ҳам айтдириб юборинг. Аслида маҳалла халқи

сизларни устоз деб билишади-ку. Бошқалардан кўра сизларнинг сўзингизга тезроқ ишонишади-да! Шу сабабли шаҳардаги барча дин устозларининг халқ олдидаги, шу кунлардаги масъулияти бениҳоя катта деб биламан. Буни сизларнинг виждон, ахлоқ, одамгарчилик олдидағи бурчларингиз деб санайман! Шундай эмасми?— деди.

Сармулла яна бош иргаб:

— Албатта, албатта!— деб нимадандир ўнгайсизлангандек илдам ва собит одимлар билан чиқиб кетди.

У шу кетипидан Қумошнинг уйига яқин ердаги мачитга хуфтан намозига кетди. Кўча қоронги эди. Икки муюлишдан айланди-ю, мачитнинг чорвоғидан кирди. Намозга одам йиғилишини кутиб ўтирган ўттиз-қирқ киши бор экан. Булар маҳалланинг диндор, намозхон кексалари билан мачит-мадрасалардаги муллаваччалар, халфалар эди. Сармулла шуларнинг ёнига борди.

Коронги кечада мачитнинг жиловида чўққайиб ўтирганларнинг кўпи сукутда, ғамгин. Ивир-шивир қилибгина сўзлашишади. Икки киши ёки уч киши ўртасида кетган бир-икки оғиз сўз ҳам тез-тез узилиб туради. Гарчи кеча қоронги бўлса-да, Сармулла ўтирганларнинг кўпчилиги маҳалланинг оддий одамлари эканлигини пайқади. Ўтирганлар шу мачитнинг имоми, кекса ҳазратни кутиб ўтиришган экан. Сармулладан кейин намозга яна ўнтача одам келди. Булар ҳам шаҳарлик, меҳнат аҳллари. Йиғилишиб ўтирганлар ичиде мачит, маҳалла бошлиқларидан фақат кўр қори билан Сомурот маҳдум бор экан. Сармулла ҳали Абай билан суҳбатлашиб чиққанича, сал қизишган, хижолат тортган ҳолда эди. Товушини барада қўйиб, гапни халқ бошига ўлим тушиб турган пайтда дин устозларининг хулқларидан уялишга тўғри келишидан бошлади. Бунга Сармулланинг ёнида ўтирган қора соқол, саллалик кекса муллаваччанинг саволи сабаб бўлди. У Сармулладан бугун неча жойга жанозага бордингиз, деб сўраган эди. Сармулла аввало ўтирган кўпчилик эшитарли қилиб:

— Мен бугун ҳеч ерга жанозага борганим йўқ, бундан кейин ҳам мумкин қадар бормасликка тиришаман!— деди.

Бу гапни эшитиб қолган кўр қори билан Сомурот маҳдум бараварига:

— Астоъфурулло, астоъфурулло!

— Куфурга кетдингиз-ку, мулла!

— Исломиётга хилоф гап! Қайтинг бу раъйдан! Кафорат гапингизни қайтариб олинг! — дейишди.

Бу вазият Сармулла оғиз очиши биланоқ, дин бошлиқлари билан баҳслашиб, олиша кетишига сабаб бўлди. Шундан кейин Сармулла ҳамма эшитарли қилиб, шатирлатиб гапира берди. Оғир-оғир гапларни тўкиб сола бошлади. Бу ерда ўтирган нуқул диндор қавмнинг кўпчилигига мутлақо кутилмаган, қулоқ эшитмаган қалтис гаплар айтилаётир.

Индамасликнинг иложи йўқ. Касал кучайиб, ўлим кўпайиб, аҳли маҳаллалар беомон офатга учраб кетаётир. Кемани тўлқин уриб, бор одам ғарқ бўладиган ҳолатга етганда, қандоқ қилинар эди? Ҳар замоннинг ўз дуоси бўлади. Бу вабо касали — юқимли касал. Шунга кўра, жанозани, исқотни, хатимни, ўлик чиққан уйдан овқат ейишни, еттиси-қирқини беришни ҳозирги кунларда мутлақо бошқача қилиш керак. Касал тарқалмаслиги учун, кўпчилик офатга учрамаслиги учун энди жанозани, хатимни, ҳатто бошқа ҳаракатларни ҳам камайтириб, мутлақо ўзгача қилиб адо этиш зарур. Шуни аҳли маҳалла билмоғи, шунга қараб амал қилмоғи керак! — деди.

Бу гаплардан тош ёрилгудай бўлиб, ерга тупуриб, ичидан дуойибад қилиб, тutoқиб ўтирган ҳалиги қори билан маҳдум бараварига тарсиллатиб:

— Сиз, жаноза қандай бўлсин дейсиз?

— Хатим қандай бўлсин дейсиз?

— Жамоат йигилмасин, мусулмончилик бурчи адо этилмасин дейсизми? — деди.

Сармулла буларнинг гапини эшитиб бўлиб, қовоғини согланича қисқа, кескин жавоб берди.

— Жанозага дин устоzlаридан бир кишигина борсин. Бир киши хатим қилсан. Ош-сув қилинмасин. Бекорга жаноза, исқот хатимга бориб, индамай ўтириб, тушган пулни таги йўқ ҳамёнларига ура берадиган қорилар, маҳдумлар юришини тўхтатсан! — деди.

Бор гапни атайин ўзининг иккита душмани — кўр қори билан Сомурот маҳдумга тегизиб гапирди. Бадтар ўчакишиб:

— Улик чиққан ҳар бир уйга бора бермасин, касал тарқатмасин, инсоғга келсин! — деб қизишиб, ўрнидан туриб кетди.

Махдум билан қори ҳам ўринларидан ирғиб туринди. Бақириб-ҳайқиришгудек мажоллари қолмаган бўлса-да, тўнгиллаб койишиб, тутақиб гапиришди.

- Сиз диндан чиқдинги!
- Сизга шариатнинг ҳукми керак!
- Куфурга кетишида ҳаддан ошиб кетибсиз.
- Астоъфурулло, нима деяётир-а?
- Номард!— дейишиб, Сармуллага нисбатан ғазаб билан кек қайнай бошлади.

Булардан бошқа, намозга келган кўпчилик бўлса, Сармулланинг гапларига қунт қилиб, берилиб тингландек бўлишди. Махдум билан қорининг ғазабли сўзларидан юз ўгиришиб, уларга чап беришиб, Сармулла ни қуршай бошлашди. Шу чоқ четда ўтирган бир-иккита кексалар «ҳазрат, ҳазрат келаётирлар»— дейишиб, ўринларидан туринди. Ҳамма гапга хотима берди. У барваста, оқ соқол эди; қўлида эса узун ҳасса, бошида катта салласи бор; оёқларини ардоқлаб, аста-аста босиб келаётган дин бошлигини жамоат ўнидан туриб қарши олди. Намозга ихлос қилиб, мачитга кириб келишаётгандарида ҳам ҳалиги қори билан махдумнинг чеҳраларидаги ғазаб ва қасдлик аллангаланиб турганди. Бетав-фиқлик билан ҳасадли ғазаб аслида ўзи диндор киши муножот уйига олиб кирадиган фалокат эмас-ку.

Бироқ, ҳалиги қори ўша кайфиятда хуфтани намозининг орқасиданоқ қуръон бошлаб юборди. Мана шу маҳалладаги бугун вафот қилган мусулмонларга бағишилаб «ёсин валқуръонулҳаким»— деди кўзларини юмиб. Узун сурани бухорочасига қироатини келтириб, ёддан чўзиб кетди. Лекин илгари бир умр янгишмайдиган кўр қори, суранинг бошини ўқирган, Сармулланинг ҳалиги гапларини ғазаб билан эсига олди. Хаёл ўшанга оққанда, ўқиётган сурасидан янгишиб кетди. «Латунзира қавман ва унзира» деган жойига келганда «қавманнинг» ўрнига «қалъан» деб қолди-да, атрофидаги ҳалфамуллаваччалар, махдумларнинг бирданига йўталишиб қўзғалиб қўйишганинни фаҳмлади. Ўзи ҳам қўзғалиб қўйиб, қайта-қайта томоғини қириб, ичидан Сармуллага ўқ отиб юборгудек бўлиб, «казоб!» деб ҳам юборди. Шундан кейин яна товушини чиқариб, қироатини келтириб, шариллатиб ўқиб кетди.

Сармулла бўлса ҳалиги ерда намоз ўқиётган мулла эмас, ҳамма биладиган «ёсинда» кўр қорининг янгишиб

ўтиришини эрмак қилди. Мийигида кулиб, ичидан «ажаб бўлди» деяётгандек.

— Кўр қорини худо урди. Менга қасдлик қилгани учун «каломи шариф» урди, деб хурсанд бўлди.

Ўша кечадан намоздан тарқалганлар уй-уйлариға муллалар ўртасидаги баҳсни айтиб боришиди. Шу кеч намозга келганларнинг кўпчилиги чаласавод, фақат ёшилари улғайиб қолгандан кейин бир-бирларига қараб, намозга ихлос қилган бўлиб юрган шаҳарлик олиб сотарлар, сабаби овқат қилувчилар, шу мачитга яқин ерда каттами-кичикми ҳовли-жойи бўлган қозоқ савдогарлари эди. Асли Слободка халқининг кўпчилиги қозоқ бўлсада, мана шу бош маҳалла ёки қозоқча «Бош жотоқ»нинг жамики халқи қозоқ эди.

Уйлариға саҳродағи кўп эллардан келадиган — карвон тушадиганлар ҳам шулар. Албатта булар бош жотоқнинг кўпчилик халқини ташкил қилмайди. Кўпчиликни турли-туман иш қиласидиган, қўл учидаги кун кўрадиган, қашшоқ, аҳволи таиг фуқаро ташкил қиласиди. Буларда мачитга боргудек мажол йўқ. Кун бўйин қилинадиган оғир меҳнатдан, узлуксиз қора ишдан тинкаси қуриб келади. Шом қоронғиси тушиши биланоқ таппа ташлайдиган, ит азобидаги одамлар. Мачитга бориб кунига беш вақт намоз ўқиш у ёқда турсин, улар ҳафта-сига бир йўл ўқиладиган намоз жуммага ҳам боришмайди. Бу кўпчиликнинг — фуқаронинг мачит, ҳазрат, халфа, муллалар билан муомиласи овлоқдан бўлади. Яқин кишилари вафот қиласидагина чор-ночор дуч келишади Тўғри, мана шу вабо тарқалгандан буён ўша беҳисоб кўпчилик мулла, ҳазратларни ё қўшиллариникида, ёки ўз уйларида одатдан ташқари тез-тез кўрадиган бўлишган.

Вабо сингари офат, ўлим билан бирга алланглаб юрадиган муллаларни халқ хуш кўрмайди. Узун тўн кийиб, салла ўраб, соқолини силай берадиган сўфиларга халқ мотамга ботган қалби билан ночор тоқат қилса-да, ичидан ёмон кўради.

«Ўлимли ерда мулла семиради» дегандек, бу йил ўзи муллалар билан халфа, ҳазратлар жуда ҳам яйраб кетишибди!

— Хўп машқини олишибди-а! Ешиниг ўлими, ёлғизгинанинг ўлими, жони ардоқли яхшишинг ўлими, ёшини яшаган кампирнинг, чолнинг ўлими булар учун ҳам-

маси бир. Фақат серхаражат жаноза бўлса, унумли ерни сезсаларгина булар яхни. Унда чиройлари очилиб, сипогарчилликни ошириб, ипакдек эшилиб кетишади!— деб шаҳар ҳалқи уларнинг орқасидан қаттиқ тапқид қилишади. Айниқса шу кунларда кўпчилик муллаларі а бошқа вақтлардагидан кўра совуқ назар билан боқишиади.

Шаҳарлик қашшоқлар уйига элдан келиб тушадиган қариндошлари, ёру биродарлари, ўтган-кетганлар бўлса, улар ҳам мачитга намозга бора қолишмайди. Шундай қилиб, бош мачитда хуфтан намози олдидан дин бошлиқлари ўртасида бўлган баҳс бу маҳалладагиларнинг кўпчилигининг қулоғига етмаса керак эди. Лекин муллалар шундай деб ўйласалар-да, аслида кечаси намоздан қайтган қирқ-эллик кишининг ўз уйларига хуфия гап тарзида айтган ивир-шивирлари ҳеч кутилмаганда жуда кўп хонадонларга тарқалибди. Беҳисоб кўп ҳалқнинг қулоғига етибди.

Шаҳарнинг ўз ҳалқи у ёқда турсин, Семей атрофидаги қанча-қанча йўллардан, талай эллардан шаҳарга келган қозоқлар, старшин, бўлис, бойлар ҳам ўзлари тушган хонадонларидан кечаси бўлган воқиани фавқуладда довруқ тарзида эшишибди. Шунинг билан бугун жума куни, худди шу галги жума намозига, мачитга йиғилган ҳалқ айниқса кўп бўлди. Бошига оғир ўлим тушиб турган, қайғу ва хавфда қолган ҳалқнинг вабодек даррдан чўчигани шунчалик эдики, ҳозирги кунларда нима бўлса, шунга ишониб, нима бўлса, шуни эм бўлармикин, бир иложи шумикин, деб турилган пайт. Фалокат олдида шошиб қолган ҳалқ ўзининг исканжага тушган аҳволига қаердан бўлмасин мадад бўлгудек, мажол бергудек умид озифини излайди. Чин кўнгилдан қилинадиган кўмакни орзу қиласди. Шу зайл зулматда тимирскилаб, ўзини ҳар томонга уриб кўради. Партоя пайқалган ҳар бир томонга интилиб боқади. Бир хил гуруҳлар мачитга умид боғлайди. У ердаги эшон деб аталадиган имом, қори, ҳалфаларга термулишади. Бир нарса биладими, айтадими, дейишиб, умид қилишади.

Бугун жума намозига келаётисб, ҳеч кутилмаганда шунчалик кўп ҳалқ йиғилганини билган кекса эшон, намоздан кейин хутба ўқимоқчи бўлди. Хутбада ҳалққа қиласдиган ўгутини шу офатга, вабога боғлаб, сўзла-моқчи бўлди. Бунинг яна бир сабаби, кеча хуфтан на-

мозидан кейин бу кекса имомни уйигача күзатиб қўйган Сомурот махдум билан кўр қори, икки қўлтиғидан суюшганларнча, Сармулланинг бутун «машъумлигини» унга етказишганди. Ёнига қўшиб-чатиб, оғиз кўпиртириб гапиришиб, гўё бераҳм бир золим қилган зулмдек баён этишганди. Бирн олиб, бири қўйиб, қулоғига қўйишганди.

— Халқ ўзини жанозага айтмаганига ҳасад қилади.

— Бошқалар исқот, садақа топганида, мен қуруқ қолдим, деб қасдлик қилади-да.

— Бу халқни йўлдан адаштиради, ҳазратим.

— Маҳалла халқи нодон, онгсиз, ҳар бир васвасага ишона беради.

— Ҳазрат, Сармулланинг феъли-авторидан хавф олмоқ керак!— деб бир вақт қори дағал товуши билан, ранжиб гапирди. Товуши ўткир махдум ҳам шанғиллаб, тор кўччанинг тун тинчлигини бузиб гапирди. Аввалига хиргойи қилиб келишаётган бўлишса, энди имомнинг дарвозасига етиб хайрлашаётгандарida бор асосий далилларини, оғирлиқни қулоғи оғир кекса ҳазратнинг кўксига жо қилиш ниятида, атайин қаттиқ-қаттиқ гапиришди.

— Айтмади деманг, ҳазрат!— Сармулла сўэларининг заҳри жуда кучли. Айни вабонинг ўзиdek юқимли, зарарли гаплар. Мана кўрарсиз, агар бизнинг маҳалладаги нодон қавмга, ҳар бир хонадон ва кулбаларга ўша Сармулланинг гали етса борми, бу халқ ҳали жаноза ўқитиш, хатим қилишларни ҳам йиғиштириб қўяди. Ҳазрат, сиз берадиган хайр фотиҳангиздан бу халқ яна воз кечиб, бош тортиб юрмасин. Субҳонолло, не аломатлар бўлишини ўйласам, виждоним қайнаб кетади-я. Сиз берадиган фотиҳадан юз ўгириб, халқ устозларига берадиган хайри-худойилардан ҳам бош тортишлари мумкин-а!— дейишли.

Шу чоққача ўтган гапларга индамай қулоқ солган ҳазратнинг ҳалиги сўнгги сўздан кейин соқоли силкина берди. У ёрга боқиб, пичирлаётир. «Баъзи оғатларни» эшигтан он, ўшани даф қилиш ниятида «лавҳ номадан» ўқиладиган керакли оятни ўқиди.

Сармулла бўлса, айтган гапидан қайтадиган эмас. У кеча намоздан қайтиб келаётib, ўзининг шундай қилганига, шу гапни бошлаганига ич-ичидан хурсанд бўлди. Бир нафасга уни қуршаб олган кексалар-қариялар кўп

сўзламасалар-да, бир оғиз, ярим оғиз: «баракалла», «шуни айтинг», «раҳмат сизга», «Сармулла, сизнинг гапнингиз тўғри»— сингари гаплар қотишганди. Сармулла ўзининг сўзини қувватлаётган бир вазият сезиб қолганди.

Табиатан чарс, жizzаки бўлиш билан бирга, мақтова учадиган Сармулла ҳалигидек самимий, иссиқ гапларни халқ томонидан ўзига нисбатан қилинаётган иззат-икром деб уққанди. Кўпдан буён Сармулланинг мачит-мадраса ишларига аралашишига, яқинлашишига ғов бўлиб юрган эски душманлари — Сомурот маҳдум, кўр қорини энди бу чиндан ҳам жазолайдиган кўринади. Сармулла айниқса ўшаларнинг жон жойига ўқ отиб, жароҳатлайдиган қурол топгандек шодланди.

Улар бунга нималар қилишмади? Етакка кўниб кетаверадиган кекса эшон, имом бўлса, ҳамиятда шулардан, Шарифжон халфалардан ортиклиги йўқ. Шунинг билан ҳаммаси бирлашиб, Сармуллани бирон жанозага-ю, исқот, хатимга айтдирмасликка тиришишади. Бу у ёқда турсин, сўнгги бир йил ичидан ҳазрат билан мана шу маҳдум, қори, халфалар, маҳалладаги бойлар мачит-мадрасаларга берадиган йиллик закотидан, хайри-худойисидан ҳам маҳрум қилиб келишаётир. Хўш, аниқ уламоликка келганда, Сармулла бу томоннинггина эмас, у томондаги ети мачитнинг ҳам имому халфаларидан ўзини ортиқ ҳисоблайди. Негаки, бу «Бухоройи Шарифда», «Мирааб» мадрасасида ўқиган. Кейин Қозон шаҳрида, Мисрда йигирма йил ўқиб келган сўнгги устози «Шайхи Абдулла»да ўқиб, илм таҳсил қилган. Шундоқ Сармуллани унинг ўз фикрича, шу маҳалланинг имоми қилиб тайинлаш керак эди. Ҳеч бўлмаганда ҳозирги имом, кекса эшон вафот этгандан кейин, ўшанинг ўрнига ўтадиган қилиб, ҳозирдан халфа қилиб, мачит-мадрасанинг қадрли устозларидан бири қилиб туришлари керак эди.

Ана энди шундай қилиш ўрнига кўр қори, Шарифжон халфа, Сомурот маҳдумлар ўzlари билан емтуқдош бўлган, бадфеъл Самат халфа деган чала муллани халфа қилиб ўтиришибди. Шу жиҳатларини Сармуллага тез-тез ўйлатиб, бениҳоя ўртайдиган кайфият мана шу сўнгги икки ҳафта ичидан, вабо тарқалгандан буён жуда ҳам кучайиб кетган эди. Бош мачитнинг халфалари, қорилари шу маҳалгача Сармуллага бирорта тушуми кўп

жанозани ўқитишгани йўқ. Ҳатим, фидия қилинаётган кўп жойларга жўрттага айтдиришмайди. Бунинг пайига тушиб, четда қолдириб юрган душманлари кўр қори билан Сомурот маҳдум. Ана, уларнинг ўзлари бўлса, худди шу ўн беш кун ичида кўп ғанимат топғанликлари ни билдириб қўйишиди. Кўр қори бўлса илгариги уйининг томларини очдириб, тунукадан ёпдираётир. Ҳадемай у «тунукавонли» уйлик бўлади. Семиз маҳдум бўлса, мудом пиёда юргувчи эди. Ҳозир семизлигидан ёрилай деб турган жийрон отлик бўлди. Энди ўшани чиройли, янги қора аравага қўшиб чиқадиган бўлибди. Сармулла бўлса, неча йилдан буён сағрига жир битмайдиган ориқ тарғил отдан бошқа ҳеч нарса ортдиргани йўқ. Уни ҳам қўшгудек араваси йўқ, эгар-жабдуғи ҳам эски.

Ўйга келгандан кейин ҳам Сармулла ўзининг ўчиқасди бўлганларга қанчалик захмат етказганини шодланиб ўйлади. Неча бор илжайиб, қош-қовоғини пир-пиратиб қўйди. «Бадбахт» юзи қоралар, мен ҳали сизларга кўрсатаман! Юзларнинг қора эканлигини жамоат олдида ошкора қиласман!— деб қўярди. Айниқса, баъзи бир ўзига маълум бўлган пухта томонларини зслаганида, тоқати тоқ бўларди. Бу кечани шу зайл қизишиш, шу зайл юрак ютиш билан Сармулла мижжа қоқмай ўтказди.

2

Бугун жума намозига йигилган ҳалқ мачит ичига симайди. Қўпчилик қавм ҳовлида, мачитнинг икки томонини қуршаб туриб, намоз ўқишиди. Сармулла ҳовлилагилар орасида бўлиб, мачит ичидаги кекса имом бошлигаган намознинг баъзи-баъзи «такбир-таҳлили»ни ташқаридаги сафларга тиниқ овоз билан, қироатини келтириб, эшитдириб турибди. «Оллоҳу акбар!», «самиоллоҳу лиман ҳамида!», «ассаломуалайкум ва раҳматулло» — деб баланд овоз билан намоз ибораларини такрорлаб, ташқаридаги қавмни чалғитмай ичкаридаги, меҳробдаги имомнинг намозига мойил қилиб турибди. Ташқаридаги билан ичкаридаги намознинг тенг ўқилиши учун, у атайин мачит ичига кирмай, мачитнинг баланд саҳнида, озроқ одам билан сафга туриб ўқиди. Мачитнинг икки томони билан саҳнини эгаллаган қавм-

нинг ҳамма сафлариға Сармулла яққол кўриниб турибди. Новча, келишган қоматли, чиройли қилиб ўралган яшил бухор саллали ва тиллодек сарғиш серсоқол Сармулла бўлакча кўринади.

Намоз ўқилиб бўлгандан кейин товуши ўткир семиз маҳдум Сомурот ҳашиги, Сармулла турган очиқ ерга чиқди. Илдам ҳаракат қилиб, халқа қараб қўл кўтардида: «Жамоат!» — деди икки-уч қайта. Ҳали намоздан тарқалмаган халқ, унга ялт этиб қаради. У шанғиллаган овози билан бор гапни айтиб, жар солди.

— Жамоат, сабр этингиз! Тарқалмангиз! Эшон, ҳазрат ҳозир жума намози кетидан хутба ўқийдилар! — деди.

Шу чоғ саф-саф бўлиб турган халқ ҳали намозда ўтирганилариdek жой-жойлариға чўкка тушиб ўтира қолиши. Яна бир оздан кейин мачитнинг ичидан хал-фалар билан саллали қорилар, кексайиб қолган муллаваччалар ўраб олган кекса эшон чиқди. У ҳаммага яққол кўриниб турган минбар ёнига келди. Эшоннинг товуши кексалигидан хирқираб чиқарди. Минғиллаб гапирганидан сўзини англаш бўлмасди. Бунинг устига одатда бошини қуи солиб, секин сўзларди. Бугун ҳам бу имомнинг хутбаси кўпчиликка эшитирмади. Айниқса қирқ-эллик йилдан бўён бу имом машқини олган хутба кўпинча арабча оят-ҳадисдан ёки форсича аралаш ёдлаб олинган жумлалардан тузиларди. Бу маҳалланинг кўпчилик халқи ўқимаган, билганда намознигина зўрға биладиган, чала ўқийдиган, ярим нодон, чаласавод қозоқ савдогарлари эди. Лекин имом бу ҳолни ўйлаб назарда тутмайди. Дин устози деб аталадиганлар, ўзларининг маҳалла халқи билан мутлақо англашилмайдиган тилда муомила қилишларини эслаб ҳам, ўйлаб ҳам кўрнишмаган. Халқ бўлса, имомнинг бугун ҳам шу хилда сўзлашини билса-да, тарқалмай ўтира беришганди.

Илгари минг марта ўқилган, тушуниб бўлмайдиган хутбага бугун ҳазратнинг қўшган гапи жуда қисқа, ҳаммага маълум гапларгина бўлди. У вабони, «оллонинг бандаларига юборган жазоси» — деди. Ҳар замонда, ҳар қавмга, ўша қавмнинг хулқи бузилиб, гуноҳи кўпайгандла, куфурга кетишлик ошиб кетганда қудрати зўр илоҳининг шу сингари юборадиган жазоси бўлади. Бу фалокатнинг сабабчиси фақат тангрининг хоҳиши. Ловҳулмажхузда шундай ёзишган. Буни келтириш ҳам,

кетказиши ҳам одамзоднинг ихтиёрида эмас. Тангри буюрган вақтда келади, ўзи тўхта деган соатда тўхтайди. Фақат ўшанинг хоҳиши учун аҳли ислом келган балога сабр қилсин. Муножотини, бандалик ибодатини оширсин. Нафсини тийсин, фарид-ғураболарга меҳри-шафқат қилсин. Ҳар бир азамат ўз қабиҳлигини, гуноҳини тангридан қўрқиб ўтисин. Шунинг учун хайри-садақани, зақоти, фарзини адо қилсин!— деди. Ўзларининг еб ўрганган жигилдони масаласини эслатиб ўтиш билан руҳсиз гапини минғиллаб тамом қилди.

Ҳазратни қуршаб олган ҳалфа-ю, қорилар, муллалар юзларини силаб фотиҳа қилишиб, одат бўйича «шу билан хутба тамом бўлди»— деб ҳалқнинг тарқалишига ишора қила бошлишди. Лекин йиғилган беҳисоб ҳалқ тарқалишга унча шәшилмади. Аксинча, ҳалиги хутбага тўймагандек, яна бир нарсани кутаётгандек туришганди. Шу он минбар атрофидаги дин бошлиқлари кутмаган тасодифий бир ҳолат рўй берди.

Хозиргина ҳазрат тушган минбарга энди илдам одимлар билан кўркам сиймосини ҳалққа қаратиб, Сармулла чиқди. Барча дин бошлиқларининг оқ салласидан унинг яшил салласи бошқача эди. Сармулла баланд овоз билан шанғиллаб, жамоатдан илтифот тилади. У ҳам даставалги мурожаатини арабча жумлалар билан бошлиди. Баланд овозини барада қўйиб:

— Е, айюҳал муслимина!— деди. Шундан кейин ҳалқ тушунадиган қилиб, кўпинча қозокча гапирди. Фақат онда-сондагина китоб, араб сўзларини қўшди. У тўғри, кеча ўзи хуфтан намози олдидан айтган гапларни айтиб чиқди. Фақат кўпчилик олдида бугун қўшимча қилиб: «Ҳар бир фалокатни, ҳали ҳазрат айтганларидек, қодири оллонинг ўзи юбориши рост. Аммо шунинг билан бирга, қудрат эгамиз ҳар бир балою қазодан Муҳаммад умматини сақлайман, қутқараман деган. «Есин» еурасини ўзларингиз биласиз «алҳамду лиллоҳи» шунга гувоҳ. Балодан сақлайман, сақлансанг сақлайман, деган. Шу сабабли тангри эгам ҳар бир дардни юбориш билан бирга, шифосини ҳам яратган. Шунинг учун, эй жамоат, бошимизга шундай мусибат тushiб турганда сизларининг ғамингизни еб, бир маслаҳат бермоқчиман. Мен кўпларингизнинг болаларнингизнинг устозиман, бу маслаҳатни мусулмончилик бурчим учун, дин қардошлиқ дўстлигим учун бермоқчиман. Сақланинглар! Бу вабо

деган оғатдан, бу оғир дарддан фақат сақланиш билан-
гина омон қолиш мүмкін. Шунинг учун кўпдан-кўп
ўтиниб айтаман, такрор-такрор айтаман, сақланинглар!
Сақланишнинг қандай иложи бор?

Ўлган одамнинг уйига, жанозага халқ мүмкін қадар
оз йиғилсин. Ўлик чиққан уйга кўп одам келиб-кетма-
син. У уйдан овқат ейиш, кўпга ош бериш, еттисини,
қирқини бериш вақтинча тўхтатилсин! Жанозага, хатим-
га кўп муллалар, маҳдумлар, халфалар, муллаваччалар
чақирилмасин! Дин устозларидан бир кишигина: хоҳла-
са ҳазратми, халфами бошқа бир муллами борсин-да,
жанозани бир ўзи ўқисин. Хатимни ҳам битта мулла
ўқисин. Муллалар, муллаваччалар, маҳдумлар, қорилар
бундан буён вабодан ўлганларнинг уйига галалашиб
бориб, яна галалашиб бошқа уйларга боришни тўхтат-
син. Улар ҳозир пайқалганидек, биринчидан ўзлари
касал бўлишади. Ўзларнингизга маълум, Жумон мулла,
Соҳиб ҳалфа, Омонтой муллавачча, яна дин устозлари
орасидан шулар сингари кўплар вабодан ўлишди. Кўп
муллалар мана шу вабони, шу хавфли касатни беих-
тиёр тарқатувчилар бўлаётир! Улар ҳалқнинг ҳолини
ўйлаб, ғамхўри бўлсин! Маҳалла ҳалқига ачиғсин! Ино-
соф қилсин, мусулмонлик бурчим деб инсоф қілсин!»—
деди.

Сармулла гапининг охирини янада ғамхўрлік билан
аниқ-аниқ сўзлаб, салмоқли қилиб:

— Мана аҳли маҳалла, қариндош қозоқ ҳалқи! Ме-
нинг шу гапларим маҳалланинг ҳар бир хонадонига,
ҳар бир эси кирган азаматига етса экан дейман. Яна
шу маълум бўлсинки, шу оғат чоғида ғамхўрлик билан
айтилган дўстона гап ёлғиз менинг ўз тарафимдангина, Сармулла тарафидангина айтилаётган гап эмас. Сло-
бодканинг ҳалқига шу маслаҳатни бераётган қозоқ ҳал-
қининг дўсти, ғамхўр одамлари тарафидан айтилаётир.
Уларнинг ичиди, ҳалойиқ, энг жонажон ғамхўрингиз ва
билимдон, шоир дўстингиз Абай деб билинг! Ӯша одам
ҳам сизларга шу сингари, мен айтгандек, сақланишни
маслаҳат кўради. У дин устозларидан халқ ғамхўри бў-
лишни талаб этади. Сақланинг, сақлан, ҳалойиқ!— деди
товушининг борича. Қуюқ, чироили сариқ соқоли силки-
ниб кетди. Овози тинч ҳавода янграб бориб тўхтади.

Сармулла шу он ниятига етди Имомдан тортиб,
барча муллаларни дасталаб туриб бир бурчакка улоқ-

тириб ургандек бўлди. Шошиб тўхтаб қолган муллалар, халфалар мана бу тумонатдек халқдан хижолат тортишашётир. Ғазаби қайнаб-тошаётганлари бўлса-да, ҳозир Сармуллага қарши даво топа олишмади. Бирортаси Сармулланинг орқасидан минбарга чиқишга ярай олмади. Тинкалари қуриб, ичларида ўчлик ўти алангаланаётган маҳдум билан кўр қори, Шарибжон халфалар тарс ёрилгундай бўлиб туришибди. Халқнинг автори-ку, буларни бадтар ўртаб юборди. Халқ оғзидан барала чиқаётган гаплар минбар атрофида турган маҳдумларга эшитилиб турибди.

- Баракалла Сармулла!
- Сармулла яхши гап гапирди!
- Асли гап Сармулланики.
- Халққа чиндан жони ачиғанидан-да.

— Сармуллага оқ йўл бўлсин! — деган гаплар ҳалиги қори, халфа, маҳдумларнинг бошларига қамчилик ёғилди. Тилка-тилка қилиб қийнаб ўтаётир. Шунинг эвазига халфалар минбардан тушган Сармуллани қуршаб олишиб, суришганларича ҳазратнинг олдига олиб кетишиди. Энди бу ерга бугун намозда бўлган шаҳар савдогарлари, элдан келган бир неча қалачи қозоқлар ҳам йиғилишиди. Ҳали Сармулланинг гапи маъқул тушиб, қувватлаганларнинг бир тўпи ҳам Сармуллани орқа томондан қуршаб, баландроқ, очиқ ерга чиқишиди.

Бошқа вақтларда мачитга бош суқмаса-да, бугунги жума намозига елиб-югуриб келган кишилар ҳам бор. Улар кеча кечаси мана шу мачит жиловида мулла-ю, сўфилар ўзаро жиққамушт бўлиб, калла қилишибди, деган гапларни эшитишган. Афтидан, ўша хабар шаҳар халқига-ю, элдан келган карвонлар, қалачилар, бозорчиларнинг ҳаммасининг қулогига етган кўринади. Ҳозир мана бу минбар атрофини қуршаб турган тўдага ёндашиб келган қалачилар бўлса, буларнинг кўпчилиги элнинг сўзамол, излагани можаро бўлган тўда бошила-ри — мансабдорлари. Уларнинг суюги айтишиш, талаштортишнинг машқини олиш билан қотган. Баҳс-можаро бўладиган бўлса, бор ишини, ҳатто сафарини ҳам йиғишириб қўяди. Жон-диллари — жанжалнинг қизиги-ни кўриш.

Мачитга худо йўлинни излаб келмаса ҳам, мулларнинг эндиги феъли-авторига қизиқиб келган киши-

ларнинг кўпи минбарда айтилган гапларнинг ўзи билан қаноатланмади. Ўнлари ерга тегмай қолди. Айниқса имомнинг «хутба» деб айтиб ўтган гаплари улар кутгандек бўлмади. Ўшалар Сармулланынг гапига умид боғлашди. Тўбиқти нусха тумоқ кийган бир-иккита қора соқол билан яна бир оқ соқол учови бир-бирларини туртишиб, умидвор бўлиб ўтиришганди.

— Дамингни чиқарма, гапни энди очди қилишади.

— Мен ҳам айтдим, мана бу гапдан кейин очди қилишади-ку ҳали.

— Очишади ҳам, очиртиришади ҳам. Афтидан, Сармулла шу ердаги мулла-хўжаларнинг талайига ништар урди-ку, дейман!

— Қўявер, қизифи энди бўлади.

— Юр, томошасини кўрамиз!

— Ёнига борайлик, яқиндан туриб эшитайлик.

— Булар одамлар олдида калтаклашмаганлари билан, холи ерда хўп човоқлашишади!— деб оқ соқоллиси шилқиллаб кулди.

— Ўзим билган Сомурот маҳдум билан кўр қори бўлса, Сармулланинг қўлида ўлади.

— Ийя, оғзидаги ошига осилса, чидаб тура оладими!— деб яна бир томошабин кулиб қўйди.

— Тишлаб турганини тортқилаётир-ку. Алам қилмайдими!— деди яна бирор.

Шу чоғ ҳазратнинг ҳузурига келган Сармуллага Шарибжон ҳалфа, кўр қори, Сомурот маҳдумлар шивирлаб сўзлаб, атрофдан талай кетишли. Уларнинг оғзидан чиқаётган гаплар сирти силлиқ бўлгани билан, чиш маъносини уқсан кишига Сармуллани мудҳиш гуноҳ қилган кишидек қоралаётир.

— Сармулла, сиз, нодон жамоатни йўлдан адаштириб, қаерга олиб бормоқчисиз!

— Азоб чекиб ўлган шўрлик мусулмонлардан кўп муллалар бағишлийдиган дуонинг, оят-ҳадиснинг савобини аядингизми?

— Сиз нодон ҳалқни, ўзи қоронғида адашган ҳалқни ундан бадтар боши берк кўчага, нодонлик, жоҳилликка ҳайдаётурсиз!— дейишаётир.

Сармулла ҳазратгагина қараб, буларнинг бирорта гапига парво қилмади. Дамини чиқармай гезариб, баъзан елкасини хиёл учириб қўярди-да, истеҳзо аралаш куларди. Қизғиш мўйлови тагидан илжаярди.

Сармуллага тикилиб, кибрланиб турган пакана ҳазратга эшитдириб, Сармулла бир-икки оғиз гап гапирди.

— Бу кунларда кимда-ким халқнинг ғамини еб, ҳасратини ўқса, ўша одамнинг мен берган маслаҳатни беришига шубҳа қилмайман. Ҳазрат, шуни билингки, ёлғиз мен эмас, сиз имомлик қилиб ўтирган қозоқ қавми, қозоқ қардошларнинг саҳрордаги-ю, шаҳардаги бор халқига эътиборли бўлган Абай мирза ҳам шундай! — деди.

Бу гапни Сармулла иккинчи марта айтди. Шунга кўра, элдан келган мансабдорлар тўдасидан бир киши ўшқириб, гапга аралашди.

— Ҳой, мулла ака, Абай, Абай деб оғзингдан асти туширмайсан. Ўша Абай ҳақида нимани биласан ўзинг!

Сармулла ялт этиб ўзига шу йўсин дағал муомала қилган кишига қаради. У — бошига оқ элтери телпак кийган, бурни катта, оқ соқолли киши экан. Қалин қувоги солинган, бир кўзи кўр, ўрта бўйли, ўзи оғир одамга ўхшайди. Сармулла бу саҳро қозоғининг қошида, уни орқа томонидан қуршаб, бир неча шаҳар бойлари, савдогарлари турганини пайқади. Олифта кийинган машҳур бой-наматфуруш Сейсеке, унинг ёнида Қасен қассоб, дўкондор Ҷақип, Мўйнафуруш Сарсен деган, Сармулла танийдиган кишилар. Ҳаммасининг ҳам усти чодир, тахтавонлик ҳовли-жойи бор. Шу маҳалланинг «инобатли», отоқли савдогарлари. Ҳазрат ҳам ҳалиги кўрнинг улфатларини пайқаб, унга илтифот билан боқди. Қуюқ соқоли яна силкиниб, нафис лаблари тинмай пи chirлаб, тўхтамай дуо ўқиб турибди. Сармулла, кўрнинг тикилиб турган ягона кўзи ундан мажбуран жавоб беришни талаб қилаётганини англади-да, Абай ҳақида гапириб кетди.

— Мирза, сиз мендан Абайнин сўрадингиз. Мен у одамни билмайди деб ўйлаган бўлсангиз керак. Сизга маълум бўлсинки, мен Иброҳим мирзанинг қозоқ халқига устозлик қилиб, ёзган ўгутларини жуда яхши биламан. Яна бениҳоя ҳурмат қиласман. У — замонамиздининг олижаноб, асл одамларидан биттаси деб биламан! — деганида, ҳалиги кўр гапни илиб кетди.

— Абай деб кўп алданганларнинг бири кўринади-ку, мана бу мулла. Айтмасликнинг иложи йўқ. Мен Абайнинг ёнидаги халқдан чиққан одамман. Абай деганинг аслида ким эканлигини мана мендан сўра, мен

айтайин. У Абай саҳро ҳалқини йўлдан оздириб бўлган. Ота-бобо йўлидан, дин йўлидан чиқарган. Ўзи русга топинган, бориб турган бузуқи, элни бузгувчи озғин. Биз шаҳарга келдик, мана бу мачитга, худонинг уйига келиб турибмиз. Шу ердаги имомга ишонамиз, мусулмонлик йўлидамиз деб келиб ўтирибмиз. Олдимиздан яна ўша Абайни олиб чиқиб, йўлимиздан оздириманглар. Ҳеч бўлмаса шаҳримизни, шу ердаги байтуллони, бош эгиб тангрига сажда қиласидиган жойимизни Абайдек русга чала чўқинганнинг отини атаб, ҳаром қилманглар. Сен, Сармулла, ҳалққа насиҳат қиласидан десант, насиҳат қилишингдан олдин, аввало ўзинг оғзингни поклаб ол!— деди.

Унинг атрофидаги бойлар билан қори-ю, маҳдумлар ҳузур қилиб кулишди. Баъзилари:

— Уроз аканг тўғри айтяпти!

— Урозбой оқсоқолнинг гали тўғри!

— Мулла адашаётир. Қани бир эшишиб қўйсанг-чи, нима деяр экан, ўқимаган ҳалқ одами!— дейиши.

Сармулла ҳалиги кўрнинг ким эканлигини энди билди. Ҳамма ерда Абайни ёмонлаб, шу туфайли улуг билан ҳам, элдаги не-не тўнг мўйин бузуқлар билан ҳам, безори-ю, расволар билан ҳам яхши муносабатда бўлиб юрадиган Урозбой деган кўр бор. Абай сингарчи ноёб одамнинг душмани!— деган гапни Сармулла баъзи бир дуруст одамлардан эшиганди.

Ҳали Абайни аямасдан қоралашнинг устига, Сармулланинг ўзини ҳам беодоблик, қўполлик билан жеркиган Урозбойга сертажанг Сармулланинг жуда жаҳли чиқди. Бундай пайтларда у бошига қандай калтак тегса ҳам оғзига сиққанича аямай тапиради. Жаҳлининг жилови йўқдай қилиб:

— Эй, мирза, мен сизнинг Урозбой эканлигинизни энди билдим. Қандай ҳаракатлар билан, қандай фельингиз билан обрў топиб, мол ортдириб юрганингизни ҳам биламан. Сизга ўхшаш кишилар ҳақида ҳазрати Абул-Ало Маърий¹ шундай деган:

«Фанинал усида, татбагуҳа зиҳобен
«Вағурбонен фаман ғуррен, вағуржон...»

¹ Абул-Ало Маърий—Х—XI асрларда яшаган араб классик шоини.

Яъни «Арслон юриб ўтган из билан оқсоқ-күр бўри ҳам, қарға, қузғун ҳам эргашиб юриб овқат ўтказади»,— деб.— Сизга ўхшаш Үрозбойлар ўз ҳолингизча халққа нима бераман дейсиз? Чин яхшини ёмонлаб ҳалигидек, ҳозиргидек намоён бўламан дейсиз албатта Шунинг билан ҳам ном чиқариб кун кўраман дейсизда!— деди шартта.

Қип-қизарib кетиб, қуюқ тилло ранг соқоли қаттиқ силкиниб қўйди. Үроэбойнинг ёнидаги бойларчуввос солишиб:

- Мулла ака, тил теккизманг!
- Мулла, бу нима қилганингиз?
- Бу киши меҳмон. Бу гап лозим эмас!— деб қолганларида, шулар билан бирга Сармулланинг орқасида турган шаҳарлик бир тўп оддий одамлар, ҳалиги бойлар тўдасига қарши дув гап бошлаб, баҳслаша кетишиди.
- Сармулла тўғри айтаетир.
- Зўрлик қилманглар!
- Муллага меҳмоннинг ўзи олдин тегди.
- Сармулланинг ҳамма гапи тўғри, ёпирилмангар!
- Халққа чиндан ҳам ачиниб, дўстона гап гапираётган мана шу Сармулла деб биламиз биз.
- Бошқаси бир тийин, нима десаларинг, шуни деб!

Шу сингари овозлар минбар атрофидаги одамлардан бошланиб, пастроқда гап пойлаб турган бир тўп одамлар орасида ҳам қизишиб айтилган гаплар эшишила бошлади.

Энди ҳазрат хутбадан кейин туғилиб, улғайиб бораётган бу гаплардан, можародан қаттиқ хижолат тортди. Икки қўлини кўтариб, халққа, «Овлоқ-овлоқ», «Бас қил»— деяётгандек силтаб-силтаб юборди-да, орқасига айланиб кета берди. Минбар атрофифа, баланд очиқ ерда турганларнинг ҳаммаси қўзғалишиди. Ҳазрат энди фақат Шарибжон, кўр қори, Сомурот маҳдум ва новча, қоп-қора, кўса Самат халфанинг қуршовида кетаётганди. Сал ишора қилиб, Сармуллани четга чақириб олди. Беш-олти дин бошлиқларининг ўзларигина бўлиб, четга чиқишлиари биланоқ боядан буён ўртаниб кетган ҳазрат, энди қовоғидан қор ёғилганича Сармуллага сўз қотди.

— Афандим, Сармулла! Мен гапларингизни хўн эшиитдим, эшиитдим-да, англадим. Билдим энди, холос.

Бир оғизгина норозилигимни ҳамда чин сўзимни айтаман. Сиз айблisisiz, тездан бу хато йўлдан қайting. Saqlaning falokatdan! Aning учунким, сиз хиёнат йўлига қадам қўйдингиз! Қайting бу лаънати нияти-нгиэдан! Қайтмасангиз, малъун бўлғайсиз!— деб қўлида-ги ҳассасини ерга қаттиқ уриб қолди. Киприксиз, кўкиш совуқ кўзларида нафрат акс этди-да, Сармуллага ўқ-райиб турди. Сармулла қип-қизил бўлиб тутоққанича:

— Ҳазрат, сизни бу ёнингиздаги ҳалфа, маҳдум, қорилар шу йўсинда менга қарши қилиб қўйишган. Сиз ўшаларнинг гапини айтиётурсиз. Бу менга нисбатан хиёнат деб биламан. Сабаби, сизнинг бу кишиларингиз-да адолат йўқ, Золим. Чунки булар мўминлар эмас, ўғрилар!— дейиши биланоқ, Шарибжон ҳалфа билан кўр қори тарс ёрилиб сўзлай кетди.

— Сен ўзинг золим!

— Сен бадбахтсан.

— Сен кazzobsan!— деб Сомурот маҳдум ҳам ти-шини қайраб, икки кўзи қон талашган ҳолда ўқталиб борганди, шу чоғ Сармулла қаттиқ ғазабланиб, ҳай-қириб юборди.

— Бас қил ҳақоратни. Бўлмаса ҳозирнинг ўзида ма-ҳаллани йиғаман. Ким кazzоб, ким золим, кимлар ўғри эканлигини шу ернинг ўзида очиб, ҳал қилиб берниш-ларини талаб қиласман!— деди.

Сармулла бир-икки қадам ташлаб, жанжалга энди қулоқ солгиси келмай кетаётган ҳазратнинг йўлини тўсди-да, энг сўнгги, беомон, анча салмоқли яна бир қуролини юмшади. Шу мачитнинг у биладиган бир қа-биҳ, мудҳиш сири бор эди. Товушининг борича қичқи-риб, ҳар сўзини ҳазратнинг қулоғига қадаб туриб, ўша-ни айтди.

— Мен эндиликда маҳалла ҳалқи олдида ўғрининг, золимнинг отини атаб бераман! Ҳалқ бошига бу балою қазони чақирган ким? Унга гувоҳлар бор. Жонли гувоҳ, жонсиз гувоҳ бўлади. Аввал мачитнинг тагида турган учта тобут гувоҳ! Мана шу вабодек офат келишидан олдин «садам ўлмаётir», «жаноза ўқилмаётir», «исқот билан садақага тўлмайдиган тагсиз чўнтагим тўлма-ётir»— деб тобут қоққан кишилар бор. Ўшаларнинг қора нияти бугун ҳалқ бошига шунчалик катта офатни, беҳисоб ўлимни олиб келди! Ўша тобут қоққанлар кимлар! Қайси кунни, қайси кеч, қайси намоздан кейин

қоқиши? Уни менгина эмас, ҳазрат, мендан бошқа сиз ишонадиган инобатли беш киши ҳам кўрган. Хоҳлайсизми, мен ҳозир ўша расволарни фош қиласман! Мана бу турган Сомурот маҳдум, мана бу ўзи ғариб бўлсада, кўнгли ёвуз, кўр қори. Мана бу Шарибжон халфаниз. Агар хоҳласам учовининг ҳам юзига халқ олдида дарҳол қоп-қора қилиб тамға босаман. Хоҳлайсизми, ҳозир! Халқни йигиб олиб мен: «шуни билинглар ва огоҳ бўлинглар мусулмонлар» деб мачитнинг мана шундай қабиҳ сирини фош қиласман?— деди. Сўнгги сўзларини ўқталиб туриб, қаттиқ-қаттиқ айтди.

Шундай машъум янгиликни эндигина эшитган ҳазрат дамини чиқара олмай, оғиз ҳам оча олмай қолди. Фақат ранги қув ўчиб, қўрқиб титроқ босди-да, Сармулладан юзини қўли билан пана қилди. Кейин оқ соқолини силкитиб, ўзича пичирлаб, дуосини ўқиганича ўзини четга олди. Сармулла айтган бу айблари рост бўлгани учун, яна халқ эшитса мана бу ўлим устида маҳдум билан қори халфани ловиллаб ёниб турган ўтга ташлагудек жазо берилишини сезган душманларнинг кайфи учиб кетди. Ёлғондан шаллақилик қилиб, ҳайратда қолган киши бўлиб, ёқаларини ушлашиб-да, «астоғурулло», «субҳонолло» деган бўлишди. Шундан бошқа гап айта олмай жим қолишиди.

Шу воқианинг эртасига мазкур маҳалланинг тунука-вонлик ҳовли-жойи бўлган отоқли бойларидан — дўйкондор Жақипнинг кекса отаси вабодан вафот қилди. Бой хонадонларга камдан-кам кирган бу оғат йирик савдогарлар ичидан катта кишини олиб кетгани шу эди. Халқ нима деса ҳам, савдогар Жақип ўз отасини қадимги урф-одат бўйича чиқармоқчи бўлди. Шунинг билан кечаги халфа, қори, маҳдумларнинг ҳаммасига хабар қилдирди. Бугун тонг отгандан бўён унинг одам хабар қилгани кетган кишилари пастки мачитнинг имоми, халфа, маҳдумларини ҳамда Жақипнинг бу томон билан у томондаги кўнгли яқин ёру дўстлари, ошна-оғайниси бўлган савдогарлар, ҳожилар, бойларининг хонадонларига хабар қилиб чиқишиди. Шундай қилиб, дўйкондор савдогар Жақипнинг остин-устунлик уйининг беш-олти хонасига дастурхон ёзилиб, уйнинг тўрт томонига узун-узун кўрпачалар солинди. Кўп одамни кутишга ҳозирлик кўрилди. Ҳовли-ю, ошхоналарни палов дамланган, сур қазилар солиниб, эт осилган қозон

ұчоқлар босиб кетди. Ҳар хонанинг лагани, обдастаси, мой-сочиқ, құл-социқлари ҳозирланиб, шу бойнинг приказчиклари, ваколати, малайи ҳисобида юрадиган етти-саккыз йигит мәхмөн кутувчилар ҳам ҳар хонада мәхмөнларга құз тутиб үтиришди.

Бироқ шунчалик тайёргарчиликка қарамай, Жақип бойнинг отаси кекса Жумодилнинг жанозаси етим қизнинг түйидек ними-ниспигина бўлиб қолди. Сабаби, бу жанозага икки мачитнинг дин бошлиқлари-ю, Жақип билан олди-бердиси бўлган, бирга иш тутиб юрган ўнтача савдогардан бошқа киши келмай қўйди. Йирилганлар: Жумодил турадиган кичикроқ хонанигина тўлдирған бир неча савдогарлар билан саллаликлар бўлди, холос.

Бошқа хоналар келмаган мәхмөнларни кутиб ҳувиллаб қолди. Ҳалиги келган озгина одамлардан бошқа қайси куни бўлмасин бой уйига киришга рухсат этилмайдиган кўр девона, чўлоқ, кар, оқсоқ-тўқсоқ гадойларгина келишганди. Йиғилган имомлар билан Жақип бой «жамоат келар» деб бир соат-икки соат кутишди. Яна бир оз кутишса, шанба намозининг вақти ўтиб кетадиган. Шундан кейин ноиложликдан шошиб-пишиб, пешин бўлиши биланоқ ўликни қозоқ мозорига элтиб, кўмиб қайтишди.

Мозордан қайтиб, ҳалиги ясоғлик уйга киришиб, таомға қарашибгандаридан кейингина баъзи савдогарлар билан битта-яримта дин бошиларига тил битди. Боядан бери ичларида туғилиб турган «касирнинг» учини чиқаришди.

Кече Сармуллага қарши бўлган наматфуруш Сейсеке, Қасен қассоблар бугун айниқса ғазабланншган экан. Мудом шуларнинг кетидан эргашиб, гапини қувватловчи, маъқулловчи бўлиб илашиб юрадиган Кўрабой, Ўтарбой деган ўжар-безори, зўравонлар бўлар эди. Улар моли-пули, тан суммалари чоққина савдогарлар бўлишса-да, шу ўтирган бойларга суюниб, ҳамиша шулардан тама қилиб, лаганбардорлик қилиб юришарди. Сўзамол, излагани можаро бўлган «ҳайбракаллачи туҳматчилар» шулар. Мана бу уч-тўрт бой керак бўлганда мўйлов қилиб, ўшаларни гиж-гижлатиб қўйишади. Билаги бақувват, қамчилари йўғон жанжалчилар ҳам шулар. Жаноза устида Жақип бойни бугун шунчалик мусофир қилиб, яккалаб қўйишгани

учун Сейсеке билан Қасенбойлар шаҳар ҳалқини айблаб гапириши. Шунда яна «бунинг ҳаммаси — бошимизга Сармулла солган балониң аломати» деб, Қўрабой, Ўтарбойларни Сармуллага ўчакиштириши. Бу икки тўнг мўйин кечада бўлган жанжални ўз кўзлари билан кўрмаган бўлишса-да, хўп эшитишган эди.

Энди ўшалар дастурхон устида «Сармулланинг касирин урди», «Сармуллани тийиб қўйиладими-йўқми!»— дейишиб, Жақип учун ҳам ўртаниб, ҳам номус қилишиб сўзлашганди. Бойлар бу гапларга аралашгани йўқ. Фақат Қўрабойларнинг сўзини қувватлашларини билдириб, бири тамшаниб, бири бўш чайқаб ҳа, ҳимлаш билан бўлишди. Семиз қоринларигина сўзлаётгандек вазият билдириши. Ҳазрат ҳам ўшалар сингари индамасликни, ёрилиб бир гап гапирмасликни маъқул кўрди. Фақат сўнгги кунларда Сармулла деса тутақиб кетарди. Уша ҳалфа, қори, маҳдумлар бир оғиз-икки оғиз сўз билан Сармуллага лаънат ўқишиди.

— Сармулла ҳали кўпларни йўлдан оздиради!

— Маҳалладагиларни дин йўлидан оздирмаса бўладими.

— Шундай офат, азобу уқубат устида шунчалик ҳам қасдлик қиласдими-а?

— Шундоқ қиласа, Сармулла бўладими?

— У ҳали имомларнинг, ҳазратларнинг барча мусулмон қавми номидан қиласдиган дуойбадига, тескари фотиҳасига учрамай қолмас!— дейиши.

Мана шу сўнгги, гоят заҳарли жиҳатини ўзгача ҳийлакорлик, маккорлик билан Сомурот маҳдум айтди.

Ўзларининг имомини Сармуллага ўчакиштириб, гиж-гижлатишнинг устига, қуи мачитнинг индамай ўтирган, Қўнғирхўжа деган имомни ҳам атайин шу томонга мойил бўлишга ҳозирлаб, шама қилаётir.

Шаҳарнинг отоқли аъёнларини, зўравон, бадфеъл Қўрабой, Ўтарбойларини ҳам мана шу маккорона гапи билан тобга келтириб, гиж-гижлатиб қўйди.

Лекин ҳозир исқот, садақа бериши керак бўлган, ўлик кўмган, мана шу дастурхон эгаси Жақипбой бўпайтда ҳалиги гапларга розилик ҳам, норозилик ҳам изҳор этмади. Қовоғини солиб гезарганича дамини чиқармади. У отасининг ўлими устида, бирорларга қўшилиб, бирорларни ёмонлашиб, гийбат қилиб ўтиришни ўзинга эп билмади. Бугунги жанозанинг хор бўлгани,

кулгили бўлгани учун ичидан Сармуллани тутиб егудек бўлиб ўтирган бўлса-да, бор кекини кейинга сақлади. Бўртинган қизил юзли, кичик-кичик қийиқ қўэли, қизғиш серсоқолли Жақипбой шаҳарнинг энг маккор савдогари. Салмоғи ҳам, зарби ҳам зўр бойи.

Ҳозир ўша Жақип индамагандан кейин Сармулланинг ғийбати узоққа бормади. Бироқ мана шу бир уй бўлиб ўтирган саллаликлар билан савдогарлар Сармуллани ҳалигидек дуойбад қилиш билан тарқалишди.

Шундан бир ҳафта ўтгач вабо тайсалламай, кучайиб кетди. Қўп хонадонларга моромсиз, бераҳм қайғу ҳасрат ёғилиб, оғир мотам бўлди. Шунинг билан бирга ҳозир вабо даставвал бошланган кунлардагидек эмас, барча жаноза-ю, хатимларга борадиганлар кун сайни камая берди. Анави жума куни ўқилган хутбадан кейин бўлган баҳс масаласи у томону бу томонда бўлган жанозаларда, хатимларда, етиларда гур-гур гап бўлиб, бутун шаҳарга тарқалди. Шаҳарнинг мачит-мадрасалирига алоқаси йўқ, боши саждага тегмайдиган кўпчилик халқ хабардор бўлди. Улар бозорларда, қайиқ устида, оролда, кўпчилик борадиган ошхона-чойхоналарда «Сармулла билан бор муллалар» ўртасида бўлган баҳсможарони батафсил эшитишди.

Муллалардан чиққан ва бу томоннинг бир неча бойларидан эшитилган гапларда Сармулла бениҳоя айбланиди. «Бош мачитнинг имомига, кекса эшонга Сармулла халқ олдида тап тортмай қарши чиқибди. Шунинг билан ўзи динни чала биладиган қозоқ қавми орасида ёлғон насиҳат, хавфли ўгит тарқатибди. Кўпчилик нодон халқ энди ўликларини имом, муллаларсиз, яшириқча, бежаноза қўя ётган эмиш»— деган хабар у томоннинг етти мачитидаги бор имом, халфа, қори, сўфи, ҳўжалари билан маҳдумларига етди. Барча диндор, ёлғон сўфи, бойларнинг ҳам қулоғига етди. Яқин кунларда кекса эшон Сармуллани дуойбад қилиб, тескари фотиҳа берар эмиш, деган гаплар ҳам чиқа бошлади.

Абай мана шу, Қумошнинг уйида китоб ўқиши билан машғул бўлиб ўтирган кунларининг бирида, чоштгоҳ пайтида онаси буюрган иш билан Дамежоннинг катта ўғли Жумош келди. Кўзлари ёш, новча бўйли ингичка йигитча, бугун эрталаб отасининг вабодан вафот қилганини айтгани келибди.

Бундан олдин ҳам Абай Құмошнинг мана шу бош жотоқдаги икки қават уйига құшни бүлган бир неча қашшоқ, камбағал қайиқчи, ўтинчи, сувчиларнинг уйида бүлган эди. Ҳаммасининг ҳам уйларидан чиққан ўликларга таъзия билдириб, күнгил сұраган эди. Дамежоннинг уйига ҳам дархол борди, юзларини, нурли қоп-қора күзларини чин дарди-алам ёшлари билан ювіб ўтирган Дамежонни Абай құчоқлаб күришиб, юпатди. Буларнинг құшниси Жабайқон ҳам вафот қылған экан. Уннің бүйі етиб қолған ўғли Бидойбойнинг күнгліни сұраб, отасига таъзия билдириб чиқди. Абай шаҳарға келганидан буён вабо күпайиб, күпларни олиб кетаётір. Айниңса Дамежоннинг уйига келиб, шу ат-роффдаги камбағал-қашшоқларнинг ҳолини сурштириб билганида, Абай бу халққа бенихоя ачинди. Үн яшар ўғлидан айрилиб адо бўлиб, йиғлаётган оналарни кўрди. Ҳол-аҳволини Абай яхши биладиган беозор этикчи Соқоп ўлганида, олтита гўдагининг орасида Қамар деган, кўп если аёли қолған эди. Болаларнинг очлнгидан сиқилған ўша аёл, мойкага жун ювгани бориб-келиб. Яқинда ўзи ҳам вабога йўлиқибди. Ҳамма болаларнинг олдида бу машъум ҳаёт билан имон келтириб хайрлашмай, лаънат айтиб кўз юмибди.

Дамежоннинг яна бир құшниси ўтинчи Тусип эди. Уша оролдан ўтн олиб келиб, эртага бозорга элтиб, бемор хотини билан кекса онасига оби-ёвғонлик нарса олиб келмоқчи экан. Ўтинини орқалаб, бўсағасига зўрга келиби-ю, йиқилиб жон берибди. Негаки, эшикдан кириши билан кекса онасига, эрининг бошида парвона бўладиган умр йўлдоши, оқила ёри Сатжонга бара-вар вабо тегибди. Кетаётганида омон юрган жигарпэраларининг энди сиймосига ўлим гирдоби тушганини кўрганида юраги ёрилиб ўлибди.

Буларнинг ҳаммаси ҳам Сармуллани оғизларидан туширишмайди. Сармулланинг ўғитини Дамежон ҳам болаларидан эшишибди. Оролда пичан чопадиган, ўтии кесадиган меҳнат аҳлининг ҳаммаси ҳам энди жанозага имомлар, қориларни чақирмайдиган бўлишибди. Дамежон ҳам йиғлаб ўтириб, Жабикеннинг жанозасига мачитни, домлаларни хабар қилдирмаганини айтди.

Абай уннің бу гапини маъқул кўрди. Абай ўтирган бу уйга бош жотоқлик қайиқчи, этикдўз, ҳунарманд, мардикорлардан кўплари келиб кетишибди. Буларнинг

ҳаммаси Сармулланинг гапини маъқул кўриб, ўшанинг маслаҳати билан юрганларига Абай хурсанд бўлиб, яна кўп маслаҳатлар берди.

Дамежоннинг уйидан чиқиб, ўзи турган уйига пиёда келаётган Абайнинг эсига ҳали эшигтан қайғули ўлимлар тушди. Этикдўз Соқип, бева хотин Қамар, ўтиччи Тусипларнинг ўлимлари алоҳида-алоҳида аччиқ аламлари, оғир тақдирлари билан кўз олдида гавдаланди... Оталар, оналарнинг оҳи-зори, дарди-алами... Болаларнинг шўри, етимлиги, паноҳсизлиги, оч-яланғочлиги, қат-қаватлашиб кетган баҳтсизликлари — ҳаммаси ҳам Абайнинг юрагига наштар ураётир. Нафаси сиқилиб, ғуссага ботганидан, хўрсина ҳам өлмай, беомон оғир мусибатдан чўчиди. Айниқса чорасизлик бўғиб, қийнаётир... Уйда эмас, эшикда, кимсасиз кўчада ўзи келаётган бўлса-да, Абай ўзини худди дами кетаётгандай ҳис этаётир. Халқ қайғуси сезгир, ғамхўр инсонни аниқ оғир ғуссага, ҳақиқий чуқур қайғуга ботира бошлади...

Абай шу кайфиятда уйига етганида Қумошнинг ҳовлисига саҳродан келган, чанг босган извош кириб келган эди. Извошда Абай икки ҳафтадан буён кўз туваётган ўғли Абиш билан унинг яқинда турмушга чиқсан рафиқаси Мағишлар келишибди. Абиш уйга Абайнинг устига салом бериб кирганида, Мағиш уялиб тортиндиди-да, эшикда қолди. Абай буни пайқаб қолиб офицерлик кийимида шаҳарга аскарий формада кирган Абишдек ўғлининг саломини дурустроқ алик олмасданоқ ишга буюрди.

— Саломинг тўғри-ку, лекин орқангда мендан уялиб, ичкари кира олмай Мағиш эшикда қолди-ку. Бундай қилиш сенинг офицерлик, менинг оталик шаънимга ярашмайдиган иш. Бор, олиб кир менинг ёнимга, бундан кейин мен билан кўришишдан уялмасин! — деди.

Абишнинг офтобда қорайиб қизил юргурган юзи қипқизариб кетди. У ўнғайсизланиб кулганича аскарий ҳаракат билан тўсатдан ўғирилиб, эшикни очиб юборди-да, Мағишни ўзидан әлдин өлдингина киргизди.

Мағишнинг қадди-басти келишган, баланд бўйли, оппоқ пешонасига, қоп-қора қошлирага, катта-катта, шуъвали қўй кўзлари хиёл қарама-қарши бўлса-да, ҳуснига ҳусн қўшган. Мағишнинг кўзлари Абайнинг юзига иззат ва ҳурмат билан боқади-ю, ерга қарай беради. Дўндиқ, чиройли лаблари билан чўэйинчоқ кел-

ган оплоқ қизғиш чөхрасида одоб акс этиб турибди. Қип-қизил лаблари сиполик билан хиёл жилмаяди. Бу чөхрада маъсум ёшликтинг сутдек соф, берубор покизалиги нур отиб турибди. Абай уни «қарогим» деб сўрашди. Оталарча меҳрибонлик билдириди.

— Йўл узоқлик қилиб чарчаб қолмадингми Магишим!— деганда, Магиш нағиғ овози билан астагина:

— Йўқ оға, унча чарчаганим йўқ— деди.

Абай бу болаларининг ўз ёнида бўлишларини, яйниқса, бу томонда туришларини хавфли деб билади. Абиш билан Магишдан ҳам ўша фикрини яширмади. Отларини чиқартирмасдан, ҳозирнинг ўзидаёқ у томонга ўтишга буюрди. Абай шунга қарор қилган экан. У томонда буларнинг тушишига қулай бўлган, кўпчилик бориб келмайдиган Даниёр деган бир ўқимишли қозоқнинг уйи бор эди. Уни Абиш ҳам биларди. Энди ёшлар ўша ерга борадиган бўлишди. Шунинг билан Боймағамбет Магишни эргаштириб эшикка чиқиб кетаётганида уйда сал хаяллаб қолтан Абишга Абай бир маслаҳат берди. Бу гап ҳозиргина эшикдан чиқиб кетган, қадди-қомати келишган Магишнинг орқасидан қараб туриб эсига келганди.

— Овулдаги эналар билан овсин-ажинларига қўшилиб, Дилда келинига лачак кийдириб, қалин шойи рўмол ўратиб юборибди. Магишнинг кўркам қоматини гўзаллаштираман деб, яшириб қўйибди. Шаҳар таомилига бу тўғри келмайди. Сенинг бундан буё: аралашадиган шароитингга лачак-рўмолнинг нима кераги бор, нима, дейсан?— деб Абай кулиб қаради. Абиш ўзи аввал ўйлаб қўйган фикрининг устидан чиқкан отасидан хурсанд бўлди. Индамай кулганича бош эгди-да, чиқиб кетди.

Дамежоннинг уйига бориб, у ердаги бир хонадон эмас, бир неча хонадоннинг бошига ўлим тушганини кўрган Абай армони-ҳасратга ботиб қайтган эди. Абишнинг келиши, баҳтиёр ўғли билан келинини шаҳарда кўриш ҳали унинг кўнглини бир оз чалғитиб, хиёл кўтарган эди. Энди Абишлар кетиши билан яна ўша гуссага ботди. Бир хонадон эмас, фурбат босган кўп хонадонларнинг кўксини қарс ёриб чиқаётган оҳу зорини эшилди. Етим болалар билан бева қолган маҳбубалар, кўзи ёшлилар, оналарнинг жудолик ўти аланга отаёт-

ганини кўрди. Мусибатда қолган жонларнинг оҳ-ноласи билан иссиқ нафаси ҳали ҳам кўз ўнгида яллиғ отиб турибди. Этгудек чора, бергудек кўмакнинг озлиги айниқса қийнайди, ғамгин қалбини бадтар сиқади. Халқ дардини ўз оғзидан эшитиб, таъзиядор сиймоларни ўз кўзи билан кўраркан, Абай шаҳар қашшоқларининг Сармулла ҳақида яхши фикрда эканлигини ҳам пайқади. Халқ уни айблаётгани йўқ.

Бироқ бугун нонушта чоғида шу уйнинг эгаси Абайга бир гапни айтган эди. Камгап, дангалчи, тўғри сўз одам — Қумошдан эшитган гапи ҳозир яна ёдига тушди. Қумош кеча кечқурун хуфтан намозига бориб, махдумлар, халфаларни кўрибди. Сўнгги кунларда бозорда Сейсеке, Қасен, Ўтарбойларни ҳам кўрганди. Қумош ўшаларнинг оғзидан эшитган гапларини Абайга айтиб берди-да, гапининг охирида:

— Афтидан, Сармуллани жамики муллалар билан савдогарларнинг кўрарга кўзи йўққа ўхшайди. Шу Қадар ўчакишибдики, асти қўяверинг. Билмадим, оқибати нима бўлар экан! — деган эди.

Абай бир томондан шу гапларни эшитиб, иккинчидан қашшоқ хонадонларнинг аҳволини ўйлаб ўтираркан, энди Павловнинг олдига бориб, бир оз маслаҳатлашиб келишни маъқул кўрди.

Павловнинг уйи Слободканинг руслар туродиган қисмида, каланча билан касалхонанинг ўртасида эди. Абай қумсиз кўча бўйлаб яқинлашиб борганида бир қаватли, кўҳнагина чодирли уйнинг кунгай томонидаги иккита деразасининг қопқоғи қия экан. Фичирламай, енгил очиладиган кўча эшигини очиб кириши билан рус хонадонининг ҳовлиси эканлиги пайқалади. Кафтдек ҳовлининг ўртасида ёғочдан йўниб, баланд қилиб ишланган қудуқ чор чўпи кўзга ташланади, сув тортадиган чиғириғи ҳам бор экан. Бунинг нар ёғида товуқлар, ўрдак ва ғозларчувалашиб юрган паррандахона, чоққина оғилхона кўринади.

Абай ўзига маълум хонанинг эшигини очиб, даҳлизга кириши биланоқ рус уйининг ичи бошқача эканлигини ҳам пайқади. Шипга ҳаммом супургиси қистирилган. Бурчакдаги сув бочканинг усти ёпиқ. Бир томонда баланд умивальник. Кўкка бўялган бу умивальник тор даҳлизни безатиб турганга ўхшайди. Унинг икки томонидаги темир қанотига қизил, кўк совунлар қўйилган.

Үй әгаси — соатсоз Савелийнинг ҳаммадан ҳам тозалика риоя қилиши кўриниб турибди.

Бу уй тўрт хонадан иборат бўлиб, ярмида соатсознинг ўзи, қолган иккита хонасида Павловлар туришарди.

Абай келганида Павлов билан Александра Яковлевна ҳам мана шу касалхонага яқин жойдан ижарага олинган чоққина уйларида экан. Абайнини бу уй сари етаклаган қайғуси билан бирга, ўзи ҳал қилолмаётган бир саволи ҳам бор эди. У Александра Яковлевнадан ўша ҳақда сўради.

— Мен келган пайтда, бундан икки ҳафта олдин-ку касал ҳам, ўлим ҳам камроқ эди? Нега бунча кучайиб, тарқалиб кетаётир? Бундай бўлганда бутун халқни қириб бўлмагунча, тинмайдими энди? Қандоқ қилса тўхтайди? — деди.

Жаноза, хатимларга шаҳар халқи сўнгги ўн кун чамасида жуда кам борадиган, ҳатто дурустроқ ҳам йиғилишмайдиган бўлишганди. Шундай бўлса-да, нима учун касал камаймай, авж олиб кетди, шуни сўради.

Доктор аёлнинг ҳориб-толган, ғамгин, қорамтирик кўк кўзлари анчагача Абайга тикилиб туриди. Унинг сўлгин юзида, очатқироқ чаккаларида ингичка кўк томирлар билиниб турибди. Абайнинг ташвишини у одамгарчилик аломати деб билади. Шу кунларда кўраётган селдек кўз ёшларидан унинг ўзининг ҳам юраги сиқиларди. Ҳозир у аёл Абайнинг гапига зўр илтифот билан жавоб берди.

— Ибрагим Кунанбаевич, сиз даставвал келган пайтларда бу касал шаҳарга эндиғина тарқалаётган эди. Бу касал бундай иссиқ кунларда кучаймай қўймайди. Жанозалар бўлса қиласидиганини қилиб бўлган. Үшанда касал юқтирган одамлар, энди ўз хонадонларига юқтириб, дардга чалинтираётир! — деди.

Шунинг билан доктор аёл Абайнинг бирйўла умидсизланишини пучга чиқарди.

— Бу касал яна икки ҳафта, кўп бўлса бирор ойларда озая бошлайди-да, тўхтайди. У август ойида салқин тушишига қараб камаяди. Бунинг сабабини ҳам бир оз айтиб берай, Ибрагим Кунанбаевич... — Бу касални ҳам бошқа кўп юқимли касалликлар сингари зарарли микроблар тарқатади. У микроблар ҳаво иссигида

хуружга келади. Салжын ҳавони хушламайди. Салжында мадори қуриб, ўз-ўзидан ўлиб қирила бошлайди! Со-вуқ тушган пайтда касал бирйўла йўқолади, тўхтайди,— деди.

Шунинг билан бирга Александра Яковлевна эри билан Абайга бугун касалхонада, шундай кўз ёши устида бўлган бир кулгили воқиани ҳикоя қилиб берди.

Кўпдан бери кулгини унутиб юборган, рангги қонсизланиб кетган аёлнинг сўлғин чеҳраси энди ҳазил қилиш билан сал нурланиб, очилиб кетди. Бугун эрталаб бу доктор касалхонага борганида, тўсатдан кутилмаган бир қизиқ ҳодисанинг устидан чиқибди.

Семей шаҳрига, Слободкага вабо тарқалгандан буён бу ердагиларнинг ҳаммаси энди кўрган, илгарилар ҳеч ким кўрмаган, билмаган, одам қўрқадиган «қора арава» деган аравалар чиққан. Буларни ҳар кун эрталаб, кечқурун шаҳарни оралаб чиққани касалхоналар юборишиди. «Қора арава» аслида оддий, катта сариқ арава бўлиб, устига уйга ўхшаш соябон қўндириб, унинг устига брезент сирилган. Вабонинг юқимли микробини заарсизлантириш учун брезент билан аравага карболкага ўхшаш қора мой сурилган. Шу сингари қоп-қора мой сингиган катта брезент арава, вабодек беомон дарднинг хабарчисига ўхшайди. Үзи ҳам машъумлик аломати ҳисобланарди. Негаки, бу арава шаҳарни оралаб юриб, кўча-кўйда, кутилмаган ерда ўлиб ётган одамлар бўлса, ёки ўлим ҳолатида ётган касаллар бўлса, ўшаларни йигиб, касалхонага олиб кетади.

Бугун Александра Яковлевна қараса, ўша араванинг иккитаси касалхонага қайтиб келган экан. Ўшанинг биттасининг ичидан иккита эркак кишини тушибиби. Буларни одатдагидек, вабо текканлар экан де-йишиша, улар аравадан тушираётганларни ҳақорат қилиб, юлқиниб, қаршилик кўрсатишибди. Касалхона одамлари энди қарашса, у иккovi касал эмас, маст экан. Девор тагида йиқилиб ётганлари учун буларни ҳам кундагидек вабо текканлардан экан деб қора аравачилар териб кетишибди. Энди аравадан туширганларида икки маст бир-бирига таппа ташланиб, олиша кетди. Гандираклаб, иккovi бир-бирларини кўрсатишиб, аввал ҳинринглаб кулишди. Новчагина, сариқ пахмоқ соқолли биттаси, пакана, қоп-қора кўсасига аския қилди.

— Сени мана бу яхшилар вабо дейишса, сен бено-
мус алдаётирсан-ал — деб, дам хандон ташлаб, дам ҳи-
ринглаб кулди.

Униси бўлса, қон талашган ола кўзларини зўрға
очиб, қаерда турганини билмай пийпасланаётир. Энди
қаерда турганлигини чўнтагини кавлаб топадиган ки-
шидек, қисқароқ қўлларини галма-гал камзулининг чўн-
тагига солиб кўрди. Гандираклаб туриб, бир вақт ўнг
томон чўнтаgidан бир ҳамённи суғуриб олди. Ўзи энди
ўша бужмайган, ёф босган ҳамёнга ҳайрон бўлгандек-
ми, норози бўлаётгандекми назар билан қўрқа-писа
боққанича кафтига қўйиб, қўлини чўзиб турибди. Шу
он ҳамёнга кўзи тушиб, энди ўз чўнтагини кавлаётган
новча бўйли, сариқ соқоллиги тишларини иржайтириб
кулганича келиб, пакана, қоратўрисини ҳолсиз қўлла-
ри билан дўппаслай кетди.

— Сен талончи, тўновчи, ароқхўр,— деб қўяди.

Кейинчалик аниқланишича бу иккови икки ерда
ишиб, бир-бирига яқин ерда қулаб қолишган экан. Фа-
қат аввало сариқ соқоллиги маст бўлиб йиқилиб ётга-
нида, унинг устига анави, иккинчи маст келади-да,
чўнтакларига кириб тўнайди. Шундай қилиб, ўзи маст
ҳолда анавини тўнайман дегунча бўлари бўлади-ю,
яrim квартал ерга бориб, у ҳам учиб қолади. Касал-
хона ходимлари уларнинг вабо тегмаган кишилар экан-
лигига ҳайрон қолаётган бўлса, уларнинг ўзлари ҳам
ҳангуманг бўлиб қолишли. Биттаси ўғрисини учратса,
иккинчиси ўзи тўнаган қурбонини учратибди. «Бу дунё
алақ-чалақ туш сингари, қандай бевафо» деяётгандек
ҳайратда қолишли.

Александра Яковлевна айтиб берган бу қизиқ воқиа
Абай билан Павловга икки хил таъсир қилди. Павлов
одоб билан сал табассум қилиб, мийнида кулиб бош
чайқади-да, лабларини буриб қўйди. Абай кулмади. У
ўзининг шу сингари кишиларга қарата ёзган ҳажвий
шеърининг икки сатрини хотирлади:

Масту власт бўлмасанг,
Тирнклидан фойда йўқ...

У дўстларига шеърини айтмади, шеъридаги фикрини
айтди.

— Эл-юртда ким йўқ? Йиғлаётгандар билан ғамга
ботганлар орасида «ҳозиргиси — ҳузургиси, бўлган-тур-

таним шу» деб ўзини жинниликка солиб юрадиганлар ҳам бор... «Хоҳ ғазаблан, хоҳ кул» деб жирканди.

Бош жотоқдаги беҳисоб қашшоқ хонадонларда ўлим кўплигини Абайдан эшитиши билан Павлов ҳам ўзи билган ўлимлар ҳақида сўзлаб берди. Павлов у томондаги, Затоңдаги пароход грузчикларининг ичидаги тез-тез бўлиб тураг экан. Уша ерда тўн заводи, пийма заводи, пиво қайнатадиган, ароқ ачитадиган корхона, заводларга ҳам Павлов тез-тез бориб турагди. Бу томондаги мойканинг, тери заводининг ва қайиқчиларнинг бир қанча ишчилари билан мудом алоқа қилиб тураг экан. Абайга ўзи кўрган ишларни айтиб ўтириб:

— Азобу уқубат қаерда, йўқчилик қай даражада, инсон ҳаётининг ит хўрлигига кечиши қандай? — десангизчи, Ибрагим Кунанбаевич, буларнинг ҳаммаси ҳам ўша мен кўрган ерларда. Албатта мана бу оғир дарднинг айниқса ғужғон ўйнаётгани ери ҳам ўша ерда! — деб баён этди.

Шунинг билан бирга, хотини иккови, Абайга ва қозоқ ҳалқига шу касалдан жуда сақланиш кераклигини билдириш зарурлигини айтишди. Бу хусусда булар фуқаро ҳалқнинг ғамхўри сифатида, ёру дўст одамлардек жон куйдириб сўзлашади. Шу кунларда уларнинг вабодан бошқа ташвиши йўқ. Вабо тегиб ётган беҳисоб жигарлар, қариндошларнинг ғамини еб, бошида парвона бўлишдан бошқа бирор ҳаёли, орзулари ҳам йўққа ўхшайди. Бу дўстларнинг қозоқ қашшоқлари учун борйўғини қурбон қилишга тайёр эканликларини кўриб ўтирган Абай, ўзининг ҳам ҳалқ ҳожатига ярашлиги жуда зарур эканлигини ўйлади. Абай шу дамгача ўз тарафидан қандай ҳаракат кераклигини, қандай чора топишини англай олмай юрган эди. У дўстларига Сармуллапинг ҳаракати билан воқиасини айтиб берганида, булар Сармулладан бениҳоя хурсанд бўлишди. «Ундай одамии қувватлаш керак, қўлдан келганича ёрдам бериб, ўша бошлаган ҳаракатни тўхтатмай давом этдира беришга ундаш керак. Руҳлантириш зарур!» — деди.

Абай булар маслаҳатлашиб, энди ўзим ҳам бир йўл топиб, у томону, бу томоннинг ҳалқига маслаҳат беришим керак деган қарорга келди.

Александра Яковлевна Абайдек эътиборли одамнинг гапи қозоқ ҳалқига нақадар қимматли бўлишига алоҳида аҳамият берган эди. Энди ўша фикрини одатдаги

ищчанлик, абжирлик билан құлма-құл амалга ошириш-
та шошилаётір. Дин бошлиқлари Сармуллага қарши
харакат қилишга қозирланмоқда деган гапни уққанида,
аёл Абайнинг ўзига ҳам маслаҳат берди.

— Борсангиз-чи, сиз мусулмонсиз-ку. Сиз ҳам ўша
мачитга бориб, жума намозида сиз ҳам сўзлашсангиз-
чи! Нима учун сўзламаслик керак, Ибрагим Кунанбаев-
вич?— деди. Қонсиз, сўлғун чөхраси дув этиб, қип-қиза-
риб кетди. У одатдан ташқари қизишиб сўзлаганди.

Бу ҳақда, албатта, Абай ҳам, Павлов ҳам ночор ку-
лишиб, қаршилик билдиришди. Мусулмонларнинг ма-
чити, унинг минбари билан хутба ўқиладиган жойи фа-
қат имомлар, халфаларнинггина халққа гап қотадиган
жойи эканлигини айтишди. Бу жой кунига беш вақт
намоз эмас, беш ойда бир вақт намоз ўқимайдиган
Абай қадам қўядиган жой эмас. Шу жиҳатларни айтиб,
Абай доктор аёлни хўп кулдириб ўтирида, аниқлаб
тушунтириб берди. Лекин шу уйдан кетаётганида қан-
дай қилиб бўлмасин бир йўл-йўриқ топиб, у томону бу
томоннинг қозоқ халқига докторлар маслаҳатини етка-
зиб туришни бурч билиб, шунга аҳд қилиб кетди.

Эртасига эрталаб, ҳаво очиқ, иссиқ чоштгоҳ пайти-
да Абай келиб, пиёда қатновчиларни Иртишнинг нари-
ги соҳилига ташийдиган каттароқ бир ел қайиққа туш-
ди. Қайиқнинг эгаси яланг оёқ, тикка турганича, ба-
ланд елканини ушлаб турибди. У Сейл экан.

Бу соҳилда турган иккита эшкакчи, ёш қайиқчи-
ларга арқон улоқтириди. Абай келиб ўтирган пайтда
қайиққа йўловчилар тўлиб қолган эди. Қайиқ энди у
томонга ўтишнинг ҳаракатига тушди. Бироқ Иртиш дарё-
сини кўндаланг кесиб, у томонга ўтиш учун бу томон-
да бир оз ергача юқорига юриб кўтарилиб олиш шарт
эди. Шунинг билан Сейлнинг «Тортинглар!» деган қис-
қа буйруғига кўра, икки эшкакчи, узун арқонни елка-
лари оша ушлаб, орқалаб тортиб кетишди. Қайиқ бир
оз лопиллаб бориб, юқорига қараб аста силжиб кетди.
Сейлнинг ўзи елканни тўғрилаб ушлаш билан бирга,
узун ёғочни қайта-қайта сув тагига қадаб, ғайрат қи-
либ, оғир қайиқни итариб юргизиб кетаётir.

Аслида Иртиш дарёси Семей рўпарасида кўкимтири,
тиниқ бўлиб оқади. Бугунгидек ёғин-сочинсиз, ҳаво
очиқ пайтда ўша кўк сув айниқса кўкимтири тортиб,
мавж уриб турибди. Хиёл яшил тортиб кетибди. Қайиқ

бу соҳилда юқорилаган сайин Слободканинг дарёга чиқадиган кўчалари, биридан кейин иккинчиси кўрина берди. Ҳар кўчада сувга келаётганлар кўринади. Узоқдаги бадавлат хонадонлардан сув олгани бочкали аравалар келиб, от солиб сувга тушади. У бочкаларнинг катта-кичиклиги, эски-янгилиги, айниқса қизил-яшил ёки кўк бўёқ билан солинган ҳошиялари ҳам ҳар хил. «Кўк чодирли уй», «тош-пўлат уй» дейиладиган бой хонадонлардан келганлигини эслатади. Ҳозир шулар кўриниши билан бирга, елкаларига обкаш қўйиб, қўш челакни кўтариб келиб, сув олиб кетаётган келинчаклар, кексароқ аёллар ёки йигитчалар кўпроқ кўринади.

Абай Иртиш сувини ичгани олиб кетаётган хонадонларнинг хавфини ўйлади. Милтираб, шилдираб, салмоқ билан мавж уриб оқаётган Иртиш бу чоқда қанчалик «киши билмас хатар, зимдан ўлим, оғир дард тарқате́тири». Бу ҳолат кишининг кайфини учирали-да, чорасияликинг боши берк кўчасига қамайди... Мана бу соҳил бўйлаб турган эски уй, кўхна кулбаларнинг, эски чорвок, пастак деворларнинг, кичик-кичик вайронга эшиклар ичидаги ўйларнинг ҳаммаси бир аҳволда. Уларнинг иложи йўқ. Сувни Иртишдан олмай, қаердан олади? Сув эмас «заҳар» десанг-да, Иртишдан бошқа оғизга томизгудек сув излайдиган ер борми?.. Шунинг учун ҳам барча ўрта жотоқ, бош жотоқ Иртиш сувини ҳалигидек ичаёттир-да, дарди-касалга, вабо оғатига белидан ботаётир.

Иртишнинг суви ёз ўртасида анча тортилиб, саёзланганидан қандай қайиқчи бўлмасин, баъзан сувга сакраб тушиб, қайиқни қўли билан итаришга ҳам тўғри келади. Шунинг учун ҳам ёши элликка борган Сейл пешонасини, лунжини, кўзларининг атрофини чуқур-чуқур ажин босган бўлса-да, яланг оёқ турибди. Бир томон почаси йиртилган, оқ бўз иштонининг липпасини қистириб олибди. Ўзи дам елканни ушлаб, чалқанча ташланади, дам тиргович ёғочни дарё тагига қадайди-да, энгashiб, тиранади. Ғайрат қилиб қайиқнинг силжишини тезлатади. Шундай қилиб бораркан, Сейл Абайни яхши таниб, ҳурмат қилгани учун, ундан вабо ҳақида маслаҳат сўрай бошлади.

Абай бош жотоқ қашшоқлари ҳақида Дамежоннинг уйида эшитганидек, қуйи томондаги камбағал-қашшоқ хонадонларда ҳам ўлим жуда кўп экан. Яқиндагина

Сейлнинг кичик болалари, саккиз ва олти яшар иккита ўғли бир кунда ўлибди. Мана бу қайиқ тортаб кетаётган икки ёш йигитдан бирининг хотини ўлибди. Яна бирининг овқат қилиб, ёш, етим укаларини тарбия қилиб ўтирган онаси вафот қилибди.

Сейл Абайга қараб:

— Бу дарднинг давоси борми, Абай мирза? Тумонатек халқ шу зайл қирилиб кетаверадими? — деди гүё бедаво дардга ҳеч бўлмаса тасалли тилаётгандек. Эндиғи умиди, суюнчиғи ўн беш-ўн олтига чиққан, шу кунларда ёлғиз бўлиб қолган катта ўғли экан. Ша ана у иниларига вабо текканида бирга йиқилган бўлсада, унча оғир бўлмабди. Жон талваса қилиб, анча кун отасини қон йиғлатиб бориб «эси кетди, жони чиқди» деганда, хиёл бери қайтганга ўхшайди.

Сейлнинг нимжонгина хотини бор экан. Бир кунда бир гала болаларининг ичидан ўққа учгандек, учбирдек ўғли пўрт учган-да, эс-ҳушидан айрилиб, оби-ёвғонини қайнатишга ҳам ярамай қолибди. Кекса кампир энаси бўлса мук тушганича «мени ол, ўзимни болаларимнинг ўлига атадим. Ҳеч бўлмаса биттаси учун ўзимни қурбон қилдим», — деб, у ҳам ўлимга юз тутибди. Аза тутиб, нола қилишдан бош кўтармай қўйибди. Сейл уйига борса, дарди-алам, оҳи-зор эшитар экан. Шу жиҳатларни айтиб келиб, бир вақт:

— Мана бу катта ўғлим яхши бўлмай, касал қайталаб ўлиб қолгудек бўлса, хотиним билан онам вабодан бурун қайғу ҳасратда ўртаниб ўладиган. Асли бу касалдан тузалганлари яна қайталар эканми, Абай. Сиз эшитган эдингизми? — деб сўради.

Абай Сейлни юпатиш учун эмас, ўзи ишонгани учун қайиқчининг кўнглига умид бергудек гап гапирди.

— Учтадан биттаси бўлса-да, омон қолгани толеинг экан. Даставвалги оғир кунлардан омон ўтгандан кейин бу болангни шу дарддан қутулди деб бил, қайтала майди, — деди. Бир вақт Сейлнинг қайиғи катта Иртишдан сузиб ўтиб, баланд соҳилли кўм-кўк оролни ёқалаб борди. Энди яна эшқакдаги икки ёш қайиқчи қўлларига арқон өлишиб, сакраб тушишиди. Семей томондаги қора сувга қўшиладиган шоҳобча бўйлаб, қайиқни юқорига торта бошлишиди. Қайиқда Абайнинг орқа томонида ўтирган ўнтача йўловчи бор эди. Уларнинг орасида бошларига ёпинган юпқа қора чопонларини қимтиб.

юзларини бекитиб олган икки татар аёли ҳам бор эди. Бошқа йўловчилар билан улар ҳам қайиқдан тушишди. Булар қайиқнинг оқимга қарши кўтарилишида енгиллик беришмоқчи. Ўша йўловчилар билан бирга Абай ҳам қайиқдан тушмоқчи бўлганида, Сейл уни сийлади-да:

— Сиз тушманг, ҳеч нарса қилмайди, чарчаб қоласиз, ўтираверинг! — деди.

Абай барваста, оғир гавдаси билан қайрилиб орқасига қаради. Бошқаларнинг орқасидан тушаётган икки татар аёлга қаради-да:

— Ҳатто мана бу аёллар ҳам тушаётир. Танижоним соғ, менинг ўтиришим тўғри келмас! — деган эди, Сейл ажин бостган юзини камдан-кам кўринадиган кули билан тиржайтириб, ёрилган лабларини илжайтириб кулди.

— У аёллардан хижолат қилманг. Булар пиёда юришмаса чарчашади-да. Ўтириб чарчаганликдан яйраб кетишаётир-ку! Сизнинг йўлингиз бўлак, ўтираверинг? — деб Абайни туширмади.

Икковлари холи қолишганда Абайнинг хаёлига келмаган бир сирни очиб, Сейл Сармулла ҳақида шаҳарнинг қуий жотоқлари оғзида юрган баъзи гапларни гапирди.

— Абай мирза, шу биз эшишган гаплар ростми ўзи? Сармулланинг бошқа муллаларга ёқмай қолганига сабаб у: «муллаларга жаноза, садақадан тушум бўлмаса-да, ҳалқ оғатдан омон бўлсин. Бундан кейин ўлган одамингизни тинчлик вақтидагидек эмас, мулла-хўжаларни чақирмай, кўпчиликни йигиб ош бермай кўминглар. Буни мен ҳалққа дўстлик юзасидан айтәётирман!» — деди. Шунинг учун унга бош мачит билан мана бу қуий мачитнинг имомлари тил бириктириб, қаттиқ ўчакишиб олишибди. Буларнинг хизматидаги, бош ётар — безорилари кундузи қилмаса-да, тун кечада қиладиган қасдликлари оз эмас-ку. Шулар ўша Сармуллани йўқотмагунча тинадиган эмас! — дейишаётир. Бу гаплардан хабарингиз борми? — деди.

Абай бу гапдан сал чўчиб, ўйланиб жаноб берди.

— Шубҳасиз, Сармулланинг гапи ҳалқнинг ғамини еб айтилган гап. Ораларида можаро чиқаётганини ҳам эшишган эдим. Бироқ шунчалик ўчакишиб, қасдлик қи-

лишгача борармикин. Нега ундоқ деяётирсан!— деб ўзи савол берди.

— Айтаётірман-да, кимдан чиқади демант, шу ерда Үтарбай деган, гапи билан қамчинини баравар ишга соладиган бир безори савдогар бор. Унинг Семейқон, Құрабой деган жанжалчи савдогар улфатлари бор. Үларнинг у ёғи портдан чиқмайдыган бир неча ароқхүр, қартачи-қиморбоз каллакесарлар, ўғри-бузуқиларга бориб улашиб кетган. Үтарбайнинг уйи менинг анави сув бўйидаги кулбамга яқин. Уйма-уй юрадиган бир кекса сувчимиз бор. Ӯшанинг гапига қулоқ солсам, ҳалиги қони бузуқ безориларнинг ҳаммаси Үтарбайнинг уйига йигилишиб, Сармулланинг сиртидан сўйиб-сотишаётир, деди. У икки имом ҳузурида «лаънати» аталди. Шаҳарнинг барча отоқли аъёнларининг заҳрасини учирди. Дин, мусулмон қардошларни, мана бу зулматли кунда, оғат устида, чуқурга, жарга йиқитмоқчи. Диндан чиқармоқчи. Зимдан рус тўралари билан попларининг гапи сари етаклаб, ҳалқни мачитдан, имом, ҳазратлардан бездирмоқчи!— дейишибди. Шунинг учун «бундай ҳалқни йўлдан урувчини дин йўли билан жазолаш керак», «аямай гумдон қилиш керак дейишибди»— деб эшиздим.

Буни қачон эшитдинг?— деб сўраган Абайга, у, ўтган пайшанба кечқурун, деди. Унга бугун учинчи кун.

Абайнинг кўнгли кўп озор топиб, қаттиқ ҳаяжонга тушди. У Сармулла билан маслаҳат қилаётганида ўзининг «ҳалқ ғамхўри бўлиб, ҳалққа эшилдириб маслаҳат бермоқ керак» деган гапини хотирлади. Қандай ният билан бўлмасин, Сармулла шу йўлда хизмат қилибди-да, шаҳарнинг барча беозор меҳнат аҳлининг ғамхўри сифатида ном чиқарибди. Мана бу беозор ҳалқ — қайиқчи Сейллар, кечаги жотоқдаги беҳисоб кўҳна кулбалардаги кўзи ёшли, дили ғамли ҳалқ унинг гапларини барча ҳазрат, ҳалфаларнинг гапидан ортиқ кўрибди. Сармулла ёлғиз бўлса-да, оғир оғат устида кучли тўданинг душманлигига қарамай, кўпчилик учун бошини тиккан одамга ўхшаб турибди.

Муллалар билан ўртасида қандай ўчлиги, қасдлиги бўлмасин, бугун унинг ҳазратларга қарши айтган ярим лавзининг ўзи ҳам кўпчилик қулоғига етиб, ҳалққа ёқиб турибди. Демак Абайнинг қўлидан келса, Сармул-

ла айтиб юрган гапларни ўз томонидан халқа етка-
зиш бунинг ҳам вазифаси, бурчига ўхшайди.

Яна бир оздан кейин оғир қайиқ катта шаҳар томон-
даги қора сувга яқин келди. Ҳозир оролни айланаб,
ўша қора сувга чиқишилари биланоқ кичик дарёнинг на-
риги соҳилидаги катта Семейнинг чети кенг очилиб,
батамом кўринди. Бу томон билан катта шаҳарни ик-
кига бўлиб, кўздан пинҳон тутаётган қалин баланд ўр-
монли Полковник ороли энди орқада қола берди. Қора
сув бошқа бир дарё эмас, Иртиш дарёсининг ўша орол-
ни айланаб оқадиган бир шоҳобчаси бўлиб, Семейнинг
катта шаҳари билан орол орасида оқади. Ҳозир эса,
йироқдан шаҳарнинг қора сувга келиб чиқадиган бир
неча катта, тўғри кўчалари кўринди. Дарёнинг бўйги-
насига солинган катта-кичик уйлар кўзга чалинди.
Ушаларнинг орасида, айниқса қайиқнинг рўпарасида
оппоқ, кўп қаватли буғ тегирмони кўринди. Унинг ат-
роғидаги ҳамма нарсадан баланд қилиб пишиқ ғишт-
дан ишланган мўриси қучоқ-қучоқ, кўкимтири қора тутун
отиб турибди... Донгдор татар бойи Мусиннинг қозоқ-
лар «қизил Баробой»¹ деб ном берган буғ тегирмони
мана шу.

Ундан нарироқда, баланд сайҳон ерда окружной
суднинг икки қаватли оқ тош биноси кўндаланг туриб-
ди. Унинг қаторида дарёнинг бўйига солинган Плещеев
бутхонаси ва оқланган икки қаватли бир неча тош уй-
лар, кўк чодирли, ости-усти тахтавонли уйлар қатор ту-
рибди. Маҳкамали, машинали, баланд олтин бутли,
қўнғироқли рус шаҳри томомила ўзгачалиги билан на-
моён бўлди. Айниқса қирдан, жимжит саҳродан қалага
келган қозоққа ҳалиги қизил баробойнинг «бўкири-
ши» ўзгача. Яқиндаги бутхонанинг кўп қўнғироқла-
рини даранглатиб, жаранглатиб, гумбурлатиб, жиринг-
латиб уриши ҳам ўзгача ҳаёт унини, тирикчилик нафа-
сини билдиради. Шу тўғриларини бугун алоҳида ҳис
этиб, қайиқда ўтирган Абай, қора сувнинг ёқасига ке-
либ қолишганларини пайқади. Олдинда, бир оз нари-
роқда ҳали қайиқдан тушиб, пиёда кетганлар туриш-
ган экан. Юзларини қора чопонлари билан ўраб-чир-
маб, бир томон кўзлари билангина мўралаб қараётган

¹ Паровая мельница — буғ тегирмон.

татар аёллари ҳам етиб келишибди. Қозоғи, нүғойи, бўлган, турли ёшдаги ҳар хил кийимдаги шаҳар одамлари энди қайиқ сари кела бошлишди. Булар яқинлашиб келиши билан Сейл бошқа сўзларга хотима берди. Холи ерда Абайга айтиб қолай деган сўнгги бир сўзини энгашиб туриб баён этди.

— Узингиз ҳам эшитиб, сезиб юрган бўлсангиз керак. Менинг ҳам кўнглим Сармуллага кўпроқ ишонади. Ҳазратлар, эшонларга хушомад тарзида айтаётганим йўқ. Бир вақт Сармулла душманлари билан қаттиқ айтишиб қолганида, «Менинг гапимни ҳалқ айтади» дебди. «Айниқса, қозоқ ҳалқининг Абайдек гамхўри айтади», — дебди.

Сейл Абайга шундай сирни айтди.

Абай мана бу беозор меҳнаткашнинг оғзидан ҳалиги гапларни эшитганда, аввалгидан ҳам қаттиқроқ чўчиб кетди.

— Нима дебди дейсан? Бундоқ деб нима учун айтди экан, сабабини билдингми? — деди. Энди Сейлга бор ҳақиқатни, бор билганини айтдирмоқчи бўлиб, ўйчан кўзларини катта очиб, тикилиб турди.

Сейл тараддуд қилмади. У қайини тиргович билан соҳил томон қаттиқ итариб юбориб, силжитиб қўйди-да, олдда турганлар эшитмасин деб, Абай томон бир ҳатлаб:

— Уни ҳам билдим. Эшитишумча Сармулла мачитда сўзлашдан олдин, сиз билан учрашиб, сизнинг маслаҳатингизни олиб келиби дейишаётир-ку! Унинг «ҳалқа маъқул бўлган гапи аслида сиздан чиққан» дегандан кейин мана шу юқори жотоқ билан қўйи жотоқнинг барча қозоги айниқса ихлос қилиб дарҳол ишонаётир-да! — деди.

Шу чоғ қайиқ сайҳон соҳилнинг майда тошига чиқиб, лопиллаб бориб тўхтади. Сув бўйида кутиб турган ҳалиги одамлар ирғиб, сакраб қайиққа туша бошлишди. Қайиқнинг Абай ўтирган бош томони икки ёқса оғиб, қаттиқ тебраниб кетди.

Абай энди гапга хотима берилишини англади-да, Сейлнинг бунга билдирган илтифоти ва ишончига, сирини очиб айтганига миннатдорчилик билдириди. Пухтагина жавоб қилиб:

— Мен эшитмай, пайқамай юрган ишлар ҳам бўлса керак. Ҳалиги айтганларинга тушундим. Раҳмат сенга,

Сейл! — деб ўрнидан қўзғалди. Сейл ҳам Абайни тўғри тушунди.

— Бу гапларингиз ҳам ёдимда бўлар! — деди.

Қайиқдан чиқаётгандаги оғир гавдаси гандираклаб, қадам қўйиб бораётган Абайнинг орқасидан етиб келган Сейл, қўлтиғидан олиб, соҳилга чиқариб қўйди.

3

Қизил тегирмон ёнидаги тепаликдан чиқиб, шаҳарга қараб кетаётган Абай «юқоридаги сайҳон жойда извош борми» деб қараган эди... Одатдаги енгил трашпанка — легковой извош ҳам йўқ. Ялпоқ паст арава ломовой извошчик ҳам кўринмади. Энди Абай кавушига қайта-қайта қум тўлганича Абиш тушган уйга пиёда кетди. Семей қўчалари Слободка қўчалариdek эмас. Бу ерда қалин бўлиб кепчиб ётадиган қум билан бўз туроқдан оёқ олиб юришнинг ўзи ҳам бир мاشаққат. Шамол турган кунларда осмонни тутиб эсадиган қум бўрони, чанг бўрони ҳам шу катта шаҳарда кўп бўлади. Ҳозир шамол йўқ, ҳаво иссиқ. Олдинга босилган қадам мудом ярим қадам орқага силжийди. Абайнинг кўз ўнгида балчиқ кечиб бораётган отнинг юриши гавдаланди. Терлаб, нафаси қайтиб қийнала-қийнала Абай ўзига керакли кўчага етиб олди. Деярли ҳаммаси ёғоч уйли, тахта деворли, катта дарвозали уйларнинг дераза қопқоқлари ҳар хил рангла бўялган. Кўп дарвозалар ҳам қизил, кўк, сариқ бўёқларга бўялган. Шу ўрталиқдаги икки қават уйларнинг деярли ҳаммасининг чодири бўялган.

Шаҳарнинг ўртароқ жойидан бошланиб, татар маҳалласи томон чўзиладиган Мир-Қурбон кўчасида қум сал озроқ эди. Шу кўчанинг бошланишида чап томондаги муюлишга солинган ости оқ ғишт, усти янги хариларни йўниб солинган кичкинагина ихчам уй, Абай излаб келаётган уй эди. Ҳозир ўша уйнинг йўлак эшигини очиб, Абишни йўқлаб келган Абай кирди.

Абишлар тушган уйнинг эгалари бу шаҳарнинг савдогарларидан ҳам, кўп қозоқ, нўғой, турғун халқидан ҳам бошқача, ўзгача одамлар. Ости ғишт, усти ёғочдан ясалган ихчамгина янги уйнинг эгаси — Даниёр Қўндибоев деган ўқимишли қозоқ. У Семейнинг «Государственным банк» деган бир катта, эътиборли жойида тило-

мочлик қиласынан майда чиновник. Унинг хотини ҳам шаҳарнинг бошқа қозоқларидан ўзгача. У нүйій ҳам, қозоқ ҳам, рус ҳам әмас. Түркістандаги Марғилон шаҳрида туғилиб ўсган, ўша марғилонлик боққолнинг қизи Офтоб. Даниёр сингари русча ўқиб, русча кийиниб, шаҳар маҳкамаларидан хизмат қиласынан катта-кичик тиломочлар, писерлар на фельдшерлар билан мол докторлари бу күнларда қозоқлардан ҳам чиқа бошлаган. Семей қозоқлари бу ўқимишиларга «Қора таёқ» деган лақаб берган.

Шу сингари, озми-күпми ўқиб олиб, чиновник дара-жасига илиниб, дурустгина маош олиб, әнді мана уйжай солиб, ўзига тұқ турадын қора таёқлардан биттаси — Даниёр.

Уни бундан ўн иккі-ун уч йил мұқаддам шаҳарға русча ўқишига, интернатта бердирған Абай әди.

У вақтларда Даниёр ўзининг бугунгидек бўлишини қаердан билсин. Улуғнинг: «Ҳар бўлис учтадан бола берсин» деган буйруғига биноан, эл ичидаги кимсасиз етимнинг биттаси ҳисобида, садақа қилингандек четга чиқариб берилган етим әди. Саҳродан буни шаҳарға олиб келаётган чопар Жумоғулни безор қилиб, бўтадек бўзлаб келган әди.

Буни олиб келиб берилган ўқув юртини «Русско-киргизское училище» дейиларди. Бу ўқув юртини XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб ҳукумат атайнин қозоқ болаларини ўқитиши учун очган әди. Подшолик маҳкамаларига керакли тиломочлар билан ёрдамчиларни, майда чиновникларни ўша мактаб қозоқларнинг ўзидан етиштириши керак әди. Даниёр келиб кирганида, унинг устига ҳаётида биринчи марта янги, ихчам кийимлар кийдирилди. Овқати, ётар жойи яхшилаб берилди. Ўзи сингари ҳар ердан түпланған ва ёши тенг қозоқ болаларининг ичига қўшиб қўйилди. Шундай қилиб, оз-оздан шаҳарға ўргатиб, дарсга кўнгил қўйдириб, ётоқхона тартибиға бўйсундирди. Бир неча ҳафта ичиде ўша «Русско-киргизское училище» Даниёрни ўқишига берилган, тарбияли бола қаторига киргизиб кетди.

Абай аввалига зўрлик билан бўлса-да, қозоқ болаларининг русча ўқишига ёрдам берди. Ўзининг гапи ўтиб қўлидан келадын ерларда, мана шу Даниёр сингари ёлғиз-етим ўшларни интернатта жойлашга тириш-

ди. Шу таҳлитда келиб, ҳозир Семейда Даниёр Қатори ўқиб келаётган, энди-энди маҳкамаларга кира бошлаган Сомолбек, Нурлон, Үмарбек деган яна бир неча ёш «қора таёқлар» ҳам бор.

Даниёр бўлса олти йил ўқиб, бошланғич беш йиллик мактабни битирди. Номи-нишонини, нияти-орзусини ҳеч кимга айтмасдан, ўзи билан бирга ўқиган туркистонлик бир ёш йигит билан Тошкентга кетди. Шундан икки йилча Тошкентда, уч йилгача Марғилонда, подшолик маҳкамасида хизмат қилди. Пулу дунёни хўп ортдирди. Ўша Марғилоннинг мана бу Офтобдек, келишган бир қизига уйланиб қайтди. Семейга келиши билан банкага хизматга кирди-ю, Туркистондан ортдириб келган пулу дунёларни сарф қилиб, мана шундай ҳовли сотиб олди.

Даниёр паст бўйли, сал шалпангқулоқ, пешонаси кенг, қисиқ-қисиқ кўзли йигит. Унинг оппоқ юзида ўзига ярашиб турадиган ним ранг қизили бор. Таңқароқ бурни жуда суйкимли, ўзи кўп улфат йигит. Хотини Офтоб бўлса, Даниёрнинг ўзидан ярим баравар баланд, барваста, қошлари қоп-қора кўмирдек, тўладан келган гўзал юзли, кўзлари кулиб турадиган, жуда келишган жувон. Бу икки ёшнинг ҳали болалари йўқ. Ости-устилек тўрт хонада ўзлари-ю, кекса хизматчи хотин Майсарагина туради. Серҳаракат, ушоқ жуссали, кичкина Даниёр барваста Офтобга ўзининг асқиялари, ўйинқароқлиги, бегараз фитналари билан ҳам суйкимли кўринади. Қозоқлар ҳақида, руслар тўғрисида, қала-ю дала ҳаёти тўғрисида мутлақо ҳеч нарса билмайдиган Офтоб ҳақида Даниёр: «Ҳу, ўша Туркистоннинг Марғилонидан мана шу Семейга алдаб олиб келдим»,— деб кулгили ҳикоя айтаб берарди. Бугун нонуштадан сўнг Даниёр Мағишга ҳазил қилиб ўтирди. Ўзига инидек, бироқ илми ундан юқори офицер даражасидаги Абиш Абайдек оғанинг ўғли. Даниёр Абайнин ҳурмат қилганидек, Абишни ҳам хушчирой, хушмуомала билан кутади. Бироқ ҳазилини ҳам қўймайди.

— Мағиш мана бу Абиш уйланиши билан сени элда, уйда турғизмай, йироқларга, аллақаерларга олиб кетаётир. Абишнинг тили қандай таъсирли, ширина. «Олмаота шундай ажойиб, бу ердан бошқача, ўзагача»— деб сени олиб кетаётган шу-ку. Мана бизлар, ўқимишли ёшлар бундай пайтда рафиқамизнинг ишониши-

га орқа қилиб, алдай, ҳам берамиш!— деб кўзини қисиб қўйди.

Абиш мулоиймгина кулиб ўтириди-ю, жавоб қилмади. «Магиш нима қилар экан!»— деб рафиқасининг нурланиб ёниб турган оппоқ чеҳрасига кўз ташлади.

Ўзи ҳақида гап кетаётганига уялганича кулимсираб, хиёл қизариб ўтирган Магиш Даниёрнинг ҳазилкашаскиявозлигини яхши билар эди. Энди кулимсираб ўтирганича, уятчанлигини енгди-да, нафис овоз билан ҳазил қилиб, жавоб берди.

— Даниёр оға, ундан бўлса, Офтоб янгамни ўзингиз алдаган бўлсангиэ, аввало ўзингиз бўшлаб, ўшани айтиб бермайсизми?— деди.

Магишнинг ҳазилга яраша ҳазил қилганига Даниёр шодланиб кулди-да:

— Майли, айтиб берай, қилган қилмишим учун Офтобдан чекар жазоимни чекиб бўлганман!— деб қўйиб, Даниёр энди ўзларининг бир вақтлардаги ҳаётларини кулгили қилиб айта бошлади.

— Худонинг хоҳиши билан Офтобхонга уйландик. Марғилонда боғи-роғли бир ерда биб-бинойидек ҳаёт кечираётмиз, лекин эс-ҳушим — туғилган юртимда. «Семейни қачон кўраман, қачон элга қайтиб бораман!»— деб йўқлаганимда, учишга қанотим бўлмайди. Бошқа ҳамма гапларимни уқса-да, Офтобга «Марғилондан кетайлик, Семейга борайлик»— деган гапим, зеҳи соламан, асти ўтадиган эмас. Нима қилсин, отонаси олдида, сояй-салқин мева дарахтлари тепасида. Мавж урган ҳовузи, шилдираган ариғи, гул ҳидини анқитган гулзори, жон отиб сайрайдиган абобиллари анави, Офтоб Даниёр айтган Сари орқани бошига урсинми! Менинг оҳу зорим қулогига кирадими? Бунинг бўлса, дарди-фикри гулзор билан узум, олма, нуқул ширин-шарбат мевалар. Шундан бир кун, куз тушиб, олма пишган пайтда икковимиз ҳовлидаги бир олманинг тагида ўтирганимизда, мен гапимни бошладим. «Бу нима, Марғилоннинг олмаси, узуми, меваси ҳам мевами! Гулзори ҳам гулзорми! Оҳ, сен Семейни кўрсанг... Шу кунларда-ку олмалари косадек бўлиб осилиб турибди! Ёпирим, ўзумлари! Семейнинг ҳусайниси, шерозилари, ҳамма нарса ўша ерда-ку! Аттанг, Семейнинг ноки билан шафтолиси-я... Унинг ҳидини айт!

Оғизга солганды мазасини айт! Семейнинг боғлари бир жаңнат-ку! Ариқдаги сувлари кавсар-ку! Не-не ажойиб аబобиллар, у қумри-ю булбуллар... Не-не гапга уста, қизиқчи тұтилар бор Семейда! Сари орқадаги «Тұтинома»нинг қирқ бобини ўалари «түқсон боб» қилиб, қунда айтиб берадиган яшил тұтиларни күрсанг!— деб йүқладым-да, санаб кетдим-ку!

Зеҳн солсам, Офтобим нок билан шафтолини айтганимда!— деб, Офтобга қараб қўйди. Рафиқаси бўлса, барваста гавдасини селкиллатиб, ҳузур қилиб кулаётir. Мағиши билан Абиш ҳам кула-кула эшишиди. Қип-қизил бўлиб, икки кўзидан ёш чиққан Абиш рўмолчаси билан ёшларини артаркан, кулги аралаш кесатиб:

— Шуни айтинг-а, оббо, бор бўлгур Семей-а! Қишинуви эллик градус, ёзинг куни қум бўрони карвон адаштирадиган Семей... Узум излаган киши бу ерга келмай қаерга борсин. Ер куррасида битадиган меваларнинг Семейда битмайдигани борми! Хўш, ундан кейин!— деб қўйди.

Даниёрнинг ўзи кулмай, сиймосида ўзгача бир лоқайдлик, гўллик акс этдирганича сўзалаётir.

— Зеҳн солсам, Офтобим шилқ этиб туша бошланга ўхшайди. Энди кечқурунгина эмас, эрта билан тушда ҳам зорлайман. Ҳовлимиздаги меваси энг ёмон, қурт тушган олманинг тагига бориб ўтираман. Унинг қурт еб тушган олмаларини жўрттага Офтобимнинг кўзига кўрсатиб, бурнимни жийираман. Сари орқанинг Офтобимга маъқул бўлган шафтолиси билан тұтиларини тез-тез ёд эта бераман. Шундан нимасини айтай, бир кун Офтобимнинг ўзи «кетдик бўлмаса ўша Самайга»— деб қолмасинми!— деб ҳикоясини тугатди.

Офтоб қаршилик ҳам, норозилик ҳам билдирамади. Ўзи кўнгил берган Даниёри шу ҳикояси билан ҳам маъқул бўлиб, алданганини бўйнига олди. Ҳикоя қилиб берган Даниёр энди Мағишдан: «Абиш нималар деб алдаб олиб кетаётганини айтиб бер» деб ҳазиллаша берди. Мағиши ҳалиги кулгили ҳикояни қувватлаганомуз:

— Асли, олдингининг солган йўли шу бўлса, Абишдан ҳам алдаш ҳикоясини кейинчалик кутамиз-да, ҳозир айтгани йўқ. Сизга ўхшаб ичиде сақлаб юриб, бир кун чиқарар!— деб усталик билан ҳазил қилди. Абишга

иафиқасининг индамаслиги эмас, аксинча, одобли, ёринли ҳазил қилгани маъқул бўлди.

Тушлик овқатдан кейин Даниёр маҳкамасига кетди. Уйда қолган Абиш билан икки ёш жувон ҳамда хизматчи кекса аёл Майсара тўрттови бўлиб энди бир қизиқ ишга киришди.

Энди Магишининг бошидаги лачагини, Абай айтсин-айтмасин ўзгартирмай илож йўқ. Магиш билан Абиш келган кунлари Абайнинг гапини Даниёр ҳам эшитган эди, Офтоб ҳам билганди. Мана энди бугун қўли бўш ёшлар Магишининг лачагини ташлатиш билан бирга, унинг бошига қандай кийим кийдириш ҳақида маслаҳат қилишди. Бу тўғрида бошқалардан ёши улуғ, ўзи ёшлиқ даврини Қозон, Уфа шаҳарларида ўтказган, Семейнинг ҳам татарлари билан қозоқларининг таомилини яхши биладиган Майсара кўп маслаҳатлар берди.

У гап бошлашданоқ «калапуш» билан «фижим рўмол» керак деган эди. Абиш зардўппи билан оқ шойи рўмол деди. Офтоб бошқа хил нарсалар кийдириш ҳақида ўйлади. Энди Майсаранинг маслаҳатига кўра, уч аёл тўрдаги уйга кириб, Офтобнинг асл кийимлари солинган катта сандиқни очишиди. Магиши ўша уйда кийинтириб, бу уйда ўтирган Абишга кўрсатмоқчи бўлишди.

Магиш ўзини бозорга чиқариб, ўртага солинаётган жондек бўлишдан тортиндига. «Қўя туришса нима қилади» деб ўйлади, ўзича яхшилаб танламоқчи эди. Бироқ Абиш билан Офтоб бунга «қандай, қайси нусхадаги кийим ярашар экан» деб қизиқишдан энди ўзларини тува олишмади. Айниқса Абиш Магишининг қўнғир-қора жингалак сочини, билакдек ўримларини очиш тарафдори. Ўзлари холи қолганларидағина кўрадиган бежирим, қизғиши қулоқлари, оппоқ, сут билан ювилгандек беғубор бўйни, томоги... лачак остида яширинмаса экан дейди. Бунинг ўзини мафтун этиб қувонтирганича Кундузи ҳам, кечаси ҳам очиқ бўлса, ҳеч ботмас ойдек, тўлин ойдек, мудом ярқираб кўринса-турса... асло тўя олмай, чин ошиқи-беқарор, интиқлик билан ҳам қизиқади, ҳам қона олмай қувонади.

Абиш чиндан ҳам шодланиб, илтимос қилгандан кейин Магиш индамай турди-да, латиф ва собит одимлар билан тўрдаги уйга кирди. У уйдаги аёлларнинг, айниқса Майсаранинг баланд кўлгиси тинмай Абишга

эшилии турди. Бир вақт түрдаги эшик очилди. Абиш пастак останага сөөп босиб оппоқ узун-узун бармоқларини хиәл чўзиб, уялганича унга қараб турган нозанин ёрини кўрди. Мағишиш пешматини ечиб, қийиқбел камзул кийибди. Сарғинш йўлли шойига кўп мос келган, уқа тутилган қизғиши жигар ранг духоба камзул, бурмали узун кўйлакка қўйиб қўйгандек ярашиб тушибди. Майсара айтган калапушни, Офтоб айтган қалпоқни ҳам Мағишиш ана у уйда кийиб кўриб, ёқтирмаи ташлаган эди. У ҳали Абиш айтган, иккови даставвал учрашгандарида кийиб келган зар дўппини кийди. Унинг устидан узун гажимли, юпқа тилла ранг сариқ катта рўмол ташлади. Рўмолнинг гажимли бир томонини кўкраги аралаш кенг ўраб, ўнг елкасига ташлаб қўйди. Абишнинг кўзига ҳозир Мағишиш, даставвал кўринган ондагидек, маъсум ёшлиқ чоғи билан ярқ этиб, яна бир қайта туғилгандек кўринди.

Югуриб Мағишининг ёнига келди-да, авайлаб ёнидан ҳам, орқа-ўнгидан ҳам қаради. Рафиқаси танлаб кийгандек кийимларни жуда мақтаб қабул қилди. Майсара индамаса-да, Офтоб Абишга қўшилиб, Мағишининг эндиғи ҳусни билан латофатини томоша қилиб, мақтай берди.

Ўзи ҳам кам учрайдиган, сарв қад нозанинлардан бўлгани билан Офтобда ҳозир рашқдан заррача асар йўқ. Яхши тикилган, ярашадиган энгиллар Мағишининг қадди-қоматини, нурли чеҳрасини бу атрофдаги барча аёллардан устун қилиб турибди. Офтоб кўнглида бу жиҳатларни батамом назарга олиб чиқмаса-да, Мағишининг гўзаллиги билан сўлим ёшлиги, оташин жозибасини борлиғи билан хуш кўрди. Ўзининг бу муносабатини билдириб:

— Қандай чиройли, қандай гўзалсиз, сиз Мағиши! — деди.

Абиш офтобдек гўзал аёлнинг бу феълига ҳайрон қолиб, шодланди. Ўзича ўйланиб:

«...Одатда аёл зотининг гўзаллигига ўзга бир гўзал аёл рашқ қилмайди, рақобат қилмаёт, одилона кўнгил билан қарай олади. Аёлга аёл бошқа масалада кўнмаса-да, ҳусн тўғрисида тихирлик қилмайди. Беғараз қизиқа билади. Хўш, эркаклар-чи, улар бундоқ эмас. Кўпинча, эркак эркакка ўзидан ошиб тушадиган гўзалликни асти раво кўрмайди. Кўргиси келмайди, айниқса иқрор

бўлганини сира айтмайди. Бу ҳам эркакларнинг аёллардан тубан бўлган бир хулқи-ку!»— деб қўйди.

Икки хона орасида Магишни қуршаб олган ёру дўстлар, гўё уни томоша қилгандек, қайта ичкарига киргизмай, ҳазилга тутиб туришган эди. Тўсатдан эшик очилди-да, тўғри Магишга рўпара бўлиб уйга кириб келаётган Абай кўринди. Магиш ким келаётганини фаҳмлаши биланоқ икки юзи, пешонасигача ўтдек ловиллаб кетиб, оппоқ пилтакачдек бармоқлари билан юзини босганича ўзини орқага олди. Офтоб билан Майсара ҳам уялганларича кулишиб, тўрдаги эшикни ёпишди-ю дўпир-дўпир қочиши. Абай ўзи берган маслаҳатини Магиш бажо келтираётганини сезган бўлса-да, уни лайқаганини билдирамади. Қелиши билан тўрга чиқиб ўтиаркан, бошидан енгил тумоғини олди.

Ҳали қайиқда эшитган гапларини айтиб, Абиш билан маслаҳатга кириши. Үғлига аввало Сармулла билан даставвал учрашганини айтиб берди. Шундан берин у томон билан бу томоннинг имомлари-ю, елпатак муллалари бирлашиб, беомон қасдлик сари қадам қўйиб кетаётгандарини айтди. Энди бугун оддийгина бир мумин қайиқчидан эшитганларини айтганда, Абай Сармуллагина эмас, ўзининг гапи учун ҳам айборлардан биттаси бўлишини айтди.

— На чора, қандай даво бор бу ваҳший зулматга. Халқни букиб, кўр-сўқир қилиб ўтирган ўзлари. Халқ бошидаги дардга даво топиш ўрнига, ўша балони улфайтириб ўтирган ҳам ўзлари. Ҳеч бўлмаса заарингни тегдирма, жиғилдонингни тежа, ҳамён тўлдиришдан бир оз тортин, халқ шўрига сен сабабчи бўлма!— дегани учун ёв ҳам бўлишмоқчи, ёвуз ҳам бўлишмоқчи, жиноят ҳам қилишмоқчи. Энди пайқаб қарасанг, фақат тошбагир нодон эмас, ўзлари айтгандек, бориб турган фитнан-олам — презренные мира,— деб Абай шу арабча сўзни Абишга атайн русчалаб етказди.

Отасининг ҳозир ранжиб тугатган гапи, нолишидан Абиш ғуссага ботиб кетди. Шундан беш минутгина олдин ҳузур қилиб қувонганини энди ўнғайсизланиб эсига олди. Омон турган кичик оролдек чоққина уйнинг тинчлик-хотиржамлигига Абиш шаҳардаги дарди-ҳасрат, халқнинг қайғули ҳолини унутиб қўйгандек бўлганди. Унинг дарди-ҳасратини энди мана бу мудом ҳушёр,

сезгир отасининг сиймосидан кўриб турибди. Ўзининг бепарвөлик билан кулиб ўтирганини айб билиб, сиқилди.

У Абайдан ўзининг қандай ёрдам ва кўмак бериши мумкин эканлигини жон-жаҳди билан сўради. Абишнинг талпиниши отасига маъқул тушса-да, у қиласидан иш йўқлигини айтди. Боласидан у фақатгина: халққа қарата сўзлаш учун қаерга борганим дуруст бўлади! Энди Сармуллага юкланган гапни оёғим етадиган, гапим ўтадиган ернинг ҳаммасига бориб сўзлашим зарур бўлиб турибди. Лекин шуни қаердан, қандай жойдан, кимларга учрашишдан бошлай, шунга маслаҳат бер?— деб сўради.

Абиш аввало Абай у томон, бу тёмондаги мачитлардан бошлаб, имомлар билан сўзлашса қандай бўлади, деган хаёлга бориб:

— Сармулланинг душманлари ўшалар-ку. Энди муллалар тўдасидан чиқмаган, халқдан чиққан сиз сингари холис одам гапирса, улар ўйлаб кўришармиди, ўзгаришармиди!— деб умид қилиб гапирди.

Абай Абишнинг бу гали устида Павловнинг рафиқаси Александра Яковлевнани хотирлади. Абиш ҳам ўшанга ўхшаб юзаки ўйлаётир. Абай: «Имомлар салласи билан тасбиҳига ишонган, уларни эшон ҳазрат деб бош эгадиган нодон халққа нисбатан бераҳмликка ўрганган, золим қавм!»— деди.

Улар «айблисан, худо олдидагина эмас, маҳшар куни эмас, шу сингари қайғули кунда, шу маҳалла халқининг олдида берадиган жавобинг бор!»— деган гапни айтган кишини, кофир қавмига қўшишдан тоймайди!— деб қўйди. Яна ўйланиб ўтириб:

— Улар билан халқ олдида кўпчиликнинг овози, тақиди биргаликда янграб турадиган жойда сўзлашсанг бир нав эди-ку! Сен унинг авом тўдасига борасан. Еки сўфи, кекса муллаваччалари сингари қора қузғундек чамбари, қуршовининг орасига бориб кирасан. Улар бўлса ўзларининг имомлари оғзидан чиқадиган бор гапни, имонини сотиб қувватлаб, маъқуллашдан бошқани билишмайди!— деди.

Абиш ўзининг бу ҳақда юзаки фикр юритаётганлигини энди англаб:

— Мен жума намозига ўхшаш, улардан бошқа халқ ҳам кўп йиғиладиган куни, Сармуллага ўхшаб хутба-

дан кейин сўзлайсизми, деган эдим. У қандай бўла-ди?—деди.

Абай ўғлининг бу гапига ҳам кулди.

— Сармулла имом, халфа бўлмагани билан мачит-нинг минбарига чиқиб сўзлашининг жони бор-да. У ҳам бошига салла ўраган муллаларнинг бири. Хўш, мен у ерга мана бу онанг тикиб берган тўбиқти тумоғим билан бораманми ё бўлмаса, энди қариган чоғимда қаландар бўлиб, бошимга салла ўраб бораманми?— деб ўзи хусусида эрмак қилиб кулиб олди.

Абиш бу гапдан ҳам дарҳол қайтди. Лекин излай-излай отасини халқа рўпара қиласидиган жой энди — «бозор», «бозор»гина деб ўйлади. Яна икки томоннинг кўп қатновчиларини ташийдиган паромларнинг ёни, Семей халқи «қайиқ оғзи» дейдиган ерлар сингари жойларни айтади. Қандай бўлмасин атайин ҳеч ким чақирилмаса-да, халқ йигиладиган жойларга энди Абайнинг бориб туриши, сўзлаб туриши шубҳасиз зарур. Сармулланинг жонига оро кириб, ўзининг ҳам унга айтганлигини яширмай, очиқдан-очиқ халқа билдириш шарт эканлигини айтди.

Бу сўнгги гапни Абиш яна даставал гап бошлаган чоғидагидек жон-жаҳди билан, қизишиб гапирди. Гапининг охирида:

— Оға, халқа сиз ўзингиз бориб айтмаган гап, ба-рибири сизнинг номингиздан етиб бораётган экан. Энди хоҳласа мулласи, савдогаригача билсин. Айниқса ҳалиги ўзингиз ғамини еяётган, ташвишини тортаётган, қурбон берәётган қора халқ билсин! Бу томон-у у томондаги халқ ўртасига бориб, ўз фикрингизни тўғри ўзи-нгиз айтиб чиқинг! Керак бўлган ерларда Сармулланинг ўртасига тушиб ҳам, оқлаб ҳам гапиринг. Худди шу пайтда яхши гап гапирибди-ку. Шунинг учун ўртасига тушмаслигингиз адолатдан бўлмас, демоқчиман. Шундай қилишни халқ сиз сингари одамлардан кутадими деб ўйлайман!— деди.

Абай энди нима қилмоқчи эканлигини, қарорини айтгани йўқ. Ўзи елканли кема билан ўтиб келганда «Иртишдан паром билан ўт» деб Боймағамбетни от-араваси билан юборган эди. Ҳозир ташқаридан ўша Боймағамбет келиб киргандан кейин, Абай тумоғини силкитиб кийиб, тез жўнамоқчи бўлди. Шу топда Оф-тоб Майсарани бошлаб, Абай билан Абишнинг олдига

кичикроқ чинни чорада қимиз қўйдирди. Ташқаридан Боймагамбет кирди, уни ҳам дастурхонга таклиф қилишди. Яна худди шу он, чўзиб салом бериб: «ассалому алайку-ум!» деб, эшикдан ўзидан олдин қамчинини киргазиб қоп-қора чўққи соқолли, новча Үтегелди кириб келди. Үнинг қизиқчи, хушчақчақ эканлигини Абишлар келгандан кейин мезбонлар ҳам билишганди. Офтоб билан Майсара Үтегелдини кулганиларича қарши олишди. Бир гал у, бу ерда кун бўйи ўтирганди. Иккинчи гал ўйин-кулгиси, дўмбираси, ҳазил-аскиялари, гўллиги билан бор ёшларни хурсанд қилиб, ётиб ҳам кетганди. Шунинг билан бирга Үтегелдининг бу уйдаги ёшлар биладиган нозик томони ҳам бор эди. Үнинг ўзи шаҳарнинг четида бир қозоқнинг уйида туради. Ўзи — тенгги йўқ овчи, йўлчи, айниқса, афсун билан топадигандек, ном чиқарган «изчи» бўлса ҳам, лекин шаҳарга келганда у: кеча, адрес деганин асти уқа олмай қўйганди. Шу ҳақда у Абишга ялиниб ўтириб айтганди.

— Мен шаҳарга келганда-чи, ўша овулдаги туюдан бадтарман. Қиё боссам адашаман. Шаҳарнинг четидаги ҳу ўша уйга олиб бориб қўйиб, бирорни юбориб олдириб турмасанг, адашиб қаерларга кетишими худо билади! — деган эди.

Чиндан ҳам, уни мана шу Даниёрнинг уйига Абишнинг ўзи икки марта одам юбориб, бошлатиб келган эди. Ҳозир Үтегелди бу уйга ёлғиз ўзи йўлдошсиз кириб келганда, унинг бу сирини билиб, илгари ҳўп кулишган аёллар билан Абиш ҳайрон қолди.

Отаси билан Абишнинг ўртасидаги суҳбат узилган эди. Қўзлари ўйноқилаб кулимсираб ўтирган Үтегелдига Абиш тўсатдан савол берди.

— Ҳой, Үтеш, сен тунов куни қиё боссам шаҳарда адашаман деган эдинг-жу? Қандоқ қилиб келдинг? — деди. Қимиз қуйиб ўтирган Офтоб «нима деяр экан» — деб кулганича Үтешга қаради. Кулимсираганича Үтегелди Абай томон кўз ташлаб қўйди-да, ҳол-аҳволини айта бошлади.

— Ҳали ҳам адашишим рост. Лекин бугун сени то-пай деб, шаҳарнинг четида отимга миндим-да, кўчага кўндаланг туриб олиб, мана шу Иртиш бўйидаги барабойнинг бўйни узун мўрисини кўриб олдим. Ӯшантага қараб чопа бердим, чопа бердим. Ёнига етганимдан кейин орқамга қайрилиб, отимнинг думини Иртишга

қаратиб ўша барабойга тираб турдим. Қарасам, олдим-да бир бўм·бўш кўча бор экан. Ўшанга тушдим-да, от қўйиб кетдим. Бор билганим: мана шу атрофдаги бир дарвозанинг тагидан кичкина сариқ лайча кучук чиқиб ҳура кетарди. Ўша сариқ ит чиққан муюлишдан лоп этиб ўнг томонга қайрилсам, сенинг уйингнинг қоқ устидан чиқар эканман. Энди шу, бундан кейин мени бошловчи ўша сариқ лайча бўлади! Ўтган куни шу уйнинг сиртидан тусмоллаб келиб, сариқ ит ҳуриб чиққан ердан қайрилиб, бир топиб кетган эдим. Бугун яна Иртишга бориб, яна ўшандай қилиб чопдим-да! Тилагингни бергур сариқ лайча мени кутиб ётган экан, ҳурганича югуриб, дарвоза тагидан чиқиши биланоқ қайрила қолган эдим, яна топиб олдим!— деди Ўтеш хурсанд бўлиб.

Майсара Абайдан уялаётган бўлса-да, юзини бекитганича қиқирлаб кулди. Қимиз қуйиб ўтирган Офтобнинг ҳам гўзал юзи қип-қизариб, бўғилиб, барваста гавдасини силкитди-да, пиқирлаб кулди.

Абай кулмасдан Ўтегелдига иссиққина боқди-да:

— Хўш, сариқ ит чиқмаса ҳолинг нима бўлади?— деди.

Ўйдагилар яна дув кулиб юборишди. Ўтелгелди дарров жавоб қилиб:

— У тўғрисини ҳам ўйлаб қўйдим Абай оға. Сариқ ит чиқмаса, ўша кўча бўйлаб у ёқдан-бу ёққа чопа бераман. Қани сариқ ит чиқмай чидаб кўрсин-чи?— деб, Абайнинг ўзини ҳам кулдириб юборди.

Кетмоқчи бўлаётган Абай Ўтегелдига ҳазиллашиб:

— Мана бунга шаҳар, кўча, номер, адреснинг нима кераги бор?— деди.

Лолабедард Ўтегелдининг енгилгина аскияси Абайнин шу зайл ҳазил-эрмак қилишга олиб борди. Беғараз ҳазилга бир оз кулиш билан бирга, Абайнинг кўнгли хиёл ёришиб, кўтарилиб ҳам қолди. Бўлмаса ўз кўнглида мудом ётадиган ғуссага бугун қайиқчи Сейл бехаловат қиласидаган қанча-қанча оғир дарди-аламли сирларни қўшди. Абиш турган уйдаги ёшларнинг вазияти билан суҳбати, оғир қора тошдек юрагининг чуқур-чуқур жойларида ётган салмоқли дардларини ёза олгани йўқ. У дардлар Абайнинг кўксидаги нафас таскин топиб тургандек бўлди, холос.... Ўша етилган оғудек ғуссасини ҳалиги Ўтегелдининг ҳазил-аскиялари

бир озгина устини ёниб, унудирадигандек бўлганди. Шу кайфиятда Боймағамбетни эргаштириб, Семейнинг катта бозорига қараб кетди.

Хозир Абайнинг катта Семей бозорини оралаб юрганига бир соатдан ошди. Аввало Плещеев, Деров, Михайлов, Малишев ва татар бойлари Ҳамидов, Несъматуллин, Тұхфатуллинларнинг магазинларига бир нафас-бир нафас кириб, бош суқиб чиққанди. Улардан нарса, кийим, жабдуқ-асбоб олгани келган харидорлар унча кўп эмас экан. Бўлганлари ҳам олди-сотдининг ҳисобидан бошқани ўйлашга қурби етмайдиган кишилардек кўринди. У қозоқларнинг кўпчилиги саҳродан келганлар. Бош ва оёқ кийимларидан уларнинг ҳар эл, ҳар бўлисдан келганликлари кўриниб турибди. Бундай кишилар кўпинча дўкон оралаб, савдо-сотиқ, олди-берди қилаётган чоқларида бирор кўз ташлашидан, бегона кишидан ийманадиган бўлишади. Ҳатто таниш бўлмаган кишиларнинг ҳаммасига шубҳа билан қарайдиган эҳтиёткор бойлар ҳам бўлади. Баъзан қари, субутсиз, ҳасис бўлис-бийлар, молпараст, сассиқ сўз, писмиқ, содда муғомбир кишилар бўлади.

Бир магазинда Абай керей тумоғини кийган, эгнида тута жун чакмони бор, ҳалигидек бир бой бўлисни пайқади. Ёнидаги иккита йигитига эски кумуш камарини, қамчинини ушлатиб қўйибди. Ўзи кенг тери чоловорини ечиб, унга тиқиб қўйган камзулининг чуқур чўнтағидан кир рўмолчасини олди. Ўшанга ўраб, тугиб ташлаган пулини суғуриб олаётуб «бисмилло», «имоми аъзам савдоси» деб қўйди. Букчайиб, мўнкиллаб, кассага тўланадиган пулни имиллаб чиқараётир. Бу кекса, бу беоқибат бойнинг ёнига иккита йигитгина эмас, яна керей тумоғи кийган тўрт-беш киши келди. Ўрта яшар қала-чилар ҳалиги бойни орқасидан таниб, салом бериб яқинлашиши. Оқ соқолли бой чоловорининг ола-була иштон-боғиничувалтириб, худди таҳорат ушатмоқчи бўлган кишидек магазин ичидагалаб, букчая берди. Ҳалигиларнинг саломини алик олмай, норози бўлиб тўн-филлади-да, орқасини ўғириб олди.

Абай бу кўринишга ғазабланиб, нафратланиб қарди. Елвагай тўнининг устидан иккى қўлини орқасига қовуштириб, битта-битта қадам босганича магазиндан чиқиб кетди. Ҳозирча оралаган катта дўконларнинг ҳаммасида ҳам аҳвол ҳалигидек. Савдо қилиб юрган

шаҳарнинг турғун халқи — руслар, татарлардан бошқаларнинг ҳаммаси ҳалигига ўхшаш, қўйли қўсқи «жунли бой» сингари қалачилар. Уларнинг ҳаммаси ҳам «шаҳарда ёмон кўп бўлади, пулингни кўз илғатмай қоқиб олади, алдаб кетади, ўғирлаб қўяди, шаҳар деган нуқул муттаҳамнинг, еб кетарларнинг ери» деган хавф билан юрадиган, турғи-туман «битган бой», «чириган бойлар». Шуларнинг турқи-атворларини англагандан кейин Абай магазин оралаб юрган қозоқлардан ўзининг гапини уқадиган, уқиш эмас, қулоқ соладиган одам бор деб билмади. Шундан кейин қатор-қатор бир неча растани эгаллаган ёғоч дўкончалар, кичикроқ дўконларга разм солиб кўрди. У ерда ҳам ёлчитгудек одам кўролмади. Энди сўнгги умидини ўшанга боғлаб, кўп халқ бир ерга йигиладиган, чор бозор сари йўл олди.

«Шаҳарда дард, касаллик бор. У юқимли касал, беомон оғат» деган гапларни эшишиб юрган бўлсаларда, чор бозор аввалгидек. Қўлда кўтариб сотиб, унчамунча сотган нарсасидан чой-пой, озиқ-овқатини чиқарадиган беҳисоб чор бозорчилар кундаги одатларини тарк этиша олмабди. Абай кўп вақтлардан буён бозорга келган, кўрган эмасди. Қенг бир сайҳон ерга чўзилган, қуми қалин чор бозор майдони, ҳали ҳам халққа лиқ тўла экан. Боймагамбет билан Абай шу бозорнинг ёқасига келиб, четдан туриб, халқнинг сиртдан кўринишига разм солишиди.

Чор бозорнинг алоҳида бир белгиси: даставвал тинимсиз гангир-гунгур, ғовир-ғувур, шанғир-шунғур, узлуксиз сўзланаётган сўзлар — товушлар эшитилади. Жим туриб қулоқ солсанг, бамисоли бир қулдур-қулдур, довур-довур қилиб ғужғон ўйнаб қайнаётган олам. Узлуксиз, тинимсиз кўп сўз сели ёнингда оқаётгандек бўлади. Мингларча оғизлар, нуқул қулоқсиз, гаранг, тиним йўқ ерга фақатгина ўз сўзларини қайнатиб, ағдараётганга ўхшайди. Абай ҳайрон бўлиб, кулимсираганича ҳали ҳам қулоқ солиб турибди. Эндиги пайқагани: ҳалиги мингларча оғизнинг дам олмай, тўхтамай шанғиллаб айтиётган гаплари қайси тилдаги сўзлар эканлигини ҳам пайқаб бўлмас экан. Қанча қулоқ солсанг-да, қандай сўзлар эканлигини ажрата ололмайсан киши.

Ҳақиқатан бу бозорнинг асли халқи қозоқ бўлса-да,

руслар, нүғойлар ҳам кўп. Ора-чўра Туркистон томонидан, Хитой чегарасидан ҳам карвон-киракаш бўлиб келган дунгандар, таранчилар ҳам кўринади. Абай энди аравадан тушиб, тўпга кира бошлаганди. Гулбарра рўмолларини елкаларига солиб, қўлтиқ остидан олиб ураган, қулоқларига катта-катта сирғалар тақсан, кафтдек катта-катта қора кўзли, қора сочли циган аёллари келишиди. Абайга фол очиб бераман деб: «бахтингни кўриб, айтиб бераман»— деб жавлон уриб, қўлини ёзганича алжишиб туришибди.

Яна бир оз юрганида, эски санг-санг чўқки тумоғининг чўққисига қисқа, жулдур, кир салласини ўраб олган аллақандай бир одам кўринди. Қўлига шилдироқли узун ҳасса ушлаган қаландар экан. Кўкраги очиқ, сувак-суваги чиққан, яланг оёқ, кўзи ғилай, кўса, қоп-қора қаландар лип этиб Абайнинг ёнидан ўтиб кетди. Бир оғини чўғ босиб олгандек, тез, баланд кўтариб, шалоп этдириб босади. Сакраб-сакраб бориб турганларни тўсатдан чўчитиб, товушининг борича бақиради.

— Олло-ҳа...а-а-ақ!— сўнгги «ҳақ» деган сўзини чинқириб, шанғиллаб айтади. Шундан кейин бадбашараси, сийрак тишлари иржайиб, тиржайиб, жини тутган кишидек лабларининг икки четидан кўпик отиб, тўхтовсиз сўзлаб кетади:

Шайхий-бурқий қаландар,
Дарди-касални қайтар,
Кел баракат, кет фалокат,
Оллой ҳа-а-а-ақ!—

деб бақириб қўяди. Бир оёқлаб ҳассасига суюнади. Сакраб-ирғишлиб, ирғитиб-ирғитиб, дам ўтмай шўнғиб, тўп ичига киради-да, Абайнинг кўзидан ғойиб бўлади. Чор бозор тўла турли-туман майда ҳунармандлар — қўлда кўтариб юриб, ё ўзлари ёки уйда ота-оналари тайёрланган кийим-буюмларини сотувчилар.

Қоракесек тумоғини кийган сариқ соқолли бир киши Абайга ўзининг икки елкасига икки айириб ташлаб олган, қўнжи ёрма қилиб тикилган, янги ағдарма этикларини кўрсатади. Яна бир оз юрганида, икки қўлига қўш-қўш қундуз телпаклар қўндириган, икки телпакни мингаштириб бошига ҳам илиб олган телпакчи татар, қозоқ ҳунармандлари яқинлашади. Абайни нўғой телпак кийишга лойиқ одам билиб, ўзининг нарсаларини

таклиф қила беради. Бирорлар дүппи тикиб чиққан. Яна баъзилар ўрма қайиш қамчи, узун ўрилган бўжи ёки умилдириқ, қуюшқон, от-арава жабдуқларини кўтариб ўтишади.

Бир тўп оят битиб тикилган жойнамозни бир қучоқ қилиб елкасига ташлаб юрган кекса қозоқ аёли ҳадеб Абайнинг олдидан ўта беради. Ёшига, кўринишига қараб, бу савдогар аёл Абайни ўзича, ҳарқалай боши саждага борган бўлса керак, деб ўйлайди. Шундай қилиб, ўзлари ясаган узук-сирғаларини таклиф этган, пи-чоги-ю қинигача тақиб, тайёр қилиб, қозоқча камар ясад чиқкан хунармандлар ҳам учрайди. Эски-туски со тувиchi, тўн, чолвор оловчилар ҳам бор. Ҳар хил нусхадаги тумоқ, камзулларини қозоқча қилиб, қўлда тикиб чиқкан ёш, қари қозоқ аёллари кўзга чалинади.

Бу тўпда ҳам Абай ўзининг кимга учрашиб, кимга қарата сўз қотишининг иложини қилолмади. Енгил, юпқа қора элтери тумогини қўлига олган Абайнинг кенг пешонасида ингичка чизиқли, кўндаланг тушган ажин йўллари йигилиб турибди. Соқолига «қиров тушди» дегандек, аниқ-очиқ оқ оралаган. Хаёл олиб кетган кўзлари, гарчи бозордагиларга боқиб тургандек туюлса-да, у ҳозир ҳеч кимнинг юзини кўраётгани йўқ. Шу дамда Абай чиндан ҳам кексайиброқ қолганга ўхшайди. Кўнглини оғир тош сингари, ҳақиқий ранж, фусса босиб турибди. Кун бўйи кезиб, ғамхўрлик қилиб айтадиган сўзини тинглагудек жон топмади. Бугун эмас, кўпдан буён ич-ичини митадек ўйиб еб юрган бир жароҳатига бориб тегди.

«Шеър ёзиб, ўгит тарқатиб юрибман», «халқим учун ғамхўр бўлиб юрибман» дейдиган Абай кўпинча бир шубҳага тушарди. «Қулоқ солаётган, англай билиб, керагига яратаБтган қозоқ боласи борми ўзи, йўқми?»— деб тинчсизланарди. Мана ҳозир ўша шубҳасининг рост эканлигини кўзи билан аниқ кўриб тургандек бўлди. Яна қандай пайтда? Нақадар мудҳиш иш устида? Шунчалик зарур бўлган сўзини, даво бўладиган сўзини тинглагудек одам топмади дейиш қандай хўрлик? Қандай оғир эрмак... бераҳм тақдир жазоси!..

Чин кўнгилдан зеҳн солиб, шу жиҳатини тўсатдан бир ўйлаб қолди-да, кейин яна ғайратга тўла фикрини тўплаб олди. Шундай қилди-да, ўз ҳолига ўзи четдан туриб, эрмакомуз кулгили назар билан боқди...

«На чора... Қандоқ илож топасап, сен ҳам бамисоли бир мендек дала, кимсасиз бепоёнда ноёб ва гүзал қызил, яшил матоларни ёйиб ташлаб, ўлчаб берадиган газини ушлаб, тайёр турган кимса сингарисан! Мато ҳам бор, газ ҳам бор, газлаб берар сотувчи ҳам бор... Фақат харидор йўқ. Қанча кутсанг иктиёринг. Харидоринг чиқар чоғ йўқ. Уша сен-ку, Абай сен ҳам»— деб бошини қуи солди-да, орқасига қайтди.

Қалдир-қулдур, ғовир-ғувур қилган чор бозордан энди сирғилиб чиққан Абай, шаҳарнинг четидаги қумлоқ телаликнинг бағрига йиғилган салт отли савдогарлар ёнига яқинлаб келди. Бу ер маълум от бозори эди. Одам камроқ турган жойлардан кўп қўзғалмай бозорга тушган отни тўдалашиб туриб, кўздан кечираётган шу ердаги отлиқ-яёв қозоқлар Абайга бошқа бозорчилардан қулайроқ келди. Оқ соқолли, қизғиши мўйлов ва кўсароқ, сариқ магиздан келган уч савдогар Абайнин талишди-да, қайрилиб келиб салом беришди. Ўз араваси устида шулар билан сўзлашиб ўтириб, Абай шаҳарнинг мана шу от бозор четидаги ўлим-етимларнинг хабарини эшитди. Савдогарларнинг ўзлари бошлаган вабо ҳақидаги мавзу энди Абайнинг ҳам сўзлашига сабаб бўлди. Кўпдан бўён излаган қавмнинг озгина, бир ҳоувч тўпини учратган бўлса-да, Абай ўйлаб юрган гапларининг кўпини айтиб чиқди.

Бир гала савдогарлар қуршовида аравада ўтиргач Абай кўпчилик эшитарли қилиб маслаҳат берадетир. Шу атрофдаги отлиқ, пиёда ва аравада юрган қозоқ, нўғой, эркак-аёлларнинг бир қанчаси яқинлашиб келиб, гапга қулоқ сола бошлашди. Абай аввало вабодан сақланишнинг ҳалқ учун жуда зарур эканлигини айтди. Унинг шу ҳақидаги сўзларини берилиб тинглаётган тўриқ отли, оқ соқолли савдогар «жанозани, хатимни, хайри-худойини кўпчиликни йигмай, оз одам билан ўтказиш яхши» деган гап бор дейишади. Буни қандоқ қиласиз?— деб ҳам сўради.

Абай бу ҳақда аввалги хутбада Сармулла айтган тушунчанигина айтиб қўя қолмади. «Шариатда жанозани фақат ҳалфа, қори, мулла, маҳдумлар ўқисин деган эмас. Ҳар бир дуойи-фотиҳани, намоз ўқиши биладиган, унча-мунча ўқиган мусулмон жаноза ўқиши мумкин»— деди. Шунга қўшимча қилиб: «Уликнинг уй ичишида, ўзининг яқинларида жаноза ўқиши биладиган

одам бўлса, у ҳолда муллаларни чақирмай, мачит-мадрасалардагиларни безовта қилмай, жаноза ўқиб, қуръон тушириб, хатим қила берсин»,— деди.

Абай ўзини мулла, ҳазратлардан бошқача тутди. У кўзи очилган илм фазилатларига суюнган одам сифатида очиқ гапирди. Шунинг учун тозаликка риоя қилишни қаттиқ тайинлади. Қўлни ҳамиша иссиқ сув билан ювиш яхши деди. Совуқ сув, совиган овқатни ичишдан сақланиш керак деди. Қовун-тарвуз сингари, шаҳар қозоги, айниқса шаҳар болалари ўч бўладиган кўк меваларни емаслик керак деди. Фақат кўп қайнатилган овқат, қаттиқ қиздирив, қовуриб пиширилган овқатни ейиш яхши эканлигини айтди. Сув совугандан кейин касал тўхташлигини ҳам айтди. Қисқаси, Александра Яковлевнанинг ўғити, маслаҳатларининг ҳаммасини ўзгартирмай, тушунарли қилиб салмоқли, босинқи товуши билан яхшилаб айтиб берди.

Шундан кейин бу одамнинг Абай эканлигини ва Абайнинг ўзи ким эканлигини шу ернинг ўзида била бошлаган шаҳарликлар Сармуллани ҳам оғизларига олишди. Уни муллалар, ҳалфалар ёмонлаб, айблашибди дейишшаттириб. Уша гап ростми? Имомларнинг шу ишлари дурустми-йўқми?— деб сўраганлар ҳам бўлди.

Бунга ҳам Абай: «Имом, ҳалфаларнинг иши билан сўзи нотўғри. Яна унинг устига иодонлик. Оғир кунда ҳалқ ғамини ейишдан олдин ўзаро олишиб, тортишганлари ўринсиз. Ҳалқа жони ачийдиган одамлар қиласидиган иш бундай бўлмайди. Қайси имом, қандай эшон айтса-да, юқимли касалдан сақланиш керак. Ҳалқа «сақлан» дейдиган одамларни айбдор қилишилик жуда беҳуда иш. Ўзим билармонлик, тескариликка олишилик, Үндай кишиларнинг ўзларини айбласа, ҳалқ гуноҳкор бўлмайди. Сақлан дегувчи ҳеч қачон қасдлик қилувчи эмас, унинг ғамхўр эканлигини унутмаслик керак!»— деди.

Бугун Абайнинг катта шаҳар бозорига биринчи сафар боришида айтган гаплари шу бўлди. Келаси кун Слободка томонга ўтди. Бу томоннинг бозорида ҳам бир гал йигирма-ўттиз одамнинг бошини қўшиди. Яна бир вақт мол бозорида, ўзининг араваси атрофига йиғилиб келган қирқ-ўттиз одамнинг ичидаги сўзлади. Майдада дўкондорлар орасида Абайни тўхтатиб, сўрайдиган ҳар хил усталар, ҳунармандлар: темирчи, тикиучи,

косиб ва боққоллар, ёшу қари пиёдалар кўп бўлди. Эркаг-у хотин бозорчилар орасида Абай ўзининг тизиб олган маслаҳат гапларини тингловчиларнинг хотирида яхши сақланиб қоладиган қилиб, тайинлаб гапирди.

Кечагидан кўра бугун Абайнинг кўнгли анча кўтарилиб қолди. У томоннинг чор бозоридек эмас, энди ҳар тарафдан тингловчилар чиқди. Улар бефойда кенгаш қурувчилар ҳам эмас, Абайга аниқ ишонадиган ва ишонч билан бирга, шифо берувчи оғиздан даво бўларли сўз кутган, маслаҳат кутган одамлар кўзга кўринди.

Шу жиҳатларини кўнглига туккан Абай энди руҳи кўтарилган ҳолда ишончли овоз билан айниқса чеҳрасида ишонч акс этган ҳолда сўзлаб берди.

Бу томонда сўзлаган гапида Абай, гап айлантириб келиб, Сармулланинг бошқа муллалар билан қилган баҳсини эслаб ўtdи. Қаттиқ тайинлаб, сўзининг бутун салмоғини, ўша Сармулланинг гапини: «Энг яхши маслаҳат», «шаҳар ҳалқи қулоқ қоқмай қўлланадиган ҳақиқий дўстона маслаҳат»,— деган гапга солиб айтиб берди. Шундан яна бир ҳафта ўтган пайтда Абай у томон билан бу томоннинг бозорларига кунда бориб турдиган бўлди. Кунига кам дегандা қирқ-эллик кишига ўз фикрларини, ғамхўрлик гапларини айтишдан тортинмайдиган бўлди.

Шунинг эвазига Сармулла айтди деган гап энди камайиб, ҳалққа «касалдан сақлан, деган гапни Абай айтибди»— дейишиб, шаҳар қозоқлари орасида кўп гап юриб қолди. Август ойининг даставвалги ҳафтасида шу довруқ батамом етиб борган у томон билан бу томоннинг ҳалқи энди бошқача вазият олди. Бу кунларда мачитнинг имоми, ҳалфа, қори, махдум, муллаваччалири жанозага чақирилмайди. Ош бериб, хатим беришларига ҳам улар камдан-кам чақирилади. Мусулмончилик бурчили адо этиш учун, ўлигининг зарурати учун мулла, ҳалфалардан бир кишигина чақирилади-да, шунинг билан ўлигини чиқара беради. Ҳалқнинг феъли-автори мутлақо ўзгарганини кўр қори, Шарибжон ҳалфа, Сомурот махдумлар хўп яхши тушунишди. Сўнгги кунларда улар ғоят кучли бир «ғазабга миниб» оғизларига жуда ёмон гаплар ола бошлишди. Булар гапнинг Абайдан чиққанлигини билсалар-да, уни «саҳро қозоги», «дин одами эмас» дейишди. Унинг устига ҳалқ ўртасида обрўйи-донги, эътибори зўр эканлигини ўйлаш-

ди. Шунинг учун Абай билан олишишмади. Уни орқаваротдан ҳам оғиаларига олмай қўйиши. Бироқ, бунинг эвазига ўвларига аниқ ўч, қасд-дushman қилиб факат Сармуллани тутаб олиши. Тишларини борича ўшангага ботириши. Уч-тўртта бўлиб, пичирлашиб, қилган аҳди-паймонларини Утарбой, Қорабой савдогарларга билдиришиб, ўшаларни эргаштириб, бош мачитнинг қоп-қора соя ташлаб турган панасида кекса имомни ҳалиги савдогарлар холи топиши.

— Тақсир ҳазрат, арзимни бор! Сизга маҳалла аҳли номидан айтадиган додимиш бор! — деб Қўрабой билан Утарбой баравар сўзлаши. Ёнларига маҳдумни, кўр қорини, Сомурот, Шарибжон халфаларни эргаштириб олиши. Энди булар имомдан ўзгача бир ишга фатво сўраши.

Гапни Утарбой бошлади. У новча бўйини пакана ҳазратга эгиб, қадалиб турди. Узун чўққи соқоли силкиниб, йўғон овоз билан сўзлаб кетди.

— Ҳой ҳазратим. Мени сизга кўп қавм юборди. Бу ерга ҳам ўвим ёлғиз келган эмасман. Анави чорбоғ ённада ундан ошиқ киши кутиб турибди. Мана бу ўзингизга қарашли маҳалланинг худо йўлига берилган Мұҳаммад умматлари бўлиб, сиздан фатво сўраймиз. Мусулмон боласининг бошига келган мана бу фалокат-офатга, мана бу оти хунук вабо дардига қарши, диндор қардошларга жони ачиб, қутқарадиган гап гапириладими, йўқми? Қандай чора бор, қандай даво буюрасизлар бунга?! — деди. Унинг гапиниғи ғўнғиллаган мулоим товушли Қўрабой қувватлай кетди.

— Денгиз тўлқин отиб, кемадаги халқ ғарқ бўладиган бўлса, орасидан бирорни қурбон, садақа қилиб қутулади дейишади! Еки бу шаҳарнинг халқига шундай бир чорасини айтасизми?

Утарбой яна гап бошлади:

— Марҳум отангиз авлиё ўтган Оқэшон эдј. У киши шундай пайтда халқ ўз ичидан аямай қурбон берсин, деган эканлар. Илгари иситма билан Кўк чечак чоғида шундай талаб қилинган деб эшитамиш. Эндиги маслаҳатни ўзингиздан сўрадик. Айтинг, тақсир, бир давосини айтинг бу халқингизга! — деди.

Икки савдогар икки томонидан бодиллаб, аввалдан ёдлаб олишган сўзлари билан мўнкиллаб-қалтиллаб қолган кекса ҳазратни исканжага олиши. Бундай гап-

ни тўсиндан эшитган ҳазрат очиқ бир жавоб берга олмади.

— Баракалла, баракалла, феълингизга, қабул бўлсин. Аҳли ислом қавмининг ҳар бир мушкул, фано ҳолла қолганда берадиган қурбони, садақаси пайғамбари миз Расуулло, Мұхаммади Мустафо ҳузурида қабул бўлғай. Фалокатли замонларда эзгу кўнгил, азиҳ бандалар ҳаракатлидур! Ниятингиз қабул бўлсин. Бираҳматика ё арҳамарроҳимин! — деб фотиҳа қилди.

Икки нодон савдогар нима дейишларини билмай серрайганларича қолишиди. Ҳазрат узун ҳассасини кўндаланг ташлаб, паст пошна кавушини мачит ёнидаги шағал тошга тиқир-тиқир босиб, қайта-қайта фотиҳа қилганича кета борди.

Ҳазрат чорбоғдан чиққанида, Ўтарбой билан Қорабойнинг ёнига ҳали улар ҳазратга айтишган ўнтача шериклари ҳам келишиди. Булар бир тўп бўлиб, энди қори, маҳдумларни ўртага олишиди. Ўтарбой билан Қорабой ҳазратнинг ўрнига қолган Самат халфа, Шарифжон халфа икковига ўқталиб:

— Ҳалиги ҳазрат нима деди ўзи?

— Берган маслаҳати нима бўлди! — дейишди. Новча, узун қора соқолли халфа Самат, ҳазратнинг гапига пишиқлаб узил-кесил изоҳ берди.

— Билинглар ва қабул олинглар. Энди ҳаракат фатво сўраб келган ўз қўлларингизда. Мана бу байтуллонинг тагида сизлар авлиё ўтган Оқэшоннинг отларини атадингизлар. Бугунги содир-аъзам, кекса имоми-нгиздан, яна бу шаҳарнинг энг қадрли уламосидан бундан буён қилинадиган ишга рухсат олдингиз. Энди ҳеч бир одам сизларни уламойингиз, улуғ мартабали фақиҳ ҳазратингиз берган ўрнак учун айбдор демайди. Ҳазрат айтди-ку, бўлди, холос, тамом! — деди.

Шу айтилган гап билан шу ерда турган дин бошлиқлари, ўзларининг нияти-қарорларини бир ерга етказишиди. Икки зўравон савдогарни ҳам маълум бир ниятга нишонлаб қўйишиди. Қўрабой ўзлари ўйлаган ишни ҳали ҳам дин бошлиқлари билан аниқлаб олгуси келиб:

— Мана шу пўс калласини айтиб беринг-чи. Шуни мен ҳали ҳам англаёлмай турибман! — деди. Бу савдогар билан борди-келдиси кўпроқ бўлган Сомурот маҳдум нахтона қилиб тушунча берди.

— Эшитдиларинг-ку, «балодан қутулиш учун ҳалқ қандай қурбонликка бўлса-да, чидамоги керак»,— дейяпти. «Қурбон этиладиган қанчалик қадрли, аслзода, жуда қимматли бўлса-да, ҳалқ шунга аҳд қилсин-да, аямасин. Савобдан бошқа топадигани йўқ»— деди. Қарор шу эмасми? Қори сиз айтинг-чи!— деди. Қитоб сўзлари билан муллаларнинг тилини тушунмай турган нодон савдогарларга маҳдум жон жаҳди билан қозоқчалаб, ҳар ишнинг йўлини аниқлаб берди. Кўр қори бўлса бошқача эпчиллик қилди. Ҳалиги маҳдумнинг гапини қўлма-қўл қувватлаб:

— Ҳақиқий қарор шу. Фатво деган шу-да. Боринглар, ният қилган ишларингга қадам қўя беринглар!— деб гапни чўрт кесиб ташлади.

Сармулла бўлса, бу кунларда кўнгли кўп таскии топган хотири жам дейиладиган яхши кайфиятда эди. У айтаман деганини айтди, қиласман деганини қилди. Кўр қори, Сомурот маҳдум, Шарифжон халфаларгина эмас, у эшони ҳазратнинг ўзини ҳам, Сармуллага илтифот қилмай четда қолдиргани учун, қилмишига яраша жазога учратди... Ҳозир Сармулла шу жиҳатларини бир оз ўйлади. Пайқаб кўрса ҳазратнинг ўзи ҳам сўнгги ҳафталарда кун сайин тушимдан, унимдан маҳрум қолаётир. «Бўла берсин шундай, «шу зайл бора берсин», «хўп, хўп, аст, бисёр хўп аст»¹ деб кейинги баъзи бир масалаларни Сармулла форсичалаб сўзлаб қўйди. Унинг шу зайл «кайфи чоғ».

Эртасига кечқурун Сармулла оқшом намозидан кеянин ичкари уйдаги Бибисора, Асма деган қизларини чақирди.

— Қизим! Қизим Бибисора, Асма! Анийингизга айтинг, самоварини ҳозирлай берсин, мен дарров сартарошга бориб келай!— деди елвагай тўнини кийиб, оёғига кавушини илаётиб.

Унинг ҳали ўзи номларини айтиб чақирган 15—17 ёшдаги Асма, Бибисора деган баланд бўйли, нозик-нозик қизлари отасига эшик очишли. «Тез келасизми, самоварни тайёрлаб қўямиз»— деб, оталарини ҳурмат қилганларича шам тутиб юқориги уйнинг зинасидан тушириб, эшиккача кузатиб қўйишиди.

¹ «Яхши, яхши бўлибди... жуда яхши бўлибди».

Шунинг билан иккала қиз оналарининг ёнига кириб салдан кейин самовар қўйиб юбориши. Овқат ичиладиган уйларига тўгарак хонтахтани қўйиши. Лекин самовар қайнатгунча оталари келмади. Самоварга бир неча бор кўмир ташлаб дамлаб қўйиб, хийли вақтгача Сармулланинг келишини кутиши. Кечиккан сайн ҳайрон бўлишиб, тиқ этган товушга аланглаб, неча турли тахмин, тусмолларга бориши.

— Намозга кетгандир, сартарош овқатга таклиф қилгандир, ёки битта-яримта ўлган бўлса, чақириб кетдими экан! — дейишди.

Бундай пайтда айтиладиган сабаб, тахминлар қолмади. Ётадиган вақт бўлди. Чироқнинг ёғи тугади, тун яримга борди. Вақт ўтган сайн озғин чеҳраларида шубҳа акс этиб, ранглари ўчинқираб қолган иккита матол қиз энди йиғлай бошлиши. Онасига қўшилиб, сарғиш қовоқлари солиниб, оҳ ҳам ура бошлиши.

Тун ярим кечадан оши. Шами сўнгган уйда, бедор, унсиз ётган бир она билан, ҳасрат сезаётган ёш қизлар тонг отарда қичқирган биринчи хўroz овозини ҳам эшиши. Келмади, қайтиб келмади ота! Фойиб қорон-ғилик ютгандек. Гўё Сармулла чиндан ҳам баҳтсизлик домига илингандек.

Шу беозор гўдаклар йўлига кўз тутиб ўтказган кечада Сармулланинг бошидан бошқача, хаёлга келмайдиган, алоҳида бир ҳол кечганди.

Бош мачитнинг орқасида, Сармулланинг уйидан тўрт муюлиш айланган жойда, унга таниш сартарош бор эди. Шом намозини уйида ўқиб, қош қораймай туриб кўчага чиқсан Сармулла тўғри сартарошнинг уйига борганди. Уйида чой ҳозирлаб, хотини билан қизлари кутиб ўтиргани ёдида бўлган Сармулла, сартарош билан суҳбатлашиб, тапга тутилиб қолгани ҳам йўқ. Лекин сочини тозалаб олдириб бўлиб, бино қўйган соқолини ҳам таратиб ишчамлатди. Соқол-мўйловини мусулмонча мухтасар қилдириб бўлиб, энди уй эгасига одатдагидек раҳмат айтиб, кўчага чиққанди.

Асли анча вақт тутилиб, айланishiб қолган бўлса керак. Ҳозир ойсиз кечанинг гавжуми қуюқлашиб, хилват кўчалар кимсасиз кечада қоп-қоронғи бўлиб, ҳувиллаб турган экан. Сармулла ўз уйига борадиган тўғри йўлга тушиб, мачит чорбогининг шарқ томонидан ёндашганича кела берди. Бир муюлишдан айланса,

ўзининг эски чодирли уйининг чироғини кўрарди. Шундай қилиб, муюлишдан қайрилиши биланоқ рўпарадаги муюлишдан, сояли катта дараҳт тагидан лоп этиб биринки киши унга ташланди.

Сармулла товуш бериб: «Кимсан» дегунча бўлмади. Мачит чорбәгининг муюлишидаги деразалар ёнида яна уч киши турган экан. Қулоч ёзиб, қисқароқ қуроллари ни ўйнатиб, улар ҳам Сармуллага ташланишди. Сармулланинг фақат: «Эй жонларим, кимсизлар, тўхта!» деган гапларни айтишгагина мажоли келди. Ён ёқдан интилиб келган беш киши бирдан ёпирилиб кетишли. Ҳаммасининг оғзидан «Субҳонолло», «астоъфурулло», «лоилоҳа-иллобло»— эшитилаётир. Худди бир саждага кетиб, «таҳлил» айтиётган сўфилар дейсан киши:

Шу он Сармулланинг бошига бирининг зилдек чўқмори, бирининг калтаги тегди. Ёвларининг оғзида олло, қўлларида ханжар, чўқмор, калтак. Бу қасд кучлар бараварига қаттиқ зарб остига олганда, Сармулла қулаб кетди. Кўз ўнгидан сўнгги шуъла сўниб, оёгини чалкаш босиб, йиқилиб кетаётганида, унинг кўкрагига ханжар ҳам урилди. Қайсиdir бир ёвнинг ўткир личноғи ҳалигина моҳир сартарошнинг қўли билан силлиқлаб тараган тилладек сариқ соқолининг остидан қирқиб, бўғизлаб ўтди.

Бомдод намозига йигилган халқа кекса муллаваччалар, Қўрабойдек савдогарлар оғзи билан айтилган совуқ хабар етди.

Намоздан кейин Сомурот маҳдум, кўр қори, Самат халфалар бир томондан ўзгача суқланиб, иккинчидан янги тарқалган довруқ, овозани бошқача қилиб сирлаб сўзлашаётир. Эндиги тарқалаётган овозада Сармулланинг ўлими шундай баён этилади.

«Сармулладек хосиятли, шарофатли муллани халқ ўлдирибди. Вабодек оғатдан шаҳар халқини қутқаришнинг йўли, бир яхши одамни қурбон қилиш экан. Шариатда бундай ўлим билан ўлган одамни шаҳид билан баравар саналар экан. Үлдирувчиларни айбдор қилиб, туноҳкор дейилмайди. Сабаби, дengизда қаттиқ довул кўтарилиб, оғир тўлқин уриб, одам билан лиқ тўла кема фарқ бўларга келгандা, ўша кемадаги бир яхши одамни сувга улоқтириб, кўп учун қурбон қилиб. Қазодан қутулиш айб эмас. Бу ҳақда ўтмишдаги уламолар шариат йўлига тўғри қилиб, ёзиб кетган оятлар

бор. Ҳозирги Сармулланинг қазосини ҳам, унинг оила аъзолари, қариндошлари, ёри-биродарлари, барча шогирдлари шу хилда тушунишин. Бўлмаса майитнинг жанозасини шаҳидлик даъвосида чиқаришга, бор гуноҳларидан пок бўлиб, қодири оллонинг дийдорига боришига зарар етади, гумон қолдиради. Шу жиҳати эсда бўлсин!»— дейилади.

Шу гап билан кетма-кет яна мачит атрофидан маҳалла ҳалқига бир хабардан сўнг иккинчиси тарқалди. Ҳалқнинг эс-ҳүшини йиғдирмай, сабр қилдирмай эсанкиратиб, яна бир фатво беришибди.

«Сармулла мусулмон қавми учун ҳалок бўлиб, қон тўкканлиги учун, ҳақиқий шаҳид деб ҳисобланади. Ўзи қандай қазо қилган бўлса, шундай, эгнидаги бор кийимлари, қони билан, ювилмаган жароҳати билан қўйилади. Тангри таолонинг даргоҳига шу ҳолатда сафар чекади!»— дейишди.

Бош жотоқда байтулло, «худонинг уйи» деб атала-диган мачитнинг қоронги соясида туғилган қора юзли жиноят ўз айтганини қилди. Оғзиға оллосини, қалбига пайғамбарини, оят ҳадисуни олиб, «фатво», «оят» деган кўмакчиларини ёд этиб ўтириб ҳаракат қилинди. Қон тўкилди. Сўфилик билан диндорлик тўнига бурканиб келган жиноят ўзга жиноятлардан ўзгача. Бу қонхўрларнинг бошида салла, қўлида тасбиҳ, оғзида «таҳлил». Ерга боқиб сузилган мунофиқ кўзларида соя сингари қора сурма. Бу ҳолатларнинг ҳаммасини олганда — бирорта каллакесар, қонхўр безориларнинг ёки катта йўлда, тун кечада тунаб кетадиган қароқчиларнинг қўлига тушмайдиган қулай шароит.

Ҳам қасд одамингни ўлдир, ҳам ўзинг шаҳид деб атаб, беҳишт олиб берадиган бўл. Ҳам бу кундаги кек билан жазодан, қарғиш билан ғазабдан омон бўл! У дунёда ҳурни қучиб, кавсар ичиб, етти жаннатнинг яхшиси бўл!

Сармуллани ўлдириб, душманлари уни шаҳид деб даъво қилишди. Ҳамма жиноятнинг оқибатини, чиқадиган ёнғинни саллалари, тасбиҳ тутган қўллари билан пийпаслаб ўчиришаётир. Бош мачитнинг имом, қори, ҳалфа, махдум, муллаваҷҷаларининг эндиги ҳаракатлари шундай. Улар эрталабданоқ атрофини қуршаб, ҳалиги жиҳатларини Сармулланинг ювощ хотинига, гўзал маъсум қизларига кўп уқдиришиб, ишонтиришаётир.

Сармулланнинг кичкина уйини, дарвозаси-ю, ичкарисини, ҳатто ориқ тарғил оти турган отхонасини, уй-жойининг атрофини муллалар қуршаб олиши. «Шаҳид» деган, «жойи жаннатда» деган гапларни тақрорлай-тақрорлай, йиғлаётган аёлларнинг товушини ўчиришга тиришиб сўзлашади.

— Йиғламанглар, азиз бандалар, худога қаршилик қилманглар. Бу ўлимга ўзгача сабр керак! — деди.

— Худонинг энг севган қули шаҳид бўлади.

— Бундоқ ўлим топган кишининг армони йўқ.

— Йиғласа, норози бўлиб нолиса, майитнинг гўр азоби оғирлашади! — деган гапларни ҳалфалар кирган чиққан вақтларида атайлаб айтишаётир. Кутимаганда бу ўлимга ўзгача илтифот билдириб, ўзи ҳам келган кекса эшони ҳазрат ҳам насиҳат қилди. Бибисора, Асмаларнинг қулоқларига кўп муллалар баъзан китобчалаб, баъзан қозоқчалаб қўйишаётир. Жанозасини шошириб, «ўликни ювиш керак эмас», «кийимини алмаштириш керак эмас», «кафаи керак эмас» — деб жадаллатиб тездан кўмишга шошилишаётир. Бу ниятга келганда, алоҳида тезлатиб, ҳаллик уришаётир. Жуда шошилишларига сабаб қилиб, «буғун жума», «жума куни оғмай туриб ёнбошини ерга текказиш керак» деган яна бир даъво чиқариши. Бу гап аввало кўр қоридан чиқди. Энди катта бир далил «ҳақиқат» тарзida барча муллаларнинг, дин бошлиқларининг оғзига тушди. Хоналарда, ҳовлида, кўчада ҳам шу гапга қарор қилиб: «мусулмончилик қоидасига мувофиқ тез кўмиш керак» — дейишиб. доворуқ қилишаётир.

Шу хабарнинг кетидан:

— Шубҳасиз шаҳидлигининг исботи шу — пайшанбадан жумага ўтар кечаси тангри буюрган қазоси етган, — дейишади.

— Бу ўлим, барча мусулмон фарзанди севиб, севи-ниб тилайдиган ўлим.

— Ҳатто «мен ҳам шундай ўлим топсан» — деб, ҳасад қиласидиган, чин кўнгилдан тилайдиган ўлим.

— Бу шарофатли мулланинг оллоҳ даргоҳига шунчалик покликда бориши Лавҳул-Маҳфузда ёзилган.

— Мусулмонлар билинг, ҳой, огоҳ бўлинг. Шаҳид Қавмида кетган қадрдонимиз Сармулла ҳаммамизни ҳам шафоат қилсин! — деган гапларни таҳорат қилиб

юрган ерида Шарибжон, Сомурот, кўр қори учови айниқса товушларининг борича айтишади.

Буларнинг шундай ҳаракат билан ғужғон ўйнашиб, шошилишларининг сабаби бор. У сабаб — мачитдан ҳам эмас, Сармулланинг ўлиги устига йиғилган қуз-ғунлар сингари муллалардан ҳам эмас. Булар бамисоли бир дард тегиб ўлган бир молнинг йироққа элтиб ташланган янги ўлаксасига узоқ-узоқ қоялардан қанот қоқиб келадиган оқбошли тасқаралар. Ҳозир улар оқ саллали йиртқичлар. Бу сабаб, Сейлдек, Исобойдек қайиқчилар тарафидан чиққан. Эрмекдек балиқчининг, Тусип, Тўқбой сингари ўтинчи-сувчиларнинг, Дамежон, Жабайқон сингари қашшоқлар уйининг дарвозаси олдида, деразаси тагида туғилган. Еки ўшалар йиғилган дарё ёқасида, қайиқ оғзида эсга келган сабаб.

Сармулланинг ўлимини аввал ҳар кун дарсга кела-диган шогирдлари билишган эди. Уларнинг энг каттаси 14—15 га чиққан болалар эди. Ўшаларнинг ичидаги қайиқчи Исобой, балиқчи Эрмек, ишчи Тўқбой сингариларнинг болалари ҳам бор эди. Қишида Дамежоннинг иккита кичик ўғли ҳам Сармуллада ўқиган эди. Уларнинг қўшниларининг ўн икки-ўн уч яшар болалари ҳам Сармулланинг шогирдлари. Ўша болаларнинг ҳаммаси ҳам ўкириб йиғлаганларича уй-уйларига Сармулланинг қонли қазосини айтиб боришиди. Бу аҳволни билган ҳалиги қайиқчилар, ёши қайтган кўп ота-оналар «Сармуллани бўғизлаб кетибди» деган хабарни эшишлари биланоқ, унинг тунов куни хутбада айтган гапларини оғизларига олишганди.

Ёлғиз хонадонларгина эмас, қанча-қанча кўчалар, ҳатто бутун бошлиқ маҳаллаларининг ҳалқи шундай қилди. Сўнгги ҳафталарда имом, муллаларни бирорта жанозага, хатимга чақирмай қўйганлар ҳам шулар. Сармулла ўша хутбада сўзлаганидан кейин сўзлагани ҳам йўқ. Яна қайта бирор ёққа чиққани ҳам, боргани ҳам йўқ. Фақат шогирдларини ўқитиш билангина бўлди. Бироқ, унинг томонидан содир бўлган ҳаракат бир йилгина кўпчилик ичидаги сўзлаш бўлса-да, ўша бир сўзлашнинг ўзи катта бир ҳаракат эканлигини кейинчалик сезиб юрганди. У гўл мусулмончиликнинг афсонавий китоблари баҳс этадиган «тилсим» қувватини топгандек, сеҳрли сирини очгандек бўлди. Бир оғиз гапи билан муллалар ўртасига чақмоқ ўтини сочиб, жазо тўпи-

ни туширғандек бўлди. Уларни ер билан яксон қилиб енгиг кетди. Негаки, жамоат, ҳалқ ёппасига унинг айтганига ишонди-да, мачит, мадраса, мулла, хўжалардан бир лаҳзада юз ўғирди-қўйди.

Бугунги ўлимнинг аслисири шунда эканлигига ҳалқ заррача гумон қилмади. Шунинг учун оталарининг ғазабини кўрган, ўқитувчи-устозларига раҳмлари келиб йиғлашаётган, эси кириб қолган етти-саккиз шогирд чуvalашиб юриб, кўчада келаётган Сейл билан Исобойдек кекса қайиқчиларга дуч келишади. Булар эшкаклари, темир таёқларини елкаларига қўйиб келишаётган экан. Сейл болаларга маслаҳат беради.

— Сенлар бекорга чуvalашиб, оҳ-воҳ қилиб юриши қўйларинг. Бундай ишнинг биттагина йўли бор. Шу ерда юрадиган Метрей билан Симон деган иккита «охотчи» бор-ку. Тўғри ўша икковига бориб: «одам ўлдирди», «бўғизлаб кетди», «шу ишни қилган қароқчиларни топ», «мулламизни ўлдирди» деб айтинглар,— деди.

Сейлнинг маслаҳатини олган бир тўп ёш шогирдлар, шаҳарни оралаб келаётган икки полицейскийга ўзларининг машъум хабарларини айтишганди. Бу икки полицейский шу бош маҳаллани мудом индамай кезиб юришарди. Уэун сариқ чипор қилич таққан, ҳали Сейл айтган «Метрей, Симонлар» шулар. Булар шу томонни биладиган забедейшнинг кўэ-қулоқлари.

Болалардан бу совуқ хабарни эшишган полицейскийлар Сармулланинг уйига келишган эди. Ўликни ўз кўзлари билан аниқ кўриб олиб, забедейш маҳкамасига маълум қилишди.

Ўрта бўйли, қотмагина, чўққи соқол, шопмўйлов забедейши подполковник Смирнов — ишchan, пишиқ одам эди. У Слободкада қон тўкилиб, ўлим содир бўлганини аҳамиятсиз қолдира олмайди. Бу камдан-кам учрайдиган ўзгача жиноят. Слободкада ўзи ҳукмронлик қилиб келаётган шу етти йил мобайнида, шу кунгача, «попни бўғизлади», «магометанларнинг попини бўғизлади» деган гапни эшишмаган эди.

Подполковник Смирнов учун «мулла» деган гап — мачитнинг дин бошлиғи деб англашилди. Хўш, дин бошлиғи экан, бутхонанинг ё дъяконига, ё попига, ёки протопопига таққослаб кўрганда, унга буларнинг қайси бирини бўлмасин ўлдириш деган гап, ақлга сиғмай-

диган ишдек туюлди. Шунинг билан у дарҳол следователини, докторни чақиририб, иккита полицияга қўшиб Сармулланинг уйига жўнатди.

Мачитнинг ҳалиги халфа, ҳазратлари қуэфундекчуввос солиб, Сармулланинг бошига барча қора тўдаси билан уймалашишлари, мана шу забедейшининг ҳаракатидан кейин юз беради. Эрталаб следователь билан доктор келиб, Сармуллани холи қолдириб, батамом қарашиб, актларини ёзишади-да, яна боягисидек кийинтириб, қандай ётган бўлса шундай ётқизиб кетишади. Бу ҳаракатни эшитгандан кейин Шарибжон, Самат халфалар тездан ҳазратни мачитга чақиририб келишиб, Сармуллани шаҳидга чиқаришади. Уни «жума намозига чиқариш диннинг буйруғи» деб шоширадиган бўлишади. Мусулмон қавмининг тушунчаси бўйича «ўлдирувчига жазо йўқ» ни чиқаришади. «Буни халқ қурбон қилиб, халқнинг ўзи йиқитган, бундай ҳаракатга дин ислом аҳли, дин қардошларидан бошқа кишиларнинг аралашишга ҳақи йўқ!» ни топишади.

Бунинг устига имом, халфалар Сармулланинг ўлигини чиқарар пайтда наматфуруш Сейсекени, қассоб Қасенни, дўкондор Жақиپни ва Үтарбой сингари бош маҳалланинг отоқли бойлари, эътиборли савдогарларини жўрттага чақиришди. Эл қозоғидан «шу ўлимга керакли шоҳид бўлар» дейишиб, Ўрозбойни ҳам чақириб, бош қўштиришди. Шунинг билан бу тўда шариат буйруги шу деб, Сармуллани мусулмон мозорига элтиб, кўмиб ҳам келишди.

Бироқ, бунинг эвазига, кеча хуфтан намозидан келаётган Шарибжон халфани бир тўп номаълум одамлар тутиб олиб, бошидаги салласини учириб юборишиди. Иккита тишини синдириб, тумшугини қоп-қора қонга белаб кетишибди. Самат халфанинг деразасидан тош-бўрон қилиб, уй ичининг ўтини ёриб кетишибди. Эртасига кечаси Сомурот маҳдумнинг янгигина, мана шу вабо офати туфайли қўнқайтириб солиб олган кўк чодирли уйининг ҳали бўёғи қуриб бўлмаган, чиройли чодири туташ ёйилган ўт билан лов этиб ёнади-тушади.

Шунинг билангина чегараланмай, забедейшининг иккита охотчиси «Симон билан Метрей» энди кунни хато қилмай, эртаю кеч Шарибжон халфа, кўр қори, Сомурот маҳдум ва савдогарлардан Үтарбой, Қўрабойларни қайта-қайта дознаниега (сўроққа) чақира беради-

Сармулланинг ўлимига тааллуқли, бир қанча лоп-лоп қилиб чиққан хабар, дув-дув гап бу томонгина эмас, эпди катта Семейга, Затонга, Жўламон жотогига, Ўжеркега, қисқаси, шаҳарга яқин қишлоқларнинг ҳам-масига тарқала беради.

Забедейшнинг чақириғи билан холис гувоҳ тарзида Сейл, Исобой сингари шаҳарнинг турғунлари ва бошқа кўп одамлар Слободка улугининг маҳкамасига бориб келишди. Ҳалиги айтилган халфа, маҳдумлар терговга олинишлари олдидан забедейшнинг ўзи билан яна терговчи, тайний советник Зенков билан Абай ҳам икки марта узоқ-узоқ сұхбатлашиб чиқди.

Бир оз кундан кейин ўйига ўт кетгани бу ёқда турсин, кечка кечқурун Сомурот маҳдум каталашкага қамалди. Уша кечқурун бу хабарни элданбурун эшишган кўр қори арава қўштириб олиб, ҳазратни, халфаларни ўтини ёриб ўрнидан турғизди. Эл ётар пайтгача тинмай чопқиллаб юриб, Шарибжон халфани ҳам, Самат халфани ҳам ўзи сингари югур-юргуга солди. Шаҳарнинг бор эътиборли бойларига хабар қилиб, «дини ислом учун», «халқ йўли учун» деган шиор билан зебедейший билан олишишга ҳозирлади.

Шундан кейин уч-тўрт кун ўтди. Энди Семейнинг етти мачитдаги бор имомлари билан маҳалла бойлари ҳам улуғ маҳкамасига приговорлар аризалар тушира бошлишди. Йшибилармон, пухта кишиларини ишга солишди. Шунинг билан Сармулланинг ўлимидан кейин ҳамма ёқни тутиб кетган ғавғо, дув-дув гап, узлуксиз маломатлар, хаёлга келмайдиган ҳикоялар бир ҳафтагача тарқала-тарқала бориб, энг охири учуқ-учуқ билан босилди.

У томондан полицмейстер билан городской голова қаҳрига олиб аралашганда, забедейший даставвалги ҳаракатидан бир лаҳзада юз ўгириб, заптидан тушди-қўйди. Сомурот маҳдум ўйига келди. Энди имом, халфалар билан шаҳар савдогарларининг кўнгли жойига тушиб хотиржам бўлишди. Негаки бу чоғ полицмейстердан бошлаб забедейший Смирновнинг, следователь Зенковнинг ва буларгина эмас, у томоннинг приговорларини беришган бир неча имомлари орасида дастадаста «оқ қуйруқ»¹ дейиладиган танокор юриб қолган.

¹ Илгариги юз сўмлик қоғоз пул.

Забедейшийлар ўзлари аниқлаб ушлаб олган қонхүр, қотилларни бўшатди-қўиди. Кўрсатаётган далиллари: «бу, жиноят эмас, ислом динининг ўз закони», «Муҳаммад динида бўлган қозоқ, татарларга ўша динда бўлишлик рухсат этилса, уларнинг ўз шариатлари рухсат қилган баъзи ҳаракатларини ҳам рухсат этмаслик мумкин эмас!», «Бу айниқса мана шундай вабо оғатидек катта оғат устида қора ҳалқ, беҳисоб эл қилган иш», «касалликдан, оғатдан қутулиш учун нодон ҳалқ томонидан содир бўлган қўпол ҳаракат», «Россия қонунида бунга ҳеч қандай жазо кўрсатилмаган», «Шунинг учун айбдор йўқ!»— дейишиб, булар ҳам ўзларича «даъво тўқиб», «фатво» беришди. Шунинг билан Сармулланинг ўлими ҳам ўтди, уни йўқловчиларнинг сўзи — уни ҳам ўчди. Айбдорнинг айби ҳам йўққа чиқиб, ютилди-кетди.

Абай сўнгги кунда бу томонга, Қумошнинг уйига бир келганида эшитгани, кўпчилик ғазабининг жазосига кўр қори ҳам учрабди. Уни ҳам хуфтан намозидан келаётганда, ўзлари Сармуллани ўлдиртиришган пайтда, худди ўзининг дарвозаси тагида бир тўп номаълум одамлар ушлаб олишибди. Бир лаҳзада даст кўтариб аравага босиб, анчагача отни чоптириб боришибди-да, дамларини чиқармай дўппослашиб, хўп тепкилашибди.

Кўр қориларнинг қулоғи одам овозига алоҳида динг бўлади, деган гапни биладиган кишилар бўлса керак. Ураётганлар бирор марта чурқ этиб товуш чиқармай эзғилаб, тепкилашибди. Шундай қилишибди-да, кимнингдир отхонасига киргизиб юбориб, устидан бекитиб кетишибди. Салласиничувалаштириб, сургаб боришибди-да, бир учини мулла дўпписи билан бирга ҳожатхонага ташлашибди.

Кўр қори: қийнаётганлардан қутулдим-ку, деб атрофини пийпаслаб, инқиллаб ўрнидан туриши биланоқ бир томонидан тепиб қолган отларни пайқабди-да, қимирламай ўтира қолибди.

Сармулла ҳақида оти номаълум, сўзи йўқ, унсиз бир ўч олувчи кучнинг кўпдан ғазаби қайнаб юрган мулла, сўфиларга зўравонлик билан қилган сўнгги масхарали ҳаракати шу бўлибди. Ҳозир август ойининг йигирмасидан ошиб қолган. Семейда кечаларгини совуқ бўлмай, кундузи ҳам совуқ шамол кучайиб, ёғингарчилик кўпайиб, кузнинг ёғин-сочинли заҳри билина бош-

лади. Оролнинг ўрмонлари тилла рангга кириб, сарғая берди.

Куз тушди дегунча Иртиш бўйида, айниқса Семейда шамол кучайиб, довулга айланади. Ҳозир кун сайн қум бўрони қутурадиган бўлди. Қаттиқ шамол энди совуқ дамли куз нафасини билдира беради. Шаҳар халқи ёзлик еловагай тўнларидан, сирма тўн, қалин пешматларга кўча бошлади.

Саҳродан гала-гала ҳайдаб келиб сотадиган қўй, сиғир, йилқи, туялар ҳам энди бу томоннинг бозорига тез-тез туша бошлади. Семей бозорига қарағай ичидаги Белоғочдан, Иртиш бўйидаги, қуйидаги: Оқ тос, Глухов, Степной станицаларидан ва юқоридаги Ўжерке, Секленке деб қозоқча аталадиган қишлоқлардан арава-арава қовун-тарвузлар кела бошлади. Буғдой ортган, ун тортириб бозорга элтаётган крестьян обозлари ҳам икки томоннинг бозорларини тутиб кетди.

Осмон кун сайн бир хил хира тортиб, сур рангга кира беради. Баъзан кун бўйи, икки кун, икки тунлаб сурункасига сур булат қоплайди. Туман тушиб, совуқ бўронга ҳам айланади. Қуюқ булат кўчманчи совуқ ёмғирга, муттасил ёмғирга айланган кунлари ҳам бўлади. Тиниқ сувли Иртиш ҳозир тез-тез оқиш тортиб қолади. Кўчалар баъзан чанг-тўзон бўлса, баъзан ёмғир селидан лой бўлиб, қатновчилар сийраклаша боради.

Сармулланинг ўлганига икки ҳафта бўлиб, унинг вафоти ҳақидаги ғала-ғовур, қизғин дув-дув гаплар босилган пайтда, шаҳарда вабо ҳам сийраклай бошлади. Бу жиҳатини Абайлар ўзларича, қонуний деб тушунишса, муллаларнинг тарқатган овозаси мутлақо бошқача бўлди. «Сармулланинг шарофатли одам эканлиги рост бўлди!», «халқнинг уни қурбон қилиши аниқ шариат тариқатлари бўйича топиб қилинган экан», «шаҳардаги энг азиз, ноёб банда Сармулла эканлиги энди кўринди», «халқ бошига келган катта оғат, даҳшатли фалокат Сармулланинг қони билан учукланиб ювилди», «халқ ҳам яхши қилган экан», «бир яхшини қурбон қилиб, бутун шаҳар халқини сақлаб қолди», «ислом дини, дин қариндошларини адаштирган эмас», «имомларга минг марта таҳсин ва оғарин!»— деган хабар мачиту мадрасаларни тутиб кетди.

Подшолик маҳкамасида у сиз ҳам поёнига етиб, сў-

ниб бораётган сўроқ ишининг сўнгги саҳифаларига сўнгги муллалар берган жавоблар ёзилганди. Улар: «Магометан динининг шариатини қўлланган халқ Сармуллани тўғри қурбон қилган. Ушанинг шифо бўлганини мана энди кўриб турибмиз» дейишибди. «Икки ҳафта ўтиши билан Семей шаҳрида, у томону бу томонида вабо бутунлай тугади. Сармулланинг қурбон бўлиши шарофати фақат Магометанлар, мусулмонлар гагина эмас, ҳатто рус халқига ҳам тегди», «Бугина эмас, подшойи-аъзамнинг маҳкамаларида ўтирган, ўзларингизнинг, яъни барча чиновник жанобларининг ҳам оғатдан омон қолишига ўша бир қурбонлик шарофатини текказди»— деган даъволар яна тарқалди.

Абай бу гапларни эшитаркан, кўп койиб, ранжиб, нафаси қайтиб бораётгандек қийналарди. Бир ойдан ошиқ вақт ичиде шаҳар халқининг устози деб юрган имом, ҳазрат, мулла-хўжаларни жуда яқиндан кўрди. Ҳаммасининг ичак-чавағига яшириб юрганларигача аниқлаб кўриб билди-да, бениҳоя нафратланди. Гўё ҳаётида кўп булғанч, қоронғи, ифлос ерда ғиж-ғиж бўлиб ғивирлаётган кўzsиз қуртларни кўргандек бўлди. Чиришнинг, тугашнинг ҳаётга қарши курашувчи қуртлари. Фақатгина емириб ейишнинг, симириб-семиришнинг қуллари. Чорасизлик, ноиложлик тинкани қуритгандек бўлади. Саҳродаги ҳаддан ошган йиртқичлик бир заёл бўлса, шаҳарни тутиб ётган қоронғи нодонлик, ўжар ваҳший қора кучнинг зим-зиё зулматлиги ҳам бошқача.

Абай ўйлаган сайин тўлғаниб ғуссага ботади. Ҳақиқий бир тош девор чўян эшик олдида мадори қуриб, нафаси қайтиб турганга ўхшайди. Шу вақтларда бир кун кечқурун Қумошнинг пастки қаватдаги кенг бир хонасида ғилдирак хонтахтага лампа қўйдириб, Абай ёзув устида ўтириб қолганди. Кундузлари ўйланиб юриб, кечқурунлари шу сингари ўтириб ёза берарди. Ғамгин кўнглидан кечиб ўтган ўйлар кузнинг хира сур булутига ўхшайди. Ўша рангсиз ўйлар тўлқини яратган сатрларни куйлади. Бир нафасда шеърга айланиб кетган ўйлар:

Қуръонни мулла тескари ўқур.
Тоғорадек бўлиб салласи.
Худбин кўнгил кўп сўқир,
Бургутдан камми еган таоми?..

деган жиҳатлари қўйилиб келади! Яна бир вақтларда Абай эшон, ҳалфа, ҳазратлар билан уларнинг ўз тилларида сўзлашади. Суяқ-суягидан ўтказиб, ғазаб билан ташланади.

«Муллалар у ёқда турсин, хусусан бу замоннинг эшонларидан ҳам кўп эҳтиёт бўлинг. Улар фитнани олам. Ўзларини аҳли тариқат билиб, бошқаларни ўшашга етиштиromoқ даъвосини қилишади. Уларнинг бор қувватлари бошларидаги салласи-ю, қўлларидаги тасбиҳи. Ундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Нодоннинг нодони, зулмнинг йиртқичлари, беомонлар шуларнинг ўзлари!— деган сатрларни ёзиб, ғазабли кўнгли хуноб бўлиб ўтирганди.

Сўнгги кунларда рўза кириб, шаҳардаги диндор катталар рўза тутишарди. Уша рўзада шаҳар болаларининг бир одатлари бор эди. Кеч қоронғиси тушиши билан кечаси эл ётар пайтгача мактаб болалари ҳар бир чироғи бор уйнинг деразаси тагига келиб, ярамазон айтишарди. Энди ҳалигидек ёлғиз уйда холи қолиб, қогозга тикилиб ўтирган Абайнинг орқасидаги дераза тагида дўпир-дўпир қилаётган бёқ товушлари эшитилди. Дам ўтмай, уч боланинг товуши, ёш мактаб болаларининг тили билан куйланиб айтилаётган ярамазон эшитилди. Бу ярамазоннинг илгарилар бу шаҳарда айтилмаган даставвалги сатрлари Абайнинг диққатини дарҳол жалб қилди. У дераза томон қайрилиб, маҳлиё бўлганича ярамазонга қулоқ солди. Кўп айтиб, хўп ўрганиб олган болаларнинг товуши баравар, бир хилда чиқаётир. Ярамазончи болалар ярим китобча, ярим қозоқчалаб айтишаётир.

Е илоҳий ва биллоҳий,
Эрта қурбон ҳайити!
Биз айтайлик, сиз тинглангиз
Сармулланинг байити!..
Сармулла сочин олдирган,
Олдирай деб соchlарин
Азиз бошин қолдирган...
Сармулланинг қизлари
Бир йиғламай ош ичмас.
Сармулланинг кўк оти
Бир кишнамай сув ичмас!..

деб боришиб, охирида баланд овоз билан баравар «таммат-тамом оғалар!»— деб ярамазончи болаларнинг товуши ўчди.

Абай индамасдан, дераза орқасига қўлини чўзиб, майда тангаларни болаларга бериб жўнатди-да, ўтириб қолди. Катта бир маъсумлик, беғуборлик билан гўдаклар айтган ҳалиги қовишмаган шеър сатрлари Сармулланинг марсияси бўлиб чиқди. Афтидан, буни Сармулланинг 14—15 яшар, эси кириб қолган шогирдлари чиқарган бўлса керак.

Энди кечаги ўлган Сармулла бу кўчалар билан маҳалланинг афсонасига айланди. Сармуллани ўйласа Абайни кучли бир ғазаб қийнайди. Қандай тошбағир қора куч енгди?.. У яна бугун эмас, бир кун, бир вақт эмас, биттагина Слободка эмас, учи-қири йўқ олам. Орқа томонини ўлчаб бўлмайдиган йироқдан келаётган, одди бўлса қачонгacha чўзилиб бориб, қай маҳал зарба еб, йўл беради. Таги йўқ бир зим-зиё зулмат куч... Худди мана шу вабо вақтида Абай «мачит, мадрасаларнинг дин устози, шарофатли эшон, имом» ларнинг машъум салмоғинигина кўриб қолмади. Уларнинг айниқса кенг, чуқур, зўр томир ёйиб олган қора кучини, қудратини кўрди. Уша кучнинг ҳалқ шўри, қатланиб ётган шўри, аrimas шўри эканлигини англади. Қозоқ ҳалқи бу балодан четроқда-ку, дер эди. Ундей эмас экан. Маърифат ўчоғи, ўrnak бўладиган ҳалқ ўрнашган «қала» деганини олса, ўша ерни макон қилиб турган қозоқ ҳалқини ўйласа, илгарилар Абай, «саҳро эли эмас, шу қаланинг қозоғи ҳалқнинг бели бўлади-ку», дер эди.

Энди кўрса, ўша қаладаги қозоқ ҳалқини домига тортган дард—зулмат тун, тун-кеча нақадар беомон, нақадар бераҳм... Қанча-қанча ота-оналар оҳ уриб ўлди кечаги кунларда! Не-не новқирон ўшлар кетди! Қўкси тўла армон билан кетди қанча-қанча оташин юракли ноёб ёрлар. Изҳор этилмай, очилмай беҳисоб қалбларда кетди аччиқ зор!.. Қирғинга учради қоронғи ҳалқ. Бироқ, буларнинг ҳаммасидан оғир, ҳаммасидан аччиқ, оғуга тўла қайғу нима!.. Вабо сингари қора дард аяшини, раҳмни билмайдиган, ундан ҳам бадтар қасд қора куч ётибди-ку! У нодонлик... У зим-зиё зулматдек золим қоронғилик... Абай фикр эгаси бўлиб, кўзини очганидан бўён кўраётгани ўша ваҳший зулмат қани камайса!.. Қани сал бўлса ҳам енгилсал.. Қани энди сал

сергиса? Йўқ... Йўқ!.. Ҳали ўша шўр, ҳали ўша ҳасрат!.. Соғлом фикрли, ҳушёр инсонларни сўлдирадиган ваҳшӣ қоронгилик!.. Қон йиғлатмай тинмайдиган, яна ўша оғу тўкилган жон жароҳати!..

Абай бир неча ҳафта ичида ўзи кечирган қайғулар билан сўнган-ўчган жонлар тўғрисида ўйлаб, алантга отиб хўрсинди. Ҳалқ қайғуси, ҳалқ зорини ўйлади. Шу ваҳарли ўйларни ўйлаб, яна қоғозга энгашган Абайнинг энди янги бир ҳол диққатини жалб қилиб, ишдан тўхтатди. Дераза тагидан тасирлатиб ўтган отлиқларнинг дўпир-дўпирни шу дарвозага, шу уйга ўқталиб келгандек бўлди. Абайнинг пайқашича, уч-тўртта салт отлиқлар эди. Йўловчилар жадаллаб келган кўринади.

Буларни Абай «нима бўлса ҳам элдан келишди, юришлари бежо, алоҳида бир совуқ хабар олиб келмаган бўлсалар гўрга эди!»— деб уйга киришларини сабрсизлик билан кутди. Ўйлаганидек дам ўтмай, баланд овоз билан салом бериб, Абайнинг устига ранги ўчган Дармен келиб кирди. Кўпдан буён кўрмаган иниси, дўсти, жуда яхши кўрадиган ёш шоир дўсти, кутмаган ерда кириб келганида, Абай аввало хурсанд бўлиб кетганди. Бир лаҳзада унинг кўзлари Дарменнинг авзойидан бошқача бир ҳолатни пайқаб, чўчиб кетди.

— Ёпира-ай, қандай келдинг! Нимага келдинг? Нима қилиб юрибсан?— деб, Дармен ўтирасдан, шошганича сўзлаб қарши олди. Ёзиб ўтирган қофозларини йиғиштириб қўйиб, кўзидан кўзойнагини ҳам олди. Чиндан ҳам Дармен жуда шошилиб келган эди.

Унинг ҳозирги ўтириши ҳам бошқача. Қамчинига таяниб, бошидан тумогини олмай, бир тиззаси билан чўккалай қолди. Рангги оппоқ бўлиб кетган, хиёл қон талашиб турган жозибали, ўтли, чиройли кўзларини Абайга тикиб, Дармен шошганича гап бошлади.

— Абай оға, йўлакай икки оғизгина сўзлаб, ҳозир жўнагани келдим. Орқам қувғин, олдим ёнғин!

— Нима дейсан, нима деяётисан?..

Бундан ортиқ гапга Абайнинг нафаси етмай қолгандек бўлди.

— Сиз билан йўлдош бўлганимдан буён заррача оғирлигимни ташлаб заҳмат чектирмасман дер эдим. Иложим йўқ. Ёшлик ўти билан туташдим-да, бир алантага ташладим ўзимни. Бу ёғини ўзингиз билинг. Ихтиёр сиэда, нима десангиз, кўна бераман. Етолмай тинкам

қурийди-ку деган эдим. Мана ёнингизга стиб ўлдим.
Армоним йўқ!— деб гапини тамом қилди.

Абай унинг нима учун келганини энди тушунди.
Сўнгги кунларнинг бирида Абиш отасига Дармен ҳақи-
да сездирган, хаёлга келмаган оғир бир ҳол бор эди.
Дарменнинг ҳозир Абайнинг олдига қўйган тилаги ўша
эди...

ТИК ҚОЯДА

1

Ойсиз кеча, оддийгина ёғоч уйнинг ҳовлисида қоп-қора бўлиб товланиб турибди. Айниқса тепаси ёпилган, бир ёни очиқ бостирмалар ичи қоп-қора куядек. У ерларга уйқули тун уя қўйган. Шамолсиз, юлдузсиз осмон ҳам ҳозир зим-зиё зулмат... Бирйўла интилиб, ерга ўртилиб тушганга ўхшайди. Фақат шаҳардаги итларгина тиним топмаган, бирини-бири қўзғатиб, ўчакишириб, ғашига тегаётгандек ҳуришади... Қумошнинг ҳовлисида шундан бошқа билинаётган ҳаёт аломатлари йўқ.

Абайнинг олдидан шошганича чиқсан Дарменнинг нафасида хўрсиниш сезилади. Унинг зинадан тушиб келаётганини узоқдан пайқаган йўлдошлари, илдам қадамлар билан унга томон юришди. Булар тўрт эркак ва бир аёл. Ҳаммалари ҳам Қумошнинг кенг ҳовлисидаги бостирманинг қоронги ерида ўтиришганди. Отларини ўша бостирмага ёнма-ён солинган отхона, складлар пасасига боғлашиб, бегона кўздан пана бўлишга уриниб ўтиришганди. Дарменни қуршаб олган йўлдошларининг ичиди, ҳаммадан олдин Қакетой шошиб сўз қотди.

— Нима деди? Уришгани, койигани йўқми?

— Уришгани йўқ. Лекин, пайқашимча, менинг ташвишимидан олдин ҳам Абай оғам ранжиб, бир дилисиёҳ бўлиб ўтирганга ўхшайди!— деб Дармен бир оз жим қолди-да, йўлдошлари тикилиб кутиб турган масала эсига тушиб, дарҳол гап бошлади.

— Мени уришгани йўқ. Лекин кўп гапиргани ҳам йўқ. Ҳеч ким тополмайдиган ерга жойлашиб кўринг-

лар! Улуққа арз ёзиб, ўша ариза билан Макенниг ўзини киргизишдан бошқа чора йўқ. Абиш ариза ёзсин, у томонга ўтинглар!—деди холос, деб Дармен бу уйдан олиб чиққан маслаҳати билан қарорини қисқача айтиб берди. Энди Макенниг қўлидан етаклаганича тез-тез қадам қўйиб, отга интилди.

Ҳали Дармен Абайга айтган маъшуқаси шу. Номаълум ишга тилакдош бўлган мана шу матол бўйли Макен эди. Эндиғи қилинадиган иш, ҳаракат Дарменниг гапидан маълум бўлди. Дармен отига қараб кетаётганида, Абди Макенниг кўк йўрғасини ешиб келиб кўндалаиг қилди. Бу тўпда Дарменниг ёнига атайин кирган ишончли шериги, айрилмас йўлдоши шу Абди. Ундан бошқа кўнгли яқин, ёру дўстларидан Дарменниг шундай жадал, хатарли сафарини бирга ўтагани, Муғаш билан маслаҳатлашиб қўшилган — Какитой, Муқа, Алмағамбетлар эди. Шундай қилиб беш эркак, бир қиз бўлиб йиғилган озгина тўп энди тездан отларига қўнишиб, қош қорайған пайтда Иртишга ёndoш кўчаларни бўйлаб, елиб кетишиди.

Ҳозир буларнинг олдида жуда зарур, тиқилинч бир мақсад бор. Қандай бўлмасин шу кеча Иртишниг у томонига ўтиб, катта шаҳардаги булар кўнглига олган бир бурчакка бориб тиқилиш, йўқ бўлиш. Озод юрган йигит билан қариндош-урув ичида, ота-она бағрида ҳали ҳам ўзича эркин юрган қиз — Макен, ҳозирги онларда қочқинга айланди. Булар тун кечани бурканиб, тупканинг тагини кўзлаб, бегона кўздан яширинишади.

Бу тўпдагиларнинг ҳаммасининг кўнглида эндиғи бир катта тўсқин — Иртишниг катта суви. У томонга ўтказадиган паром бўлса, кечаси тўхтаб қолган. Бош жотоқ билан ўрта жотоқдаги Иртишдан ўтказадиган елканли қайиқчилар бўлса, улар ҳам кеч кириши билан ҳек сувдан ўтишни тўхтатишади. Шундай қилиб кун бота Слободка билан катта Семей орасида қатновалоқа узилади.

Қочқин ёшлар шаҳарга гира-шира қоронғилик билан аралаш, қўрқа-писа киришиб, ўзларига шу сингари ғов ҳам қуриб олишган. Уша ҳақда эслаган Абай, ҳали Дарменга ўзининг кўнгли яқин бўлган Сейл қайиқчини тайинлаб, ўшангэ салом айтиб юборди. Бир оздан кейин Какитой Иртишниг баланд соҳилидаги усти том, кичикрәқ, путури кетган уйда турадиган Сейлнинг дар-

возасини қоқиб, сўзлашиб, Иртишнинг бўйига олиб чиқди. Абайнинг саломини эшигтган Сейл қўшни турадиган иккита ёш йигит эшкакчилар— ёрдамчиларини эргаштириб келди.

Эвди олти йўловчи қайиқقا тушар пайтда отлари билан ўзлари Сейлнинг кичикроқ қайиғига сиғмай қолишиди. Бошқа отларни эртага паром билан ўтказадиган бўлиб, Алмағамбет билан Муқа беш отни олиб ҳозирча бу томонда қолишиди. Қайиқقا фақат Макен минадиган кўк йўргани солиб олишди-да, бошқа ёшлар совуқ сиймоли Иртиш дарёсини кесиб, у томонга йўл олишиди.

Муқа билан Алмағамбет беш отни қўшоқлаб олиб, бош жотоқдаги ўзлари ҳамиша тушиб, ётиб юришадиган уйларга кетишиди.

Гавжум пайтнинг худди шу чоқларида бу тўпдан бошқа яна шошқалоқлаган кимсалар бор. Улар алланечук бетинчликни қувиб чопишаётган ўнтача салт отлиқлар. Ҳозир бу тўда, отларни қора терга тушириб елдириб-юргутирганларича, Слободканинг бош жотоқ томони четига келиб илинишиди. Туёқ изларига қараганда булар ҳам Тўбиқтининг Слободкага кирадиган тўғри йўлидан жадал юриб келишган. Шу кечанинг тинчлигини тез кетаётган отларнинг тасир-тусури, ғазабли, дудмол гапларгина бузиб турарди. Қоронғи кечада бўлса-да, булар бир изни аниқ кўриб чопишаётганга ўхшайди. Шаҳарда бу тўданинг ҳам даставвал от тумшуғини тираган дарвозаси Қумошнинг уйи бўлди. Ҳисобларига кўра, шаҳарга қочган Дармен, Абайга учрашмай кетмайди. Балки, ҳатто Абайнинг паноҳини излаб, ўша турган ерга тушиши ҳам мумкин. Ўнтача кишининг бор юриш-туришини бошқариб келаётган чўққи соқол, бурни катта, узун-узун сўйлоқ тишли Дойр ўз тўдасини дарвоза олдидা тўхтатди. Узи ҳовлига кирди. У уйга кирмай туриб, аввал ҳовлининг тўридаги бостирма билан отхонани қарамоқчи бўлди.

Дарагини билмай туриб жанжал, можаро билан Абайнинг устига бостириб киришни лозим топмади. Ҳовлининг тўрини, ичкариларини оралаб, отхонанинг эшигидан мўралаб, янги келган кўп отларни кўролмай Дойр бош чайқади. Танглайнин қоққанича уй томонга аланглаб турганида, склад томондан бунга қараб шошилмай келаётган паст бўйли, нимдош кийимли қоро-

вулни күрди. Дойрга керак тил шу эди. Ҳеч ишни фаҳм-ламаган анқов йигит, бетамиз қоровул, ҳозир Дойрнинг сўрашига кўра қош қорайган пайтда нима кўрганини, ким келганини батафсил айтиб берди.

Олти киши бу ерга тушмабди. Биттасигина бир озгина вақтга уйга кирса, бу ерда тунатмабди. Шундан кейин кўча бўйлаб, қўйи томонга чопиб кетишибди. Шундай даракларни топган Дойр, кўчага чиқиши биланоқ бош-кўзини тер босган жингалак қўнғир отига минди-ю, кўча бўйлаб чоптириб кетди.

Шаҳар билан саҳро кайфиятини бирдек биладиган маккор Дойр, Абайнинг уйида ётиб қолмаган қочқинлар «бу томонда ётмас, у томонга қочар», деб сезиб келган эди. Булар шунинг учун Иртишни бўйлаб юришганди. Қумошнинг уйидан отланиши биланоқ Дойр ўзининг ёнидаги уч кишини бўлиб, наматфурӯш Сейсеке бойнинг уйида ётган Ўрозбойга чоптириди. Мана шу ўзлари олиб келаётган машъум хабарни бергани юборди.

Дойр Ўрозбойнинг бир отадан тарқаган, овулдош яқин кишиси бўлиши билан бирга, қардошлар ичида энг сирдоши, кўнгли яқини. Бугун қочган Макен — Дойрнинг беваси. Дойргина эмас, Ўрозбойнинг беваси. Уни олиб қочиб ўтирган беватан, эли йўқ Дармен эмас, азалги душман Абай бўлиб чиқаётир. Ўрозбойга шунигина етказиш, билдириш шарт. Дойр бугун алнга қучиб турибди. Душманининг қўлида ўлмагунча отонасининг уйида турган ерида бунинг номусини ерга букиб кетган беваси, Макеннинг йўлида ўлмагунча тинмоқчи эмас, сабри-тоқат қилмоқчи эмас.

Кунни кун ботдириб, тонгни тонг отдиради. Ернинг тагига кириб кетса ҳам бевасини, уни йўлдан урган душманини топади. «Қўлидан қеладиган ёрдами, топадиган чораси бўлса, энди Ўрозбой ташвишини тортиб кўрсин»,— деб юборганди.

Мана шу хабарчи уч киши Дойрнинг тахминини янада тўлдиришганди. Қочқинлар у томонга ўтган бўлишлари керак. Ким ўтказди? Қайси қайиқчи ёрдамчи, сабабчи бўлди? Паромнинг юрмаслиги аниқ. Демак Дойр тонг отгунча Иртиш бўйида, ўша қочқинларни олиб кетган қайиқчини кутиш билан бўлади. Шуни ҳам Ўрозбойга ва шаҳарнинг қайиқчиларини биладиган Сейсеке бойга атайлаб айтдириб юборган эди.

Үрөзбөй Дойрдан келган хабарни эшиганды, жини тутган фолбиндек юлқинди. Гап бошлашданоқ оғзига олиб, маломат қилиб, айблаб гапиргани ёлғиз Абай бўлди. Дойрдан келган хабарчи кемшук, чақчайган кўали, чўтири, қора соқол Жемтиқ деган гапга уста, эпчил одам. У ёнидаги иккита ҳамроҳини бойнинг даҳлизида қолдириб, ўзи Үрөзбөй, Сейсеке ўтирган тўрдаги ясорлиқ уйга мушукласига лип этиб кирди. Тўгарак хонтахта атрофида ўтирган Үрөзбөй, Сейсеке ва бу хонадаги учинчи одам, йўғон, барваста келган сариқ киши — Эсентой эди. Жемтиқ шу учовининг қаторига ўтирмай, аввал пойгакка чўккалай қолди.

Бирпасда хунук хабарни майдалаб, аниқлаб айтиб, уқдириш билан бирга, икки тиззалаб сурила-сурила хонтахтани ёқалаб келди. Ҳозир мана шу Макеннинг қочганини, уни Абайнинг йигити Дармен олиб қочганини, Дойрнинг етти-саккиз киши бўлиб қувиб келганини, ўзларининг ҳали қош қорайган пайтдагина от ҳоритиб шаҳарга этиб келганларини айтди. Чопганича йўл-йўлакай шу эшикка шошилинч, бехаловат хабар олиб келганини айтиб бўлди.

Эсентой бурни катта, пешонаси япасқиланиб келган, боши катта, кўзлари қисиқ-қисиқ, тепса тебранмайдиган одамнинг биттаси. Еши ҳам Үрөзбөй қатори. Элда Саримирза деган авлоднинг кўп зўравон, бели бақувват амалдорининг биттаси. Биттасигина эмас, ҳатто биттанинг ўзи. У ҳар бир жанжал, ҳар бир бехаловат можарода мудом Үрөзбөй томонида бўладиган узанти йўлдоши. Бу иккови ёшлиқ вақтларида ўғирликни ҳам бирга қилишарди деган ивир-шивирлар бор.

Эсентойнинг Үрөзбойдан алоҳида бир бошқа томони ҳам бор. У ўта камгап. Үрөзбөй вақиллаб: ғазабини ҳам, ҳақоратини ҳам, қордек бўралаётган даъвосини ҳам, туҳматини ҳам ола-шовир қилиб бийрон тили билан тўкиб соладиган киши. Эсентой бўлса, бундай пайтларда то Үрөзбойни беш-олти марта борини тўкиб солдириб, сўзлатиб олмагунча дамини чиқармай ўтиради. Аслида ҳар қандай йиғилишнинг сўнгги сўзини айтишини ўзига йўл қилиб олган. Аввало камгап, ундан кейин сўзлайдиган бўлса, қандай қилиб бўлмасин бирорни бирорга гиж-гижлатиб, ўчакиштириб, жиққамушт қилиб гапирмаса, ичи қуриб қолади дейсан киши. Беғалва, катта ғавғосиз, олишув-юлқилашувсиз битадиган гап

устида кўпинча Эсентой фикрини айтмай, дамини чиқармай жим қолади.

Айниқса зўравон, ҳовлиқма, гўл одамлар бўлса Эсентойнинг қўлига тушсин. У қисиқ-қисиқ кўзларини юмади-ю, барваста вужудидаги сирини сездирмасдан заҳар босиб ўтиради-олади. Бирор марта жилмайиб, чиройини очиб кулиб, бўшашган илиқ, иссиқ вазият олмайди. Кўринишидан кишини алдар деган заррача аломат кўринмайди. Бироқ шундай қилиб ўтириб кўпларни алдаб, гап учиради. Кулгига қолдириб, эрмак қилиб кетади.

Такежоннинг Азимбойи ўзининг кўп ҳаром ҳисоблари, найранг усуслари, кўринища тўнг-қўрс феъли-аворини мана шу Эсентойдан ўрганади. Тўбиқти ичидағи энди бир тўда ҳаром, маккор мансабдорлар аслида ўша Азимбойга ўхшаб, Эсентойни устоз деб билишади.

Ҳозир Эсентой, Жемтик олиб келган хабардан тутоқиб кетган Ўрозбойга зеҳн солиб ўтирибди. Ҳали бирор оғиз гап қотгани йўқ. Шаҳарнинг эътиборли бойи Сейсеке ҳам Ўрозбойга қўшилиб, икки-уч марта ёшларни айблаб, Абайни ёмонотлик қилиб, Ўрозбойнинг гапнiga тамомила қўшилиб, қувватлаб чиқди. Ўрозбойнинг ўзи бўлса иккала қочқинни сургатиб олиб келдириб, бўйниларига арқон ташлатиб, ўлдиртиришга аҳд қилиб ўтирибди. Ундан ошганича тошиб, Абайга ҳам борлиғи билан қаҳрини тўкиб, заҳрини солаётир. Абайнинг шаҳарда эканлигини билган он, Ўрозбой ўтирган ўрнидан иргиб туриб, чўккалаб олди. «Ҳозирнинг ўзида қўлмакўл жавобини оламан», «бошқани эмас, шу гал қўшқўллаб худди ўша Ибройни ёқасидан оламан», «оламан», «оламан-у, тиз чўқтириб, товонимнинг тагига соламан», «мени деганларинг фақат шу шартимнинг устидан чиқар, менга эргаш!»— деди.

Ўрозбой ўша оннинг ўзида Эсентой билан Сейсеке бойга хизмат буюриб, Қумошнинг уйидаги Абайнинг олдига жўнатди.

Бойнинг оқ арғумоги қўшилган катта трашпанкада Сейсеке билан ёнма-ён ўтириб жўнашлари биланоқ Эсентой бир пиқ этиб қўйди. Сейсекега: «Бой, сен саҳронинг талаш-тортишини яхши ҳам кўрмайсан, шудинг ҳам йўқ-ку! Ёнимда ўтирсанг бўлди. Анави душман билан сўзлашадиган гапни ўзимга қўйиб бер, фақат ин-

дамай ўтирсанг бўлди. Ушанинг ўзи ҳам етади!»— деб қўйди.

Бу гапларни олдиндаги кучер эшитмасин деб, Эсентой пичирлаб айтди-да, паҳмоқ соқол бойнинг сонини чимчилаб қўйди.

Иккита кекса киши хабар қилмай, рухсат ҳам сўрамай Абайнинг устига кириб келди. Эсон-омонлиқ сўрашни ҳам қисқагина қилишди. Қелганлар киришгандаёқ, Абай ўқиб ўтирган китобини йиғиштириб, кўзойнагини олди-да, Боймағамбетга қараб эшикка имлади. Бошқа киши кирмасин дегандек ишора қилди. Боймағамбет ярим очиқ қолган эшикни тортиб ёпди-да, Абайдан пастроқ ерга келиб, тезгина чўкка тушиб ўтириб олди.

Олдин гапнинг қай йўсинда боришига зеҳн соладиган Эсонтой келиш сабабини кўп чўзмади. Иккита қоҷоқни айтди-да, Урзбойнинг нақадар дарғазаб бўлаётганини етказди. Сўнг саботлик оқ сариқ юзини магурллик билан Абайга ўгириб, битов кўзларининг остидан қараб қўйиб:

— Хўш, Иброй, нима дейсан?— деб бир оз жим қолди...

Ёши Абайдан кичикроқ бўлса-да, Эсентой Абайни «сен» деб гапиради. Унинг отини асти «Абай», демай, «Иброй» деб аташ, аслида мана шу Эсентойдан чиқкан қилиқ. Сўнгги вақтларда бунга тақлид қилиб Урзбойлар ҳам барча низоли тўдалари билан Абайни «Иброй» деб, «Қунонбойнинг Ибройи» деб аташарди.

Абай Эсентой аралашган гапнинг яхшилик билан тинмаслигини биларди. Унинг ўзини сўзлатиб, фикрини билмоқчи бўлди. Очиқ чеҳра билан жозибали, ўтли кўзларини Эсентойга тик қадаб туриб:

— Қани аввал ўзинг айт, бошлаган гапингни охирига етказ. Қандай мақсад билан келдинг, шуни айт!— деди.

Юмилган кўзларини хиёл очиб, ҳали ҳам Абайга кўз қирини ташлаб ўтириб, Эсентойнинг бор айтгани:

— Мақсадим, аввало, сен нима дейсан, шуни билиш! Қани айт-чи, нима дейсан мана бунингга!— деб яна салмоқ солиб, жим бўлиб қолди.

Абай тараддуд қилмади.

— Мен айтсан, ёшлар ножӯя иш қилишибди, улар айбли, оқламайман. Қилган қилмишлари учун олдила-

рингда айбли. Мана, айтадиганим шу!— деганида Сейсеке билан Эсентой бир-бирларига қарашиб, сал шошиб қолишиди.

Абайни оп-осон, худди шу зайл бүш келади деб ўйлашмаган эди. Эсентой Абайнинг гапини, олган вазиятини ўз өдатига кўра ҳаромликка йўйди. Ичидан «Иброй, алдамоқчисан-ку, кўрарман, қани таваккъал» деб ўйлади. Шу ҳаёлга борди-ю, тездан гап бошлади.

— Айбор, гуноҳкор-ку, қани энди қандай жазо берилади?— деб жаҳли чиқиб, яна хўмрайиб қаради.

— Узинг айт-чи, сенларга қолса, қандай жазо берилсин дейсанлар!— деди, Абай яна тикилиб, тиниқ ва кескин овос билан.

Шу чоғ Эсентой Үрозбойдан олиб келган энг салмоқли қаҳри-заҳрини айтди.

— Жазоси шу, Иброй маъқул кўрмаса, олиб ўтирасин иккита безорини! Қўлимга берсин, бўйниларига арқон солдириб, судратиб ўлдираман!— деяпти Үрозбой.

— Бошқа битимга келмайман, дейдими?

— Бошқани оғизга ҳам олдирмайман, деяпти.

— У замонлар ўтиб кетган! Нима деб ўтирибди ҳали, элчи бўлиб кўтариб келган гапинг шуми ўзи? Қандай замон, қандай ерда ўтирибман деб ўйлаётисланлар?— дейиши биланоқ, Абайнинг гапини бўлиб, Эсентой кийиб кетди. Фазабланиб, ўшқириб гапирди.

— Ҳой, Иброй, чечанликда мусобақа қилгани келганим йўқ! Үндоқ бўлса, қолганини эшит. Бу гал Үрозбой қочқинларгина эмас, бор айни тикка ўша Ибройнинг ўз гарданига қўйиб, товонимнинг тагига солмагунча тинмайман!— деди,— одам қаторига қўшилмайдиган бир шумни, бузуқини у қўлга олган бўлса, бу шаҳардаги бор бузуқни мен ҳам қўлга ола биламан! Ӯшаларнинг ҳаммасини Ибройнинг орқасидан ёпирилтириб юбориб, қон қақшатиш менинг ҳам қўлимдан келар! Осмондан оёғини узатиб тушгани йўқ. Кўзини очиб қарасин Иброй! деяпти.

Шу гапларни айтаркан, сариқ юзига қон ўйнаб чиқиб, Эсентой нақ ёқалашишга чиққан кишидек, фазаб билан қаради.

Кўп замонлардан буён Абай, ўзининг юзига, худди шу йўсиnda қаттиқ ургандек, айтилган дағал гапни эшитмаган эди. Айниқса Үрозбой айтиб юборган аҳд:

бориб турган йиртқичнинг, ёвузнинг буйруғи. Үзининг нақадар ўртаниб, номусига чидолмай ғазабланганини Абай англаб ҳам улгурмади! Ҳайқирганича оғзидан ғазабли гап чиқди.

— Сен яраштирадиган гап эмас, талаштирадиган гап олиб келибсан-ку. Бор, йўқол бўлмаса! Ўрозбоғингта бориб айт, ёвузлигини қилиб кўрсин, лекин ўкиниб қолмасин! Қутулиб кетди-ку, ер тангриси бўлиб, ерга қоқиб қўядиган куч борлигини ҳам унутмасин. Чиқ бор, жўна!— деб қаттиқ ғазабланиб, қовоғини солиб, икки кўзи қон талашганича, Эсентойга яқинлашганда, у индамай салмоқ билан қўзғалиб, тиранниб турди-да, эшик сари қадам қўйди.

Эсентойлар қайтиб келишганда, бойнинг ҳовлисида-гилар теварак-атрофга ур-ийқит одам чоптириб, жадал ҳаракатга тушиб, тўс-тўполон бўлишди. Бу томон соҳилда бўлса, қувғинчилар тиним топмай юришганди.

Дойр беомон ғазаб етаклаганича, ҳозир изга тушган искович итдан бадтар сезгирлашиб, эҳтиёткор бўлиб қолган. У узун чўзилган бош жотоқ, ўрта жотоқни бўйлатиб ўзининг ёнидаги олти йигитини тијдирмай, дам юқорига, дам қўйига танда қўйдирив турди. Ўрозбой билан Сейсеке хабар келиши биланоқ: «Қочқинларни олиб ўтган қайиқчи қайтгани йўқ, келадиган вақти бўлгани йўқ»— деган қарорга келишган эди. Сейсеке салом йўллаб, бундай тўс-тўполон, жанжаллар устида «чопганда қиличи, отганда ўқи»дек қуроли бўлган Қўрабой савдогарни чақиртириб келди. У ўз кўмакчиларини ва бой ҳовлисидағи бақувват икки малайни эргаштириб, арава қўштириб, Иртиш бўйига чопди. Уша ерда Дойрни топиб, хилват, жимжит соҳилда бемаҳал кетган қайиқчининг қайтиб келишини кутиб ўтириди. Булар кўп маҳтал бўлишмади. Чуқур, тинч оқар сув юзида сузиб келаётган катта қайиқнинг өшкак шарпаси, Дойрнинг сезгир қулоғига чалиниб қолди. Уша шарпани пайқаши биланоқ Дойр, Қўрабой билан ўз йигитларининг бир тўдасини жар бўйини ёқалатиб, қайиқчиларни жим ўтириб, унсиғина кутиб олишиди.

Фақат катта қайиқ аста силжиб келиб, тўхтагандан кейингина, қорайиб турган жар тагидан қувғинчилар баравар кўтарилишди. Сейл қайиқдан тушиб бўлгунича, булар ҳам сув бўйига етишди. Энди ерга туш-

ган учта қайиқчини булар күкрак кериб тўсишиб, «бизни ҳам олиб ўтинглар»— деб тўхтатиши.

Ўжар, зўравон Қўрабой бўлса, ўдағайлаб келиб, кўнглидаги гумонини Сейлга тикка айтиб қолди.

— Қани, қоронги кечада, қандай қора ниятли йўловчиларни ташидинг, кимни ўтказдинг, аввало шуни айт-чи?— деди.

Сейл дамини чиқармай, салмоқли одимлар билан, сув бўйига тушди. Иккита ҳамроҳига қайиқдан тушиб, эшкакларни олишни буюрди. Улар хаялламасдан катта қайиқчининг буйругини бажо келтириб эшкакларини кўтаришиб, сакраб-сакраб соҳилга тушиши.

Дойр билан унинг ҳамроҳлари бараварига гап бошлишиб:

— Тўхта, тушма!

— Бизни олиб ўт!

— Олдингилар тўлаган пулни, биз ҳам тўлаймиз! Шошилинч, зарур ишимиз бор, ёрдам бер! Бизни олиб ўт!— дейишиб, қайиқчиларни ўртага олиб гап талашиб туриши.

Сейл қадди букилган новча қоматини икки томонга оғдириб қадам ташлаб, ҳали ҳам жавоб қилмади. Иккала шеригининг кўмагида катта қайиқни сувдан тортиб, шағал устидан сургаб, қуруқ соҳилга чиқарди. Индамай қилаётган бор ҳаракати билан, саботли Сейл, Қўрабойнинг ҳалиги зарбаси-ю, зўрлигига парво қилмаганини билдири. Қўрабой энди жанжалга кўчди.

— Хўш, Сейл, сенга менинг пулим ҳаромми? Жавоб ҳам бермай, нега тескариликка олаётисан? Қоронги кечада муҳтоҷ бўлиб келдим, ишимиз жуда зарур. Қайиққа чиқ қайтадан!— деб, можарони ҳам, буйруқни ҳам баравар ишга солди.

Лекин Қўрабойнинг бу галги дағдағаси кор қиласиган эмас. Унинг одатдаги ҳайқириғи билан чатоғини Сейл писанд қиласиган эмас. У салмоқлаб, гапни чўрт кесди-да, узил-кесил жавоб қилди.

— У сиз ҳам ишдан кечикиб келдим. Қоп-қоронги кечада қора босмаса, Иртишнинг у ёғидан бу ёғига кезиб юрадиган қайиқчини кўрган эдингми? Энди қимирлагудай ҳолим йўқ. Ишинг зарур бўлса, эрталаб, вақтли кел, ҳозир менинг қайиғим сенга тегмайди!— деди.

Елкасига ташлаган узун илгакли темир тирговични салмоқлаб олди-да йўлдошларига «тарқалинглар, йигитлар!»— деб буйруқ берди. Ўзи ҳам аста-секин юриб, уйга қараб кетди.

Одатдаги дағдағаси ўтмай қолган Қўрабой, энди қайсар, тунт табиатли Сейлдан ноилож умид узган бўлса-да, орқасидан қолмади.

— Кимни ўтказдинг бўлмаса, ўшани айт. Нега унинг айтганига кўниб, қоронғида қайиқ соласан-да, биз келсак, важ қиласан! Ҳеч бўлмаса ўшани айт! Сени тун кечада қандай авлиё турғизди?— деб туриб олди.

Дойр ҳам ёндашиб бориб:

— Ҳеч бўлмаса ўшани айт! Ўтказганинг шаҳар одамими, танишингми ёки саҳродан келган бегона кишиларми? Ўшанигина айт-чи! деди.

Сейл бу гапга ҳам қисқа, дудмол жавоб қилди.

— Менинг танишим пул, йигит! Сон минг одамни ўтказиб юриб, Сейл кўпчилигининг юзига ҳам қарамайдиган, ким эканига аҳамият қилмайдиган бўлиб кетган. Қош қорайган пайтда қайиққа тушганларнинг ўриси-ю, қозогини ҳам, қаласи-ю даласини ҳам пайқаганим йўқ!— деди-да, дарвозасидан кириб кета берди.

Қўрабойнинг эндиги умиди эшикда қолиб, қўшни уйга қараб кетаётган йигит— қайиқчи Тусипда. Сейлдан умид узганлари ҳолда Қўрабой билан Дойрлар ўша Тусипни ушлаб олиб, кўп айлантиришди. Дам аччиқ, дам чучук гап гапириб кўриб, ниҳоят Тусипдан, у пайқаган баъзи бир маълумотларни олишди.

Булар уч йигит, бир аёлни ўтказишган экан. Афтидан, саҳро одамлари бўлса керак. Баъзи гапларидан бунинг пайқашича, у томонда улар Затонга боришса керак. Тўртта пиёданинг ўртасида аёллар эгари урнган кўк от борлиги ҳам айтилди.

Айниқса мана шу сўнгги маълумот Дойрга бор ишни маълум қилди. Ҳу ўша Чинғиздан карвон йўли билан қочганларни қувиб келаётганида, йўлдагилардан аёл минган от билан, эркаклар минган отларнинг турқи-тукини сўроқлаб, эсида тутиб келганди. Ҳозир бу билганларининг устига ўша одамларнинг ҳаммаси қайиққа, Иртиш бўйига салт от билан келганини, бешта отни икки йигит қайтариб олиб кетганини эшилди. Ҳамма гап маълум бўлди. Изи-тўзлари аниқ, очиқ, кўз ўнгига турибди. Фақат жадал ҳаракатгина керак. «Юр,

жұна! Шу кечадан оширмайлик Яшириқчани очаман, әв күнглини босаман!»— деди Дойр, Құрабой иккови «Қайиқ, қайиқ!»— «Қайиқчи...», «Яқын ерда қайиқчи борми» дейишганларича кетишиди.

Катта Семейнинг ўрта еридан, оқ тегирмон рўпарасидан чиққан Дарменлар Затонга етишгунларича, анча вақт ўтганди. Шаҳарнинг қуий томон чети узоқ эди. «Қозоқ ўрис томони» деб аталадиган ёғоч уйли, қуми кўп кўчалар билан йўловчилар анча вақт кезишиди. Шундан кейин шаҳарнинг четига, кимсасиз яйдоқ ерга чиқишиди. Бундан кейинги йўл жар бўйини ёқалаб, баъзан пастликка, ўрмонзорга тушар, баъзан кенг—баланд тепаликка чиқиб, шаҳардан узоқлаб бораради. Орада аҳёnda бир учрайдиган тўп-тўп уйлар кўринарди. Улар тўнчиларнинг ёки кўн заводининг, пийма заводининг ва пиво-ароқ заводларининг корхоналарига ўхшайди. Семейнинг шу сингари бир-биридан овлоқ жойлашган корхоналар бўлган катта бир чети «Затон» деган жой.

Ҳалиги корхоналарга улашиб чўэилган яна бир қанча қоронги кўчали, шаҳар сингари жойлари бор. Бу, ўша корхоналарнинг неча хил ишчи-хизматчилари турадиган шаҳарча. Шу ер, шу атрофда, катта Йртишнинг бир катта айланиши ҳосил қилиб, ўралиб оқадиган жойи бор эди. Ўша ерда қиши бўйи кўп пароходлар, баржалар турарди. Бу жойнинг «Затон» деб аталишининг сабаби ҳам ўша кемалар жойлашадиган махсус бир ер эканлигидан келиб чиққан эди. Ҳалиги қоронги кўчаларига пастак, оддий уйлари зич ўрнашган кичкина шаҳарчада ўша Затондаги кўп кемаларнинг ишчи-лари, хизматчилари туришади.

Мана шу пароход ишчиларининг орасида юк ташийдиган, грузчик деб аталадиган катта бир тўп меҳнаткаш бор. Езда пароход билан баржаларда орқаларига оғир юк ортиб, оғир меҳнатни касб этишса, қишида ҳам ўша грузчилар қора ишга юмшайдиган кучига ишониб, файрат талаб қиласидиган турли-туман қора ишларнинг меҳнатини чекишиади. Шунинг эвазига бир замонларда оч, ориқ бўлиб, элларидан касб излаб, ичарлик, кун кечиравлик тамадди излаб келган қозоқ қашшоқлари, Затонда, пароходлар ишида оч-яланғоч бўлмай, ҳо-

ли-бақудрат кун кечиришади. Мөхнатига ёлворгани бўлмаса, ҳеч кимга ҳам телмурмай, ўз кунларини ўзлари кўришади. Оёқ-қўллари бутунилигидан азаматлар хурсанд. Еб-ичарипи бирордан тилаб олмай, ўз уйларидан тотишганларига хотин-бала, қари-қартанг, отоналар хурсанд эди.

Затон ишчилари Семей шаҳри билан Слободкадаги кўпчилик турган савдогардан бошқача. Хулқлари, феъл-атворлари ўзгача эди. Бегин вақтларда шаҳар халқи буларни билишмайди. Фақат йил ўн икки ойда бир келадиган ҳайит маъракасида грузчикларнинг, Затон йигитларининг довруғи шаҳар халқининг, қозоқ нўйойининг оғзидаи тушмайди. Ҳайит кунларида Семей билан Слободканинг бозорлари — кенг майдонларида сурункасига икки-уч кунлаб қиёмат кураш бўларди. Затоннинг грузчик йигитлари учтадан, тўрттадан, бештадан, ўнтадан бўлиб келишиб, ечиниб курашга тушиб кетишганларида, қарши тўпларнинг не-не ном чиқарган, отоқли полвонлари товонтираб беллашишга ярамай, қийғос йиқилишарди. Жуссаси бўлали, яғринли, болдиrlари йўғон-йўғон, барваста, чапдаст азамат грузчиклар курашганда, қандай-қандай Алпомишдек йигитларни ёқадан олгандаёқ орқалаб, улоқтириб, уришарди. Елкасидан ошириб юбориб, икки товонини тарсэтдириб, чалқасидан тушириш «грузчиклар кураши», «затонликлар усули» — деб ҳайит кунларида ҳузур қилиб тингланадиган афсона бўлиб тарқаларди.

Мана шу затоннинг камгап, бақувват, ўзларига ишончи зўр, серғайрат ишчилари шаҳарда истиқомат қилган қозоқ боласининг ўзгача бир ҳуснга эга бўлган қавмидек бошқача кўринарди.

Макенни олиб шаҳарга юз тутганда, Дармен билан Абдининг Абайдан кейинги паноҳ тутгани ҳудди шу Затон эли эди. Бир вақтларда, бундан уч-тўрт йил муқаддам, Абдининг ўзи ҳам касб излаб затонга келиб, икки йилча ишлаб кетган эди. Унинг таниш-билиш ёрудўстлари ҳам, ишончли хонадонлари мана шу Затонда. Дармен ҳам шаҳарга келиб, анча туриб қолган чоқларида, кўп ерга бориб, шу ердаги грузчиклар улфатида ўлан айтиб, ўйин-кулгиларини хўп қизитиб юрарди.

Ҳозир Абди билан Дармен иккови ҳам Затондаги ўзларининг энг ишончли дўстлари Абенинг уйига келишди. Унинг ҳовлиси кичик, уйи бир уй, бир даҳлиз

қилиб хом ғиштдан солинган. Иккитагина хонали уй. Йўловчилар етиб келганда Абенлар ётиб қолишган экан. Эшикни Абенинг рафиқаси — матолгина, новча бўйли Ойша чиқиб очди. Абен билан хонадонига ўзлари ҳақида уқдириш учун, Абдининг ўзи кирди. Салдан кейин иккита кичкина хонага баравар чироқ ёқилди. Гангир-гунгур гапирганича уйдан баланд бўйли, оқ юзли, мўйлови қоп-қора йигит — Абен чиқди.

Мәҳмонлар уйга кириб ўтиришлари биланоқ, даҳлизда Ойшанинг самовар билан қозонга баравар уринаётгани маълум бўлди. Макеннинг олдидаги Дармен билан Какитойлар ҳам гапни очиб гапиришмади. Фақат Какитой бу сафарга чиқишлиарини ҳам яшириқча, ҳам таваккал қилган эр-азаматнинг ҳаракати эканлигини сөздириб ўтди.

Аввало атрофдагилардан эҳтиёт бўлиб, яширина туриш бир оз кунлик вазифа эканлигини билдириди. Шу орада Какитой, чойга қарамай жўнайдиган бўлди.

У шу кечанинг ўзида Абишнинг ёнига етиб бориши зарур. Ҳали Абай айтган ариза тез ёзилиб, қандай бўлмасин тегишли жойга, улуғнинг маҳкамасига тезроқ тушиши керак.

Какитой кетай деб турган пайтда Дармен унга бир хат узатди. Хиёл ҳайрон бўлиб қараган Какитойга у:

— Мана бу хатни ҳали Абай оғам Абишга ёзган эдилар, ола бор-чи, нималигини айтмай, индамай берган эди. Шу иш тўғрисида бўлса керак. Балки ёрдам, маслаҳат бераётгандир! — деди.

Какитой маъқул деб, индамай бош эгди-да, хатни ҷўнтағига солди. Энди Дарменнинг, Абдининг қисқа қилиб берган маслаҳатларига кўра, бу уй билан эндиғи алоқа фақат кечасигина бўлмоғи керак. Юлдуздек кўз, беҳуда оғиз кўп. Жуда бир қисталанг — зарур иш бўлмаса, кундузи келиб-кетиш бўлмасин дейишди. Бор вазиятни шу гаплардан англааб, индамай бош иргаб ўтирган Абен, Какитой кетаётганида яна бир маслаҳат берди:

— Эсларингда бўлсин, кечаси келганда ҳам кўчак-кўйдан юрманглар. Бу затонда кечаси юришнинг ўзи ҳам ҳар уйнинг итини ҳурдириб, диққатни жалб этиб туради. «Ким келди, ким кетди, қаерга келибди, нега келибди!» — дегандек, қозоқ эмасми, мана шу затонликларнинг ўзи ҳам сўрай берадиган, эшитишни яхши

күрадиган бўлади. Шуни ўйлаб ҳозир мен, Қакитой, сизни мана шу дарвозадан қирга, хилват ерга олиб чиқадиган бир йўлга солиб юбораман. Келганда, кетгандага фақат шу йўл билангина хабарлашинглар!— деди.

Макен миниб келган биттагина кўк йўрғанинг ўзи ҳам бу ҳовлига сифмай, гўё бир даракчидек бўлиб турганди. Ўша отга Абен Қакитойни миндирди-да, ҳалиги ўзи айтган чап йўлга олиб бориб, пиёда бўлса ҳам бир чақирим келадиган жойгача кузатиб бориб, жўнатиб келди.

Даниёрнинг уйига Абишни излаб Қакитой келганинда вақт анча кеч бўлса-да, бу уйдагилар ҳали ётишмаган эди. Үзининг тўхтамай келишининг алоҳида сабабини Қакитой кийимини ечмасданоқ айтди. Ўша келган заҳотиёқ, сўзлаб турганича Абишга Абайнинг хатини берди.. Ӯзи бўлса, бир ўтириб, бир туриб кетиб, энди ги кайфиятни тиниқ, жаранглатан товуш билан баён этмоқда. Абиш унинг гапига қулоқ соларкан, Абайнинг хатига кўз тикиб, тез ўқимоқда. Қакитойнинг айтишига қараганда, орқаларида уввос солиб қолган, можаро излаган йўғон, зўравон овувларнинг югур-югури зўр экан. Соат сайин қувиб келиши, шаҳарга келиб тўс-тўполон қилиб, жанжал-можаро кўтариши турган гап экан. Сабаби — Дарменнинг иши унча-мунчага эмас, давланинг энг бир ашаддий тиш-тироқли ёви, бало-ю қазонинг қай хилидан бўлмасин тап тортмайдиган Ўрозбойга тегадиган иш экан. У шаҳарда эмиш деган гапни ҳам Қакитой эшитганди. Буларнинг ҳаммасини ўйлаганда энди Дармен билан Макенга ёрдам берувчилар тиним топмай, кўз юмиб-очгунча ҳаракат қилиши керак экан.

Қакитой шу ҳақда сўзлаётганида, Абиш хатни ўқиб тугатай деб қолган эди. Энди бир нафас ичиде ўқиб бориб, хиёл ўйланиб турди-да, индамай отасининг хатини Қакитойга узатди. Қакитой қошларини сал чимириб, Абайнинг йирик, аниқ ёзилган хатини шариллатиб ўқиди.

«... Дарменнинг боши мен учун қанчалик эканлигини айтмай қўя қолай. У йил сайин халқнинг ҳам қадрдони, азизи бўлиб келаётир. Сен ҳам дўст деб биладиганга ўхшар эдинг. Мен ўша муносабатингни маъқул кўтар әдим. Қани энди дўст бўлсанг «чин дўст», «со-

диқ дүст» дейдирадиган бўл. Бўлмаса ёмон дўст кўланка, қуёш тушса бошингга қочиб қутулолмайсан; булут чиқса бошингга излаб топа олмайсан. Гарчи менинг олишишим, кучсизга, ожизга, бегуноҳга, ҳалол, ювош халқ ўғлига кўмаклашиш бўлса-да, энди сени эл ичидаги талаш-тортишдан овлоқ тутишга тиришар эдим. Энди бу чоғ мен сенинг галинг келди демоқчи-манми. Шаҳарга қочиб келганлари яхши бўлибди. Саҳронинг қора қонунидан, диннинг шариатидан — ҳаммасидан ҳам русларнинг закони инсон бошини дуруст ҳимоя қиласди. Бу ҳақда ҳокимлар билан судлар, сен биладиган жойлар. Мен сенга бурч юклетирман. Катта галаён, талаш-тортиш келди. Тун демай, кун демай ҳазир бўл!»— дебди.

Какитой билан Абишнинг кўзлари учрашганда сўз қотишмай бир-бирларини англаши.

Абиш эндиги вазиятни англаши биланоқ, Даниёрга унинг енгил трашпанкасини қўштиришга буюрди. Узишу кеча шаҳарнинг оддий савдогаридек кийиниб олмоқчи бўлиб, яланг қават камзул, татарча телпак қилиб олди. Какитой билан Даниёр от қўшиб, жўнашнинг ҳаракатини қилиб юришганда, Абиш Даниёрнинг ёзув столига ўтириб, дарров икки бўлак ариза ёэди. Биттаси Семейнинг ўяз¹ бошлиғига, иккинчиси Семейнинг окружной судига йўлланган. Қозоқнинг ваҳший саҳросидан келиб, ўзининг паноҳсиз бошига озодлик тиловчи Макен Азим қизи номидан бериладиган аризалар эди.

Қоғозларни буклаб олиб, энди устки кийимини елкасига илиб, Абиш жўнамоқчи бўлаётганда, унинг хаёлида йўқ ишни қилиб, Магиш ўрнидан турди-да, бирга бораман деди. Тун кечада унинг боришини Какитой билан Абиш иккови ҳам, Даниёр ҳам беҳуда деб билишганди. Магиш буларга салмоқли, ўринли гап гапирди.

— Макен менинг бир туғишганимдан ортиқ, жонимдек кўрадиган яқин дўстим эди. Кунда бормасман, балки энди мутлақо кўрмасман. Унинг бошига шундай оғир кун, хатар тушиб турганда ўзим бориб кўрмасам, тинчлана олмайман. Койиманлар, мени ҳам ола боринглар! — деди.

¹ У я з — уезд,— (Ред.)

Ичиди кўп ҳаяжонланиб, кўнглига маҳкам тугиб олган бир аҳдига ўхшайди. Гўзал юзини Абиш томон ўгириб, катта-катта қўй кўзлари унга тикилиб, бир ноzinи ўтказадигандек салмоқ солиб, мароқ билан боқиб турибди. Абиш икки оғиз гапга айлантирмаёқ тушунди. Магишни елкасидан қучоқлаб силади-да, бир оғиз қилиб: «Юр!»— деди-ю, тез кийинтириб ола кетди.

Кичкина енгил аравага уч киши тушадиган бўлгани учун кучерга жой қолмади. Энди козлага Қакитойнинг ўзи чиқди. Даниёрнинг югурик қора йўрғасини қаттиқ ҳайдаганича олисга, Затонга қараб, уйқуда ётган шаҳар кўчаларининг сукутини бузиб жўнаб қолишиди.

Булар Абеннинг уйига етишганда улар ётиб қолишиган экан. Лекин чарчаб-толиб, қаттиқ ухлаб қолган Макенning ёнида кийими билан ётган ҳушёр Дармен ухламаган эди. Енгил арава эшикка келиб тўхтаганда уй ичидан олдин Дарменнинг ўзи чиқди. Абиш уйга кирмади. Шошилиб, зарур иш билан келган. Бу уйдагиларнинг ҳаммасини ҳовлининг панасида учратиб, бор гапини қисқа-қисқа қилиб, шошилиб гапирди.

Ёнидан Дармен туриши биланоқ, маст уйқудан иргиб турган Макен энди Мъериپани кўрганида, индамай отилиб бориб, қучоқлаша кетишиди. Бу икковининг ўртасида бундан кейин ҳам бирор оғиз гап бўлмади. Фақат бир-бирларининг юзларидан, кўзларидан галма-гал ўпишиб, қайта-қайта қучоқлашиб қолишиади, холос. Икковининг ҳам кўкси тўла шубҳаси, оташин алангали армони, аламли дардлари томоқларига тошдек тиқилиб келиб, галма-гал отилиб чиқаётган иссиқ кўз ёшларига айланади. Бирининг кўзларидан бири ўпгандагачиқ ёшларини ҳам ютишиади.

Абиш Макенning аризаси ҳақида гапириб, иккала қоғознинг охирига рангдор қалам билан Макенning ўзига «Макен Азим қизи» деб қўлини қўйдирди. Шунчалик шошилиб келишининг асосий сабабини Абиш Дарменга тез-тез гапириб берди.

— Атрофда хавф-хатар бўлса-да, ҳозир бир нарсадан хурсандман. Мен шаҳардан кетмасимдан етиб келганларнинг жуда яхши бўлди. Ҳолим етгунича, қўлимдан келгунича, Дармен, Макен сенлардан айдиганим йўқ. Эртага улуғларнинг маҳкамасига бу аризалар билан ўзим бораман. Икковингга айтадиганим: «Қимир-

ламай, қийналмай, ҳеч нарсани ўйламай, фақат хотиржам бўлиб ёта беринглар. Энди сенлар қиласидиган иш тамом бўлди. Бундан бу ёқдагиси мени, мана бу Кақитойни ва билаги-ю, юраги бақувват, пайти келса файрати билан номусини букирмайдиган, эр-азамат Абди билан Абен икковининг вазифаси бўлсин. Ёв ҳам ёмон, бироқ, ёқалашиб қоладиган замон. Қилар ишни қилдинглар, энди фақат ўкина кўрманглар! Мана шу турганлар, ҳаммаларинингизга шу гапларимни айтиб ўтингани келдим. Мана бу Магишининг ҳам айтадиган гапи, ўтинчи шу бўлса керак!»— деб шу қийин кайфиятни ифодалаётган оғир гапининг охирини бир оз ҳазил қилиб тугатди. Абди билан Дарменгина эмас, энди Абен ҳам ҳалиги гапларидан Абишни яхши билиб, яхши кўриб қолди.

Бу ердагилардан Абиш айтган гапдан бошқа гап чиққани йўқ. Фақат Макенгина бир нафас иссиқ кўз ёшларини тўкиб юборди-да: «Нима бўлса ҳам чидайман, Абиш» — деб қолди.

Унга борлиғи билан ячинган ва ҳалиги гапидан хурсанд бўлган Магиш «Жоним Макен» — деб, яна қуҷоқлаб кўзларидан ўпди. «Чидарсан сен, чидайсан, биламан» — деди, узилиб товуш чиқариб. Жуда секин айтилса-да, турганларга икковининг гапи ҳам, бор нафаси билан, тўла эшилди.

Қолган гаплар Кақитой, Абди, Абен учовининг ўртасига ташланди. Улар «тўсатдан керак бўлиб қолса, шу ерда турсин» — деб эрталаб Муқа билан Алмарамбет олиб ўтадиган отлардан биттасини шу ерда, ўрмонда тушовлаб, ушлаб турмоқчи бўлишди. Қандай хабар бўлса, аввал Даниёрнинг уйига, Абишга, Кақитойга етиши керак. Улар от-уловларини ҳозирлашиб, доим тайёр бўлишиб ўтиришади. Эртага бу ерга Алмарамбет билан Муқа ҳам етиб келиб, кечаю кундуз Дармен билан Макенning ёнида бирга бўлишади. Қарор шу бўлди. Уйқуда ётган Затонни чўчитмай, ҳали яrim соат олдин келган енгил трашпанка ўша йўловчиларни солиб, ўша четдаги йўл билан қайтиб кетди.

Булар шаҳар ичини оралаб кетишаётган пайтда, яна катта Семейнинг ўрталик жойига; оқ тегирмоннинг ёнига бирининг орқасидан иккинчиси илашиб келиб, учта катта қайиқ тўхтади. Ўша қайиқларда олтита от, бир аравага юклangan ўнтача одам бор эди. Улар да-

мини чиқармай, уйқули соқилга келиб, жимгина тұхташган эди.

Қайиқчи Сейл күнмаса-да, ўша Иртиш бўйидаги, Қўрабойга таниш бўлган уч қайиқчини тун кечада туризиг олишган эди. Энди ўшалар худди Дарменлар тушган жойдан олдингиларнинг изини босиб тушишди.

Абенниң тўрдаги уйида холи бўлишган Дармен билан Макен бу кечанинг иккинчи ярмини бедор ўтказишмоқда. Биттаси тўғрисида биттаси «тиниқсин, ухласин»— деб қимирламай ётган бўлса-да, икковининг ҳам кўнгиллари безовта, ичлари тўла хавф-хатар.

Ҳозир Дарменнинг эсига ўз муҳаббатининг ҳар даври ўтдек иссиқ бўлиб аниқ тушаётир. Қисқагина тарихи бўлган бу севгининг ўлганда ҳам әсдан чиқмайдиган онлари бор... Шу йил ёши йигирма бешга чиққан Дармен шу чоққача муҳаббат шуъласига, севги алангасига ёндашиб кўрмаган эди. У бошқаларнинг, дўстларининг, тенгдош қиз-жувонларнинг ўртасидаги дўстликка, интизорлик чекаётган ишқ аҳлига борлиғи билан тилакдош бўларди. Беғараз соф дўст, жонини аямайдиган кўмакчи, танокор бўлишни яхши кўрарди.

Шу қаторда Абиш билан Магишил ўртасидаги, ҳеч кутилмаганда пайдо бўлиб улғайган кучли муҳаббатга Дармен кўп шодланиб, завқ билан боқарди. Уларнинг ҳисларига, унинг инилиқ, тенгдошлиқ, дўст шоирлик ҳисларининг ҳаммаси бирга қўшилиб, қайнашиб, аралашиб кетгандай туюларди.

Абиш билан Магишининг қандай яқин жигарларини олсанг ҳам, улар ўртасидаги эндиги ҳаёт тилакларининг қизигини Дармендек жону дили билан ҳис этадиган одам йўқ, дейиш мумкин. У иккала ёшнинг ўзлари ҳам Дарменнинг буларга бўлган тилакдошлиги, дўстлигига баравар шодланишарди. Дармен буларнинг муҳаббатига куйлари, гўзал қўшиқ, лапарлари билан мудом аралашиб, қайнаб битиб кетганди.

Шу йил ёз ўртасида Керегетос сингари чиройли қўнисдаги нўғой овулига Абиш куёв бўлиб қаллиқчасини олиб келгани борганида, йигирма кунча ўйин-кулги бўлганди. Абишнинг куёв йўлдоши Дармен ўша сафарда, ўша яйлов кечалари, ойдин кечаларда, ўзининг ҳам илгари тотиб кўрмаган жон оромини топганди. Макен, ўша Магишининг ёнида, кўп кунлар давомида учрашиб юриб, Дарменнинг эндиги орзусидек намоён бўлганди.

Буларнинг ўртасидаги муҳаббат Абиш билан Магиши ўртасидаги қизғин, самимий, жуда пок, ноёб ҳислардан намуна олиб туғилган муҳаббат эди. Эҳтимол, Абиш билан Магиши сўз билан, феъли-автор билан ёки арзимаган бўлса-да, бир иш-ҳаракат билан бу икки ёшнинг кўнглини мойиллаштиргмаган ҳамдир. Лекин у икковининг Макен билан Дарменга ўша йигирма кун давомида бўлган дўстона муносабатлари тилсиз, унсиз ҳолдаёқ бу икковини ҳам ўз аланглари билан туташтиргандир. «Макен билан Дармен икковининг севгиси қайси куни, қандай қилиб бошланди» деса, ҳозир Дарменнинг ўзи ҳам, Макенниг кўнгли ҳам аниқ бир жавоб қилолмасди. Албатта, бу аснода Магиши билан Абишнинг баъзан бу икковини янгратиб куйлатиши ҳам беҳуда кетмаган бўлса. Ойдин кечаларда, овулдан четга сайдга чиққан чоғларида, атайн озчилик бўлиб бўлинниб кетиб, унинг устига Абиш билан Магиши икковигина холи қолишгандарида, Дармен билан Макен ҳеч кутмаганда холи қолишадиган пайтлар ҳам бўлган эди. Бу ҳам бекор кетмаган бўлса керак.

Тумонатдек мажлис аҳли ўртасида илҳомга тўлган Дармен, жўшқин, шўх ўланларини ичдан чиқариб куйлаганида ҳамма шодланиб томоша қиласди. Шунда Магишига қўшилиб, Макен ҳам оппоқ юзли, қийилган қоп-қора мўйловли, мулоим боқиши нур сочиб турадиган кўзли санъаткорни томоша қилиб мақтарди. Унинг ҳам гул боғига умидини гўё эккандек, маъно-маноси билан ўз мевасининг томирини ёйган бўлса керак.

Макенниг бечораҳол овулида ёлғиз онаси билан ўзи яшайдиган кўднагина уйи бор эди. Бир куни кечқурун Абиш, Магиши, Дарменлар йигилиб, ўша ерда меҳмон бўлишганида, Макенниг кўп эслик онаси Дармендан хурсанд бўлиб мақтаган эди. Таъзиядор она олқиши айтиб, фотиҳа берганди. Таъсирли тилини, шарми-хаёлик, нозик ҳисларини, камтарлигини манзур кўриб, хўп мақтаганди. Ўша Макенниг онаси сингари қашшоқ овулнинг барча ёшу қариси куёвлар меҳмонга келган кечадан кейин, оғизларидан Дарменнинг отини туширмай, мақтай-мақтай сўзлашганди. Санъаткор, ибрат бўларли ажойиб бир ёш йигитга мўмин овулнинг меҳри тушиб, яхши кўриб қолганди.

Бу жиҳатларининг ҳам кейинчалик бориб, навбати келиб, розидил айтишадиган маъсум муҳаббатга таъ-

сири бўлгандир. Лекин шуларгина эмас, буларнинг ҳаммасидан бошқа яна ўша йигирма кун давомида ё кундузи, ё кечаси, ё уйда, ёки эшикда, баъзан кўпчилик ичидан, баъзан холи қолишганда икки юрак орасида ипак толасидек, мулойим шарпадек яна бир ажойиб тилсиз сир улашганди.

У ҳар чоғ, ҳали айтилганидек, эсда қоладиган онларда айтиладиган Дармен куйлари эди. Бу ёш йигитнинг ўзи яратган, ўзи жўш урдирган сўз сирлари эмас, Магиши билан Абиш сингари зийрак ёшларнинг ҳаммаси биладиган шеърлар эди. У Абай сози. Макен ҳам Магиши сингари кўп қулоқ солган, кўп уққан, ёдлаган ўланлар эди.

Баъзан кўпчилик ичидан, баъзан холи ерда Макенларнинг ўзлари ҳам қайта-қайта айтишадиган — Абайнинг сирли ҳисларига тўла шеърлари. Нега эканлиги номаълум, Макен ўтирган пайтларда Дармен «кўзимнинг қораси» деб куйласа, «салом сенга қалам қош»— деб алангали салом йўлласа, ёки «жон изтиробда»— деб, нозли ноласини айтса, баъзи-баъзида «ярқ этмас қора кўнглим на қилса-да» деб бошлаб, ўйчан, нурли кўзларини Макенниг юзига ташласа, барча ёшлар биладиган шу шеърлар, худди шу онда Дарменнинг оғиздан чиққан-у, илгари айтилмаган гапдек бўлади. Ҳатто илгари мутлақо очилмаган сирдек, шунчалар яшнаб, янги бир ниҳол сингари мавж уриб товланади. Балки бошқа, биз санаган ўзга икки ёшнинг муҳаббатини туғдирадиган шарт-чоралар орасида мана шу куйнинг ҳам ўз таъсири, ўзгача кўп таъсири бўлгандир...

Ҳар ҳолда ўша йигирма кун мобайнида Магишининг илтимосига кўра, унинг ёнидан айрилмай, ҳамиша бирга бўлган Макен, Дарменнинг қалбидан илгарилар у билиб, пайқаб кўрмаган ўзгача аланга туғдириди. Лекин бу ёшларнинг айрилишар чоғи яқинлашди. Магишининг узатиладиган куни яқинлашган сайин, Дарменнинг юрагидаги аланга-ю оташ бедор кечаларга туташиб, эндиги ёшлик ихтиёрини қамраб олди. Илгари жон боласига юрагини очиб, ёрилиб кўрмаган мўмин, маъсум Макенниг ҳам, энди сўнгги кунларда Дармен дўмбира олиб, унинг рўпарасига ўтириб, нидо созини бошлаганида, ёш юраги уриб лопиллаб кетарди.

Абиш билан Магишининг кўзлари сўнгги кунларда

Макенниг юзида түлқинланиб бир нафасга туғилған қизғаш нурни күради. Тонг шағағидек қызил ранг, Макенинг беғубор, бежирим қора түри юзига лап беріб чиқади-да, тез түлқинланиб, унинг гүзіл, маъсум юзини сал оқаринқиаратиб бориб, күздан ғойиб бўлади.

Севишган ёшлар айниқса даставвалги маъсум ёшлик чөғларида ўзларининг ораларида туғилиб келаётган ажойиб ҳисни ўзлари англаёлмайдиган, аниқ билолмай юрадиган содда вақтлари бўлади-ку. Уларнинг ички кайфиятларининг ҳали номи йўқ, ҳали ўз кўнгилларида ҳам идрок билан, сўз билан белгиланмаган, ҳал қилинмаган. Бироқ, бу беғубор, соғ, соддадил ёшлар, ўз ўрталарида туғилиб қолган ҳисни холис дўст, яқин кўзлар кўриб-билиб қолганини ҳам пайқашмайди. Бир қанча кундан буён бу кайфиятни Абиш билан Макен чин сир қилиб бир-бирларига айтишганди. Иккови Макен ўтирган чогда Дарменга алоҳида ўланларни атайин тез-тез айтдира беришарди. Ини, ўртоқ бўлган қиз билан йигит дўстларининг шу дамдаги чөхраларига мароқ билан боқиб билдириб қўймай, сездирмайгини шодланишарди. Ўзаро кўз ташлашиб, ичларида билишиб, аҳволни англашарди.

Лекин қанчалик севиб, алнга қучиб юрса-да, ўша аҳволни ҳеч қачон, ҳеч кимга ошкор қилмай, сақлаб қолиш Макенниг қўлидан келар эди. Унинг нозиккина баланд бўйи, жозибали кўзлари, нақадар бежирим чиройли юзи Абишга бошқача кўринарди. У ўқиган қандайдир бир романда кўп оғир қурбонликка чидайдиган, муҳаббатга нечоғлик содиқ бўлган аёл бор эди. У ёниб ўтса-да, ялиниб ўтмайди. Ўзгача зўр ҳисга тўла маҳбуба эди. Ўшандай юрак билан фазилат мана шу Макенга ўхшаган қиздан чиқса керак деб ўйлар эди.

Абиш ўқиган яна бир романда моҳир ёзувчи айтган бир танқидий мулоҳаза бор эди. Ўшанда: нозик, баланд бўйли, бежирим юзли гүзал аёл, муҳаббат йўлида энг чидамли, матонатли ҳис эгаси бўлади, деган экан. Қони тўлиқ, йўғон жуссали аёлда матонатли ҳис кам учраб, қурбонликка чидамсизлик кўпроқ кўринади!— деган гапни ҳам бир эшитган эди. Ўзи билган нарсаларнинг кўпини кўнглига туғиб олгани билан, сиртга чиқармайдиган Абиш бу саҳрова ўзи кўриб юрган қизлар орасида Макенга бошқача баҳо берарди.

Дарменни бўлса унинг санъати учун ҳам, йигитлик фазилати учун ҳам, яна айниқса беғубор ёшлиги учун ҳам яхши кўрарди. Баъзан Абишнинг ўзи ўз сирлари билан бўлиб, одиллигига бориб ўйлаганида, шу саҳродағи бор қариндошлари, дўстлари, ёру биродарларининг ичидан отасидан кейин Абишнинг энг яхши кўрадиган азамати мана шу Дарменга ўхшаб кўринарди. Баъзан ўзига ўзи савол бериб: «мен Дарменни энг севикли жигарим, иним Магишдан ҳам ортиқ кўраман-ку, дейман-а?»— деб қоладиган вақтлари ҳам бўларди.

Ҳозир Абиш Дармен билан Макеннинг ўртасида қандай тугун пайдо бўлишини қизиқиб кутарди. Уларнинг ҳаёти олдида қандай оғир тўлқин, говлар ётса-да, ҳалигидек қизиқиб, шодланиб, умид билан боқишдан Абиш энди ўзини тўхтатиб ололмай юрганди. Агар шу иккала ёш бунинг билан маслаҳатлашадиган бўлса, Абиш уларнинг олдида ўт турган бўлса-да, чекинмасликни, тоймасликни маслаҳат кўрган бўларди. Ҳар ҳолда, у, ёнига Магишни олиб, Дармен билан Макенни қувватловчи, тақдирловчи шериги бўлиб олган. Бироқ булар тилакдош бўлиб турса-да, ҳали ҳам Дармен билан Макеннинг оралари на очилмай, на босилмай турган бир пинҳон аланга эди, холос.

Икки ҳаққоний, лекин содда, ҳалол ёшнинг қалби энди осонгина очилишига шафқатсиз бир иш етаклади.

Магиш узатилишидан уч кун олдин бошқача бир ҳолат туғилди. Ёшлар кундаги одатлари бўйича кечки пайтда овул атрофига сайлга чиқишиганди. Юпқа, чиройли қора шойи чопон ёпинган Магиш бўйи бўйи билан тенг, матол Макенни чопони остига тортди. Қучоқлашган икки қиз аста-секин қадам ташлаб, қаторлашиб кетишаётган эди.

Кейин ой чиқиб қош қорайган пайтда, Магишни Макендан ажратиб Абиш олиб кетган эди. Енида қолган Алмағамбет билан бир-икки қиз улфатларининг кўнгилларини Дармен ҳазил-аския билан хуш қилиб, саир этиб юрганди. Худди шу топда бу ёшлар тўпига қараб остидаги бақувват отини тепинганича чоптириб, бир йўғон гавдали, ёши катта киши келиб тўхтади.

Йигитлар берган саломга дурустроқ ҳам алик олмасдан, чўққи соқол, бурни катта, кўкраги гупсангидек киши қўпол товуш билан:

— Шу ерда Макен борми? Аnavи турган Макенмисан? Бу ёққа юр, бу ёққа, менга қара! — деб буйруқ қилиб гапирди.

Ҳалиги, гапларини чўрт-чўрт кесиб гапираётганда анграйиб қолган ёшлар ҳали ҳам ҳайрон бўлиб туришганди. Лекин ҳаммаси ҳам мана бу кишининг қўпол товуши билан авзойини кўриб, мақсадини англашиди.

Макен бу кишини танир экан. Аста-секин, салмоқли қадам ташлаб, унинг ёнига яқин борди.

— Юр бу ёққа! Бу томонга юр! — деб яна буйруқ қилиб келган одам, отининг бошини буриб, Макенни четланиб олиб кета берди.

Уша келган қўпол товушли, тунд юэли йўловчи Макенning бошига фалокат олиб келган. У Дойр деган Макенning аменгери. Макенning отаси — Азим ҳаёт чорида Ўроизбийнинг яқинларидан бўлган мана шу Дойр ўзининг кенжা иниси Қайрга Макенни айтдириб қўйған экан. Ҳозир унга беш йил бўлибди. Шундан буён Азим вафот қилиб, Макен етим қолибди. Қашшоқ оила бўлиб онаси бошқараётган уй-жой чолдеворга айланибди. Энди қишлиқ сўқим, ёзлик соғиб ичкудек молларни Макенning оиласи ноилож ўша куёв томондан олишдек муҳтожликка йўлиқибди.

Макен Дойрнинг инисини кўрмаган бўлса-да, тақдирiga кўнади. Уша номаълум ёр «қўшофиман» деб бўйсуниб ўсади. Лекин ўтган йил буни айтдириб қўйилган Қайр, ўзи қатори ёш йигит, отдан йиқилиб ўлади. Энди мана унинг йили тўлар-тўлмас ўша Қайрнинг ёши қирқдан ошган, уйида айиқдек хотини бўлган акаси мана шу Дойр бундан бир ой олдин Макен билан унинг онасига совуқ гап ташлай бошлайди. Маслаҳат, кенгаш эмас, ўтинч, илтимос ҳам эмас, буйруқ, қарор йўллайди.

— «Иним ўлса, бевам тирик, аменгери ўзим борман. Макенни ўзим оламан. Шу ёзда, ёки кузда узатишнинг ҳаракатини қилсан!» — деб буйруқ қилиб юборди.

Нўғой овулига Абиш куёв бўлиб келгандан буён ўша Дойрнинг овули жуда безовта бўлаётган эди. Дойр бўлса Қуёнди ярмаркасига сафар қилиб, бу ердаги яйловда бўлаётган ёшлар ҳақида ўз вақтида била олмаганди. Энди кеча ярмаркадан қайтиб келиши

Биланоқ Макенни «Абай овулининг ёшлари ўртасида сўпдан буён ўйин-кулги қилиб, яйраб, юрганини» эшиади. Бунинг овулидаги бир-икки ҳари янгалар Дойр селмасдан олдин нўйой овулига, кўёвнинг ўтовига бир-икки кекса гийбатчини жосус қилиб юбориб ҳам олишанди. Улар Макен билан Дарменнинг муносабатига ўтдан зеҳн солишиб, бичиб-тўқишиб, гийбат қилиб келишган эди. Бу кайфиятни дилига туғиб олган ва Ўрозбойнинг кўнглига қараб Абайнинг ўзини, унинг барча ёру дўстларини душман деб биладиган Дойр, бугун келди-кетдидан бўшаши биланоқ атайин отга қўнгган эди. Шу бугун кечқурун Макенни гуноҳкор қиласидан пайтни пойлаб, қандай бало билан бўлмасин, бетма-бет учрашишга тайёр бўлиб келган эди.

Ҳозир у Макен билан икки-уч оғиз гап айланмасданоқ:

— Бор, уйингга, кет ҳозир, мана бу касофатлардан! Энангнинг олдига бор. Энди бир оз кунда келаман-да, оламан! — деб буйругини ҳам, аҳдини ҳам бирйўла айтди.

Дойрга тегиш деган хаёл ҳали Макенning бошига келган хаёл эмас. Юрагини чўчитиб, сескантирадиган бир хавф эди. Тўғри, очиқ кўнгилли Макен Дойрдан ҳалиги гапларни эшитганда норозилиги билан ғазабини яшира олмади. Қошлирини чимириб, койиб:

— Сизга нима бўлди ўзи? Мунча тасирлаб, нимага юлқинаётисиз? — дейиши биланоқ, Дойр сўйлоқ тишлиларини иршайтириб, дўқ этгандек буйруқ қилди.

— Бас қил гапни, олма юзимдан! Жўна ҳозир уйингга!

— Бўкирманг! Мен сизнинг хотинингиз бўлганим йўқ ҳали. Бўламан деб юрганим ҳам йўқ! — дейиши билан, эндиги гапни бир қўпол уришга айлантирган Дойр:

— Учир товушингни, юзи қора! — деди-ю, қамчи билан Макенни савалаб юборди.

Макен чир этиб:

— Қуриб кетгур, ёвуз! — деб, орқада қолганларга қараб отилди. Аччиқ зори ўшалардан најот тилаётгандек бошқача бўлиб эшитилди.

Дармен ҳаммадан олдин учиб келиб, қиз билан Дойрнинг ўртасига тушди. Дойрнинг қўлидаги йўғон қамчинини бир юлқишида тортиб олди.

— Тұхта! Ҳайвонмисан? Қандай беномус одамсан?— деб Дойрнинг ўзига қамчи күтарди.

Дойр буни ҳам ҳақорат қилиб юбориб:

— Тур нари йўлимдан. Орага тушаман деяётгандирсан, ерга тиқаман ҳаммангни!— деди.

Нарироқдан туриб бу жанжалга «нима у, нима гап, бу ким?»— деб интилиб келаётган Абишни пайқади-да, Дойр зўравонлик қилиб, сўнгги сўзини ҳайқириб айтди.

— Ишонаётганинг Абайдир! Абайнинг эмас, худоинингни паноҳ қилсанг ҳам, ерга тиқаман!— деб от қўйиб кетди.

Шу кеча ёшлар ҳийла вақтгача уйга бормай, ойдин кечанинг кўп қисмини далада ўтказишиди. Абиш, Марғиш, Алмағамбетлар бир тўп бўлиб, айрилиб кетишида, Дармен билан Макен узоқ кечани айрилмай ўтказишиди. Буларнинг мақсадини англаған Абишлар буларнинг муносабатлари ҳақида сўзлашмади. Сўэсиз англашди-ю, ғамхўр кўнгил билан, уларнинг ўзаро ёрилиб сўзлашишларига тилакдошлиқ билдиришди.

Макен билан Дармен шу кеча, шу ондаёқ ҳеч кутилмаганда рози-дил айтишиди. Икковининг дарди изҳорига кўз ёши ҳам, унча-мунча гаплари ҳам, даставал топиштирган қучоқлари ҳам аралашди. Макеннинг жажжи, жуда севимли, лўппигина оғзини Дармен ўтдек оташин лаблари билан топиб бўса олганда, қизнинг ҳам қабул қилиб, ўпган иссиқ лаблари ёш йигитни балқитиб, жўш урдирди. Уша кеча буларнинг бугун, мана қуюқ қора булутдек очилмай турган тақдирларининг даставвал бошланиши бўлди.

Абеннинг тўрдаги чоққина хонасида хаёл суриб, индамай ётган Дарменнинг кўз ўнгига қаторлашиб, бундан бир неча кунгина олдин умид баҳш этган, кўмак бўладиган ва хавф олдирган ҳолатлар келади. Унсиз, безовта хаёлга чўмган ҳамиятлик йигит бир вақт «одамларни бетинч қилдими, Абайга азоб олиб келдимми» деб ҳам сиқиласи. Унинг қўлимдан келганича умрбод «Абайдек ноёб оғанинг бошига кулфат солмай ўтсам»— деган мардона нияти бор эди.

Шунинг учун ҳам ўзлари шаҳарга қочиш билан Абайнини саҳродағи кўп бехаловатликдан қутқардим-ку, деган эди. Саҳрода бўлса бу ишнинг оқибати бугун овулда қирғин қилиб, баримта босишга борар эдими? Е бўлмаса оқсоқоллар, бийларнинг терговига, ҳукмига

ҳайдаб, Макенни бундан айириб, Дойрга қайтарар эди-да, Дарменни айблаб молу мулк жарима солиб, авва-ло тұнаб олиб, ундан кейин чиқитга чиқариб, әлдан ҳайдаб юборар әдими? Ғазабға келган йиртқич тұда ҳатто, бунинг бошини ёриб, күзини чиқариб, хүрлашга-ча борар эди. У ерда бўладиган аҳвол шу эди! Лекин бу ерда ҳам шодлик билан озодлик қучофини ёзиб қар-ши олаётгани йўқ. Бу ерда ҳам келгуси қоп-қоронғи.

Энди бошланадиган бетинчликни кўп шубҳа билан қийналиб ўйлаганда, Дарменнинг пешонасидан қайноқ тер чиққандек бўлади. Нафасига қаттиқ хўрсиниш ара-лашгандек бўлиб кетади. Шундай пайтда, унинг ягона юпанчиғидек бўлиб Абишнинг ҳаракатлари эсига туша-ди. Ҳали келиб кетган Абиш ўша садоқатли дўст ҳоли-ча турибди. Шу кеча келиб, буларнинг ҳаммасига бир-дек айтган гаплари: сабри ҳам, иродани ҳам кучайти-риб, қувват баҳш этгандек бўлди.

Абишнинг шу сингари гаплари, маслаҳати бўлма-ганда, Дармен ўша кечаси ҳам худди ўшандай қилиб рози-дил айтмаган бўлар эди. Ўша куни кечқурун ҳоли ўтириб сирлашган чоғларида, Абиш айтган бир гап бор эди. У олддаги қийинчиликларни назарда тутиб:

— Дармен, сен тортина! Мен биламан, сен айниқ-са Абай оғангни қийнаб қўяман-ку, ёру дўстларни ташвишга соламан-ку, деб тортинаётган бўлсанг керак! Аввало бундай андишага боришини йифиштир. Албатта осон эмас. Ёру дўстларингга катта ташвиш, оғирлик соласан. Лекин сен Дармен бўлмай, бошқа бирор бўл-ганингда бундай андишага бориб иймансанг бўлар эди. Энди сенга айтсам: ўзим ҳам, отам ҳам бошингга туш-ган битта оғирлигингни малол келмай кўтарамиз. Ма-ғиши, Какитой ҳам сенинг ҳолингни худди менга ўхшаб, тўғри тушунишади деб қаттиқ ишонаман. Менинг бу гапларим Макен иккалангнинг эсларингда бўлсин!— деган эди.

Шаҳарга жўнаётганида ўзини кузатиб чиққан Дар-менга Абиш яна бир масалани айтган эди. Бу чоғ Дар-мен билан Макеннинг бир бўлишга бел боғлаганлари, аҳду паймон қилганлари аниқ маълум бўлган эди. Шу-нинг учун шаҳардаги Абайнинг олдидан ўтиб, Дармен масаласини билдириб қўйишини Абиш ўз бўйнига олган эди. Абайнинг кечаги кайфияти Дарменга кўп вазият-ни билдирган эди. Афтидан Абай, Абишдан Дарменнинг

сирини эшитгану, күнглига тугиб қўйган кўринади. Шунинг учун ҳам «Абиш ариза ёзсин», «Ёшларнинг турадиган жойи у томонда, четроқ, холироқ ерда бўлсин», «Кечаси у томонга Сейл ўтказиб қўйсин»— деган Абай, Дарменнинг сиридан четда қолмаган бўлиши керак. Очилиб-ёзилиб сўзламаса-да, эндиги Абай Дарменнинг иши билан бундан кейинги бўладиган гапларга жавоб беришга кўнган, бўйсунган Абай.

Абиш бўлса ўша содиқ дўстлигини қилиб, булар учун курашга киришиб, отаси Абай учун ҳам, ўзи учун ҳам ҳалигиндай ишни бошлади. Бу жиҳатларини ўйлаганда Дарменнинг кўнгли таскин топиб, зўр юпаш билан нафас оларди.

2

Эртасига чоштгоҳ пайтида, Абенning уйидагилар олаётган катта хавф ҳам юз берди. Кечаси Затонга келиб, тиним топмай, кўчама-кўча, уйма-уй тимирскилаб юрган Қўрабой билан Дойр мана шу Затонда ўзларига таниш бўлган хонадонларни топишган эди. Ўша хонадонлардан биттасининг кулбаси, чолdevор ҳовлиси, Абенning ҳовлисига девор-дармиён эди. Ўтган кеча ҳалиги девордан бир бедор кампир мўралаб юрган эди. Ўша кампир чоштгоҳ вақтида келган Қўрабой билан Дойрга кечаси сезган ишларининг ҳаммасини айтиб берди. Шу бўлди-ю, Дойр билан Қўрабой Затоннинг бошқа кўчалари билан чет-четдаги холи, хилват жойларига тарқатган ҳамроҳларини излатиб, тўплашга тушди.

Улар бўйларини чўзиб девордан қарашиб, Абенning кичкина ҳовлисидан кўз олмай жим туришиди. Худди шу маҳалда эрталабки паром билан у томондан ўтган қўши салт отлиқ, Муқа билан Алмағамбет ҳам Абенning уйига келишиди. Отларини ҳовлига боғлашди. Ойша уйга бошлаб кирди.

Шунинг билан Абенning уйидаги хупия меҳмонлар нонумта қилиб бўлишлари биланоқ, тасирлатиб ёв босди-келди. Юриши бежо, нияти бузук кишилар келиб етганини даҳлизда, самовар ёнида, эшикка яқин ўтирган зийрак Ойша олдин пайқади.

— Ана, жонгиналарим, касофатлар келиб қолишидику!— дейишигагина мажоли келиб, отилиб бориб, интилганича даҳлиз эшигининг тамбасини солиб олди. Унга-

ча бўлмай, ташқаридан эшикни тепкилаб қоқа бошлашди. Аниқ талагани келган ёв сингари қасирлатиб қаттиқ уринаётган тўданинг ҳаракати билинди. Ойша са-моварни олиб печь ёнига қўя қолди. Абен билан Абди яна Муқа, Дармен тўрттови азаматларча ғайратга ке-либ, қўлларига биттадан яроқ олишди. Қўрққанича қо-воини солиб, юзини босиб туриб қолган Макенни Ой-ша қучоқлаб олиб, гавдаси билан тўсиб турди. Эшик-даги ёвлар:

- Оч!
- Қўйвор жонинг борида?
- Қутулмайсан, абжагингни чиқараман!
- Қириласан бир бошдан ҳамманг!
- Оч, эшигингни!— деб, эскироқ кичик эшикни қу-латадиган бўлиб қаттиқ ура бошлаши.

Абдининг қўлига кўпдан сақлаб юрган яроғи тушиб қолган экан. Пиёда олишишга топилмайдиган қурол — қора чўқмор бунга тегибди. Абен кашандада эди. Ўшанинг илгарилар овулдан ола келган, қотиб ётган қайнин, қора чўқмори шу эди. Абеннинг ҳам қўлига узунгина йўғон темир тушиб қолибди. Эски болтанинг орқа томо-нини тўғрилаб Муқа ҳам шайланиб турибди. Ховончанинг тоши Дарменнинг қўлига тушибди. Пакана, ним-жонгина, ўзи қўрқоқ Алмағамбет иккита аёли билан эркаклар орасида кўзи аланглаганича «олло» билан «тавба»ни такрорлаб, сифиниб юрибди.

Яна бир оздан кейин эшикдагилар кичкина эшик-нинг ошиқ-мошигини синдириб юборди. Бу ҳолда эшик-нинг паноҳ бўла олмаслигига кўзи етган Абен, эшик-нинг тамбасини чиқариб юборди-да, сақлай олмайдиган тахтани юлқиб олиб, улоқтириб юборди. Шу он буларга қарши ёпирилган Қўрабой, Дойрларнинг қамчилари қарсиллаб урилди. Шунга яраша Абен билан Абди дар-ҳол эшикнинг икки томонига туриб олишиб, бу бало-нинг бош омили бўлган, Дойр билан Қўрабойнинг қам-чини, сўйилидан нечоғлиқ қулай бўлган қуроллари билан қаттиқ уриб, солиб-солиб юбориши. Бақувват Дойрнинг ўнг қўли шалвираб тушиб, қамчини учиб кетди. Зилдек чўқмор билан кучи борича урган Абеннинг зарби текканда, жанжалчи Қорабойнинг ўнг елкаси синиб кетгандек қисир этди. Зўр гавдали, тили ёмон, қора соқол, ёвуз савдогар Қўрабой бир томони ўпирилгандек қийшайиб, эшик олдидан таппа орқага ташлан-

ди. Шовиллаб қон оқаётган ўнг қўлини чап қўли билан авайлаб ушлаган Дойр ҳам ҳақорат билан дағдағадан бошқа, «қираман, йўқотаман» деган дўқдан бошқа ҳеч нарса қилолмай чекиниб кетди.

Ўз ғайратларига энди қаттиқ ишонган илиги тўла, забардаст, азамат Абен, Абди, Муқа учовининг зардаси қайнаб, қаттиқ ғазабга келиб, тутоқиб кетишган эди. Булар баравар интилишиб отилишганларича, эшик олдига чиқиб олишди. Қамчидан бошқа қуроли бўлмаган беш йигитни орқасини тилкалаб, кичкина ҳовлиниг ичидан тирқиратиб қувишиди. Дарвозадан бир лаҳзада ҳайдаб чиқаришиди. Қўлидан шириллаб қон оқиб юрган Дойрни дарвоза олдидা Абди бели аралаш бир тепди-да, кўчага қараб ер тишлатиб юз тубан туширди. Шу орада Дармен, Алмағамбетни суюб келиб, ҳовлидаги югурик тўриқ отга миндириди.

— Сендан келадиган кўмак шу. Чоп, жўна, Абишга, Какитойга бор! Даниёрнинг уйидан топ! — деди-да, дарвозани хиёл очдириб, Алмағамбетни жўнатиб юборди.

Кичкина уйда бегуноҳ жонларга хомий бўлиб қолган эр йигитлар тўпи энди қандай балога бўлса-да, чираб беришга аҳд қилишди. Бараваста келган, паҳлавондек Муқа ҳам Абди билан Абенга мос экан. Ҳам ғайратли, ҳам ўткир шерик бўлиб, баравар туриб берди. Ҳали ўзларига ўхшаган ўнтача эр-азаматларни ҳайдаб юборганларидан кейин булар қандай ёв бўлса-да, энди тап тортадиган эмас. Бу уйнинг кўчага қараган деразалари қопқоқли бўлиб, унинг темир тамбаси ичкаридан зулпинга илинган эди. Ҳали душманлар даставвал келишганда, дераза эсларига келмаган эди. Дарвоза билан эшик мана бу йигитларнинг қўлида. Яна бир тинч қолишган пайтда Абен Дарменни «үй ичига эга бўл!» деб, аёлларнинг ёнига юборди.

Қўлига ўткир болта бериб:

— Жонга қасдлик қилса, нимасини аядинг, сен аёлларга қўрқманг деб далда бер-да, кўчага қараган деразаларини қўриқла,— деб Абди ҳам Дарменга ғамхўрлик билан буйруқ қилди.

Чоштгоҳ пайтида, Абиш билан Какитой кечаси Мәкен иомидан ёзилган аризани олиб, ўяз маҳкамасига кириб чиқишиди. Энди окружной судга Абишнинг ўзи

кириб, Какитой эшикда кутиб турганди. Ҳарсиллаб чо-
пиб келган Алмағамбет икки қават тош бинонинг зи-
насида турган Какитойни кўрди.

— Вой, жоним, нима қилиб турибсан! Ёнирилиб
келди-ку, қираётир ана у Затонда. Жонларинг бўлса
тезроқ бор!— деб, ранги ўчганича, нафаси бўғзига ти-
қилиб гапирди.

Бир лаҳзада Какитой аҳволни англади. Алмағам-
бетга:

— Шу ерда тур, қимиrlама!— деб уни шу ерда
қолдириб, юқори қаватта чиқадиган кенг, узун тош
зинадан югуриб кетди.

Худди шу чоғ кўчада турган Алмағамбетнинг ёнига
шошганича елпиллаб, сариқ соқол, кўк кўз Боймағамбет
етиб келди. Унинг солиниб кетган қовоғи билан кўзи-
дан Алмағамбет яна бир дилсиёҳликнинг хабари кел-
ганини сезди. Ҳозир унинг назаридаги ҳатто Боймағам-
бетнинг кўзи ҳам одатдан ташқари чақчайиб, кўкимтироқ
бўлиб кетгандек туюлди. Боймағамбет: «Хунук
хабар», «хунук хабар» деди-ю, бошқа гапни Алмағам-
бетга изҳор қилмади. Буни «Абайнинг сир сандиги»
дейишарди. Атайин «шуни, фалончига айт» деб юборган
буйруғи бўлмаса, Боймағамбет Абайдан эшитган гап-
ларини Айгеримга ҳам айтмасди. Шунга кўра, Айгерим
унга «Абайнинг сир сандиги» деган ном берган эди.

Салдан кейин юқори қаватдан, суд маҳкамасидан
шошганларича Абиш билан Какитой тушишди. Бойма-
ғамбетни кўришлари биланоқ иккови ҳам индамай ин-
тилишиб:

— Хўш, нима гап Бақа! Нима хабар?!

— Оғамдан қандай хабар бор, нима гап?— де-
йишди.

Боймағамбет индамай, сиймосида жиддийлик акс
этганича, кўкрак чўнтағидан икки букланган хатни ол-
ди-да, Абишга узатди.

Какитой Абишнинг ёнига суқулиб кириб, хатни бир-
га ўқиди.

Бу хатда Абай кечаси Ўрозбой билан уришиб, ўча-
кишганини айтибди-да, эҳтиёт бўлишга ундарди. Худди
билгандек «Дарменлар қаерда экан? Қозоқ хонадочида
туришса дарров гапи чиқади, мана булар осонгина то-
пип олиб жонларига қасд қилиб юришмасин!»—
дебди.

Тездан бирор рус хонадонига жойлашини маъқул күрибди. Унинг устига бу гал яна бир нарса ҳақида Абишга қаттиқ тайинлабди. Кечаги хатда мен иккализинг дўстлик бурчимиз ҳақидагина айтган эдим... Бугун азалги душман — зулм мени қўрқитмоқчи, хўрламоқчи бўлибди. Энди фақат бетма-бет беллашиб турниб, қон керак бўлса қон, жон керак бўлса жон бериш керак. Аямасдан олишиш қолди. Мен шунга аҳд қилдим! — деди.

Абайни шу ҳолат, шу гапларга қандай иш, қандай феъли-автор олиб боргани Боймағамбетнинг оғзаки айтган қисқача гапидан маълум бўлди. Кечаси Ўрозбойдан Эсентой, Сейсеке сингари элчилар келишиб, қўрқитмоқчи бўлишгани, ғазаблантиргани, ўчакишиб кетишлари олиб борган экан. Абиш ҳам шунга яраша энди ота қалбидаги номусга тўла ғазабни, хўрланиб, тутоққан ғазабнинг ҳаммасини гапсиз, сўзсиз тезда ўз вужудига тортиб олди. Шошилиб, гапни қисқа қилиб, Боймағамбетга:

— Оғамга айт! Мен на малол кўриб, на тортиниб қолмасман! Фақат маслаҳат-кенгаши керак бўлар, тездан бу томонга ўтсин-чи! — деди-ю, жўнамоқчи бўлиб қўзгалди. Боймағамбет тездан яна ҳали ўзи келган соҳилга, қизил барабай ёнидаги ел қайиққа қараб кетди.

Поручик даражасидаги офицер кийимини кийиб, қилич тақинган Абиш, ёнига Какитой билан Алмағамбетни олиб, Даниёрнинг қора йўрғасини қаттиқ йўргалатганича, аллавақтда Затонга етди. Лекин етиб келишлари шодлантирмади. Хавф-хатарнинг каттасини, хаёлга келмаган машъум ишларни энди билди. Абенниг уйнда, зарб еб ийқилиб, қонига белангтан Ойша билан Муқа, Абен учови қолишибди. Эшикдан тўргача, ҳовлиниг ўртаси-ю, дарвозагача тўзиб, сочилиб уй анжомлари ётибди. Ишдан чиққан анжом, ҳар ерда ивиб қолган қон ётибди. Машъум ҳаракат, беомон ёвликнинг тирқираб оққан қони, пайҳонлаган изи ётибди. Хиёл эси ўзига келган Ойша чўзилиб ётган жойида:

— Чопинглар, етиб боринглар, кўп бўлгани йўқ. Паромгача етиб боринглар! Яқиндагина кетишли. Қирқэллик сандогар ёпирилиб келиб, қирғин қилиб кетишли. Абдигина Дармен билан Макенниг устига ўзини ташлаб, парвона бўлиб, қўлига ханжар олганича аравага

бирга тушиб кетди!— деган гапларни бўлиб-бўлиб айтди-ю, яна қонсираб, ранги ўчиб ҳушидан кетиб қолди.

Абиш Алмағамбетга буйруқ қилиб:

— Сен буларга ёрдам бер, ёнларида тур, қўшниларни чақир!— деди. Ўзи Какитойни олиб, қора терга тушиб, бўйнигача оқ кўпик босган бақувват қора йўрганинг яна савалаб чоптирганича, жон-жаҳди билан паромга қараб кетди. Баландлик йўлдан паромнинг кўпригигача ўчириб келган қора йўрганинг енгил аравасидан эпчил Абиш иргиб тушди. Паромга қараб интилди. Ҳали булар довонга чиқишганда, бу соҳилда турган катта паром йўғон кандир арқонини йиғиб олиб, соҳилга ёғочини тираб, бу соҳилдан йироқлашмоқчи бўлаётган эди. Энди кўприк устида юрган Абиш етиб боргунча, паром бир саржин келадиган жойга узоқлаб кетган экан. Таваккал қилиб кўзини чирт юмган, борлиги билан ақлига-ю, идрокига энди фақат аҳд амр этаётган Абиш, сакраб кўприкнинг қанотига чиқиб, паромчига русчалаб: «Қайтар, тез қайтар!»— деб ҳайқириб юборди. Ўзи ҳам ўша бир саржин келадиган паромга қарчиғайдек отилди.

Бошиқ вақтда, бирорта тўғри одам журъат этолмайдиган ҳаракатга қадам қўйди. Жон аччиғида интилган офицер сувга тушиб кетади деб ҳамманинг кайфи ўчиб, бақириб, тикилиб қолишганда, у дик этиб бориб, паромнинг четига оёғининг учи билан илинди. Ингичка, оппоқ бармоқлари ҳам паромнинг панжарасига шап этиб ёпишиб олди.

Шу сингари алоҳида бир аланг билаш тутоқиб ҳаракат қилган ўзи каттагина амалдаги, улуғ сифатидаги офицер, ҳалиги ҳаракатининг ўзи биланоқ қудратли амр қилгандек бўлди. Энди паромнинг асбобларини ушлаб турган оқ соқолли татарга Абишнинг: «Қайт орқа-га!»— деб, бошини силкитиб берган буйруғи кифоя қилди.

Аллакимларнинг узилиб, тутилиб чиқсан, қаршилик билдирган овозларига парво қилинмади. Кўп аравалэр, кўп салт отлиқлар, кўп одамларни ортган катта оғир паром Абишнинг индамай тикилиб туришига бўйсунди. Паром жойига қайтиб, тахта кўприкка етиб, йўғон арқон билан маҳкам боғланганича яна тўхтади.

Паром тўхташи биланоқ олдинга қараб кўз ташланган Абиш сув бўйида турган йўғон, яғринли, қизил ҳо-

шияли, сариқ ола қилич тақинган полицейскийни ёнинг чақириб олди.

«Семиз сариқ» деб аталаған, у томону бу томонинг барча йўловчилари танийдиган бу стражник Абишни улуғ тутиб, кичиклик йўли билан тезгина ёнинг келиб, ғоз турганича тўхтади. Абиш унга бир неча оғиз қилиб, ҳозирги можарони баён этди.

— Мана бу паром устида ҳозиргина Затонда бўлган разбойнинг, қон тўкишнинг айборлари кетаётир. Бу паром устида жиноятчилар, безорилар билан ўшаларнинг қурбонлари ҳам бор. Мен ҳозир ўяз начальнигига бориб, сенга кўмаклашишга бир неча полицейский юбораман. Ўшангача топшириладиган вазифа — паромни яна юргизмай, ичидан бирон кишини туширмай, шу ерда ушлаб турасан. Сенга буйруқ берувчи военно-полевая артиллериянинг поручиги Ўскенбоев. Уқдингми?

— Так точно-с, Ваше благородие, господин поручик! — деди-да, семиз сариқ олдинга қараб кетаётган Абишга йўл бериб, олдидан ўтказди. Ўзи узун қиличини ёнбошига босиб ушлаганича, паром сари қадам ташлади.

Шу кетишда Абиш яна бели баланд қора йўргани Иртиш бўйлаб чўзилган тақир кўчалардан тасирлатиб йўргалатганича, эрталаб ўзи олдига кирган уезд начальниги Маковецкийнинг маҳкамасига борди. Семей уездининг бу кунлардаги начальниги Маковецкий бундан олдинги Казанцевлардан ҳар фазилати билан ортиқ бўлган, илмли одам. Ҳар ишга бўлган муносабати ўзича моҳир улуғ эканлигини кўрсатиб туради. Маковецкий ёш жиҳатидан энди ўттизга чиққан. Ўзи баланд бўйли, юз-кўзлари келишган, кўркам одам. У Абайни ҳам яхши билади. Эрталаб Абиш олиб келган аризани зўр илтифот билан ўқиб, англаб олганди.

Рус тарбиясини олган ёш поручик Ўскенбоев Маковецкийга одилона гап, ўринли хабар келтирган одамга ўхшайди. У, одатдагидек саҳро дов-жанжалининг кетидан юрувчилардек ўз бошини қўриқловчи эмас. Қизни олиб қочган одам ҳам бу эмас. Яна қиз билан уни олиб қочган йигит ҳам, бу поручикнинг иниси, акаси, яқин қариндоши эмас. Шундай экан, саҳро урфи-одатининг авомлик, жоҳиллигига, нодонлик хиёнатига, ёввойи йиртқичлигига русча ўқиб, тарбия олган, маърифатли ёш йигит қаршилик билдиради-да. Истибдод билан

олишади. Яна ўша қаршиликни, олишиш ҳаракатини саҳро йўриғи билан, Маковецкий яхши биладиган йўл билан олиб боришга юрмайди. Оталар қонунига у, Россия подшолигининг ўрнак бўларли қонунини қарши қўйишга уринади. Қисқаси, саҳронинг ёввойилигидан қочтан паноҳсиз, чорасиз ёшларни подшолик ҳокимларнинг паноҳига олиб келади. Поручик Ўскенбоев Маковецкийнинг тушунчаси бўйича жуда тўғри, дуруст йўлда ҳаракат қилаётir.

Ҳали Абиш келиб-кетгандан буён у қолдириб кетган Макенning аризасини эсидан чиқармай ўтирган Маковецкийнинг тушунчаси шундай эди. Энди эрталабки ҳолатидан, ундаги саботли, ёқимли чеҳраси, камтарлигидан асар қолмаган, поручик Ўскенбоев келди. У ҳозир кирган он Маковецкий ҳайрон бўлиб, ўрнидан туриб кетди-да, ҳол-аҳвол сўради.

Абиш ўтирмасдан, ғоз турганича бўлган ҳамма ишни Маковецкийга айтиб чиқди. Энди охирида ўзининг бунга берилган ҳуқуқ даражасидан ортиқ ҳаракат қилганини, сал айби сифатида бўйнига олди. Паром бўйидаги полицейскийга ўзича буйруқ қилибди. Зўр жиноятга қарши бошқа чора топа олмаганини айтди. Маҳсус ҳокимларнинг ҳуқуқларига дахл қилгани учун мулоиймлик билан узр сўради.

Аҳволни англаб бўлиши билан, Маковецкий шаҳарнинг паром томонини идора қиладиган ҳокимини, учинчи участканинг становой пристави — Старчакни чақиртириб келди. Ўша приставга буйруқ қилиб, ёнига беш полицейский олиб, тезлик билан паромга етиб боришни буюрди.

Бу ишдаги асосий айборлар билан арз берган Азим қизи Макенни ва унинг йигити Дармении тездан мана шу уезд маҳкамасига етказишни топширди.

Энди ярим соат вақт ичida Старчак, деярля ҳаммаси баланд бўйли, норғил-норғил беш полицейскийни эргаштирганича ас-аса, дабдаба билан қайиққа етиб келди. Паромнинг кўпригини шиддатли одимлар билан тарс-турс босиб, ҳали ҳам бойлоғлик турган паромга ҳатлаб-ҳатлаб кираверишди. Қилич, яроқлари қасирлаб, ярқиллаган ҳокимият одамлари паром устидаги йўловчиларнинг юрагини увиштирди. Бу чоғ, худди мана шу полицейскийлар келиши олдидан, паром устида яна бир марта қаттиқ муштлаш бўлган эди.

Абиш кетиши билан паром устидаги бақироқ Құрабой ва унинг ёнидаги бир неча ўзига ўхшаш, портдан чиқмайдиган жанжалчи чатоқ савдогарлар бирлашиб олиб, паромчи билан можаро қилишди. Паромни жүнат, деб буйруқ беришди.

Семиз сариқ паромчиларга «құзғалма!»— деб буюрганидан кейин, Дойр билан Құрабойлар яхши гап билан уни құлга олмоқчи бўлиб, қизил қофознинг учини ҳам чиқаргандек бўлишганди. Ҳалиги офицернинг вожоҳатидан ҳайиқиб қолган стражник, бу гап одатланган порасини ололмай ўзини эҳтиётлаб, иккиланиб қолган эди.

Абишни кўргандан бўён ғазаби билан кеки қайнаб бораётган Дойр, энди бир маҳал Макен билан Лармен ўтирган аравага юлқинганича интилиб, соғ чап қўли билан уларнинг бошида қамчи кўтарган эди. Юзининг қони хиёл қотган, чаккаси билан елка томонидаги жароҳати танғиммаган Абди, қўлидаги узун, иккисиз лама ханжарини шу билан Дойрга неча марта кўрсатиб:

— Бир томчи қоним қолгунча бу икковининг бошига сенинг таёфингни тегдирмайман, Дойр! Шартим, онтим, шу. Қоп-қора қонингга белаштираман. Яқин келиб кўр, тегиб кўр!— деди.

Бу манманлик, Құрабойнинг ёнидаги зўравонларнинг яна ғашига теккан эди. Паромдаги кишиларнинг ярмига яқини ўшалар бўлиб,чувиллашиб сўзлашганда катта бир ғалаёнчилар тўдаси эканлигини билдиради. Шулар алдоқقا, порага кўнмаган Семиз сариқни энди қуршаб, қўрқитмоқчи бўлишди. Бир оғиздан жеркишиб, ҳайқиришиб:

— Бўшат паромни, қўйиб юбор бизларни!

— Бўлди-да, ҳаммани шунча тўхтатганинг!— деб, Семиз сариқ билан оқсоқол паромчи татарни ўртага олиб, энди исканжага олишаётганди.

Худди шу чоғда паром кўпригини қарсиллатиб, ларзага келтириб босгандарича ўнга яқин, деярли ҳаммаси норғил, нимдошгина кийимли қозоқ йигитлари пиёда югуриб келишди. Паром оғзида турган ҳалиги тўдага улар тикка ташланишди. Ҳаммасининг оғзида битта гап:

— «Қаерда Құрабой?», «Қонхўр Құрабой қаерда?»— дейишиб, сўраганларича келиб ёпирилишди.

Буларнинг товушини эшитган Дармен, Макенниң қўйлини қаттиқ қисиб, Абдини ҳам елкасига туртди.

— Ана, ё омад, мана бу Затоннинг йигитлари! Бебаҳо азаматлар, грузчиклар-ку! — деб қолди.

Аслида булар Абенning кўнгли яқин ўртоқлари. Ҳаммаси ҳам полвон номини олган барваста грузчиклар эди.

Ҳали Алмағамбет, Ойшанинг гапи билан шуларнинг ичидаги Сеит деганни топиб, Абенning уйидагилар қипқизил қонига белашиб ётганини айтганди. Яғринли, қисиқ-қисиқ кўзли, қизил-сариқ мағиздан келган Сеит дам ўтмай мана бу саккиз-тўқиз дўстларни йифиб, Абенning уйига кириб, бутун ишни кўрган, билиб чиққанди. Шунинг билан ҳамроҳларини эргаштириб, ўзгача ўч, ғазаб билан мана шу паромга қараб юрганди.

Сеит паром устида, булар излаган безориларнинг ҳаммаси борлигини билганда: «Ё омад, бера кўр!» — деб тишини қайраб, тутоқиб кетди. Ҳозир ўша Сеит «қонхўр Қўрабой» деб ҳайқирганида, бало-ю қазодан ҳайиқиб кўрмаган баланд бўйли Қўрабой аравадан ирғиб тушиб, Сеитнинг ёнига ўдағайлаб келиб, ҳайқириб юборди.

— Отангнинг хуни бор эдими? Мен, Қўрабой!

Шу бўлди-ю, Сеит Қўрабойнинг узун, қуюқ қора соқолидан шап этиб ушлаб олиб:

— Ма, Қўрабой сен бўлсанг! — деб, чўяндек муштуми билан оғзига қўйиб-қўйиб юборди. Қўрабой чап қўли билан силкитса ҳам, Сеитнинг қўлидан соқолини бўшата олмади. Юзи-кўзи қонга белашиб, иккита курактиши шалдираб, оғзига тушди.

Паром устида ҳайқириқ-бақириқ, ўпир-тўпир муштлаш бўлиб кетди. Шу ерда катта сариқ аравада ғужанак бўлиб ўтирган Дўндағул деган безори бор эди. У шаҳарнинг ҳар икки томонига донғи кетган энг йирик полвон ва отоқли ўғри эди. «Фалончи бойнинг тош деворидан бир той чойни улоқтириб юборган», «шу сингари лўндасига юрадиган ҳиммати баланд ўғри» — дейишиб, Дўндағулни бутун шаҳар афсона қилишарди. Қўрабойнинг ғайрати билан ҳайбати ҳамма вақт мана шу Дўндағулдек, портдан чиқмайдиган, ичкиликка берилган, забардаст валатлар бўларди. Ҳали даставвалги

түлқин, ўн кишилик ёвни осонгина ҳайдаган Абен, Абди, Муқа учовига кейин келиб ёпирилғанлар, Құрабой бошлаб келғанлар мана шу Дүндағуллар эди.

Абенни, Абдини уриб, қаторасига құлатған ҳам мана шу Дүндағулнинг ўзи. Бироқ, ўша катта жанғда Дүндағулнинг бошига Абеннинг ғұла темири ҳам қаттиқ текканди. Ҳозир, ўшандан бери боши, елкаси-орқаси аралаш гупчакдек шишиб, ҳалиги паром устида бўлаётган тўс-тўполонга қатнашолмай, боши гангиб ўтирганди. Ҳозир қувғин келиб, Құрабойни ҳалигидек қилганини кўриши биланоқ Дүндағул қўлига одатдаги гавронини олиб, ҳайқирганича интилди. Йўлида турган бир бўш аравадан кўндалангига ҳатлаб сакраб тушганида, Құрабой билан Сеитнинг қоқ ёнига давангидек дўп этиб тушди. Оғзида ҳақорат, Сеитни майдалайман деб сакраган эди.

Ўша сакрашида ерга тарвақайлаб тушди. Бир нафас эгилиб, тиззасини букиб, эндигина ҳайқирганича қаддини ростлаётган эди. Ғафлатда қолдирадиган ондан эҳтиёт бўлиб турган Сеит билан унинг ўзига ўхшаган, кенг кўкракли, қоп-қора жингалак соқолли Жайноқ, мана бу Дүндағулнинг қаттиқ жанг бошлашини сезиб қолишиди. Ўша он иккалови ҳам қўлларидаги қуролни баравар ишга солиб, биттаси Дүндағулнинг қоқ елкасига туширганда, иккинчиси қаттиқ сўйил билан айлантириб туриб, яхшилаб тирсагига солиб қолди. Елкасидан теккан чўқмор — Абеннинг бисотидан чиққан қора чўқмор эди. Ҳўқиздек гумбази-тардон Дүндағул мана бу иккита паҳлавон грузчикнинг баравар урган зарбига дош бера олмади. Үкириб бориб юз тубан тушганды, арава остига бошини тиқиши биланоқ сулайиб қолди.

Бир-иккита грузчик Дойрни топиб олиб, муштлаб, тепкилаб, итдек эзғилашди. Пристав Старчак билан ёнидаги полициялар ва Абиш билан Какитойлар етиб келишган пайтда паром устидаги аҳвол шу эди. Старчак гапни чўзиб ўтирмади. Абишнинг айтиши, кўрсатишига биноан аввало Макен билан Дарменни бўшатиб, соҳилга алоҳида чиқартириди. Ундан кейин Құрабой билан Дойрни бошқалардан ажратиб олди. Уларни иккита полицейскийга топшириб, Маковецкийнинг маҳкамасига қараб бошлаб кетди. Грузчиклар индамай гезаргандарича уйларига қайтишиди. Дами-товушидан олиб, попуги пасайиб қолган жанжалчи савдогарлар тўдаси-

ни ортган паром, энди күзлаган йўлига тушиб, Семей соҳилидан силжиб кетаверди.

Уша йўловчилар тўдаси Иртишнинг Слободка томонидаги кўпригига келиб тўхтади. Мана шу «қайиқ оғзи» дейиладиган жойда яна қиз қувлаган, можаро излаган катта бир тўда сабрсизлик билан, оёғи куйган товуқдек типирчилаб турган экан.

Бу тўданинг олдida — оқ соқолли, бурни катта, бир кўзи кўр Ўрозбой. Ёнида — бой қудаси Сейсеке ва бошига салла ўраган Шарибжон халфа. Учовидан бошқа яна салт отлиқ, арава, трашпанкаларга тушган йигирмага яқин шаҳар савдогарлари билан элдан келган кишилар бор. Булар паромга уловларини, араваларини галма-гал киргизишиб, хабарга қонишиди. У томондан омади кетиб, бор фалокатни бошларидан кечириб келаётган Дўндағул билан бир неча савдогарларни ўртага олишиди. То паром юргунча ўшалардан бутун аҳволни билиб олишиди.

Қўрабой билан Дойрни пристав қамагани олиб кетганини эшитганда, Ўрозбой аста қўзғалган паромни тепиниб типирчилаб, тарс ёрилгудай бўлиб шошилди. Оғзидан оташин алгангадек заҳарли қарғиш чиқди:

— Кон ичадиган қасд душманим Абай десам, орқасидан бўриваччаси ҳам эргашган эканми?! Яна бир душманим бўлиб етишиб қолган эканми, улуғ, тўра бўлган бўлиб, айтганини қилдириб турибдими!..— деб у ёгини айтмай, фақат ўқинчгина билдириди... Кор қилиб бош бармоғини тишлаб қолди. Илгарилар: «Абай ўғлини русча ўқитаётир. Улуғ, тўра қилмоқчи. Сенинг ҳам қудратинг, дунёнг етарли. Нима қилади, битта болангни русча ўқитсанг?» деган маслаҳатгўйларни Ўрозбой оғзига уриб қўярди. Ҳозир ўша камчилиги эсига тушиб ўқинаётганга ўхшайди. Лекин шу даврда Ўрозбой ҳали нураб тушмоқчи эмас. Бир оздан кейин яна дув силкиниб, тutoқиб кетди.

— Кўрарман, майдонга чиқиб кўрсин... қарши туришга чидаб кўрсин!..— деб бўғилганича тутақиб, ғижиниб олди.

Қувғинчилар билан қочқинларни энди қаердан кўзлашини билмаса-да, Ўрозбой ягона кўзини тиккан биттагина нишонаси бор. У Катта Семейдаги ўзига таниш, қозоқ тиломоч Сомолбек. Уяз Маковецкийнинг тиломочи. Зоти қирғиз. Тўбиқтига сингиб кетган ўнтача хона-

дондан чиққан ўқимишли йигит Сомолбек Дўстпонов. Үрзбойнинг бундан олдинги бир неча ишларига маслаҳатгўйи ҳам, сабабчи ҳам, танокор ҳам бўлган эди. Унинг бутун феъли-автори, сирини яхши билмаса-да, Үрзбой ўша Сомолбекка баъзан қишилик сўқимини юбориб, ёзда меш-меш қимиз, семиз қўй-қўзишларни юбориб, илик тутиб юради. Сомолбек орқали мировой судьянинг, окружной суднинг, банкнинг ва Жондорол маҳкамасининг ҳаммасидаги қозоқ тиломочлар билан Үрзбой туз totishiб, таниш бўлиб олган.

Қайиқда ўтишган он Үрзбойлар тўдаси билан Сомолбекни излаб келишди. Шу пайтда Маковецкийнинг маҳкамасида навбат кутиб Абиш билан пристав Старчак ва Дармен билан Макен ўтирган эди. Шаҳарнинг бир неча йирик чиновниклари билан бир советникни бошқа бир иш юзасидан қабул қилган Маковецкий, Абишлар келгандан сўнг бир соатдан кейингина бўшади. У аввало Старчакни қабул қилиб, ундан жанжалбоши Дойр билан Қўрабой ҳақида тўла маълумот олди. Паром устида ҳам тартибни бузиб, ҳайвонларча қилинган катта бир ҳаракат содир бўлганини ҳам Старчак қандай бўлса, шундай маълум қилди. Ўша фалокатнинг бош омили Қўрабой, Дойр эканлигини, уларнинг Старчакка ҳам тұхмат ортишиб, уришиб «порага сотилдинг»— деб айблаб гапирғанларини ҳам ўязга оқизмайтомизмай етказди. Ўша далилга суюниб, бу иккита ҳоким ўзларига берилган администраторлик ҳуқуқ бўйича, шаҳарда разбой қилган иккита жиноятчини бир ойга каталашкага қамаб, ишларини мировой судьяга йўлайдиган бўлишди. Шунинг билан Старчакни жўнатиб, Маковецкий Абишни қабул қилди.

Абиш, Макен билан Дарменни ола кирди.

Ариза берган Макенниң сўзини Маковецкий унинг ўзидан эшитмоқчи бўлди.

Берган аризасидан қайтмайдими, шу гапида турадими? Еки бугунгидек жанжал, тўс-тополонни, қон тў-кишларни кўргандан кейин, илгариги аҳдидан қайтадими? Яна бир ўйлаб кўрадими?— шуни билмоқчи эди.

Абиш Маковецкийнинг гапига бирор оғиз гап қўшмасдан, ўзгартирмасдан тўғри таржима қилди. Шу чоғ ўязнинг кўпдан кўз тутиб ўтирган бир одами салом бериб кириб келди. У қозоқ тиломоч Сомолбек эди. Унинг уйига бориб, Үрзбой бошлиқ қуршаб олган бир

гала қувғинчиларни бошлаб, Сомолбек ўз маҳкамаси-
га энди кириб келганди.

Ўрзбойларни даҳлиэда қолдириб, ўзи кирди. Энди
Абиш ҳам кўз таниши Сомолбек келгандан кейин, унга
бош эгди-да, навбат берди.

— Мен тиломочликни тўхтатай, господин Дўспанов-
нинг ўзи таржима қилсин. Ариза берган қизнинг эпди-
ги гапини сизнинг ўз тиломочингиз айтиб берсинг!—
деб Абиш одоб билан сабот кўрсатди.

Маковецкий бу ёш офицернинг шу феълини ҳам
маъқул кўриб, бош иргади-да, Сомолбекка қараб ияги-
ни кўтарди.

Макен улуғнинг ҳалиги Абиш тушунтирган саволига
секин сўзласа-да, ўйлаб, салмоқли жавоб қилди.

— Тақсир, мен кўпдан бўён оҳи-зор чеккан кўз ёни-
лиман! Шаҳарда одил улуғ бор деб, сизнинг паноҳи-
нгизни излаб келганиман. Шу зайл ўзим излаб келиб, ке-
ча берган аризамдан бугун айнайманми? Бошқа гапим
йўқ! Ўша аризадаги гапим—гап! Оқ подшонинг одил қо-
нунидан озодлик тилайман!— деб сўзини тамом қилди.

Баъзи жойда тўхтаб қолиб, кўзига ёш олиб, шу қа-
дар чидам, ўйчан сиймо билан сўзлади. Ёнидаги Абиш
билан Дармен иккови ҳайрон қолиб шодланганларидан
бир-бирларига қараб қўйишли. Ичларида Маковецкийнинг
ақлидан айланаётгандек бўлишли. Сомолбек, Абишнинг
пайқашича, рус тилига анча моҳир ва ҳақиқатчи, одил
таржимон экан. Бу ерда унинг холис танқидчиси рус.
Қозоқ тилларини бир хилда, яхши биладиган Абишгина.
Сомолбек қизнинг гапини айтиб бўлганида, Маковец-
кий чеҳрасида «қандай таржима қилди?»— деган савол
акс этган ҳолда, Абишга кўз қириши ташлади.

Абиш индамай, манзур кўриб бош иргади. Шундан
кейин Маковецкий Абишга қараб:

— Поручик мирза Ўскенбосев, мен сизга бир ишни
айтай!— деб ўзи бундан олдин ўйлаб қўйган салмоқли
фикрларини чамали сўз билан далиллар келтириб баён
этди.

— Азим қизнинг аризаси, унинг тилаги подшолик
маҳкамасига етгандан кейин текширилмай оқибатсиз
қолмайди. Албатта бундай ишларнинг барчаси саҳро-
нинг ўз қонуни, шариатнинг йўли билан текширилиб
келган. Илгарилар бундай ишлар бизнинг маҳкамага
тушмас эди. Ўша тартибга қарасак, Азимова қозоқ саҳ-

росидан Россия қонуни орқали ўз бошига озодлик тиловчи биринчи аёл. Шунинг билан бирга Шарқ аёллари нинг — эмансипацияси учун курашувчи биринчи аёл дейилса ҳам бўлади. Поручик Ўскенбоев, бу ишга сизнинг бош қўшишингиз, менинг бош қўшишим адолат учун, прогресс учун бош қўшишнинг бир хили деб тушунайлик. Лекин сиз Азим қизига ҳамда мана бу ёнидаги дўст йигитга тушунтиринг. Қонун бўйича бу одамларнинг аризаси билан бутун ишлари бизнинг суд маҳкамаларимизнинг ихтиёрига қарашли ишлар. Шундай вкан, бундан кейин текшириш, ҳал қилиш, хотима бериш— ҳаммаси ҳам суднинг қарорига қараб бўлади!— деди.

Абишнинг эндиғи, сўнгги ўтинчига кўра, бу иш юзасидан қилинадиган бор ҳаракатни, шу бугун, шу соатнинг ўзидаётк окружной суд председателига Маковецкийнинг ўзи бориб маълум қилишлигини билдириди.

Шундан кейин Абиш, Макен, Дармен учови Маковецкийнинг кабинетидан чиқишиди. Энди Сомолбекнинг Урозбойлар ҳақида маълум қилишига кўра, уезд начальники Урозбой билан Сейсеке бойни, Шарифжон халфани қабул қилиб қолди.

Ичкариги хонадан офицер кийимини кийган Абиш чиққанида, Урозбой илондек тўлғаниб тушди. Рўпара келаётib, ёнидагиларни ўтказиб юборди-да, ўзи тўхтаб қолди. Ягона кўзини ўқдек отиб, Абишга тикилиб турди. Абиш ҳам қовоғини солиб, унинг кўзига тикилиб, ҳайиқмай ўтиб кета берди. Урозбой ғижиниб, заҳарханда қилиб:

— Бўлмай туриб можаро бошлатдими отанг сенга? Фақат беллашиб кўр отанг иккаланг!. Улишадиган жойга етибсан, ўкиниб юрма, фақат!— деди.

Абиш Урозбойга энди кўз қирини ташлаб, нафратли истеҳзо билан боқди. Отасига шу киши қилиб юрган барча қасдлик билан оқма-мараз низоли, ҳозир бир ерга тўпланиб, яққол намоён бўлгандек туюлди. Бугун кўзи билан кўрган шафқатсизлик, қасдлик билан қон тўкишлик, ёш юракнинг ғазабини қайнатиб турганди. У Урозбойни оёқ ости қилиб, қаттиқ гапирди:

— Мен можаро бошлаганим йўқ. Лекин можаро чиқараман деганлар билан олишгани чиқдим. Билиб қўйинг, ор-номусдан, шафқатдан ҳаттайдиган йиртқич ёвуз бўлса, мен отамсизоқ унга қарши чиқа оламан!

Үзимни аямай, ўқинмай олиша биламан!.. Ёдингда бўлсин, оқсоқол!— деди-да, кета берди.

«Пўписа қилиб чўчитиб қўяман» деган Урозбой ма-на бу йигитни қўрқита олмай, қайтага қизиштириб ол-ганини кўриб, дами ичиға тушиб, ерга боққанича қола берди.

Макен, Дармен, Абишлар даҳлизда Маковецкийнинг ҳалиги ваъдасини кутиб ўтириши. Бу маҳкамада қув-финчилар билан қочқинлар ва жонкуярлар бет-бет ке-либ, тизза тирашиб ўтиришганлари билан, бирор томон-дан тирс этиб чиққан сўз ҳам, уриш ҳам бўлмади. Жаҳл устида аямай қасдлик қилишга аҳд қилишган тўдалар ичларидағи ўтларини зўр-базўр буркаб ўти-ришганлари кўриниб турибди. Агар битта-яримта оғиз очиб, товуш чиқарса, у қинидан суғурилган қилич ҳи-собида урилади-ю, қон тўкиш бошланадигандек туюлар-ди. Айниқса бугун эрталабдан буён икки хил вазиятда бўлган мана шу тўданинг орасига тушган жароҳат би-лан қон, уркалтак-суркалтак, энди икки тарафни ҳам ўлимдан оғир аҳдга олиб борган. Маковецкий Урозбой-лар билан гапни қисқа қилди. У:

— Бу ишни мен тергамайман, суд тергайди. Менинг аралашганимнинг сабаби: шаҳарда, мен ҳокимлик қилиб турган жойда қон тўкиш, жанжал бўлгани учун, ўшани тўхтатиш керак эди. Мен ҳозир қизни ҳам, унинг кетига тушиб, даъво қилувчи — барчангизни ҳам суд олдига ҳайдайман. Қолган гапларни ўша ерда айтишиб, дов-даъволарингизни ўша ерда ҳал қилдирасизлар,— деди. Илгари элда бўлган бир сайлов ҷоғида Маковец-кий билан ҳамтовоқ, ҳамсуҳбат бўлган бой Урозбой, Сомолбекка ҳам сирдош ошнадек тикка гапирди. У гапи — ҳозир подшолик маҳкамасининг қонунига лойиқ далил келтириб қилинган илтимосдек бўлиб чиқди. У шундай деди:

— Тўғри, ўязнинг гапи бошдан-оёқ ўринли. Қонунга хилоф келсак биз тентак. Судга борсин, қонунга қа-расин. У майли, лекин мана бундай илтимосга ўяз ҳам, суд ҳам нотўғри деб қарши чиқмас деймиз!— деб Уро-збой гезарип кетди. Рангги ўчиб, дағал товуш билан ту-тақиб гапирди.

— Тергов бугун тамом бўлмайди, анчагача чўзила-ди. Шундай экан, қочқин қиз қаерда туриши керак? Ӯша қочқин йигитнинг хотини бўлиб ёнида тура бера-

дими? Унда суд терговининг нима кераги бор? Ҳукмнинг нима аҳамияти бор? Асли даъво ўша иккита бе-бошнинг қўшилиш-қўшилмаслигида эмасми? Шундоқ бўлғандан кейин, эй, Маковецкий!— деб олиб, Ўрозбой ягона кўзини ўязга тикиб ўқталиб турди.

— Майли, ўзинг ҳал қил, майли, судинг ҳукм қилсин. Бироқ, мана шу соатнинг ўзидан бошлаб, маҳкамангнинг остонасини ҳатлаб чиққандан бошлаб, ана шу безори қиз билан бузуқ йигитни бирга қўшиб қўймай, дарҳол ажратинглар! Ажратиб қўйиб терганглар. Бизнинг илтимосимизга қулоқ солсанг, икковини ажратиб, иккита авахтангда тут!— деди.

Гапининг боши Маковецкийга ўринлидек кўринган эди. Кейинги қарори, албатта, саҳронинг беомон қонунини қўлловчи жабр-зулм ҳомийсининг ўжарлик билан қилаётган даъвоси. Ўрозбойнинг даъвосининг шу жойини эшигандан, Маковецкий пастки кабини чиқариб, бопшини чайқади.

Унинг арзини ҳам судга етказишга ваъда қилиб, ўяз буларни ҳам жўнатди. Энди бирор соат ўтиб, маҳкамама ишлари тамом бўлишга яқин қолган пайтда, окружной суднинг ичи билан олди, кўча бўйи, атрофи қозоқ арчиларга лиқ тўлди. Ҳали бу ерга Абай билан Боймагамбет ҳам келишган эди. Бош жотоқдан бу икковини атайин олиб ўтган қайиқчи Сейл ҳам «нимадўлар экан» деб бирга келган эди.

Кўпчилик ичиди Абайнинг кўриб қолган Ўрозбой, кўрган он ёпишмаса-да, бир гап рўпара келиб қолганда, товушини барала қўйиб кўпчилик ичиди Абайга айб ортди:

— Яна ёқдингми ўтингни?.. Ўртал.. Ўртаб қол, Абай!

Абай шошмади. Товушини Ўрозбойнинг товушидан баландроқ чиқариб, эрмак қилиб гапирди:

— Ўрта деяпсанми?! Ўтнинг ҳаммаси ёмон деб сенга ким айтди?!

— Ҳа, ўт ҳам яхшилик демоқчисан-ку шунинг билан, а?

— Ўтнинг ёмони ҳам бор, яхиси ҳам бор. Чириган бута, қуриган чўкиртак, кунда, қари чанглларга жўрттага ўт қўйиладиган вақтлар ҳам бўлади. «Ўрнига янги ўт-ўлан чиқсин», «ҳалигилар йўл берсин» деб ўт қўйилади. Ҳамма балони билганда, ўшани билмай ни-

ма қора босди?— деганида, Абайнинг ёнида турган Сейл бошлиқ нимдош кийимли одамларнинг ҳаммаси ҳузур қилиб, хандон ташлаб кулишди.

Урозбой Абай томонга қараб қўлини бир силтадида, орқасига бурилиб кетди.

Бу ерга йиғилганлар у томону бу томоннинг савдогарларигина эмас, бир томони қайиқчи, бир чети Затондаги грузчик ишчилар, кўпгина оддий, қашшоқ ҳунармандлар. Икки томоннинг бозорида юрадиган чорбозорчи шаҳарликлар билан атрофдаги элларнинг қалачилари ҳам келишган.

Бой савдогар Сейсекенинг саҳродаги катта бой, йўғон қудаси Урозбой экан. Ёлғиз Сейсеке эмас, Қасен, Жақип сингари бойлар жар солишиб, у томон билан бу томоннинг кўп бадавлат савдогарлари ҳам чиройли араваларини қўштириб, кўпчилиги нўғойча кийинишиб, силиниб-сийпаниб, оро бериб келишибди. Шуларнинг баъзиларининг араваларига тушиб, ораларига кириб саллали муллалар, халфалар, қарилар, кекса тортган муллавачалар ҳам етиб келишди. Булар қозоқлардек «мусулман» деган халқнинг аёли ҳақидаги, айниқса «никоҳ», «сталоқ» сингари шариат буйруғи ҳал қиласидан масалани подшолик судига, рус қонунига ҳавола қилишни катта жиноят ҳисоблашади. Қўлларидан келса, айборларни шу соатда лаънатга учратиб, кофир қавмига чиқариб, тутиб ейишади.

Ярим кун ичиди бутун шаҳарга ёнгин хабаридек ловиллаб етган бу доврук, бу қонли можаро, шаҳарнинг ҳар бир маҳкамасида ишлайдиган қозоқ чиновник-тиломочларни ҳам суд биносига жалб қилган эди. Улар саҳронинг қозоги билан шаҳарнинг оддий аҳолисидан бошқача қадам қўйишади. Маҳкама ичига, халқ сифишаётган ерларга дадил кириб, чиқишади. Абай ҳам окружной суднинг юқориги қаватдаги катта залида Абиш, Қакитой, Дармен, Даниёр ва Сомолбекдек йигитларни ёнига олиб, кўпинча сукут сақлаб ўтирганди. Буларнинг ўртасида кўпдан буён Макен йўқ. Маковецкий суд раисига келганда, Урозбойнинг арзини эслатиб, қизни Дармеидан, Абишдан ҳам ажратиб қўйган. Ўз маҳкамасининг ходими Сомолбекка бошлатиб олиб келган. Окружной суднинг раиси билан Маковецкий холи сўзлаша бошлаганларида, Макенни стражник орқали чақиририб, ичкариги хоналарга олиб кет-

ган эди. Окружной суднинг раиси бор ҳамкасларини бирласда йигидириб келган эди.

Қизнинг аризасини окружной суд энди ўз ихтиёрига оладими, йўқми? Шу кунга қадар қозоқ саҳросида қўлланиб келган одат-қонунга ҳавола қиласдими? Урозбойлар ўтингандек урф-одат билан шариат йўлига топширадими? Ё бўлмаса қизнинг аризасини, Абишдек офицернинг илтимосига кўра, Абай сингари холис арз қилувчи, ҳалқ одамининг гапига биноан, окружной суднинг ўзи кўриб ҳал қиласдими? Мана шу икки масалани галма-гал салмоқлаб кўриб, бир қарорга келиш, судни ҳам кўп ўйлашга мажбур қилган масала бўлди.

Вақт кечга яқинлашиб, ҳамманинг тинкаси қуриб бўлган пайтда, бу маҳкаманинг ҳозирча «предварительный» дейиладиган, вақтинча чиқарган қарори, маҳкаманинг ичидагина сизига ими-жим маълум қилинди.

Суднинг раиси ариза берган Макенни чақириб, ўтиришиб қўйиб бу қарорни маълум қилди. У келишган, боши тақири, чакка соchlари оқарган, тунд юэли, қуюқ оқ соқолли, кўп нишонлар тақсан, серсавлат киши эди. Бу одам қисқагина қарорини айтди.

— Округ суди ўзгача чора тарзида саҳродан қочиб келган, подшолик судига ариза берган Азим қизнинг ишини вақтинча ўз ихтиёрига олишни лозим топди. Ишнинг тергови тамом бўлгунча Азим қизи шаҳарда туради. уни қувиб келган одамларнинг ҳам, уни олиб қочган одамларнинг ҳам қўлига берилмайди. Олишаётган икки тарафнинг ҳам одамлари унинг билан учрашмаслиги, ишнинг терговига таъсир қилиб, ҳалал бермаслиги учун, Азим қизи то қарор-ҳукм чиқмагунча полиция Назорати остида бўлади. Уша хусусдаги алоҳида чора тарзида, киз окружной суднинг тиломочи, ишончли гражданин, тайний советник Алимбек Сармоновнинг ўйида туради.

Катта маҳкаманинг ҳозирча маълум бир қарорга келиб ҳал қилмаган, олдиндан кўрган чораси шу йўсин маълум қилинди.

Шунинг билан Макен энди Дарменларнинг кўзига ҳам, ёвларнинг юзига ҳам кўрсатилмай бошқа тарафга олиб кетилди. Талаш-тортишнинг боиси бўлган қиз, дард-аламли Макен ҳар икки тараф учун ҳам йўқ бўлди. Бугун тўс-тўполон билан бошланган шаҳар ҳаёти,

ҳали ҳам ҳаммага номаълум, тутуриқсиз, даргумонга солған, мажхұл ҳолда тугади.

Шу кундан бошлаб Макенниң ҳаёти унинг ўзининг ҳам, Дарменнинг ҳам хаёлига келмаган бир таразда ўзгарди. Ўзгаришига сабаб күп зди. Аввало подшолик мақкамаси ўзларининг одатларидан ташқари бошқача йўл олиб борди. Бу иш билан бир неча соатгина шуғулланишган бўлсалар-да, улар қанча-қанча қарама-қарши баҳсларни эшитиб, англаб чиқишиди.

Аслида бу мақкаманинг бундай ишга аралashiши, Семей обласи билан шаҳарнинг тажрибасида кўрилмаган. Шунинг билан бирга: «мусулмон аёлларининг никоҳ, талоқ масалалари, шариатга қарашли ишлар. Бу масалани мачитнинг имомлари, мусулмонларнинг дин бошлиқлари ҳал қилиши керак!»— деб Ўрозбой, Сейсекелар қайраб солган саллали халфалар, қорилар, муллалар, махдумлар ариза беришган. Улар қозоқнинг беш-үн сўмга ҳам ёллана берадиган нўноқ тиломочларини эргаштириб келиб, салмоқларини солишган. Булардан ташқари шаҳарнинг Сейсекедек, Қасендеқ бойларини бошлаб келиб, саҳронинг оқсоқоли, қабила бошлиғи, урф-одат ҳомийси бўлиб Ўрозбойлар ҳам алжишган. «Суд билан ўяэ бу можарони ўзлари қарашибасин, «халқимизнинг урфи-одатига беришсин», «стабобомизнинг азалдан тутиб келаётган йўлига ҳайдаб солсин», «подшолик қонуни шу чоққа қадар бизнинг қуда бўлиш, қалин моли тўлаш, келин тушириш, бева олиш ҳақидаги халқ урфи-одатимизга қўл чўзган эмас!» дейишган зди.

Макени қувиб келган тўда бундай деса, яна бир тўп кўпчилик кўп ўринли далиллар келтириб, «бундай ишни суднинг ўзи кўриши керак»— деб илтимос қиласи. Военно полевая артиллериининг поручиги Ўскенбоевнинг ўз ихтиёри билан ёзган, ночор гувоҳ тарзидан кўрган-билгандари, кўп оғир масалалар устида беихтиёр ўйлатади.

У Маковецкийга оғзаки айтиб берган ишларини энди ўтиничи, талаби тариқасида кенгайтириб, далиллар келтириб, ёзиб берган зди. Ваҳший саҳронинг, ўрта асрга хос қуллик-хўрлик қонунидан умид узиб, Россиянинг инсон ҳуқуқининг ўзгача ҳомийси бўлган қонундан адолат тилайди. Ёрдам кутиб, паноҳ излаб келган биринчи қозоқ аёлига ҳомий бўлмаслик, Семей шаҳри-

даги подшолик-жокимият маҳкамалари билан ҳурматли суд маҳкамаларига катта иснод келтиради! — деб ёзибди.

Иккинчидан, бу ишлар саҳронинг ўзида подшолик-жокимларнинг маҳкамалари кўрмаган, билмаган жойда бўлаётган бўлса бир сари эди. Шаҳар жокимлари, уезд жокимлари ва ҳатто область жокими, аскарий губернатор турган Семей шаҳрида, бор жокимларнинг кўпчилинига маълум бўлиб, уларнинг кўз олдиларида қонли воқиага айланди. Шундай ишни қўлга олмай, кўрмаган киши бўлиб, саҳрого қайтариб юбориш катта хоталик бўлар. Подшо ҳукуматининг Семей обlastидаги жокимлари, суд маҳкамаларининг эътиборини, ҳамият-пристижини, саҳродаги қозоқ ҳалқининг назарида жуда пастга туширади.

Яна бу иш марказий матбуатда чиқса, министрга, сенатга маълум қилинса, бу ердаги подшолик маҳкамасининг бошидаги одамлар, жасоратсизлиги учун уятга қолган бўлар эди деб ҳам ёзибди. Буларнинг ҳаммаси шу қадар салмоқли, ночор ўйлатадиган гаплар. Аслида Абишнинг хатида, усталик билан сиёсий тус бериш бор, бир томондан Семейнинг юраксиз, эҳтиёткор чиновникларини ҳийла ишлатиб зил кетдириб, «матбуотга чиқараман» деб чўчитиш ҳам бор эди. Бу жиҳати албатта, жуда ётириб билан айтилган бўлса керак. Бўлмаса, тикка айтилган бўлганда, ёлғон номус эгаси бўлган маҳаллий чиновникларнинг ғашига тегиб, манманликка кетказиб юбориши ҳам мумкин эди.

Шундай нозик, тифдор ва кўп ўймакор масалалар тўқнашгани учун Абиш ҳам ўзининг гувоҳ тариқасида, ҳам подшоликнинг ходими сифатида ёзган ишларини кўп ўйланиб, кўп маслаҳатлашиб кўриб ёзишни маъқул кўрган эди. Шунинг учун бугун эрталаб Павловни чақиртириб, ўз аризасини унга тузатиб, тўғрилаб беришни илтимос қилиб кетганди. Павлов аслида бу ишга айни вақтида аралашган эди. Уни Абай аралаштириди. Эрталаб окружной суд олдида Абиш билан учрашиб келган Боймағамбетнинг гапини эшитгандан кейин, Абай дарҳол ишга киришди. Семей томонга ўтиш олдидан Павловнинг ўйига борди. Александра Яковлевна ҳам бутун гапни эшитган экан. Абайга тез ёрдам, маслаҳат керак эканлигини яхши тушунган Павлов ҳам у томонга ўтадиган бўлди. У Затоннинг бор ишчиларини билар эди,

айниңса Абен унинг яқин таниши, уйига ҳам бориб келиб юрарди. Үша, уй ичиси билан безориларнинг ҳужумига учраб, зарб еди деган гапни эшитган он Павлов ёрдам, маслағат беришни ўз бурчи деб билди. Яна муштлаш, қон түкишлар ҳам бўлгани учун, бевосита ёрдами тегар деб рафиқасини ҳам бирга боришга таклиф қилди.

Александра Яковлевна Павловнинг вазиятидан, қароридан жуда хавфли бир ҳолат туғилганини англадида, умр бўйи ўрганиб қолган одати бўйича дарҳол бирга кетди.

Шунинг билан Абай, Боймағамбет иккови бош жотоқдаги елканли кема билан кетишганда, Павлов билан Александра Яковлевна қўлларига докторлик асбоблари ни кўтаришиб, шошилганларича Слободканинг қуи томонидаги паромга қараб кетишиди.

Абенning уйи билан паром устида бўлган қон тўкиш-муштлаш оқибатида Затондаги бир неча ишчиларнинг хонадонида ярадор бўлиб қолган одамлар бор эди. Абендан бу ишларни билиб олган Павлов, шошганича шаҳарга, Абишнинг уйига кетди-да Александра Яковлевна ярадорларни даволашга киришди. Унинг манашу Затонда турадиган яқин таниши, Дмитрий Артемович Девяткин деган фельдшер бор эди.

Вабодан илгари Александра Яковлевна Семейдаги шаҳар касалхонасида доктор бўлиб ишлаган чогида ёрдамчи бўлган, яна Александра Яковлевнадан кўп янгиликларни ўрганган фельдшер шу одам. Ўзи қозоқ тилига уста, шаҳарнинг турғун одамларидан. Оғир табиатли, ўзини тутиб олган, кўп ақлли одам эди. Қўнғир сочли, хиёл қизғиши чўққи соқолли фельдшер Девяткин ўттиз беш ёшлар чамасида. Ўзининг даволаш ишини у кўп иштиёқ билан, жони-дили билан бажаради. Шу фазилатлари туфайли у ҳозир Затондаги қозоқ хонадонларининг эркагу аёли, ёшу қариси олдида баравар қадр топган.

Александра Яковлевна Абенning жароҳатини ўзи тозалаб боғлаш билан ўша Девяткинга одам юборган эди. Абенning иккинчи девор-дармиён қўшниси, Затонning слесари Захар Ивановичнинг аёли — Марфа юборди. Захар билан Марфа Абенning ўзи билан ҳам, унинг аёли Ойша билан ҳам жуда тотув эдилар. Павловнинг ўртоғи Марков мана шу иккита қўшинининг уйида гал-

ма-гал ётар эди-да, икковларини бир-бирларига мақтаб, жуда ҳам дўстлаштириб юборган эди. Марфа Абеннинг уйида бўлган тўполонни кечроқ билиб қолди. Макен билан Дарменни ёвлар тортиб олиб кетаётганини, уйига келаётиб, кўчада кўриб, бошқа бир бегона одамлар ёқалашишибди деб ўйлаган эди. Кейин ўша кўрганларини тотув қўшниси Ойшага айтмоқчи бўлиб, унинг уйига кирганда, бугун бўлган бор қонли можаро шу уйда бўлганини англаған эди.

Абенни қонсираб, ҳушидан кетиб ётган ҳолда кўрди. Зарб еб йиқилган Ойша йиғлаб, ётиб, инраганича «Сеитга хабар қил» — деган эди.

Шунда Марфа ёши ўттизга яқинлашиб қолганига қарамай, икки қўллаб этагини кўтариб олиб, ёш қизлардек юрганича, учиб бориб бу ҳам Затонда ишлаётган Сеитга хабар қилган эди.

Ҳали паромда бўлган сўнгги курашга майдонга Сеит бошлиқ бир тўп грузчикларнинг жон-жаҳдлари билан тез боришганлари Марфа ҳам хабар бергани туфайли эди. Уларни паромга юргутириб, Марфанинг ўзи Абеннинг уйига келиб, уларнинг қонларини ювиб, қўлидан келган ёрдамини бераётганининг устига, Павлов билан Александра Яковлевна ҳам кириб келишган эди. Марфа доктор аёлнинг буйруғига кўра фельдшер Девяткинни айтиб келиб, энди Сеитни, Абенни, Абдини, Муқани — ҳаммаларининг ҳам қонли жароҳатларини даволашга шу доктор дўстлар кун бўйи уринишиди.

Кейин Девяткин мана шу ярадорларнинг ҳаммаси ҳақида акт ёзиб, муҳр босиб, ҳали олдда бўладиган терговларга зарур алоҳида маълумотларни Александра Яковлевнанинг қўлига берди.

Павлов шаҳарга, Даниёрнинг уйига келиб, Абишнинг баъзи бир қофозларини ёзишга кўмаклашди. Кундузи Абиш бизга маълум бетинчлик орқасида юрганида, Магиш билан Офтоб яхши кутаётган Павлов, Даниёрнинг уйида узоқ ўтириб, Абишнинг аризаси устида кўп ўйланиб, тузатиб чиқди. Семейдаги подшолик маҳкамаларининг шу ҳақда жавобгар эканлигини эслатиб ўтган, сиёсий тус бериб чиққан мана шу Павловнинг ўзи эди.

Кейин окружной судда, холи ўтириб анчагача чўзилган мажлис-маслаҳатлар бўлаётган пайтда Павлов бир

нафасга окружной суд маҳкамасига кириб, Абишга аризанинг тузатилган нусхасини бериб кетган эди.

Абиш аризасини қайта кўчириб бўлиб, суднинг алоҳида мажлисига етказиши илтимос қилиб, Маковецкийга берди.

Абайнинг маслаҳати билан Сейл бошлиқ бир тўп қайиқчи гувоҳларнинг аризаси ҳам кирди. Улар қочганлар билан қувганлар ҳақида аёлга зўр тилакдошлик, кўмакдошлик билдириб ёзишганди. Буларнинг устига Затон грузчиклари — Сеит, Абенларнинг аризаси ҳам тушди. Улар ҳам Павловнинг Затон томонида турдиган, булар билан кунда кўришиб юрадиган сургун бўлиб кетган дўсти, еш йигит — Марковга кўп яхшилаб далиллар кўрсатиб, ариза ёздириб олишган. Бу аризада диққатни жалб қиласидиган жойи — саҳродан келган Дойр билан шаҳар безорилари Қўрабой билан Дўндағулларнинг қоқ туш пайтида қуролланиб бориб шаҳар ичидаги қирғин қилгани, қон тўкиб, зўрлик билан жиноят қилгани, уй талагани, қиз билан йигит икковини «само-суд» йўли билан «казнит» қилиш деган талабни қўйгани, айниқса, салмоқли қилиб ёзилган. Бундай жиноят шаҳар ҳокимининг қўл остидаги Затонда, паромда, кўча бўйида содир бўлгани учун, шу ишларни шаҳар судининг ўзи текширсин деб ўтинишади. Аризага Сеит, Абен бошлиқ тўлиб ётган грузчиклар яна Затондаги тўнчилар, пиймачилар сингари ишчилар қўл қўйишган. Округ судининг узоқка чўзилган алоҳида мажлисига бу приговор ҳам айни вақтида етиб борган эди.

Шу йўсин, ҳалигидек тўпларнинг бирга ёзган, қўл қўйган, бармоқ босган, тамғалар босган, приговор қозозлари бир куннинг ўзида «Азимова Макенning делоси»ни тўлдира берди.

Натижага келганда қувиб келган тарафнинг иши бўлиб тикилганда, далиллик документлари оз бўлди. Уларнинг оғзаки кўпиришлари, дағдағаси кўп бўлди. Бундай кайфиятнинг, одатда, қофоз юзига далил бўлиб ўрнашмаслиги маълум. Бунинг эвазига Абайлар томонининг хатга тушган гувоҳлик маълумотлари, тилак, талаблари жуда ўринли-салмоқли бир тус олди. Шунинг учун ҳам даставвалги вақтинча қарорга келганларида, округ судининг раиси билан аъзолари ночор қийинчилик сезишди. Бир томонини ўйласа, шаҳарнинг инобатли, эътиборли кишилари, мачитларнинг имомла-

ри аралашаётір. Буларнинг товушига шаҳар савдогарлари билан бойларининг тилаги қўшилибди. Энди иккинчи томонини салмоқлаб кўрилса, унда далил кўрсатиш, қонуний йўл билан илтимос қилган тилак-талаблар бор. Буни назарда тутиб, ҳисобга олмасликнинг мутлақо иложи йўқ. Негаки, суднинг қўлида турган қофозларга холис бир одам назар ташласа, иккинчи томоннинг талабларини — ишларини ўринли демасликка чораси йўқ.

Мана шундай кўп чалкашиб кетган ишларнинг тугуни кўп тўлғантириб, кўп қийнаб келиб, округ судининг юқоридаги қарорига келиб таскин топди.

Қарор шундай бўлгани билан ёшларнинг йўли кенгайгани йўқ. Ҳозир, аксинча, қаттиқ кишинга тушиши. Макенни Алимбек Сармоновдек кишининг уйига қўйиши. Бу қарорнинг баъзи жиҳатлари, Алимбекнинг ўзи билан сўзлашиб, келишиб қилинган. Аввало, Алимбек область ҳокимларида ҳеч қандай шубҳа-гумон туғдирмайдиган, шунинг учун ҳам бир неча марта бага эришган, ҳозир советник атоғига эга бўлган чиновник. Иккинчидан ундан олинган ваъда бўйича қизни ўз уйида ҳар икки тараф одамларининг бирортасига кўрсатмай, сўзлаштиrmай, эҳтиётлаб, қаттиқ тутишни шарт деб билади. Бу иш ҳақида Алимбек Сармоновга ишониш мумкинлигининг яна бир сабаби — аслида унинг зоти, авлоди Тўбиқти уруғи билан чатишган эмас. У қарқаралик уездининг қозоғи.

Қиз унинг уйида турган пайтда, суд маҳкамаси Сармоновга чиқим тўғрисидан оғирлик солмайди. Бор харжатни подшолик ўз бўйнига олади. Тергов тамом бўлгунича Азим қизининг овқат-озуғига атаб, кунига эллик тийиндан чиқариб, ойига ўн беш сўм ҳақ тўлайди.

Сармоновнинг хотини ҳам қозоқ эмас, татар. Бу ҳам Азим қизини унга таъсири тегадиган вазият-кайфиятларнинг барчасидан холи қилиб, алоҳида тутишга сабаб бўлади.

Сармоновнинг ўзи билан маслаҳатлашиб қилинган бу қарор, кейин дарҳақиқат Макен билан Дармен учун ҳақиқий тош қамоқдек, қийин ҳолатга айланди.

Сармонов қисиқ-қисиқ кўзли, япалоқ паст бўйли, ўркачи энди чиқиб келаётганга ўхшаган, семизгина йигит. Пешона сочини типратиканнинг тукидек тик-

кайтириб қирқан, диканлаб юрадиган советник Сармонов, күп фидойи чиновник бўлишининг устига, анча тошбағир, қуруқ, совуққина одам бўлиб чиқди. У пристав Старчак билан келишиб олиб Макенни алоҳида қўйилган иккита полицейск назоратида тутди. Унинг устига Дарменнинг юзини кўрсатиш у ёқда турсин, хатини, бирор дарагини ҳам билдирмайдиган бўлди. Алимбек ҳатто Абайни ҳам рўпарасига келтирмаслигини маълум қилди. Бу чиновникнинг уйи, қозоқлар орасида эмас. Семейнинг «нўғой тарафига» деган қисмида. Ости ғишин, усти таҳтавонлик икки қават эскироқ уйда туради. Деворлари баланд, дарвозалари ҳам мустаҳкам. Сармонов атрофидаги нўғой қўшнилари билан кирди-чиқдини ҳам йиғишириб, атрофини ханжакдек бекитиб юргувчи эди.

Узи саҳродан алоқани узган, хотини бўлса қозоқ меҳмонларни хуш кўрмайди, яқинлашишнинг иложи бўлмади. Даниёр Алимбек билан таниш бўлгани туфайли, Абиш ҳеч бўлмаса ўша орқали бир сўзлашишни талаб қилиб кўрган эди.

Диканлаган нўноқ чиновник Алимбек Даниёр билан уришиб кетаёшиб, жўнатиб юборди. Кейин Даниёр билан Абиш Алимбекнинг уйига Офтобни юборишиди. Лекин, ҳали қозоқ тилини ўрганиб бўлмаган марғилонлик ёш жувон бу. Татар тилидан бошқа тиллардан ҳали бирор оғиз сўзни билмайдиган Алимбекнинг хотини у. Йиккови ўзларича чулдирашиб, бир-бирларини чала тушишиб, тез айрилишди.

Алимбекнинг хотини Макенни Офтобга жўрттага кўрсатмай қўйди. Келар кунлардан бирида Абиш ўзининг тез кунда жўнаб кетишини дастак қилиб, суд раисига ўзининг гувоҳлиги керак бўлар деб алоҳида маълум қилиб кўрди. Бу чоғ алоҳида ишга атаб тайинланган «особое поручение» чиновниги Злобин деган терговчи Макен ишини ўз қўлига олган экан. Абиш ўзи ёзиб берган аризаси юзасидан Злобин билан кўп сўзлашди. Терговчига кўп жиҳатларини тафсилий равишда сўзлаб, кўп маълумотлар бериб ажralишиди.

Шу кунларда Туркистон ҳарбий округининг поручик Үскенбосев Фабдираҳим тўғрисидаги буйруғи ҳам келиб қолган эди. Аслида мана шу ўтган ёз бошида Петер-

бургдаги Михайловское артиллерийское училищени поручик унвони билан битириб чиққан ёш офицер Ўскенбоев Фабридаҳим, энди ҳарбий хизматни адо этиш учун, ўша четдаги Осиё қисмидаги Туркистон ҳарбий округининг қарамоғига юборилган эди.

Шаҳарга келиб Мағиши билан иккоти анчадан буён сафарга ҳозирлик кўришаётганида, Абиш бундан бир ой олдин оғзаки келишув бўйича ўзини «Олмаотага юборса керак» деб тахмин қиласар эди. Ҳозир олий ҳарбий маҳкамалардан келган буйруқ ҳам, унинг ўша Верший шаҳрига бориб, полевая артиллерия бўлимида тайинланган хизматни адо қила бошлашини топширибди. Шунинг билан йўл ҳозирлигини, извош-уловни олдиндан тайёрлаб юрган Абишнинг жўнайдиган чоғи етди. Бу чор Абай билан Боймагамбет Слободкадан Семей томонга кўчган эди. Азалдан Абайнинг ўзи уйини ижрага слив юрадиган, меҳнат аҳли бўлган қадрдон-қимматдан таниши Каримнинг уйига жойлашганди.

Дармен билан Макенниг иши Абишнигина эмас, Абайни ҳам оғир азоб, кўпга чўзилган безовталика солиб қўйган эди. Сўнгги пайтларда Абайнинг ўз ичидаги чекаётган дилсиёҳлиги, фурбати айниқса шу кунларда оғирлашиб, кўпайиб кетган эди. Бу аҳволни Абай шу ойларда сиртга чиқариб изҳор қилмагани билан, шаҳарга келганидан буён ҳар куни қоғозга тикилиб, тўлғаниб ўйланар, ёзиб ташларди. Энди ички сирларини шеър билан, санъат сози билан англатарди. Сўнгги йилларда ўзининг ёзиш санъатига янгидан қўшган бир усули «қора сўз — фалсафий сўзлар» эди. Шундай чуқур, кенг фикр меваларидан ҳам ҳалиги аҳволини осонгина баён этарди. Дарменнинг иши устида Абай, турган гап, на хуноб бўлган, на ранжиган вазият билдирамади. Бироқ, ҳар кимга буюриладиган ишни, айтиладиган гапни аввалгидек эмас, энди фақат жиддийлик билан айтарди. Гапни жуда қисқа қилиб қўя қоларди.

Кўп курашга кўп ташланиб чиниқкан ва хоҳлаганича тўйиб, толиб, ҳориган вазмин фикр эгаси, бор ишни бир лаҳзада англаб тезлик билан ҳал қиласади. У яна шошиб қилинган қарордек болта билан йўниб қилингандек қўпол ҳаракат сингари туюлгани билан, мудом ўринли, дуруст маслаҳат бўлиб чиқади. Шаҳар қозоқларининг ҳам мулласи, мачити, савдогари, тиломочлари аралашиб, зимдан ишлаётган сирларини Абай уйда

ўтирган еридаёқ оп-осонгина, бир лаҳзада билиб, кўриб, тушунтириб ўтиради. Турган гапки, Абайнинг маслаҳатлари шу хилда керак-керак жойида мудом берилиб турганидан, округ судининг «Азим қизи»деган «делосида» булар томонининг бор гапи салмоқли бўлиб чиқкан.

Энди Абай билан Абиш кутган олий маҳкамаларнинг буйруғи, Абишнинг жўнашини талаб қилиб келганидан буён Абай ҳар кун Абиш билан бирга бўлади. Айниқса кечки пайтларда кўп сұхбатларини бирга, холи ўтириб ўтказишади. Бугун шу сингари бирга ўтириш учун, Абай кеч кираётган пайтда Боймагамбетни юбориб, Абишни одатдагидан эртароқ айтдириб келган эди.

Абиш келганда Абайнинг ёнида илгарилар у сұхбатлашмайдиган иккита одам ўтирган экан. Уларнинг бири Шарибжон халфа, иккинчиси, зоти найман Юнусбек халфа экан. Катта Семейдаги «қозоқ мачити»нинг имоми, қозоқлашиб кетган татар мулла, Камоли ҳазрат Абайга Юнусбекни юборибди.

Бу одамлар бир томондан Урозбой, Сейсеке сингари бойлар билан энмдан бирикб туташса, иккинчи томондан қонун эгаси бўлган маҳкамаларнинг катта чиновникларига ҳам боришади. Маковецкий сингари уезд, шаҳар амалдорларига булар мусулмон қавми номидан сўзлаганда: «Бизнинг динимизга, қоидамизга подшолик маҳкамалари зўрлик қилимасин»— дейишади. «Подшоҳи аъзамнинг Россия қўл остидаги барча мусулмон қавмига нисбатан илтифоти, ихлоси бор. Шунга хилоф бўладиган қонунсизлик қилинмасин»—деб, салмоқ солишади. Сўнгги кунларда қаршиликларини хатга битиб, приговор ёзиб, суд маҳкамалари билан уезд идорасини оралаб чиқкан ҳам шу икки халфа.

Лекин маҳкамаларнинг бир неча бошлиқлари буларнинг йўлини Абайнинг аризаси билан тўсиб, тўхтатишиган эди. Ўзларича далиллар топишиб, рад қилишган эди. Шу жиҳатдан тумшуқлари тошга тирагиб, гапи ерда қолган иккита халфа Абайни, у кутмаган бир пайтда ўйидан топиб, ўз ишларини айтишган эди.

Шарибжонни Абай тунов кунги вабо кезида, айниқса Сармулланинг ишида сиртдан яхши билиб, шум одам деб, нафрат билан қарапди. Ҳозир ўша кириб,

әшилиб «фотиҳа» қилиб, ўз номини айтиши биланоқ Абайнинг энсаси қотиб, жеркиб қарши олди.

— Э-э, ҳалиги мачитдан чиққан нахс, безори халфа сенмисан? — деб, нафратга тўла ўткир кўзларини бу кишига анчагача тикиб, индамай жавоб кутиб ўтира берди.

Шарибжон шу йўсинда айблаб, бетига тикка, қаттиқ айтилган гапдан ҳайқиб, писиб қолди. Кўнглида баъзи бир баҳс-жавоб турса-да, қарши гапира олмади. Ўтирган ерида нима қилишини билмай, типирчилаб қўйди-да, андиша қилаётган, Абайнинг ёши улуғлигини ҳурмат қилган бўлиб:

— Ай, Абай мирза, мени айбладингиз-ку, Абай, мирза, ай, ай,— деган бўлди-да, индаёлмай қолди.

Абай ҳийла вақт унинг юзидан ўзининг ғазабли, синовчи назар билан боқаётган кўзини олмади. Иккала мулланинг нима учун бу ерга келганини Абайга Юнусбек халфа баён этди. У ҳам ҳалигидек жеркиб айтилган гап оҳангини, вазиятни фаҳмлаб, Абай ҳузурида кўп очилиб, ёзилиб сўзлай олмади. Кўпинча мана шу маҳкама бошлиқлари, рус чиновниклари олдида қилган даъво, келтирган далилларини такрорлади. Гапининг охирида Қамоли ҳазратнинг номини тилга олиб, Абайнинг ўзига аталган гапни дин номидан қилинадиган ўгит-насиҳатга буриб гапирди. Абайни ҳайратда қолдириб ўтириб, имон ҳақида гап очди. У энди Абайга:

— Абай мирза, мусулмон қавмининг қай замонда, қай маконда бўлса-да, ақидаси билан таянчи имони бўлар эди. Ҳалқ — нодон, замон — имон билан инсофнинг йўлдан озган замони. Сиз сингари қавм, ҳалқ устози бўладиган одам ислом йўлидан закон йўлини, яъни дини ёт қавмнинг йўлини ортиқ ҳисобласа, сизга эргашган қавм билан наслларда қандай имон, эътиқод қолади? Қандай жиноят олдида виждон, инсоф тарозиси бўлади. Биз сиздан ўша мусулмончилик имони учун, мана шу иш устида бошқача ўйлашингизни кутган эдик! — деди. Бизни сизга эшон билан ҳазратлар юборишидик... — деди.

Абай Юнусбек халфанинг қотма, ушоққина жуссаси билан чиройли қизғиши-оқ юзига тикилиб ўтирган эди. Айниқса унинг қизғиши-сариқ, чиройли қилиб орастага қилинган соқол-мўйловига сал қизиқиб қараб қолди. Аслида бу халфа баҳсга чечан, қозоқ тилига ҳам дуруст

бўлса керак. Қир билан саҳронинг катта-кичик гап-сўзларига кўп қатнашиб юрса керак. Бир томондан қозоқи найрангбоз, иккинчидан шаҳарлик дин вакили, шундай сири билан қирраси бор ҳалфа кўринади. У Абайн мусулмончилик, дин томонидан тубдан синаётир. Боши берк кўчага қамагандек бўлаётир. Бугун содир бўлган можаронинг ҳақиқий чуқур илдизини ушлаб олиб сиртмоқни ўша ердан солмоқчи бўлса керак.

Абай аввало ҳалфанинг сертакаллуфлигига бир оз қизиқиб қараб турди-да, бир оздан кейин кўнглидан эрмак аралаш бир ҳажв гап ўтди. Гарчи бу ҳалфага қаттиқ-қаттиқ сўзлаётган бўлса-да, сиймосида эрмак акс этиб турганди. Шу чогда, Абай сўзлай бошлаганида отасининг чақириши билан етиб келган Абиш уйга кириб салом берган эди.

Абай унинг саломига алик олмаса-да, индамай қабул қилиб, ўзининг ўнг томонидан, пастроқдан жой кўрсатди. Сабр қилиб ўтира туришини билдириди. Шундай қилди-да, ҳалиги ҳалфага даставвал тикилгандаги вазиятини бузмай туриб, сўзида давом этди.

— Сиз, дин йўлидаги одамлар, мана шу шаҳарнинг ҳазрат, эшон, уламолари, шундай бир ишга ўзларингизнинг аралashiшингизни шарт ҳожат деб билибсизлар. Айтайлик, ундоқ қилганингиз ўринли бўла қолсин. Бироқ, шунда энди инсофни, виждонни, орни, имонни нима қилиб тилга олиб оғиз тўлдириб, кўпиртириб сўзлайсизлар? Нега риё билан, иккюзламалик билан бир нафасда юз товланиб, ёлғон йўлда юрасизлар? — деди.

Абай саволларининг салмоғи бота бошлаган Юнус ҳалфа чўкка тушиб ўтирган ерида иргишлаб қўйди.

— Қалай, қандай қилиб? — деб қолди.

Абай ўнг қўлини салмоқ билан, буйруқ қилиб, кўтарди.

— Сабр, сабр... шундай қилиб, — деди-да, қаттиқ тикилганича гапни устма-уст ёғдириб кетди.

— Риёлик, иккюзламалик деяётганим: сизлар кечаю бугун, барча мачитларнинг устозлари, имому ҳазратлари бўлишиб, аввало подшолик маҳкамаларининг, рус чиновникларининг, бошқа диндаги одамларнинг, яъни кофир қавмининг улуғларига бордиларингиз! Борича хушчирой, назари-диққат кўрсатишиб, неча хил ҳийла ишлатиб, далиллар келтиришиб, ялиниб ҳам, ёлвориб ҳам кўрдиларингиз! Хушомадгўйлик билан

мақтаб, сўэлашиб, илтижолар қилиб чиқдиларингиз. Палчайтириб мачитларингизнинг муҳрларини босиб не-не чеварлик билан ёзилган ҳусниҳат аризаларингизни авайлаб олиб бориб, лаганбардорлик билан киргазди-ларингиз! Энди ўша маҳкамалардан қарға қадамича жойга чиқмай туриб, менинг устимга келиб, уйимга киришларингиз билан ҳалигина ўзларингиз мадҳ этиб мақтаб чиққан подшолик амалдорларни ҳақорат қилиб, бўғтон ортиб келдиларингиз. Бунинг оти нимади? Бориб турган иккюзламачилик, ёлғончилик, пайранг-бозлик эмасми? Ёлғиз бир киши ўзича шундай, иш қилса, физ ўшани кўрганда ерга тукурас эдик! Жирканч-дан жиғибийрон бўлар эдик. Шу шаҳардаги нўғой, қо-зоқ ҳалқининг номидан, сонминг қавм номидан, ўша қавмнинг устози, мураббияси, руҳоний бошлиғи атала-диган тўдалар, яъни эшон, имом, ҳалфа, ҳазрат, мулла, маҳдум, муллаваччалар номидан сўзлайдиган сизлар-нинг феъли-авторингизни нима деб оғизга оламиз? Қандай қилиб нафратланмай, ранжимай сўзлаймиз? Ёлғончилар, иккюзламачилар, разиллар, одамгарчилик гадолари демай, шўрликлари демай, қандоқ қилиб чи-дайсиз? Мен аввало, ўша сизлар чиқиб келган мачит, ўша дин номидан номус қилган бўлардим! Шундай фъе-ли-авторларингиз учун хўрланган бўлар эдим!— деди. Энди иккита ҳалфанинг оғзини очирмай қўйди, устла-рига уларнинг ўзлари айтадиган: «жаҳаннамнинг жо-ҳиллар устига сочадиган одилона ғазаб ўтини» сочган-дек бўлди.

Шу гапларнинг устида ҳам даъвогар, ҳам айблов-чи — таңқидчи ҳолига келиб қолган Абай, иккита ҳал-фани, дарҳақиқат, писанд қилмай ўтирган эди. Шунинг учун унинг қирраси кўп, қизишган авторида ҳозир му-дом бир эрмак, кишини ер билан битта қиласидиган ҳажв акс этиб турган эди.

Абиш четдан туриб қарайди. У эшитган гаплари би-лан англаган ишлари, Абайнинг ҳамиятига қаттиқ тегиб, тутикатириб ўтирганга ўхшайди. Бироқ, шунинг билан бирга Абиш отасининг юзига боқса, унинг оқ-ко-раси ҳали ҳам тиниқ, косасидан хиёл иргиб чиққан кўз-ларида совуқ бир кулги, аччиқ истеҳзо борлигини ҳам пайқади.

Абай эндиги гапининг охирини имон масаласига, Юнус ҳалфа унга ўзича тузоқ қурмоқчи бўлган масала-

га күчирди. «Шарҳи Абдулло»гача етиб қолдик, катта китобга яраша билимимиз бор» деб юрган муллаларга энди Абай, ўша китобларнинг тили билан сўзлаб, ҳайрон қила бошлади.

— Икки хил имон бор дейилади — якини имон, тақлиди имон. Халққа ўша имонни пеш қилиб, насиҳат ва амр қилмоқчи бўласиэлар. Шу ўтирган иккалангизни мен нима десам бўлади?! Якини имони бор дейишга, сизларда илм йўқ. Тақлиди имони бор дейишга, аввало ўзларингизда субут йўқ, яъни ё алдашга, ё озиришга, ё бирор фойдангизга қараб дарҳолшу соатнинг ўзида, «оқни қора» дейишга, «қорани оқ» дейишга «ёлғонни рост» дейишга ҳозирсизлар. Уша тескариликларнинг барчасига онт ичишга тайёр турган сизларни нима десак бўлади? Йўқ, бугун шу сингари даъво билан фалокат чиқиб турган чоғда, «қилич устида шарт турмас» десаларинг, «худойи таолонинг кечмайдиган гуноҳи йўқ» десаларинг, сизлардан нима кутайлик? Подшо амалдорларининг ҳузурига кирганда таъзим қилиб ялинасиз, ёлғон гапирасиз. Уйга қайтиб, наматфуруш Сейсекедек бойларникига борганда, юзни силаб фотиҳа қилиб ўтириб, ҳалигина ўзингиз кирган улуғга хиёнат қиласиз. Менинг олдимга келаркансиз, ўзларингиз икки ерда икки хил юз кўрсатиб, ўзларингиз сотиб, хўрлаб келган имонни, менга қарши қурол қилиб ишлатасиз, қилич қилиб суғурасиз, яъни менинг қўлим билан қозоқнинг хўрлик остида қон йиғлаб, жабр чекиб келган шўрлик қизини дорга остирмоқчи, қонига беламоқчи бўласиз. Шундайми? Шу йўсинда имони билан орини сотиб юрган сизлардек кимсаларни, сизларни юбориб, юмшаб ўтирган имом, устозларингизни «ёлғончи, хиёнатчи, юзи қурсин» демай чорам борми? Боринглар, кетаверинглар! Мендан бошқа эшитар гап, кўрар иззатингиз бўлмас! — деб сўнгги сўзларини буйруқ тарзида айтди. Иkkala халфани ҳайдаб юбораётгандек гапирди.

Абайнинг ғазабига зеҳн солиб, тез ҳаракатга шай бўлиб ўтирган Боймагамбет энди халфалар бир-бирла-рига қарашлари биланоқ ўрнидан иргиб турди ва уларга: «йўл бўш» дегандек, икки қаватли эшикни очиб юбориб, гўё: «чиқинглар, иззатларинг битди» деяётгандек кутиб турди.

Бир оздан кейин Абай ўзини босиб, жаҳлдан тушган пайтда қофоз, қалам олди-да:

— Ҳалигиларга қылган даъволаримнинг баъзи бирларини қаламга олиб қўйишим керак!— деб, мана шу куз бўйи ўзи кўп уринаётган меҳнати ҳақида гапирди.

Абиш ёзиб қўйганларини Абайнинг уйига келган сайин ўқиб юрган эди. Кўнглида ҳозир отаси ёзиб юрган, меҳнатида кўринган бир ўзгачаликни ҳам сўрамоқчи, ҳам танқид қилмоқчи эди. Энди Абиш ўшани айтди.

— Оға, мен сиздан бир нарсани сўрамоқчи эдим ва баъзи бир шубҳаларимни ўзингизга айтмоқчи ҳам бўлган эдим!— деганида, Абайнинг меҳри ошиб, унга боқди.

Кўпдан буён ота билан бола орасидаги муносабат юзасидан баъзан Абиш отасини хурсанд қилса, баъзан ҳайрон қолдириб қувонтиради. Абиш шундай пайтларда Абайга кутимаган, бошқача фикрларни, тутилмаган гапларни айтарди.

Ҳозир Абиш ўзича янги бир гапни бошламоқчи эмас экан. Бир масалага шубҳа қилиб юриб, ҳали ўшанинг баъзи сабабларини кутмаган ерда ўзи ҳам ҳал қилгандек экан. Ўшани айта бошлади.

— Мен сўнгги ойлардаги баъзи бир «қора сўалардан», «шъер»ларингиздан диний насиҳатларга одатланган мулла шоирларнинг даромадини пайқагандек бўлар эдим. Шу сингари сўз ўрнаги оғамнинг асарларини ўқиб, англаб, ёдлаб юрган қозоқ ҳалқининг кўпчилиги тушунмайди-ку, деб ўйлар эдим. Шу йўсинда сўзлашнинг қандай ҳожати бор экан?— дер эдим. Ҳалиги муллалар билан баҳс қилгандаги,— деб Абиш кулди,— гапнингизга қараганда, шундай сўзларнинг ўрни бор экан деб, шу зайл ёзишингизнинг сабабини тушундим. Бироқ, яна айтай, кўнглимдаги шубҳа ҳали ҳам кўтарилигани йўқ, оға? Ҳалигидек ҳалфа, муллалар қозоқ ҳалқида кўп эмас, камдан-кам учрайдиган, сийраккина тўда-ку. Ўшалар учун тилингизни ўзгартириб, ўзингизни бошқа қилиб, баъзан кўпчилик тушуна олмайдиган томонларга кетиб қолишининг ҳожати борми?— деди қулиб, шундай пайтларда бор фикри билан ҳисларини отасига тикка айтадиган одатидан қилиб. Лекин шундай чоғлардаги, маълум бир тус олиб келаётган хулкига кўра, отасининг авзойи, кайфиятига зеҳн солиб ўтириб, кулиб сўзлаётир.

Абай ўғлининг ётиғи билан айтса ҳам, тўғри танқил билан ҳазил қилиб ўтирган чеҳрасига мулойимгина боққанича қўшилиб кулди.

— Мен уларнинг ҳаромлик-айёрлигини, ярамас қилиқларини айблайдиган танқидчи бўлсам, уларнинг ўзлари тушунадиган тилларида сўзламай иложим борми?

Абиш ҳам кулиб:

— Ҳалиги имон якини, имон тақлиди — қозоқ боласининг тилини синдирадиган сўзлар шунинг учун пайдо бўлаётган экан-да. Бироқ, бу гаплар ўшаларнинг ўзлари билан юз кўришиб, баҳс-жавоб қилинаётган жойда, ҳалигидек пайтларда айтилса-да, ўзингиз ёзадиган сўзларга, меҳнатингизга оз кирса керак, шундай эмасми?

— У баъзан мен ёзадиган сўзим билан шеъримга ҳам киради.

— Сизни тингловчиларингиз, ўқувчиларингизнинг кўпчилиги тушунмайди-ку.

— Улар керагича тушуниб олишар, бироқ мен бугун ўзим чавоқлашиб ўтирган мана бу тўдага айтадиган гапимни буларнинг ўз тили билан айтмасам бўлмайди.

— Қозоқ ҳаётида буларнинг қандай ўрни, салмоғи бор?

— Йўқ, Абиш, сен бу ҳақда юзаки ўйлаётисан. Улар оз бўлгани билан таъсири кучли, касири кўп кишилар. Мана шу куздан буён иккита катта ишнинг устида тўданинг нодонлиги билан золимлигидан нафратланиш устига, уларнинг қозоқ халқини, айниқса, мана шу шаҳар жамоатчилитини нақадар кучли оғулар билан заҳарлаб, шўрини қуритаётганини кўрдим.

— У кўпчиликнинг ўз нодонлиги эмасми? Саҳрода ҳам ўша нодонлик бор-ку.

— Ўшандоққина эмас экан-да. Шаҳар маърифат, санъат ўчоғи, илм ёғудусининг кўпга фойдаси тегадиган катта корхонаси, макони десак, баъзан янглишар эканмиз. Негаки, мана бундай халфалар, мачит-мадрасаларнинг эгалари бўлган эшон, имом, ҳазратлар юрган ерда, ўқимаган шаҳар халқи ҳақиқий шўрлик, кишанлик, исканжада ётган халқ экан.

Абай саҳродагиларнинг ҳам, шаҳардаги кўпчиликнинг ҳам чала-чала муллалардан кўпроқ зарар кўришини батафсил айтиб берди. Баъзан мадраса, мачитдан чиқадиган бўлмағур даъво, қора мақсад, нодонлик, зо-

лимона қарор ва ҳукмлар шу қадар кўп ҳалқни шу қадар тез адаштиради. Жон сесканадиган шумлик, маъшумликлар худди мана шу шаҳарда, мусулмончилик йўлини тутдик деган қавм орасида содир бўлади.

Абай шу жиҳатларини сўзлаб келиб Абишга янги бир сирни айтди.

— Мана энди шулар кимга бўлмасин ўз сўзларини ўтказиб, ўз йўлига солмоқчи. Мусулмонман деган гапга суюниб, кимни бўлмасин ўзларининг қоронғи эътиқодларини амалга оширишга қурол қилмоқчи, етагига олмоқчи. Уни айтасан, буларнинг бир учи жуда узоққа чўзилиб боряпти. Россия ичидаги ўтириб, шу ватанига ҳалқни душман қилиб тарбиялайди. Ҳалигиларнинг оғзидан гуркураб ўшанинг ҳиди келиб турибди. «Дин қариндошлиқ, кофирга қасдлик» деган кўп ўгитлар, насиҳатлар бир мақсадни кўзлайди. Буларнинг устозлари Тройцкда, Қозонда, Қримда, ҳу ўша Бухоройи Шарифда, Самарқандда, ундан нари халифанинг юрти дейиладиган Миср, Макка, Мадинада. Ҳув ўша «Минг бир кечада» замонининг тиранасини сақлаган султони Истамбулда, Туркияда. Ўшаларнинг бирор тўдаларидан менга баъзан салом келади. Яна бир вақтда хат, баъзан газеталари, ўгитлари ҳам етади. Биламан, ўйланаманда, баъзан ғазаб билан хуноб бўламан. Бор ниятлари мени исломнинг беш вақт фарзи билан саллали муллаларига сажда қилдириш. Бошқа оламнинг янгилигидан бугунги ҳалқни, келгуси наслни овлоқда, қоронғиликда тутиш. Айниқса, ола бўжи қилиб кўрсатиб, қўрқитадигани мана бу рус ҳалқининг маърифати билан билими, таълим-тарбияси. «Бизлар дин қариндошларимиз», «у дин душманларимиз — овлоқ бўл, қабул қилма, қасд бўл» дейишдан бошқа гали йўқ! — деб Абай бугун Абишни ҳайратда қолдирган янги бир ишлар, хабарларни айтди.

Бу ҳақда кенг, чуқур фикр юритар экан.

— Мана шу қавм мендан нима талаб қиласди, нима олгиси келади, фаҳмлайсанми? Ўйласам, зеҳн солсам, авом саҳродан, зулматда ётган ҳалқдан чиқиб, кўзи очилган одам бўлганлигимни мен энди унутсам керак. Рус маърифати, рус китоблари орқали сал ёғду кўриб, азоб билан топган озгина шуъламни ўзим лаънат ўқиб, сўндирысам керак. Исломиёт номидан бугун менга гап ташловчиларнинг ниносига қулоқ солсам, мен мана

шу замоннинг дарвиши, янги бир Сўфи Оллоёрига айлансан керак. Ўзимни ўзим хўрлаб, сўзларимга ўт қўйиб қул қилмоқчиман да. Шундан кейин мисоли, сен рус тарбиясида етишган одам бўлганинг учун, мен сени «дуойбад» қилиб, оталик тескари фотиҳамни бермоқчиман. «Шўрои ислом даъвоси»га муккадан кетиб, мен ўзим лаънат айтиб четга чиқариб қўймоқчиман. Кўрдингми, булар тилаганда нимани тилайди? Раъйига кўнсанг, ихтиёрига боқсанг, булар қандай йўлга бошлимоқчи? Елғиз мени эмас, мени қурол қилиб, бугунги барча қозоқ халқини шу зайлда заҳарламоқчи. Қелгуси наслларни, тарихини бирйўла мана шундай зулмат, но-донлик сари бурмоқчи! Сен уларни қозоқ ичиди озчилик қавм дейсан. Соң жиҳатидан оз бўлгани билан улар катта куч ҳисобланиб, кўп зарар тарқатаётган қавм!— деди.

Абай яна ўйланиб ўтириб, бу йўлнинг ўгитчиси фақат эшон, муллалар, ҳалфаларгина эмаслигини всга олди. Қанча-қанча ёғду кўрмаган қозоқдан, қасд нодондан чиққан — Сейсеке. Қўрабойлар сингари савдогарлар, ҳатто Ўрозбойдек мутлақо китоб очиб кўрмаган ҳукмронлар ҳам ўшаларнинг шериги. Не-не йўрон, қважри қаттиқ ҳокимларнинг ҳам ўша йўлда кўп замондан буён узлуксиз ҳаракат қилиб келаётганини айтиб берди.

Абайнинг бугунги шу ердаги гаплари кўп тўлғаниб ўйланишдан туғилаётган сир эканлигини Абиш яхши тушунди. Бир томони саҳрода, бир вақтлар фақат мана шу Семейдагина кечётган ота меҳнатининг изланувчан ўйлари йироқларга кетиб, жуда узоқларга бориб улашаёттир.

Шу кеч Абиш ҳам ўзи кўрган бир қанча жойлар, ўлкаларда худди мана шу ҳақда ўзи пайқаган ишларни ҳикоя қилди.

Ҳалиги ҳалфалар билан учрашганидан тутақиб сўзлаётган Абай, Абиш учун ҳам бир қанча жиҳатларнинг чигал тугунини ечди. У алоҳида-алоҳида пайқаб юрган бир хил ишлар энди келиб бир сойга куйила бошлиди.

Абиш бу йил келганида отасига ўзининг томоғидаги бир тиригини кўрсатган эди. Аслида у Абиш Петербургда, ҳарбий ўқида юрган чоғида пайдо бўлган, без чўчиш касали эди. Шунинг учун атайлаб буни Петербургдан жанубга, узоққа юбориб даволатилган эди.

Абиш ўзининг Қримда, Феодосияда бўлганини ва Кавказга бориб, Кутаиси ёнидаги Аббостумон қишлоғидаги алоҳида санаторияда узоқ вақт даволаниб, тузалиб кетганини айтар эди. Кейин ўқишини тамом қилгандан сўнг, ўтган кўклам у узоқ сафарда юриб, Туркистон ҳарбий округини излаб, Тошкентга борганди. Уни ҳам баъзан ора-чора ҳикоя қилиб қўярди. Қўпинча у ўлкалардаги ҳалқлар билан уларнинг урф-одатлари ҳақида гапирарди. Шаҳар, қишлоқларнинг йўллари билан бозорлари ҳақида мароқли ҳикоя қилиб берарди.

Абиш бугун кечқурун Абайнинг ҳалиги фикрларига, ишончли тушунчаларига катта суюнчиқ, далил бўладиган бир хил жиҳатларни қўшиб гапирди.

Петербургда юрганида, унинг билан бирга ўқийдиган яна бир татар йигити ҳам бор эди. Қозондан келган ўша йўлдошидан Абиш ҳозирги пайтдаги Қозон тўғрисида кўп эшитганди. Икки йигит ўз ҳалқларининг Россия маърифатидан нақадар йироқ эканлиги ҳақида сўзлашарди. Шунда ҳалиги ёш юнкер Физзатулла, татар ҳалқининг ҳоли мана шу имом, ҳазратларга боғлиқ эканлигини қаттиқ қийналиб, куйиб гапирарди. Россияга илгари қўшилганига, кундалик ҳаётида қўлма-қўлтиқ қучоқлашиб, аралашиб юрганига қарамай ҳалигача татар ҳалқи билан рус маърифати орасида бир тош девор турганга ўхшайди. Ўша тош деворни қурувчилар мачит, мадрасалар, ислом фонатизми деган эди.

У Россия маърифати — санъатидан қочади, қўрқади. Шунга кўра тортиниб, ҳалқ идрокини, онгини кишанлашга тиришади. Кейин Қримга, Кавказга, Тошкентга, Туркистонга борганида Абиш ўша ўзининг дўсти ёш татар йигити Физзатулла айтган аччиқ ҳақиқатни кўп пайқабди. Ҳалқ учун ғамгин зулмат бўлган жиҳатларини ўз кўзи билан кўриб, батафсил билиб олибди. Ҳаммасида ҳам мачит, мадрасалар ихтиёри, эшон ҳазратларнинг ўгити, ҳали Абай айтганидек. Бугунги ҳалқни ёнида турган рус мактабидан қочириб, рус маданиятига душман қилиб, ўзгача бир ишончсизлик, ғараз уйғотиб тутишга тиришар экан.

Ота-боланинг ярим кечага чўзилган суҳбатларининг охирида Абиш ўзича бир фикрга келди.

— Оға, бугунги меҳнатингизнинг зўр маънога эга бўлган сири билан ҳақиқатига келиб, тақалибмиз. Аввал мен ўйлаганимдек эмас экан. Дарҳақиқат сиз ўша

муллалар айтиб юрган насиҳат ҳақида сўзламасангиз бўлмас экан. Уларнинг ўгитларининг сирти ялтироқ, алдамчи бўёғини сидириб ташлаб, ичидаги кўп замонлар дарди, зулматини очиб, ошкора қилиб ўтиришингиз жуда зарур экан. Ўшани энди тушундим, энди билдим! — деди.

Шундай қилар экан, отасининг тинимсиз фикрининг ҳаракати олдида бош эгаётгандек миннатдорлик билдириди.

Шунинг билан бирга мана шу бу йилги ва ўтган йил давомида Абайнинг анча ихлос билан Лермонтовдан кўп таржима қилган шеърларининг қўллёзмасини бир бошдан кўзидан кечириб, зеҳн солиб ўтириди. Бу меҳнатнинг ҳам ҳазилакам эмаслигини ўйлади. Анави иккита халфа билан олишишнинг асоси мана шунда. Истиқболи жуда баланд, ўзгача кураш изларини булдан ҳам пайқади.

* * *

Ироқ сафарга номаълум муддатга жўнашга ҳозирланиб юрган Абишни Абай қиёлмай, бир неча кунгача ёнидан силжитмай юрди. Макен можаросининг даставалги ғала-ғовур кўтарган тошқини сусаяр экан, Абишнинг сафарга жўнайдиган вақти яқинлаб қолди. Шуни билгандан кейин Абай, айниқса Абишни кўз олдидан кетказгиси келмай, ўз боласига ўзи қизиқиб, кўп жиҳатдан ачиниб боқарди. Яна қайта кўришгунча ким бор, ким йўқ. Шуни ўйласа ота-бала иккалови ҳам бу йўл айниқса бор сирлари, ҳислари билан холи ўтиришиб, суҳбатлашишни ортиқ кўришарди.

Ота билан бола мана шу оз кун ичida Семей шаҳридаги бир майдонда ёнма-ён туриб, елкага елка суюшиб, беллашиб келган курашдан чиқишиди. Бу иш бошига, ота-болалик жиҳатининг устига жуда ноёб бир янгилик бўлиб қўшилганди. Бугунги суҳбатга хотима бераркан, Абай ўшани эслаб ўтди.

— Қароғим, Абиш, зеҳн солиб кўрсам икковимизнинг фикримизгина, орзуларимизгина бир эмас, бу йил ҳатто майдонимиз ҳам яхшилаб қўшилган экан-ку! Сени курашда синаганим катта бир қувончим бўлдику! — деди.

Абиш Макен ҳақида отасининг ундан хурсанд бўлганини яхши биларди. Ўша пайтда бир-бирларига «яхши».

«ёмон» дейишиб айтишмаган ҳам эди. Энди Абиш отасининг ҳалиги гапига яраша даставвалги кунларда келган бир ишни айтди.

— Оға, сиз мени курашга ярадинг, майдон кўрдинг, ўшандаги синалдинг, дегингиз келади-ку. Мен бўлсанм ўз ҳунарим билан эришдим дегим келмайди. Қанча айтган билан саҳронинг қора йўл-йўриғидан, мусулмонларнинг хўжа, муллаларининг шариатидан кўра Россиянинг қонуни одамга меҳрибонроқ, раҳмдилроқ-ку. Ёлғиз шахснинг ҳуқуқига, ҳаётига, мулкига ҳомий бўлишда Россиянинг режаси одилроқ. Ундан бўлмаснинг иложи ҳам йўқ-ку. Ундан қилмай Үрозбойга ёки оқэшонга әргашса, ёшлар тақдирини ўшаларнинг қоронғи, қонхўр қонунига топширса, Россиянинг суд маҳкамаларини қора босар эди-ку. Қисқаси бу ҳам ўзингиз айтганинг издек, қозоқнинг эндиги наслига Россиянинг сояси билан паноҳи, бошқаларнинг ҳаммасидан қимматли деган гапнинг шоҳиди-ку. Шу жиҳатларни ўйласам яна ҳам Макенлар ишида менинг ҳунарим енгани йўқ, уларнинг келадиган жойга келиб олганлари енгди-ку— деб кулиб қўйди.

Лекин ёлғиз Абай эмас, Абишдек йигитни жонидан яхши кўрадиган ини-ўртоқ, ёру дўст, жўралар, йўлдошлар ҳам бор. Улар Қакитой, Дармен, Мұқалар сингари ёшлар. Магиши билан икковига ҳам яқин, аскиявозда дўст Утегелди, ашулачи Алмағамбет, ҳикоячи Боймагамбетлар бор. Буларнинг ҳам мажлисларига Абиш ўз иштиёқи билан қия олмаслиги орқасида бир неча кечни бағишлади. Яқинда бўлган кечки ўтиришлардан бири Қакитой тушган уйда ўтганди. Бугун эса ўша ёшлар Дармен тушган уйда, Затондаги унинг машҳур дўсти грузчик Абеннинг уйида бўлди.

Абен билан Ойша яқинда Дармен билан Макеннинг ўтига ўртанган, жафо чеккан бўлсалар-да, Дарменга бўлган дўстона муносабатларини бузишмади. Буларнинг меҳмондўст, кичкина уйида ҳозир ёлғиз Дармен эмас Муқа билан Алмағамбет ҳам ўтиришганди. Бугун Абиш билан бирга Қакитой, Утегелдилар ҳам келишди.

Тўгарак хонтахта атрофида ўтириб, меҳмонлар кечки чойни ича бошлишган пайтда, бу уйга синашда, яқин таниш бўлган Павлов ҳам келиб қолди. Ташқарида секин-секин қадам қўйиб, ичкариги уйга индамасдан,

лип этиб кириб келиб, қулимсираганча тикилиб турған Павловни күргаңда, Абен билан Ойша хұрсанд бўлиб кулиб юборишиди. Абен Павловга жуда яқин, қадрдан одамдек мулозимат қилди. Урнидан отилиб туриб, Павловни ўз ўрнига таклиф қила бошлади.

Абиш ҳам Павловнинг келиб қолишини ҳеч куттилмаган, қимматли тортуқдек қабул қилди.

— О, буни қаранг-а! Қандай ноёб сюрприз! Қани, келинг, бу ёққа келинг! — деб силжиб Абен билан ўзининг орасидан жой бўшата берди.

Павлов кўп ўтирмаслигини, Затон ишчилари олдиндан чиқиб, бир иш юзасидан Абен билан бирпас учрашиб ўтгани кирганини айтди. У чой ичиб ўтираркан, Абиш билан кулиб сўзлашди. Дармен билан Макен ишидан бутунлай хабардор эканлигини айтди.

— Сизга бу ишларнинг ҳаммасини ким етказиб турди! — деб сўраган Абишга, у салмоқ билан кулиб жавоб берди.

— Мана бу Абенларга алоқадор иш билан аҳволнинг ўзи шу чоқда мени ҳам қизиқтириб юрадиган бўлган. Марковнинг Затон ишчилари номидан окружной судга ёзиб юборган даставвалги адвокатлик тажрибасига менинг ҳам даставвалги адвокатлик маслаҳатим қўшилган! — деб яна Абенга қараб, кулиб қўйди. Абиш унинг бу ҳаракатларини олқишлиб қувватлади-да, энди қизиқадиган бир савонни берди.

— Қани бу, қозоқ саҳросидан шаҳарга қочиб келган ёлғизгина қизнинг можаросига аралашиш ҳам революцион программага кирадими, а? — деб ҳазил қилиб кулди.

Павлов бунинг кесатиқ эмас, қувонч билан сўралаётган гап экавлигини англаркан, ўзи ҳам ҳазил қилиб жавоб берди.

— Албатта! Бўлмаса Затондаги нуқул қашшоқ ишчилар қонларини бекорга тўкишадими, бошларини ёрдириб, ўзлари ҳам мана шу шаҳардаги бойлар, саводгарлар билан қирдан келган оқсоқол бойларнинг бошларига чўқмор уришадими? — деб кулди.

Абиш ҳамон ҳазилини давом этдириб:

— Үндай бўлганда, Затон ишчилари ўзларича калтак тиллари, билак кучлари билан янгилик қўшибдилар-да, шундай эмасми? Шундай дейилса қандай бўлади? — деди.

Павлов бу масалада жиддий жавоб берди.

— Шундай десангиз ҳам бўлади. Биз, ишчилар қандай пайтда, қандай иш устида бўлса-да, ўзларининг душманларини била беришсин деймиз. Тўғри, ҳақиқий сирни, бундан кейинги жиҳатларини бизнинг Абен, Сеитлар тушунишади!— деди.

Абен энди Павловнинг ўзига қаратса айтган русча гапини тўғри фаҳмлади-да, ўзича бир фикр айтди.

— Сенинг энг катта душманинг бойлар билан бўлислар, савдогарлар билан улуғлар деган гапни Марков билан Павлов айта бошласа бўлди, бизнинг Затон ишчилари ўзларининг болалик чоғларидан бошлаб ёдала, ёки қалада ўша зўравонлардан кўрганларини сўзлаб кетишади. Шу бўлади-ю, бу киши билан азалдан сирдош, мунгдошимиздек бир-биримизни англай қоламиз. Макен билан Дармен можаросининг безовталиги — чатоги устида ҳам бу кишилар бизларни осонгина англашиб, тушунишди. Қоғозимизни ўзлари ёзишиб, биз томондан бўладиган гапни ўзлари режага солиб беришди. Асли ўзи ёвининг ким эканлигини билган қавмнинг қуролини қаерга ишлатиши осонгина маълум бўлса керак!— деди.

Энди Павлов бу ҳақдаги гапга хотима бераркан:

— Мана, шундай қилиб, Макенning можароси бизнинг Затон халқининг пойлаб юрган пайтига айни вақтида келиб етган керакли баҳонанинг биттаси бўлди. Сиз, Абиш, бу ҳақда Марковнинг гапини эшитсангиз, у мана шу бўлган ишларни шу қадар шодланиб, ҳузур қилиб ҳикоя қиласди. Мехнат аҳлининг ўз душманларини танишига бу ерда биз ҳатто ўрта асрдаги «қиз олиб қочишининг» ҳам керакка яраётганини кўриб турибмиз, деб баъзи дўстларига хат ҳам ёзади!— деб Павлов сўзига хотима берди.

Абиш шунчаки ҳол-аҳвол сўрагани бўлмаса, бу гап устида Павловга ичидан тилакдош одамдек боқиб, бош ирғаганича ўтириди. Шодланганини билдириди.

Шошилиб турган Павлов чойдан кейин овқатга қарамай кетиб қолди. Энди кеч бўйи, то овқат пишгунча, ундан кейин тун ярмидан ошиб, узоқ ўтириб бориб ичилган сўнгги чойгача бу мажлис аҳли фақат биттагина мавзуга берилиб, кўнгил бўлди. Абишнинг илтимосига кўра санъат, соз навоси бошланди. Булар Дармен-

нинг кейинги шеърлари билан куйларига қулоқ солишди.

Дўмбираасини аста чертиб сўзлатиб, куйнинг асосий навосини усталик билан тўлқинлантириб ўтиаркан, Дармен бир нафас хаёл қилди. Атрофида кўз тикиб ўтирган дўстларининг чеҳрасига зеҳн солиб чиқди. Шундан кейин Абишга қараб:

— Менга алланарсаларни айт дединглар-ку. Бу кунларда, бу чоғларда мендан чиқадиган шеър билан сирнинг қандай бўлишини фаҳмлайсизлар-ку! Ҳали ҳеч кимга айтилмаган, изҳор қилинмаган, кўнгилгагина келиб юрган созлар бор эди. Кўзимга кўринса, тирик бўлсам олдин Макеннинг ўзига айттарман деган эдим, Абиш, сафарга кетаётиссан! Бугун айтмасам эшитмай, билмай кетишинг мумкин. Макеннинг ўзи йўқ бўлса-да, дўстлари ўтиришибди-ку. Шуни ўйлаб айтмаганимни айтай, сақлаб юрганимни ўртага ташлай дедим. Лекин ўзларингиз ҳам биласиз, Бақойинг айтадиган «Шаркен» эртагидаги ёш Зуқул-Макен, ботир акаси Шаркеннинг ўлимидан кейин нима деган эди? Узининг бор вужудини ўқ тешган, ярадор. Оғаси бўлса ўлган. Шунда оқл дўст Данонга айтган эди-ку: «Ичидаги яра анави, сиртидаги яра мана бу, кўнгилни овлагудек бир ишлардан сўзласант-чи, Данон!» — деб. Мен ҳам ўшанинг баъзибаззи жойларидан чертиб кўрай-чи, қани! — деди.

Одатда доим очилиб-сочилиб сўзлайдиган хушчақчақ Дарменнинг ҳозирги товушида ўйчан ғамгинлик сезилди. Мажлис аҳли унинг сўзларига жимгина қулоқ солди.

Шундан кейин Дарменнинг қийилган мўйлови, қундуздек йилтироқ, қуюқ қошлиари, хиёл қон талашиб турган, жуда ўйчан гўзал қора кўзлари тингловчи дўстларини ҳам қизиқтириб, Дарменнинг чеҳрасига қаратди. Дарменнинг товушида шу кунларда қўшилган ўксик шарласи сезилади. Шўрлик ошиқ ўз интизорининг ҳижрон дөфини моромсиз дард-алам нафасига айлантириб олибди. Дармен бирпастда даставвал рози-дил айтишган чоғларини эслаб кетади. Яна бир нафасда умидбахш, руҳли куй қанот қоқиб, иккови қилган таваккал. аҳду-паймонлари тўлқинланади. Үндан кейин бир вақт, қозоқ шоирлари айтмаган, Абайгина бошлаган: «Кўзимнинг қораси» сингари вазн билан алангаси сўнмас, орзуси туганмас, чин ошиқлиги жўш уради.

Яна бир нафасда Абиш билан Магишдек дүстларидан Макен иккени олган оғзаки аҳд, дүстона юрак күмагини айнан баён этади. Яна бир он аста, мулойимлик билан унча-мунча сирни изҳор эта бошлаган дилкаш дүмбира, тезда ўйноқи-шўх йўлга кўчиб, мажлис аҳли кутмаган тарзда, ҳазил-аския куйини ҳам чертиб ўтади. Макен билан ўзининг бир лаҳзада қочқин бўлганини эрмак қиласди. Яна бир вақт, ўша куйга солиб, мана шу ёнида ўтирган жонини аямайдиган Абен билан Ойшанинг, улуғ гавдали, нордек йигит Муқанинг зарбдан йиқилиб, қонига беланиб ётганини аскияга олади. Озгина мажлис аҳлини кулдира-кулдира, куйлаб кетади. Шунда кўнгилли куйини оғир, ғамғин оҳангга кўчириб, энди бир вақт, ҳув ўша қирғин бўлган куни Алмагамбетнинг қўрқиб, ўти ёрилиб кетаёзганини ҳажве қиласди. Мажлис аҳли ичак бағри узилиб кулишаётган пайтда, Алмагамбетнинг ўзи ҳам ўша куни кайфи учиб кетганини ўтирганларга англатмоқчи бўлади.

— Қандоқ қиласай қўрқмай! Қўрабойнинг ёлғиз муштумининг ўзи қоп-қора тўқмоқдек. Ўша коғир мушт келиб тегадиган бўлса, бир бурда Алмагамбетдан нима қолади, деб чўчиганим рост! — деди.

Абен билан Ойша кўзларидан ёш чиққунча кулишаркан, Алмагамбетга раҳмлари келиб қарашади.

Ўзининг оғзига қараб ўтирган дўстларига Дармен борлиғи билан берилиб, меҳрини қўйиб сирлашди. Баъзан кўнгилларини кўтариб, кулдириб олган дўстларига энди кўп оғир бир ноласини айтиб шикоят қиласди.

Кўп кунлар ўтса-да, беҳисоб соатлар уни сарғайтириб ўтиб кетаётган бўлса-да, у ҳали Макендан бирор хабар, дарак билгани йўқ. Баъзан бу унинг озиб кетган, йиглаб, қийналиб, Дарменни ёрдамга чақираётган ҳолда кўраркан. Шундай тушларидан бирида Макенниң чуқур зиндан ичидан чирқираб чиқаётган товушини эшитади. Шунда Дармен: «Мен борман, ёнингдаман!» деб бақириб жавоб қиласай деса, товуши чиқмай қолади. Қўлини чўзай деса, ёнига тортилиб боғлаб қўйилган қўллари боғни узолмайди. Дармен бу кайфиятни шу ердагиларга биринчи марта изҳор қилиб, зорланиб куйлаганида, ҳалигина кулиб ўтирган Ойша мўлдир-мўлдир ёш тўқади. Абишга шоир дўстининг ҳалиги сўнгги шеърлари русларнинг моҳир донолари ёзган баъзи бир балладаларга teng яратилгандек кўринади.

Дармен ниҳоят, бир бошқача нафаси юзга урилиб турғандек, шу қадар иссиқ ҳолатни гавдалантириб ўтди.

Тош қамоқхонадан бадтар бўлган Алимбек тиломочнинг уйига Дарменнинг танокори у ёқда турсин, шу зайл зорланишининг, чекаётган дарди-аламининг шоҳиди бўлган хатлари ҳам етмас, тегмас экан. Бераҳм тиломоч унинг ҳам йўлини кесиб қўйибди. Шунинг учун сўнгги кунларда ҳеч бўлмаса шу йўл билан етармикан деб Қакитой билан Дармен бир иложини қилиб кўришибди. Макенга атаб кўйлак, камзул, пустинлар тикиришиб, ўшанинг ёқасига, қайтарма ёқаларига, адиларига Дармен кўп туморлар чатиб юборибди. Уша туморларнинг ҳаммаси етарми экан Макенга. Агар омон-эсон етадиган бўлса, қандай сир борлигига эътибор қиласми экан ошиқ ёр! Уша туморларда ғамгин кўнгилнинг интизорлиги тизилиб, хатга битилиб, юборилгандигини сезармикан! Топиб ола билармикан интизор! Кейинги узун, ўзгача янги бир оҳангда айтилган ажойиб ўлан шу зайл намоён бўлиб жўш урганди. Уйдагилар сўнгги чойга қарашаётган пайтда бу шеърнинг оқиридаги шубҳали савол, умидли савол, армонли саволлар такрорланди. Дармен шу жойини қайтарганда, уйдагилар бир оғиздан тилакдошлиқ билдириб, баравар гап қотишиди. «Макен билар», «хатингни олар», «туморларнинг сирини сезар», «айтганинг келсин, ниятингга ет!»— дейишиб, дўстлар чин кўнгилдан тилак тилашди.

* * *

Дармен билан Макеннинг ишига жони-дили билан аралашган Абиш энди ўша ишнинг суд олдида тамом бўлишини кўра олмади. Үшани: оқ кўнгил, содиқ дўст Абиш, ҳатто Дармендан ҳам кўпроқ орзу қилганди. Шоир дўстига у худди хайрлашар чогида: «Энди бор тўсқиничиликлар йўқотилиб, Макен икковининг қайтадан шодланишиб, ўйнаб-кулиб ўтирганларингни ўз кўзим билан кўриб кетиш энг қизғин тилагим эди. Илоҳ йўқ. Шуни Макенга ўзинг айт, унутмай айт!»— деб ўпишиб хайрлашди.

Тошкентдан яна ҳарбий хизмат йўли билан Олмостага бориб ишга тушиш ҳақидаги янги буйруқ, аниқ, муқаррар буйруқ Семейга етиб борди. Абиш хаёл қил-

гаң вақтидан олдин жүнайдиган бўлиб қолди. Шундай қилиб, у сентябрнинг охирларида Олмаотага жўнаб кетди.

Шундан бери ойлар ўтиб мана январь ҳам кирди. Макен бўлса, Дармен билан даставвал гавжум пайтида шаҳарга кирганидан буён сентябрнинг бошидаги бунга жумбоқ бўлган ўша кечадан буён тўрт ой давомида эл-юртидан, яқин кишиларидан йироқда. Тиқ этган хабарсиз, дараксиз, ўзича бир қамоқда ётиди. Фақат сўнгги ой ичидаги тиломоч Алимбекнинг татар аёли Салима женгий бир куни Макенни соябонли чанада ёнига ўтиргизиб, бошига Салиманинг ўзига ўхшатиб, мана шу шаҳарлик татар аёлларининг таомили бўйича қора чопонча ёлинтириб, окружной суднинг терговчиси Злобиннинг ҳуазурига олиб бориб келди.

Алимбек тиломочлик қилди. Лекин Макенга ён босиб, қозоқ боласи, таниш киши сифатида муносабат кўрсатмади. Фақатгина терговчининг Макендан сўраган гапини қозоқчалаб чалакам-чатти тил билан унга айтиб берауди-да, Макеннинг жавобини ҳам тузатмай, силлиқламай «менга нима» деяётгандек айтиб бераётгандага ўхшади. Макен унга ишонмади. Ўзининг Абиш олдида айтган гапларини ўзгартирмай, бузмай қайтадан тасдиқлади.

У терговнинг ўтганига ҳам бир ой бўлди.

Энди мана, ҳаво очиқ, аёз бўлиб турган куни чоштогоҳ пайтида Макенни, анави галгидек, бошига қора чопон ёлинтириб олиб келди-да, Салима яна окружной суднинг юқориги қаватдаги, ўзларига маълум бўлган хонага кирди.

Макен мана шундай, гунг кишилар орасида қолгандек. Сўз қотадиган, орқа қиласидиган одам кўрмагани ҳолда бугун, энди ўз ишининг маълум бир қарорга келишига кўзи етгандек бўлди. Ҳали елиб суд маҳкамасига келган соябонли чанадан тушаётгандага Макен пайқаб қолди. Мана шу катта бинонинг олди, атрофи, ҳатто Йртишгача тушадиган, катта бир овулнинг ўрнидек кенг майдон тўла қозоқлар туришган экан. Тўхтаб бирор кишига қарай олмаган, юзини бекитиб олган Макен ҳарқалай, фира-шира кўзга чалинган эркакларнинг кўлчилиги саҳро қозоғи. Тўбиқти нусхасида кийинган тўплар эканлигини фаҳмлади. Шунинг билан кенг қайтарма ёқали, мовут сирилган тулки пўстин, сувсар

пўстин, тийин пўстин кийган, татарча телпак кийган бойларни, битта-яримта саллали муллаларни ҳам пай-қаб қолганди.

Узи умид боғлаган, узоқдан суюнадиган тогидек кўрадиган Абайдек ноёб оға, шу зайл шошиб-пишиб кетаётганида, Макенning кўзига чалинмади. Ушанга шубҳа қилмаса-да, кўнглида бир оз ҳижиллик пайдо бўлганди. Худди суд эшигига кириб кетаётганида, бир иссиқ товуш орқасидан аниқ қилиб, ҳозирги дақиқада Макенга жуда зарур бўлган бир оғиз гапни етказиб қолди. Макенning фаҳмлашича у Алмағамбетнинг товуши бўлса керак. Қимматли гапи: «Тап тортма, ҳайнқма, Макен! Йўқловчинг қошингда, Абай оғанг ҳам шу ерда!»— деган гап эди.

Макен ёвлар томонидан ҳам, дўстлар тўпидан ҳам шундан бошқа қозоқнинг товушини эшифтади. Уни тераган улуғлар ёлғиз ўзинигина холи уйга чақириб, ҳукмини эшифтириди. Суднинг бу кунги ҳукми ҳам мана шу ўзгача, алоҳида ишнинг кайфиятига кўра, ўзгача ҳукм бўлиб чиқди. Окружной суд ҳукмини кенг мажлисда қилмади. Алоҳида йиғилиш тарзида суд раиси билан иккита аъзоси — уч киши бўлиб ўтказишиди. Одат бўйича катта терговларда ҳамиша бўладиган прокурор, ёқловчи адвокат, зал тўла гувоҳлар, тингловчилар ҳам бўлгани йўқ. Чунки иш батамом тергалаётгани йўқ, алоҳида чора тарзида қисқача қарор чиқарилаёттир. Шунинг учун Макенning ёлғиз ўзини олиб келган стражник, ундан бошқа тергаладиган кишиларни ҳам, гувоҳларни ҳам, холис одамларни ҳам олиб келмади.

Макен эшикдан астагина кириб, секин қадам ташлаб, тортиниб қолган эди. Чўзинчоқ, кенг хонанинг тўрида кўк мовут ёйилган катта столнинг нариги томонида сариқ соқолли, боши тақирланган, кўзойнакли, сариқ чипор тугмали, кўркам бир одам ўтирган экан. Макен ўшангагина тикилди.

Столнинг икки томонида: биттаси новча бўйли, биттаси пакана, оқ сочли, иккита кекса одам ўтирган экан. Тўртинчи киши столнинг бу томонига чап қўлини тираб турган тиломоч. У катта-катта кўзли, сал чўтири, тўладан келган қозоқ.

Макен сариқ соқолли улуғнинг сиймосига боқаркан: «мана бу киши русларнинг ажиб гўзал одами экан» деб қўйди. Одоб сақлагани бўлмаса Макен шу онда ҳам

үти ёрилиб, құрққани йүқ. Баъзан үйлаб күрса, Макен ҳали ҳеч қаочон ҳам унчалик чўчиб, құрққан эмас экан. Бир вақт ўзига-ўзи: «шу, мен ўзим овсарманми, нега чўчиб, ҳайқиб, қалтираб йиғлаб, ўтим ёрилаётгани йўқ? Еки эсимдан адашиб, гангид қолганманми?— деган шубҳага ҳам борди. Аслида Макен қўрқоқ эмас, таваккал-у, тақдирга тан берадиган одам эди. У ҳу ўша кундаги қонли жангдан эсидан адашмай ўтгандан кейин «энди нима бўлса ҳам чидаганим бўлсин», «ўқинмайман ҳам, гапимни иккита қилмайман ҳам!» деб ўша тўс-тўполон устида аҳд қилиб, қаттиқ туриб олганди. «Ўтдан ҳам, дўзахдан ҳам қўрқмайман», «ўлсанм ўларман, чидайман» деб қўйганди.

Ҳозир Макен билан суд раисининг ўзигина саволжавоб қилди. Эшикдан кириши биланоқ стражник ёнидан узоқлашмай, битта-битта қадам ташлаб, тортиниб қолган Макенни суд раиси чўчиётган саҳро қизи деб билди. У мулойим товуш билан сўзлаб, қўли билан ишора қилиб:

— Берироқ, берироққа, яқиaproққа келинг!— деб ўзи чақирди.

Тиломоч ўша гапларни айтиши билан Макен аввали ҳаракатини тезлатса-да, оёғини ардоқлаб аста бошиб, залнинг ўртасига яқин келди. Баланд, матол бўйли, қийиқ бел камзул кийган, зар дўппининг устидан ипак рўмол ташлаган, қора тўридан келган, нурли, ўйчан кўзли қозоқ қизи, суд раисига сўйимли кўринди.

Раис гап бошлашдаёқ, Макенниң ўз отини, отасини, ёшини, ўқиган-ўқимаганлигини, бир бошдан сўрай бошлиди. Стол бошидаги пакана тўра, Макенниң тиломоч таржима қилаётган гапларини хатга битиб ўтириби. Макен уни ҳам фаҳмлади. Борган сайин Макенниң кўнгли ўзи кутмаган ҳолда, шу қадар тинчланиб таскин топди. У энди ҳатто ҳалиги чиройли раиснинг ўрни билан сўраётган сўзларига танқидий назар билан боқаётгандек ҳам бўлди. Ичидан: «олти ойдан буён ким эканлигимни ҳали ҳам билмабдими? Роса беш йил сўраб, хатга битиб, қайта-қайта айтдириб, ёэдириб олишган эди-ку, а! Менинг отим билан отамнинг оти қиш бўйи қанча-қанча қофоз бетини тўлдириган эди-ку? Бундоқ қилиб, қайта-қайта ижикилай бермай, қарорларини айти қолишса, нима қиласи?» деб ҳам қўйди. Ўша хаёлига кўра ҳозир жавоб ҳам, қулай пайт ҳам топилгандек

бўлди. Дам ўтмай суд раиси Макенниг Дарменга қаочон кўнгил берганини, Дойрдан нега қочганини аниқлаб сўради. Унга Макен гапни қисқа қилса-да, жуда ётиғи билан қатъий жавоб берди. Дармендан айрилиш деган нияти йўқ. Дойрга қайтиб борганидан кўра ўлишини ортиқ кўради ва подшолик судининг қонунидан ўз бошига ҳомий бўлишни тилайди. Паноҳ излаб келган, йўл-йўриқни билмайдиган саҳронинг ёш қизи, ма-на шу терговчи улуғлардан раҳм қилишларини сўрайди.

Бу гаплар тиломоч орқали айтталганда, жиддий чеҳраси унча ўзгармаган суд раиси, икки томонида ўтирган ҳамкорлари билан Макен тушунмайдиган, рус тилида, галма-гал сўзлашиб, маслаҳат қилишаёттандек бўлди. Суднинг учта одами — рус одамларининг вазиятидан Макен умидсизланмади. Аслида унинг ҳушёрги беҳудага кетмаган эди. Суд раиси: «Мана бу қозоқ қизининг сўзлари ўринли, тўғрисини айтиётир, борлиғи билан ростини айтиётир!» деган эди.

Бу тўралар маслаҳат уйига кирмаёқ, Макенга тиломоч орқали чиқарган қарорларини баён этишди. Бу ҳукмлари, бу ишни узил-кесил ҳал қилган қарор эмас. Лекин, бунга эшитдирғанлари: «Қизнинг боши очиқ. Подшолик қонунига риоя қиласидиган округ суди, Макенга озодлик беради. Қалин моли, мулк даъвосини бўлса, қозоқларнинг қонунига ҳавола қиласди». Шунинг билан суднинг кўпдан бўён кутилаётган қарори чиқди. Ярим ҳукмни суднинг ўзи чиқариб, бу ишдаги ярим тортишталашни икки томоннинг ўзаро келишиб, битишишларига берди. Макен учун баҳт келтиргандек бўлган бу қарорнинг даставвалги қисми эди. У—суд чиқарган ҳукм. Бу ҳақда озодлик тиловчи Азим қизи Макенни аввало тўлангаш қалин мол эвазига зўрлик билан оламан дегувчи Шақар ўғли Дойрнинг талабини суд ўринисиз деб топади. Қизга Дойрга тегмай, ўзи хоҳлаган одамига тегишга рухсат этилади. Уни подшолик қонуни, суд маҳкамаси ўз ҳимоясига олганини маълум қилиб, қўлига озодлик қофозини беради.

Шундан кейинги бу ишнинг келишиш-битишишга берилиган қисми, мол-мулк ҳақидаги гаплар, қизга тўланган қалин мол, олиқ-солиқларнинг ҳаммаси қозоқ ҳалининг шу кунларда ўзи қўлланадиган одат-таомилига кўра «қизни йўқловчи Шақар ўғли билан қизни ҳимоя

қилювчи Исҳоқ ўғли Какитойлар келишиб, таскин то-
падиган бўлсин» дейилди. Бу ҳукм суднинг катта зали-
га лиқ тўлган қозоқларнинг ҳаммасига маълум қилин-
ди. Эндиги узоққа чўзиладиган келишиш ҳақидаги алоҳи-
да гап ташқарида, суд маҳкамасининг олдида олиб
борилди. Ўрзбой, Дойрлар тўдасининг елпатак тилакдо-
ши бўлиб келган шаҳар савдогарлари, муллаваччалар,
муллалари, тиломочлари қанча кўп бўлишса, Абайнинг
атрофидаги тилакдошлар ҳам етарли даражада кўп
эди. Булар у томон, бу томоннинг қайиқчилари, ҳар хил
майда ҳунармандлар, меҳнат аҳлидан бўлган кўпчилик
эди. Яна усти-бошлари нимдош бўлса-да, русча кийин-
гани ишчилар кўринади. Айниқса гавдалари, жуссалари
бўлали, барваста келган, ўттиз-қирқтаси бирлашиб,
тарқалмай юрган грузчиклар эди.

Буларнинг Абай билан Қакитойни, Дарменни ва
ўшаларга тилакдош бўлиб элдан келган кўп қозоқларни
қуршаб юришларининг ўзи ҳам, бугунги кунда катта
бир дабдаба, кўнгилли кўриниш бўлиб чиқди.

Хозир Абайнинг чеҳрасидаги шодлик уни ёшарти-
риб, алоҳида яшнатиб юборганга ўхшайди. Юзида кул-
ги, рангги ҳам кириб қолгандек кўринади. Ранж кетган
қош-қовоғи юқори кўтарилиб, керилиб кетибди. Кўзла-
ридан атрофга нурли, ўзгача бир шуъла сочилаётганга
ўхшайди. Шодлик, игилик шуъласи! Қорасидан оқи кўп
соқол-мўйлови хила ёшга борганидан дарак берса-да,
Абайнинг лабларидаги кулги, кўриниб турган оппоқ,
дона-дона тишлар қатори унинг ёшини ҳам унутди-
гандек кўринади. Енидаги Қакитойни, Дарменни икки
томон қўлтиғига олиб қучоқлаб, суд маҳкамасидан чиқ-
қанда, Абай кўкрак кериб, шу қадар кенг нафас олиб,
қаддини ростлаб чиқди.

Бу ишнинг тўс-тўполони бошланган куни, Ўрзбой-
дан Эсентой олиб келган кибрли, қўланса салом Абайнинг
ёдидан чиқмаганди. Ўшанда ҳайиқмай, нафрлатла-
ниб, таваккал қилиб ўзининг чидашига аҳд қилганига
энди ичидан шодланиб хурсанд бўлди. «Евузлик билан
ҳар бир тўқнашув, қани энди ҳамиша шу йўсинда тамом
бўлса! Шу зайл таскин топса!»— деб сўнгги сўзларини
қувониб келишаётган Қакитой билан Дарменга барала
айтиб юборди.

Абайнинг бу кайфиятига четдан боқиб турган кўз-
лар ҳам бор эди. У — Эсентой билан Ўрзбойнинг ҳа-

задга, кек ва ғазабга түлган күзлари. Абайни пайқаши билан Эсентой чап қўлининг жимжилоги билан қатор турган Үрозбойнинг жимжилорини мижғилаб олди.

— Ёвлашиб, ўпкаси оғзиға тиқилиб келаётганини қара!— деди.

Үрозбой тишини тишига қўйиб, хириллади. Ғазаб билан ҳап этган қопоғон итдек ириллаб:

— Борганича бора берсин-чи... Ҳаддидан оша берсин, бузиб ёра берсин Иброй! Буни бир қон тортиб бораётир ўзи. Тилаган насибасини олдига тортарман ҳали... Яна кутдим келгусини, дамингни чиқарма!— деб Эсентойнинг қўлини қисганича, силкитиб қўйди.

Макен бўшаганига хурсанд бўлиб, хотиржам бўлиб чиққанидан, иккинчи навбатдаги келишиш маслаҳатига Абай қатнашмади. Макен сўнгги марта суд маҳкамасида Алимбек тиломочнинг хотини билан чиқди. Абай Алимбек билан сўзлашиб, Макенни Даниёрнинг уйига олиб бориб, ўз ихтиёрига қўядиган бўлишиди.

Мол-мулк ҳақидаги Үрозбой билан Дойр айтган қалин молнинг чиқимини «Дарменнинг дўстиман» деган Абай томондагилар дов-жанжалсиз, тўла-тўқис қилиб тўламоқчи бўлишди. Абай қарши томоннинг ўйлаганидан йироқ тушиб, нима деса кўнадиган бўлиб чиқди. «Тилаганини бермоқчи, деганига кўнмоқчимиз»— деди.

Ҳар икки томоннинг сўзига эга бўлиб ўртага тушган Айтқози деган белоғочлик қозоқ — пишиқ, сўзамол йигит орқали Абай келиш сўзни тортишувга айлантирмай осонгина ҳал қилди. Ҳали кўп довлашамиз деб ҳамон гезариб, одам ўлдирадигандек қовогидан қор ёғилиб ўтирган Үрозбойлар, Абайнинг мол-мулк тўғрисидан кўна қолганини эшитганда, бир оз вақт нима дейишларини ҳам билмай, гангиг қолишиди.

Шундан кейин излагани ёмонлиқ бўлган Үрозбой, яна ошиб кетиб, қилинган беодоблик учун айбона мол талаб қилди. Айтқози Абайларга бу саломни олиб келганда, Абай ўз оғзи билан беодоблик учун икки тўққиз мол атади. Дарменнинг кўп дўстлари бўйнига сал салмоқ бўлиб, тарқалиб, тушадиган чиқимларга парво қилмади. Мол тўғрисидан ўз томонига ўзи салмоқ солган Абай, Үрозбой, Дойрларнинг қанчалик томоғи тақиллаб турган бўлса-да, тезгина ҳалқумларига тиқиб, босиб қўйди. Кўп ойлардан буён Абай билан унинг бир қанча дўстларини Семейда истиқомат қилдирган гўзал

юзли, сөзгир қалбli, камтар-камсуқум Макенниң мoжароси шунинг билан тамом бўлди.

«Макен қизнинг фавфоси» деб, Дарменниң интизорини, азиz ёрини аллакимларга ёмонотлиқ қилиб айтдирган оғир кураш, ҳали ҳам кўп зиддиятини кейинга сақлаб қолди.

Абенниң тўрдаги уйда, қош қорайган пайтда Дармен эшикдан кириб келган Макенни қанчалик изтироблик, интизорлик билан қарши олганини ўзи ҳам англай олмади. Макенни тиломоч Сармоновниң уйидан ўзи бориб бундан бир соат муқаддам бўшатиб олиб чиқсан Қакитой йўлда ҳеч ерга тўхтамай, тўғри Затонга кетди. У Дарменга олдиндан Макенни фалон вақтда олиб келамиз деб айтмаган ҳам эди. Кечки пайт говгум уйда, интизорлик чекиб кундагидек ёлғиз нола-ю наво қилиб, дўумбирани аста дингиллатиб «куйнинг асосий навосини» чертиб ўтирган Дарменниң кўнглида Макен ҳозир келар деган умид йўқ эди. Лекин азобга тўла ойларнинг кечаю кечаларида асти тинмай сарғайтирган интизорлик ҳозир ҳам Дарменниң борлигини, фикри-ёдини заҳарлаб, ҳолатдан кетказгандек бўлаётганди.

Қакитой Макенни тўрдаги уйига киргизди-ю, ўзи орқага чекиниб кетди. Шу ҷоққача бўлган даҳшатли, азобли, исканжа-жазо ҷоғида кўзидан бир томчи ёш чиқмаган Макен ҳозир Дармен қучоғига олган пайтда иссиқ ёшларини тўкканича, унсиз йиғлаб юборди. Дармен унинг ҳали исимаган юзидағи совуқ ёшларини ютганича ўпди. Даставвал учрашиш онларидагина эмас, икковининг севгиси, шайдоликларида аслида ўзи гап камда, бир-бирларини кўнгил билан сўзсиз англаш, билишга мойиллик кўпроқ эди. Ҳозир ҳам чала ечиниб бўлган Макенни қучоқлаганича кўрпачага ўтиргизаркан, Дармен ҳали ҳам ёпишиб, ичидан сифинганича ўпаёттир. Аллакимга, аллақандай тақдирига олқиш айтиб сиғинаёттир.

Макен ҳам аввал Дарменга хиёл қаршилик кўрсатгандек, ҳоли, ёлғиз уйда сиқилиб, тортиниб турганича товушини ҳам чиқармаган, қучоғини ҳам ёзмаган эди. Бу онларда фақат Дарменниң қучоқлаши билан қиси-либ-қимтинибгина ўптирган эди. Қейин у ҳам ўт олгандек, иссиқ лаблари титраган ҳолда ўзи ҳам Дарменга берилиб, иссиқ, нозик аланга билан ёпишиди.

ҚАЙГУ

1

Абай билан Дармен Құнғир адирдан ошиб, баланд-ликтаги қүнис — Мұлали сувга етишганда, күн ботиб бораётганди. Қузыннинг булутли ҳавоси очилмади. Эртадан кечгача қаттиқ изгириң эсіб турди. Ұсия ҳам увадага айланған күп жетоқларнинг овули ҳозир айниқса тутдек түкилиб турибди. Иигирмага яқын күхна күлбали, йиритиқ, қурум босған капали овулнинг ҳаёт аломати билинар-билинмас. Фақат, ҳар үйнинг панасидан ҳуриб чиқадиган ориқ кучук, қотма, суллоҳ қанжиқтар күринади. Баъзи уйларнинг тундигидан ингичка бўлиб, ёйилиб кетаётган тутун пайқалади.

Эшикда юрган киши күзга чалинмайди. Унча-мунча тамаддигини ёлғиз-ярим соғин молидан чиқарадиган оналар, ўз уйларнинг панасида битта-яримта сигирларини соғиб ўтирибди.

Иккита йўловчи ўзлари излаган уйларини ҳеч кимдан сўрашмаёқ, сиртқи кўринишидан билишди-да, тўғри келиб тушишди. Дармен йўл бопшлаб келди. Мана шу уйга келиб, тушиб юргани учун эски наматга ўтган йил ямалиб қўйилган янгироқ намат эсида турганди. Ҳозирги пайт ўша қизил намат айниб, қурум сариққа айланса-да, сириб ямалгани белги бўлди.

Йўловчилар келиб тушганларида, буларни пайқаб ёнларига келган одам бўлмади. Абай сал нарироқда тушовлаб қўйилган иккита отни кўрди. Биттаси Эрбўлнинг оёғи ола қўнғир оти бўлса керак. Биттаси Бозоралининг, бир вақтлардаги чавкар оти, бу кунларда

оқиш-кўйка айланган от. Иккита отни таниган Абай-нинг эсиға отларнинг эгалари тушди. Кун бўйи йўл юриб, сиқилган кўнгли энди хиёл кўтарилиб кетди.

Уй ичидагилар бу чоғ «бирор келди-ку» деб парво қилмаганга ўхшайди. Одам йўқ, эгасиз уй бўлмаса, ёки бошқа бир фавқулодда ҳолат бўлмаса, отдан тушган бегона меҳмонларни сезган итлари юлқиниб ҳуриб,чуввос солаётганда, жони бор уй эгасининг биронтаси ё чиқса, ёки товуш берса керак эди. Бу уйда ундай аломат кўринмади. Абай билан Дармен уйга кирганларидан кейингина бу аҳволнинг сабабига тушунишди.

Чоққина кўҳна уйнинг чап томонида, ерга солинган тўшакда бемор ётибди. Икки эркак, бир аёл ўша ўсал ётган касалнинг эски тўшагини қалаб, энгашиганларича bemорга тикилиб ўтиришибди. Ўша одамларнинг ҳолатини кўрганда, Абай билан Дармен аҳволни аниқ билишди. Буларни эндиғина пайқаган соғ кишилар дарҳол bemордан чекинишли. Абай билан аста сўрашиб, тўрдан жой бўшатиб, ўрин берганлар — Бозорали билан Эрбўл эди.

Аёл, унсиз ёш тўкиб ўтирганича, кўпда қўзғалмади. Абай булар билан секин-секин, қисқагина эсон-омонлик сўрашли-да, bemорнинг ҳолини сўради. Шу чоғ bemорга тикилиб ўтирган аёл, касалнинг имлаб қилган ишорасига кўра энгашиб, эгилди-да, юзига юзини тақади. Шундай қилди-да:

— Келгап Абай, Абай, Дармен! — деб, икки-уч марта қаттиқ-қаттиқ такрорлади.

Сўнг Абайларга қараб «келган ким» — деяётир, тилга кирганга ўхшайди.

Шундан кейин Бозорали Дарменга маслаҳат берди.

— Енига яқин бор-чи, сени кўп йўқлаётир. Айтадиган гапи борга ўхшайдими дейман! — деди.

Дармен устки кийимини ечиб ташлаб, камзулида қолди-да, ҳалиги аёл ўтирган жойга чўккалаганича энгашди. Абай ҳам шу чоғ тумоғини олиб, тўшакнинг бош томонига тирсагини тираб келди. Бошини Дарменнинг бошига теккизиб, ҳоли қолмаган bemорнинг кўз олдига юзини рўпара қилди.

Шу чоғ Эрбўл ўчиб қолаётган ўтга қурғоқ чалма қалаб, пуфлаб, қайтадан ўт олдирган эди. Бир нафасдан кейин ловиллаб, аланга отиб олаётган ўт bemорга Абай билан Дарменнинг юзини аниқ кўрсатди. Бемор-

нинт оппоқ соқоли узунлигича уюшиб қолганга ўхшарди. Каттароқ бурни ҳозир сүррайиб қирра тортган. Ки-чикроқ күzlари очилар-очилмас пастта боқкан. Оқарған қуюқ қошлари тартибсиз пийпаланиб, қовоқларига ёйилган. Дард енгган кекса, ўзига томон энгашган юзга галма-гал қараб, хиёл жилмайгандек бўлди. Товушини зўрға чиқариб:

— Абай-ми-сан? — деди. Киприкларинигина қўзгатиб, ўзи томон чақиргандек бўлди.

Абай унинг нима демоқчи бўлаётганини англади-ю, юзину беморнинг соқолига босди. Бемор, буни маъқул кўриб, бош эггандек ишора қилди-да, Абайнинг қулофини, чаккасини, пешонасини ҳидлаб ўпаётгандек ҳаракат қилди. Қўпдан буён кўзидан чиқмаган дона-дона томчи, иссиқ ёшлар Абайнинг кўзларидан оқиб, кекса дўсти Даркембойнинг бурнига, ўнг юзига совуқ томчи бўлиб, кетма-кет оқиб тушди.

— Оҳ кексам!.. Азизим, а! — деб Абай, ўзи билан ўзи сўзлашаётгандек ҳўрсениб, оғзидан ўт сочилиб кетди. Ўксикка ўхшаб қалтираб чиққан нафаси, қаттиқ қайғираётганини билдириди. Улуғ одамгарчилик билан меҳрибон дўстлик фазилатларини ўзида мужассам қилган кенг қалб, ғоят аччиқ бир дард-алам билан жуда эзилаётгана ўхшайди.

Дармен йиғлаб юборди. Жангил ҳам бурни тортуб, янада унсиз ёш тўқди. Орқароқда ўтирган Эрбўл ҳам Абайнинг оғзидан чиққан ҳалиги аланг-ю оташдек нафасини пайқаганда, қаттиқ «оҳ» ургандек бўлиб, уҳ тортиб юборди. Дами ичиди, жим бўлиб, бошини қуий солиб ерга боққанича Бозорали ҳам оғир ғуссага ботган. Лопиллаб ёнаётган чалманинг ўйноқи шуъласи, унинг қошлари орасидаги учта чуқур ажинларини алоҳида кўзга ташланган сояга ўхшатиб кўрсатади. Ранж, нолиш, ғам-ғусса хулёси аниқ кўринаётгана ўхшайди.

Ҳали ёнига кимлар келганини яхши билиб ётган бемор энди бор қувватини, эс-ҳушини куч билан йиғиб олди. Яна қовоғи билан ишора қилиб, Дарменни ўзи томон тортди. Ёш йигит кекса оғасининг қийналган юзларига юзини тақаб, энгашиб келди. Даркембойнинг салмоқ билан зўрға кўзғалган кичик-кичик кўзлари бир нафастга Абай томон боқди-да, Дарменга сўз қотди. Пичирлаб айтса-да, аниқ қилиб:

— Абай сенинг... қарзингдан... қутулди!.. — деган гапларни бўлиб-бўлиб жуда секин айтди. Оз қолган мадорини эҳтиёт билан сарф қилиб, яна бир нарсалар демоқчи булаётгандек кўринди. Қуввати кам бўлгани билан эси жойида, ҳуши ўзида эди. Оқил кексанинг ҳалиги сўзларини эшитиш билан бирга, уни қуршаб ўтирган дўстларининг ҳаммаси ҳам буни яхши тушунишди.

Эрбўл, Абай, Дармен учовининг ҳам эсига илгари ўтган, Даркембойнинг ўзи аралашган бир вақт тушган эди. У Қунанбой Маккага жўнай деб турган соатда, Тинибойнинг ҳовлисида, Семейда бўлган воқиа. Уша чоғлар кўзи оғриб, кир рўмол билан боши аралаш кўзини қийиқ танғиб олган ўн-ён бир яшар бола Дарменни, Даркембой Қунанбойнинг олдига олиб борганди. Етимнинг Қунанбойда ҳақи борлигини айтганди. Шунда Абайнинг оғзидан бир гап чиқсан эди. Ёш бола Дарменга қараб: «Отам учун мен қарздорман» деган эди. Ушанда айтилган гап, одил одамнинг, одамгарчилиги зўр одамнинг шарти ҳисобидаги гап экан.

Бугун ўлим тўшагида ётган Даркембой бу хусусда бекорга оғзига олмади. Бозорали билан Эрбўл ҳам ўша ишни эста олиш билан бирга, Даркембойнинг гапини ўзларича маъқуллагандек бош эгишди. «Ҳў ўша вақтдаги Дармен қандай эди, букунги Дармен қандай!», «Абай билан икковининг ўртасидаги муносабат қандай!», «Туғишиган деган шунчаки гаплар!», «Букунги Дарменни, букунги Абайнинг боласи эмас деб ким айта олади?», «Баъзи бир боласидан, оға-инисидан, яқин жигарларидан Абайга Дармен шу қадар яқинроқ, иссиқроқ, қимматлироқ деса, ким йўқ дея олади?» Даркембой тўрт дона сўз билан шунга ишора қилди. Бозорали, Эрбўлдек ёри-дўстларининг ўз кўнгилларидан кўп ишларни ўтказиб, маъқул кўриб ўтирганлари ҳам шунинг учун эди.

Дармен билан Абай ўз муносабатларини ўртага солиб юришмас эди. Фақат ҳозир Даркембойнинг оғзидан чиқсан озгина гапдан кейин, кўнгилларининг чуқур жойларида, ичида ётган бир меҳрларини англашди. Дармен йиғлаб ўтиаркан, бемор кексага сўз қотиб жавоб қилмади. Фақат бошини қайта-қайта эгиб, оғанинг гапини маъқул кўрганини билдириди. Яна шундан кейин ҳам Даркембойнинг бир нарса демоқчи булаётганини фаҳмлади. Беморнинг оғзига, кўзларига тикилганича

сиймосида:— «Яна айт!», «Яна айтишнингни кутиб турибман!». «Нима васиятинг бор?»—деган савол аксэтган ҳолда термулиб ўтириди. Бу дам, мана шу иккита жигтарнинг видолашаётган дами эканлиги ўтирганларнинг ҳаммасига маълум. Кичкина уйда фақат Дармен эмас, бемор тушагининг атрофига йиғилган кичик тўпнинг ҳаммаси ҳам, узилай деб ётган ноёб инсон билан видолашиб қолиш вазиятида ўтиришибди. Шуни фаҳмлаган если аёл — кўзи ёшли Жаңғил, икки-уч марта эшикка аланглаб, ўз-ўзига айттаётгандек қилиб сўзланди. Пичирлай берди. Чолнинг кўпдан буён тилдан қолиб, индамай ётиб, сўнгги айтадиган гапларини эндигина айтиб кетмоқчи бўлаётганини англаган сайин, Жаңғил ҳалиги пичирлаб айтаётган гапларини такрорлай берди.

— Раҳим қаёқда юрибди, а? Келмади-ку! Раҳим нега бунча кечикди! Ҳалиги Раҳим келмади-ку — деб юборди яна. Худди шу чоғ онаси кўз тутаётган Раҳим ҳам Абай билан Дарменга салом бериб кириб келди.

Бу кунларда ёши ўн тўрт-ўн бешга чиқиб қолган йигитча Раҳимнинг бўйи новча, оқиш юзи очатқи, озғин экан. У уйга кириши биланоқ онасининг унсизгина, қўли билан қилган ишорасига кўра, тумогини ташлади-да, отасининг тўшаги ёнига келиб, Дармен билан ёнма-ён ўтириб энгашди. Даркембой Дарменнинг ёнида ўзининг ёлғиз боласини, ёш боласининг юзини кўрганда қаттиқ ҳаяжонга тушиб, жўш уриб келган бир хаёл билан ғамгин тортди. Оқариб турган нафис лабларини йиғиштириб, тишини-тишига қўйиб, ғоят аччиқ бир заҳар ютгандек, дард-аламга ботгандек бўлди.

Абай кўриб ўтирибди. Кекса дўстининг сиймосидаги мана шу хиёл ўзгаришда, унинг айтмоқчи бўлган бор армони акс этгандек бўлди. Бу дунёдан олиб кетаётган бир оҳи-зори билингандек туюлди...

«Ёши етмай, бўғини қотмай, етим бўлиб мана бу ёлғиз болам қолаётир. Қўлида бир ҳунари йўқ, олдида моли йўқ, атрофида паноҳ йўқ. Кимга қолаётир?»— деган хаёл «аҳволи нима бўлади»— деган хавф шубҳа Даркембойнинг бирйўла тинкасини қуритгандек кўринади. Шу ҳақда ўйлаб ўтиаркан, Абай Даркембойнинг юзига зеҳн солди. Оғзидан яна бир айтсам деган армони чиқадими? Ёки унга мажоли келмай, ҳоли етмай ўтиб қоладими? Айтилиб бўлмаган армони билан узи-

ладими! Ундаи ҳасрат мана бу юмилган оғиз ичидан чиқмоқчи бўлиб туриб, чиқа олмай кетса, унинг ўзи ҳам бир жазо-ку! — деб қийналиб ўйлаётганди.

Ҳали бир пичирлаб, бир-икки оғиз сўзлагандан ке-йин хила вақт жим қолган Даркембойнинг кўзлари Дарменни ёнидан йироқлаштирмай, ҳали ҳам «қулоқ сол»— деяётгандек ўзига тортиб ётганди. Шунинг учун ҳам Дармен унга: «яша эшитаман!»— деяётгандек кўзи-ни олмай тикилиб ўтирганди. Энди бир вақт, Дармен билан Раҳимга галма-гал назар ташлаб ётган Даркем-бой, яна бир нарсалар демоқчи бўлди. Лаблари сал ҳаракат қилди. Шу чоғ яна аниқ пичирлаб айтилган гап эштилди. Дармен аниқ эшитиб кўнглига тугиб олиш учун оғасининг оғзига қулоғини тутиб энгашди.

— Раҳимни сенга топшираман... Шуни одам қилиши-ни сен ҳам бурчим деб бўйнингга ол!.. Шунинг билан оқла Абайнинг тарбиясини!— деб сўзини битирди, энди Абай томонга кўз ташлади. Абай ҳам ҳалиги Дарменга ўхшаб энгашиб қулоғини тўсди. Бемор бунга қисқа қилиб ҳолсираб, узилиб бораётган нафаси билан пичирлади.

— Раҳимни ўқишига бер-чи! Буни ҳам одам қили-чи!..— деб сўнгги видоланиш сўзига шунинг билан хотима берди.

Даркембой энди шилқ этиб тушиб, жим бўлганича кўзларини юмди.

Узилаётирми ёки видолашиб, васият қиласман деб уриниб қолдими, билиш қийин эди. Абай bemornining томирини кўрди. Хиёл билинار-билинмас, онда-сонда бир уриб турибди. Уйдагилар bemornining юзига, ҳар бир ўзгаришга зеҳн солиб, тикилиб ўтиришиб, энди бир хаёлга боришди. Ўзларича тахмин қилишиб:

— Ҳалиги гапдан чарчади, бир оз тинчлансин!— деган хулосага келди Бозорали.

— Қайта-қайта сўраб «келадими», «келадими» деб Абай билан Дарменга илҳақ бўлиб ётган эди. Буларни кўриб, армонини айтгандан кейин, энди тинчланди шекилли!— деган фикрни айтди Эрбўл.

— Хиёл кўзи илинганга ўхшайди... Уйқуга кетмадими экан!— деди Дармен умидини узмай.

Абай билан бошқа катталар унинг гапига жавоб беришмади, улар билиб ўтиришибди. Шу аҳволга етган bemorda худди шундай пайтда уйқу бўлмайди. У борлик билан йўқлик орасидаги бўйсуниш. Узиладиган

пайтнинг бири. Дармен сингари ёш, илгари ўлим курмаган тажрибасизлигини қилаётир. Еки у ўзидан кичик Раҳимнинг кўнглини овлаб, умидини тиклаётир.

Лекин унинг гапига тажрибали катталар илтифот қилишмади. Уларнинг фикри: энди қандай бўлмасин беморни тинч қўйиш керак. Дарменга ўша ўтирганича ўтира беришни қўли билан ишора қилиб буюрди-да, Абайнинг ўзи энди тўрга томон силжиб, орқага сурилди. Бозорали билан Эрбўл ҳам одатдаги меҳмонлардек сал бемалол ўтиришди. Шундан кейин булар ҳол-аҳвол сўраша бошлишди. Бозоралининг сўрашига кўра, Абай бугун Қўриқдан чиқиб келишганларини айтди. Кузнинг қисқа кунида шошилмасдан, аста-секин келишибди.

Абай Даркембойнинг қандай касал бўлганини, қачон касал бўлганини энди аниқлаб сўради. Бу ҳақда Бозорали, Эрбўл, Жанғил учови бири олиб, бири қўйиб айтиб беришди.

— Касал бўлганига, ётиб қолганига бугун тўртинчи кун!— деб Бозорали гап бошлади.

— Яқинда ётган бўлса-да, дардининг бошланиши оғир дейишганларидан кейин, мен ўтган куни бир келиб кетган эдим. Ўшанда ҳам қаттиқ иҳраб ётган эди!— деди Эрбўл.

— Даставвал ётишдаёқ қаттиқ ётди. У тўгри!— деб Жанғил ҳам энди чой қўйиб, қозон осиб юрган ерида гапга аралашди. Нимадан бўлганини ҳам Жанғил ўзи-ча тўғри ўйлаб, дуруст тушунган экан.

Совуқ тегди. Мана шу бир ҳафтадан буён қора совуқ, қаттиқ шамол бўлиб турибди-ку! Қўрага ташилмаган бир ғарам пичани бор эди, Қарағанди сойда мана бу қўшнининг аравасини сўраб, ёнига Раҳимни олиб, бир кун эрталаб ўшанга кетган эди. Боргандан кейин, қиласман деган ишини қилмагунча тинадими бу киши... Аччиқ изгириқнинг устига гупиллаб қор ҳам ёқсан экан. Шунга қарамай ота-бола иккови кун бўйи пичан ташиб, қўрага уйиб бўлишди. Чакмони бўлса юпқа, ёқаси ҳам очиқ эди. Ишга қизиқиб кетиб, уни ҳам ўйламаган-ку. Меҳнат оғир, ҳол-қувват оз, усти-боши ноchor... Суяк-суягингдан ўтадиган қаттиқ изгирин! Бошка нарсадан эмас, ҳаммаси ўшандан бўлди. Эл ёта уйга келишганда «Жанғил-эй, қаттиқ совуқотиб, жуда қийналиб келдим-да, мана шу бугунги кун бошимга ет-

маса эди!»— деди. Айттани бўлди, эрталаб аъзойи ба-
дани қизиб, йўталиб ёта олмай, қийиала бошлади...
Ушанинг оқибати мана!— деб очатки юзли Жанғил
билгани ва сезганларининг ҳаммасини аниқ қилиб, зий-
раклик билан айтиб берди.

Кўп танглик-муҳтоҷликнинг, кўп шўрнинг явон
турли ҳасратини тортган одам — Бозорали ўзиният аи-
чиқ, кўнгилсиз хаёлларини айтди.

— Турган гап-ку... Жанғилнинг ҳалиги гапи касал-
нинг сабабини ҳам, пойлаб юриб топган пайтини ҳам
кўрсатиб турибди. Қандай исканжаларга тушмаган
Даркембой эди. Лекин одам темир эмас-ку. Кўнгига ғай-
ратли бўлгани билан, эски чопон этга паноҳ бўладими?
Ғурурли кўксини бекитай дегани билан қора довул
қўядими? Бепоён далада, қалин қорда, кимсасиз хил-
ват жойда, бир тўда бўри қуршаб олса, одам қўлида
қуроли бўлмаганда, пиёда қолган чоғида: яхши бўлди
нима, хушфеъл бўлди нима, қимматли, керакли бўлди
нима, буларнинг ҳаммасининг ёрдами тегадими? Шу
зайлда қарилик, йўқчилик, нотовонлик, энгилсиз-юпуни-
лик, очлик сингари қуршаб олган бўрилар кўп-ку. Ҳам-
маси йиғилиб келиб, киshanлаб йиқитганини кўрмай-
санми?— деди.

Ёши етмишдан ошиб бораётган Даркембойнинг бу-
тунги ҳолини Бозоралининг мана шу гапларидан ўрин-
лироқ сўзлар билан ифодалаш қийин эди. Абай билан
Эрбўл «рост, рост» дейишиб, бош иргашди, холос. Шу
кеча Даркембойнинг ҳоли оғирлашиб, соат сайин ҳолат-
дан кета берди. Уй ичидагилар овқат ичиб бўлишлари
биланоқ келган пайтларида, жимгина, зўрга-зўрга ёт-
ган беморга, шунчалик ҳолати оғирлигига қарамай,
қаттиқ бота бошлаган қийналиш билинди. Ўша, сўнгги,
тўсатдан ўзгаришнинг аломати экан. Яна бир оздан ке-
йин ғарғара кела бошлади. Абай билан Бозорали,
Эрбўл учови ҳам бу товушга ялт этиб қараб, кўнгил
бўлишди. Учови ҳам галма-галдан беморнинг ёнига
яқин келиб, эндиги нафасига қулоқ солишли. Шундан
кейин булар яна орқага сурилиб ўтириб, ўзаро секин-
аста ўша ғарғара ҳақида сўзлашишли.

— Аниқ ўша!

— Ғарғаранинг ўзи!

— Маълум... ўша ғарғара!— дейишли. Яна гўшт
пишгунчалик вақт ўтгандан кейин, ҳалиги ёмон аломат

аралашган нафас, оғирлаша бориб, тонг отарга яқинлашган пайтда Даркембой оламдан ўтди.

Эртасига чоштоҳдан бошлаб, тўпланиб ўтирган жотоқларнинг бор одами ўзларининг қадрли кексаси, қари оғаси Даркембойнинг ўлигини кутиш билан бўлди. Мўлали сувдан қўй қадамидек ерда, давон остида, жостоқларнинг бундан олдин ўлган одамлари қўйилган мозорлари бор эди. Эр-азамат Даркембойнинг жасадини покизалаб ювиб, ўша ерга элтиб, қўйиб келишди.

Абай, Бозорали, Эрбўл билан Дармен бу ҳаракатларнинг бошида ўзлари бўлишиб, Даркембой ўлимининг бор иқим-чиқимини ҳам ўз бўйинларига олишди. Узлари ҳозирлик кўришди. Абай яқин ерда ўтирган Ақилбой овулига одам юбориб, у томондан жанозага тумонатдек одам айтдиришнинг устига, Даркембойнинг уйига, таъзиясини йўқлаш лозимадасига бир соғин тух, бир сигир олдириб келиб берди. Жаноза, таъзим кунларида келган-кетганларни кутиш учун Жангилга той, қўй сингари сўйиладиган молларни берди. Бу кунларда ўз ҳолича рўзгори анча тикланиб қолган Эрбўл ҳам қараб тургани йўқ. У ҳам бир қора атаб, яна иккита сўйиладиган мол олдириб берди. Қўлидан келганича Бозорали ҳам ўз ёрдамини қилди.

Шунинг билан Абайлар Даркембойнинг орқасида дод-фарёд қилиб, йиғлаб қолган Жангил билан Раҳимни юпатиб ўтиришиб, Даркембойнинг еттисигача жотоқ овулида бўлишди. Абай бу кунларда кўпинча яқин ердаги, бир довон ошиладиган оқ қудуқда ўтирган Эрбўлнинг уйига бориб, икки кунча туриб келди. Узидан айрилмайдиган Борозали билан ҳам кечаю кундуз бирга бўлишди.

Яна бир куни, кундузи Жангилнинг уйига келиб, одат бўйича фотиҳа ўқигани ҳозир бўлган одамлар билан бирга ўтиришиб, кеч кирганда Абай Бозоралининг овулига бориб ётиб келди. Шунинг билан Даркембойнинг еттисигача Абай йиғлаётган етимлар уйидан узоклашмади. Кўпинча мусибат чекаётганларнинг кўзи олдидা бўлди.

Абай яқин ердаги Эрбўл, Бозоралиларнинг овулига ётгани кетиб, қайтиб-келиб юрганида, Дармен улардан қолиб, кечаю кундуз Жангил билан Раҳимнинг олдида бўлди. Абай ҳам бир томондан, ўша ўзининг боласидек

кўрадиган иниси Дарменнинг кўнглига қараетганди. Даркембойнинг ёлғиз ишончи, қариндошлар ичидаги энг яхши кўрадиган иниси бўлганидан, албатта, Дармен шу кунларда бу уйдан кета олмайди. «Кетайлик, жўнайлик!»— деб Абай ҳам айта олмайди. Бундай дейиш у ёқда турсин, агар Дармен шундай қиммаса, Абай уни айблаган бўлар эди. Сўнгги кунларда Абайнинг ўзи Дарменга топширган бир иш ҳам бор эди. У Даркембой вафот қилаётган чоғида видолашиб айтган гапидан туғилган гап эди.

Серфаҳм чолнинг ўлиш олдидағи ташвиши билан армонини Абай билан Дармен ўзиларигина бўлиб, холи ўтириб, сўзлашиб, ўйлашиб кўришганди. Шунда Дарменга:

— Дакенг сен икковимизга армонини айтиб, бир бурч юклади-а? Қаттиқ тайинлагани мана бу ёш боласи—Раҳим бўлди-ку. Кунини кўролмай, оч-яланғоч қолади демаган бўлса керак-ку. Лекин, аллаким бўлиб қолмасин, «биттанг ғамхўрлик қил», «биттанг одам қил» деб икковимизга бир вазифанинг икки томонини салмоқли қилиб юкланғандек бўлди. Мен ўйласам, мусулмонча ўқиши ёмон эмас экан, ўзининг ўқишига зеҳни ҳам, иштиёқи ҳам борга ўхшайди. Мана бу Раҳимни ўқитайлик. Сен, Жанғил билан Раҳим учовинг шунинг маслаҳатини қилиб, биз келгунча бир қарорга келинглар!— деган эди.

Дармен уй холи қолган кечларда, меҳмонлар, фотиҳа ўқувчилар келмаган эрталабки чоғларда янгаси билан инисини ёнига олиб ўтириб, кўп маслаҳатлашди. Жанғилга ҳам қийин, Раҳимга ҳам қиёлмайдиган бир тушов сингари бўлган масала бор. Даркембой бўлса вафот қилди. Энди Раҳим кетса, Жанғил бир уйда ёлғиз ўзи, суюнчиқсиз, кўмакчисиз қолиши керак. Бир, сўққа бош аёл киши бир қўрага, озми-кўпми молу мулкка ўзи бош-қош бўлиб ўтирган хонадон йўқ-ку. Раҳим ўқишига кетса, бу томони қандай бўлади? Яна Дарменнинг бир ўйлагани Жанғилни ўз қўлига олса қандай бўлади. Бу ерда ота-она йўқ, Макен икковигина бир хонадон бўлиб ўтиришибди. Жанғил буларга қўшилса, Раҳимнинг йўлига гов бўлмас эди. Жанғил бўлса, Дарменга ҳам, Макенга ҳам она бўлиб ўтира беради. Жанғилга бу гап ҳам ножӯя кўринмади. Ў Макенни жуда яхши билар, ўзи туққан қизидек, ёки ўзи

құлиға тушириб олган үз келинідек яқын билар, яхши күрарди.

Бундан кейинги ҳаётида Дармен билан Макенниң құлида турса, шириналық билан туришдан бошқа фикр, бошқа хаёллар үзидан чиқмаслигини идрокли аәл биларди. У мана шу күздеги сингари қүнис ноқулай келганидан Макенни бир ой-икки ой күрмай қолса, ҳатто қайниси Дармендан олдин үшаны соғинар эди. Макен ҳам унга шу қадар бағыр босиб, жонини фидо қилиб туради. Ипак толасидек майин, камтарлығи билан Жангилға жуда ҳам ёқади.

Шундай қилиб, Дармен: «Раҳимни бўшатиб, ўқишига юбориш учун сиз Макенниң олдига борганингиз маъқул» деганида, Жангил ичидан шукур қилиб, хурсанд бўлиб кетди. Кунлардан бир куни шундай бўлар деб ўйлаганини ҳам Дарменга айтиб қўйди. Лекин шунинг билан бирга, бу аәл Даркембойнинг таъзиясини, арвоҳини, яна унинг азасини тутиш деган бурчини ўйламаслиги мумкин эмас. Берадиган пули, тортгудай оши, кийдирадиган сарпоси бўлмаса-да, жотоқлар бошига кўтарадиган, отасидек кўрадиган ноёб кексаси Даркембой эди. Ушанинг қирқи ўтар-ўтмас ёки йили тўлмай, бундоқ айтганда «кўзиға тупроқ тўлмай туриб», унинг уйи йўқ, ўрни йўқ бўлиши ҳалқа ҳам малол келса керак. Жангил ҳам бунга кўнмайди. Ундан бўлганда Жангил ҳозир хоҳлагани билан, таллингани билан Дарменниң құлиға бора олмайди. Даркембойнинг чангорогини бу ердан олиб ҳам кетмайди. Номи-нишонсиз қилиб, ўрнини ҳувиллатиб ҳам кета олмайди.

Шу ерда тиккайиб, эрининг азасини кутиш учун Жангилнинг ёнида ҳеч бўлмаса мана шу куз, қиши бўйи, келар кўкламгача, ёки ёзгача Раҳим бирга бўлмаса бўлмайди.

Мана шу ҳол-аҳволни ҳар томонлама ўйлаш билан Жангил, Дармен, Раҳим учови бир неча кунни ўтказиша-да, маълум бир хулосага келиша олмади. Фақат Даркембойнинг еттисини бериб бўлгандан кейин, Абай билан Дарменниң бу овулдан кетадиган вақтлари бўлганда, ҳалиги чигал масалани Абай маслаҳат бериб ўтириб, Жангил билан бирга ҳал қилишди.

Жангилнинг бу ердан ҳозир ҳам, қишида ҳам кетмаслиги Абайга ҳам маъқул тушди. У масалага келганда, Абай Жангилнинг гапини батамом қувватлади. Бироқ,

қишлоға жойлашиб, озиқ-овқатларини ҳозирлаб бўлганларидан кейин, Раҳим бу йилги қишининг кўпини Оқшўқида, Дарменнинг уйидаги, Абайнинг овулида ўтказсин. Уша ерда уриниб-туртиниб, мусулмонча ҳам, русча ҳам ўқий берсинг.

Келаси йил бўлса, Жангил Дарменнинг қўлига келгандаги, Раҳимнинг шаҳарга бориб, истаганича мусулмонча ёки русча ўқишига боғи узайнинг, йўли очилади, деди.

Жангил қиши бўйи биратўла ёлғиз қолмаслиги учун Раҳим ҳар ойда, беш-ён кун онасининг олдига келиб-кетиб туради. Мана Абай билан Дарменга ўлим олдида Даркембой айтиб кетган армонининг оқибати шу хилда таскин топди.

Энди Абай билан Дармен жўнаб кетай деб турган пайтда Абайни Бозорали холи ерга, овул четига чақириб олиб, баъзибир гапларни айтди. Аввало Бозоралининг ўзи ҳам, Абайга маълум, бу йил дарди кучайиб, озиб-тўзиб кетаётган экан.

— Ху ўша, бир бўғиб, бир қўйиб юбориб юрадиган эски касалим, кекса дарддек бўлиб кетди. Уша бод қурғур бўғин-бўғинимдан тутганига тўймай, энди юрагимга ҳам чанг солаёттир. Бу йил бир-икки марта юрагим сиқилиб, ҳушимдан ҳам кетиб қолдим! — деб, аввало ўзининг дарди ҳақида гапирди.

Абай мана шу бир ҳафта ичидаги Бозоралининг озиб кетгани устига, қариб ҳам қолганини, куч-қуввати озайиб, ранги-рўйи ҳам жуда ўзгариб, қонсиаланиб кетганини пайқаб юрган эди. Бир неча бор Бозоралидан соғлигини сўраганида, у кўп гапирмай, кўпчилик олдида ва Даркембойнинг ўлими-таъзияси устида бу тўғрида гап очмаган, ёлчтиб жавоб бермаганди.

— Менинг ўшимга етганда, баъзан ўйлаб кўрсам, яқининг, жонкуярингга олдин айтадиган сирингнинг бири — соғлигинг бўлар экан. Ўшани «дармоним кетиб қолди» деб, кўпчилик олдида очиб, овоза қилиб айтишимнинг ҳожати ҳам йўқ. Яқиндан яширишимнинг ҳам ўрни йўқ, деб сенга айтиётирман! — деди.

Абай оға дўстининг бу ҳақда холи ерда айтиётганини ўзича тушунди. «Атрофидаги душмани кўп. Пайт пойлаб, зидлашиб, йироқдан бўлса-да, бунинг бошини балога қолдирмоқчи бўлиб, қасдлашиб юрганлар бор. Ёнбоши ерга теккунча, ўшалар «ҳаддидан ошмасин,

қаддини ростламасин» деб ўйлайди-ку. Яна баҳодирларнинг ҳаммаси ҳам жароҳатини очиб кўрсатмайди. Кўлидан келса, ўзигина билиб, ўзигина «ялаб яхши қилишга тиришади» деб ҳам ўйлади. Абайнинг кўэ ўнгигда худди бир йўлборсдек, қоплондек ғайратли, жонини ардоқламайдиган жониворлар гавдаланди.

Абай: «Бозоралининг бу гапи тагида яна бир гап бор-ку» деб ўшани сўради. Дўстининг эндиги сирини кутиб турди. Тўғри ўйлаган экан, дарҳақиқат Бозоралининг яна бир гапи бор экан: Иргизбойнинг тўнг мўйинлари бу гап Шуборнинг, Азимбойнинг бошини қўшиб, яна бир балонинг учини чиқаришибди. Бозоралининг ўзини аташмаса-да, ёнида ўтирган қўшниси — ийисига, Абдига тикка ёпишиб «ўғри» деб, «айбдорим» деб туҳмат қилиб, жала ёғдираётган экан.

— Бу йил ёзда Азимбойнинг пойгачи от деган, мишиб юргани дейишадими, бир оти йўқолади. Сўроқлаб, атрофини излаб, бирор дарагини тополмайди. Шунга қарамай «шу отимни Бозорали ўғирлатди, ўзи эмас, Абдига ўғирлатди» деб туҳмат ортади. Ушани сўроқлаб якинда Шуборнинг ўзи келиб, Такежон билан Азимбой юборди деб, Иргизбой тўдаси юборди деб, довруқ солади. «Ё мана бу Абдини ўғримиз қилиб, қўлимиизга тутиб бер ё бўлмаса оқлаб кафил бўл-да, жонингни бер» дейяшади.

Касалманд Бозорали аввалгидек эмас, ўт бўлиб, ҳайқириб чиқа олмай ўтирибди. Лекин, тўрга илингандек, бир ёқдан касал, бир ёқдан ёв олиб, қамалда қолган бўлса-да, Абдини «қора» деб айтмабди. Чунки, кўзи етади, у ўғри эмас. Қани энди, йўғонларнинг зўрлиги билан золимлигининг чегараси борми? «Оқласанг, жонингни бер»— деди. Унга Бозорали: «Жонимни бекорга бермайман, ҳам оқ дейман, ҳам оқлигининг сабабига жонимни бериб ялинмайман. Ўлсам ҳам шундоқ кетаман, қабиҳлигинг олдида бош эгмайман» деди. Шунга қўймай Шубор билан Азимбой иккови бирлашиб, ёнига Иргизбойларнинг бешта безорисини эргаштириб келиб, яна тўполон қиласди.

Шунда Бозорали: «Мен Абдини оқ дейман-да, шу гапимда тураман. Ўша Абдини аниқ «қора» деганга кўзим етди, гумоним йўқ деса, ёши пайғамбар ёшига борди-ку, ана у Такежоннинг ўзи жонини берсин-да, Абдини ҳам, мени ҳам бирга ўлдирсин!»— дебди.

Бу Бозоралининг ўзига хос хусусияти эди. Ҳам ақли камоллиги, ҳам баҳодирлиги, ботил қарори эди. Шундан кейин Бозоралининг айтишига кўра, йўл билан йўриқда енгилса-да, йўғон Иргизбойнинг безорилари тинчишмабди. Яқинда, бундан ўн кунча олдин Чинғиз бағридаги Такежон овулига Иргизбойнинг Азимбой, Шубор бошлиқ барча оқсоқоли, қора соқоли йиғилиб, фотиҳа олишиб, отланишибди. Улар: «Бозоралига қила-диганимизни қиласиз, хони-монини ўртаймиз. Орага ҳеч ким тушмасин. Жигитек боласидан кимдан-ким унинг томони бўлса, мана шу онт ичишиб, фотиҳа олган бўйимизча ўша, хомий бўламан деган Жигитекни ва бошқа қариндош-уругларини батамом қирамиз!» — де-йишибди.

Тўдаларини янада кучайтириб, Бозоралига қаҳри-заҳрини қаттиқ ўтказиш учун жигитеклардан чиққан, бошга битган бало Абдилда деганга бедов от бериб, ош бериб, ёнларига эргаштириб олибди. У, сўнгги кезда моли офатга учраб, қишда ют келиб, камбағаллашиб қолган эди. Ўзи ўтакетган ёлғончи, ширилатон «алқандоз Абдилда» деб лақаб олган, бошга битган бало бий-лардан бири эди. Бу кунларда порани «қашшоқ бўлиб қолдим» деб нолиб, ор қилмасдан оладиган мана шу бий, ҳалиги онт ичишган тўданинг ичидаги бўлибди. Бу тўғриларда сўзлаб келиб, Бозорали сиқилмаса-да, куяди.

Абайнинг ёдида бўлсин деб, билдириб қўяркан, ўзи кечирган ҳаётига аччиқ истеҳзо билдириди.

— Улай десанг, гўрга ҳам юборгиси келмайди. У ерга кетса Бозорали омон кетиб, мартабага миниб кетади-ку, деб яна ҳасад қиласи. Шуни ўйлаб, мана булар ҳеч бўлмаганда гўримга чақиртиканак ташлашмоқчи-ку, дейман! Мана, яна туриб қолдим. Сенинг жинингни келтириш учун, кўзингга кўканак бўлиб қадалиш учун, «мана ўлмадим!», «кўнмадим!» деган бўлиб юрибманда! — деб, ўткир идрокли, баҳодирлигига бориб, кўзини қисиб қўйди. Абай кутмаган онда, илгариги гууридан қилиб, эски вақтдагиларини эсига тушириб, шилқил-лаб кулди. Шу чоғ, шу ўтиришда, даставвал бошлаган гапининг тугунини ҳам ўзи ечди.

— Сен бир ҳафтадан буён менинг рангги-рўйимга қарайсан-да, ҳадеб касалимни, қувватимни сўрай берасан. Мен бўлсам, одамларининг олдида ўшани айтма-

дим-қўйдим. Ёнингда ётиб юрган кунларда, баъзан юрагим оғзимга тиқилиб, уйғониб кетардим, шунда ҳам билдирамадим. Бунинг ҳисоби қандай бўлишини билмайману, ҳарқалай икки кўзим юмилиб, қора ернинг бағрига киргунимча душманларим ҳеч бўлмаса: «ҳали Бозорали тийилгани йўқ, йиқилгани йўқ, бўйсунгани йўқ!» деган овоза билан юра берсин дейман. Тинкам қуриб кетса-да, шу дардимни ҳам яшириб юриб, ўзинггагина айтаётирман!— деди.

Абай Бозорали билан хайрлашиб кетганда, унсиз, катта тўлқинли ўйлар олиб кетди. Ҳозирги куз осмонида бир-бирини қувалашиб, ағанашиб, ағдарилишаётган оғир қорамтири-кўк булутлар сингари совуқ, оғир ўйлар.

2

Қиши яқинлашиб қолгани билан, ҳали қор тушгани йўқ. Лекин қора совуқ кор қилганидан, бу кунларда Оқшўқидаги овул ялписига иссиқ ўйларга киришган. Ҳар уйда кун оралатиб печь ёқилади. Дармен билан Макен ҳам ўзларининг уйига, Боймағамбет билан бир ҳовлидаги уйга киришган.

Рўпарадаги уйда Абай ёлғиз ўтириб, сўнгти ўн кундан буён кундузи ҳам, кечқурунлари ҳам китобга, қоғозга тикилиб меҳнат қилади. Ичкари уйда Магиш билан Қакитой ҳам, ўз ҳолларича китоб ўқишиб изла-нишади. Уларнинг иккови ҳам бу кунларда русча китобларни, айниқса енгил тил билан ёзилган қизиқ романларни кўп ўқишади. Мажлисларда ўша ўқиган китобларни оғзаки ҳикоя қилиб, айтиб беришади.

Сўнгги кунларда Дармен ҳам холи қолишни истайди. Иссиқ, файзли хонада жаранглатиб дўмбира чала-ди. Ўзига хиргойи қилиб қўшилиб, баъзан қисқа, баъзан янгратиб, чўзиб, янги яратган сўнгги ашуалаларини машқ қила беради. Кундузи Айгерим Макенни ёнига олиб ўтиради. Иссиқ уйга кўчишлари билан, у иккови қўлларига олган бир катта санъаткорлик, чеварлик ишининг пайида бўлишади. Булар ҳар хил мовутларга кашта тикишади.

Бундан бир неча кун олдин қўлларига қоғоз, қалам олишиб, ўзларича чизмакашлик қилишиб, ўйиб солина-диган хилма-хил нусхаларни кўп чизишган эди. Макен санъаткор, жуда ишчан, кашта билан чизмакашликка айниқса чевар экан. Онаси берган тарбиянинг унга ало-

ҳида сингиган томони — мана шу кашта тикиш ва ти-кувчилик, ҳар хил нусхалар ўйлаб чиқарадиган чеварликка зеҳни ўтқирлиги эди. Ҳозирги кунларда Айгеримгина эмас, Мағаш, Какитой, Алмағамбетлар ҳам Макенниң: ўйиб солған нусхаларини, янги нусха тумоқларини, лачак четига тиккан гулларини ҳамиша мақтاشиб, яхши баҳо беришарди.

Буларгина эмас, Абайнинг ўзи ҳам унинг қофозга чизган катта-кичик ўймакорларини, кашта нақшларини, гулларини, усталик билан эгилиб келган «қўчкор шохларини», «учларини», «ғоз панжа», «қуш бўйин», «қалдирғоч қанотчаларини» кўриб тикилиб қоларди.

Айгеримдан қайси кашта, қайси ўймакор қандай жойга тушишини сўраб ўтириб, Абай баъзан бир хил нусхаларга тушадиган копток ипнинг турларини, хилини ҳам ўзи танлаб берарди. Икки чевар аёл шу зайл, қишлоғга кўчишлари биланқ бошлишган катта ишларига, овулдаги катта-кичик эркакларни ҳам қизиқтириб, аралаштириб юришганди.

Айгермнинг ёздан буён қалачиларга атайлаб юбориб, олдириб юрган мовутлари, баҳмалу дуроялари, киллаб олинган копток-коток ипларининг ҳаммаси ишга яраётир. Бу йил Айгерим билан Макен бир яхши, катта чойшапга ўйиб гул солиб, кашта тикишга киришган. Оқшўқидаги овулнинг икки қўрасида, ҳар хонасида шу йўсин ҳар хил меҳнатга берилган, ҳалол меҳнат аҳлининг кунлари ўтаетган эди.

Бу куз Абай учун жуда самарали, илҳомга тўла меҳнат кузига айланиб келаётир. Баъзи кечаларда, ёки эрталаб барвақт туриб Абай холи ўтириб ёзиб ташланган қофозлари аввал Айгеримнинг қўлига йигила берарди. Ушоққина, оппоқ ажинсиз бармоқлари билан Абайнинг сўнгги, бугун эрталаб ёзган бир шеърини, кундаги одати бўйича Айгерим яна Макенга бериб ўқишни буюрди. Макен хат-саводли, Абайнинг асарларини бундан бир неча йил илгари ҳам Мағиш билан бирга ёдлаб ўсган. Кўчириб олишга ҳам одатланган. Ярим тахта қофозга ёзилган сўзларни Айгерим олиб келишини ҳозирги пайтда Макен ҳар кун кутарди.

Абайнинг қалам билан катта-катта қилиб ёзган, ўқишга жуда осон, йирик-йирик чиройли хати ҳамиша Айгеримнинг қўли билан олиб келиниб унга берилганда, Макенни ҳамиша шошириб, шодлантириб юборарди.

Бамисоли бир ўзига келган акаси ёки отасининг дуойи саломи хатидек кўрарди. Баъзан қора-тўри ўзига хиёл тўлқинланиб, қизғиш нур югуради. Ҳаяжонга соглан шодлигини яшира олмайди. Айгерим Абайнинг хатини узата туриб, ҳар доим Макенниг ўзига қарайди. Қийилиб келган ингичка қошлари хиёл титраб, ҳаракатга келиб, Макен чиройли, кичикроқ, ўйчан қора кўзларини қоғозга тикади. Шу онда сўлим, келишган оғзи хиёл очилиб, чап томон лабларининг четида жилмайиш пайдо бўлади. Макенниг кўзлари тўғри караганда кичикроқ кўрингани билан, аслида қийғоч, жуда келишган, бениҳоя жозибали, иссиқ, ўтли кўзлар.

Айгеримнинг ўзининг ҳам ҳусни-жамоли заррача камаймаган. Гўзаллигига дилдорлиги мос келганича, ҳалигидек пайтларда Макенга қизиқиб қарайди. Ўзи ҳали ҳам борлиги билан берилиб, иззат қилиб севадиган ёрининг ёзганларини ўқишга ёш келиннинг қизиққанини кўрганда Айгеримнинг оналарча меҳри жўшиб кетади. У сўнгги кунларда Абайнинг шеър ёзиб, уни Макен бунга ўқиб беришини ўзлари учун айтилмаган, аталмаган, лекин жуда бир қимматли, иссиқ дамдек кўради.

Кун бўйи тикиб ўтиришадиган ишларининг бошида ёки ўртасида Абай шеърлари, ёзувлари, мароқ билан қулоқ солиш бу эсли аёлларнинг ҳар иккови учун ҳам энди бир маърифатбахш шодлик, ҳузур берар эди.

Ҳали Айгерим Абай ўтирган уйга бориб, олиб келган икки тахта қоғозга ёзилган сўзлар Макенга тегиши биланоқ у ширали, майнин товуши билан ўқий бошлади. Айгерим ўзининг одатда ўтирадиган жойи, Макендан юқорироққа ўтириб олди. Макен унга тоҳ, тўғри, тоҳ қия боқиб ўқий бошлади.

«Билармон бўлма ҳар нарсани,
Хунаринг бўлса орқалан,
Сен ҳам бир ғишт дунёга,
Миртегин топ-да, бор ҳалан!—

деган шеърини аввалига дам олмай, шариллатиб ўқиб чиқкан Макенга Айгерим яна қайта бошдан ўқитди.

Макенниг ўзи ҳам шеърнинг баъзи сатрларини ичидага қайтадан ўқиб ўтирганди. Бу шеърнинг энг биринчи сатрларини ёдида сақлаб қолган Айгерим энди бир

вақт, кумуш құнғироқ овозидек ёқимли овозини чиқарыб, астагина кулиб қўйди.

— Оғангнинг даставвалги гаплари, бизга ҳам қаратса айтилган гаплар десак бўлади-ку! Узи ҳам айтади-ку: «кимда-ким эсли, ғайратли, ҳамиятли, талабчан одам бўлса, меҳнатсиз ҳаёт кечириши мумкин эмас» деб. Менга деса подшонинг хотини бўл, қизи бўл, тенинхўр бўлсанг хор бўласан, дейди-ку. Мана бу ерда айтаётгани ҳам шу-да!— деб бир нафас жим қолдида:— Бироқ «ғишт» дегани нимаси? Ўша жойини иккавимизга татбиқ қилсам, унча маъқул тушмайди!— деб яна кулди.

Макен бу шеърнинг охирги қисмини Айгеримга яна ўқиб берди... ундаги сатрлар ҳам ишchan, ҳам гўзal, ҳам бор хулқи, зеҳни ўзга аёллардан ортиқ бўлган чевар Айгеримни яна ўйлатиб қўядигаинга ўхшайди. Лекин ўша жойларида ўзлари Айгеримдан тубан бўлсалар-да, ҳасад қилиб уни ёмон кўрадиган овсин-ажин деганларга бошқача муомила қилишига ўргатаётганга ўхшайди. Шундаги баъзи сатрлар, Макенning фаҳмлашича, тўғридан-тўғри Айгеримга қаратса айтилган дўстона, тилакдошларча қилинган насиҳатдек туолди. Ўша жойини Макен сиполик билан, ўзига ярашадиган вазият олиб, чап томон лабларининг четида табассум қилганича бошқатдан ўқиб берди.

«Борингни кўз-кўз қилиб,
Ошаман дема ўзгадан.
Ҳасад ўтин ёндириб,
АЗобга қолма эзмадан.
Аста юриб, собит бос,
Меҳнат кетмас бекорга.
Устозлик қилган ҳоримас.
Ўргатишдан болага!» —

деб Макен ўқиб бўлганида, Айгерим энди бу шеърдан хурсанд бўлиб, юраги орзиққанини билдириди. Унинг ўзининг юзига ҳам бир тўлқин, қизил нур ўйнаб чиқди. Оппоқ чиройли тишлиари хиёл кўриниб, ширқиллаб кулиб, бамисоли куйлаётгандек нафис товуш билан ҳазил қилди.

— Мен ҳали тушунмабман, чиндан ҳам сен иккавимизга тааллуқли гап бу ерда экан-ку, сен тўғри тушунибсан!— деди.

Макен мулойим товуш билан қувватлаб:

— Энг сүнгги сатрларда, кичик опа, сизни менга устозлик қилиб, мана шундай кашта тикириб, бағриңизда олиб юрганингизни ҳам айтибидилар-ку дейман. деди.

10

Устозлик қилган ҳоримас,
Үргатишдан болага! —

деб, яна ўқиди.

Шу йўсинда ҳар бир кун, самарали куннинг ёғин- сочинли, туманли эрталабки пайтлари ёки сал вактга кун кўзини кўрсатган, атрофдаги сариқ адирни йироқ- даги сариқ олтиндек ярқиратиб яшнатган туш чоғлари қанча-қанча мазмунли, сирли сатрларни туғдираётган эди. Кўпинча овул уйқуга кетиб, уй ичидагилар бутун- лай ором олиб, сукунат ҳукм сурган чоғларда, тун-ке- чаларда тўғарак хонтахта ёнида яратилган шеър- сатрлари яна шу куздаги элнинг ғами ҳақидаги оғир ўй- ларни тараннум этарди.

Шундай чоғларнинг бирида, тунов куни Даркем- бойнинг уйидан жўнаб кетаётганида Бозорали айтган Азимбой, Шуборларнинг қилиқларини шоир ёдига ту- ширганди. Бозоралининг айтишига қараганда, улар йи- филииади, бошларини бўрилар тўдасидек бир ерга қи- лишиб туриб, «ҳа» деб олишгандек, қон хумор қила- ётган тумшуқларини бир лаҳзада осмонга кўтариб улигани туришади. Ўша улиш,чуввос солиш устида улар навбатдаги ҳужумга шайланиб, тайёрланишади-да, қор бўратиб, қаттиқ чопишиб, қуида ётган ювош қўйлар қўтанига келиб қуюндеқ дафт қилишади. Қонли ҳу- жумни бошлашади. Мана булар ҳам ўшаларга ўхшаш уядош, оғзи қон, ўрганган бўрилар. Йироқдан қурбо- нини пайқаб олиб, бош қўшгандарига онт ичишиб, фо- тиҳа қилишиб бир-бирини қайрашади. Ёвузлик, ёвлик- ка фотиҳа қилишади. Ёзиғи йўқ яқинни, ёлғиз билан яrimни тутибейишга онт ичишади. Шунинг учун ўзлари сингари безориларни, бузуқиларни кўмакка олишади. Биронни еликириб олади, биронни кўрқитиб. Яна бир хил, Абдилда сингари, ўзи ночор бўлса-да, бало излаб сотилган бийни «отнинг сағри», «туянинг ўркачиға» орини айрибошлатиб, сотиб олади.

Шулар тўғрисини аламли бир азоб билан эсга ол- ганда, Абай кўз ўнгига Бозоралини келтиради. Унинг

ҳам бегуноқ, ҳам покиза, унинг устига, танқидчи, ўйчан, кўркам сиймосини кўриб ўтириб, ғазабли сатрларни тиэади.

«Онт ичиб тарқайди,
Ингилса мажлисга.
Чоҳ қазиб боқади,
Туға ёв эмасга!..
...Ноёб одам чарчайди,
Эвига кўнмасга.
Боши осон тушади,
Илож йўқ ўлмасга!»

Шу сатрларни тиэиб ўтирган Абайнинг кўз олдида, ҳалиги уядош, галалашган бўриларнинг улишга ҳозирланиб, бир лаҳзада тумшуқ кўтаришиб қўзғалишган ҳолатлари гавдаланди.

Бу шеър Дармен уйида дўмбирада, Мағаш билан Қакитойнинг қўлида кўчирилмоқда, кишкене мулла ўқитаётган болаларнинг қўлида, бошқа қофозларга кўчирилиб ёдланмоқда эди. Порахўр бўлис, еб тўймас маккор, шаллақи Азимбойдек ёвувлар ҳақида Абай зархандалик билан эрмак қилиб ёзган отоқли шеъри ҳам мана шу кунларда Оқшўқида, ҳалигидек самарали кунлардан бирида яратилган. Уша масхара, ҳажв ғазабли санъаткорнинг тили билан юрагидан шу йўсинда нақшланиб, ярқираб тарқалган эди.

«Нетса осон бўлади юрт бийламоқ?
Халқи севган нарсани у ҳам севмоқ!
Кўксинг тўла матонат, нафсинг тийиб,
Гердаймай, пилдирамай сипо юрмоқ.

Одам бўлган ҳар қаерда ўлжага тўқ,
Чўқима халқ кўзида қарғадек бўқ!
Халқ бола, ҳеч нарсани тортиб олма,
Билдирамай эплаб олсанг алами йўқ!—

деб, пора билан бойиган Такежонни бу кунларда отасининг йўлига тушиб олиб, уч ерга қишлоғ солиб, жуда бойиб кетаётган Азимбой бўлисни ҳам эслаб ўтирибди. Үзининг бўлислигини маккорлик, усталик билан айёр порохўрликка фойдаланаётган Шуборни ҳам эсига олди. Шундай амалдор, бели маҳкам бўлис ҳокимларнинг кўпчилигининг феъли-атворларидан хулоса чиқариб келиб

яратилган шеър, ғазаб билан масхаралашнинг ёмбиси-
дек бўлиб чиқди.

Бу шеър, ўлан ҳам Оқшўқидек меҳнат овулида ту-
филиб, қанча-қанча кўчирилиб ёдланиб, дўмбирага, куй-
га солиниб айтилаётган пайт эди.

Мана худди шунингдек алоҳида самарали, серҳосил
кунлардан бирида, кун қиёмга келган пайтда, кутил-
маган бир хунук хабар келди. Шаҳардан қўш отлаб
чопганича Боймағамбет келди. У ўз уйига кирмасдан,
бирор одам билан сўзлашмасдан шошилиб, ҳовлиқиб
келиб, Абайнинг устига кирди. Унинг шу сингари одат-
дан ташқари ҳовлиқиб келганини кўринишидан фаҳм-
лаган Айгерим, Мағаш, Какитойлар ҳам Абайнинг ёни-
га жимгина киришди.

Боймағамбет Абайнинг ёнига бориб, тиз чўкиб ўтирган
он сўрашиб, сўзлашгунча ҳам бўлмай, қўйнидан
кафтдек қофозни сугурди-да, узатди. Бу телеграмма,
Олмаотадан, Абишдан келган хабар эди.

— Абишдан телеграмма!

— Ўзиданми?

— Нима дебди!? — деган қисқа-қисқа саволлар кўк-
рагидан ивир-шивирга ўхшаб, аранг чиқди.

Абай узун телеграммани секин ўқиб чиқди. Аниқ-
лаб, англаб бўлгунича ёнига Мағаш билан Какитойни
чақириб олиб, уларга ҳам ўқитди. Ўзи яна бошдан-оёқ
ичидан ўқиб, энди аниқ тушунди. Телеграммадаги хабар
Абайнин қаттиқ чўчитди. Икки кўзи хаёл билан те-
пага кетиб, юқорилаб боққанида, Айгеримга чатнаб
кетаётгандек кўринди. Кўзи косасидан чиқаёзиб қаттиқ
қўрққани билинди. Қора-тўри юзи оппоқ бўзариб, қўй-
лакчан ўтирган ерида кенг енглари титраб турибди.
Хаёл суриб кетди. Эси чиқиб кетганидан уй ичидаги-
ларга айтишни ҳам унутиб, нима дейишини, нима қи-
лишини ҳам билмай, қаттиқ саросимада қолган.

Абайнинг ҳолатини кўриб, кайфи учиб кетган Ай-
герим бошлиқ уй ичидагилар дамини чиқармай, қи-
мирламай, жим бўлиб қолишиди. Унинг юзига ўтинч
билан боқиб турган Айгеримни энди пайқаган Мағаш,
русча ёзилган телеграммадаги гапни уйдагиларга
эшитдириб, қозоқчалаб ўқиб берди.

Йироқдаги асл бола, қимматли азамат ҳақида кел-
ган хабар, дарҳақиқат ҳаммани қаттиқ қўрқитиб, жу-
да совуқ эшитилди.

— Икки ойдан бүён бетоб эдим, энди касалхонага бораман. Магиши уйга юбордим. Тездан Мағаш шу ерга келсин! — дебди.

Аслида Абишнинг соғлиги бу ердаги ёру дўстларнинг ҳаммасига илгаридан маълум эди. Ҳатто Петербургда ўқиб юрган чоғида «ўша ёққа бормай қўя қолсам нима қиласди» деб хавф олиб, шубҳа қилиб айтилган гапларни оналар, қари-қартангларгина эмас, Абай билан Мағашлар ҳам Абишга бир неча бор айтишган эди. Ҳозир очиқ сўзлашмасалар-да, Абайнинг, Мағашнинг, Қакитой билан Дарменнинг — ҳаммасининг ҳам кўнглида ўша хавфлар сайраб турибди. Мана шу тўрттовига, Олмаотага кетадиган йили ёзда, Мағишга уйланиш олдидан, Абиш бир кун ўзининг соғлигидан ранжиб: «менинг умрим қисқа!» деб қўйганди.

Шунда Қакитой билан Мағаш чўчиб, йиғлагудек бўлиб кўзларига ёш олишиб, аҳволини сўрашган эди. Ўша вақтда Абиш уларга кулибгина жавоб қилиб: «ҳазиллашаётирман» деб, яна юпатиб қўйган эди.

Икки йилдан ошиқ вақт ўтди. Булар Абишнинг хатхабарини олиб турганлари бўлмаса, соғлигини аниқ билишмаган эди. Билиш мумкин ҳам эмасди. Абиш ўзининг тез-тез ёзиб турадиган хатларида батафсил ёзиб билдирамасди. Энди бу нима деган гап, қандай оғир хабар?! Икки ойча касал бўлса, ёнида докторлар, дори-дармон, касалхоналар турсаю, тузала олмаса. Унинг устига касалхонага борса. Бу энди узоқ вақт тўшакда чўзилиб ётади деган гап-ку. Магиши Семейга — уйга юбориши ҳам осон гап эмас-ку. Яшириб юриб, энди бундан буёғига бекитишнинг иложи бўлмаганидан, бўлари бўлганидан кейин мана бундай совуқ хабарни юборган-да. Унча-мунчага отасини, уй ичини безовта қиласди Абиш эмас эди-ку! Иложи қолмаганидан кейин айтилган гаплар-да, мана бу тошдек совуқ тўрт оғиз гап!

Абай, Мағаш, Дарменлар шу жиҳатларини ичларида ўйлашлари биланоқ унсиз ёш тўкишди. Қаттиқ йиғлаётган аёлларни Боймағамбет билан Муқа бошқа уйга олиб чиқди. Қанча ўтиргани номаълум, Абай энди кўркам юзидан кулоб-кулоб бўлиб оқиб бораётган ёшини тўхтатмай ўтириб, бир вақт эс-ҳушини йиғиб олди.

Үзига келиши биланоқ шошилиб қилган қарорини дар-
ҳол айтди.

— Қани энди, ўтириб нима ҳам қилдик?! Тездан тайёргарчилик күринглар! Овулдаги от етмайди. Мана шу ўтирганлар ҳаммамиз ҳам эртага эрталабдан қолмай Семейга жүнаймиз. Мағаш сен бор, бугун тайёр-гарлигингни күриб ол! Семейдан Олмаотага жүнайсан. Какитой, Дармен, сенлар ҳам бирга ҳаракатларингни қилинглар!— деди-да, яна түсатдан икки қўли билан юзини босиб, йиғлаб юборди.

Абайнинг бу аҳволини күриб чидай олмаган ёш дўстлари, яқинлари ўзлари ҳам ёш тўкканларича, тез туриб чиқиб кетишиди. Қайғули отани энди ўз хаёли, ўз дарди билан холи қолдириш зарурга ўхшайди. Сабаби, у ҳали қисқа қилиб берган буйруғидан бошқа, сўз қотмоқчи ҳам эмас, мунглашмоқчи ҳам эмас. Қандай бўлса-да, бор жароҳати билан ёлғиз ўзигина бўлгиси келаётганга ўхшайди.

Ўша куни кун қиёmdан оғаётган пайтда Мағаш, Какитой, Муқалар салт от билан Семейга жүнашди. Булар йўлдаги, яқин қўшдаги йилқига боришмоқчи. Ўша ердан, бугун кечаси, Абай шаҳарга қўшиб борадиган отларни бу ерга юборишмоқчи. Ўзлари Мағашнинг Олмаотага боришига керак бўладиган пулни тайёрлаш учун, ўша қўшдаги семиз биялардан, сўқимга ярайдиган моллардан керагини ажратиб олиб, тўхтамай юриб, Семейнинг бозорига етказишмоқчи. Орқадаги Абайлар келиб етгунича, узоқ сафарнинг ҳозирлигини кўриша бермоқчи бўлиб кетишиди.

Абай бу кунни кун бўйи, яна кечани ҳам ёлғиз ўзи, қайғу билан, оғир фурбатни талқин этганича, ором олмай ўтказди. Баъзан кенг кўксини ларзага солиб, титратиб чиққан алангали оташин хўрсиниш эшитилади. Баъзан пичирлаб, алланималарни сўзлай бошлайди. Тез-тез пичирлаб, шошилганича дарди-аламини айтиб-айтиб юборади. Онда-сонда бор оҳу зори, фуссасининг аламли нақаротидек қилиб, йироқдаги бебаҳо боласининг отини шу қадар интизорлик билан барада айти бошлайди: «Абишим», «Абиш», «Абишжоним»— деб юборади.

Даҳшат босган ота кўнгли безовта. Тонг отар чоғида ёлғиз ўзи ҳаллос ургандек, бехаловат бўлиб ўтирган чоғида, эндиги кўнгил алангаси алланечук бир сўз-

ларға айланди. Қатор-қатор сатрларга тушди. Шу он дарди-аламдан туғилған ҳасрат шеъри келиб, қурала-ёттир. У хұрсииш, ёлворишдан... Чорасиз гангишдан туғилған күй... Сўз билан чиққан жон алангаси. Юракдан отилған, ўша юракнинг иссиқ қони. Буғланиб, түлқинланиб оқаётган иссиқ қондек сўзлар уланаёттир. Үнга ақл-идрок бошлиқ ҳам эмас, қози ҳам эмас.

«Эй, худо бера кўр
Тилаган тилакни!
Қўрқитмай ўрнашти,
Чўчиган юракни.
Чин юрак эзилиб,
Оллодан тилайман,
Чин бўтам шу бу кун
Бўлди-ку керакли.
Юрагим шифиллаб,
Суягим зирқираб.
Толмасдан тилаиман,
Хуппия пичирлаб!» —

деган бир қанча дарди-аламли, оҳи-зор түлқинланиб-түлқинланиб бориб отилгандек бўлди.

Қандай сўзлар билан, нима деяётганини ҳам Абай батамом англаётгани йўқ. Ҳарқалай безовта, беқарор бир хавф, қинидан чиқаёзган қалбни беомон панжаси билан қаттиқ сиқимлаб олган. Чангллаб сиқиб, ҳар нафасда бир аччиқ зорини тўқтиради. Қанча ёзганини, нималар деганини, кўксига сиғмаётган дарди-алам тилининг қанчаси қоғозга тушмай қолганини Абай англай олмайди. Лекин Абиш эсига келган сайин шу зайл ёлғиз ўзи, аста пичирлаб, дарди-алам навосини черт-маслигининг чораси йўқ. Бундан буён ҳам эндиғи ҳаёт куйидек, кўнгил куйи, қайгули кўнгилнинг оҳи-зори мана шу кечанинг мана шу шеърларидан бошланадиганга ўхшайди.

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин, Абишнинг телеграммаси билан Магаш ҳозирлик кўриб бўлди-да, ёнига Майқон деган қалин ўртоғини олиб, яна Абиш яхши кўрадиган, унинг элдаги ширин дўсти Ўтегелдини олиб Семейдан Олмаотага жўнади.

Абай, Какитой, Дармен учови бу йўловчиларнинг чўнтакларига ўз қўллари билан ёзишган интизорлик хатларини, шеър билан ёзилган хатларини солиб жу-

натишди. Үзлари энди Абиш бىлан Магашдан яхши хабар келгунча Семейдан кетмайдиган бўлиб, узоқ вақтга шаҳарда ўрнашиб, жойлашиб олишди.

3

Енгил чананинг ичиди Абай билан Дармен, козлада Боймагамбет. Семиз қўнғир от бош жотоқ кўчалари бўйлаб кеч кираётган пайтда ғириллаб, қаттиқ юриб келаётир. Отнинг тақали туёғи билан чананинг товони теккан қор, музлаб ётган шишадек шиқирлаб ғижирлайди. Изғирин уриб турган кечки аёз, соқол, мўйловларга қиров қўндиради. Киприкларни чаплаштираётган совуқ муз билинади. Шу аломатларнинг ҳаммаси Семейнинг қўши батамом тушганлигини билдиради.

У томондан Иртишнинг усти билан ўтган Абайлар сўнгги бир соат давомида бу томоннинг кўп жойларини оралаб чиқишиди. Аввало Қумошнинг дарвозаси олдида тўхташди. Абайнинг ўзи чанадан тушмай, Дарменни ичкари киргизиб, шу адресга келган хат-хабар борми-йўқлигини билдириди. Олмаотадан кўпдан буён кутилаётган хабар — Магашнинг хати келмабди.

Бу томонда бу уйдан бошқа Абай билан унинг болалари, инилари, қариндошлари тушиб юришадиган қозоқ хонадонлари кўп эди. Ҳозир булар кеч киргунча тўхтамай юриб, ўша уйларнинг ҳаммасини оралаб чиқишиди. Бундай юришларининг сабаби битта. Урта жотоқ, бош жотоқдаги бир неча уйни оралаб ўтиб, юқорида, бозор орқасидаги бир таниш уйга ҳам киришган эди. Бирорта адресга хат-хабар келмабди.

Бир неча кундан буён шу хусусда қаттиқ безовта бўлаётган Абай, энди қозоқ хонадонининг ҳаммасини қараб чиқди. Кўнглидаги шубҳа билан хуноблик ошди. Индамай ўтирганича сиймосида қайғу акс этдириб, қовоги ҳам солиниб кета берди. Бозор орқасидаги икки қаватли эскироқ уйнинг дарвозасидан Дарменнинг қўли қуруқ чиққанда, Абай шошилганича Боймагамбетга яна бир жойни тайин қилди. У жой Слободканинг қўйи томонида, қайиқ оғзида, тепаликда эди.

Абай почтадан хат-хабарни ўзи кириб сўради. Ётиб қолган, юборилмаган хатлар орасида ўзига келган хат йўқми, деб сўради. Кўзойнагини бурнининг учига тушириб тақсан, соқоли узун, рангги заҳил кекса чи-

новник Абайнинг саволидан, кўринишидан Олмаотадан келадиган хабарга жуда маҳтал эканлигини пайқаб, яхши жавоб берди.

Тарқатилмай қолган хатлар ичидаги Қунонбөсега аталган хабар йўқ экан. Уни қунт қилиб қараб чиқишининг устига — «Аягўз ёнида бир ҳафтадан буён қаттиқ бўрон бўлиб турдис» — деди. «Йўлни қор босиб қолганидан Орқат билан Аягўз бекатлари орасида ҳеч ким қатнай олмаётин. Семейдан кетган почтанинг Орқатда тўхтаб турганига ҳозир бир ҳафта бўлди. Бошқа сабаб билан эмас, сизга келадиган хат ҳам мана шу ҳавонинг бузилишидан кечиккан бўлиши керак. Фақат кечагина Аягўздан бу ёққа қараб бир неча почта чопари ўтди деган хабар бор. Бу томонда тўхтаб қолмаса, ўша даставвалги чопарлар Слободкага бугун кечаси келиши керак. Бир ҳисобдан, сизга хат келса, эртага шу чопар билан келган почтадан оларсиз!» — деди.

Абай учун бу ҳам бир умидбахш дарак эди. Почтадан чиққандай кейин, кеч кириб бораётгандага Слободканинг қоқ ўртасида, тўрт деразали чодирсиз уйда, Қакитой тушган уйда, бир оз вақт хаёл қилди. Яна Дарменни киргизиб, Қакитойни эшикка чақиртириб чиқиб, ишга буюрди. Үнга почтанинг тўхталиш сабабини айтиб, хат келса шу бугун кечаси келиши мумкинлигини айтди. Қакитой ҳам шу сингари бир хушхабарга интизор бўлгани ҳолда ялт этиб қараб, диққат билан қулоқ солди.

Абайнинг унга эндиги топширгани: эрталаб маҳкамам очилар пайтда почтага бориб, хат бўлса олиб, тездан Абай бугун ётиб қоладиган уйга етказиш бўлди. Бу тэмондаги шундай юришларини битириб бўлгандан кейингина, қош қорая бошлаган пайтда, Абайнинг чанаси Дамежоннинг ҳовлиси олдига келиб тўхтади.

Бу хонадон Абайни шу бугун меҳмонга айтганди. Абай келса, Дамежоннинг тўрдаги уйида қайиқчи Сейл ҳам ўтирган экан. Шаҳарда Абай учрашиб юрадиган меҳнат аҳлининг ичидаги хулқи билан, гап-сўзи билан ва шаҳар ҳаётини яхши биладиган эсли-ҳушлилиги билан Абайга жуда маъқул бўладиган одам мана шу Сейл эди. Унинг билан Абай қайиқ устидагина эмас, баъзан галма-гал меҳмон бўлишиб, Абай тушган уйларда ҳам бирга бўлишарди. Ҳозир Дамежоннинг уйида тўрда

ўтирган, ёши Абай қатори Сейл, меҳмон келганда унга аввал ўзи салом бериб, ўрнидан турди-да, тўрга таклиф қилиб, қўшқўллаб қўлини қисди. Нима қилса ҳам шаҳарнинг сипогарчилигига ўзининг табиатида бўлган мулозимати, хушфеъллиги қўшилиб кетганлиги кўриниб турибди. Абай бу уйда ўзи хуш кўрадиган одамни учратганда, ҳозир ранжиб келганига қарамай, анча хурсанд бўлиб кетди.

Сейл билан Дамежон ёрдамида белбоғини, устки кийимини ечиб, жойлашиб ўтиргандан кейин, Абай хушчирой билан омонлашиб сўрашди. Абай Сейлнинг бу уйда нега ўтирганини билади. Жабикен оламдан ўтгандан кейин сўнгги икки-уч йил ичидан Дамежон билан Сейл, балки, Абайнинг шулар ҳақида бир-бирига сўзлаганида яхши гап билан тилга олгани ҳам сабаб бўлгандир, ҳар ҳолда, қуда бўлишган эди.

Сейлнинг бўйи етиб қолган қизи Жонғайшани Дамежон ўзининг катта ўғли Жумошга сўратган эди. Бу йил кузда Дамежон ўша келинини тушириб ҳам олган эди. Дамежоннинг Абай шаҳарга ҳар келганида уйига таклиф қиласидиган одати бор эди. Олмаотада Абайнинг энг яхши кўрадиган боласи Абиш қаттиқ бетоб ётганини Дамежон ҳам биларди.

Шу ҳақда Абай жуда қаттиқ ташвиш тортияпти, деган гапни ҳам эшиштган эди. Шундай вақтда Дамежоннинг қариндошлиқ, ёру дўстлик кўнгил билдиригиси ҳам келган эди. Қелин туширгандан кейин Абайдек яхши одам, яқин қариндошини бир чақириб олмоқчи эди. Бу ўйлагани ҳам ўринли ва Сейлнинг ҳам қизини узатиб келганидан буён чақириб олгани йўқ эди. Унинг билан Абайнинг кўнгли яқин эканлигини биладиган Дамежон, атайин қадрли меҳмони Абай хуш кўрадиган, яқин одамини ҳам чақирган эди.

Бир оздан кейин Боймагамбет, Дарменлар ҳам отларини жойлаб, уйга кириб, чоққина хонтахта атрофига ўтиришди. Кечқурун чой устида ва анча кечга қолиб пишган кечки овқатгача ҳам Абай кам гапирди. У шаҳар меҳнаткаши — Сейл билан Даменжондан бу кунги шаҳар ҳаёти, уларнинг ўз ҳаётлари ҳақида айтаётганларини эшишишга қунт қилди. Суҳбат чойга ўтиришлари биланоқ Абайнинг Сейлдан сўраган бир галидан бошланди.

Дамежоннинг ўзи қуйиб берәётган чойини анча вақтихушлик билан ичаркан, Абай Сейлдан унинг ҳозирги ҳаракати, қишдаги касби, қандай кун кўраётганини сўради. Сейл аввало қисқагина жавоб қилди.

— Қайиқ тўхтагандан кейин, ўзингиз биладиган ёзги касбни йиғишириб қўйдик-ку! Шундан кейин у ёқбу ёққа туртниб юриб, энди мана қиш тушиб, қор босгандан буён қушхонага кирган эдим, ўша ердаман!— деди.

Абай ундан яна қандай иш қилаётганини сўради.

Сейл Қасен қассобнинг қушхонасида қассоблик қилас экан... Дамежон ҳам ўзининг ўғли Жумошнинг ўша қушхонада тери ёйиб, унча-мунча қора чақа топиб юрганини айтди. Шундан гап очилиб кетиб, сўз Қасен қассобнинг Сейл, Жумош сингари шаҳар жотоқларига ҳозирги пайтда қилдирадиган ишлари, кўрсатаётган ҳар турли азоби, уқубати, хўрлиги ҳақида борди.

Сейл билан Жумош бугун қушхонада бўлган бир расвогарчиликни бош чайқаб, қовоқ солиб, танглай қоқиб, ранжиб ўтириб айтишди. Эри вабодан ўлган, учта донадек ёш болали Шарипа деган ўрта яшар аёл куздан буён оч қолиб, ўлар ҳолатга етиб юрган экан. Уша қушхонага бориб, Қасеннинг давернайи бўлиб юрган бир нахс савдогар Утарбойга ялинади. Ичак-қорин тозалашга киради. Эрталабдан, тонг отар-отмас бориб, эл ётар пайтда зўрға қайтганда, кун бўйи қила-диган иши фақат ичак тозалаш бўлади. Қаддини кўтармай, туз тотмай, қўланса ҳид орасида ишлаганда ўша онт урган Утарбойнинг берадигани беш ярим ти-йин экан. Шаҳарнинг бош жотоги шундай вақтда бир қанча бойларга, ўша овулдаги қашшоқларга ўхшаб шўрва-шултун учун ҳам меҳнат килади эмасми! Қаёқдаги оч-ялангоч, озиб-тўзиган эркаклар билан аёлларни мол сўйиш фаслида Қасен мана шу жотоқдан йиғади. Қийналиб турган хонадонларга атайин одамларини юбориб, қидиртириб, эркаги-ю, аёlinи, болаларини, кексаларини, ёш демай, алжиган демай йиғдириб келади-да, битта «чит фуфайка» гача пуллаб, арzon га-ровга ёллади.

— Қилинадиган меҳнатга қараганда ҳаммамизга ҳам тўлайдигани меҳнат ҳақи эмас, масхара!— деб Сейл Қасеннинг феъл-авторининг учини чиқарди. Шундан кейин Дамежон, Жумош, Сейл учови бири олиб

бири қўйиб, қушхонада мана шу бош жотоқнинг қашшоқлари кўраётган кўп хўрликларни айтиб беришиди. Шуларнинг ҳаммасидан ошиб тушадиган бир шармандаликни ҳалиги Шарипа деган аёл Сейл билан Жумошнинг кўзи олдида бугун кўрибди.

Кечқурун иш тамом бўлаётганда, дарвозанинг олдига Ўтарбой билан яна бир давангидек, қоп-қора Қўнқай деган йигит туриб олиб «ичак-қорин тозалайдиган аёллар мой ўғирлашади», деган чатоқни чиқаришибди. Ўзлари ичиб олишган, қизишгац, ҳазил-мазах керак. Шунинг билан «қўйнинг чарвисини ўғирлайсанлар» деб можаро қилади. Бошқа, гўшт деса, мой деса, у туҳмати ўтмайди-да. Негаки, ундан яхлит нарсалар энгил-боши юпун бола-чақанинг, чол-кампирнинг гавдасидан билиниб туради-ку. Чарванин бўлса жўрттага жанжал қўзғаб, масхара қилиш учун ўйлаб чиқарган. Яна мол сўйиш энди қизиб келаётир-да, шу маҳалдан чўчиб юрсин дейишган бўлса керак.

Бир тўп аёлларнинг олдида келаётган Шарипа оппоқина, чиройликкина эди. Ўшани ҳалиги Ўтарбой билан Қўнқай «ечин!» деб халак қилади. Аёл устидаги йиртиқ чопонини ечади. Ундан кейин ҳайқириб, буйруқ қилиб камзулини ечиради. Ҳеч нарса тополмайди. Шунга қарамай «тананг тўлиқ», «этингга ўраб олган чарви бор, анча мойни олиб кетаётисан!» деб этагини очмоқчи, обрўйини тўкмоқчи бўлишади. Орқасида тиралиб турган кўп аёллар билан эркакларнинг кўзи олдида ўлгунча хўрлаб, масхара қилмоқчи бўлишади.

Шунга чидамай ўртаниб кетган аёл, Ўтарбойнинг юзига тупуриб, етим болаларини айтиб, зор қақшаб йиглаб юборди. Кўйлагини сидириб олаётган Қўнқайнинг жағига тарсаки билан тортиб юборади.

Шу бўлади-ю, сўлақмондек икки эркак уялмасдан таппа ташланиб, ҳалиги шўрлик она, бева хотинни яланғоч қилиб, қорга босганларича тепкилаб ура бошлишади. Шунга чидай олмаган Сейл Қўнқай билан Ўтарбойни қўша ҳақорат қилиб, ёқалашга тушади-да, ҳалиги хўрланган аёлни ажратади. Бошқа аёлларчуввос солиб йиглаб, қаргашади. Жони ачиб, ўртаниб кетган аёллар: «буларнинг кўрсатадиган хўрлиги билан масхаралашининг чегараси йўқ» деб, ҳалиги икковини тепкилаб, ура кетишади.

Буни Жумош билан Сейл дам заҳраси учиб, дам алам қилганидан кулиб ўтириб айтиб беришди. Шаҳарда ҳам бунчалик шарманда-расволик, эрмак қилишнинг рўй беришига Дармен борлиги билан нафратланаб, ғазабланиб, тутоқиб ўтирибди. Сейл билан Жумошдан Қасен қассобнинг қушхонасида яна қандай ишлар бўлаётганини қўярда-қўймай сўраб, айтдираётир. Абай ҳам қовоғини солиб, кайфи учиб тикилганича чурқ этмасдан тинглаб ўтирибди.

Бир вақт Сейл ўзининг ҳам шу йил қишида ноиложликдан мана шу Қасен қассобнинг тузогига илиниб қолганини айтди. «Ёш бўлса бориб қолди, тепамда бирровга «ҳой, ҳой» дегизмай, қулай келса ўз ҳолимча бир меҳнат билан тамаддик қилсан дер эдим. Ёзда қайиқчилик қилишимнинг ҳам сабаби шу эди. Қишида бирорвга бошим боғланиб муҳтоҷ бўлмай, ўн кун бир ерда, ўн беш кун бир ерда ишласам деган эдим. Бу йил мана шу «жотоқ қашшоқларининг ҳаммаси қушхонага бориб, тийин-пийин топаётир, оби-ёвғонини чиқараётир» деган умид билан бориб қолган эдим. Қасен деган бир бало экан-ку деб қўйди. Шундан кейин у ўзининг ярим кечада туриб, қош қорайгунча тинмай қўй сўйишини айтди: Бу ишга ҳам ёшлигида, мана шу шаҳарга касб излаб келганида одатланган экан. Сўйишга шу қадар уста эканки, этини бузмай сўядиган бўлса, кунига олтмиштacha қўйни сўйиб ташлар экан. Шунда ҳам кунига топадиган гоҳо ўн беш, гоҳо йигирма тийингина бўлар экан. Уни ҳам ҳафтасига бир марта меҳнат ҳақини тўларди, ҳалиги Ўтарбой билан Қасен иккови қўлларига чўтларини олишиб, «ярим тийин грош чиқ», «чит фуфайка кир» деб чўткаларини шақирлатиб, қоқишириб уриб қолгилари келар экан.

Ўшандай бир ҳисоб қилган куни:

«Оч итнинг кетини сук ит ялади» деб менинг қон кечиб, жин қучиб юриб топган ними-нисби тийинимга ҳам кинналарингни солибсан. Сенларниёқ айтганларинг бўла қолсин. Бироқ, мана шу товон ҳақи, пешона теримдан еганларинг елкаларингдан тешиб чиқсан! деб, айтганларига кўна бердим,— деди.

Сейл ҳали «бу йил ноиложликдан Қасенниг тузогига илиниб қолдим» деган эди. Уша гапини Абай бошқатдан сўраганда, у яна бир бойнинг шаҳар жотоқларига қилаётган ҳаромлиги, хиёнатини айтиб берди,

— Ёши ўн еттига энди чиққан иним бор эди. Қасб тополмаганидан кейин, ёз бўйи қайиқдан йиққан тийин-пийинимга бир от-арава олиб бериб, ўшани кира-кашликка, бержабойга киргизай деган эдим. Намат-фуруш Сейсеке шу сингари от-араваси бўлган жотоқлардан киракаш йигиб, узоққа киракаш қилиб юборади. дейишганди. Юборганда Бақти, Шавешекка юборади «Дунё деган сув текин, киракаш бўлиб борганинг ўзи ўлжага ғарқ бўлиб, кураб олиб келади» деб, яна мана бу Қасенниг қушхонага чақирганидек, одамларни юбориб, жар солади, илвасин ташлайди. Ўшанга соқолли бошим билан мен ҳам алданиб, иним ҳам қизиқди. Бир сафарга бориб кел. Қиш тушгунча қайтиб келасан, деб семиз оти билан, яп-янги бутун араваси билан жўнатаман-ку! Ўттиз киши киракаш, етмиш-саксон от билан Бақтига той-той газлама олиб боришади. Қайтганды Сейsekенинг тери-терсагини ортиб келишади. Бунинг ўзи бир чети Хитойга, бир чети ҳу ўша Ирбитка, Макержегача савдо қиладиган, жойининг учи-қири йўқ, катта бой экан-ку, қурғур. Нимасини айтай, бошқасининг нима кераги бор, ўша иним яқинда келди. Шу кунларда уйимда кулала бўлиб, шўри қуриб ўтирибди. Қўл-оёғини совуқ уриб, думаланиб қолибди. Үлим учи бўлиб, зўрга етиб келибди. Үзини шундай олдирибдики, икки қулогидан кун кўринади. Оти бўлса териси пайига ёпишиб, юз ерда дам олиб, зўрга келибди. Шундай қилиб, от ҳориб пўстак бўлган, эр ҳориб арвоҳ бўлганини кўриб ўтирибман. Борганидан келгунича қуруқ сув билан қора нонни тамаддиқ қилибди-да, отининг емини ҳам ниби-нисби қилиб берибди. Ҳақ, пул йўқ. Бориб ҳолини айтай деса, иним уйдан чиқолмайди, ўзим ҳам боролмайман. Қўшниларимиздан киракаш бўлиб кетган қайиқчи, яна бир ўзимдек шеригим бор эди, ўша йиғлаб ўтирибди. «Менинг боламнинг ҳам зимдан шўрини қуритаётир» деди. «Ҳали олиб келган териларингни тугаллаймиз. Ит егани, йўқолгани, йўлда ишдан чиққани бор,— ўшаларнинг ҳаммасини «пуржумкага» оламиз деяпти, деди.

— Хўш, буларнинг тери-терсакни, жун-пунни «пуржумкага» қандай қилиб олишини биласизларми?— деганида, Дармен кулиб қўйди.

— Ҳа, бир чеккасини биласиз. Дўл-шўп, мўжемка,

пироқ-сироқ!— деб, икки кўзингни бақрайтириб туриб тўнайди.

Дарменнинг гапи Сейлга маъқул тушиб, қараб қўйди-да, ажинларини чуқурлаштириб, хохолаб кулиб, гапининг давомини айтди.

— Уша тери-терсак «йўлда расво бўлган» деган баҳона билан ўтизта киракашнинг ҳақини емоқчи. От-уловларига илгари чарган арзимаган пулни ҳам бермасликнинг чорасини қилаёттир. Иним бетоб, ўзим боролмайман. Лекин шу ерда хонадони тангликда қолган, ўзлари тўн тўэдидириб, от ҳоритиб, озиб кетган ўтизта киракаш, ҳар кун зор қақшаб, Сейсекенинг дарвозаси тагини қўриқлашади, дейишаёттир. Мана, Абай!— деб, овқат пишар вақтида Сейл Абайга арз қилаётгандек бир ҳасратидан хulosса чиқариб:

— «Фалон ерда олтин бор, борсанг чақа ҳам йўқ» деганларидек, бойга куни қолган қашшоқнинг қирда ҳам, сойда ҳам кўзи очилар куни йўқ экан-ку!— деб, сўёнига хотима берди.

Абайлар мана шу Дамежоннинг уйида ётиб қолишиб, энди эрталабки нонуштага ўтиришган эди, устларига шошилиб, кўзлари чақнаб кетган Какитой баланд овоз билан қувноқ ҳолда салом бериб кириб келди. Бугун ҳам эшик аёз экан, этигиде қиров зарраси буғланаб, билиниб турибди. Қуюқ мўйловларига қўнган қиров музлаб қолибди. У ешиниб сўрашиб бўлмасданоқ Абай: «Почтага бордингми, хат борми?» — деди.

Какитой қўйнига солиб, шошилганича олиб келган иккита хатни Абайга узатди.

— Почтага боришдан олдин Қумошнинг уйига кирдим, ўша ерга келибди!— деди.

Абай иккала хатни баравар йиртди-да, охиридаги ёзилган вақтига қаради.

— Мана бунисининг ёзилганига йигирма кун бўлибди. Буниси кейинги хат, ўн икки кун! Мағашга ҳар ҳафта хат қилиб тур деган эдим, ўшанга ёзган-ку. Почта тўхталиб, икки хат бир келибди-да!— деб гапирганича кўзойнагини тақиб, аввал олдинги хатга қаради.

Хатнинг боши оддий гаплар билан ёзилган экан. Охирини Мағаш шеър билан ёзибди. Абай индамай хат ўқиётгандада Какитой, Дармен, Боймағамбет, Дамежон — ҳаммалари ҳам қимиrlамай, фақат Абайнинг юзига тикилиб қолишганди. Мағаш хатининг охирида

даставвал сөзган қайғуси, аламли доғини бор оташин, чин қалби билан шеър сатрларига тизибди. Абай ўшанга күчиши билан, қаттиқ хўрсиниб олди.

«Инқиллаб ётган экан ҳали борсам,
Кўз ёшим тўхтатолмай бўлдим сарсон
Ранг заъфарон, ётганини чалқасидан
Кўксим кўриб туради, кўзим олсан.
Кўзларининг эти қочган, ориқлаган,
Суягу пай — ҳаммаси аниқланган.
Оқ канофнинг ичидаги оппоқ бўлиб
Ётибди у азизим, шўрлик оғам!»—

деган жойига етганда, Абай кўзидан ойнагини юлиб олди. Ранги оппоқ оқариб кетди. Икки кўзи юм-юм ёшга тўлди. Хат сатрлари туманлашиб, кўз олдида эриб кетгандек танилмай, ўчиб кетди. Қўш қўллаб юзини босиб, индамай ўтириб қолганда, Дармен билан Қакитой бара-вар йиғлаб юборишиди.

Булардан кўра эслироқ Боймағамбет: «Кейинги хатни ўқинглар-чи!» — деди. Абай тезда ўзини тутиб олдида, ўша хатга қўл чўэди. Иккинчи хатдаги хабар биринчисидагидан дурустроқ экан.

— Биз келганимиздан буён Абиш оғамнинг кўнгли анча кўтарилиб қолди. Иштаҳаси ҳам дурустдек. Бугун уйқусида ҳам ҳаловат бўлди. Энди касалхона билан яхши уйнинг фарқи йўқ. «Қўлингизга олиб даволатсангиз ҳам бўлади!» дейишгандан кейин, хурсанд бўлиб қолдик. Доктор ҳам назар солдимикин деб, унинг сўзидан умид қилиб, шаҳардаги бир яхши, қулай уйга олиб чиқдик. Шу кунларда Абиш оғам ўзимнинг ёнимда. Апсамет деган чалақозоқнинг уйида турибмиз. Ўзимизга ёр-дўст одам. Суриштириб сўрашсак, бизга жиян экан. Ҳозир ўшанинг уйида бир томондан докторга қаратиб, бир томондан бия соғдириб қимиз бериб, қараб турибмиз. Келгусини оллого топширдик!— дебди.

Абай бу хатни аввалидек эмас, хиёл юпончиқдек қабул қилди. Ҳар ер-ҳар ерларини икки-уч қайта, то-вушини чиқариб ўқиди. Шундан кейин уй ичидагиларнинг ҳар қайсиси ҳар хил товуш билан тилакдошлиқ билдириб, худога ёлвориб, шукrona қилиб қолишиди. Шу орада Абай қофоз, қалам топдириб келиб, хаялла-масдан шу бугуноқ хат ёзиб юборишига киришиди. Даҳ-

лизга чиқиб, кичкина курсини олдига қўйди-да, Какитой ҳам ёза бошлади. Деразанинг токчасига суюниб Дармен ҳам ёзётир. Булар ҳам дуойи салом хатларини борлиғи билан берилиб ёзишаётир.

Мағашнинг ҳалиги шеър сатрларини хотирлаб ўтирган Абай ҳам, ўшандай қилиб, жони қолмаган жонкуярнинг ундош созини чертиб сўзлади.

«Зорим хати, бу хатим,
Тинч юришибди дема!
Азайиб қувватим.
Суратим қолди, мана.
Бу тилак-саломим,
Кўнгил очар бир нома.
Менинг ўша роҳатим.
Кўзларимга сурмоққа...»—

деб кетган дарди-алам тўлқини бор эди.

Яна бир хил ғуссасини тўғри сўзлар билан ёзиб келиб, яна шеърга тушиб кетди. Бу худди шу дамда хавф билан умиднинг тез алмашиб, галма-гал чалпшиб, улуғ одам кўксини аланга билан сувдек баравар ялаб турган чоғ эди. Ўша ҳолат шеър сатрларига бор ҳовури, чинлиги билан яна тизилиб кетди..

«Дам умид, дам хавф
Кўнгилга йўл топиб —
Кирса сўз топилмас
Ҳар хил ўйга ботиб.
Икки ой нима бўлиб,
Бир бошқа дард енгиб,
Ёпирай юрмасин
Докторлар янгишиби..
...Апсамет жиянинг,
У сенинг бировинг!
Дўстлик билан дўстликка
Ўтамоқ тилагим!»—

деган салом сўзлари ҳам Абишга аталган сатрларга аралашди. Дам Мағашга ҳам ачиниб, унинг ҳалиги шеъридан қайғуда туғилган санъатини англаб, унга ҳам юраги эзилади.

¹ Бировинг — биттанг маъносида.

«Жароқат-ла оғиз очди,
Жароқати ярашди.
Жароқатсиз биттаси
На учун уйқу очди!»—

деб аллакимга жавобсиз, ғамгин саволлар ташлаб кетади.

Абайнинг хати шундай куйларни чертаётгандан Дармен ҳам, фақат мана шу эрталабнинг ўзида кўриб, сезганларини беихтиёр шеър билан ёзаётир.

«Икки хат қатор келди кўпдан кутган
Юракка юракларнинг куйин қўшган,
Қайғу ҳасрат чеҳрасида Абай оғам
Қўл қалтираб аввалги хатинг очган!
Жим бўлиб, тинглаб қолдик хатнинг сўзин,
Абишни кўргандекман ёнимда ўзим...
Ғамли ота ўқиёлмай тўхтаб қолди.
Рангги ўчган, ёшга тўлган кўрдим кўзин...
Умид билан сўнгги хатни яна очди,
Улуғ қалбнинг қайғуси жонга ботди.
«Бери қараб, уйга келдик лазаретдан»
Деганинг бор сўзингдан бўлди тотли...»

деб, у баъзи жойида ҳикоя қилиб, хабар ҳам ёзиб қўйди.

Абай эндиги ёзиладиган хатлар ҳақида маслаҳат берганди. Баъзан кўнгил кўтарадиган, бир оз кулдирадиган ёки маъюс кўнгилни чалғитиб очадиган хабарлар, гаплар ҳам ёзиш керак. Тўшакда чўзилиб ётган bemorга ундан кўнгил очадиган хабарнинг ўзи ҳам керак бўлади, эм бўлади!— деган эди.

Какитой ҳам, Дармен ҳам узун хатлар ёзишди. Магаш билан Утегелди Мойқонга ва Абишнинг ўзига ҳам суҳбатлашиб, эрмак бўладиган гапларни ёзишди. Шунинг билан чоштгоҳ пайтида бир неча хат, саломларни тайёрлашди. Беғараз дўстлар, юраклари бир тилак билан тепган жонажонлар, шошилинч салом хатларини Олмаотага йўллашди. Ўзлари келар ҳафтанинг янги ҳадяси, тилаги, умидидек бўлган янги хатни кутишиди.

Юксак тоғ этагига боғи-роғи билан кенг ёйилиб ўрнашган нуқул пастак уйли, кичикроқ шаҳар, тоғ этагида катта, кенг жой қолдиран. Шаҳардан тоғ

ичига кирадиган чуқур сойнинг оғзида кўп уйли касалхона бор.

Ҳар дарднинг ўзига хос, бир қаватли, узунасига солинган алоҳида ёғоч бинолар бор. Боғли катта ҳовли шу сингари янги солинган, ўнтача биноли корпусларга бўлинган. Ёзда бу уйларнинг атрофи гулзор билан қуршалади. Ҳовлини гир айлантириб мева дараҳтлари экилган. Улар касалхонани бағрига олиб, шундоқ гул, мева-чевага ўраб турганга ўхшайди.

Область шаҳри бўлган Олмаота ўзининг мана шу касалхонаси билан фаҳрланса арзийди. Айниқса бу касалхонанинг бош доктори, кекса яҳудий Лев Николаевич Фидлер бундан ўн беш йил муқаддам Олмаотага келиб, касалхонани қўлига олгандан буён, касалхонада кўп ўзгаришлар қилди. Касалларни даволаш, ёрдам бериш, ётадиган жойлари, овқат-озиқлари жуда яхши бўлиб кетди.

Шу касалхонага бели баланд, думдумалоқ, семиз катта тўриқ от қўшилган чана келиб, бир соатдан буен кутиб турибди.

Кун қиёмдан оққандагина, бу чана кутиб турган одам ўртадаги ёғоч бино — катта корпуснинг кенг эшигидан шошилганича чиқди. Тулки томогидан тикилган пўстинининг тугмасини паст зинадан тушиб келаётib тугмалашига қараганда, у шошилиб чиққан кўринади. Бу одам Мойқон билан русчалаб сўрашди. Телпагини оларкан, илтифот билдириб, илдам ва дадил одимлар билан келиб, чанага ўтира қолди.

У ўтириши биланоқ тўриқ от, тортилиб турган бўжининг хиёл бўшаганини пайқаб, бошини чайқаганича бўжини чўзиб ташлаб, йўргалаб кетди. Доктор қозоқчани чала билса-да, ўша билганини ўнғайсизланмай, эркин гапира берарди. Елкаси билан Мойқонга сал суяниб: «Менини вақт озгина, тўриқ йўрға у ҳам шошади, юбор!» — деди.

Мойқон бир оз кулимсираб:— Хўп, хўп, бўлади, бир-пасда етамиз! — деди. Бошини тортиб йўргалатиб келаётган оти, дарвозадан чиқиб, шаҳарга борадиган катта йўлга тушди. Энди Мойқон иккала оёғини чана олдига тираб, музлаб қолган бўжини силкитиб қолди.

Эгилган қадди букланиб бориб ёзилгандек, икки биқуни тўлиқ, катта-катта тақали тўриқ йўрға, пастликка, шаҳарга қараб фириллатиб олиб кетди. Секин

ёғаёттан қалин қор ғира·шира, симовий осмондан шамолсиз пайтда эринибгина тушаётганди. Түриқ йўрғанинг суръати билан лайлакқор, энди шамол эсаётгандек тўзғиб учиб, юз·кўзга эриб ёпиша бошлади.

Мойқон олиб келаётган доктор, касалхонанинг бутун Олмаота яхши биладиган қадрли доктори — доктор Федлер. У яхши доктор бўлишнинг устига, кўп меҳрибон, жонкуяр, одамгарчилиги дуруст киши ҳам эди. Абишга у бир томондан одамгарчилик, бир томондансталарча, дўстона кўнгил билан боқарди.

Олмаота шаҳридаги рус, қозоқ, нўғой, таранчи, дунган, қашқарлик, тошкентлик бўлсин, кўпчилигининг оғзида Федлернинг номи мудом олқиши билан тилга олинарди.

Бир лаҳзада шаҳарга кириб келган тўриқ отли ча на кафтдек текис, тўп·тўғри Калпаковский кўчасида суръатини сусайтирмай, фириллаб келаётир. Шундан кўндаланг яна бир ўқдек тўғри, кенг Сельский кўча бўйлаб Никольский бутхонасига қараб юрди. Йўли Калпаковский билан Сельский кўчаларидек текис эмас, ўнқир·чўнқир, шағал уйилган пасти·баланд, юриш қинин бўлган бир неча кўчаларни Мойқон кесиб ўтиб келаётир. Гордий кўчаси, Норим кўчаси, Сергиополь кўчаси, Розовая аллея деган кўча—ҳаммасидан ҳам отини елдириб, югуртириб ўтди. Ўзлари борадиган уйга юз тутиб, Старо·Кладбишчин кўчаси билан ўнг томондаги сойликка қараб яна отини қаттиқ йўргалатиб кетди.

Семей томоннинг қозоги аслида йўргани бу томондагилардек қадрламайди. Бу ерда бўлса иккенинг бири йўрга сақлашга тиришади. Яна пойгачи отдан ҳам йўргани қиммат баҳолаб, қадрлаб асрайди. Мана бу тўриқ йўрга ҳам Мағаш билан Мойқонларга бошқача қадрлаш юзасидан келиб қолганди. Ўшани эслаганда Мойқон ўз ичидаги тўриқ йўргадан ҳам, унинг эгасидан ҳам кўп миннатдор бўлди.

Қишининг бошида, булар Олмаотага келиб етганларида орқадан Семейдан қўшиб чиққан отлари ориқлаб келган эди. Ўшанда мана шу Никольский бухтонасининг ёнидаги кенг майдончага жойлашган от бозоридан Мағаш билан Мойқон шаҳарда қўшиб юришга бир от олмоқчи бўлишади. Буларнинг Абайнинг жигарлари эканлигини биладиган, Дат деган бир киши бозорда ёнларига келиб салом·алик қилишиб, ҳол·аҳвол сўра-

шади. Датнинг ўзи шу ёқнинг кўп халқидек Абайнинг отини эшишиб, сўзларини ҳам хила уқсан, ёдида сақлайдиган одамлардан бири экан.

«Шундай ном чиқарган Абайнинг яхши кўрадиган ўғли касалхонада ётган эмиш. Касали оғир экан. Уни Абай юборган кичик иниси йўқлаб келибди» деган гапни ҳам Дат эшигтан эди. Энди Мағашнинг бозорга келиш сабабини билганда, Дат бозордан от излаб юрмасликни маслаҳат кўрди.

— Абсаметнинг уйига тушган экансизлар. У ўзимизнинг ошна-оғайнилардан. Уша ерга борайлик. Бошқа жойнинг отингни-кимлигингни билмайдиган, ўзингни танимайдиган одами билан қандоқ қилиб савдолашиб, қўл сиқишиб юрасан, Мағаш чирогим. Ёшинг кичик, иним экансан. Абайнинг ўғлига бозордан от излатиб юрмаёқ қўяйлик. Бу ёқдаги эл ҳам Абайнинг эли. Ёт эмас, яқинларингиз. Отнинг иложини Абсаметнинг уйига бориб қиласайлик. Юринглар! — деб, Мағашларни ўзлари тушган Абсаметнинг уйига бошлаб келди.

Уша ондаёқ ўзининг остидаги мана шу, «бир қизнинг қалинига арзиди» деб таърифланадиган отини тортиқ қилди. Атрофга донғи кетган «Датнинг тўриқ йўрғаси» деган машҳур отининг эгар-тўқимини олиб, Мағашнинг қўлига нўхтаси билан тутқазганди.

— Элингга ҳам ола боргин. Абай оғага: «Улуғ юзнинг бир боласи совғага юборган бир тойи эди» деб олиб кетгин! — деганди.

Мана ҳозир Мойқоннинг Тошкент аллеясига қараб ҳали ҳам қаттиқ йўргалатиб, физиллатиб келаётган тўриқ йўрганинг шундай таржимаи ҳоли бор эди. Ушанда ҳам мол бозоридан чиқиб, Абсаметнинг уйига Дат билан бирга келишганда, мана шу Старо-Кладбишин кўчаси билан келишганди.

Доктор Абишнинг ёнида бир соатга яқин ўтириб, учтўрт кундан буён бўлган ўзгаришни пайқади-да, унча очилиб, юпатарли гап айта олмади. Пастлаб, аста-секин сўниб бораётган қимматли ёш, азиз жоннинг ҳоли оғир. Бу дард, Федлернинг ҳозирги билган илмининг қувватидан, чегарасидан четдаги дард.

Қўкламга чиқадими, ёз чиқса, кун исиса, «ҳеч бўлмаса туғилган еримга етиб, бир ёқли бўлсан» деган армонини ҳам бугун Абиш аниқлаб сўраган эди.

Ёніга Магашлар келгандан буён отасидан, оға-инила-ридан, онасидан, рафиқасидан соғинчли хат-хабарлар олганидан буён Абиш туғилған элини, иссиқ уясини, ота-она, жигарларини бениңөя соғинар зди. Ұшаны күп-дан буён даволаёттан докторгагина әмас, сирдоши, мунгдоши, яқын кишисідек күрадиган Федлерга бугун очиб айтган зди. Қариндошлари келгандан буён дарди енгиллашмаган бұлса-да, күнгли күтарилиб, қайғуси камайған Абишга, бир вақтда Федлер касалхонадан чиқиб, мана шу уйда ётиб даволанишга рухсат этганди. Шунинг әвазига ҳар уч кунда бир келиб турышни, қатнашни ранжимай ўз бүйніга олғанди.

Абсаметнинг ёруғ, кенг хонасини Абишга бүшата-ётгандарыда унинг ўзи синчиклаб қараб турди. Үйдаги чойшап, гилам, шолча, намат сингари чанг күп бўла-диган жиҳозлар, нарсаларнинг ҳаммасини йиғдириб чиқартирған зди. Абсамет бўлса Абишга касалхона беролмайдиган қимиз ҳозирлатиб ўтирибди. Ҳовлисида учта қисир бия соғдириб турнибди. Доктор бўлса бун-дай чоғда ёзадиган рецепті билан таъсири кам, кўмаги кучсиз дорисини беради. Ҳамиша ўзи қараб, еб-ичиши, парвариш-сақланиш ҳақидаги, юз марта айтган масла-ҳатини эслатади.

Абишнинг ҳалиги армонига у ўйланиб, тўхтаб туриб жавоб берди. Жиддий, ўйчан, катта-катта қўй кўзлари дерәзага тикилди. Енгил қор тўппа-тўғри қўйилаётгани бўлса-да, аста-секин, гўё бир оғир салмоқ билан туша-ётгандига ўхшайди. Нарироқда япроқлари тўкилған, куз хароб қилган, оқиши тортган кўп дараҳтлар кўринади. Баланд бўйлари, қалин бутоқлари билан қўшилишиб, пастга осилишиб, ўзларича бир кул ранг чанглазор оламга ўхшайди.

Олмаотанинг бугунги осмони ҳам устма-уст ўртил-ған оғир, симовий булутлар билан қопланған. Кун ҳам руҳсиз. У кунга назар ташлаган ўй ҳам руҳсиз. Ишонтиргудек, умидбахш этгудек ишончи оз бўлса-да, меҳрибон Лев Николаевич шу қадар назокатли, заккий Абишни ранжита олмади. Үзининг чорасизлигидан бе-ҳад сиқилиб, қийналаётгандек бўлди. Шундай қилиб ўтириб:

— Мумкин ёзга, балки Абдираҳим етарсиз, чиқар-сиз! — деб бир оз тутилиб гапирди. — Ҳавө бир оз исиб, чанг-тўзон кўтарилмай турған пайтда, шошмасдан,

яхши парвариш билан борурсиз. Аста-секин юриб, ўз туққан ерингизга етарсиз деб умид қиласман! — деди.

Лекин чор-ночор, ўнғайсизланганидан айтаётгани күриниб турганди. Бу гапни бошқача алоқаси йўқ бир гапдек, шунчаки айтиб қўйганга ўхшайди. У ҳамиша соатини ўтказмай келиб, Абишни кўргани билан, бирор марта ўз-ўзидан хурсанд бўлиб кетган эмас. Шу шаҳардаги бошқа касал билан бетоб бўлган, ёшу қарига, эркагу аёлга ҳам қандай ёрдамлар берган эди. Гўр оғзидан қайтариб, ажалнинг оч чангалидан юлқиб, орага тушиб қутқарив қолган қанча-қанча одамлар бор.

Шаҳар ҳалқининг ҳаммасининг оғзида Лев Николаевич Федлернинг номи достон бўлиб кетганидан, шаҳарда тажрибали докторлар кам бўлгани учун бу одам ҳар хил касалларни қарай берар эди. Сўнгги ўн йил ичида ўзи зўр жарроҳ ҳам бўлиб олган. Лекин, на чора, битта Абишга қолганда давоси таъсир қилмайди, чораси битган, кор қилмайди. Фақатгина: «Қараётган доктор бор, у — Федлер, ҳар уч кунда вақтини ўтказмай келиб туради. Қараб туради» деган гапнинг ўзи, бирйўла умиди узилиб бўлмаган навқирон ёшнинг суюнчиғи дейилса бўлади. Шунинг учун у канда қилмай келади-да, бирор марта кўнгли кўтаришмай, дарди ичидаги қайтиб кетади.

Тили-ю, дили бир, хушфөъл Федлер Мағашга ҳам ёлғон гапира олмайди. Унинг ҳам латиф, гўзал, мулоҳим чеҳрасида оғир қайғу, оғули ёшларини кўриб турса-да: «Юпата олмайман, азизим, сизга ёлғон айта олмайман, лочиним! Абдираҳимнинг соғлиғи қувонтирмайди. На чора, на чора!» — дейди.

Бугун ҳам ташвиш тортишдан бошқа гап айтмай жўнаб кетди.

Мағаш уни эшиккача чиқиб, чанага ўтириғизиб кузатиб қўйиб келганида, Абиш ёстиғининг тагидан янги келган хатларни олиб, юзини яширганча кўзига жуда яқин олиб бориб, ўқиётгандек бўлиб ётган экан. Ўқиши у ёқда турсин, ниҳоятда кўнгли чўкиб, қайғуда ётибди. Қўлидаги қофози Мағишдан, уйдан келган хат. Кўп ёзилиб, букланиб солинган хатнинг орасида битта сариқ, битта қизил иккита қофозни қони қочган, чиройли, нафис лабларига бир оз босиб ётди. Упаётганга ўхшайди...

Энди ингичка қийилиб келган қошларини кериб, Мағишинг хатига секингина ишора қилиб, ёнига келган Мағашга сұза қотди.

— Мана бу биттаси сариқ, биттаси қызил қоғозларни күр-чи... Мағиши: «мен соғиниш билан ўйлашдан сарғайдим... кичкина гүдагинг Рахиланғ бўлса юра бошлади. У қизғалдоқдек, шириңгина бўлиб, яхши ўсиб келаётир, деб ёзибди. Мана бу биттаси сариқ, биттаси қызил қоғозлар менинг Мағишим билан Рахилам-ку!— деди-да, кўзларига ёш олиб, ингичка қошлари тез чи-мирилиб, бурун катаклари титраганича ўгирилди. Танаси эмас, юзини ўғирди. Бир оз ётиб, ўзини тўхтатиб олиб хиёл пичирлаб:— сарғайиб озган Мағиши, қизариб, гуллаб келаётган Рахила-ку,— деди яна.

Мағаш бундай пайтларда Абишнинг жуда ҳам кўнгли бузилишини, анчагача оғир хаёллар чангалидан чиқа олмай қолишини ўйлади. Шунинг билан кеча келган хатлар орасидан сал кўнгилли, ҳазили бор жойлари бўлган Дармен ҳамда Какитойнинг хатларини эслатиб кўрди.

Абиш ҳозир уларга алақсимади. Ёстигининг тагига оғзин, ингичка қўлини яна секингина тиқди-да, отасининг хатини олди. Уни ҳам кечадан олганидан буён неча қайта ўқиган эди. Абайнинг илгариги хати ҳам шу ерда экан. Иккита хатдаги шеърларни ўқиб, Абиш сўник товуш билан ўзининг эндиги бир фикрини айтди.

— Оғам чўчиётир-а! Шундан-ку... Художўй, диндор бўлиб кетаётир. Менга ёзган хатларида ялинган, ёлворган, чўчиб тилак тилаган бир кайфият пайқалади. Сезаётисанми, Мағаш? Еки тинкаси қуриганда, умид узилаётганда одам шу зайл ялиниб-ёлворадиган бўлиб қолармикан?— деди. Фикрини охиригача етказмай, батамом айтгиси келмай жим қолди.

Мағашга қимиз келтиришни буюрди. Эндиги асосий овқат шу. Икки-уч ҳўплади-да, қимизни Мағашнинг қўлига бериб, халиги фикрини бир сиридек айтди.

— Ҳаммасидан ҳам қаттиқ ботадиган бир хаёл бор. Оғам армонда қолди-ку!.. Менинг ҳақимда ўйласа армондан бошқа нима қолди? Уқитган эди... Үсдирган эди. Эришадиганига эришгандир-ку, деб менга шодланниб боқарди. «Билиб, етилиб келиб, халқингга яхши хизмат қиласанг, мен армони йўқ ота бўламан» деган эди. Нимасини айтаман, ҳаммасидан аччиқ оғу шу-

ку,— деганида, озғин заъфарондек юзига катта-катта томчи ёшлари дувиллаб оқиб кетди.

Мағаш сукутда. У юзидан дастрўмолини ололмай, Абишга юзини кўрсата олмай ўтирганди.

Орадан яна кўп кунлар ўтганда, Семейдан, элдан бир неча марта хатлар келди. Бу томондан ҳам бир гал ўз номидан ёсса, бир гал Абишнинг номидан қилиб Мағаш ҳам хатни узмай турди. Бугун ҳам кенг хона холи. Бу чоғда Абиш бош кўтармайди. Кўпинча чалқасидан ётади. Нозик, эти бориб устихонига ёпишган ҳолда ёстиққа, пар тўшакка сингиб кетгандек, кўп қўзгалмайди.

Олмаотанинг қиши ҳам чиқиб келаётганга ўхшайди. Бугун бир ажойиб, чараклаган очиқ кун эди. Кўча бўйидаги баланд, азим, ўқдек тўппа-тўғри теракларнинг яланғоч бутоқларига келиб қўнган қарғалар йил келганидан дарак бераётгандек тинмай қағиллашади. Абишдан нарироқда, стол ёнига ёлғиз ўтирган Мағаш нимадир ёзаётир. Анчадан буён ёзиб ўтирганга ўхшайди.

Ташқарида чараклаган қуёшнинг баҳри-дилини очиб яшнатган осмони шу қадар тиниқ, топ-тоза, кўмкўк. Эшикда югуришиб ўйнаётган болаларнинг товуши келаётир. Кўчада одатдан ташқари кўп пиёда ўткинчилар кўзга чалинади. Фовур-ғувур қилиб чанада ўтаётгандар ҳам кўп. Катта байрам яқин дейишган эди, шунинг учунми, деразанинг тагидан жез қўнғироқлар жаранглаб ўтди. Отнинг кокилига, ёли, думига, қизиляшил аламлар боғлаган, кенг чанага гилам ёпган ўткинчилар нағма чалишиб, куйлашиб кетишаётир. Шу сингари бир неча чана дераза тагидан ўйин-кулги қилиб ўтди. Яйрашиб, шодланишиб, шовқин-сурон қилиб кетишаётир.

Ташқарида ҳаёт шундай. Уй ичида ёлғиз ўтирган Мағашнинг дилисиёҳ. У кўпдан ёлғиз. Бурчакдаги қарвотда жонидан ширин оғаси, азизи ётибди. Ӯшанинг аҳволидан бошқа ҳаёт Мағашни на чалғитади-ю, на чанги.

Ҳали ўтган соғлом ҳаётнинг шовқин-суронига Мағаш хиёл кўз ташлайди-да, яна ўз ғурбатига ботиб, ўзининг эндиги ягона сирдоши — қоғозига эгилади. Илдам қўли яна бир неча сатрларни оқ қоғоз юзига баён этади.

Унинг шеър ёзиб бўлганини ётган жойида ҳам яхши сезган Абиш гап қотди.

Магаш пайқамаган экан. Абиш гарчи жимжит ётса ҳам, жуда ҳушёрга ўхшайди. Астагина қўлини чўзиб, пичирлаб сўзларкан, буйруқ қилди.

Шеърингни битирдинг-ку, бер-чи!..

Магаш беришини ҳам, бермаслигини ҳам билмай, тараддусланиб қолди. У Абишнинг худди мана шу ётган ҳолини тасвиrlаган эди. Ӯшани беморнинг ўзига четдан кузатувчининг тили билан тасвиrlаб беришни оғир билди. Бермаса Абиш ранжийдими деб ҳам андиша қилди. Тортиниб қолди.

Абиш унинг кўнглидаги саросимани ҳам билиб турибди.

— Андиша қилма, ранжимайман. Сен ёзсанг ҳақиқатини ёзасан, бер! — деди.

Магаш қофозни келтириб берганда, Абиш аввало қимиз сўраб уч қултум ичди-да, томогини ҳўллаб олди. Яна Магашнинг кўнглига тасалли бергиси келиб, куч билан жилмайиб, ҳазил қилди.

Магаш ҳамон сукутда. Акасининг тўшагига келиб тирсагини тираб ўтирди. Абиш қонсиzlаниб, суюги кўрингудек бўлиб озган узун, ингичка бармоқлари билан қофозни ушлаб ўқиётir.

«Мана, ёлғиз ўтирибман ҳар хил хаёлни ўйлаб,
Чидаб зўрга, кўзга келган ёшни куйлаб.
Бемор тинч бўлганида, мен ҳам тинчман,
«Иҳ» деган товуш чиқса, юрак ўйнаб,
Инқиллаб ётади у заҳил бўлиб,
Хириллаб йўталолмай кўкрак тўлиб.
Ёлғизлик, ноиложлик эсга тушиб
Юрак бадтар эзилар буни кўриб.
Тўғри сўз, зўр одобли, тоза юрак,
Оқ кўнгил кўксисда ҳеч сақламас кек.
Ҳаётдан умиди йўқ, меҳнати кўп,
Ётади зўр кўкраги қўзғалмай тек.
Бўлади, билган киши айтса эр деб,
Тап тортмай ҳеч нарсадан ётар «кел» деб.
«АЗобингдан қутқар-чи, бор тилагим,
Айтади жоним ҳозир олабер» деб.
Кўп илтижо қилади айтиб шундоқ,
Мен чидайман эшитиб буни қандоқ?»

Юзин кўриб, меҳнати эсга тушиб,
Ўзимни тутолмадим бугун тийиб!»—

деган сатрларни ўқиб бўлиб, Абиш хийла вақтгача куч йигиб, хаёлни бир жойга тўплаётгандек жим қолиб ёта берди.

Бир вақт Магашнинг юзидан кўзларини олмай, сенин гапира бошлади.

— Менинг касалим ҳақида қанча-қанча шеърлар туғилёттир. Оғам, Дармен, Қакитой, бу ерда сен. Фақат ҳасратда туғилмай, шодликда, эсончиликда туғилса эди! Ўшанинг учун туғилса эди!— деб бир оз жим ётиб, яна соғлом ҳушёрлик билан эндиги фикрларини айтди.

— Бор шеърларга зеҳн солсам, шу қадар шоир бўлиб, жуда ҳам санъаткор бўлиб кетаётисизлар! Яна бу хилдаги шеърлар илгари қозоқ тилида яратилмаган бўлса керак-а?— деб ўз-ўзига савол бериб, яна бпр оз ётди-да, кейин жавоб қилди.

— Оғам орқали рус санъатидан келаётган чин ўрнак-ку! Лекин қайғуни черта бермаслик керак. Оғамга ҳам шуни айт. Мен ўзи билан сұхбатлашганимда ҳамиша шу фикримни айта берар эдим... Етказа олдимми. йўқми... Рус санъати оғамни булутга миндиргандек, баланд кўтарди-ку. Уни ёруғликка олиб чиққан рус санъати бўлди! Мана энг қизифи, шафақ отиб турган энг ёрқин, шодлик чоғи олдда... Россиянинг келажаги ўзгача — ёрқин, чароғон! Ўшани мен Петербургда, Москвада кўп одамлардан жуда кўп эшитган, уқсан эдим. Бир четини оғамга, ўзларингга айтган ҳам эдим... Кўп ишларни анави Павлов яхши билади. Уларнинг гапига қулоқ солсанг, умиддан бошқа гап гапирмайди... Ўша Россияни англаш керак! Семей, мана бу Олмати, булар йироқ-йироқдаги қоронги бурчаклар. Лекин Россиянинг тонги йироқ эмас!— деб чуқур маъноли бир тахминга борди-да, яна анчагача жим қолди. Кейин индамай икки қўлини Магашга чўзиб қимиз олдириб ичди-да, энди бошқа бир вазият олиб, гап бошлади.

— Бирор туғилади, бирор вақтли, вақтсиз оламдан ўтади. Лекин ҳалқ, жамият, замон ўз йўлида давом этади. Ҳеч бир киши—шахс дунёга устун бўлолмайди. Сенлар ҳам бирйўла чўкиб, икки букилиб қолманглар!— деб яна бир оз ётди-да, энди жуда тетикланиб

куч билан жилмаядиган кайфиятига күчиб, Мағашга ҳазил қилди.

— Сенга нима бўлди!— деб ҳалиги шеърини қўлига олди.— Қайғудан, кўз ёшидан, ҳасратдан чиқмай қолдинг! Мен ундоқ қилишга рухсат бермайман! Қўй уни, кўнгил кўтар. Менинг ёнимдан кўчага, шаҳарга чиқиб, бир ёзилиб кел-чи!— деди.

Шу чоғ тушлик овқатнинг вақти бўлиб, кундаги одати бўйича, Мағашни меҳмонхонасига таклиф қилиб, Абсамет кирган эди. У шу сингари кундузи бир маҳал, кечаси бир маҳал Абишнинг ёнига киради-да, ҳоли-аҳволини билиб, ўз кўзи билан кўриб, секин, мулоҳимгина, ётиғи билан сўраб, билиб чиқарди. Ҳозир Абсамет кирганида Абиш уни ҳам қўли билан ёнига чақириб олди. Мағашга: «Ўтегелди билан Мойқонни чақир!» — деди.

Даҳлиз уйлардан бирида Абиш билан Мағашнинг аҳволига мудом зеҳн солишиб, кайфиятларидан билишиб, кўпинча дамлари ичларида бўлиб келаётган икки хушчақчақ, бақувват, туйғун йигит энди юзларида бевозталик, қўрқув акс этгани ҳолда киришди.

Абиш ҳалигидек ўз ҳолига яраша кўнгил кўтарганича Абсамет билан Мағашнинг қўлларини ушлаб ётганди. Ёнига йифилиб келишган дўстларининг ҳаммасига энди эшитилар-эшитилмас товуш билан бир ишни топшира бошлади.

— Менинг Мағашим уйдан эшикка чиқмай ўтиравериб сарғайиб, озиб кетди. Бугун русларнинг қизиқ байрами — масленица. Мен эшитиб ётибман, Олматининг кўчаси тўла ошула-кулги. Бугун тўртталанг чана қўшиб, шаҳарнинг ўртасига боринглар. Тўриқ йўргани қўшинглар. Бу шаҳарда масленицада ҳамма ўйин-кулги, томоша қиласи. Сенлар ҳам катаса қилинглар! — деган гапларини рад этиб бўлмайдиган буйруқ тарзида айтди.— Мағаш, Ўтеш, боринглар, томоша қилиб келинглар! Абсамет, сен тўриқ йўргани ўзинг йўргалатиб, шу шаҳардаги бор йўргалардан ўздириб кел. Мен соврин бераман! — деб кулиб қўйди.

Ўйдаги эркакларнинг ҳаммасининг чиройи очилиб, қўша кулишди. Бош ирғашиб, бараварига гап бошлашди.

— Хўп бўлади. Айтганингдек қиласи!

— Ўздириб келамиз!

— Фақат сен буюрсанг бўлди!

— Ё мат! Тахаси енгил! Бери қараб, тузалиб келаётир-ку!— деган сўнгги гапни Абсамет жуда ҳам шодланиб айтди.

Уша куни тушдан кейин, ҳалиги тўрттови иккита чанани Абсаметнинг кенг ҳовлисидан физзизон қилиб, чоптириб чиқишганди. Қенгроқ, қулай чанада Мағаш билан ўтегелди орқароқда ўтиришди. От бошини тутишга уста Мойқоннинг ўзи козлага чиқди. Абсаметни олдилариға солиб олишиди. Ихчам жуссали, чўққи қора соқолли, чақнаб турадиган катта-катта қора кўэли Абсамет, чиндан ҳам ҳеч кимга айтмай, тўриқ йўргани Мойқон иккови «ҳа» дейишиб, яхшилаб боқишиб, ма-на шу масленкага ҳозирлаб юришганди.

Бугун Мағашлар шаҳарни жуда кўнгилли, яшнаган ҳолда кўришди. Учалови чанада сўзлашаркан, Семейдан Олмаотанинг бутунлай бошқачалигини айтишиб, хурсанд бўлиб томоша қилишарди. Қечки пайтларда зўр гавдаси билан осмоннинг қоқ ярмини оладиган қалин қорли Олатов одамнинг хаёлини сеҳрли бир магнит билан ўзига тортаётганга ўхшайди. Суқлантириб тортади. «Қандай баланд, қандай азамат, қандай ажойиб олам» дейишдан бошқа сўз топиш, тасвиrlаш қийин туюлади.

Тўғри, уйлари фақат бир қаватли, деярли ҳаммаси ёғоч бинолар. Семей, айниқса катта Семей буларнинг айтишига кўра ҳам, тўғриси ҳам бу шаҳарнинг ўйларидан қанча баланд, катта, кўркам тош бинолар билан безатилган. Аслида бу учови Олмаотанинг кўчасига чиқиб, ўзаро сұхбатлаша бошлашса, ҳамиша Олмаота билан Семейни галма-гал тилга олишиб, таққослаш билан бўлишарди. Ҳозир ҳам булар шу шаҳарнинг боғириғи билан мева-чевасининг кўплигига қизиқишаётир. Айниқса кўчалар бўйидаги, буларнинг тасвирига кўра, «одам айтгусиз азим дарахтлари» қандай. Осмон билан ўпишиб турган, катта оққайнлари, йўғон эманлари-чи! Ҳаммаси ҳам анати улув Олатовга яраша битган, ўсиш, униш аломатларига ўхшайди.

Ўтегелди Мағашдан шаҳарнинг боғлари ҳақида ҳайрон бўлиб сўраб келаётир.

— Хўш, мана шу шаҳарнинг бутун боғи бир кунда барпо қилинганми? Бутун дарахтлари бир соатда экилганми? Нега бу, ёз чиқарда қирқилган той-ғуон-

ларнинг ёлидек дараҳтларнинг ҳаммаси төп-текис? Ҳаммасини төп-тенг қилиб ўстириб қўйган қайси худо экан!— деди.

Мағаш бу шаҳар ҳақида кўп эшитиб, Абишнинг соғлиги ҳали анча дуруст вақтида унинг ўзидан ҳам кўп уққан эди. Ўтегелдига Олмаотанинг боғлари ҳақида гапириб берди.

— Бу ерда бундан саккиз йил муқаддам бўлган, ҳалиги машъум офат зилзиладан кейин боғларнинг дараҳтлари қайтадан экилган! Сенинг пайқаганинг тўғри. Кўп боғларнинг мева дараҳтлари, кўчалардаги мана бу манзарали дараҳтлар бир вақтда экилганлиги учун қирқилгандек, бир текис бўлгани тўғри!— деди.

Олмаотанинг мевалари пишиб турган пайтини кўрмаган Ўтегелди мана шу шаҳарда дараҳт кўплиги шаҳарнинг ҳусни, ҳалқнинг ризқи эканлигига дурустроқ баҳо бермайди. Олмаотанинг Семейдан ортиқлиги шу деган гапга асти кўнмайди. Узи Чинғиздек дараҳтсиз тоғда ўсан, даشت-биёбоннинг одами бўлгани учун, баъзан Ўтегелди Олмаотанинг кўча бўйидаги дараҳтларини кўролмай, ёмонлаб ҳам юради.

Бугун Гордий кўчасига келиб, ундан Сельский кўчилиб юрган кўп чаналарнинг пойгачи отлари, йўрға отларига қараб тўхтаб туришгандা, Ўтегелди Олмаотанинг дараҳтлари ҳақидаги гапини яна давом эттирди. Абсамет бўлса, Сельский кўча бўйида тўриқ йўрға билан, бир тўп йўрғанинг орасига қўшилиб, узоқ пойгага кетган эди. Ушанинг яна қайтишини кутиб туришганларида, Ўтегелди энди Мағаш билан Олмаота шаҳрининг дараҳтлари ҳақида баҳсга тушди.

— Айта берсанг бу шаҳарингнинг ҳамма кўчалари ўғри. Айниқса ёзнинг куни япроқ ёзганда, қандоқ дегин! Ҳар бир дараҳтнинг уйдек соясига биқиниб туриб, бирорни тўнайман деса, уйни уриб кетаман деса, ўшанга кўмаклашиб тургани йўқми? Ундан қола берса, анави Олатовнинг қўйни-қўнжи, тик қарағайлари, у ҳам шунақа ўғри! Мана бу кўчадан йўл ол-да, анави тоғдаги, қоядаги чирмashiб кетган қалин тиканак қарағайзор, хилват жойга бориб кир-да, кет! Тўппла-тўғри «ўғирлаб қоч-да, шу ерга кел» деб тургани йўқми.

Мағаш бунга кулди.

— Хүш, ўша айтганларингга яраша шу шаҳарда ўғри кўрдингми? Қелганингга бир неча ой бўлди, неча марта «отлан»лаб чопдинг?

— Униси рост, бир қизиғи шу ерда ўғри йўқ. Мен айтайми, агар ўзим ўғри бўлсан, худди мана шу Олматининг ўғриси бўлардим!— деб Ўтегелди Мағаш билан Мойқонни анча кулдириб олди.

Аслида камгап Мойқон ҳозир бунга ҳайрон қолиб:

— Катта шаҳар, тумонатдек одам гавжум срда тураётган одам ҳам шундай дея берар экан-да. Ўғрида нима ҳақи бор экан бунинг?— деди.

Ўтегелди шунга яраша ўзининг бир катта далилини келтириди.

— Вой, вой, ундоқ деманглар. Мен Абайнинг ўзидан эшигтанман, ундоқ дейдиган бўлсанг... «Нима учун бизнинг Тўбиқтида энг ўғриси кўп эл Мирзабўжей?» деб бир сўраганимда, айтган эди. «Кўрмайсанми, уларнинг қишлоғ-яйловларини қара-чи! Яккаш Қўйтос, Қизилтос, Ўғрисой, каталак-куталак. Ерининг ўзи ўғри эмасми? «Ўғирлаб олиб кел-да, бир муюш айланниб бир сойга кир-да кет! Ичак-чавағини ағдариб сўй-кўй!»— деб турибди-ку, деган эди. Шу гапни Абай айтган, сенлар мени унақа қалака қилманглар. Үнга кўнадиган киши йўқ!— деб, ёлғондан қовоғини солиб, мийигида кулиб қўйди.— Кўчаси ўғри бўлгандан кеёнин боғи-роғи ҳам ўғри-да!

Мағаш бунга яна кулди-да, кенг кўчага сифмай, қаторлашиб, қорли йўлни ғижирлатиб, елиб-югуриб келаётган кўп чаналарни кўрсатди... Уч от қўшиб, қўнфироқларини жаранглатиб, бақириб ашула айтиб, шақиллаб кулишганларича бир тўп маст-аласт эркагу аёллар чанани чоптириб ўтишди. Буларнинг отлари... Абсамет сингари атайин пойгага чиққан, пойгачи, ёки йўрға отлар эмас. Оддий, кунда қўшилиб юрган, сули билан кепакка галма-гал тўйиб, хом семирган юккаш отлар. Жайдари моллар. Улар қаттиқ чопганларида ҳам лўқиллаб, сертуқ гавдалари қўпол ҳаракат қилиб, чанадаги қизишган-маст эгаларига ўхшаб, лапанглаб чопади. Бесўнақайликлари билан кўча бўйидаги ҳалқни кулдириб, ҳазил қилдиришади. Онда-сонда ўтадиган, ичишиб қизишган одамлардан ташқари, Сельский сингари кўндаланг, тўппа-тўғри кенг кўчага сифишимай ёндашиб, шиқирлатиб пешоналарига қор тўзитиб, шамол

урдириб ўтаётан пойгачи чаналар ҳам бор. Шуларнинг баъзиларига ёли қалин, оёқлари узун-узун, боши келишган отлар қўшилган. Тик қулоқлари, қисқа думларида ҳам бир таннозлик пайқалади. Шу сингари сувдек йўрға пойгачилар ғириллаб ўтади.

Улардек зоти асл бўлмаса-да, қозоқ молидан чиқкан, юриши чиройли тўриқ йўргалар, бўз йўргалар, қора йўргалар ҳам қор тўэфтиб елиб ўтади. Рус йилқисининг зоти асл пойгачилари ҳам, ўз рақобати, пойгасини қилиб, ўқдек тез ўтаётир. Бир вақт Мағаш, Мойқон баравар пайқашиб, бақириб юборишди. Ўнтача енгил йўргаларнинг энг олдинги тўпида, қуёндек оплоқ бўз йўрға билан «узанги қоқишиб» тўриқ йўрға ҳам елиб келаётган экан. Турганлар беихтиёр бир оғиздан «Абсамет, бос!» деб, қичқириб юборишди.

Пойга янги бошланган экан. Ўнта йўрға, олдинги бир оқ, бир тўриқ отни ўздириб юбормай, изма-из келаётир. Пойга Калпаковский кўчаси билан бориб, Тошкент аллеясига етди-да, шундан паркни айланиб, яна Калпаковский кўчасини қуршаб олди. Мана шу Сельский билан бориб, оқ бутхонанинг олдидаги майдонда, мол бозорида тўхтади.

Кўпчилик шу хабарни эшитгандан кейин, энди йўргаларнинг пойгасини маррада кўрмоқчи бўлди. Мағашлар яна чанага ўтириб, йўртганларича оқ бутхонанинг ёнига келиб тўхташди. Бу ерга ҳам одам кўп йиғилган экан. Шаҳар халқини Мағашлар энди пайқашибди. Бу ердаги бир тўп одам, ўқувчи йигитчалар экан.

Одамлар орасида айниқса оқ тугмали, кул ранг шинель кийган гимназия ўқувчилари кўпроқ кўринади. Ҳар хил маҳкамаларнинг сариқ-чипор тугмали чиновниклари ҳам хотинлари билан кўриниб қолишади. Лекин йиғилганлар ичидаги кўпчиликни сариқ-чипор қилич тақкан, қизил-сариқ ўрама боғлари чалкаш-чулкаш осилган полициялар, урядник, стражниклар ташкил этади. Мана шулар кўзга ҳаддан ташқари кўп бўлиб кўринади. Уларнинг тўралари, жандарм офицерлари ҳам тез-тез кўриниб туришади.

Шундай бўлмаслигининг иложи ҳам йўқ. Сабаби тўқсонинчи йилларда, мисол учун, соғликни сақлашга ишлатиладиган харажатнинг ҳаммаси мана шу шаҳарда полицияларга сарф қилинадиган харажатнинг ўндан

бир қисмини ташкил қилас әди. Шунинг учун ҳам Абиш соғ вақтида шу ердаги дуруст одамлар билан күп марта очиқ сўзлашганида: «Верний шаҳрида ким кўп?» деса, «саллали муллаваччалар билан сариқ-чи-пор қиличли жандармлар кўп» дейишарди.

Уша кўпнинг бугун ҳам кўриниши мўл. Қозоқ, нўғой, таранчиларни олганда, уларнинг кўпчилиги беин мачитнинг муллаваччалари, халфаларига ўхшайди. Нўғойча телпак кийган мана шу қавм ҳам бугун масленканинг ялпи ўйин-кулгисига, шом қоронғисини ёпиниб, гала-гала бўлиб келишган кўринади. Албатта, буларнинг устига, сони оз бўлса-да, тулки томогидан тикилган пўстинли, тулки пўстинли, сувсар пўстинли, мақтанишиб, чиранишиб чиқишиган рус, нўғой бойлари, таранчи, қозоқ савдогарлари ҳам кўринади.

Яна бир тоифа кўп ҳалқ, мана шу йиғинда қўл чўзишиб юрган, ғоят озиб-тўэзиган чеҳрали гадойлар. Ҳақиқатан эса шу пайтдаги Олмаота бир томондан озиқ-овқат, мева-чева жуда тўкин шаҳар бўлса, шу билан бирга, бу ерда неча хил ҳалқдан чиққан гадой, тиланчилар ҳам жуда сероб әди. Буларнинг бир катта тўпи — сўнгги йилларда ички Россиянинг ерсиз қолган, очарчиликка учраган деҳқонлари. Макон излаб, истиқомат қилгудек жой излаб, ҳалол меҳнат-касбнинг пайига тушиб келган қора ҳалқ. Қора меҳнат аҳли. Яна сўнгги йилларда саҳрода-ю, тоғда бўлган беомон ют туфайли бутун овул-аймоғи биланчувалашиб, тўзиб кетган қозоқларнинг оч-ориқлари ҳам кўп.

«Бирор тўқликтан сакрайди, бирор совуқдан сакрайди». Томоша қилгани чиққан тўқлар орасида мана шу қари-қартант ота-оналар шўри қайнаб, ўзларининг худди шу бугун кечаси очдан ўлмасликларининг тамаддифини тилаб юришибди. Магашни танийдиган, Абишини биладиган бир неча қозоқ тиломоч чиновниклар ҳам шу майдонда кўринишиб, Абишнинг аҳволини сўрашиб, тўриқ йўрға ҳақида сўзлашганди. Шаҳарда тушдан буёи мусобақа, пойга бўлаётган бўлса-да, қош қорайиб, қоронғи туша бошлиши биланоқ бор кўчалар зим-зиё, қоп-қоронғи зулматга айланди.

Шаҳарнинг қоқ ўртасидаги катта, кенг кўчаларнинг ҳам бирор ерида кечки чироқ йўқ. Бутхона ёнида йўргаларнинг қайтишини кутиб турган ҳалқ, бўз отнигина бўлмаса, бошқа тўриқ, қўнғир, қора, кул ранг от-

ларнинг ҳаммасини «тўриқ» деб тахмин қилади. Қайси от ўзиб келаётганини аниқлаб била олмайди. Лекин шунда ҳам йилига бир мартағина бўладиган мана шу соатдаги пойгага йигилган барча шаҳар ҳалқи синчиклаб қараб турибди.

Кўча ва майдон бутунлай зулмат билан қопланган бўлса-да, тумонатдек йигин тарқалмади. Бутхонанинг тоғ томонига тўпланиб, иккига ажралиб, орада отлар ўтадиган кенг кўча қолдириб, соатлариға қарашиб: «Келади, келиб қолади!» «Энди келаётир» дейишиб, шошилиб кутишаётир.

Айтгандек энди бир оздан кейин кўча бўйида, ярим чақирим келадиган ерда бир тўп қора кўриниб қолди. Бошқа йўловчи, от, чаналардан мутлақо холи қолган, волициялар қараб турган кенг, очиқ йўлда енгил чанали жўшқин йўрғалар, тасирлатиб, рақобат қилиб келишаётган экан. Бутхона кўриниб, беҳисоб ҳалқнинг қораси сезила бошлаганда, Абсамет ўзгариб кетди. Энди кичкина чанасининг қайтарилган олдига иккалоғенини маҳкам тираб олди. Шу чоққача қўлларини шилиб, еб келган, боши тошдек қаттиқ тўриқ йўрғанинг бўжисини тортиб қолиб, бир лаҳзада силтади-да, икки ёғига, қовурғасига куч билан шарт-шурт бўжи уриб юборди.

— Чув-а, ҳайд-а! деб, товуш ҳам жаранглаб, қаттиқ чиқди.

Сувлигини қаттиқ тишлаб олган тўриқ йўрға энди бир нафас қайсарлик билан қаттиқ тортилган бўжининг сал бўшай бошлаганини пайқади. Сўнгги марта ўзининг кирвоз, латиф ҳаракатидан қилиб, кокилини орқага қайириб ташлади. Гижинглаб, бошини дўғага ургудек бўлиб, чайқаб-чайқаб ташлади-ю, учиб берди.

Шаҳардаги бир тўп магазиннинг эгаси, отоқли бой Абдивалиевнинг бўз йўрғаси ҳали ҳам буни ўздирмай, шоти қоқишиб келаётган эди. Тўриқ йўрға маррани эндигина пайқагандек, Абсаметнинг қаттиқ қичқириб «ҳайт, чу-ү!» деган сўнгги ҳайқириғи билан ўқдай учиб ўза бошлади.

Шундан кейин секунд сайин боши ўзиб, бўйни ўзиб, бўйни олдинга тушди. Яна бир оздан кейин бўз йўрғанинг буғ отиб келаётган бурун катаклари Абсаметнинг чап елкасида озгина вақт билиниб турди-да, тўриқ йўрғанинг чанаси ҳам ўзиб чиқди. Ўша кетганича ош-

қиниб-тошқиниб, атрофдагиларни чуввос солдириб шодлантирганича, ҳамма йўрғадан ярим кварталча ўзиб чиқди. Тўриқ йўрға бутхона ёнидаги қоқ ёрилиб турган одамлар ичидан юлдузdek учиб ўтди.

Отлари шаҳарнинг тўраси-ю, фуқаросига, руси-ю қозогига батамом афсона бўлган Абсамет билан Мағаш, овқат пишар пайтда гангир-гунгур сўзлашиб, хурсанд бўлиб суҳбатлашганларича ўз ҳовлиларига киришганди.

Даҳлиз уйларда Абсаметнинг хотини, болалари, хизматкорлари келгандарни ешинтира бошлиши. Улар ҳовлиқиб, кулишиб, ҳузур қилиб хушхабарларини айтишашётир. Усти-бошларининг совуқ ҳовури кетиб, таналаридан кўчанинг совуғи аригандан кейингина Абсамет бошлиқ Мағашлар тўрдаги уйга, Абишнинг ёнига киришди. Унинг кўзлари юмуқ бўлса-да, уйғоқ ётган экан. Қўлини хиёл кўтариб, кирганларни ёнига чақирди.

— Эшитиб ётибман, ўзибсанлар! Шодлик... Хайрли бўлсин, Абсамет... мен сенга мукофот тайёрлаб қўйдим! — деди-да, ҳали ёстиғининг тагига тиқиб қўйган катта, узун ханжарини суғуриб олди. Сопи фил суюгидан ясалган. Қинига туташ кумуш урилган, Кавказ устасининг моҳир санъатини намойиш қиласидиган ханжар.

Аббастуманда даволаниб ётган йили, ёзда, Абиш ўша Кавказдан олиб келган бир асл эсадалиги эди. Ҳозир ўшани ўз қўли билан Абсаметга тақдим қилди.

Абишдан олган мукофотидан, эшитган олқишиларидан хурсанд бўлган Мағаш билан Абсамет бемор ёнидан энди меҳмонхонага чиқиб, чойга, ошга қарашди. Буларнинг бир тўтининг оғизларидаги эндиги таъсирили, қувончли, қизгин сўзлари тўриқ йўрғанинг бугунги санъати бўлди. Ялтироқ катта сарин самовар тўгарак хонтахта ёнига келиб ўрнашди. Катта хонтахта устига ёзилган қизғиши дастурхонни тўлдириб бўғирсоқ тўкиб ташланди. Сариф ёғ, асал, жент, қанд, конфет идишлари келтириб қўйилди.

Ўзаро тотув, иззат-ҳурматда бўлган озгина одамларниг хиёл ором олгудек ширингина кечки ўтиришлари шу таҳлитда бошланадиган эди. Худди шу чоғда ташқарига эшик очилиб, оғир ағдарма этиклари ги-

ирлаб, бамайлихотир қадам ташлаб келаётган бегона мәҳмонарнинг ғачир-гучури билинди. Сал вақтда меҳмонхонанинг эшиги очилиб, кириб келаётган барзаста-барваста қалин кийимли мәҳмонарнинг «Ассатому алайкум, ассалому...» деган товушлари жаранглаб эшитилди..

Уйга иккита одам кирди. Олдингиси баланд бўйли, сувсар телпакли, пахмоқ қўнғир соқолли, орқадагиси — ғифир, қалин қора телпак кийган, ўрта бўйли, яғринли, оппоқ серсоқол одам экан. Келганларнинг юзига диққат билан қараб, билган он Абсамет ўзи алик олиб, отилиб ўрнидан турди. Мағаш билан Мойқон ҳам олдинги кирган мәҳмонани танишиб, баравар салом бериб, ўринларидан иргиб туришди.

Келган иккита кексанроқ одамни уй эгалари қуршаб олишиб, ешинтиришди, устки кийимлари, бош кийимларини ешинтириб, хонтахта бошига, тўрга чиқаришаркан, орқаларига ёстиқлар ташлаши.

Бу уйдагиларнинг ҳаммасига қадрли бўлган, олдин кирган мәҳмон Дат эди. Қимматли қора ланбўҳдан тирсан енг камзул кийган, кўкрагига тилла соатининг занжирини осилтирган, қизил-сариқдан келган кўркам юэли Дат Мағаш билан аввало Абсаметга хайрли бўлсин деди. Тўриқ йўрғанинг пойгадан ўзиб чиққанини табриклади. Ундан кейин Мағашга ёнидаги ҳамроҳини таништириди.

— Мана бу менинг йўлдошим! Отини эшитган бўлсаларинг керак. Бизнинг нариги томони қирғиз, Еттисув, бериги томони Олмати, Қополимизга номи кетган шонримиз, Жамбул деган донгдоримиз шу бўлади! — деди.

Кичикроқ ўткир қўй кўзли, қизил мағиздан келган Жамбул шонрни Абсамет биларди. Жамбул энди Мағаш билан танишиб сўрашди-да, тўриқ йўрғанинг бугунги санъатини ўз кўзи билан кўрганини айтди.

— Туёғи тарсиллаган жонивор-эй! — деб, икки қўлининг муштумини жуфтлаб кўрсатиб: — Ёнимни ерга бир теккизди-да! Олмаотанинг тўраси-ю фуқароси, каттаси-ю кичиги завқ қилганидан танглай қоқишиди! Бош эгишди-ку бирйўла. Асти атама, отам. Ҳамиша йўлинг бўлсинда, яхши оғанинг боласи экансан. Отан ҳам яхши, отинг ҳам яхши бўлсин десам дегундек экансан, Мағаш мирза! — деди.

Гапи тилининг учила эмас, лабининг четида дегандек, тўкилиб-сочилиб турган Жамбул шоир, дастурхон устига ўтирганларнинг ҳаммасининг кўнглини очиб, завқлантириди.

«Яхшининг ётлиги йўқ» деганларидек, бу одам оғиз очиши биланоқ қадимги-ю ҳозиргини бирданига айтдилар-ку!— деди Мойқон мулозимат билан кулиб.

Мағаш ҳозир бош ирғаганича жилмайиб қўйиб, индамай маъқул кўргани бўлмаса, жавоб қилмади. Аммо ўзи Олмаотага келгандан буён Жамбулнинг довруғини кўп эшигтан эди. Энди кўзлари ўтли, чеҳраси кўркам шоирнинг ялпоқ юзи, кенг пешонаси, йирик жуссасини дам-бадам томоша қилиб ўтириди.

Дат ҳозир айтди: булар бугун атайин Абишнинг кўнглини сўрагани келишган экан. Бироқ, Мағашлар туриқ йўрганинг пойгасига кетишди дейишгандан кейин, ўзлари ҳам ўша ерга қараб жўнаб, кун борида келиша олмабди. Энди Абишнинг устига кеч қоронғиси тушиб қолгандан кейин кириш тўғри келмайди. Қозоқнинг урфи-одатини биладиган одамлари, айниқса катталари, кун ботгандан кейин беморнинг ёнига бориб, кўнглини сўрамайди. Шу ҳақда Дат гап ташлаши биланоқ Мағаш, Ўтегелди, Абсаметлар қувватлай кетишди.

Абишнинг касали ҳақида Мағашгина бир-икки оғиз қайғули сўз айтди. Бугун шу ерда ётишга келган Дат билан Жамбул эрталаб ўринларидан турганларидан кейин, Абишнинг ёнига кириб, ўзлари айттандек «ҳол сўраб» чиқмоқчи бўлишди.

Кўчада кўп юриб, кечроқ келган меҳмонлар ҳам чанқаб келишган эди. Абсаметнинг уйидаги катта сарик самовар бир энгашди-да, чиқиб кетди. Үрнига яна каттакон польский самовар кириб келди. Фақат ўшани энгаштирилгандан кейин, узоқ ўтириб ичилган чой йигиштирилди. Чой устида Жамбулнинг кўп саволлари га фақат Мағаш жавоб бериб ўтириди. Жамбул Абиш ҳақида батафсил билгиси келиб, Абайнинг бу ўғлини қандай ўқитгани, қандай кўришини, Семейдан ёзаётган хатларида нима деяёттанини батамом эшилди. Шу орада Мағаш шеър билан ёзилган бир неча хатни ўқиб берди. Абсаметнинг номи аталган сатрларни эшигтанда, Дат кўп хурсанд бўлиб, қадлинин ростлади.

— Баракалла, яхшилик қилсанг яхшига қил! Ҳали

дийдор күришмай туриб, ўз раҳматини юбораётганини айтсанг-чи, Абсамет, олло рози бўлсин сендан. Ёлғиз Абай эмас, энди мана ҳаммамиз айтайлик. Шундоқ қилганингга бор Уйсин, Дўлат, зоти улуғ юзнинг барча боласи минг марта раҳмат айтдик сенга. У ёққа шу сингари яхши номинг бораётган бўлса, бу ёқда дўстларингнинг сони ортсин! Мана шу ҳурматингни аяма, яхши Абайнинг яхши боласидан!— деди.

Яна бир хонаси келганда Мағашга қаттиқ ёпишиб, илтимос қилиб ўтириб, Жамбул Абайнинг кўп шеърларини айтдириб, эшитди. Бир вақт шеър ҳақида, айниқса шоирларни танқид қилиб ёзган, машҳур шеъри ўқилди. Мақтанчоқ, бойлар эшигига қолган, тиланчи, тамагир, ёлғончи шоирларни Абай қаттиқ танқид қилибди. Ҳар элдан хайр тилагандек тентираб юрадиган, сотқин сўз эгасини ерга урибди. Жамбул бу гапларнинг ҳаммасини ҳайрон қолиб тинглади. Бошини чайқаб қўйиб: «Биз эшитмаган гаплар экан», «қозоқ боласининг оғзига тушмаган сўзлар экан», тарози ҳам, қози ҳам ўзи, кирои уқсанг мана шу сўзларни уқадиган экан» деб, бир неча бор танглай қоқди.

Яна бир вақт Мағаш Абайнинг ҳалқ тўғрисида ташвиш тортиб ёзган шеърини айтди. «Беҳисоб элим, қозотим, эсиз юртим» деб бошланадиган шеъри эди. Шу шеър устида Жамбул яна завқ билан типирчилаб, қаттиқ ҳаяжонга тушиб қолди.

— Аттанг дунё-я, ғуссага ботган эсиз азамат, чироининг очиладиган кун ҳам йўқ-ку, а! Қиримизга кўз ташлаб ётган қиронимиз экансан-ку! Йироқни кўзла деяёт-тирсан-ку, сўзингдан айланай! Яна айтгин, айтингларчи, ини жоним. Кўксимга, партов тушмаган кўксимга нур тўккандек бўлдинг-ку, бирйўла! Ёруғ шуъла сочдинг-ку, Мағашим!— деди. Бир оздан кейин ўрталарига сариқ чорада лиқ тўла қимиз келтирилиб, шопирилаётган пайтда Датнинг чап томонида ўтирган Жамбул дўмбирасини ўнглаб айлантирганича Мағашнинг ёнига иргиб ўтиб олди.

Шу кечада у Абай чиқарган куйлардан ҳам бир озини Мағаш билан Утегелдига галма-гал айтдириб, кўп эшитди. Овқат олдидан Жамбул ўзича бир фикрга келди. Кеч бўйи эшитган янги хил гапларининг эвазини қайтаргандек бўлди.

— Хосият қаерда, хазина қаерда десам, Абайда

экан-ку, асли ўзи! Отам замонидан буён «Қобон шоир айтган», Қулон аён,— Қулмамбет, Дўлат, Майкет, Шопирашти Суюмбой қуюндеқ эсди,— «устун чиқди», деганларимизнинг ҳаммаси шу ерда экан-ку. Абай дарё бўлганида, шу юрган валатлар, ҳаммамиз бир қуруқ, ёмон жар эканмиз-ку. Бирорни кулдириб, бирорни юлдириб, айтайлик десак-да, топадиганимизни топмаган эканмиз-да! Элга паноҳ, эсда доно ақл ҳам, санъат ҳам, ўрнак ҳам ёлғиз ўзида экан-ку! Шайдо қилдинг, мубтало қилдинг, Мағашим. Сени яхши отанг, мени яхши оғам бўлсин, уқдингми, шу гапим етсин! Дуойдан-дуойи саломим шу бўлсин»— деди.

Жамбул сўзининг охирини бир банд шеър билан тамом қилди.

Чирогим, жўшқин экан Абай уни,
Саҳрода ўзгарибди шеърнинг хили.
Еттисув, Олатовни танг қолдириб,
Мени келиб уйготди бугун куйи.

Мағаш Жамбулни ҳушёр, зийрак одам деб билди. Шундан кейин энди унинг ўзи бўлиб, уй ичидагилар бўлиб, илтижо қилиб ўтинишди-да, ярим кечагача ҳаммалари фақат Жамбулнинг ўз шеърларига қулоқ бериш билан бўлишди.

Шу кеч билан кеча Абишнинг қад ростлаган, сўнгги қувватини билдирган, бўлмағургина, қисқа чоғи экан.

Мана энди қор кетиб, ер қорая бошлади. Лекин Олмаотада кўклам кези очиқ кун кам бўлади. Оғир симовий булатлар гоҳо тоғни буркаб, гоҳо баланд тоғдан ошиб, ағанаб, шаҳарнинг устини қоплади. Ҳаво сира очилмайдиган, кўнгилсиз кунлар бўлди. Шунга яраша намгарчилик, ҳавоси оғир пайт Абишнинг усиз ҳам адо бўлган кучсиз нафасини узишга яқин келди.

Идроки, эс-ҳуши соппа-соғ. Бирор нарса айтгиси келса фақат кўзи илиниб кетаётган одам сингари айтиб ҳам қўяди. Бутун оламни, тиқир-қимир этганни, ҳар бир гални эшлиб, билиб ҳам ётади. Лекин ҳориб-толгани, куч-қувватининг кетгани шунчалик, энди ҳатто кўнгли билиб ётган, тилаб ётган сув сўрашдек ҳожати бўлса ҳам, айтишга оғзи чарчайди.

Уч кун бўлди, Мағашга бор меҳри билан берилиб оқиб: «Мағатойим!» деб эркалатиб, айтиб қўядиган апидан ҳам қолди.

Мағаш бугун кундузи жуда умид узиб, узоқ вақт ёғиз ўзи сукут ичида ўтиаркан, ўз-ўзига: «бугунми, юртагами экан?» деб қолди. Сўнгги нафаси узилиб бўллаган, жонидан ширин отасига аталган оҳи-зорини оқ юғозга тизди.

«Дейдиган сўзинг қани «Мағатойим?!»
Хавф тўхтайди демайди борган сайин.
Ярқ-юрқ қилиб яшнайдиган ёш чоғида
Чиндан кетар бўлдими, оғатойим?..
Ёш етмайди йиғлашга кўзни намлаб,
Кечакундуз ёлвораман жонин тилаб.
Орқандга бирор белги қолмаса-да,
Куймай чидаб бўлмайди юрак йиғлаб!..»—

деган эди.

Уша куни вақт яқинлашганини сезганми, Абайдан телеграмма ҳам келди. «Телеграмм билан батафсил айт, ҳоли қандоқ?» — дебди.

Абиш телеграмма келганини Мойқон тўрдаги уйга сириб, Мағашга берганида сезган экан. Телеграммани Мағаш ўқиб берганида ҳам сўз қотгани йўқ. Фақат бош томонига яқин қўйилган чироқ ёнидаги ён дафтарчасини кўрсатди. Очилган саҳифалари столга тўнкарилиб қўйилган экан.

Абишнинг кўз қарashi, ишорасига қараб Мағаш энди тушунди. Отасининг телеграммасига «жавобим шу» деяётгаяга ўхшайди. Мағашнинг арабча хатга кўзи тушган эди «Оға, хайр! Армоним — тилагингни оқлай олмадим. Билганимни бера олмай кетдим! Яна армоним — Мағиш! Шодлигим эдинг!. Ошиқ ёrim!.. Ёғиз ўзингга берилган бегараз кўнглим ҳалол!. Раҳилани ўпаман...» дебди.

Бундан олдин гапирадиган гапдан қолган бўлса, энди мана шу сатрлар билан сезгиси-ҳиссини ҳам узган эди. Уша куни тушдан бошлаб, кечга қадар, Абишнинг оғир тортганини эшигтан кўп одамлар иккитадан-учтадан бўлишиб, Абсаметнинг уйига келиб-кетиб туришди. Ёнига шаҳарнинг бир ўқимишли одами, Бақия деган арғинни олиб Дат ҳам келди. Абиш индамаса-да Дат Мағашга қараб, келишларининг сабабини айтди.

— Күпдан буён у ёқ, бу ёққа борадиган ишим чиқиб, кела олмаган здим. Мана бу Бақия учрашиб қолиб «сенинг жигаринг менинг тилакдош ёри-дүстим-ку!» деб келиб қолдик, Мағаш чироқ!— деди.

Мағаш Абишнинг оғирлашиб бораётганини секингина, қисқача айтган эди.

— Нимасини айтасан, қарогум! Кўриб ўтирибмиз, у ёғини айтмай қўя қол, фақат шифо берсин!— дедида, Дат жўнаб кетди.

Мана шу шаҳардаги областной правлениеда, округ судида, ўяз маҳкамасида ишлайдиган Оргин, Найман, тиламочлар бор эди. Улар ҳам бир неча киши бўлишиб, видолашиб чиқиши.

Шулар билан кетма-кет, қаердан билгани номаълум, шу ердаги беш мачитнинг халфалари билан саллали маҳдумлари, кекса муллаваччалари кела беришли. Қирғий бурун, ола кўзроқ, лунжи ичига ботган, қора соқол бир халфа Абишнинг ёнидан даҳлизга чиқиб, кавушини кияётиб: «Баракалла, Баракалла!» дея берди. Бунга ўзи ўртаниб ўтирган Ўтегелдининг жаҳли чиқиб кетди.

— Ҳаром қушнинг тумшуғига ўхшаган, эгилган бурнингни мажоқлаб ташларми эди! Қонга учган оқ бош тасқарага ўхшащ, шум қузғун! «Баракалла, баракалла» си нимаси-а? «Заб касал бўлибсан», «ўсал тортганинг соз бўлибди» деганими бу итнинг? Яна қадам қўя олмайдиган қилиб илигинг қирқиларми эди,— деди. Ҳалиги халфа ҳовлига чиқиб кетгунча орқасидан ўқдек отиб, уришиб қолди.

Шу кечада тонг отаргача Абиш ҳеч қандай белги бермади, сидирға ётди. Қош қорайгандан кейин Федлер сўнгги марта келиб, Абишни қўзи қиймай пешонасини, қўлларини силади. Бўшашиб кўпгача индамай ўтирди. Мағаш билан қайта-қайта қўл сиқишиб, анчагача хайрлашида, ҳеч нарса демай чиқиб кетди.

Ўшандан кейин, узоқ кечанинг сузилиб, суруб келётган тонги отаётган чоғда, Абиш узилди. Ҳеч бир қимир этган ҳаракат, қийналган вазият билдирамади. Кўпдан буён борлиқ билан йўқлиқ орасида ётган азиэ жон, ҳаёт чегарасидан астагина, секингина силжиб, ўтиб кетгандек бўлди.

Абайдан кечада келган телеграммага Абсамет таъзия

билдириб жавоб қилди. Үғлининг жасадини қай таҳлитда қўйишликни буюаркан, шуни сўради.

Абайдан ўша куни шошилинч телеграмма келди. Илгари ўйлаб, ҳал қилиб қўйган кўринади. Марашнинг хатидан беморнинг «Семейга, элимга етиб, ста-онамнинг қўлида дунёдан ўтсам» деган армони борлигини англаған эди. Шунинг учун Абай энди Олмаотага вақтинча қўйишни топширди. Кун исиб, йўл тузалиши биланоқ туғилган ерига олдириб, шу ерга қўйишни ният қилди.

Абишнинг жанозасига Олмаота халқи кўп йиғилди. Кўп вақтдан буён гунгурт, ғамгин, симовий ранг билан товланган осмон бугун тиник, кўм-кўк бўлиб, чарақлаб очилган эди. Тумонатдек халқ Тошкент аллеяси билан юриб, қозоқ мозорига олиб бориб Абишни қўйиб келгани кетди. Лаҳад қилиб қазилган гўрнинг ери ҳали муздек, эримаган эди. Кафангагина ўралган кичкинагина, юпқа, бироқ узун бўйли Абишнинг жасади ҳозир ўша совуқ ер бағрига топширилди. Катта юрак, оппоқ пок кўкрак, ўша қабрга тушди.

Абишни ерга, лаҳадга Мойқон билан Утегелди ўз қўллари билан қўяётиб: «Омонат!», «Омонат!» дейишиди.

Атрофда йиғилиб турғанларнинг ҳаммаси бир оғиздан шу гапни такрорлашди.

Бу сўзда ергараво кўрмәётган юрак ҳам бор. Бағри совуқ қора ердан гўё бир раҳм қилишини тилаётгандек кучсиз ўтинч ҳам бордек эшитилди.

Абишни ерга қўйишга йиғилган одам кўп бўлгани билан, Мағаш ўзини бегона кўпчиликнинг орасидаман деб биларди. Шунинг учун у эрталабдан буён холи ерда йиғлар эди-да, бошқа одамлар яқинлашса, кўз ёшлиарини тийиб, ўзини тутиб оларди, сукут қиласади. Бунинг ҳам оқариниб, қонсизланиб кетган нафис юзи озиб, қошиқдек бўлиб қолган. Ўзи ҳам беморга бергисиз.

У Мойқон билан Утегелдига ҳам йигини камайтириб, бугунча ўзларини қаттиқ, маҳкам тутишини буюрди. Қабр бошида улар ҳам ўкириб, бўзлаб йиғлагилари келгани билан, ўзларини тутиб туришди. Жамоат энди ўликни қўйиб бўлиб, қабр бошидан чекина бошлаган эди. Азондан буён Абсамет, Датлардан бир қарич айрилмаган Жамбул, энди озроқ одамлар ўртасида, ути-

либ тушганича Мағашга сүз қотди. Аввал оқ уриб, аланга отди-да, күзларидан отилиб чиққан ёшлариниң күркам юзига оқызиб турди. Шундай қилиб тураркан, у шу ердаги дўст қозоқларнинг, жигаржонлик қозоқларнинг номидан худди мана шу янги қабрнинг бошида Абайга аталган гапни бошлиди. Бу гап таъзия билдириган, ярали юракни юпатаётган, қанча-қанча ҳалол, дўстона кўнгилдан айтилаётган гап эди. Куйга солмай, йиғинга ўхшатиб зорлатмай, ўзининг шу зайл сўзлашини «ёш Мағаш яхши тушунади» деган ишонч билан Жамбул териб кетди. Атрофида турган Дат, Абсамет, Мойқонларгина эмас, бугун мана шу жанозага келган йигирмага яқин ўрта бўғин оталар, боболар ҳам бор эди. Улар ҳам ҳаммаси баравар сукутга кетиб туришиди. Жамбулнинг беҳудага гапирмай, кезини ҳам, сўзини ҳам топиб гапиришини билиб, қадр қилиб туришибди. Шоир даставвал гап бошлиши билан бош ирғаганлар бор. Хўрсиниб қўйиб йиғлаганлар ҳам бор. Билган одамга, Жамбулнинг сўзи шу ердаги халқ номидан йироқдаги ноёб азаматга, халқ ўғлонига йўлланган алоҳида салом бўлиб чиқди.

Хиёл олдин йиғлаб олган Жамбулнинг даставвалги товушида ўқсиб қалтираш бор эди. Аввалига овози бўғилинқираб чиқди.

— «Салом айт, борсанг Абайга,
Ўгити етган талайга.
Кўтаргандек оғирликни қаро ер!
Бардош қилсин қалайдар...

Бир қултум сувдек дунёнинг
Аччиғин ютиб куюнсин,
Чучугин ютиб суюнсин.
Енғоқча битган бир терак.
Елғизман деб юрмасин.

Камол топган асл-эй...
Тоша бер тангри сабри-эй...
Нор кўтарган оғирга
Орқасин тўссин тортинимай...»—

деб бошланган Жамбулнинг саломи, аввалига Абишни яхшилаб ёд этиб борди. Орқасидан усталик билан Абайга қаратилиб, уни юпатди. Қайғу ёлғизлиқда айниқса оғир бўлади. Сен ёлғиз эмассан... Элинг, дўстинг

кўп. Йироқда туриб хўрсинганинг бу ерда бизларнинг кўксимиизни тилиб ўтаётир... Бирга йиғлашамиз, ўзинг билан бирга юпанайлик, аслим!.. Қора қозоқ халқининг қадрлиси!. деб қисқа, жондек ширин сўзига хотима берди.

Абишни қўйиб бўлишлари биланоқ Абайнинг чақириши, шошириши билан тезгина Семейга жўнаб кетишиди. Бироқ аввалига Еттисув кўкламининг лойгарчилиги, йўлининг бузилиши овора қилди. Лепсидан ўтиб, Аягўзга етиб қолишганда, орқанинг — Семей томонининг совуқ, узун қиши тугамай, «Семейга дуруст йўл билан етиб қоларми» деб ўйлашган ёди. У ҳам бўлмади. Бу йил эрта кета бошлаган қор, Аягўздан Семейгача қатқалоқ бўлиб, ярим ўйилиб, йўловчиларни жуда қийнади.

Олмаота билан Семей орасида Мағашлар кечаю кундуз кўп хаялламай юришса-да, йигирма кунча сафар чекишиди.

Мағаш келгунча Абай ҳаётдаги бир суюнчиғи қулаб кетган одамдек бўлди. Ўзини ҳам баланд қоя бошида, хатарли жарнинг юлиб олиб кетадиган ёқасида тургандек ҳис қилди. Қимир этса, қадам қўйса, қуввати кетган гавдаси бўнинг ихтиёрига бўйсунмай, ўша бош айлантирадиган баланд қоянинг тагсиз, чексиз, қопқоронги жарига қоқиб қулатиб, олиб кетадиганга ўхшайди. Кечаси уйқу йўқ, кундузи оғир ҳаёллардан, қайғу ҳасратдан тиним йўқ. Бу кунларда Ҳатто ёнидаги жигарлари: Какитой, Дармен, Боймағамбетларга ҳам гап қотиб, очилиб сўзлашмайди.

Ҳасрат енгтан улкан, меҳрли юрак совиб, муэлаб, умидсизлик билан тугилиб қолганга ўхшайди. Фақатгина Мағаш келишидан сал олдин қирда, овулда Абишнинг еттисини бериб, яна бир ҳафтагача сон-саноқсиз фотиҳа ўқигани келганларни кутиб бўлиб, Оқшўқидаги овулдан Ақлбой келган эди.

Абай ундан ҳаммадан олдин Мағишининг аҳволини сўради. Диlldанинг ҳам, бошқа жонкуярларнинг ҳам Абишнинг ўлими устида аҳволи қандай бўлаётганини Ақлбайдан сўраб, индамай ўтириб эшиганди.

Мағиши ҳадеб хушидан кета берар экан. Консизлашиб қошиқдек бўлиб кетибди. Ақлбой отасига аввало жонкуярларнинг хулқини, қайғусини, сўзларини айтиб, кундузи бир неча соатни Абай билан холи ўтириб ўт-

казган эди. Ақлбой кечки ўтиришда Абишнинг еттисига келган Такежон билан Қоражоннинг бир қўланса гапини Абай сўрамаса-да айтиб берди.

Дилда билан сўзлашиб ўтириб, Такежон Абайнин ёэфирибди. «Ўқитаман, ўқитаман деб, тентиратиб дунёнинг бир четига юбориб, дардга бир чалинтирди. Отабобомиз русча ўқиши ўқимаёқ одам бўлиб, яхши атаниб, обрў олиб, элни бийлаб-тўшлаган эди. Ўқишининг тагини тешадигандек шу боланинг соғлиғи ночорлигига ҳам Қарамай, юбора берди. Хўп, ўқитиб-ку бўлдинг. Энди ўшанга дунё топтирмаёқ, пул топишнинг кетига туширмаёқ қўйса, нима қилар эди? Яна бир тупканнинг тагига, Олмаотага хизматга юбортурмаса бўлмас эдими?»— дебди.

Абай тикилиб Ақлбойнинг юзига қарапкан, ғазабла на ҳам олмади. Яна ўзига ҳайрон ҳам қолди. Бир вақтларда Такежоннинг оғзидан чиқсан шу сингари чириган гапларига Абай ўртаниб-куйиб, ўқ теккандек сапчиб тушар эди. Ҳозирги гапини бамисоли бир оғир жароҳатдан бели синиб ётган арслоннинг кўзига қўнгани чивин чаққандеккина кўриб, парво қилмади. Фақатгини ғазабли истеҳзодек бир аламли гапини қизишмасдан, секингина айтди.

— Такежон менинг ҳам «қабримга тупроқ ташлайман» деб келиб, тикан ташлаб кетади-ку! — деб Қўя қолди.

Ақлбойнинг айтишига кўра, овулдаги аёллар, ёшлар ва бола-чақа ҳам Абай билан Магашнинг бўлмаганини жуда оғир олишаётган экан. «Фотиҳа ўқигани келган ҳар хил олис-яқин, дўст-душманлар ҳам, овулнинг бошлиқ эркаклари бўлмаганидан кейин, ҳалигидек турлитуман сассиқ-қўланса гаплар қолдириб кетаётган кўринади» деб ўтириб, Ақлбой Абайга яна бир оғудек заҳарли гапни айтди. У гап ҳам қариндош бўлмиш кишининг оғзидан чиқибди. Четдан келган фотиҳа ўқувчилар ўшани эшитиб, сесканиб кетишган бўлса керак. Ҳалиги Такежоннинг гапидан қилиб, унинг тошбағир хотини Қоражон ҳам ёзғирибди. Исҳоқнинг димоғдор, кервоз, ҳисдан маҳрум Даникеси билан қўшилиб хўрланган, номус қилгандек бўлишаётган экан.

— Қариндош-урӯғ кимнинг бошига от қўйиб келади?! Таъзиядор боши билан зор қақшаб қолганлари, дод-фарёд қилаётган онаси қандоқ қилиб бошига бо-

риб қуръон үқитади? Ҳеч бўлмаса қўли билан тупроқ ташласа нима қиларди? Қасал бўлиши билан нега элга олдириб келмади?— дейишаётган экан. Мана энди ту-лумга маъраётган сигирга ўхшаб, бир ҳовуч тупроқ— белгиси қолмаганига қандоқ қилиб чидаймиз?— дейи-шибди.

Улар Абайнинг қарорини билишмайди. Ҳатто билишса ҳам кўпчилик олдида Абайни жўрттага масхара қилишади. Шуларнинг номи ҳам қариндош, жигар! Бирга ёш тўкиб, бирга йўқлаб йиғлашаётган кишинг бўлиб ўтирган ёлғон қариндошлар, душман қариндошлар.

Бундай гапларнинг чиқиши ҳам аллақачон Абайнинг ўртаниб турган кўнглига келган эди. Абсаметдан телеграмма келгандаёқ йўлнинг ноқуладайлигини назарда тутиб, Олмаотага вақтинча «омонат» қўйинглар деб юборган эди. Ҳеч кимга маслаҳат қилмай, буюриб телеграмма бердирган эди. Шунда мана шундай совуқ сўз, сиқилчоқ тумшуқлар, итга ўхшаб тимирскилаб, Абайни эмас, айниқса Абишнинг арвоҳини қақшатишларини сезганди. Туғилган элига олдиришга ўшанда аҳд қилган эди.

Мағаш келмай, Абай шаҳардан чиқа олмай, тутилиб турибди. Овулдагилар бўлса, Ақлбойнинг хабарига қараганда, эсли-ҳушли, жонкуярларга муҳтоjга ўхшайди. Ўшани ўйлаб, Абай Ақлбойга қўшиб, Какитойни Оқшўқидаги овулга тезлик билан жўнатди. Ўзи ёнида Дарменнингина олиб қолди. Умрида биринчи марта оғир зарбадан қаттиқ йиқилган одамга ўхшайди. Кучкүvvватини йиға олмай, яна шу кунларда оғир ғам юки остида қолиб кетди.

Шаҳар ҳалқи Абайнинг мусибатини эшитиб, у тушган уйдан эртаю кеч одам узулмади. Бир гал кўнглини ҷалғитиб, овқат едириб юпатиб, келамиз деб Сейл билан Дамежон ҳам келиб кетишиди. Дармендан салом айтиб Абен, Сейт сингари, Затоннинг Абайни дўст кўрадиган бир қанча қапишоқлари ҳам, грузчик ишчилари ҳам келишиди. Шаҳар савдогарлари, чиновник-тиломочлари, ҳатто муллаваччалари ҳам кела беришли. Таъзия билдирувчилар жуда кўп бўлди.

Абай кўл одам билан сукутини бузиб, очилиб сўзлашгани йўқ. Бу келганларнинг ичидаги Абай чин кўнгилдан қарши олган одамлар Сейл билан Дамежон бўлди. Ана у йили Макен можароси устида Абишни ўзларига

раҳбар, йўлдош ҳисоблаб гапирган Абеннинг гаплари-
нигина Абай зўр илтифот билан тинглади. Уларни ҳам
Абай чин дўстона кўнгил билан қарши олганди.

— Мен учун бўлмаса-да, Абишни хотирлаб келиб-
санлар! Сенлар таъзия билдиргани келганда, Абишни
йўқлаб келганда, мен миннатдор бўлмасам, овқатингиз-
ни бирга ейишиб, қайғуни орқага ташламасам, арвоҳ
рози бўлмайди. Сенлар Абишдан рози бўлсанг, сенлар-
дан мен рози! — деди.

Гап-сўэни, йўл-йўриқни яхши биладиган Абен,
Абишнинг ўлимига алоқадор бўлган чуқур, маъноли
бир армонини айтди.

— Орамизга келиб, ақли билан, илми билан раҳбар-
лик қиласа, қиладиган бир ёш шу экан-ку, асл азамат! Киройи дўстинг бўлса, шу бўлсин! Дармендек ёлғиз-
яримлар Абишдан паноҳ топса, ҳеч кимга ҳам ҳақини
юбормас! — деб, шу қадар умид боғлаб, шодланиб қол-
ган эдик! Биз ҳам етим қолдик десак бўлади-да! Замо-
намиэда дардимиэни англаб, ғамхўрлик қиладиган қо-
зокнинг қайси бир ўқиганини кўраётимиз? — деган эди.

Шу гап Абайга жуда ҳам топиб айтилган юпанчдек
бўлганди. Гоҳ-гоҳда ўз хаёли билан куюниб, Абай яна
пичирлаб сўзлаб, оҳи-зорини чертаркан, хаёлига келма-
ган вақтда ўз-ўзидан қофияли сатрлар тузилади. Унга
ўксик аралашади. Ёш ўрнига тилидан юрак қони кела-
ди! Уша юрак қони билан ёзилган сатрлар кетма-кет
қаторлаша беради. Холи қолса бўлди, пичирлаб, зор-
лаб, баъзан марсия чиқаради, баъзан нола қиласи.
Шундай пайтларда такрорлана берадиган бир нақарот
бор...

«Оlam қандай тор эдинг
Бўтамни сиғдирмаган!» —

деб такрорлай-такрорлай хўрсаниб қўяди.

Абенлар кетгандан кейин шу сатрларга, шу қофия-
га Абай яна бир қайтган эди. Ота армони, ҳалиги Абен
айтганидек, халқ армонига, кейинги бўғин, ёш авлод-
нинг армонига айланиб кетади.

«Янги йилнинг боши у-ю,
Мен эскининг кети эдим.
Армон деган оғу-ку!
Суякка тегди, қари эдим,

Қайғу бўлди куйтудек,
Кувватим эди у рост.
Кўзга қамчи текканск,
Чир айланди сўнгги ёш!»

Шу билан бирга, яна бир бўлак армонини ўйласа, ота армони эмас, халқ армонига, қоронфиликда қолган халқ армони сари кетади. Халқ отаси бўлиб, бир йиғлаб кетади.

«Билим олдинг, бош бўлдинг,
Кўкрагингни кермадинг,
Эл ичига соғ келсанг,
Таълим бермас эрми эдинг!
Иўл кўрсатиб, сўнг ўлсанг.
Армоним бор дерми эдим!..
...Олам қандай тор эдинг
Бўтамни сиғдирмаган!?..»—

деб яна бир оғули тўлқинни қучиб, ютгандек бўлади...

Абайнинг мусибатига, Абишнинг ўлимига кўп қозоқ боласидан, ҳатто кўп «қариндошман» деб юрган бир отанинг боласи бўлган яқинлардан кўра бир қанча марта қаттиқ куяётган, жинси бўлак одамлар ҳам бўлди. У айниқса Павлов эди. Абишнинг хунук хабари келгандан кейин Павлов уч кунгача, аzonдан кечгача Абайнинг ёнида бўлди. Абайнинг юраги сиқилиб, сўнгги пайтда бир маҳал ҳушидан ҳам кетиб қолган эди. Ўзининг кўз олдида хафаликдан, ҳасратдан, шу сингари ёнгин ўраб кетгандек ҳолга тушган Абайни Павлов ўз отасидек аяди. Холи қолса бўлди, мудом юпатиб ўтиради.

Бирйўл уйига бориб, Абишнинг сўнгги тўрт-беш йил ичидаги унга ёзган бир қанча хатларини келтириб берди. «Вақти билан шу хатларга бир қараб чиқинг, Ибрагим Кунанбаич! Абдираҳим қандай улуғ, фазилатли фикрга зришган одам эди. Ўшани, мана шу ёлғиз менга ёғаган хатларидан билиб англарсиз-да, қайғириш билан бирга шукур ҳам қиласиз. Сабр ҳам қиласиз дейман. Сабаби, юз йил яшайдиган одам йўқ. Қисқа умрида қанчани билиб, юксалиб ўтганини, отилиб учганини кўринг! Яхшилигини кўз билан кўриб, идрок билан билишнинг ўзи ҳам «болам» деган отага кўп юпанч бўлар деб била-ман!»— деди.

Абишнинг хатлари эҳтиётлаб, яхшилаб ихчам қилиб ўралган ҳолда Абай тўшагининг бош томонидан жой олди. Худди шу кунларда яна дўстона кўнгил билан Абайни чуқур ўйлатиб, ҳалиги Павловдек юпата билиб хат ёзган қадрдан дўсти Евгений Петрович Михайлов эди.

Бундан кўп йиллар муқаддам Семей ҳокимлари сурриб юборган яхши одам бу кунларда илмининг кетига тушиб, Зайсан томонида, Олтой томонда юрганди. Баъзан саёҳатга, баъзан ўтириб ёзишга бериларади. Евгений Петрович Абишнинг сўнгги йиллардаги аҳволини унинг хатларидан билар экан. Мана бу хатида Абишнинг болалик чоғини эслаб ёзибди. Михайловнинг ўзи қўлидан етаклаб бориб берган рус мактабида Абишнинг даставвал қандоқ қилганларини ёзибди. Унинг бағрига ёпишиб, отасидек кўриб, таниш бўлмаган мактабдан, ҳаммадан ётсираган овул боласининг қиёфаси усталик билан тасвирланган экан.

Михайлов Абишнинг қисқагина умрида қозоқларнинг юзга кирган чолидан кўпни билиб, кўпни кўрганини айтиб юпатади.

Яна бир вақт Абай ўзи билан ўзи бўлиб, холи қолган онларда Абишга иккинчи отадек бўлган ажойиб дўст Михайловнинг гаплари ҳам шеър сатрларига айланали.

«Кўргани билан билгани,
Юзга кирган чолдан кўп.
Бизга ташвиш тортгани
Кетди бўлиб армони!»—

деб қатор сатрлар зўр фикр, кўп ҳисларни бир оз ифодалаб, узила беради.

Шу сингари Абин билан ёлғиз ўзи сирлашаётгандек, рози-ризолик тилашаётгандек онларини Абай эндиғи ҳаёти, нафасидек кундаги одати қилиб олганди. Ҳали жон эгаси кўрмаган, ҳеч ким ўқиб билмаган, ёлғиз Абишнинг ўзига бағишланган қанча-қанча кўп садоли куйлар туғилган.

Мағаш келгандан кейин ҳам Абайнинг фурбат билан ўлим устида туғилган шоирлик илҳоми тўхтамади, тома берди. Фақат Мағаш билан уч кунгача холи ўтириб, Абишнинг бор арзини, армонини эшилди. Қиши бўйи касал ётгандаги хулқини, қандай касал ётиб, қандай узилганигача — ҳаммасини узоқ-узоқ айтдириган эди.

Мағаш шу маҳалда Абишнинг Абайга йўллаган, Магишига аталган рози-ризолик тилаган, видолашган сўзларини кўрсатди. Қайси куни ёзилганини айта олмайди. Лекин Мағашнинг ўйлашича, у, мана шу рози-ризолик сўзини бунга тўриқ йўргани пойгага қўшилган куни кўрсатгани билан, худди ўша куни ёзган бўлмаслиги керак. Негаки, бу вақтда Абиш холма-хол ётганди. Қалам ушлаб, хат ёзгудек мадори қолмаган эди. Аслида аввал ёзиб, эрта тайёрлаб қўйиб, энг сўнгги соатдагина отасига, ёрига етказ деған бўлса керак.

Шу гапларни эшитгандан кейин Абайдан яна азаматини йўқлаётган эл отасининг оҳи-зори тўлқинланиб чиқади.

«Таваккал зўр, ақл мўл,
Қўрқмай кутган тақдирин,
Оғир кўрмай ўлимни
Билдиримаган ҳеч сирин.
Ота-она хизматин,
Утаган ёрнинг қарзин,
Утамай кетган меҳнатин,
Езиб кетган ўз арзин...»

Мағаш билан анчагача холи ўтириб қилган суҳбатдан кейин яна сўз билан қайфу изҳор қилмай оғир дардли шоир юраги, эндиги сирдоши бўлган қоғозига ёш аралаш шеърини, сирини тўқади.

«Йигирма етти ёшида
Абдираҳим кўз юмди.
Идрок бўлса бошингда,
Кимни кўрдинг шу йўсин!»—

деб кўп ёшларга унинг табиатан кўп хулқи, ҳаётини ўрнак қилиб сўзлайди.

...Мағурлик, сохталик йўқ,
Қалби содик, кўнгли бол...
...Қисқа умрин узайтган
Илмга бўйин тўлган сўнг,
Кўрган ерин кўпайтган.
Ўқиб, билиб бўлган сўнг,
Қрим, Кавказ, Туркистон,
Россия, Сибирь қолмади,

Хабардор бўлиб ҳар ердан
Кўрмай тўхтаб тўрмади!
Думли юлдуз сингари —
Туғилди, кўп турмади!..—

деб кетади. Илгарилар Абайнинг ўзи айтиб кўрмаган, ноёб азаматини йўқлаётган отанинг сири баён этилади.

Илгарилар Абайнинг ўз шеърларини бир-иккита одамга ўқиб бериб, Мағашгами ёки Дарменгами, Какитойгами баъзан Кишкене муллага жўнатадиган одати бор эди. Кўпдан буён Абайнинг кўнгил сирдоши, эндиги шеърлари ҳеч кимга изҳор этилмади. У ёзади-да, қутисига, тўшагининг бош томонига йиға беради. Лекин шунинг билан эндиги шеърларини ҳеч ким билмай қолгани йўқ. Айниқса Дармен бошқа кишига айтмаса, билдирамаса-да, пайтини топиб, Абай уйдаи чиққан вақтларда янги шеърларини топиб, кўчириб оларди. Кейин Какитой иккови ўқиб, ёдлаб юришарди.

Мағаш келгандан кейин унинг Абишнинг ёнида ўтириб ёзган шеърларини ўзига айтиб бериш билан бирга, Дармен билан Какитой иккови отаси ёзган шеърларнинг ҳаммасини Мағашга айтиб беришди.

Дармен билан Какитойнинг ҳам, Ақлбойнинг ҳам Абиш бетоб ётгандан то шу маҳалгача ёзган қанчаканча шеърлари бор. Абайсиз ўтириб Мағаш, Дармен, Какитой учови бир бўлиб сўзлашганларида, булар мана шу бир йил мобайнида шеърнинг ўзгарганлиги ҳақида гапиришди. Ушани аввал Абиш пайқаган эди. Мағашнинг айтишича, у, Абайдан бошлаб, бу йилги йил шеърнинг бошқача бўлиб бораётганини сезибди. Русларнинг воқеликни аниқ, моҳирона тасвирлайдиган шеърларидан ўrnak олинганлигини фаҳмлабди.

Бу тўғрида чуқур хаёлларга боришмаса-да, қайгули ёшлар эндиги ғурбат-ғуссаларини чиндан ҳам бошқача ифодалашларини эсга олишди. Мағашнинг Абиш ўлгандан кейин ёзган яна бир шеъри ўзи билан бирга келиб, Дармен, Какитойларнинг қўлига теккан эди. Шунда янада ўзгача чинлик дами, бошқача бир нафаси, очиқ-оидин сезилиб турибди.

«Бўйга етгач Раҳила
Армон қилар отасин,
Тирноғига оларми
Оға, ини, онасин!»

Етимман деган ичидა
Кетарми қайғу-ҳазин.
Кул бұларман боланға
Хато кетса кечиргин.
Еринг қолди құлымда
Етим бўлиб ёшлиқда,
Неча турли қайғу бор.
Бечоранинг бошида.
Армонда қолди, нетарсан
Утиrolмай қошингда!..»—

деган сатрлар тузилибди. Ҳаммадан олдин янада одамни мафтун қилиб, қўлма-қўл, кўэма-кўз бир чинликка беихтиёр бўйсундириб турган, қандоқ бўлса, шундоқ тасвирлаш бор.

«Шу зайл сўзлаш сўнгги йўл шеърларининг ўзгача сифати бўлди», деб бу ёшларнинг ўзлари ҳам айтишаётир. Айниқса Абайдан бошлаб, эндиғи сўзда илгарилар қозоқнинг шундай пайтда айтадиган ёд этиш, хотирлашидан мутлақо йироқ овлоқ ётган бир йўл бор. Илгарилар қозоқнинг бийи билан беги, тамагир шоири шеър ёзса, ёки кейинги замонда мусулмончилик, диндорлик ўгитларини кўп тарқатадиган мулла, хўжалар марсия ёзса, татир-татимас бўлган арzon ҳақиқат қоплаб кетгувчи эди. Унда маъносиз мақоллар билан сўз қофиялаб, «туёғи бутун тулпор йўқ, қаноти бутун шунқор йўқ», деб бир кетар, ёки кўпинча сўнгги замонларда гапни «худонинг дўсти пайғамбар ҳам кетган»— деб бошланарди. «Муҳаммаднинг дўсти чоҳориёрлар кетган»— дер эди. «Карбалода Ҳасан билан Ҳусан ўлган». «Ҳақ пайғамбарнинг дўсти Ҳамза ҳам Қазо қилган»— дейиларди.

Қайгуни шу зайлда ифода этаман деб. қаёқларни кезадиган дайди гаплар кўпаярди.

Абайнинг ўрнаги, мана шу ғам-ғусса устида ёлғиз отанинг фақат боласинигина ёд этишини кўрсатмади. Унда йироқларга чорловчи, чуқур маъно бор. Ўзгача тарбияни йироқдаги яйлоқдан бориб олган азамат ҳақида армон қилинади. У, тарбиянинг каттасини олган азамат эди. Негаки, энг намуна бўладиган халқ — русларнинг энг маданиятли шаҳри Петербургдан хазина олиб келган одам эди. Ўзи учун эмас, ҳокимлик учун эмас, халқи учун, қоронғуликда қолган беҳисоб халқи учун хазина олиб келган эди. Янги йил қушидек янги

авлоднинг бошлиғи бўлар деган ёш бўғиннинг азамати кетди.

У «элига келиб, хизмат қилса» деган Абайдек отанинг бутун умридаги орзуси экан. Ўша тилагига яраша бўлиб, илми тўлиб, одамлик фазилати улфайиб, ёш қаноти энди бақувват тортиб, энди одамгарчилик сафари сари йироққа учади деб турган пайт эди. Шундай чоғда қазо қилди Абиш. Шунинг учун юпанч тополмай жонижаҳони ўртаниб йиғлади. Чексиз узоқ кечалар бўйи ҳасрат чекади ҳалқ отаси Абайдек алам торган азamat! Янгиран янги давонга чиққан нафаси ўзгача бу шеърлар — ўшанинг ҳолини баён этади. Абиш ўлиб, Мағаш келган кунларида Абай ёлғиз ўзи ҳал қилиб, қарор қилиб қўйган бир масала бор эди. Уч кунгача Мағашдан Абишни сўраб, батафсил эшитгандан кейин. Абай энди ўша қарорини айтди.

5

Аввало, йўл энди бир оз кунда тузаладиган бўлганидан ҳаво исиб кетмай, ернинг яхи эримай турган пайтда Абишнинг жасадини Олмаотадан олиб келмоқчи бўлишди. Шу мақсадда энди Ўтегелди Мойқонлар ёnlарига яна уч кишини олишиб, уч арава билан дарҳол Олмаотага жўнашди.

Мағашни шаҳарда кўп тўхтатмай, Абай тезда Оқшўқидаги овулга жўнатди. У ердаги Абишнинг уйига, онасининг олдига Абишни ўз қўли билан қўйиб келган Мағашнинг ўзи бориб, ёnlарида бўлиб, ғамларига ширик бўлсин деди.

Абайнинг ўзи ҳали ҳам Дармен, Боймагамбетлар билан шаҳарда қола берди... Фақат Ўтегелдилар Олмаотага етиб, Абишнинг жасадини олиб, «қайтадан Семей сари йўлга чиқдик» деб телеграмма берганларидан кейингина, Абайлар шаҳардан қўзғалишди.

Абишнинг жасадини Семейга олиб келишнинг ҳожати йўқ. Ё Аягўзда, ёки Орқат бекатида кутиб олиб, Чинғизнинг бағри билан, Тўбиқтининг ичи билан, Абайнинг овулига, Оқшўқига олиб келиш керак.

Шундан ўн беш кун ўтганда, Абайнинг бу қарори амалга ошди. Май ойининг ўрталарида Оқшўқида Абайнинг овулида Абишнинг жасадини тумонатдек одам кутиб олди.

Оқшўқининг бағридаги қишлоғдан қўзи қадам ерда Абайнинг онаси — Улжоннинг тўрт бурчакли соғонаси бор эди. Абиш ўша катта онасининг бағрига боради, ёнига қўйилади. Жаноза ўқиши олдидан Абишнинг жасадини шу онгача солиб келинган ёғоч тобутдан олина-диган бўлди. Шунда ҳам Мойқон билан Утегелдиларнинг ўзлари, ўз қўллари билан оладиган бўлишди. Булар, Абишни олмаеталик кексаларнинг маслаҳати бўйича булғорига тикиб олиб келишган экан. Туғилган тупроғини Абиш узоқда орзу қилиб ўтган эди. Энди дунёга келиб даставвал қўзини очган, она бешиги — Оқшўқисига келганида, бирорта одам унинг юзини кўрса бўлмайдими!?

Дилда шу гапни Абайга маслаҳат қилиб айтиб кўрганди. Абай унинг гапини, тилагини маъқул кўрди. «Онаси Дилда билан армонда қолган ёри Магиш икковига Абишнинг юзини кўриб, сўнгги марта видолашибга рухсат этилсин!» — деди.

Олачалпоқ кўланкали салқин уйга чимилдиқ тутиб, суюклар билан нақшбанд қилинган каравотга ётқизиб қўйилган Абишнинг ёнига Дилда билан Магиш яқинлашди. Онаси ўпка-ўпкаси узилиб, ўкириб «қулуним!» деб фарёд қилди. Кўпдан буён Абишнинг ёнидан узоқлашмаган Мойқон билан Утегёлди иккови ҳам энди ўкириб йиғлаганларича ерга ўтириб олишди.

Магишни Дилданинг ўзи ўнг қўли билан қучоқлаб, суяб олиб келган эди. У йиғлай ҳам олмади. Яна ҳадеб ўзидан кета берди. Үлим тамғасидек бўлиб, ўзининг ҳам юзидаги томирлари кўкиш товланган. Энди Дилда ўн қўли билан кафани кўтариб, Абишнинг юзини очган пайтда, шилқ этиб ўзини ташлаб юборди. Ажаб, Абиш ухлаб ётгандек, ҳеч ўзгармабди. Дилданинг ёшли кўзлари илғагани: фақат чакка соchlаригина унча-мунча тўклибди.

Иккита аёлни кўп турғизмай, Утегелди билан Мойқон қўлтиқларидан суяб, олиб чиқа бошлашди. Шу ондагина товуши, тили чиққан Магиш ёшини ҳам, оҳизорини ҳам бир ўксиб йиғлашда чиқарди.

— Абишим, жоним, онтим шу! Юзингни қўриб.. қилган шартим шу... Мен ҳам тарқ этдим ҳаётни!. Мен ҳам ўламан, сенсиз менга дунё йўқ... Бораман, тез бораман орқангдан!.. — деди. Ҳушидан кетиб йиқилганича Утегелдининг бағрига қулаб тушди!..

ҚАСДЛИК

1

Абай уйқудан сапчиб, чўчиб уйғонгандек бўлди. Бошини ёстиқдан сал кўтариб, ташқаридаги ўпир-тўпирга қулоқ солганида, хаёлга келмаган бир бежо товушлар эшитилди. Кўп отлиқлар тасирлатиб келишиб, сўйилларини ерга ташлашаётир. Ерга тушган ёғочларнинг шақир-шуқури, кермага сиқилишиб келган кўп отлиқлар узангиларининг бир-бирига уришиб шарақлаши эшитилди. Отларнинг сўлиғи, сўлиқ ҳалқалари шиқрлаб, шилдирайди, Абай тушида чўчиб уйғонгани йўқ, ўзи ётган тундиги берк катта уйга шу йўсинда тўдалашиб келган кўп отлиқларнинг юриши хунуклигидан чўчиб, бош кўтарди.

Яқиндагина кийими билан ястанган эди. Туш пайти бўлса керак. Энди ёнбошлаганича бошини кўтариб, орқасидаги баланд каравотнинг Айгерим ўтирадиган олдинги тарафига, оёқ томонига юзини ўғириңқираб, нима гаплигини сўради.

— Нимади, келганлар ким, билдингми?

Айгерим эшикни очиб, ташқарига қараб турган экан. Келганларга қарайман деб Абайнинг гапини эшитмай қолди. Ташқаридан Айгеримга хабар бериб, бобосига алоҳида бир янгиликни айтмоқчи бўлиб: «Дада, дада!» — деб Абишнинг кичкина қизи Раҳила чопқиллаб кирди. Айгерим энди жойига келаётир. Раҳила ундан олдин югуриб Абайнинг ёнига келди. Қучоғини очиб қарши олган бобосининг бўйнига осилиб, қучоқлаб оларкан, шошганича хабарини айтиётир:

— Вой, вой, дада!..

Эндиги, Раҳила тенги набираларнинг ҳаммаси Абайни «оға», «ота», демай, «дада» дейдиган бўлишан.

— Дада дейман, кўп-кўп ўғрилар келишиди! Сўйилари бор. Улар ким билан уришади?

Абай ҳамон чўчиганича Айгеримга қараби

— Кимлар экан, сен билдингми?

Айгерим унча чўчимаган кўринади.

— Ораларида Чироқ бор! — деди.

Абай унинг қайси қайнисини «Чироқ» дейишини хотирлай олмади.

— Қайси Чироқ?

— Мана бу кичик Қасқа булоқдаги Айнекемнинг ўғли! — деб Абайни тинчлантириб жилмайиб қаради.

Қўнис отини айтгандан кейингина Абай Айгеримнинг Айнекеси Такежон эканлигини, «Чироги» унинг ўғли Азимбойнинг оти эканлиги эсига тушди. Шу чоғ кўтариб қўйилган эшикдан энгашиб кириб келаётган Азимбойнинг қоп-қора соқолли қизил юзи кўринди. Солқиган қизил қовоқлари, ялпайган катта тумшуғи кўзга чалинди. Остонадан ҳатлаётиб, босинқи товуш билан зарда аралаш салом берган Азимбой, ялт этиб бир йўлгина совуқ боқди-да, тўрга қадам ташлади. Унинг орқасидан оддийгина кийинган ўнтача киши турна қатор кириб,чувуллашиб салом бераверишди. Буларнинг кўпчилиги Азимбайдан ёш. Соқол-мўйловлари сийраккина, нуқул бир тахлитдаги азаматлар экан. Сиртқи кўринишларидаги яна бир фарқи: ҳаммаси новча бўйли, чайир мушакли, яғринли, полвон, ё баримта босишига, ёки ёқаллашиш-муштлашишга тайёр, нуқул илиги тўлиқ чандаст азаматларга ўхшайди.

Буларнинг яна бир сиртқи белгилари: ҳаммаси ҳам нимдош чакмон, йиртиқ чопон, эски тумоқ, этаклар кийишган. Молбоқар қашшоқ қўшнилари бўлса керак.

Меҳмонларнинг ҳаммаси жойлашиб ўтирганларидан кейин, Абай ҳайрон бўлиб Азимбойга қараб:

— Қаердан келаётисан, нима қилиб юрибсан? — деб бор гапни Азимбойнинг ўзи айтишини кутди.

Азимбой Абайни ҳайрон қилиб, «пиқ» этиб кулиб қўйди-да, нима қилиб юрганини айта бошлади. Гапидан кулги эмас, аниқ бир балонинг ҳиди анқиётир.

— Юришимиз хунук юриш, бир чатоқقا кетаётисиз. Оғам, сизни эшитмаган бўлса, «йўлакай» кириб,

айта кет» дегани учун атайлаб келдим. Үзингиз мана шу яқында чиқаётган мажарони эшиштаган эдингизми?

— Қандай мажаро?

— Ёпирай, эл чопишиб, эгар бўлишмай дейишади-тири-ку!

— Нима деяётирсан, томчилатмай тўғрисини айтчи!— деди Абай қаттиқ ҳайқириб.

Азимбойнинг оғзидан чиқаётган совуқ сўзлар билан бирга, юзида мудом бир кулги, шодлик-хурсандлик аломати ўйнаб турганида, Абай нафрат билан ғазабланиб қараган эди. Азимбой ҳали ҳам Абай томонга кўз остидан кулимсираб, қараб қўя ётириб. Ҳеч шошмасдан, тўғрисини тушунтира бошлади.

— Чатоқ шу, мана бу Кўкеннинг Уғифи билан қирқ уруғ бирлашиб олиб, эидлашаётир. Орасида шаҳардаги улуғларга арз қиласиган, сўзини пуллайдиган Серке деган бир пишиғи бор дейишади. Ӯшалар Тўбиқтининг ерини кесиб олдиргани ер ўлчайдиган бир тўрани олиб келиб ўтиришибди-ку! «жемтемр» дейдими, «земтемр» дейдими ўшанақа бир балоси келиб анави Буғлидаги Эсбўлат, Тосбўлатнинг, Қора мирза билан Дузбембетнинг олдини кесиб олибди. Энди ола ёғочини судраб, бизнинг мана бу Сақ-Тўғалоқнинг ёнига келибди. Үзимиз кўклам-кузда яйлоқ қиласиган кичик — Ӯлжайнинг, ўша Кўкен бўлиси билан чегарадош қудуқларини, қўнисларини ўлашга тушибди!

Абай бу гапларни илгари ҳам эшиштан эди. «Ӯлжайдан қайси қудуқлар, Эсбўлатдан қаерларни кесиб олмоқчи?— деб сўради.

— Биздан анави Босжимба, Оёқжимбани, Кўпсоқовнинг қарағанини, Шўлақ эспени Билдегача кесиб олмоқчи. Ундан нари, Ўбали, Қўғали, Қорақудук, Тўреқудуқнинг усти билан бориб, анави Шаған билан Семейтавнинг туташган жойига чиқади. Қисқаси бор яйлоқларимизни кесиб олмоқчи бўлаётир. Бир старшин, бир бўлис эмас, ёки бир уруғни эмас, бутун Тўбиқтига чанг солаётир!— деб бир тўхтади.

Абай эндиги кайфиятни англай бошлади. «Тўбиқти бўлиб уоқ билан олишамиз» демоқчи. Азимбойга энди айни мақсадини айтдирмоқчи бўлди.

— Хўш, шунинг билан, одамлар нима қилмоқчи? Сенлар нима қилмоқчисанлар?

— Одамлар бўлганда бу гал Тўбиқти тўдасини Ўрозаканг бошлаётир! — деб Абайнинг ғашига тегаётгандек, жўрттага бир балонинг учини чиқариб, сўзлаб кетди.

— Энг катта ёв — элнинг ёви, энг катта дов — ернинг дови деган гап бор-ку! Ўрозаканг элнинг номусини ҳимоя қилиб, Тўбиқти номидан Кўкеннинг ҳалиги элига, анави Серке бўлмишига гап ташлабди. «Жемтемрингни тўхтат! Эл билан эл бўлиб келишайлик!» — деб уч йўл одам юбориб, сўз ташлаб кўрган экан. Уоқ: «Тўбиқтидан кўрадиганимизни кўриб бўлганмиз. Адолат кўрганимиз йўқ, қандай бўлса-да, улуғнинг қонуни ҳал қилсин» — деб думини четга ташлабди. Ўрозбой шунга яраша: «Уоқнинг аравакаш, деҳқон, жотоқ, мардикор бўлиб юрганларига ҳақимизни кетказамиزم! Тўбиқтининг номуси бор азамати отга минсин!» — деб урон ташлабди. Халқни йиғиб: «Уоқни чопаман» деб лашкар тўплаётир. Оғамга: «Баримтага-босқинчиликка борадиган, оти, сўйили бақувват азаматларни олиб келсин. Мен боримни солдим, «Эрни номус, қуённи қамич ўлдидриди», келсин, йиғилсан» — деб жар солибди. Мана ўша Ўрозбойга лашкарликка кетаётирмиз! — деб Азимбой Айгерим тутган қимизга эндигина қаради.

Қисир мол софилаётган кўклам пайти. Меш чоғроқ бўлса-да, Айгеримнинг бу меҳмонларга қўйдириб, шопиртириб бердираётган кумуш чорадаги муздак қимизи кўп эди. Абай ҳалиги гапларни эшишиб бўлиши биланоқ аввало бир оз эрмак қилди:

— Оғиз дарвоза, сўз шамол! — деб қўйди-да, — ҳиссасини ҳам берасанлар-ку ҳали, Тўбиқтининг зўравонлари! — деди.

Қимизини ичиб бўла ёзганда, Азимбой вазифасини адо этиб бўлганди. Унинг ўзи хоҳламаса-да, отаси: «Бориб Абайга айта кет!» дегани учун келиб, бало излаб отланиб кетаётганини айтди. Энди Абайнин сўзлатиб сир олмоқчи бўлди. Айниқса, бу бориб тушиши билан Ўрозбой: «Абай нима деяётир!» деб сўрамай иложи йўқ. Ушани ўйлаб, Абайдан маслаҳат сўраётган киши бўлиб, чеҳрасини очиб, гап олишга уринди.

— Хўш, Абай оға, бизларнинг нима қилмоқчи бўлганимизни эшиздингиз! Мана энди ҳужумга ҳозирланаб, отга миниб, яроғ-аслача тақинаётган халқингиз, қариндошларингиз экан, сиз нима дейсиз? Ўрозбойнинг ► раҳбарлик қилаётганига нима дейсиз?

Абай бу гапнинг тагини пайқаб ўтирганди. Лекин кўнглидаги гапини одам боласидан бекитадиган одати йўқ. Иккинчидан у ичида Тўбиқтининг устун-эўравонлари бошлаётган ишга қарши эди. Кўкенning меҳнат аҳли эли бу иш устида одилона ғазабга келган. Абай уни ичидагина эмас, очиқдан-очиқ қувватлашга, тўғри дейишга ҳозир. Урозбой Азимбайдан эшитиб жаҳли чиқиши эмас, чатнаб кетсин. Абай кўнглидаги гапини унинг юзига ҳам айтади. Шуни ўйлаб Азимбойга қисқача қилиб, сир билдириди.

— Урозбой от миниб, қурол тақиниб, ёвни йироқдан излаб нима қиласди. Душмани, ҳақиқий душмани Урозбой бўлмишларнинг ўзида, ўз ичида! У — ўжарлиги,ndon авомлиги-ку! Олишадиган бўлса, ана ўшаниси билан олишсин-да! — деб зўр одамгарчилиги юзасидан бир фикрни айтди.

Фаламус, маккор Азимбайнинг ҳалиги қўланса ҳий-лакорлиги билан қўшиб, унинг бошидан ҳатлаб кетиб, йироқдан бориб бир уч бериб кетди. Яна бир фикрини билдириб:

— Золим эўрликдан қазо топади. Қора чўқмор билан ҳужум қилиш замони ўтганлиги, Урозбой эмас, ке-ча ўтган Қунонбой замонида ўтганлиги кўрилган эди. Билмаган бўлсаларинг яна бир, тумшуқларинг тошга тегиб, туриб бер! — деб, бу ҳақдаги бор гапини, Азим тушунсин, тушунмасин, шунинг билан чўрт кесиб ташлади.

Азимбой бўлса, энди қимиз ичилиб бўлган пайтда, Абайнинг бундан кейин сўзлагиси келмаётганини англади. Ҳалиги гаплардан унинг ўзига чиқарган холосаси ҳам бор. Аввало Абай бу йўриқни маъқул кўрмайди. Иккинчи, Азимбайнинг фикрича, шу ишни Урозбой бошлаётганини ҳам ёқтирумайди. Худди мана шу масалани эсларкан, Азимбой ичида, ўзининг қудаси томонга ўтди. Абай ўша катта аразлиги бўйича Урозбойга яхшиликни раво кўрмайди. Кўнглидан: «Қаердан уч берсанг-да, сенинг ниятингни биз ҳам кўриб ўтириб-миз» — деган гап ўтди. Абай билан ичидан зидлашганича, унга асти ишонмайдиган кўнглини янада қимтиб, ими-жим жўнашнинг ҳаракатига тушди.

Индамасдан қўлига қамчинини олди-да, қовоқ солганича ёнидати йигитларига «ҳозирлан!» дегандек ишора қилди. Шу бўлди-ю, йигитларининг ҳаммаси тумоқ

ларини кийишиб, қамчиларини қўллариға олишганда, Азимбойнинг ўзи Абайга «хайр» деб элдан бурун туриб, салмоқли одимлар билан эшик томон юрди.

Булар кетгандан кейин Абай Айгеримга бўлаётган ишларни шошмасдан айтиб берди. Унинг айтишича, чатоқ чиқараётган Кўкен эли эмас. Тўбиқтининг кўп замонлардан буён уларга зўрлик қилиб келаётгани рост. Ҳалиги айтган Тўбиқтидан оламан деяётган қудук, қўнисларнинг ҳаммаси аслида Тўбиқтиники эмас Кўкен элинники. Ўтган йили шу ҳақда гап очиб, Семей ўязининг Жалпоқ деган ерда ўтган «Шербешнойда» Кўкен эли арэ қилган. Уларнинг томонидан бу гапларни қўзғаб, шу кунларда ҳам ҳаракат қилиб юрган Серке деган пишиқ одам. У худди мана шу иш устида тўғри йўлда бораётир. «Шербешнойга» ўяз келган эди. Улуғ ҳалиги ерлар Кўкен элининг ўзиники эканлигига далил бўладиган қофозларини ола келади. Семейнинг улуғлари Кўкен билан Тўбиқтининг бўлисларини ўша «Шербешнойда» жам қилиб туриб, илгари Тўбиқти тортиб олган ерларни Кўкен элига қайтартириб бермоқчи бўлади. Ӯшани сезган Тўбиқтининг устунлари Жалпоқдаги «Шербешной» сияз устида бир қанча мажароларни чиқаришиди.

Аввало Серкени қўрқитмоқчи бўлиб, Таурбек деган муқурлик қозоқ уни ҳақорат қилиб, тил текизади. Мақсади: кўнглини синдириб, чўқтириб қўйишда. Ӯлжойдан чиқсан Қозбек деган бир олашовур зўравон, жанжалчи бор. Қозбек одамларнинг ичиди Серкега «ўз бўйнида ҳақим бор» деб бўҳтон ортиб, бало қилади.

Шунда ҳам тап тортмаган Серкени кўпчилик ичиди, улуғнинг уйига кириб кетаётганида, Аширбойнинг Ўспони деган бир безори тўбиқтилик, бехосдан қоқилиб кетган бўлиб, орқасидан қўйиб қолади-да, бошидаги телпагини учирив туширади. Буларнинг ҳаммаси кўп итларнинг, ола бўриларнинг ёпирилиб, ҳуриганидек гаплар.

Бу қилиqlар худди болалар қиладиган хиралишка ўхшайди. Ӯшанга ҳайрон бўлиб Айгеримнинг масхара қилишини Абай ҳам қувватлаб қўйди. Евуз одамларнинг ўз душманларини «қўрқитаман» деб шундай чатоқлар чиқаришини ҳам айтиб берди. Лекин, ишнинг каттаси у эмас экан. Ҳалиги сиязни бошқариб, икки элнинг ер довини текшириб, битирмоқчи бўлган

улуғнинг ўзини ҳам тўбиқтиликлар хўп ҳалак қилишади.

Ким қилгани номаълум, ҳарқалай тун кечада, ҳамма уйқуда ётганида ўяз ётган уй лов этади-ю, ёна бошлайди. Ўяз билан бошқа улуғлар яп-яланғоч зўрға қочиб чиқади-да, бор қофозлар куйиб кетади. Бутун иш шунинг билан тўхтаб, сияз тарқалиб, улуғлар шаҳарга қайтиб кетишади. Тўбиқтиликларнинг найранги туфайли ер даъвоси бартараф бўлмай қола беради. «Энди мана қиши бўйи ўша Кўкеннинг ҳалқи ўша аризаларини аслига келтириб, яна қонуний йўл билан енгиб оладиган бўлиб қолган-ку. Ҳалигининг «жемтемр» деб алжиб ўтиргани русча «зэмлемер» деган, ер ўлчайдиган чиновник. Ўша келиб ишга киришганда, энди Ўрозбой «яна бир отим чиқсан» деб йиртқичлигини бошлаганку!— деб Абай бир фикрга келди. Бўлай деб турган галаённинг бутун сирини аниқ билиб, кейин шу ишда ўзича: «ҳалиги Азимбойга қарши бир олишадиган хонаси келади-ку»— деб ҳам ўйлади.

Қорақудуқ деган кенг, сайҳон жойдаги қўнисга Ўрозбой кўп овул бўлиб қўнибди. Ўртадаги ўз овули узун желига қисир бияларни боғлатган. Бир қанча меҳмонхоналар ўрнатган. Ҳар уй, ҳар уйнинг орасига бир неча ерга кермилар тортирган. Ҳам сувнинг боши, ҳам кўп қудуқлар бу овулга яқин жойда. Ўзининг Ҳасейин, Қосимжон, Елеу деган ўғилларини яна алоҳида-алоҳида овул қилиб, ҳалиги қудуқлар бошидан узоқроқ ерга тарқатиб қўндирган.

Амакивачча иниси Дўспоннинг овули сингари бир неча овулларни яна атрофига қуршов қилиб, гир айлантириб жойлаштирибди. Бугун эрталабдан буён Ўробойнинг мана шу кенг, сарғиш, сайҳон ердаги овули устига гала-гала бўлиб йигилиб келиб-кетаётган ҳар уруғ, ҳар қўнислардан чиқсан салт отлиқлар беҳисоб кўп бўлди. Гўё бир катта тўй ёки ош берилаётир-у, беҳисоб одам ғужғон ўйнаётир дейсан киши. Ўша Ўробойнинг учта катта уйида эрталабдан кечгача бугунги «ийғилишнинг бошлиқлари» деб аталадиган нуқул оқ соқол, қора соқоллар «дув, дув» маслаҳатда бўлишди. Бу ерда атрофдан келган тўдаларнинг фақат бошлиқлари, эътиборли амалдорлари тўпланган. Эргашиб келган фуқаролар, отбоқарлар, хизматдаги сўйилбозлар

бўлса, уларнинг ҳаммаси ҳалиги қўшни ўтирган ўтов огулларга жойлашиб, уймалашаётир.

Ўроzбойнинг катта уйида бугун мана шу Қорақудуқقا ўзи жар солиб чорлаган кўп тўбиқтиликларнинг анчагина казо-казолари ўтиришибди. Ота номи билан атаб айтганда: Ўлжойдан, Соқ-Тўғалоқдан, Эсбўлатдан, Қорамирза, Дўзбембетдан ва ҳатто, ери чап бўлса-да, Ўроzбойнинг жар саломи билан йиғилганлар Мирза мамайдан ҳам бор.

Шуларнинг ҳаммасининг оғзида Ўроzбой тарқатган биттагина, низо билан фалокат излаётган совуқ гап. У, Азимбой шу ерга келаётib, йўл-йўлакай Абай уйига кириб ўтганида «Ўроzбой айтиб юборган гап» демай, ўз сўзи қилиб айтиб ўтган гап.

«Ёвнинг каттаси — элнинг ёви, довнинг каттаси — ернинг дови» деб бир олиб қочишади. Шунинг билан бирга яна Ўроzбой айтган: «Уоқ билан менинг олти оласи, беш берасим йўқ. Ўзим учун эмас, Тўбиқтининг номуси учун, элнинг баҳт-саодати учун отга минаман! Уоқ бўлса, элга душманлик қилаётir»— деган гапни яна кўпчиликнинг оғзига туширишаётir. Кўп ерда ҳар тўпнинг орасига қўйилган оқ соқол, қора соқол, йигитланлари, ёшу қарисигача шу гапни айтдираётir. Ҳозирги ҳар хил тўдаларнинг, ҳар уйда такрорлаб, таинлаб айтаётган бир уйдирма гапи ҳам бор. У ҳам Ўроzбойдан чиқсан бўлса-да, ёлғиз Ўроzбой эмас, Тўбиқтининг ҳамма бойларининг оғзидан чиқаётган гап.

Шунда нима дейишади? «Уоқ Тўбиқтининг кузлик кузевини, қишлик ўторини, кўкламда яйладиган кенг яйлови, ўтлоғини олаётir. Кимникини олаётir? Тўбиқтининг арвоҳига қарашли қўниси-яйлоқларини олаётir. Демак номусни чавоқлаб, ўртаётir. Шу ўтлоқ, кузев Қорақудуқ, Тўреқудуқ, Ўболи, Қўғоли, Шўлоқәспе, Қоной қарағани, Босжимба, Оёқжимбаларнинг ҳаммаси, ҳаммаси ҳам Ўроzбойнинг отаси Оққулигина ҳазил қилган ерлар эдими? Қунанбойгина фойдаланган эдими? Бойсоли, Бўжей ёки Молдабой, Бурақонгина яйлоқ, қўнис қилиб юрган эдими? Худо қани, истаса Тўбиқтининг барча, отасининг ўғли гоҳ кузев қилиб, гоҳ йилқисига қишлик ўтор қилиб ёки мана шу бугунгидек кўкламда яйлоқ қилиб, фойдаланиб қелмаган эдими? Ӯша ерларингни олай деяётir! Қозоқ қозоқ бўлгандан буён асосли довининг каттаси ер дови эмасмиди? Ӯша ер

учун, ҳавасга әмас, ўзим учун әмас, кўпларинг учун, мана туғларингни кўтардим, олдиларингга тушдим!— дейди Ўрзбой.

Қисир биянинг қуюқ, муздек қимизини бугун кўпиртириб ичib ўтиаркан, ўз уйидаги Тўбиқтининг кўп уруғи авлодига бутун айтадиган гапини айтиб чиқди.

Яна бир хонаси келганда: «Тортинган тортилиб, буқинган буқиниб қола берсин. Ер аччиғи — жон аччиғи, тикдим боримни. Йўқладим орингни, Тўбиқти!»— деб ҳам юборди.

Уни мақтаб маъқулаб, жуда қувватлаб ўтирган Жиренше, Аброли, Азимбой, Абдилда сингари йўғон уруғларнинг зўравонлари уни янада ошириб-тошириб сўзлатишаётир. Улар Жиреншега Ўрзбойни кўп мақтатишиди.

— Ҳозирги Тўбиқтининг туғи ҳақиқатан сенинг қўлингда! Уша, номус туғи! Тўбиқтиликлар ўшакга эргашмайдиган ҳезалак эл әмас! Номус учун ёвга зарбингни ўтказгани сен чиққанда, ушлаган ерда қўлимиз, тишлаган ерда тишимиз кетсин! Уватиб олдимизга солиб бер-чи, ўша Үоқни!— деди.

Үоқнинг оти аталганда Ўрзбой ўқрайиб, гезариб, қаттиқ қизишиб кетди.

— Фижирлаган аравасига қирчангисини қўшган яккаш деҳқон, машоқчи, курак-теша орқасидан кун кўрадиган шум қашшоқлар! Оталик эл бўлиб, теги-тахтлик халқ бўлиб беллашса ҳам бир сари-я. Қирқ уруғдан қуралиб, қирқ ямоқ боши билан «Кўкен элимиз» деб гердаяди дейишади. Мана шу «олишаман деганда қайсининг билан олишаман» десанг ҳам, кўзга тушкудек яхлит ери йўқ. Нуқул «қум йигилиб тош бўлмас» дейиладиган, сойда сони, қумда изи йўқлар. Босгандা ҳам ўшаларнинг қирқ уруғи бир ерга уйилган қийнинг қийдаси бир тўпини талқонлатай деб ўтирибман. Нуқул хаскашчи, темирчи, ўроқчи, деҳқон дейдими, нуқул яғир от минганд, ирими ёмон сувурларни сўйидирай деяётирман!— деди.

Евликка, шафқатсизликка ўзи тишини ботириб олиб, энди бутун йўғонларни бир бошдан маст қилиб қиздириб, гиж-гижлатаётир. Уларга бир томондан: «Анави эргаштириб келган йигитларингга қоровул-отбоқарларингга, сўйилбардорларингга шу гапларимни уқдиринглар!» деб эслатиб қўяди. «Нега кетаётганини, нима учун

боришини, кимларга ҳужум қилишини билиб борсин!»— деди.

Худди айтганидай бугун Қорақудуқдаги овулларнинг барча мәжмонлари баъзан қимиз орасида, овқат билан чой орасида гал-магал айланишиб, жели билан қудук бошларида, оқ уйларнинг орқасидаги кўм-кўк майсазорларда кўплашиб учрашиб, бир-бирларига аралашиб туришди. Ўрозбойнинг гаплари бир уйда, унинг катта уйида ўттиз-қирқ кишига айтилса, ўша он ўттиз-қирқ кишининг оғзидан шу ердаги катта-кичик, олис-яқиннинг ҳаммасига тарқалаётир. Сиполик билан сир тутгандек бўлиб ёки кўпирис ҳовлиқиб, баъзан йўғонлик, тўнг мўйинлик билан ҳақорат аралаш айтилиб, қандай бўлмасин, лашкарликка келганларнинг ҳаммасига етказилди.

Албатта, Азимбойга эргашиб келганлар сингари, бошқа йирик мансабдорларга ҳам эргашиб келган, чурқ этиб товуши чиқмайдиган тўплар, қора сўйил, отармон-чопармонлар бор. Улар Ўрозбой айтдираётган гапларнинг бирига тушунса, бирига тушунмайди, бирига ишонса, бирига кўзи ҳам етмайди. Бироқ буларга бугун очиқ-оидин бўлган бир жиҳати ҳам бор эди.

Мана шу Ўрозбойлар Уоқ билан жанжал қилмоқчи бўлаётган, талаш бўлаётган ерлар аслида кимниги эканлиги уларга гумон, шубҳали. Тўбиқти Уоқдан тортиб олган деган гапларни эшитган, биладиган қашшоқ-камбағаллар ҳам бор. Улар ўз йўлига. Айниқса дами ичиди бўлган, ич-ичидан Ўрозбойга зид бўлган хизматкорлар ҳам бор. Уларнинг аниқ билгани: Қорақудук, Тўреқудук ҳув ўша Жимбагача чўзилиб кетган ерларга Тўбиқтининг моли йўқ камбағал-қашшоқлари қадам ҳам босган эмас. Ўзларидан сўрасанг «Бу ерингни итим биладими» дейишади.

Кўпчилик халқдан «шу қўнисларнинг фойдаси текканми дессангиз:» Атаманг, от кирт этиб чўп еган, эр қулт этиб сув ичган ер эмас. Уни еб юрган, ичиб юрган, қўли етганларгина!» дер эди. Аслида Ўрозбой «ер учун, эл учун», «элнинг ёви», «Тўбиқти номуси», «ернинг дови» деган гапларнинг ҳаммасини қора бўрон қилиб, халқ кўзига тупроқ сочиб айтарди. Одатда ўз жиғилдини шу зайл кўзлаб келиб, рост, ёлғонини қўшиб, олатороқ қилиб, қора ниятига айлантириб урмай қўймас эди.

Қўпчиликни хонавайрон қилай деб турса-да, ўшани яна «ўзим учун, ўзимдек озчилик учун» — деб асти айтмайди. «Ўзларинг учун, кўпчилигинг учун» деб туриб, бир балони қоп-қора булутдек қоллатиб келади-да, хоҳласин, хоҳламасин кўп беозор халқа қучоқлатиб қўйиб, кетади-қолади. Шу жиҳатини ўйласа ҳақиқатда ҳалиги талаш бўлиб турган кузев, кўклам яйлоқ деган қўнисларнинг ҳаммасидан фойдаланадиган йигирма-ўттизтагина овул эди. Бир ярим, икки минг хонадон ичидан йигирматагина одам, ўша йигирматагина бой яйраб-яшнарди. Бугун Ўрозбой ўтирганидек, Қунанбой замонидан буён Тўбиқтининг ҳар бир устун уругининг яккаю ягона катта бойи қўшни бўлган қашшоқ, беозор дехқон, меҳнаткаш уоқ элининг ўзи ҳали фойдалана олмай ўтирган ерига бостириб бориб, еб юрар эди.

Қиши кунларида ўша ерларга ўторлаб, қўши-қўш йил-қиларини чиқаришарди. Ҳалиги кўндалангига чўзилган узун ўлкага қор тушиши биланоқ йигирма-ўттиз қўш йилқи келарди. Чамаси эллик-олтмиш минг йилқининг қишида жон сақлайдиган ери Тўбиқтининг жойи эмас, мана шу Үоқдан тортиб олинган ерлар бўларди. Мана Ўрозбойнинг оҳ-воҳи билан ҳайҳай-суронининг тагида ётган ҳақиқатнинг ҳақиқати шу эди.

Албатта, бугун Ўрозбойнинг қошида унга чочвоқбардор бўлиб ўтирган ҳар уруғнинг устунлари бу ҳисобларини унтишган эмас. Улар Ўрозбойнинг ҳайҳай-сурони билан ўзларининг киндиклари бир эканини хўп билишади. Бу устунлар фақат Ўрозбой уч минт йилқили бой бўлгани учун, ўша салом йўллаганидан ёки Тўбиқти деб урон солганидан келиб ўтиришгани йўқ. Улар бу чигал тугунга ўзларининг ҳам ҳожатлари қўша тугулганида жон-жаҳдлари билан келиб ўтиришибди. Лекин маккор зимидан ишлатишни йўл қилиб олган ҳийлакорлар билан шумлар, худди мана шу ҳақиқатга келганда ичларидагини очишмайди. Фақат Тўбиқтининг эндиги оғаси Ўрозбойнинг раҳбарлигини маъқул кўрган, қувватлаган киши бўлишади.

Мана шундай суръати, дами ўткир гап гапирадитан Ўрозбой бошлаган изғирин, энди ҳозир қандайдир мўмин элларнинг, бепарво овулларнинг бошига уриб эсадиган довулга айланади.

Кун намозгарга яқинлаб қолган пайтда барча овуллар яйлоқда арқонлаб қўйган отларни, кермада турган,

бўз уйларнинг белига маҳкам боғлаб қўйилган айғирларни, бедов бияларни шапир-шупур эгарлай бошлаши.

— Отга қўнсин, вақт бўлди!

— Қани энди, тикка ўшаларни кўзлаб юриб беришин! — деган амир, буйруқ Ўрозбойнинг катта уйидан чиқиши биланоқ, бир сут пиштудек вақт ичида юзга яқин семиз, бақувват, ўйноқилаб турган отлар эгарланиб бўлиб, бир тўда лашкар, саралангани эр-азаматлар сўйил, найза, чўқмор, ойболталарини олиб, шайланиб, отларини тасқоқлатиб, Кўкен тоғига қараб йўл олиши.

Турган гап, Ўрозбой уйидаги катта тўдадан биронта одам бу отлиқларга қўшилгани йўқ. Улар қаторларини хато қилмай, чамбарлари маҳкам ҳолда, кечқурун Ўрозбой фотиҳа қилдириб, сўйдираётган қисир биянинг семиз кўк тойининг гўштини кутиб қолиши.

Қорақудуқдан отланган юзга яқин тўданинг эндиғи юриш-туришини бошқариб келаётган, ёшлари ўттиз-қирққа илинган бир неча жангбошилар бор. Уларни Ўрозбой, Жиреншелар мана шундай кўкка кўтаришиб, кун бўйи «жангбоши», «лашкарбоши» дейишиб лақиллатиб отлантиришган.

Фақат Эсентойгина кўп отлиқлар жадаллаб юриб, овулдан йироқлашиб, кети узилиб бораётганда кермегани семиз жийрон човқар отига миниб, тепинганича кетди. Кетаётганинг орқасидан чопди. Унинг орқасидан қараб борган Ўрозбой, Жиреншелар бир ҳайрон бўлиб, бир шодланиб томоша қилиб туриши.

Жиренше Ўрозбойни туртиб қўйиб, эрмак қилиб:

— Эски жини қўзиidi дейман-а буни! — деб қиқирлаб кулиб, Эсентойнинг ёшлигига ўғри ўтганини хотирлади.

Ўрозбой кулмаса-да, ягона кўзини шифрайтириб Эсентойнинг орқасидан тикилганича хурсанд бўлиб турди.

— Қечадан, эрталабдан буён дами чиқмай ўтирган эди! Писмиқ жон чиқарга келгандагина товуш чиқарали-ку ўзи. Анавиларга маслаҳат бергани кетаётир! — деди.

Азимбой эрмак қилиб:

— Маслаҳатини ҳам берар, босқинчилитининг сирини ҳам ўргатар. Тикилганидан қон слмай қўядими, Эсеканг! — деб атрофидаги йўғон безориларнинг ҳаммасини кулдириди.

Бу чоғда Эсентой тұда олдидаги Бесбесбойни сал четлатиб олган. Лашкар қаторида елиб-йүртиб бораркан, қисқача маслаҳат беріб кетаётір.

— Мана бу тұдани сен бошлайсан! Мингдан-минг тайинлайдиганим... Асли асир қолдирма!. Адашиб, тенгираб, ур-йиқит майдонда йўлдан адашиб, ёв қўлига гушадиган қаланғи-қасанғилар ҳам бўлади. Ҳаммасига өслатиб қўй! Орқага чекинарда ҳаммаси отнинг думни Темирқозиқча баравар тўғриласин! Шунда ёлғиз кетгани ҳам, тўдалашиб юргани ҳам йўлни бир тарафга қараб олади. Элга қараб, кейинчалик йўл оларсанлар!

Бесбесбой индамай бош ирғаб қўйди-да, «тўғри экан!»— деди. «Яна нима дейсан?» деб, ўзи билан бир замонларда босқинчиликда учрашиб, бир пақирдан шўрва ичишганини хотирлаганича, кулимсираб Эсентойга қаради.

Семизлиги юзи-кўзидан, диркиллаб турган бақбақасидан очиқ кўриниб келаётган Эсентой ҳамон қизишмай маслаҳат бераётір.

— Оти югурик, қўли қаттиқ, забардаст ёв бўлса, энг хатарли душман ўша-ку! Пайтини топиб, олдин ўшандайларни қатордан йўқ қилишга тиришинглар. Аnavи қари шерикларингга ҳам шуни тайинлаб қўй! Ундайларнинг иложи кўпинча сўйилбозлик билан ииқитиш эмас! Қарама-қарши олишганда ҳам, чекиниб жанг қилганда ҳам, жуда иложи бўлмаса, ўзини урмай отини ур! Қулоқ-чаккасидан бир-бир тушириб, отини қулатиб кетиши керак. У қайтадан от топиб миниб, қаторга киртунича хила вақт керак! Хавфиларидан шу зайл қутулишлар бўлади. Қани, бора бер энди, оқ йўл бўлсун, ҳой ботирлар!— деб, отининг бошини тортди.

Одам тўғрисида розилик билан мирзалик гап, мақтov гап асти оғзидан чиқмайдиган Эсентой бу тұданинг олдидаги беш-олтиталарни «ботирлар», «азаматлар» деб жўрттага кўпириб мақтаб қолди! Уларни бугун шу атрофдаги «энг яхши», «энг қадрли», «энг ажойиб, жасур йигитлар» деб шишириб қўйгани, уларни алдаб, қўлтиғига сув пуркагани эди.

Асли ҳақиқатга келганда, қолганларга ҳам маълум, кетаётган лашкарларнинг ўзларига ҳам очиқ-ойдин маълумки: бошлиқларнинг деярли ҳаммаси ҳақиқий каллакесар ўғрилар. Лекин Ўрозбой ўша ўғриларни ҳар ер-ҳар ердан танлаб олган. Буларнинг баъзилари Тў-

биқтінинг казо-казо уруғларининг ўғрилари. Бир хиллари эса, күпни күрган, уруш-талаш, қочқын-қувғинларда бўлган маккор, пиҳини ёрган одамлар. Ҳаммаси ҳам водийдаги дәхқон, меҳнаткаш, ювош эл Үоқни қишии-ёзин қуршаб келиб, кўп жойларидан, ҳамма қўнислари-дан мол ҳайдаб кетиб юрган, чиниққан муттаҳамлар.

Кўкен тоғидан ошадиган давонларни, қай маҳал, қаерда тўпланиб қўнадиган овулларни билмайдигани йўқ. Ҳатто Үоқнинг «фalon овулининг йилқиси кечаси қай томонда яйлайди» деса, Чинғизнинг нариги бағрида ўтириб ҳам янглишмай айтиб бера оладиганлар мана шу ўғрилар. Үзлари яна ҳалиги элларнинг казо-казолари билан бир бошдан ошна, дўст, мудом яхши от, яхши қуролларни галма-гал алиштириб юрадиган, қадамлари узилмайдиган қадрдон кишилар. Ҳарқалай уч минг йилқилик Ўрозбой билан мана шу тўдани бошлаб келаётган олтита қароқчининг ҳаммасининг ҳам ораларидан қил ўтмайди. Мана шу донгдор соққа ўғрилар: Жарқимбой, Дубой, Бесбесбой, Соптаёқ, Қулайғир, Қусен деганлар эди. Мана шу олтитаси Қорақудуқдан кун борида чиқишилари биланоқ: «Үоқ хабардор бўлса, Қўкеннинг қоя тошларига қоровул қўйиб, кўпчилик тўдамизни кўриб қолади. Ӯшани пайқатмаслик учун, олти киши мана шу юз кишини бўлиб олайлик» дейишиб, бир тикка жар тагидаги сойда олтита ўғри бор баримтачиларни олти тўдага бўлди. Шунинг билан Ўрозбой отлантириб юборган, фалокат излаб бораётган тўдалар ҳалиги сойдан алоҳида-алоҳида тўда бўлиб тўзиб кетишиди.

Борар жой узоқ эмас, сархилланган бақувват от-айғир, бедовларга мингак, қимиз ичib қизишган, тўқинч, қирғин излаган, ҳавоси баланд тўдалар қош қорайган пайтда Кўкен тоғининг нарёғидаги «Хонлар сойи» деган сойга тушадиган кенг ёнбағирликда елганларича кетишаётир. Бу чоғда тасирлаб елаётган қаттиқ туёқларнинг тупирлаши билан сургатилган сўйил, чўқморларнинг шақир-шуқур урилишигина кимсасиз тоғнинг тинчлигини бузаетир. Онда-сонда тунги босқинчликка минилмаган от-айғирларгина пишқириб юборади. Ўзангилар шиқирлаб, урилиб кетган темирнинг жинг-жинг этган товуши эшитилиб қолади.

Бор режаларини, олддаги қилинадиган ҳаракатларини Кўкендан ошгандан кейин аниқлаб олмоқчи бўл-

гап ҳужумбошилар, ҳозир фақат олдинга тушиб олиб, мүп түдани энди ялписиңга елдирганича, төр елига ел құшиб, эсіб келаётір.

Йүртіб келаётіб қилинган маслағатда, аҳдларда, ҳалиги олтита босқинчининг ичидан биттасининг гапи ўринли, тажрибаси күпроқ, устунроқ күринади. Бу ёш жиҳатидан ҳам бошқалардан каттароқ, кексароқ ва Тұбиқтінинг әнг сержамоа, устун уруғи, Ұлжойдан чиққан Бесбесбой әди. Әши қырққа энди илинган, соқолмүйловига оқ ораламаган, ўт сочиб турадиган ўткир күзлари бодрайиб, косасидан ирғиб чиққан; чаккалари тұлиқ, ялпоқ юзли, қызил-сариқ мағиздан келган Бесбесбой жусса жиҳатидан ҳам баҳайбат катта одам. Бүйі жуда баланд бүлмагани билан яғринли, елкалари кенг, түрт бурчак келган. От устида худди отга енимлаб ташланғандек ўтиради. Құрғошиндан қуйилғандек оғир-зарбали қора сүйил, қора чүқморнинг ҳақиқий емирилмас жанғчиси. У илгаридан хабардор кишидек, олддаги ҳужум қилинадиган овулларнинг ўтирган жойларини ва йилқининг бугун кечаси Семейтовга, күн ботиш томонға яйлашиға шубҳа қымай, муқаррар айтиб келаётір. Құкендан ғовгумда ошиб тушишлари биланоқ, у ҳалиги лашкарбошиларга ўзининг сүнгги тахмини билан қарорини айтди.

Худди шу пайтда лашкар батамом түпланиб түхтаб, сойда отларининг нафасини ростлатыб туришганди. Бесбесбой ёніга Жарқимбой, Дубойларни олиб, беш-олти күни бўлиб, ўнг томондаги тикроқ тақир тепага чиқаркан, олддаги қорамтири туман босган, йироқдаги қоронғиликка тикилиб қараб турди. Дубой бошидан мўйна түмогини олиб, индамай анчагача ўша дала томонға қулоқ солиб, әнгашиб турди.

Отлар хиёл қимирлаб, қўзғалса, тизгинидан юлқиб тортиб, тик турғизишади. Сувлиғини шиқирлатган отларнинг ҳам бошини тортиб туришибди. Бир оз вақт шу тахлитда турғанларидан кейин Бесбесбой пайқаганларини айтди.

— Шу ердан қўзи қадами жойда Тушчикүл бор. Биз бостириб борадиган барча ёв. ўша Тушчикүлнинг атроғига қўнган. Бир томони қамишзор, нарғи сув. Агар йилқининг ўзи ўша тўқайга кириб кетса, ҳайдаб чиқиши ҳам осон эмас. Бу, гавжум ўтирган эл бепарво эмас. Милтиллаётган ўтларини кўр-чи... Ҳу ана, пайқаётір.

сизми?.. Бу овуллар ётмай ёки қўй атрофига атайин ўт ёқиб, эҳтиёт бўлиб ўтирган элга ўхшайди. Лекин йилқиси Семейтов томонга, кўлнинг кун ботиш томонига яйлади деяётганим, шамол ўша томондан турди. Кун бўйни иссиқда тўдалашиб турган йилқи, бугун ҳаво иссиқ бўлди-ку, энди шамолга қарши юриб, ўша томонга чиққан бўлиши керак. Қулоқ солинглар-чи!— деб бир оз турганида, Қорамирзанинг барваста, қадди хиёл эгилган, пихини ёрган ўғриси Соптаёқ: «Тўғри айтиаётирсан!— деди.— Мен ҳам йироқдаги йилқининг шарпасини сезиб қолдим. Ҳали шамол бир фир этиб эсганда пайқадим. Йилқининг кишинаган товушини эшитдим!»— деди.

Энди буларнинг олтитасига ҳам шубҳасиз тўғри туюлган бир қарорни Бесбесбойнинг ўзи айтди.

— Олдимиз пастлик сой, нарёги кенг дала. Бир шув этсак, йилқининг устидан тушамиз. Аммо, ҳамма ухласин. Ҳали кечанинг ярмидан кўпи бор. Ҳамманинг кўзи маст уйқуга кетганда, таппа босамиз. Кейин, тонг отгунча, қувлаб келаётган мол билан худди мана шу Хонлар сойидан ошамиз. Тонг оқаргунча мана шу сойдан ўтиб, Кўкеннинг бағрига қувлай бериш керак. Қани, ҳозирча пича хаёл қиласлил. Мана шу тоғ оралиғида туриб, отларни совутиб, эгар-тўқимни маҳкамлаб олайлик. Ҳар қайсинг ўз йигитлағингга йўл-йўриқни ҳам уқдириб қўй.

— Қандай йўл-йўриқ?— деб Жарқимбой сўраган эди, унга Соптаёқ дағал товуш билан тушунириди:

— Қора сўйилни кўндаланг кўтаргани бўлмаса, мана буларнинг босқинчиликда бўлмаган-ку. Уларга шовқун-суроннинг ўзини ҳам айтиб, тушунириб қўйиш керак. Қувғин-сургун бўлмаёқ, баъзи бир расво босқинчи, аҳмоқ баримтасилар ўзи шовқун-сурон кўтариб, орқасидан қувғинни ўзи чақирадиганлар ҳам бўлади!— деди.

Бошқа тўғрилари ҳаммаларига маълум эди. Энди бу олти киши пастга тушиб, тўда-тўдаларининг ёнига боришиб, олддаги душманга қачон ҳужум қилишларини айтди. Қайтиб келаётганда мана шу сойга йиғилишга қарор қилинганини ҳам айтиб қўйишиди.

Кўпчилик отларнинг босма айилларини бўшатиб, енгил-елли эгарларини от орқасидан кўтариб еллиб, бақувват отларининг орқа бошини шамоллатиб олмоқ-

чи бўлишаётир. Яна бир оздан кейин ҳаммалари «отга қўн!», «отга қўн!»— деган гапларни эшитишлари билан иш сўнгги марта тўш айил, босма айил, қуюшқонларини пишиқлаб боғлаб, юган ҳалқаларини ғира-ширада пайпаслашиб, маҳкамлаб олишди-да, тумоқларининг қулоғини боғлаб, баъзилари чопонининг ўнг енгини белбоғига қистириб, яна тортиб боғлаб, ўнг қўлини бўшатишаркан, ўйноқилаб ер тепиниб, чир айланиб, олиб учгудек бўлиб турган югурикларига апил-тапил миниб отлана беришди.

Шу чоғ сўйил, чўқмор, найзалар билакка, оёққа илиниб, сургатилган ҳолда эмас, қўлтиққа қисилиб, қўлга олинган ёки эгар қошига кўндаланг қўйилган. Найза, ойболталар узангидағи ўнг оёқнинг юзига қўйилиб, соплари ўнг қўлда тик ушланган.

Кўп йигитлар жанг чоғида ҳар бир товушни яхши эшитиб туриш учун тумоқларининг қулоқларини ичига қайириб боғлаб олишган. Ҳаммаси маъюс, ортиқча гап-сўз йўқ. Энди аста, қисқа-қисқа буйруқ берилаётир, холос, Кўп лашкарнинг олдига оқ бўз отли, оқ чакмонли, оқ элтери тумоқли Бесбесбойнинг ўзи тушган.

Лашкар олдидан кечанинг мулойим, салқин шабадаси эсади. Кундузи юрганида тўши, қўлтиғи, қулоқларининг таги, чови терлаб бўриқсан семиз, ўйноқи отларнинг юришини қаршисидан эсаётган мана бу салқин шабада енгиллаштириб, еликтирғандек бўлаётир. Кеч кириб, қоронғи босиб келаётир. Уфқ кўкиш-қорамтири тортиб, қуюқ сур рангга кирган. Фақат гарб томонда қизғиш-кўк шафақ бутунлай сўнмаган. Қорамтири тортиб қизарган ўша шафақ кўкимтири уфқа ботиб, сўниб бораётир. Лашкарнинг шундоқ рўпарасида, чексиз йироқ ерда узундан-узун чўзилиб, баланд қоя ётиди. У ҳам ҳозир кўкимтири-қора туманга чулғаниб, осмон билан туташиб, рангита ранг қўшилиб бораётир. Фақат онда-сонда ўша йироқдаги кўкимтири уфқда, жуда олисдаги бир тўп қора булутли ерда, найза дамидек ёруғийлт этиб кетади. Унсиз бир катта ёғду лоп этади-ю бир лаҳзада сўнади.

Яқин дала, нишоб ўлка аввал яшил тортиб чўзилса, қош қорайган сайин рангсиәланиб, оқиш тортади. Эрман, филғон, бурган, талха ҳидлари билан майсазордаги баъзи ёввойи саримсоқнинг ҳиди галма-гал димоққа

урилиб, саҳронинг беғубор, тиниқ, соғ ҳавосини турли-
туман ҳидларга тўлдириб анқитиб туради.

От туёқлари тасирламай гупиллаб, тўпирлаган то-
вуш беради. Йўл бўйидаги кечки маконига жойлашган
бўзтўрғай, қора тўргайлар ер бағирлаб, шошқалоқлаб
учади. Яна бир вақт бир гала тарғоқлар чипор қанот-
ларини фира-ширада ярқиллатиб, патирлаб ғифиллашиб,
ғужғон ўйнаб учиб кетиши. Говгум қуюқлашган сайин
босқинчилар жадаллаб кетиши. Энди ойсия кечада
битта-биттадан юлдузлар чиқа бошлади. Бесбесбой
«сал тўхтанглар!»— деб, йигитларга қисқатина буйруқ
қилди-да, ҳали Эсентой топширган, ўзига маъқул
тушган гапни галалашиб келаётганларга айтди. Кўлти-
ғига қисиб олган узун қора чўқморини осмонга кўтариб,
Темирқозиқни кўрсатди.

— Ҳой, азаматлар! Ҳу, ўша бир нарса ёдларингда
бўлсин-чи! Эшитиб ол, билиб ол! Ҳу, ўша ёлғиз юлдуз —
Темирқозиқ. Одамҳодис, битта-яримтанг четда қолиб,
яна батъзи тўпларинг бўлиниб, ажралиб чопадиган пайт
бўлса, ҳамиша эсларингда бўлсин! Қувфина ўзингни
қайси, ёв қайси эканини пайқамай, хатарга тушиб қо-
лиш мумкин. Шунда ҳамроҳинг мана шу юлдуз. Отнинг
думини мана шу юлдузга қаратиб олиб йўл топасан-
лар! — деди-да, яна йўртганча кетди.

Ҳалиги «қўзикуш» ерда дейилган овулларнинг ҳозир
барча ўтлари сўниб, йироқдан пайқагудек ҳаёт аломати
ўчиб турибди. Фақат узоқда онда-сонда ҳуриб қўйган
йўғон товушли катта итларнинг овозларигина унча-мун-
ча эшитилиб қолади.

Лашкар елиб от ўйнатиб, «овул бўлиши мумкин» де-
ган жойлардан четлаб ўтиб, гарбдан эсаётган елга қар-
ши йўртиб кетаётир. Қаторлашиб келган Соптаёққа
Бесбесбойнинг айтган битта гапи: «Йилқи яқин, иккови-
мизнинг тахминимиз тўғри чиқди. Шамол эсаётган то-
мондан бир неча айғирнинг кишнашини эшитиб келаё-
тиран!» деди.

Соптаёқ буни қувватлаб: «Рост айтасан, мен ҳам
пайқаб қолдим. Яна бир иш бор. Сезаётсанми, ша-
мол кучайиб келаётир. Биз бўлсак елга қарши томон-
дан кетаётирмиз. Ӯшаларнинг йилқисида юрган қандай
динг қулоғи бўлса-да, биз тўс-тўполон ҳужум қилмагу-
нимизча ўпир-тўпиримизни, шарпамизни сезмай қола-
диган қулай пайт келиб турибди!» — деди.

Қаторда йўртиб келаётган Жарқимбой, Дубой, Қулагир учови ҳам «Омад-омад, йўл бўлсин», «қўлга кирсин, Урозбойнинг омадини берсин!»— дейишиб кўпирашаётир. Булар йилқига етиб қолишиди. Бор йигитларни баравар чоптирмай, бўлак-бўлак қилиб, олти тўда қилиб, энди кетма-кет қаторлаштириб, Бесбесбойнинг буйругини амалга ошириб келишаётир.

Шу тўда ҳужум қилгани келаётган «ёв» деб ном қўйишган, аслида шу қадар беозор, ювош эл худди ма-на шу кунларда ўзларининг одатларидан ташқари бир ўзгача ҳолатга келишганди. Қўшни, бўлиси бир эл бўлгани Тўбиқтидек эмас, Кўкенning халқи кўпинча дех-қончилик, пичанчилик қилишади. Булар кам кўчишади. Ҳар овулнинг сиртқи кўринишига қаралганда ҳам, тўбиқтиликларга мутлақо ўхшамайди. Уй-уйнинг ёнида ё араваси ёки трашпанкаси туради. Боқадиган молининг кўпи сигир, ҳўкиз, қўшга қўшиладиган мол. Булар ўзларининг яйлови тор бўлган ерларга кўчишганда ҳам бир қанча уйлар бир бўлиб, кўп халқ бўлиб жойлашишади. Шунинг учун Кўкенning ҳар ер-ҳар еридаги элини, қўнган жойлари, касби корларига қўшиб атashади.

Шу элдагина: «қирқ уйли» деган овуллар бўлади. «Хонлар» деган кўп хонадонлар бир ерда учрайди. «Кўп-соқов» деган беҳисоб овул бир ўлкада учрайди. «Болта-ўроқ» деган юзга яқин хонадон бир ерни макон қилган. Унда ҳалиги «болта-ўроқ» деган асбоблар, қурол-аслаҳалар шу эл билан шу ердагиларнинг тирикчилигини, касбини очиқ билдиради. «Жалпоқ» деган қўнислари энг яласки личанзорга ёғишиб меҳнат қила-диган кўп халқ борлитини кўрсатади.

«Хонлар» деган жойнинг номи ҳам бу ўртада хон бўлгани учун аталган эмас. Аксинча, ҳар уруғдан йиғилган кўп хонадонлар кўп замонлардан буён туғилган болаларга от қўйишганда ҳар бир аниқ исмнинг охирига «хон» сўзини қўшиб қўйишади. Мисол учун: Асемқон, Салимқон, Жумақон, Семейқон, Жобойқон, Тўреқон дегандек, оти қофиядош бўлган кўп одамлар учрайди. Кейинчалик ўшалар уйли-жойли бўлиб, ҳаммаси бир сойга жойлашади. Даставвал ўшаларнинг сойини, ҳалиги Тўбиқтининг баримтасилари очган ўрмонзор, ўланзор, узун сойни «хонлар» сойи деб атаган. Шундан кейин етмиш-саксон хонадонли бир ўлка-

нинг элини ҳам, ота наслини, уруғини ҳам бир чеккага қўйиб, фақатгина «хонлар» деб атайдиган бўлиб кетишган. Аслида мана шу «хонлар» ичида, уша саксонга яқин хонадонларда хонлар эмас, қанча-қанча жонлар бор эди. Ҳатто Кўкеннинг Үоғига уруғ-аймоқли жиҳатидан мутлақо алоқаси бўлмаган одамлар ҳам кўп. Ҳунарманд беозор деҳқон ҳалқнинг ичига касб-кор излаб келиб, шу ерда қуда, дўст, қўшни, ошна-офайни, «ҳамкор», «ҳамкасб» бўлиб жойлашиб кетган кўп элларнинг уйлари бор.

Шунинг учун бу ерда ҳалиги бирга ўтирган Кўп-Соқов, Болта-Ўроқ, Жалпоқ, Хонлар, қирқ уйли деган овулларда, элларда Үоқлар билан бирга қанча-қанча уруғларнинг авлодлари бор. Бу ерда: Буро, Найман, Жаликбос, Басентийн, Матай, Керей, ҳатто Тўбиқтининг ўзидан ҳам илгари-ю, ҳозир келиб, мана шу эллар ичига жойлашиб, беозор меҳнат, ҳалол касбга берилган камбағал қашшоқлар кўп эди.

Мана шу элларга, бошқа оламнинг ҳаммасидан олдин, меҳнат учун тинчлик керак. Аммо худди шу кўкламдан, айниқса ўн кундан буён ўша тинчлик ноилож бузилиб турибди. Булар Кўкен элиниң экин экадиган ери озайганидан, аслида Кўкеннинг у томони, Тўбиқти илгари босиб олган ерларнинг ҳаммасига чиндан муҳтож. Сабаби, у ерлар экинга жуда қулай, энг серҳосил, партов ерлар. Эрмани, филғони наматдек қалин, ўзи беҳисоб чақирилларга чўзилиб кетган, аниқ «худобиурган» дегундек, катта меҳнатни истайдиган ер. Кенг, ўт-ўлани қуюқ, филғон, эрман, оқ ўтлари кўп бўлгани учун қиши кунларида бу ерларни беҳисоб йилқи, Ўрозбойларнинг эллик-олтмиш минглаб йилқилари макон қилишади. Тўғри, Тўбиқтининг йилқиси шу ерларда қиши ўртасигача туради. Тўқсон тушиши билан ўша ерларни қалин қор босади. Бу ҳам шу ўлканнинг нами мўл, тупроғи семиз, экинга қулай жой эканлигини билдиради.

Энди ўша ерларни Кўкеннинг меҳнаткаш, деҳқон ҳалқи Тўбиқтидан қайтариб олишини чиндан талаб қилади. Бу ҳақда барча уоқни, Кўкен элини худди мана шу одилона ниятга бошлаб, аҳд қилдирган Серке деган одамнинг бош бўлаетгани рост. У землямер чиқартириб. ҳалиги меҳнат аҳлига қарашли ерларни қайтариб олиб бераман, деб, бошлаб юрибди. Бироқ, шунга яраша

Тұбиқтидан келган совуқ гапларни ёлғыз Серке әмас, Күкеннинг күп әллари әшитишганды, шу күклам одатдан ташқари бир ҳолға келишганды. Улар ҳар ер-ҳар ерда әка бошлаган экинларини ҳам әкиб бўлмай, беҳисоб эл бўлиб, бир ерга йиғилиб, Тұбиқтанинг қасдлиги, жасорати, ҳатто босқинчилигини бўлса-да, бир ерда кутиб олишга аҳд қилишганды. Шундай қилиб, ҳалиги Бесбесбой пайқаган Күкен бағридаги «Тушчикўлнинг» бошига Күкеннинг шу атрофдаги талай әллари кўчиб келган. Улар касби қорларини йиғишириб қўйиб, келиб ўтиришибди.

Лекин күклам пайти, суви етарли бўлгани учун, мана шу ўлкада мол яйлатиб кетиш, экин әкишга қулай бўлмаса-да, мол боласига ёмон әмасди. Ўзаро бош қўшиб, устун элнинг зўрлигига, хўрлигига қарши бирлашиб ҳаракат қиласиз деган Кўкен эли ҳозир бор йилқисини қўшиб боқар эди.

Аниқ хабар бўлмаса-да «Тұбиқтилар баримтачи юбормоқчи. Кўкен элини янчмоқчи!»— деган гапларни Серке олдин әшилди. Шунинг билан бир ҳафта ичидан шу атрофдаги Кўкен элига ўзи келган эди.

Бир қанча бўлак-бўлак огулларни кўл бошига ўзи йиғдирив келган эди. Яна қанча-қанча ҳамиятли, ғайратли, уддабурон одамларни эртаю кеч ўзи ишга солиб, тайёрлаб юрганды. Тұбиқти лашкар юборса, сенлар ҳам ғайрат қилиш қўлидан келадиган халқсан. Қандай қасдлигига бўлса-да, олишиб қарши тур. Ялиниш—бошни ҳимоя қилиш әмас, ёқалашиб — бошни ҳимоя қилиш!— улар зўрлик қилишмоқчи-ку. Лекин босқинчилик замони, Қуба-Қалмоқ замони ўтиб кетган. Ўшани тушунмай зўравонлик қилса, қайси тұбиқтилик бўлса-да, жазосини кўради. Золим зулмидан қазо топади. Йўл-йўриқ билан йиқитиб, кейин олдиларингга бойлаб солиб беришни ўз зиммамга оламан. Аммо бугун улар қора кучига суюниб, билагини ишга соладиган бўлса, сенинг ҳам билагинг кучсиз әмас, менинг элим! Сенинг қўлинг уларга ўхшаб қўйқайган қуруқ ёғоч сўйилнигина кўтариб ўрганганды әмас, сен болтани ҳам, болға, сандонни ҳам кўтариб ура биладигансан. Сенинг қўлинг қора ернинг бағрини қора сўқа билан тилиб ўрганганды қадоқли қўл! Улар чўқмор ишлатса, сен шоти биланоқ уриб кўр-чи! Ўлмайдиган Тұбиқтани мен кўриб қўяй!— деб, Тушчикўл бошидаги элнинг ўшу қарисининг ҳаммаси-

га ўзининг вижданақ айтилаётган гапини тарқатиб, хўп уқдириб бўлганди. Бу кунларда кўл бошидаги беҳисоб элнинг қурол ушлашга ярайдйган эр-азаматлари қора хода, шотиларини бўлса-да, ўзгача бир ҳамият билан, ғазаб билан тайёрлаб, ушлаб ўтирганга ўхшайди.

Бесбесбойнинг тўдаси йилқига ҳужум қилишга яқинлашиб келган пайтда ўша йилқининг атрофида от усти олишишда ҳам илгаридан ном чиқариб келган беш-олтида забардаст йигитлар, ёnlарига йигирмата азаматларни олиб, кўп йилқидан бепарво бўлмай, ухламай қўриқлаб юрган чоғ эди.

Тушчикўлдаги элнинг ҳозирги дамда от миниб, қурол ушлаган, йилқи атрофида юрган қуролли азаматлари ичидаги жасур, жанговар аталган чўян йигитлар бор эди. Хонлар элининг ўзидан чиққан, ёши қирқлар чамасидати Бўстон, Болта-Ўроқ элидан келга ўнай ва яқиндаги қўнис, сержамса овуллардан сараланиб чиққан, забардаст Энгсебой, Марқа, Қулжатойлар сингари ўз эли ўртасида баҳодирлиги афсона бўлган бошқа азаматлар маълум эди.

Буларнинг қайси бири бўлса-да, Тўбиқтининг босқинчиларига ўхшаб, ўғридан чиққан эмас. Ўшандай ўғриларга мол бермаймиз деб, ғайрат-маҳорат кўрсатадиган йилқичи, соқчилардан чиққан, деҳқон, пичанчидан чиққан азаматлар. Умрларининг кўпини меҳнат орқасида ўтказиб, ёз фаслида, душман қуршови кўпаядиган пайтларда қўшиб яйлатиладиган йилқига қорувул бўлиб юрадиган йититлар.

Евни қўлга туширадиган ботир йилқичи, чапдаст, азамат, от устидаги бақлонлар деб мадҳ этиладиганлар. Ўзлари ёв бўлиб, бегонанинг молига тегиб кўрган эмас. Бироқ, ўз элларини, овулларини мудом талайдиган, кўпинча Тўбиқтининг ўғрилариға қандай қарши ҳаракат қилишни яхши биладиганлар. Ёв билан пайт пойлашишни, молни омон олиб қолишни, ўша ёвларнинг бор ҳийла-найрангини билиб, қарши ғайрат кўрсатишнинг машқини хўп олган йигитлар.

Ҳалиги беш-олтида азаматлар ёш йилқичилар билан бирга, бугун говгумда йилқи ёнига келишгандарнида узаро сўзлашиб, маслаҳат қилиб қўйишганди. Фақат бугун эмас, сўнгги тўрт-беш кундан буён Тушчикўлнинг ҳалқи кечаю кундуз Тўбиқтининг ҳужумини кутиб ту-

ришган эди. Бугун бўлса сўнгги вақтлардаги одатлари бўйича шу кечаси ҳандай чоралар билан омон ўтказиш ҳақида маслаҳатлашишди. Буларнинг ҳам Бесбесбой сингари, қолгаи кўпчилиги оғзига қарайдиган бир булали азамати бор. У — Бўстон.

Бўйни билан елкаси туташ битган, жар қовоқ, кўсароқ, бурни катта, кўзлари чуқурроқ Бўстон жуда ҳам гавдали. Қора кучга бамисоли нор түя. Ҳам паҳлавон, ҳам уришга моҳир жангчи йигит. Аслида ўзи Тўбиқтининг қанча-қанча тиниб ўлмайдиган ўғрилари Бўстоннинг қўлида боши ёрилиб, қўли синиб, неча марта қувғинга учраб, қўлга тушган пайтлари бўлган.

Оқ-сариқдан келгац, новча бўйида «қириб олгудек эти йўқ» дегудек, суяги йирик, эти пишиқ Кўной ҳам кенг яғринли. Қоронги кечаларда Алломишдек бўйи билан катта саман отининг устида түя минган кишидек кўринадиган, ер рангига мойил саман минган, түя жун чакмон кийган, тўшини ялланғочлаб очиб олган, қоп-қора паҳмоқ соқолли, юзи турт бурчак келган Қулжатой ҳам бугун бўлакча. Саккиз қиррали қилиб йўнган, сирланган қайин чўқморини эгарининг олдига кўндалашг қўйиб, Марқа, Энгсебойдек тенгдошларини икки ёнига олиб келиб, Бўстон билан маслаҳатлашаётир.

Бўстон худди шу бугунни хатарли деб билади. Семейтов томондан қаттиқ эсаётган тун шамолини ёвга йўлдош, ўzlарига баразли ел деб билади.

— Агар ёв кундузи Кўкенга бекиниб ўтириб, йилқининг кечаси фарб томонга ёйилганини билиб олиб ҳужум қиласидиган бўлса, ҳозир бизнинг шамолга қарши томонимиздан келади. Бизнинг ҳам, йилқининг ҳам бутук шарпасини, шовқинимизни у эшитади-да, биз унинг тиқ этган товушини ҳам билмай қоламиз. Икки хил чора кўрайлик! Мен овулдаги оқсоқолларга тайинлаб келганман. «Қоронги тушгунча йилқини фарб томонга, Семейтов томонга яйлатаман-да, қош қорайгандан кейин тезгина пастликка, Темирқозиқ томонга, овулларнинг панасига оғдириб юбораман» деганман. Ҳозир мана шу йигирма йигит йилқини елдириб бориб, тездан ўша томонга олинглар-чи! Ана ундан кейин, қолган олти-еттитамиз ўша йилқига қараб, «шу кеча босиб келади-ку», деган ёвнинг йўлини кесишга киришамиз! — деди.

— Тўғри айтасан!

— Хўп, бўлади! — деб Қулжатой билан Марқа маъқуллашганда, Қўной яна бир ишни эслатди.

— Овулдагиларнинг ҳаммаси бугун ўтини эрта ўчирсин! Ётиб қолган бўлиб, жим ўтиришсин деган эдик. Ҳатто соқчиларнинг ҳайт-ҳайти ҳам камайтирилсин деган эдик. Фақат ҳар бир бўз уйнинг белбоғида битта бақувват, битта етакдаги от ҳозир турсин деган эдик-ку. Овулга қулоқ солинглар-чи! Кўпчилик эл бўлгани билан ўша гапнинг устидан чиқибди. Ана ҳуриган итдан бошқа тиқ этган товуш йўқ. Милт этган ўт йўқ! — деди.

Бўстон ҳам қувватлаб:

— Дамингни чиқарма, қўя бер, бизларгина эмас, ўлканинг бор ҳалқи, «ҳап саними» деб маҳкам турибди. Дами ичида ўтирибди-да. Шундай экан, келинглар, ҳалиги ишни бошлайлик! — деди.

Буларнинг буйруғи билан йигит кўп йилқини тўплаб қайтариб олди-да, тасирлатиб чоптириб, тирқиратиб қувалаганича овулнинг панасига олиб кетишиди.

Бўстон билан Қўной иккови бир томонга, Энгсебой, Қулжатой, Марқа учови бир бўлиб, ҳалиги айтилган «олисдан айғоқчиликка» Кўкен билан Семейтов оралигини кўзлаб, елиб-йўртиб кетишиди. Сўнгги учови озгина вақт ичида ўзларидан қиялаб ўтиб, Семейтов томонга юргурганича айланиб ўтиб бораётган, учи-қири йўқ отлиқлар тўдасини кўришиди.

Қулжатой ботир бўлса-да, шундай кўпчиликнинг қорасини кўрганда, аввалига юраги «шиф» этиб, отининг бошини тортиб қолди.

— Тўхта! — деб икки томонидаги йўлдошларининг тизгинидан тортиб, отларнинг ёлига ёпишиди.

— Астағурулло, бу босқинчилик эмас, ҳақиқий ҳужум-ку! Сони йўқ, чеки йўқ! Бунинг ҳаммаси одам бўлса, бугун уоқ томом бўлди-ку! — деб юборди.

Кун бўйи ҳалқ ғазаби билан жабрланган ҳамияти Қулжатой билан бирга Энгсебойнинг ҳам қаттиқ зардасини қайнатиб, ғазабини бўғзига келтириб юрганди. У кўп гапирмаган эди. Бироқ, онда-сонда: «Ҳап саними, Тўбиқтининг қонхўрлари, қани кўзга кўрин-чи!» — деб юрган эди. Ҳозир Қулжатойнинг қўрқиб, кайфи учуб гапирганига Энгсебойнинг жини қўзғаб кетди.

— Вой, куя соқол, оғзингга... Нима деяётиссан ўзи! Ев деган шу-да! Қўрқитиб келмай, қучоғини ёзиб, қу-

вонтириб келади деган әдингми! Мунча ўтинг ёрилмаса! Юр, биқинидан бориб атайин кўриниш берамиз-да, орқамизга солиб қувдирамиз! Менинг отим оч саман, сенинг отинг саман, иккови ҳам ер рангида, кўринмаймиз. Жўна! Марқа, сен остингдаги оқ бўз отинг билан ярқ этиб кўриниб, овулга югар... Бизнинг товуш беришимизга қара! Бизнинг овозимиз чиқиши биланоқ сен ҳам овулга қараб «отлан»лаб элга хабар қил. «Бизга бир гап бўлса, тил кетсин!»— деб, тумофининг богини тишлаб олди-да, «қўзғал!» деб, қамчи ушлаган қўли билан Қулжатойнинг биқинига бир солди.

У ҳали ҳам ўзини эўрға тутиб: «Маъқул, лекин сал тўхта-чи, билайлик-чи, охири борми, йўқми? Ҳеч бўлмаса, орқасидан ҳужум қиласилик!»— деган эди.

Энгсебой энди узун қамчи билан уни оти аралаш тортиб юборди. «Билжирамай юр!» — деб буларни пай-қамайчувалашиб, қаттиқ йўртиб кетаётган ёвга қараб, от қўйиб кетди. Энди Қулжатой ҳам жуда эсини йифиб олган эди. Энгсебойдан қолиш айб эканлигини англа-ди-ю, у ҳам остидаги оқиши саман отига қамчи бостириб-бостириб юбориб, учи қиррали чўқморини енгил ҳассадек тақимидан юлқиганича суфуриб, Энгсебойнинг олдига тушди. Иккалови отнинг бошини қўйиб берганларича, ҳали ҳам ўтиб бўлмаган, чувалашиб кетаётган гала-гала ёвнинг ўртасидан, қоқ биқинидан ташланиб бориб: «Уриб ташла!», «уриб ташла!»— деб қаттиқ дағ-даға қилишди! Шундоқ қилишди.

Буларни арқон бўйидек ерда аниқ кўрган Қулайғир ўз йигитларининг ўртасида келаётган эди. У ҳайқириб: «Ушла!», «Ушла!», «Бос, юборма мана буларни»,— деб йигитларини эргаштирганича, қувиб кетади.

Қулайғир билан унинг орқасидан келаётган ўнтача йигити: «Олдда тўсқин бўладиган ёв кўпдир!»— деган хаёлга бориштан эди. Ундей бўлмади. Ҳалиги ўзлари ҳайқиришиб, кўриниш бериб, қочиб қолишган иккита отлиқ буларнинг кўз ўнгидага саробдек товланиб, оқиши эрман ичидаги йўқ бўлди-кетди.

Даставвалги он шу йўсин бўлди. Қулайғир энди ўз тўпини товуш чиқартирмай, қайтадан олдинда чопиб кетаётгандарга етказмоқчи бўлди. Шу чоғ орқаларига тушиб, қувиб келаётган тўдани аниқ кўрган Энгсебой билан Қулжатой «ҳа» деб олишди. Булар овулда Бўстон билан келишиб олган гапларига кўра овулни, халқни

беҳуда безовта қилмасликлари керак эди. Аниқ, мана ман деб келаётган ёвга бетма-бет келиб, кўриб олганиларидан кейингина шовқин-сурон солиш керак дейишган эди. Энди булар айғоқчилик вазифасини аниқ, тўғри адo этишди. Ёвни топиши, орқаларидан қувлаши. Буларнинг ҳозирги мақсади ўзлари олишиш эмас, ёвни чувалаштириб, йилқичилар билан эл қулоғига етказиш эди. Кўнгилларидаги ниятлари шу бўлган Энгсебой билан Қулжатой иккови энди шу кечанинг биринчи, даставалги хунук хабарини тарқатиб, бараварига жар солишиди.

Бир неча кундан бўён уч-тўрт яшар болалардан тортиб, жуда қариб ёки алжиб, эзма бўлиб қолган тўқсондаги чол-кампирларгача «Ёв келади!», «Йилқига ҳужум қиласди», «Ўғри келади, молни олиб кетади!», «Еқалаш-муштлаш бўлади», «Қон тўқилади!»— деган совуқ гаплар билан довруқларини ҳар бир дастурхон устида, ҳар бир ўчоқ бошида, ётарда — йиртиқ кўрпа остида, мол четида, кўген бошида узлуксиз эшиштишган эди.

Авваллар кечган беозор ҳаётларида тинчликка ўрганиб ўсан, жанжал-можарога тоби йўқ, юvosh элнинг ҳар бир хонадони сўнгги кунларни қарғаётгандек туюларди. Мана, шу сингари кўп хонадонли, кўп огулларнинг Тушчикўл атрофини қуршаб жойлашган уйларининг ҳаммасига Қулжатой билан Энгсебойлар оғзидан янги, қоронги тунни қоқ ёриб, даҳшатга солиб чиқкан машъум ҳайқириқ эшишилди. У бир оғизгина гап — факат ёнғиндан ҳам, довулдан ҳам, чарсиллаган чақмоқ, гулдурос солган момақалдироқдан бадтар, энг совуқ сўзлар.

— «Отлан!» «Отлан!».

Ваъдага кўра Қулжатой билан Энгсебой товуш бериши билан, огулга келган заҳоти совуқ хабарни тезда етказиш учун Марқа ҳам ҳайқириб бақирмоғи керак. Орқадаги Қулжатойларнинг «отланини» энди зич жойлашган огул устига қараб от қўйиб, яқинлаб қолган Марқа кучайтириб етказди.

Огулларнинг ҳаммаси ҳам ўт ёқмаганлари билан ухлашмаган экан. Кўп-кўп уйларнинг ёнида шошимасдан, қатиқ-айронларини ичишиб, иккитадан, учтадан бўз уйнинг белбоғидаги отларининг ёнида ҳангама қилишиб ўтирган эр-азаматлар тайёр эди. Ҳаммаси

ҳам чўчимай, шошилмай, тайинли ерда турган қамчи, сўйилларини олиб, ойболта, наизаларини, баъзилари чўқморларини кўтариб, отларига қўна беришди.

Кунлар давомида ҳамиятга тегиб, ғайратга келтирувчи сўзлар қулоқларига хўп сингиган эр-азаматларнинг аҳёнда биттаси бўлмаса, ҳалиги «отландан» ҳам чўчиб, шошқалоқлаб, даҳшатга тушишмади. Булар ўзларининг бегуноҳлигига, адолатига ишонишади. Яна кўпчилик эл беғараз кўнгил билан биттагина ниятда аҳд қилиб ўтирибди. Бел боғлаб, тайёрланиб, ким келса-да, енгиламиз, озчилик қилиб қоламиз деб ўтиргани йўқ.

Лекин бу кайфият от, сўйилини ҳозирлаб ўтирган азаматларда кўрингани билан уйда қолган ота-оналар, аёллар, опа-сингиллар, гўдаклар, инилар, жигарлар сингари кўпчиликни ҳалиги «отланлар» ёнгиндан бадтар ўтини ёрди. Йиглаётган, товушининг борича ёлвораётган, арвоҳу худога сифинаётган, отланиб чопиб кетаётган боласи, жигари, бош эгалари ҳақида жонсарак бўлиб, даҳшат ичидাчуввос солаётган товушлар ҳам тутиб кетди.

Овул-овулнинг ёнидан алнглашиб, ёки тўдалашиб «қани, қани!»лаб юрганича кетаётган эркакларга, ҳалиги овулда бола-чақанинг чуввоси тўқсин бўлади. Аксинча, ўшаларнинг тинчини олиб, ёшларини тўқдирив юракларини ёраётган бегона ёвга бўлган ғазаб, ўчликни авж олдирди.

Хиёл вақт ичиди Марқа қуёндек оқ бўз бедов билан кўл бўйидаги йигирма-ўтиз овулни чўчитиб хабарлаб чиқди. Овози баланд, асти хаста бўлмайдиган экан. Тинмай «отлан!»лаш билан бўлди.

Даставвалги овулдан қийғос чиқсан бақириқ-ҳайқириқ, уввос, тун кечанинг ўзгача кўп товушли безовталиги ағдарилиб, юмалаб, дам ўтмай бир овулдан бир овулга ўта борди.

Ёв йилқига етгунча Тушчикўл атрофидаги барча овулларнинг уввоси бу кечанинг ойсиз, юлдузсиз, қопқора зулмат осмонига қанот қоқиб чиқди.

Ёв тўдасининг олдидаги Бесбесбой, Дубой, Қусен, Соптаёқ тўрттови ўралашиб келган қуюндеқ қора селни бошлаб келиб, йилқига етган эди. Булар йилқининг четига етишлари биланоқ, олдиларидан худди ўзларига ўхшаб қатор-қатор шайланиб турган кўпчилик қайсар

түп «қайт-қайтлаб!» таппа ташланди. Бу қаторда даставал сўйилни ишга соглан Бўстон, унинг кетидан Марқа, Энгсебойлар бўлди.

Шу уч йигит бирдан ташланган чоғда юраклари увишмади. Орқаларидаги кўпчилик ҳам ёвга қарши Бўстонлар қатори «отлан»лашганича ҳужум қилди. Шақир-шуқур урилган қора чўқмор, оқ сўйил, қора эман наизаларининггина товуши эшитилаётир.

Бўстонга қарши Бесбесбойнинг ўзи дуч келган эди. Бир йўл-бир йўл сўйил уришиб юборганларида, Бесбесбойнинг икки қўли зирқираб кетди. Қаттиқ теккан зилдек чўқморнинг оғир зарбини сезиб қолди. Ичидан «мана бу қўл тўғрилаб туриб бир солса, бирёзлик қиласиди», — деб ўйлаган он, чапдастлигига олди. Пихини ёрган босқинчи қайта сўйил уришганларида Бўстоннинг тирсагига уриб қолди. Шундан кейин кўпгача Бўстоннинг қўли шалвираб қолди-да, ҳузур қилиб сўйил ура олмади. Лекин рўпарасидан чекиниб кетаётган Бесбесбойни чап қўли билан айлантириб орқа миясига тушириб қолганда, Бесбесбойнинг бошидан қон отилиб кетди. Боши караҳт бўлиб қолган Бесбесбой энди бир нафасда, Эсентой айтган йўлга кўчди. Орқасига тушганларнинг отини чаккасига уриб қулата берди.

Дубой, Қусен, Соптаёклар бўлса, Марқа, Энгсебойлар тўпи билан хўп қаттиқ муштлашаётганди. Жангнинг бир қанчаси, икки тараф ҳам турган жойидан силжимай олишган ҳолда ўтди. Бу чоғ ҳар икки тарафнинг забардаст жангчиларининг қўли билан талай бошлар ёрилиб, бир қанча душман асир олинди. Ўйноқлаб, сакраб чиқсан бир қанча отлар ҳам ўз ҳолига кета берди.

Бир оздан кейин уйишиб, шалвираб қолган қўлига қайтадан жон кирган Бўстон: «Уриб ташла!», «Қопла!» деб ҳуружга келди. От ўйнатиб юриб қаттиқ жанг қилди. Пайтини топиб, белбоғи билан бошини қаттиқ танғиб олган Бесбесбой ҳам аламига чидомлмай, дарғазаб бўлиб жангга киришган эди. Уша ташланишида у қаторасига иккита йилқичини икки уриб, бирининг кетидан иккинчисини жойлади. Аввалги қаттиқ, қонли жанг чиндан ҳам «жондан кечиб», номус йўлида қизиган гайрат билан қилинган жанг бўлди.

Шунинг билан тўс-тўполон, узлуксиз олишиш тун бўйи тинмади. Ўчакишган, шайланиб келиб тўқинишган

кўп ёвлар ҳар икки тарафни ҳам басма-басликка кетказиб олишириди. Шунинг учун ҳам жанг тун бўйи давом этиб, тонг оқариб отгунча ҳам тинмади. Нихоят, кун чиқиб, ҳатто найза бўйи кўтарилгунча ҳам босилмади.

Тўбиқти йигитларининг бошлиги Бесбесбой нақадар маккор бўлса, ўшанга яраша бугун Бўстоннинг хийласи ҳам билган кишини ҳайратда қолдирадиган даражада олиб борилди. Үнинг, айниқса, бор йилқини тўзитмай бир ерга йиғдириб боқтираётгани кўп яхши бўлди. Агар алоҳида-алоҳида боқилганда, ўттизга яқин овулнинг озгина, бўлак-бўлак йилқилари ҳар тарафга тум-тарақай тарқалиб кетар эди-да, ўшаларнинг қайси бирига келиб чанг солса-да, ёвнинг олдидан чиққудек, боши бир ерга қўшилган, сўйилни ишга солиб қўргайдиган кўпчилик бўлмас эди. Моли қандай тўзғиб ётса, азаматларнинг кучи ҳам тўплана олмай, тарқалиб, тўзғиб ётган бўларди.

Ундан кейин, айниқса бугун кечқурун йилқини қоронги тушгунча, кун ботиш томон, Семейтов тарафга яйлатиб бориб, кейин тездан ўттиз овулнинг орқасига олдириб юборгани жуда ҳам пухта ўйланган иш бўлди.

Ироқда айғоқчилик қилаётган учта ҳамроҳи босқинчилар ҳали йилқига етмасданоқ, ухламай ўтирган беҳисоб ҳалқни душманнинг теварак-атрофидан қоплатиб юборди. Шунинг билан Тўбиқтининг юзта бақувват отга минган, юзта жангчи чапдаст йигитлари «олмай қўймаймиз» дейишган йилқининг қорасини ҳам кўра олмай қолди. То улар йилқига етгунча йўл бўйи чекка-чеккадан бақириб, ҳайқиришиб: «Қопла!», «Қопла!», «Бос!», «Бос!» «Отлан, отлан!», «Қир, қир!» деган ўчишишган товушлар ёғилди. Энди йилқини қўйиб, мана шу қувалаётганлар билан жанг қилиб қутулишнинг ўзи маҳол бўла бошлади.

Қатор чопаётган Бесбесбой билан Соптаёқ ҳали ҳам ўзлари олдинда келаётсиб: «Қувиб келаётганларни қулатиш керак-да, йилқига чанг солиш керак!» дейишди. Шунинг билан улар жанг қилганларича ҳамон йилки сари интилашаётган эди. Лекин улар назарда тутишмабди. Овулдан чопиб чиққан отлиқлар жуда кўп бўлиб, энди йилқига қараб бораётган ёвнинг олдини

қуршаб, йилқига яқин ерда ҳалқага олиб, қарши олиши. Орқадан ҳам қуршаб, изма-из қувиб, исканжага ола бошлашди.

Шунинг билан атрофдан, олддан, орқадан ер-кўкни «отланлаган» ҳайқириқ, бақириққа тўлдириб қамалга олаётганлар, Тўбиқти ёвларининг сонига ҳам қарамай, тинкасини қуриладиган бўлди. Йилқи у ёқда турсин, бошни омон олиб қолиш осон бўлмай қолди. Ярим соатлик жанг оқибатида Бесбесбой билан Соптаёқ, Дубой учови қаторлашиб келиб, шуни англаб қолишиди. «Бошни омон олиб, чекин!», «Фақат ёв қўлига тушма!», «Ёв қўлида одам қолдирма!», «Айрилмас-айрилмас!»— деб ҳайқиргандарича, чекиниб жанг қилишнинг чорасига киришишди.

Олддаги учалови чекиниб чопганларида, орқадаги бор тўбиқтиликлар кайфиятни англашди. Тездан апилтапил орқага қайрила бошлашди. Бу чоқдаги жангда тўбиқтиликлардан битта эмас, беш-олтита ҳам эмас, ўнтача киши отдан учган эди. Шунинг эвазига Жаркимбой, Бесбесбой, Соптаёқ, Дубой, Қулайfir билан Қусенлар ҳам Ўоқларнинг ўнтача отлиқларининг бошини ёриб, ҳушидан кетказиб, майиб қилиб қулатишганди. Энди тўбиқтиликлар орқага чекинганда, аввал йиқилиб қолган тўбиқтиликларнинг баъзилари «айрилмас»дан келаётган отлиқларнинг ўз кишилари эканлигини пайқаб, пиёда югуришиб олдиларидан: «Ола кет!» «Ола кет!»— деб ўралаша беришди. Отдан қулаб тушган бўлса-да, энди эс-ҳушини йиғиб олган, ҳоли етгандари қўлга тушиб қолгуси келмай, жон аччиғида ўз кишилари томон югуришган эди. Шу сингари тўртта-бешта пиёдаларни қочиб кетаётган тўбиқтиликлар илиб-илиб олиб, отларига мингаштириб кетишли.

Тонг отгандা, тўбиқтиликлар аниқ йўл олиб, кўл бўйидаги элдан битта той ҳам ололмай, тумтарақай қочиб беришди. Чекиниб жанг қилиб кетишаётир. Буларни Хонлар сойигача, ҳатто шу сой тепасидаги Кўкеннинг кенг довонигача қувиб, сурункасига жанг қилиб, Тушчикўлнинг эли ҳайдаб юборди. Кун найза бўйи кўтарилиб бўлганда қувғинчилар тўхташди-да, омон қолган ёвлар Кўкендан ошиб, эндинина эс-ҳушларини йиғиб тўплана бошлашди.

Тўда жуда сийраклашиб, камайиб қолибди. Тугаллаб санаганда ўн уч киши асир тушиб қолибди. Йигир-

мадан ортиқ от қолибди. Мингашган-опичишганлар аниқ қочқин бўлиб, қувфинга учраб сурилиб, заб ўти ёрилган ҳолда эди. Омон қолганларнинг, ҳозир от устида боши қўққайиб турганларнинг ўзлари ҳам кўрадиганини хўп кўрди.

Бесбесбойнинг бошида тумоқ йўқ. Гупчакдек пешонасини белбоғи билан танғиб олибди. Бироқ кўлоблаб пешонасидан тўғри оққан қон, бурнининг икки четидан қуюлиб тушиб, қотиб қолибди. Ҳали батамом тўхтамаган янги қон соқоли, бўйнигача оқиб турибди. Бир елкаси чиққанми, қўлини камарига осиб олган, Соптаёқ ҳам кўкрагини қамчинига тираб, от устида чайқалиб, қулаб тушгудек бўлиб, зўрға турибди. Юз-кўзи қон, тиззасидан қон оқаётган, тиши синган Дубой, Жарқимбой, Қулайғир ҳам бир ҳол-бир сон. Лекин пихини ёрган, кўп чиниққан беш-олти босқинчи қандай балога йўлиқса-да, ўзлари қўлга тушмай қутулиб чиқишибди. Бошлаб бориб тор-мор қилдирган тўдаларидан ёв қўлида қолган ўн уч киши. Тўбиқтининг ҳар бир устуни олиб келиб қўшган: Йилқичи, бия соғувчи, туячи, молбоқар, отбоқарлар экан. Улар ҳали қандай бало-қазога йўлиқиши номаълум. Тўбиқтининг зўравонлари бошлаган балосининг бор салмоғи ҳозир тутқун бўлиб, «ёв» аталиб, Тушчикўл элининг қўлига тушиб қолган ўша шўрликларнинг бошида.

Шундай қилиб, Ўрозбойнинг қисир биялари қимизига қизишиган йигитлари ит хўрлигини кўриб, қонига белашиб, хўп расво бўлиб келишиди. Ўрозбойлар бўлса, ҳовлиқиб бошлашган, ботирлашиб, йўғонлик қилиб кўрсатишган ваҳшийликлари бор элга ошкора бўлиб, масхара бўлганлари ҳолда, кулги бўлиб қолишли. Қутуриб гапирган гапида гўё бор қудрат ўз қўлида тургандек ҳайқирган эди. Энди енгилган, майиб бўлган йигитларигина эмас, аввало ҳолини билмай ҳалок бўлиб, кулгига қолиб ўтирган Ўроэбой, Жиренше, Аброли, Такежонлар сингари безориларнинг ўзлари эди

Тўбиқтининг Буғули деган элининг ўртасида сўнгги ўн кундан буён бир катта йиғилиш ўтаётир. Бу йиғилиш бўлаётган ер Буғули бўлисидаги Қорамирза, Тосбўлат, Эсбўлат деган сержаъоа элларнинг жуда зич

ўрнашган юқори яйлови. Атрофи кўз етган ергача чўзилиб ётган, сувга сероб, ўт-ўланлари мавж урган кенг дала. Ўшанинг қоқ ўртасида улкан Кўксингир деб аталаидиган баландлик бор. Ён бағри қия текислик бўлгани учун, Кўксингир жуда баланд тоғ бўлиб, ўдағайлаб туради. Теварак-атрофининг қай томонидан қараса-да, от чоптирим ердан қад кўтариб тулашиб, қир орқаси билан чўзилиб кўринадиган ёлғиз тоғ «мана мен» деб турганга ўхшайди. Йироқдан қараганда бепоён саҳронинг кўкиш тумани ичидаги алоҳида турган бир тутош ёлғиз чўққи, тўтиёйи сингари кўм-кўк бўлиб кўринадиган чоғлар ҳам бўлади. Чинғизнинг орқасида қанча-қанча баланд тоғлар бўлса-да, ўшаларнинг ичидаги Буғули, Мошон ёки Ақшатов, Тезекнинг Қорашибисидек тоғлар мана шу улкан Кўксингирдек кўзга ташланиб, ўзгача кўкиш товланиб, алоҳида бўлиб турмайди. Уларнинг ҳаммасининг ҳам атрофини қуршаган тоғлари, адирлари кўп бўлиб, чўққиси ўшаларга улашиб турганидан катталиги ҳам унча билинмайди. Кўкиш ранги ҳам алоҳида бўлиб, кўзга ташланиб турмайди.

Кўксингирнинг этагида, партовга тескари томонини олиб жойлашган эл жуда ҳам кўп. Бу тоғдан оқадиган булоқлари, сувлари мўл бўлгани учун қуийга тушиб борганданда наҳрга ўхшаб кетади. Булоқлари кўп, ўт-ўланлари қуюқ, ери сернам, муздек ер бўйлаб оқади. Ҳалиги элларнинг моли ичарлик сув, қўнисларда чўпни кўп, қулай жой, мулоим шабадали тоғ мана шу яйлов бўлади. Шунинг учун ҳам ҳозир, ёз ўртасида мана шу тўрдаги яйловда ўтирган ҳалқ, ўша яйлов аҳлининг ибораси билан айтганда, мол ер юзини «қоплаб ёйлади».

Усиз ҳам яйловдагиларнинг у ёқ-бу ёққа бориши, отда юриши, борди-келдисининг кўп бўлиши устига, ҳозирги кунларда Кўксингирнинг бағрида бир алоҳида йиғилиш бўлаётир. Бу, яйлов ҳалқи ўрганган одатдаги сайлов эмас, сиёз ҳам, шербешнай ҳам эмас, камдан-кам бўладиган ош ҳам эмас. Аслида қозоқ саҳроси отини ўзини шу йил биринчи марта эшитган бошқача бир йиғилишнинг тараддуви бўлаётир. Унинг номини қозоқ эли ўзича «саноқ» деб қўйибди.

Кўксингирдаги гавжум элнинг, кўп овулларнинг қоқ ўрталиғига тикилган қирқ-эллик бўз уйнинг одамлари

бамисоли ярмаркага келган тумонатдек кўринади. Шу ҳирқтacha уйнинг қоқ ўртасида уч жойига катта-катта оқ бўз уйлар, каштали ўтовлар тўртта-тўрттадан жисп-лаштирилиб қизиқ қилиб тикилибди. Ўртадаги саккиз қанот уйнинг қадди баланд кўтарилган гумбазга ўхшаб турибди. Мана шу ўртадаги уйга тўрт тарафдан эшикларини катта уйга очиб, олти қанотликдан тўрт уйни ялғоштириб тикилибди.

Сиртдан қараган кишига ҳам, ичига кирган кишига ҳам ўша уйлар алоҳида ўйиб ишлангандек чиройли кўринади. Ичига шолча, гилам, чойшаплар, ранг-баранг чимилдиқлар тутилган. Бу уйларнинг шунчалик безатилиб, жиҳозлантириб қўйилганини кўрганда яйловдаги қозоқларнинг ўзлари ҳам танглай қоқишиб томоша қилишди. Қозоқнинг намат уйидан бошқача хаёлга келмайдиган ўзгача жой барпо қилинибди. Буни одатда крестьян начальниги билан ўязларга атаб тикиладиган уйлардан мутлақо бошқача қилиб, ҳафсала билан, қунт қилиб тикилганилиги кўриниб турибди. Аслида беҳисоб ҳалқнинг гавжум яйловининг ўртасига жойлашган «саноқ» тўраларига мана шу яйловдаги бойлар бу гал бошқача бир илтифот билдиришаётир. Уша бойлар ичида бу атрофга уч минг оқ-кўк йилқиси билан донғи кетган, ўзи қудратли устун, ғаламус мансабдор Ўрозбой бор эди. У ўзини тўрт юз хонадонли Эсбўлат элининг, ўзича бир кўркам, сержамоа элнинг «жасуриман» деб ҳисоблайди. Ҳалиги «саноқчиларга» тикилган кўп уйларнинг ўртасидаги ўрда сингари алоҳида уйни шу йўсинда тиктирган ҳам ўша Ўрозбой. Айниқса унинг эндиликда отасига маслаҳатгўйлик қилиб иш тутдириб келаётган ўғли — Элев. Буларнинг худди мана шу гал бошқача илтифот билдираётган бир катта тўраси бор. У ҳалиги ўзгача уйларга ўзининг отбоқар йигити билан соқчиси, стражники билан ва ёнидаги миразаси — рус йигит билан келиб тушган қозоқ чиновниги.

Хозир йигирматача уйга ўша «саноқчи» катта тўранинг ёрдамчи ходимлари жойлашган. «Саноқ» олиб борувчи ҳар хил чиновниклар, ёш йигитлар, кекса аёллар жойлашган. «Саноқни» ўзлари олиб борадиган бу тўрдаги чиновниклар регистратор деб аталади. Руслар билан бирга ўша регистраторларнинг ярмига яқини қозоқ ўқимишлилари. Яна булардан ташқари йигирмага яқин тиломочлар, қозоқ ҳалқи ўртасида «саноқ» олиб

борадиган ёрдамчилар бор. Аввалги айтилган регистратор-чиновниклар тұпидаги қозоқларнинг күпчилиги ўтиз-қирқ ёшлар чамасидаги тұрачаларга үхшайды. Ҳалиги тиломочлик қилувчиларнинг деярли ҳаммаси ёш ўсмирлар. Булар ўн етти, йигирма ёшлар чамасидаги қозоқ үқувчилариға үхшайды.

Икки-үч ойлик ёзғи таҳсил чоғида мана шу «саноқ» билан қозоқлар ичига ёлланиб чиқиб, қишлиқ үқишила-рига унча-мунча тамаддиқ овқат, тийин-пийин топиб кетгани келгандар. Улар учун мана шундай яхши яйловга ўрнашиб олиб, одатдаги енгил тиломочлик вазифасини адо этиш кунлари ҳам енгил тирикчилик, ҳам бир күнгилли қызық пайт. Ишдан құллари бүшади дегунча, туш оққандан кейин улар отга миниб пойга қилишади. Кечаси атрофдаги овуулларга бориб қиз-жувонларни күзлашади. Баъзан ўзларидан катта битта-яримта қозоқ чиновникни күндериб олишиб, Кўксингирнинг чўқ-қисига чиқишида. Овчи тозилар топтириб олишиб, қуен қувдиришади. Бу тиломочлар ва бир қанча қозоқ чиновник-регистраторлар ўзларига яқинлашган қозоқларнинг ҳаммасига мана шу «саноқ»ни олиб бораётган ўзларининг катта тұралари — қозоқ йигитни кўп мақтاشади. Ўша олди-орқасини қуршаб юрганларнинг оғзидан чиққан хушомадлар қозоқ тұраны Ұрозбой билан унинг ўғли Элев бўлиста алоҳида улурлаб, ваҳимадор қилиб маълум қилган. Тўбиқтиға бошқалардан олдин келиб, Кўксингирнинг бағрига Тўбиқтининг тўрт бўлисини чақириб олган, мана шу бўлислар танийдиган семейлик тиломочлар эди. Ўшаларнинг ичидә округ судининг тиломочи Сармонов, банк тиломочи, таги тўбиқтилик қозоқ Дониёр ҳам бор эди.

Тўбиқтининг бугунги бир қатор ёшларидан чиққан бўлислари: Жонотай, Элев, Азимбой ва Қўнғир-Кўкшенинг ёш бўлиси Саменлар эди. Буларнинг ҳаммаси ҳам Семейнинг ҳалиги тиломоч, тұралари билан яхши таниш. Мана шу тұралар Кўксингирга келар экан, Ұрозбойнинг овулида ётиб қолиб, той-қулун сўйдириб, ажаб миннатдорчиликларини билдиришиб, тиниқиб олишиди. Шундан кейин шу бугун ўрнашилган Ұртабулоқнинг бошига тўрт бўлис Тўбиқтининг қирқ-эллик оқ уйлари, янги ўтовларини тиктиришди. Ұртадаги бошқача уйни тўрт бўлис билан, Ұрозбой билан атайин масла-ҳатлашиб шу йўсинда, бошқача қилиб тиктиришди.

Булар бир тарафдан улуғга ёқишига уринадиган құллик ҳұлқларига күра ва бир томони қозоқдан чиққан улуғни қозоқ ҳалқынша бошқача таъриф қилиб, ошириб, дабдаба билан күрсатишига тиришади, уринишади. Икки-уч тиломоч Үрөзбойнинг уйида «саноқ» масаласини, унинг нима эканлигини батафсил гапириб бериши.

Бу «саноқ» Тўбиқтининг бошқа ерларига, ўзга бўлисларига бориб, кўчиб юрмайди. Мана шу ердаги уй, сўйиладиган молларини яхшилаб, ҳозирлаб бўлганларидан кейин, кўп тўралар бира тўла кўчиб келади қўяди. Буларни катта бир отряд ёки шаҳардаги катта бир маҳкама дейилса ҳам бўлади. Ушанинг русию қозогининг, катта-кичик барча тўраларининг бу галги энг катта бошлиғи қозоқ йигит.

Олдиндан келиб Үрөзбойнинг уйида сўзлаётган таниш чиновниклар, айниқса ҳалиги қозоқ тўрани кўкларга кўтариб сўзлашаётир. Айтишларига кўра у Петербургда ўқиб келган. Шу юрган қозоқ боласининг ҳаммасидан илмли. Ўзи русларнинг Петербург, Москвадаги нуқул оқсуяқ, князлари, дворянларининг болалари билан ўғсан. Русларнинг оқ подшо атрофидагиларини билади. «Ху ўша саккизта сената, министрларга яқинлашиб ҳам юрган!», «Мана бу корпuse бошлиқларингизнинг, катта жандаролларнинг инилари, болалари шунинг билан бирга ўғсан!» «Русларнинг қанча-қанча миллионер бойларининг ёш авлодлари билан ҳам таниш!»— дейиши...

Хўш, «қозоқ боласи бўла туриб бу қандай қилиб, қандай фазилати билан шундай мартабага эришган», деб сўраган Үрөзбойга ҳалиги тиломоч, тўралар яна бир ишни айтиб бериши. Бу жиҳати Үрөзбойнинг кўнглига жуда ўтириши. Хушомадгўй тўраларнинг эндиги таърифлари Элев, Самен, Азимбойдек бўлисларнинг ҳам дидига кўп ўтириши. Тўранинг ҳалигидек тўдаларга аралашиб юргани, ўзи ҳам унча-мунча авлоддан эмас экан. Бир замонларда Ўрта юзнинг қозогини «миқ эт-дирмай» бийлаган Жабайхоннинг набираси экан. Яна Үрөзбой билан Элевга, Самен билан Жонотойларга яқин бўлган бир томони ҳам бор. Тўранинг Қусбек, Жомонтой деган амакилари бўлган экан. Улар кўп йиллар давомида Қарқарали дуонига галма-гал оға сulton бўлишган экан. Бир вақтларда Қунанбойни ўрнидан қулатиб, оға султонлигини тортиб олган ҳам ўша-

лар экан. Қунанбойни жавобгарликка тортдириб, Үмбига терговга олдирған, ҳу ўша «ит қўшганлар» маконига, «Жерсибирга» ҳайдатиб юбораётган ҳам ўшалар экан.

Бу ишларни мана бу келаётган тўра ўз кўзи билан кўргандек, худди кафтида тургандек, ой, кунларигача айтиб бера олади дейишади. Тўрани мақташаётганларида аввалига индамай ўтирган Үроэбой, гап шунга етганда кўнгли исиди. Унинг маълум сабаби ўзининг зиддиятидан туғилди. Үроэбой Абайнинг иқболи, обрўйи ўзидан баланд деб асти ўйламайди. Абай билан зидлашаркан, у Абайнинг бир жиҳати дуруст бўлса, ўзининг кўп жиҳатлари билан ундан ортиқман деб билади. «Бойлигимгина эмас, жасоратим ҳам ортиқ!», «Эл ичидаги салмоғим оғир» деб билади. Фақатгина у тенг келолмайдиган бир томони бор; у, Абайнинг отаси Қунанбой масаласи. Үроэбойнинг отаси оддийгина фуқаро қозоқ бўлган, ҳатто бой ҳам бўлган эмас.

Аслида, бир тарафи ўғирлик, «билса баримта, билмаса сиримта» деган таъбирга мувофиқ қилиб, ёшлигидаги тиним топмай ҳаллос урган Үроэбой, мана шу кундаги кўп молини ўзи топган. Хўш, бунинг душмани Абайнин олинса, у аниқ теги-тахтлик душман. Ёғиз Қунанбойнинг ўзи бой бўлишнинг устига, оға султон ҳам бўлди. «Фуқародан чиқсан хон» аталди. Қанчалик ошибб-тошди! Эшишиб, яқиндан билишга кўра, мана шу келаётган Жабайхоннинг насли, катта тўра, Қунанбойнинг теги-тахтини, Абай тарафни унча мақтамайди дейишаёттир. Тўра билан бир уезддан бўлган, яқин турадиган Сармонов чиновникнинг гапидан, Үроэбойнинг бу тўрага янада ихлоси ошадиган бир сир чиқиб қолди.

Қарқаралидан чиқиб, мана шундай катта яйловларда беҳисоб эллар орасида «саноқ» ўтказаркан, ҳалиги тўра Тўбиқти тўғрисида кўп гапларни билиб олибди. Шунинг билан бирга, бу йилги кўкламда Үроэбойнинг юз йигитни отлантириб, хонлар элига ҳужум қилганини эшигандан тўра жуда қизиқиб, берилиб тинглабди. «Бу атрофдаги қозоқнинг забардасти Үроэбой экан», «ҳужум қилди дейиш қандай ботиллик!», «Замони ўтдими, йўқми, ўша битта ҳужуми, битта ҳаракатининг ўзи қанча туради?» — деб Үроэбойни мақ-

1 Омск, — Ред.

таб келаётир дейишади. Яна ўша катта тўра «Тўбиқтида даставвал ўзим бориб салом берадиган кишим бошқа эмас, Үрозбой бўлади», дебди.

Мана, Кўксингирнинг бағрига ўттиста уй сўраса, таппа-тахт элликта оқ уй тикириш, ўша эллик уйнинг ўртасига беш уйни хоннинг ўрдасидек қилиб ўрнатиш — ҳаммасини ҳам Үрозбой билан Элев бўлиснинг шу гал келадиган тўрага тўғрилаб турган қайиғи эди. Үрозбой ўша тўрани бирйўла ўз томонига ағдариб, ийдириб олишнинг пайида. Унинг донғи-довриғини зўр бериб мадҳ этиб, кўкларга кўтараётир. «Русларнинг ҳам тўраси, қозоқнинг ҳам ҳақиқий қайнар булоғи, аслзодаси, кеча ўтган замондаги хонингнинг ўзи, оқ подшо кифтига қоқсан тўра. Ҳам қозоқ отам бўйсунгандан хон тўрам. Буни кутмаганда кимни кутаман! Ўрдани бунга тикмаганда кимга тикаман?»— деган гапларини қозоқ тўрага етказадиган семейлик тиломочлар олдида жўрттага жони-дили билан айтади.

Үрозбой унга салом ҳам йўллади. «Катта тўра маслаҳатимни мақбул кўрсин, Кўксингирга жойлашсину ёта берсин. Тўрт бўлис Тўбиқтидан оладиган «саноғини» худди шу Кўксингирда ўтказсин. Бир йўл Тўбиқтига келиб қолган экан, бор хизмати ўзимизга, факат шу ердан бошқа жойга бормасин!»— деб юборди.

Атрофини қуршаган, от устида учраган, дастурхон устида бошлари қўшилган тўбиқтилик оқ соқол, қора соқолларнинг ҳаммасига Үрозбой, тўрани ҳатто ҳали кўрмай турибоқ, атайин кўпиртириб мақтайди. Шундай пайтлардан бирида:

— Айниқса, жуда билимдон одам дейишади. Илмли бўлганда ҳам қозоқ боласи тенг келолмайди, гардига арзимайди дейишади. Бу ерда «Абай билимдон», «Абай илмли!»— деб қулоғимни батанг келтиришарди. Энди қарасам, мана бу тўранинг олдида Абайнинг содда халқ-ча муғомбир мулла бўлиб қолса керак!— дейди.

Мана шундай олдидан олиб учайтган лаганбардорлар ичига бир куни тройкалар қўшилган бешта извошда, жез қўнгироқларини ўйноқилатиб жаранглатганича қозоқнинг Үрозбой кутаётган катта тўраси Азимқон келиб тушди. У айтганидек, аввал бор ишларини йиғишириб қўйди. Кўксингирга келган куннинг эртасига Сармонов, Даниёр сингари ўзи тенти, ўзининг олдида қулдек пилдирайдиган хушомадгўй чиновникларни, тило-

мочларни эргаштириб олиб, Үрөзбойнинг овулига борди. «Салом бераман, яхши ният билан дўст бўлгани келдим»,— деб ўз кўнглини билдириб келди. Шундан буён кундузи ишини қилса, ҳар кун кечқурун ё Үрөзбойнинг ўз уйида, ёки кўпинча Үрөзбойнинг бўлис ўғли Элевнинг овулида бўлади. Кўп иззат-икром билан кутилиб, кунига бир қулун, бир неча семиз қўзини еб талтайиб ётади. Кечқурунлари, бўш вақтларида бу тўра Үрөзбой бошлиқ оқсоқол, қора соқол, Элев, Азимбой, Саменлар сингари ёш амалдорлар ўртасида елдек эсиб, тинмай сўзлаб, кўрган-билигларини айтиб беради.

Тўранинг шундай ҳикояларига ва Үрөзбойдек эл устунига кўрсатаётган илтифотига қараб, атрофидаги бўлислар, бийлар, амалдорлар уни мақтай бошлашди. Ҳар қайсиси ўзича, ўзининг атрофидаги амалдорларига, улфату жўраларига Азимқон тўрани кўп таъриф қилишди. «Ўзи ҳам улуғ, подшолик улуғи. Ҳам қозоқнинг Урта юзини бийлаган хоннинг авлоди. Бундоқ қилсанг ҳам тўра, ундоқ қилсанг ҳам хон-тўра. Асли улуғлик шунинг бошига толиб қўнган экан. Ҳозирги қозоқларнинг Россия замонидаги бошлиғи шу бўлар» дейишиб, Үрөзбойдан чиққан гап атрофдаги теглик-тахтлик дейиладиган йўғонлар, бойлар, ҳожи, бўлис, қабила бошлиқларига кўп тарқалди.

Келганига ўн кун бўлмай туриб, бунинг донгини кетказиб, кўкларга кўтариб мақталаётган довруқ, хушомад гаплар Тўбиқтидаги тўрт бўлиснинг ҳамма яйловларига етди.

Ҳар бир Азимбой, Самен, Жонотой сингари узоқроқ яйловлардан келган бўлислардан элларидағи кўнгли яқин устунларига салом йўллашиб, чақиририб олаётгандар ҳам бўлди. «Тўра билан таниширамиз. Қозоқдан чиққан ҳам билимдон, ҳам улуғ. Ҳам русча, ҳам қозоқчага бирдек улуғ, бирдек тўра— Азимқон улуғ билан таниширамиз!»— деб атайн айтдириб юборишади.

Шундай салом билан Қўксингирдаги Азимбойнинг хабар қилишига кўра Шубор ҳам келганди. У Абайга сиртнингина йилтиратса, ичидаги мўлжали, ҳийланайранги, ниятию мақсади мутлақо бошқача эди. Кимни Абайга тубалик душман бўлар деса, ўшанинг билан унинг сири туташиб, дўстлиги ҳам мустаҳкамлашиб, тилакдошлиги ҳам давомли бўлиб кетарди.

У қасдлик қилишда Такежондан жасурроқ, ўжарроқ Азимбойни ўзига «яқин қариандош», «яхши дўстим» қилиб олган. Айниқса иккови, баъзан Такежон учовигина ўтиришиб, бошқа кишига эшиздирмай сўзлашганинида сирларига қулоқ солсанг, кўнгилларимақсадларини машъум равишда очишафди. Улар ойдан ой, йилдан йил ўтган сайин, ҳар бир каттаю кичик талаш, тортишларга Абай беихтиёр аралашиб ўтган сайин, унинг орқасидан қилмайдиган гийбати, ортмайдиган туҳмати қолмас эди.

Факат Абай ўйламай, билмай юрган киши бўлади. Кўнгли сезса-да, у ҳамон алданиш, юпаниш билан келади. «Ҳасад қилгани бўлмаса, Шубор қасдлик қила қолмас», деб ўйлайди. Сабаби Шубор унча-мунча сездириб қўйгани бўлмаса, шу маҳалгача бениҳоя маккорлик, эҳтиёткорлик билан қасдлик қилади. Мудом бир безорини, зўравонни, ўз шумлиги ўзига етиб ортадиган биттасини олдига солади. Ўшаларнииг орқасида, далласи-панасида туриб Абайга отадиган ўқининг пайтини пойлайди. Шундай мўлжалда баъзан Ўроғойни, баъзан Такежонни ва баъзан Азимбойни олдинга чиқариб юради. Гоҳо Жиренше, Абдилда сингари бир отадан тарқалган элларнииг маккор, устун безориларини ҳам аста турткилаб, олдинга солиб, ўзини ўшаларнииг орқасига, панасига олиб кетиб ҳам юради. Шаҳардаги наматфуруш Сейсеке, Қасен, Жақип сингари бойларга, мачит-мадрасалардаги ҳазратхалфаларга оз-оздан суҳан этиб, Абайга душман қиласидиган гапларни айта билади.

Улар билан учрашганда у ўзининг мусулмонча кўп ўқиганини ҳамда мусулмон уламоларининг китобларини қўлидан ташламайдиган муллалигини ҳам пеш қиласиди. Азимбой, Ўроғой, Такежон сингари эл устунларининг ичига кирганида, у булардан янада устун келади. Сабаби ёшлигидан бўлислик, ҳокимликка илиниб келганидан Шубор русчани ҳам ўз ҳолича ўрганиб юради.

Бориб турган кунчилик, қора ниятли, ҳасад билан Абайга қасдлик қиласа-да, у ўша Абайнинг ўзи қилган ишларини, унинг ёнидаги Мағаш, Какитой, Дармен сингари ёшлар қиласидиган ишларни бирга қилиб, баравар изланаётган киши бўла билади. Абайнинг ҳамма шеърларини билади. Ёдан айтиб бериш керак бўлса,

Абай ўтирган ерларда тутилмай, шариллатиб айтиб ҳам бера олади.

Азимбой, Такежонлар бўлса, турган гап, «Абайнинг сўзи» деган бирор оғиз гапни ёдлаб кўришган эмас. Уроэбой, Жиреншелар ҳам Абай билан қасд, зид бўлганлари учун Абайнинг сўзларини асти оғизларига олишмайди. Шубор бўлса, Абайнинг бор сирини билади, у кўрганни қўша куриб, у билганни бирга билиб, ўшандан «қолишмай юриб кўраман» дейдиган киши. Ҳакиқий «тили бошқа, дили бошқа», «кирса дўст, чиқса душман» дейиладиган, «буғун дўст, эрта ёв» деб Абайнинг ўзи тахмин билан танқид қилиб юрадиган қариндош-уругнинг биттаси.

«Ўз сирини душманига бориб ўзи очиб берадиган» кишилар бўлади деб ҳам Абай ўз шеърида атрофидаги қанча-қанча амалдор, жанжалчи, найрангбозларни айтиб юрса, ўшаларнинг сон минг қилифи битта Шуборнинг ўзидан топиларди.

Энди мана ўша Шубор ҳам, Уроэбой, Азимбойлар хон кўтараётган қозоқ тўрасига салом бергани келиб, танишиб, топишганди. Бугун ишдан қўли бўшагандан кейин кечки ўтиришда, Азимқон Уроэбой бошлиқ бир уй бўлиб ўтирганларга илтифот билдири. Беш уйдан ўзита атаб тикилган ўрданинг қоқ ўртасида учтўртта оқ ёстиққа ёнбошлаганича, ундан бундан гапириб ўтирди. Кечки чойдан бурун у мана шу ўтирган тўбиқти устунларини, қабила бошлиқларини, насли-насабни яхши биламиз дейдиган қозоқларни танг қолдирди. Китобларда ривоят қилинганми, ўзининг хон ўрли бўлган теги-тактидан, ёшлигидан эшиганими, ҳайтовор, қозоқ деган ҳалқнинг ўтмиши-ю ҳозиргисини бу атрофдаги, қозоқлар айтиб ҳам, эшитиб ҳам кўрмаган бир тарзда баён этди. Шундай бир йиғинда... Азимқон қозоқ даласининг Россия подшолигига қарагани ҳақида сўзлаб кетди.

— Кичик юзниң қозоги Россия подшолигига бундан бир юз олтмиш етти йил илгари қаратдиган бўлган! Унга қаратган Абилхайрхон дейишади. Урта юзни қаратган Аблай дейишса-да, Жекейхондек, бизнинг оталаримиз ҳам қатнашган! — деди.

Атрофини қуршаб ўтирган Уроэбой, Эсентой, Жиреншелар унинг гапини маъқуллашиб танглай қоқишиди. Жиренше пичирлаб:

— Баракалла, ота-бобоси оқ подшо билан келишган, ўзи мана бу! Занжирбанд деган шу-да! Нима қил дейсан, азamatim-ку! — деб сүнгти сўзларини тўрага эшигтириб тамшанди.

Тўра ундан ҳам кўпириб:

— Улуғ юзниң қараганига чамаси қирқ йиллар бўлди. Уни қаратган ҳам бизнинг тўра, Аблайнинг ўғли Суқ, Адил деганлар бўлади! — деди.

Яна бир хонаси келганда: «Кеча Қунанбойни оға султонликдан тушириб, ўрнини тортиб олган, менинг туғишган оғаларим Қусбек, Жомонтойлар!» — деб ҳам олиб қочди.

Ўрозбой билан Эсентойга бу гапларнинг бир учи маълум бўлса-да, гап шунга келганда, ҳузур қилишиб, ҳе-ҳелаб кулиб қўйиши. Бу атрофнинг қозоги Қунанбойнинг отини айтмай, фақат «ҳожи» деб юритишарди. Мана бу ўтирган Шубор билан Азимбойларни Қунанбойнинг авлоди демай, оҳангжамалик қилиб «ҳожи боласи» деб атайдиган бўлишганди. Ҳозир мана бу ёш тўранинг Қунанбойни «Қунанбой» деб тарсса айтиши, душманининг қоқ бошига биф согандек, Ўрозбойга ёқиб тушди. Шу тўғриларидан ҳам Ўрозбой, Эсентойлар тўрани шу йўсин сўзлатиб, гуриллатишаётир. Тўбиқти устунларини ёлғиз ўшанинг оғэзига қаратиб олгинарни келади. Тўра ҳам ўзи Ўрозбойга ёққан сайн чирана беради.

Бир вақт у, чойдан олдин қилган ҳикоясида, илгари қозоқларнинг хонлари бўлганини гапирди. «Қозоқларнинг қадимий авлод-аждоди, дунёни олган Чингизхоннинг қўлида бўлган эмиш» деб кетди. Уша Чингизнинг Ўрозбойлар эшитиб кўрмаган, «дунёнинг тўрт тарафини ўзларига қаратиб олган» тўрт ўғлини мадҳ этди. «Машҳур йўлни» чиқарган Қосим, «эски йўл»ни қолдирган Эсимхон ҳақида сўзлади. «Бутун уч юзниң қозогига амр-фармонини юргизган қозоқ хонлари билан тўрала-рининг» тагини олиб бориб, Чингизнинг Жўжи деган ўғлига боғлади. Айтавериб, ўзини ўша Чингизхоннинг наслига чиқарди. Бу ҳам Ўрозбойга ёқиб тушди. «Ҳозирги қозоқларга шунингдек, асли зоти қозоқларнинг хонидан тарқалган, бугун ўзи русларнинг маърифатини билиб, Ўрозбойнинг «айтишича» оқ подшонинг қўлидан улуғлик олиб келган киши йўлбошчилик қилиши керак!» — деди.

Бугунги кеч «Азимқон тұранинг сүхбатига сазовор бұлған келдик!»— деган бийлар, бўлислар, оқсоқоллар, амалдорлар саккиз қанотли бўз уйга зўрға сиғиши. Еқалаб ёзилган дастурхонлар ўртасидаги олти-етти жойда қимиз шопирилиб турибди. Мажлис аҳли истаганича қимизга қониб, қизишиб ўтириб, тұранинг эндиги ҳикоясини эшитаетир. Бу гапи ҳам мана шу тингловчиларини ҳайратда қолдирадиган қизиқ, янгилик гап бўлиб чиқди. Бу тўра шу ўтирган, Тўбиқтидан бошқани билмайдиган қозоқларга умум «қозоқ» деган халқнинг ҳозирда жойлашган ерларини, бўлинган бўлисларини, уездларини батафсил айтиб берди. Яна Урозбойни, Азимбойни, айниқса Шубор, Элевни бошқача шодлантириб, бор қозоқларнинг барча ерлардаги сонини қаторлаштириб айтиб кетди. Буни эшитишганда: «Мана, халқнинг эндиги раҳбари, бундан кейинги эгаси шу бўлишини шунинг ўзиданоқ билсаларинг-чи!»— дейиши.

Азимқон бор қозоқларнинг сонини айтиб кетди. «Фалон миллион» деб, мўлжаллаб эмас, Урозбой у ёқда турсин, оқ-корани билади, дейиладиган Шуборлар ҳам эшитмаган хабарларни берди. «Россияга қарайдиган қозоқ фалон миллиондан ошиқ»,— деб уни алоҳида айтиб ўтди. Шундан кейин, бу ўтирган қозоқлар қаердан билади, Азимқон, 1895 йили Петербургда босилиб чиқкан «Энциклопедический словарь»нинг 15-жилдидаги, қозоқ деган халқнинг ҳар бўлисларини сони келтирилган рақамларни устма-уст айтиб кетди.

— Астрахань губерниясида икки юз ўн олти минг қозоқ бор. Урал обlastида — тўрт юз ўн икки минг қозоқ! Тўрғай обlastида — уч юз ўттиз саккиз минг, Оқмулла обlastида — уч юз қирқ бир минг. Мана бу ўзларингиз ўтирган беш ўяз, Семей обlastида — беш юз қирқ етти минг. Еттисувда — олти юз минг. Ана у Сирдарё бўйида, Туркистан, Тошкент тарафида етти юз ўттиз минг қозоқ бор! Бу тўпланиб, эич туташ ўтиришган ерлари!— деб уй ичидаги қимиз билан қизишган оқ соқол, қора соқол, бий-бўлисларни, мақтанчоқ, ҳовлиқма бойларни «қозоқ қанчалик кўп экан», «қаердан билган-а», «валат, билсанг шундай бил-да!» «Қозоқقا раҳбар бўлган, ғамхўр бўлган кишининг йиғнаганлари-да бу!»— дегизди.

«Бунчалик билим кимда бор», «қозоқнинг қайси сўзамоли билан билимдони шу сингари қилиб, бор қозоқ»

нинг бошини қўшиб тугаллаб берган эди», «мана бу чиндан ҳам Ўрозакант айтганидек, эндиги қозоқларга бошлиқ бўладиган экан». «Ўзи ҳам аслзода экан-ку», бунинг фикри аслида қозоқларнинг ҳаммасини санаб олиб, ўшалардан бир тубалик эл қилмоқчи бўлиб юрган экан!»— дейишиб, кенг уйнинг икки томонини олиб ўтирган Жонотой, Самен, Азимбой, Шубор, Жиреншегар баъзан тўрага эшигидириб, баъзан ўзаро қимизининг дами билан гуриллашиб мақтанишиб, дув-дув сўзлашишади.

Ҳикояларини мана бу ўтирганлар жуда ҳайратда қолиб, қизиқиб тинглашганларидаи Азимқон тўра «Энциклопедический словарь» дан яхшилаб ёдлаб олган қўшимча маълумотларини ҳам айта бошлади.

— Ҳалиги фуж ўтирган қозоқлардан бошқа анови Урал, Тўргай областларининг қирқ мингга яқин эли ҳу ўша Урал тоғининг кираверишида яйлайди. Верхний Урал, Челябинск, Тройцк деган уездларни макон қилиб кетишган. Ундан бошқа қанча-қанча минглаб қозоқлар Хива хонлигига яшайди. Така-туркманлар билан Амударё бўйида турадиган қирқ минг қозоқ бор. Самарқанд областида йигирма минг қозоқ, Каспий атрофида қирқ мингдан ошиқ қозоқ ҳам бор. Ундан қола берса, Хитой тупроғида, ҳу ўша Қора-Иртишнинг бошида, Олтойнинг кун чиқиш томонида, Торбоготой, Совурнинг ичи-ю сиртида, у бағри-ю бу бағрида яна талай қозоқ бор!— деди.

Буларнинг кўпчилигини Азимқон тўра қайси юзга тааллуқлигини, қанча-қанча уруғларнинг номини ҳам айтиб берди. Бу гапларни эшигтан тўбиқтилик бой-бийлар энди бирйўла танглай қоқишиб, бош чайқашганларича, оғизларини очиб қолишиди. Улардан кўпларининг фикрини яна Ўрзбой ифодалаб:

— Нимасини айтай, чирогим Азимқон, фақат йўлинг бўлсин! Ўн кундан буён сенинг лафзингни эшита-эшита хурсанд бўлганим шунчаларки, қайси фазилатингни айтай! Тўрт тарафинг мос келган, ҳозирги қозоқнинг хони-ю тўраси сен экансан! «Хоним сен, фуқаройинг мен» десам дегудек одамим ўзинг экансан! Қозоқларнинг бошқа «бидим, етишдим» деганларининг ҳаммаси сендан садаға кетсан!— деб хохолаб кулиб олди.

Жиреншега қараб ягона кўзини қисиб қўйиб, боши билан Азимбой томонга ишора қилиб қўйди. Худди

сүнгги садаға кеткизаётгани бошқа бирор эмас, мудом күзлаб, пайтини пойлайдиган душман Абай эканлигини англаиди.

Шу кече тонг отарга яқин күлчилік Азимқон тұрага хушомад қилиб, мақташғанларыча тарқалишғанларыда Шубор ҳамон тұранинг пинжига кириб: «Сүрайдиган гапим бор, айтадиган гапим күп» деб, меңмөнхоналарға бормай, ётиб қолди. Азимқон ҳам бир мүлжали бүйіча Шуборға муҳтој экан. Мажлис охирида Шубор билан шу ҳақда қисқатина савол-жавоб қилишиб, сұзлашиб ҳам қолди. Гап Абай түғрисида кетди. Тұра Шубордан Абайни сұраб: «Шеър ёзиши ростми, чиндан русчани ҳам биладими?»— деб сұради.

Шубор Абайни күп илмі қилиб күрсатмади. Лекин «руссани тахминан билади», деди. Мақташга одагдаги ҳасади йўл қўймади. Яққол қилиб ёлғонни ҳам айта олмади. Уни «жигарини ўзи мақтаётир» демасин дея-ётгандек қилиб ҳийла ишлатиб, сипогарчилик билан сұзлаётган бўлди. Лекин бу кутганича эмас, Азимқон Абайнинг баъзи жиҳатларини биладиганга ўхшайди. У тикка: «Абай Пушкин, Лермонтовларнинг шеърларини таржима қиласими, шу рост гапми?»— деб сұраб қолди.

Шубор мана бу тұранинг Абай ҳақида аниқ маълумоти борлигини пайқаб қолди. Шунинг учун унга бироз ҳақиқатни ҳам айтишга түғри келди.

— Рост, Абай таржима қиласи. Таржима қилгани рост!— деб қисқа бўлса-да, аниқ жавоб берди.

Азимқон тўбиқтилик қозоқларни нотиқлиги билан ҳайратда қолдира олмади. У баъзи қозоқча сўзларни айтаркан, бу атрофдаги элнинг тилидан эскироқ, қозоқча содда бир тилда гапиради. Шунда у тўбиқтиликларга ўхшаб «бўлмайди» дейиш ўрнига «бўмайди» дейди. «Шундоқ бўлса» деган гапни «шунақа бўса» деб қўяди. Ҳозир Шубордан Абайнинг унча-мунча дарагини эшитиши биланоқ ёпишиб:

— Шунақа бўса, Абайнинг Пушкин, Лермонтовдан қозоқчалаб ёзганларини биласанми?— деб сұраб қолди.

Шубор тұра билан ёндошишга Абайнинг сўзлари сабаб бўлишини энди аниқ англаиди. Ҳалиги саволига «билиман» деб жавоб берди.

Бу жиҳатини эшитган он тұра Шуборни бийлаб, қарор қилиб қўйди.

— А, шунақа бўса, мен эшитмасам бўлмайди. Шуерда ёнимда ўтириб эртага менга ўшани айтиб берасан! Бўптими?— деб тикилиб сўради да, Шуборнинг бош ирғаб, қабул қилганини англаб, кулиб қўйди.

Тўра Абай ҳақида анча гапларни эшитган кўринади. Шунинг орасида бундан бир йил муқаддам унга ўзгача кўринган бир жиҳати Абайнинг шоирлиги бўлган эди. Ўтган йил ёз бошларида у Петербургдан Семейга келиб, ундан Семейтовни босиб, Қарқаралига қараб кетаётганди. Семейтовнинг бағридаги Буро элида бир бойнинг уйига қўниб ўтганида у бир бошқача, хаёлида йўқ бир ишни пайқаганди. Қўшни уйда, мазмуни ўтов-үй бўлса керак, кўп ёшлар йиғилишиб, ялписига ўйин-кулги қилишаётган эди. Катта даргоҳда, овул эгасининг ёнида ўтирган Азимқон уша ўтовдаги ашула, ўйин-кулгини эшитиб аланглай беради.

У, хурсандчилик боисини сўраса, куёв келган экан, ўша кўёвнинг йўлдоши бўлиб, мана шу Семейтов, Кўкенга донғи кетган бир ашулачи ҳам келган экан. Шуни эшитгандан кейин ёш тўра уй эгасидан илтимос қилиб, ўша ашулачини чақиртириб олди.

Оппоқ, келишган, сўлим юзли, барваста, тўладан келган қоп-қора чўққи соқолли ашулачи, ашула бошлиши биланоқ тўрани ҳайрон қолдирди. У:

«На чора нетай билдирмай,
Епирай, нечук айтаман,
Қўймади дардинг куйдирмай,
На қилсанг-да тортаман!»—

деб куйлаб кетди.

Сўзлар тўра чала хотирлайдиган бир гапни баён этди. Ашулачи гердайганича бу ашулани бир оз айтиб келиб, яна бир ашулага кўчаркан: «Ҳалиги хатга Онегиннинг қилган жавоби мэна бу»,— деб юборди.

Тўра энди ёстиқдан бошини озод кўтариб, ўзи тахмин қилган гапни аниқ куйлаб ўтирган ашулачига ўқталганича:

— Ҳой, сенинг айтаётганинг «Евгений Онегинми!»— деб ўзига хос қўполлик, тўнглик билан дағалгина савол берди.

Ашулачи унга қиё боқмай, жўрттага гердайиб, оддий бир гапдек қилиб, яна бир гапини ҳам айтиб қолди.

— Үзинг ҳам билар экансан-ку, миңзә! Ҳа, бу ўша
Гатьяна — Онегин»лар ҳақида.

— Ҳүш, сен уни қаёқдан билар эдинг?

— Мен билмайдиган нимаси бор экан?!

— Уларни ким деб ўйлайсан?

— Улар русларнинг Пушкин деган шоири ёзган мен-
а ўхшаш йигит билан қиз. Ӯшани қозоқча шеър қилиб
ерған бизнинг дўстимиз, катта шоиримиз Абай! — деди.

Бу гапни Азимқон тўрага ўтган йили айтиб берган
Абайнинг ашулачи дўсти — Муқа эди. Абайнинг номини
АЗИМҚОН тўра даставвал эшигани шу бўлиб, у Абайнини
сақат шоир деб билган эди. Бу йил саноққа чиққанидан
иуён ҳу ўша Қораўткал, Қарқарали, Баяндан бу ёғига
Абай деган одамнинг сўзи, санъати, халққа қилган
тути, шеър ва куй намуналарини онда-сонда ҳар ким-
лан эшишиб келарди. Энди мана қўлига Абай шеърларий-
ин кўп айтиб берадиган киши — Шубор тушгандан ке-
ини, у ярим кун ичидаги Шуборга Абайнинг ҳар бир шеър-
ини айтдириб, тинглаб кўрди. Лекин табиатан шеърни
севмайдиган бу тўра, қанчалик ўқимишли бўлса-да,
ўзининг туққан элининг тилида, қозоқ тилида ёзилган
Абай шеърларига поқкос тушумади.

Бир вақт у Абай Пушкиндан таржима қилибди, Лер-
монтовнинг кўп шеърларини қозоқча қилиб берибди,
деган гапга кўчди. У Абайнинг қозоқлар тўғрисида ёз-
ган, ўз ичидан чиқариб ёзган шеърларига қулоқ солиб
ўтириб, бу шеърларга аҳамият бермай, бошқа бир гап-
га кўчди.

— Қозоқларнинг энг яхши шоири Буқаржиров
эди! — деди, гўё уни Абайга тенглаштирмай, юқори ҳи-
соблаб ўтиргандек. Гапнинг шу жойи, яқинда Абай қо-
зоқчага таржима қилган Криловнинг «Эшак билан Бул-
бул» деган масалига мос келарди.

«Яхшигина куйлар экансан, фақат хўроздан бир оз-
таълим олсанг бўлар экан!» — дейди-ку эшак.

Ҳаромзода бўлса-да, Шуборнинг зийрак кўнглидан
шу масала ўтди. У ўз ичидаги Абайнинг зўр шоир деб би-
ларди-ю, йўли нотўғри, тўғри йўлда эмас, дер эди. Қо-
зоқнинг жамики яхшиларини масхара қилар, «хори
зорлари, фуқароси, камбағал қашшоқларига» кўп
эътиқод қиладиган Абайнинг эса танқид қилиб, ёқтифмай
юради. Унинг сўнгги пайтлардаги фаҳмлашига кўра,
Абайнинг тўғри йўлга солиб, қозоқларнинг хон-тўралари-

ни, зўр қабилаларнинг яхшиларини, мусулмончиликни, шариат тариқатларини тараппум этадиган шоир қилиш-керак эди. Шуборнинг фикрича, шунда Абайдан барча қозоқларнинг «яхшилари» севадиган шоир чиқарди.

Азимқон тўранинг ҳалигида танқид бўлиши устига, Шубор Абайнинг бу тўрага ёқмайдиган хислатини ҳам маълум қилди.

— Сиз Буқорни яхши деяётисиз-ку. Ана энди, бизнинг Абай ўша Буқор-жиров билан ҳам сузишиб, шохига илакетган бир томони бор!— деб Абайнинг машҳур шеърини айтиб берди. Қовоини солиб, энсаси қотиб эшитатётган тўранинг қулоғи тагида шангиллаб, жўрттага баланд өвоз билан айтди:

«Шўртамбой Дўлат билан Буқор-жиров
Шеърларининг бирни ямақ, бирни қуроқ!—

деб, тўрага қараб қошини қоқди-да, иягини кўтариб қўйди.

Азимқон тўра шундан кейин Абай шеърларига қулоқ солишга барҳам берди. «У қозоқ хонларини яхшилаб мақтаган, ўз замонидаги қозоқларнинг камол топган шоири!»— деб Буқорни ўзининг худди шу кунги хонпараст, ҳокимпараст, бийпарастлик фикри билан табиатан яқин, нияти тўғри шоир сифатида кўкларга кўтариб, сўзлаб кетди.

Энди қандай ният билан эканлиги аниқ маълум бўлмаса-да, яна бир куни Азимқон тўра Элевни, Шуборни чақириб олиб:

— От эгарлатинглар, сенларни олиб, сафарга чиқмоқчи бўлаётирман!— деди.

Унинг нияти Кўксингирдан ярим кунликкина ердаги Шақпоқда ўтирган «Абайнинг ёнига бориб, салом бериб, дийдор кўришиб, сұхбатлашиб, таниб-билиб келиш» эди. Азимқон тўранинг эртаю кеч пинжидан чиқмайдиган, энг ишончли дўсти бўлиб олган Ўрозбекнинг ўғли Элев, тўранинг бу аҳдига чурқ этмай, бирор оғиз сўз қотмай, тезлик билан отларни ҳозирлатди.

Нонуштадан кейиноқ отга минган ўнтача-киши, хушомадгўй навкарлар ўртасида келаётган Азимқон тўра Кўксингирдан чиқиши биланоқ Элев билан Шуборни, Азимбой учовини олиб қолди-да, бошқаларни олдинга солиб юбориб, холи қолганларидан кейин бир гапни бошлади. Гап Абай ҳақида борди. Тўра энди мана шу

Абай деган одамнинг сўзларини ҳам эшилди. Унинг ҳақида халқ оғзидағи гапларга ҳам кўп қулоқ солибди. Ҳозир ўзининг ўша Абай ҳақида бир қанча фикри бор. Кўп ниятларининг ростини айтса, ҳозир ўзи билганига кўра, Абайнинг яхши кўришдан кўра, танқид қилиб, нуқсонларини очиб, олишишга мойил кўринади.

Уни шундай фикрга олиб келганлар, сўнгги беш кундан буён унинг ёнида бўлган Шубор, Азимбой сингари Абайнинг ўз жигарлари бўлди. У Абай ҳақида Урозбойдан эшилган гапларига бир хил қарар эди. Ана энди Абайнинг ўз хонадонидан, жигарларидан бўлиб, унинг бор гапларини айтиб берган, ишини, хулкими ҳам, фикри-ниятларини ҳам баён этаётган Шуборларининг гапини эшилган Азимқон, Абай билан англашишдан кўра довлашадиган. Шунга ҳозир Азимқоннинг ёнида келаётган Тўбиқтининг ёш бўғин бошлиқлари, мана шу уч отга мингандан азаматлар нима дейди? Ичларидағи бутун сирларини очиб, ҳақиқатини гапирганда нима дейишиди? Абайнинг айби кўпми, яхшилиги кўпми!? Мен унинг билан сўзлашишим учун, шу ҳақда қўлимга дастак бўлгудек аниқ, салмоқли далиллар келтириб беринглар, деди. Ёнидаги ҳамроҳларини шу зайл ўйлаб кўриб, сўзлашга юмшади-да, тўранинг ўзи қолган узоқ йўл давомида индамай қулоқ солиб келди.

Даставвал Шубор гап бошлади. Сўнгги олти-етти йил мобайнида Абайдан унинг кўнглини жуда совутган ишлар бор экан. Ушаларни гапирди. У: Семей шаҳридаги, у томон билан бу томонга ўнта мачитнинг, беҳисоб мадрасаларнинг уламолари, эшонлари, имомлари, халфаларини Абай ўзига қарши ёв қилиб олган экан. Бу ҳақда у икки хил далил келтириб гапирди. Биттаси, вабо устида мусулмон имомлари ўртасида туғилган низолик ҳақида. Йккинчиси, худди мана шу Уроэбойларнинг унашиб қўйган қизини, тегли-тахтли овулнинг таъзиядор бевасини, отасиз, элсиз, теги-тахтининг тайини йўқ, сўққабош бир қашшоққа Абай олиб бериб, қочириб юборибди. Уни олиб боргач, шаҳардаги рус улуғларига ҳимоя қилдирибди. Шундай қилиб, қозоқларнинг, халқнинг урф-одатини, ота-бобо йўлинни буздирибди. Уша безори ёшларни мусулмончилик, шариат йўлидан ҳатлаб, бало бошлашга ундаиди.

Шу ишларнинг иккови ҳам шаҳардаги барча устоз — имомларни, отоқли аъёнлар, катта савдогар бойларни,

қисқаси, шаҳардаги «қозоқ ҳалқининг жамики қаймөтини бузибди-да, ноумид қилибди». Шубор айниқса шунни кечира олмас экан.

Азимбой сўзлаганда: Абай саҳродағи фиж-ғиж дехқон, пичанчи, оби-ёвғонни зўрга ўтказадиган жотоқ-сатоқ деган, фуқаро-суқаро деганиларга қайишадиган бўлибди. Ушалар учун неча марталаб элнинг бўлислари, ҳожилари, бой-боёнлари, тегли-тахтли яхшилари, ҳатто ўзи билан туғишган Азимбой, Такежон, Мойбосардек жигаргўша яқинлари билан ҳам мудом чавоқлашишдан, ёқа йиртишдан ҳормас экан. Шунинг учун бўлис бўлиб юрган Азимбойнинг айтишига кўра, бу кунларда у бийлаётган бўлисда нима кўп? Уша Абайнинг ғулғуласи билан авзойи бузилган чорикор-мардикорнинг, камбагал-қашшоқларнинг даъвосидан, арзин-додидан кўп нарса йўқ экан.

Ҳамма гапини кўзлаган нишонига тўғрилаб, ҳисоблаб, салмоқлаб кўриб сўзлашни ўзининг ҳийласи, одати қилиб юрган Урозбойнинг ўғли Элев, эндигина гап бошлади. У аввал сўзлаган икковининг сўзига зеҳн солиб, аяглаганларини гапига асос қилиб, керагига яратди.

— Ўтган гапларни қўйиб, Абайнинг мана шу кўкламдан бери юз берган феъли-атворинигина айтай-чи! — деб сўз бошлади. Унинг гапидан маълум бўлишича, Урозбойнинг кўкламда лашкар тўплаб, Кўкен элига ҳужум қилгани Азимқон тўрага кўп маъқул тушган экан. Бу ишни ўнг-тескари бўлса-да, ғайрат, жасурона ҳаракат, самарали ғазаб деб билар экан. Эл бўладиган элнинг бошлиғи бўлгудек эр-азаматнинг қўлидан келадиган кескин ҳаракат! — деяр экан.

Абай бўлса шу масалада бутун Тўбиқтининг бор яхшиларига қўшилмай, қайсарлик қилиб ўтирган экан. Ҳатто бу икки иинси, бир туғишган акаси Такежон билан ҳам Кўкен элига ҳужум қилингандан буён айниқса зидлашиб, ғазабига олиб кетибди. «Экинчи-тикинчи» «меҳнат аҳли юнош» деган бўлиб, «мен ўшаларга тилакдошман», деб ўтирган экан. Урозбойни «ҳолини билмайдиган ҳовлиқма» дебди. Ҳозирги замон, илтариги зўрлик, босқинчилик замони эмас. Энди тузалиб келаётган замон. Орқага қараш керак эмас, олда бўлажак яхшиликка интилиш керак. Эски босқинчиликлар, қора қозоқ йўлини қувватлаш, бу кунларда садақа қилиб юбориладиган феъл-атворлар!» — дер экан.

«Элнинг бор яхшиларига элдаги бутун фуқаро, пур-ю хуни йўқларни ўчакишириб, гиж-гижлатиб ўтибди!»— деди.

Тўра учовининг ҳам гапига қулоқ солиб келди да, иттагина савол бериб:

— Бўлажак яхшиликка дейди, у нима дегани, киман эшитиби, қаердан кутаётган яхшилик экан? Буничи билдиларингми?— деди.

У ҳақда Шубор яна батафсил гапириб берди.

— Бу ҳақда Абай қозоқларни айтмайди. Ҳу ўша оссияни айтади. Келажакда, озгина вақт ичиде Россияда бир яхшилик бўлади. Бу тузум ўзгаради, бошқа ўлади!— деган гапни ҳам кўп гапиради!— деб бошлади.

Тўра яна қаттиқроқ қадалиб:

— У кимдан чиққан, қаердан чиққан гап экан, ўшами айтадими?— деди.

Шубор бу жиҳатини ҳам тўрага англата билди.

— Э-э, Абайга бу гапларни айтадиган, ички Россиядан ҳайдалиб келган ҳар хил дўстлари бор-да!— деб Азимқоннинг яна бир заҳрасини учирди. Шубор аввал Михайловни айтиб берди. Ундан кейин, сўнгги саккизгўқиз йил мобайнида Абайнинг фикрию зоти мутлақо бошқа бўлган, Павловдек дўсти борлигини маълум қилиди! Азимқон бу гапларнинг ҳаммасини эшитиб бўлганида йўловчиларнинг олди Абайнинг овулига етиб қолишган эди.

Энди тўра тўсатдан айниди. Дағал товуш билан «Элев!» деди да, лабини тишлиб, хўмрайганича қалин-қалин қовоқларини солиб:

— Мен айнидим! Чақир анави олддагиларни. Бормайман ўша Абайнинг олдига! Мен салом беришга арзийдиган Абай эмас экан. Бўлди, қайт ҳамманг, деб остидаги отининг бошини қаттиқ тортиб, орқасига қайрилди.

Тўранинг қарори ўзларини ҳайратда қолдирган, тўсатдан қилинган қарор бўлса да, Элев билан Азимбой ичларидан қувонишиди. Иккови овозларининг борича бараварига бақиришиб, қамчилари, тумоқларини тўлғашиб, олдинлаб кетган етти-саккиз амалдор йўлдошларини тезгина қайтариб олишди.

Ўша куни кеч кирмасдан, Азимқон тўра Абайнинг олдига бормай, Кўксингирга қайтиб келди. Урозбой ўели Элевдан Азимқоннинг бугун айтган гапларини, Шубор

билан Азимбойнинг жавобларини сўраб қониққан эди. Кейин Азимқоннинг Абайни камситиб, айблаб, унинг олдига боришдан айниганини аниқ билганида, Ўрзбой ўтирган жойида қарор тополмай, шодланганидан ирғишилаб кетди. Дам ёнбошлаб, дам иргиб ўтириб, дам типирчилаб, остидаги той тери пўстагидан силжиб тушиб кетди.

Ўзи билан холи ўтирган ўғли Элевнинг кўз олдида терисига сифмай қувонди. Шундан икки-уч кун кейин Қўнғир Кўкшенинг ҳозирги бўлиси Саменни Ўрзбой ёнига олди. Ерлари чап бўлгани билан бу иккови бир отадан тарқалган эди. Уша Саменнинг бунга айтган бир сирини ва ўзининг ҳам ичидаги ётган бир катта дилсиёхлигини Ўрзбой эндиги дўсти Азимқон тўрага изҳор қилиб, маслаҳат сўрамоқчи бўлди. Иккови Ўрзбойнинг катта уйига Азимқоннинг бир ўзини чақиритиб олиб, уч киши бўлиб ўтиришиб, ҳозирча қисқа қилиб, унча очилмай туриб Азимқон тўрадан маслаҳат сўрашди.

Яна бир ўн беш кунларда Орқат деган жойда Семейнинг ўязи Маковецкий Шербешнай сиёз чақиради. Унда Уоқ билан Тўбиқтининг кечаги можораси текширилади. Тўбиқти билан Уоқ ерининг чегараси тасдиқланади.

Уоқ Семей уездининг кўп бийларидан тарафдорлар йиғаёттир. Азимқон тўра шу ерда, кўпчилик олдида мақтаган «Ўрзбой босқинчилиги ҳам» ўртага ташланади. Хўши, энди ҳозир, «ўзганинг йўли бир бошқа» деб келиб Ўрзбой Азимқоннинг ҳузурида сўзлаётган гапининг оғир тугунига яқинлашиб келди.

Эндиги гапи: «Жароҳатнинг каттаси ўша бўлай деб турибди. Абай мени емириш учун уоқларнинг гапини қувватлайдиган кўринади. Агар қувватласа, Тўбиқтининг ичидан менга қарши далил чиққани-да. Мени айбловчи, ҳатто Тўбиқтини айбловчи уоқлар эмас, улуғ эмас, Тўбиқтининг ўзи бўлгани-да. Ўшанинг ичидаги, айниқса Абайдек, қиргаю даштга номи баравар тарқалиб турган одамнинг гувоҳ бўлгани. Элдаги бор яхшиларнинг оғигига шу тушов бўлаёттир. Яна бир дарди бедаволиги, Абай Тўбиқтини «зўрлик қилувчи» деб ўзи айблаб чиқса, атрофида ўтирган мана шу Семей ўзидаги Сибон, Керей, Буро, Матой, Уоқ, Найман — ҳаммаси гапни бир жойга қўйиб, таппа ташланади. Шундай қилиб, Абай Тўбиқтининг яхшиларини ириган-

ірганларга тушовлатиб йиқитдирмоқчи. Шунинг би-
ан у, эски одатини қилиб, ўзига «одил» деган ном ол-
оқчи. Буткул қозоқларнинг «ғамхўри» дедирмоқчи.
Айниқса, кўзи ёшликлар, фуқаро қозоқларнинг ҳо-
йиси» деган номга эришмоқчи. Лекин, кўриб турибсан-
у, ҳаммамизга, қозоқ йўл-йўриғига, эл яхшиларининг
ирлиги — баракатига қасдлик қилиб ўтирган Абай
лу! Ҳўш, бунга нима қилсак раво? Эртага Шербешнай-
а ҳаммамизни қулатиб бериб, юмалоқ-ёстиқ қилиб,
ир ерга тиқиб кетса, нима қилиш керак шу Абайнин!?

Самен Абайга Ўрозбойдан бадтар ўч бўлган бўлис-
инг биттаси. Унинг ўз ҳисоблари етарли бўлса-да, ҳо-
йир гап унда эмас, Ўрозбой айтган гапда. Энди у ҳам
изи тенги ёш тўрани «оғака» деб ялиниб:

— Тўғри маслаҳатингга қўшни бўлиб кўниб келдик,
оғака! Эндиғи раҳбарим, асл тўрам! Нима десанг ўзинг
ийт! Қандоқ қилайлик шу Абайнин? — деди тикилиб
ўтириб.

Тўра Абайга нисбатан энди танқидчигина эмас,
ўчакишиб олган жазоловчи ҳисоб. Аямайдиган душман
ҳолига келиб, гезарган қовоғидан қор ёғилиб ту-
рибди.

У жавобини чўрт кесиб, қисқа қилди. Муштуми би-
лан қилтаноқдек мўйловини силаб ўтириб, казо-казо
нки безорига, уларнинг ўзидан ошиб тушадиган, бу-
ларнинг хаёлидан аллақанча ўқтам бўлган бир балони
бошлади.

— Шунақа бўлса сўзнинг нима ҳожати бор? Ҳамма
гап тамом бўлган, бутун йўл тугаган-да! Шундай чора
тополмайдиган Ўрозакангми?! Унинг нимасига койиб,
хуноб бўлиб ўтирибсизлар? Бундай ишнинг гапи-тили
биттагина бўлади. У тилни Ўрозаканг ўқиган ҳам, ўқит-
ган ҳам. Абайни мулла қиласидиган ҳам ўша Тушчикўл-
да қилинган, жасорату, қора чўқмор-да! Ӯшанда ҳам
тийилмай, айқлик қиласидиган Абайни кўриб қўярман!
Ўқдиларингми? — деганида Ўрозбой билан Самен ҳам
ҳайрон бўлишиб, ҳам шодланиб бир-бирларига қараш-
ди. Бор гапга тушунишиб, индамай бош иргашди. Тиқ
этib товуш чиқармай «ҳ» дейишгандек гапни бас қи-
лишиди.

Шу кеча Азимқон тўра хаёлига келмайдиган машъ-
ум ишга ўз қўли билан сиртмоқ берди.

Орқат бу атрофдаги тоғларнинг жўпчилигидан фарқилади. Ҳажми чоғроқ ёлғиз тоғ бўлгани билан тиқоялари, баланд жар тошлари кўп. Тоғ сиртидаги сийрак тошлари жуда чиройли, лекин чиқиш қийин тоғ. Мен шу Орқатнинг энг баланд чўққиси — тик, йилтироқоя токчаланиб, осмонга кўтарилиб, ажойиб манзар ҳосил қилган. Уша қоянинг баланд чўққисидан пастигача атайлаб йўнилган извошга ўхшаш бўлгани учун «Кўйме-тош» деб аталади.

Ҳозир Кўйме тошнинг шарқ томон бағридан Қўп: деган кенг қўнисга яна кўп бўз уйлар тикилган, катта бир йиғилиш кетаётир. Қўпа кенг ўтлоқли, секин оқадиган сувларга сероб, тиниқ булоқли ва тоққа тулашиб борадиган жойларнинг кўпчилиги, тол, терак, ям-яшил, чиройли ёш ўрмон. Бу ерларда ҳам бугун тикилган бўз уйлар овулнинг, якка хонадонларнинг уйлари эмас. Камдан-кам бўладиган, ўзгача кўпчиликка атаб тикилган уйлар. Уйларнинг сони анча, эллик-олтмишдан ошади. Баъзи ерларда шу уйлар зич ҳолда бир ерга тикилган бўлса, баъзи жойларда, ўлка бўйидаги ўсимликлари ингичка тортган ерларда икки қатор қилиб, узунасига тикилган.

Үртадаги бир тўп оқ уйларга яқин тошлоқ тепада, Қўкен бўлisisидан шу йиғилишга келган уч-тўрт кипи ўзаро суҳбатлашиб ўтиришди. Буларнинг ичиди Бўстон, Қулжатой, Энгсебойлар ҳам бор. Бу учови шу ерда ўтирган олти-етти кишининг ичиди кўпроқ сўзлашаётир, афтидан руҳлари кўтаринки кўринади.

Ху ўша, анчагача чўзилган тўс-тўполоннинг шоҳиди бўлган Тушчикўл бошидаги кечада, Бўстон қаттиқ маъиб бўлган экан. Ҳозир унинг ўнг қўли майиб бўлиб қолибди. Бармоқларнинг учи қурий бошлабди. Забар даст қўли синиб, қисқароқ бўлиб қолибди. Лекин ҳозирги кайфиятидан Бўстон унча ташвиш тортаётганга ўхшамайди. Қулжатой ҳам пахмоқ қора соқоли, қуюқ мўйловлари оғзини бекитиб тургани билан, гапирганда, кулганда олдинги тишлиарийнинг ҳаммаси тушиб, ўпирлиб кетганлиги пайқалади.

Буларнинг бугунги йиғилишга келишдан мақсадлари ҳам, ўзлари кечирган, ўз бошларидан ўтказган оғирликнинг, «асосий чиқимнинг» даъвогари бўлиш. Булар-

нинг ҳаммаси ҳам маълум бир қарорни шошилиб кутиб ўтиришибди. Ўша гаплардан асосли бир қарор чиқартирадиган одам бор. Бугун ўша одам сўзлайди, дейиншаётир. Нима дейди, қандай ҳал қилади. Шу жиҳатини кўнгилларида гўё бир давондек ҳис қилаётган Бўстонлар ҳалиги «келади» дейишаётган одамни сабрсизлик билан кутишаётир. Яқин ердаги тепаликка чиқиб ўтиришганда ҳам «ўша керакли одам келадими» деб кўз тутиб ўтиришган эди.

Орадан бир оз вақт ўтса-да, у одам келмай, кечикайётир. Ўтирган озгина киши эрмак учун ундан-бундан гап бошлаб, гурунглашиб ўтиришибди.

Бир вақт Энгсебой ўзининг тенгдоши Қулжатойга қараб, ўнг қўли билан Куйме тошни кўрсатди.

— Қулжатой, сен «ботирман, жасурман» деяверасан. Қани, ўша Куйме тошнинг тепасига чиқар эдингми. Ўшанга одам боласи чиқмаган дейишади-ку. Элдач ўзиб, танҳо ўзинг бир чиқиб кўрсанг, нима қилади.— деб ҳазил қилди.

Қулжатой шунга яраша Энгсебойни тегажоқлик билан эрмак қилди.

— Мени Куйме тошга чиқариб, яна бир бўрон номини олдирай деяётисан-ку, а,— деди.

Бўстон билан Энгсебой Бўрон деган кишини эшишишмаган экан. Бараварига Қулжатойдан ўшани сўрашли. Энди Қулжатой ўпирилган оғзини илжайтириб, Куйме тошга қараб қўйди-да, бир ҳикоя қилиб берди.

— Тўбиқтида бошқа кишилар билан бирга ёлғончилари ҳам элдан ўзгача эмасми! Мамай деган уруғининг одам айта олмайдиган ёлғонларни гапирадиган, Бўрон деган кишиси бўлган. Ўша айтган экан: «Тонг саҳарда Куйме тошнинг энг тепасига ёлғиз ўзим бир чиқиб, дунёни кўрай дедим. Ўҳӯ бошига чиқиб олиб, атрофга кўз ташласам, оламда кўринмайдиган ер йўқ экан. Ҳўв ўша Семей шаҳри оёғимнинг остида қолди» дейиши биланоқ Қулжатойга қараб, қизиқиб қулоқ солаётганларнинг ҳаммаси дув кула бошлашди. Қулжатойнинг ўзи ҳам бўлиқ, барваста елкаларини дириллатиб, кулганича ҳикоясини давом этдириди.

— Семей оёғимнинг тагида қолиб, тикилиб қараб турсам, шаҳардаги наматфуруш Сейсеке деган бой ўз ҳовлисида, бомдод намозига таҳорат қилгани жез обдастасини кўтариб, ҳожатхонага кетаётган экан. Шун-

дай қилиб Бўрон, мана шу Орқатдан ўзларингга маълум бўлган юз эллик чақрим ердаги Семейнинг бойини ҳам кўриб, қўлидаги обдастасини ҳам пайқабди. Кейинчалик ўша Бўронни кулги қилиб тўқилган шеър ҳам борку,— деди-да, бир банд қизиқ шеърни айтиб берди.

Куйме тошнинг бошига Бўрон чиққан,
Қозоқдан ёлғон гапда ўзган чиққан.
Ундан сўнг Куйме тошга чиққан жон йўқ,
Осмонда га-ғувлаган қирон чиққан,—

деган гап бор эди.

Бўстон билан Энгсебой Қулжатойнинг ҳикоясидан хурсанд бўлиб, хўп кулишди. Энгсебой ҳали ҳам асқияга олиб, Қулжатойга тегажоқлик қилди-да:

— Тўбиқтидан Бўрон чиқса, «Қирқ уйликдан Қулжатой чиққан»— деб биз ҳам шеър тўқийлик. Кейингиларга афсона бўлсин. Сен ҳам мана шу бекор ётган кунларда бир чиқиб кел-чи ўшанинг тепасига!— деди, яхши кўрадиган тенгдошини сўзлатгиси келиб.

Қулжатой гапни бошқа ёққа бурди.

— Қулжатойни Куйме тошга чиқариб, мартаба топдириб нима қиласан. Тўбиқтининг Ўрозбойдек зўравон — безорисини енгдирибоқ мартаба топдирсанг-чи. Бу галги бизнинг чиқсак чиққудек, орзу қилсак қилгудек чўққимиз ўша эмасми. Эси паст, жин урган-эй,— деб қўйди.

ЭндиGINA рўпарадаги ям-яшил давонга қараб қўйиб ўтирган Бўстон ўртоқларига ҳозир пайқаган бир ишини барала айтиб:

— Иигитлар! Ҳуанави бир тўпни қаранглар-чи! Ўша томондан келади дейишган эди! Ўша беш-олти киши ҳалиги бизнинг мана шу сиёз кутиб турган одам эмасми! Қиёфасидан, кўринишидан бу ўша бўлса керак! Юинглар, ўртадаги уйларга борайлик, ўша томонга қараб кетаётирку!— деб ўрнидан тура бошлади.

Булар келаётган ғуж тикилган катта уйлар ўртача эди. Худди шу уйларда Семей ўязи Маковецкий турганди. Ёнидаги уйларга унинг билан бирга келган, саҳро бўлисларини бошқарадиган иккита қрестъянский начальник тушганди. Яна ўязнинг Сомолбек сингари тило-мочи, маҳкамама ходимлари, яна беш-олти стражниклар тушган эди. Ундан наридаги, юқорига қараб кетган уйларда, Семей областининг ўн беш-ўн олти бўлиси-

нинг одамлари бор. Пастга қараб тикилган уйларга Тўбиқтининг тўрт бўлисидан келганлар жойлашган. Юқоридаги уйларга Бўстон билан Энгсебойлар сингари Кўкен бўлисининг одамлари бор. Йигилиш, Семей ўязининг барча қозоқ бўлисларининг «Шербешнай сиёзи» деб аталади. Орқатдаги «Шербешнай» ўзининг қарорлари билан кейин кўпчилик оғзига тушган. Маковецкий бошқарган бошқача бир сиёз бўлди. Одатда бундай Шербешнай сиёзда бир неча иш кўрилар эди. Бу сиёзниг бўлса у сиёзлардан бошқача бир томони бор. Бу биттагина масалани, биттагина катта ишни кўриш учун атайин чақирилган. Бу ерда Тўбиқти билан Кўкен элининг ер жанжали кўрилади. Ўшанга алоқадор бўлган, мана шу кўкламда юз берган катта босқинчилк, катта можаро текширилади. Маковецкий Семейнинг жондороли билан келишиб, мана шу Орқатда Семей ўязига қарашли ўн олтига қозоқ бўлисининг бошини қўшиб ўтирибди.

Дов-жанжал тўрт бўлисли Тўбиқти билан бир бўлисли Кўкен эли орасида бўлганда, буларнинг бир томони даъвогар, бир томони жавобгарлар. Уртадаги битимни, ҳукмни бошқа эллар ҳал қиласди. Яна ўшаларнинг қарори, маслаҳатига қараб, энг сўнгги ҳукмни ўяз чиқаради.

Холис эллардан, Иртишнинг қуян томонидаги беш бўлисли Басентийин, Найман, Буролар келишган. Иртишнинг нарёғидаги, қарағай ичидаги қозоқ бўлиси — Белогочнинг одамлари ҳам бор. Булардан ташқари Иртишнинг сахро томонидаги, Тўбиқтидан бошқа олти-етти бўлисининг эллари келишган. Албатта, «эл» деганда, ўяз крестьян начальниклари йиғиб ўтирганлар, ҳар бўлисининг подшолик қонуни йўли билан тайинланган бийлар назарда туттилади.

Булар огулной бошига битта бийдан бўлганда, ҳар бўлисдан ўн-ўн бештадан бий бўлади. Ун олтига бўлисдан йиғилганда уларнинг сони икки юз эллик кишига боради. Ҳозир кўп уйларда ётганлар, ҳар тарафдан келган ўша бийларнинг иккитадан-учтадан қилиб жойлаштирилган тўдалари. Демак, Тўбиқти билан Кўкеннинг ишини тергов қилиб, ҳукмни ўша бийлар чиқаради.

Энди сиёзга келган даъвогар тарафлар билан жавобгарлардан бошқа шу ерда юрган одамларнинг ҳаммаси биладиган бир масала бор. Масалан: қайси та-

рафынинг тилакдоши кўп, эрталабдан кечгача ҳамма ўша ҳақда сўзлашиб, санаш билан шуғулланмоқда. Бийларнинг кўпчилиги Кўкен томонидами, Тўбиқти томонидами? Ўшани аниқлашкунг пайида. Ҳали ҳукм, қарор чиқа қолмагандан кейин, бу ҳақда ҳеч ким аниқ билмайди. Умуман, четдан қаралса, Тўбиқти зўравон, серхужум ва ўғрилари, баримтачи-босқинчилари кўп безори эл. Уни қирдаги элларнинг ҳаммаси билишади-да, Тўбиқтишинг ғаламуслари жанжалчиларидан қаттиқ нафрлатланиб, ёмон кўришади. Айниқса Кўкен, Семейтов, Белоғоч, ўрмон бўйидаги меҳнаткаш, деҳқон, ишчан эллар бениҳоя жирканиб ҳазар қилишади. У бўлислардаги беозор халқнинг оғиздан Абайнинг:

«Эл ғаламуси Тўбиқти,
Кўп муттаҳамга мўлиқди!»—

деган гаплари тушмайди. «Тўбиқтининг сирини очаман» дегувчиларга қарши ҳамиша Тўбиқтининг ўзидан чиққан яхшининг гапи «пўрт учирадиган» далил бўлади.

Бу томонидан қаралса, Тўбиқтининг тилакдошлари оз. Кўкенга кўмаклашувчилар кўп бўлса керак. Уша элларнинг майлига кўра бийларни алоҳида-алоҳида олиб қаралса, Тўбиқти томонида эллик-олтмиш бий қолади-да, бошқа юз етмиш, юз саксонга яқин бий бир томонга оғиб кетиши мумкин. Лекин шундай бўла қоладими?! Бий деганлар Абай айтганидек «отнинг саррига, түянинг ўркачига» суюна берадиган, субутсиз кишилар. Уларнинг яна бир сири бор. Қайси бўлисда бўлмасин иккита устуннинг зидлиги бўлади. Шундай экан, ҳар бўлисда икки томоннинг, икки тарафнинг бийлари бўлади. Ўшаларнинг қайси бири энди қай тарафга оғиб кетишини билиш ҳам осон эмас.

Яна бу гапларнинг ҳаммасининг тагида бийлар учун тортишаётган, қаттиқ жон талашаётган ивир-шивир гаплар жуда кўп. Тергов ҳали бошлангани йўқ, лекин Тўбиқтининг Ўрозбойи билан эллик киши бирга келган. Үндан ташқари Азимбой, Самен, Жанатой сингари бўлислари билан ўнтадан, йигирматадан бўлиб келишган сўзэмол, излагани можаро бўлган тўда бошлиқлари — амалдорлари бор. Ўшаларнинг ҳаммаси ҳам мана шу уйларга жойлашган. Барча бийлар билан улар ётган уйларнинг атрофида, пойдеворида ҳар кеча қоронғини парда қилиб, кўп гаплар, тортишувлар боради. Бу ерда

«отнинг мойи», «туяниңг ўркачи» эмас, кам деганда түя аталса, тулки билан ютилади. От оғзига олисса бошн бутун кетади. Пул, молу мулк «енг ичидә» кўп йўллар топиб юради. Буларниңг отини, асли номини айтганда «орио вижданни пуллаб» қелажак тарозига, тортишувга жон отаётган ҳолатни билдиради.

Ҳали Бўстонлар кутаётган одам, мана шундай тўданнинг ичига келади. У қелажакда бўладиган ҳукмга ўзининг асосли «қатъий гапини» айтадиган одам. Унинг гувоҳлигини талаб қилган жафо кўрган Кўкен томони. Ўшаниңг гувоҳлигини эшитишга ундан, ўшаниңг гапига қараб ўзларининг қарорини, қай томонга ён босишини белгиламоқчи бўлиб ўтирган кўп бўлисларнинг ҳали қай томонга ўтиши номаълум бўлган кўп бийлари. Буларниңг ҳузурига келадиган ўша гувоҳниңг гапи ўяз Маковецкий билан иккита крестьян начальнигига ҳам керак. Даъвогар Кўкен бўлисининг кўп приговорлар берган беҳисоб эли, фуқаролари бўлса, ўзларининг ҳар бир ариза-приговорларининг ичига шу одамниңг отини ёзишибди.

«Бизниңг сўзимиз тўғрими, Ўрозбойники тўғрими? Шунинг ҳақиқатига аниқ кўзи етадиган одам ўша, ўшани гувоҳликка тортамиш!»— дейишибди. «Сабаби — у, одам Кўкен билан Тўбиқтининг ер даъвосини аввалию охиригача, таг-туги биладиган одам!»— дейишибди.

Бу жиҳатларининг ҳаммасининг устига ўша бўлажак гувоҳ — Тўбиқтининг ўзидан чиқсан одам. Бу иш жафо чеккан Кўкен әлининг, ё мана бу гувоҳга ишонишни кўрсатади, ёки эл бўлиб, уни синашга, ҳақиқатни очишга аҳд қилганини билдиради. Тўбиқтиликлар учун ҳам бу одамниңг гувоҳлиги бўйин тўлғаб бўлмайдиган нозик масала. Ёвлашаётган душманнинг гувоҳини ўз ичингдан талаб қилса унга қандоқ қилиб, нима деб қарши бўла оласан! Бу ҳақда «мана шу гувоҳ гувоҳлик бермаса экан» деб айтишга энг аввало Ўрозбойниңг ўзининг оғзи бормайди. «Қандай бўлганда ҳам Тўбиқтининг» номусини қўлдан бормайди. Биз айтган ердан чиқади. «Ўз әлини ётларга йиқитиб бермайди» деб бир ўйлашади. Булардан ташқари яна бошқача, машъум бир фикрлари ҳам бор. Агар Тўбиқтини ёқалашиб турган ёвига йиқитиб берадиган бўлса, унда Тўбиқти әлидан ўзини ўзи бегона қилиб чиқаради. Ўққа тутиб

бергани бўлади. Хўш, мана бу гувоҳ худди шу бугун, мана шу ишга қадам қўядими, йўқми, уни ҳам кўрамиз!— дейишади.

Шундай қилиб, у одам ўзининг оғзиға тикилган кўп кўзларнинг синовчи назаригагина эмас, қадалиб турган кўп найзаларнинг ўртасига тушади. Танасига жароҳат етказмай, ор-номусга доғ туширмай ҳалоллик билан, омон ўтиши шарт. Шу сингари оғир, чигал тугунга бугунги ихтиёrsиз сафари олиб келган гувоҳ ёнидаги беш-олтита ҳамроҳи билан даставвал Сомол тиломочнинг уйига келиб тушди. Тумонатдек кўпчиликни ғалавовур қилдириб:— «Келди, келди» дедирган, ўша кўпчиликка ўзини чиндан ҳам кўп кутдирган гувоҳ — Абай эди.

Сомолбекнинг зоти қирғиз. Семей шаҳридаги бор қозоқ тиломочлари, майда чиновниклари, умуман «қора таёқ» дейиладиган тўпнинг ичидаги беозор, дуруст одам. Абай унга: «ўтирган ўрни одамни бузадиган жой бўлса-да, ўз ҳолича ўзини дуруст олиб юради» деб ҳисоблайди. Унинг уйига тушишининг сабаби, Абай аввало, ўзини мана шу сиёзга айтдириб келган ҳокимларнинг нима дейишини билмоқчи эди. Тўбиқти билан Үоқининг икки тарафлаб, устма-уст келишиб, шу ҳақда сўзлашувчи кишилари билан учрашишдан Абай тортиниб келди. Аввало ўзининг сўзи «кимга керак?», «нега керак» яна «салмоғи қанчалик бўладиган жиҳати бор?» Шуларни билиб олмай туриб, олишаётган ҳар икки тарафнинг бирорта кишинин кўриш бунга кераксиздек, лозим эмасдек туюлганди.

Сомолбек табиатан кам гаплиги, камтарлигига бориб, Абайга очилиб кўп гапларни айтмади. У «билганим фақат шу» деб айтган гапи: «олишаётган ҳар икки тараф ҳам Абайнинг гувоҳлигини талаб қилаётир. Уяз билан крестьянский начальниклар ўша икки тарафнинг аризасига биноан, Абайнинг сўзини эшитиш зарур дейишибди. Бироқ, уларнинг ичларидағи асли мақсадлари нима экаплигини Сомолбек билмайди. Унинг фикрича, қандай қилиш кераклигини Абайнинг ўзи билса керак. Яна ўша ўзига муносиб кўринган одатдаги йўли билан гувоҳлик бериш Абайга лойиқ бўлар!»— деб, маслаҳатомуз қилиб гапирди.

Гувоҳлик бугун эшитилмайди. Эртага қолдирилди. Тушга яқин Абай Сомолбекнинг уйидан чиқиши билан,

ўйлаганидек, атрофини қуршаб, ёлғиз сўзлашишни ўтинаётган кишилар, қадам босган сайин орта берди. Шунинг билан бугунги ярим кунни ва ўша куни кечқурун, ярим кечагача бўлган вақтини Абай кўп кишилар билан ёлғиз-ёлғиз сўзлашишга берди.

Тўбиқти билан Уоқнинг амалдорлар тўдасидан фатт битта-биттадангина киши билан сўзлашди. Ушалардан кейин Абайга кўп илтимос қилаётган одамлар, кўкламдаги жанжалда қазо кўрган, жафо чеккан, ҳатто ўшандан кейин, шўри аримай қўйган одамлар экан. Буларнинг бир хиллари — Бўстон, Қулжатой, Энгсебойлар сингари, Кўкен томонидан ўша ҳужумда калтак еб, майиб бўлиб қолган одамлар. Тўбиқтининг ҳам ҳар уруғи отлантириб юборган, юзга яқин кишининг ҳозир ўнтача одами шу Бўстонларга ўхшаб, ўзларининг кулфатларини арз қилишди. Буларнинг орасида қовурғаси синган, қўли синган, юз-кўзи оғир ярадор бўлиб ёки кўзи чиққан майиб-мертиклари келишганди. Булардан ташқари ўзлари йўқ бўлганлари учун ўша жангда асир тушиб қолган, ўн уч одамнинг ёлғиз кекса онаси, алжишга етиб қолган қари отаси, оч-яланғоч бўлиб қолган хотини ёки етимсираб, кунини кўра олмай, хайр тилай бошлаган ёш болалари келиб Абайга ҳол-аҳволларини айтишди.

Бугун ярим кечагача овқат ичмай, йўлдан келиб дам ҳам олмай, бирор уйга ҳам кирмай, қоронғи даладаги кўп уйларнинг орқасида ёлғиз ўзи қимирламай ўтириб, Абай кўкламдаги ғалаённинг бетинчлигини бошдан кечирган, азобини чеккан нуқул камбағал, қашшоқлар, шўрлик-бечораларнинг ҳол-аҳволларига қулоқ солиб чиқди.

Эртасига Абайдан олдин гувоҳликка яна бирор киши ўтади-да, тушга яқин бориб ўяз билан гала-гала бийларнинг мажлиси Сомолбекнинг уйидаги Абайнин чақиртирди.

Ҳозир Абай ўязнинг саккиз қанот уйига қараб кетаётганда кечаги Бўстонлар сингари ташқарида юрган барча халқ тепалик бошидан, узоқ-узоқдаги уйлардан, булоқларнинг бошидан, тол, теракларнинг орасидан қарашганларича чиқиб, ёпирилиб кела бошлашди. Абай остононадан ҳатлаб ўяз билан бийлар ўтирган катта уйга кирганида, ўша уйни неча юздан ошиқ қора халқ қуршаб келиб, босиб кетди. Абай билан кетма-кет кира

оошлаган тұплар ҳам бор эди. Стражниклар, чопарлар Абай билан биргалашып кираётганларни тұхтатолмай қолишиди.

Энди Абай уйдаги улуғлар билан қозоқларнинг ҳар тарафдан келган, ҳар хил нусхада кийим кийган ҳоқымлари билан саломлашаётган эди. Лекин шу чөрүйга тұхтовсиз тиқилиб келаётганларнинг ўпир-тұпирі билан ғовур-ғувуридан сұрашаётганларнинг товуші ҳам эшитилмай қолди. Абай ўтиргудек жой ҳам қолмайдиган күринади.

Икки томон бұсағадан түргача чордона қуришиб сиқилишиб ўтирган, күкракларига нишонлар тақишиган бўлислар билан бийлар бирдан ўязга қарашиди. Ўяз ёнидаги Сомолбек билан начальникларга бир-икки оғиз сўзлади-да, ўрнидан ирғиб туриб, бир фикр айтди. Соғолбек унинг гапини кўлчиликка етказганида, йиғилиш бошқа жойда ўтказиладиган бўлди.

«Бўз уйга сиғишимайдиган бўлганлиги учун ҳозирги йиғилиш ташқаридан бўлади. Ҳамма қайтадан эшикка чиқиши керак»— деди. Ўязнинг ўзи навкарларини эргаштириб, эшик томонга қўзғалди. Шунинг билан сиёзнинг бошланиши бир соатча тұхталиб қолди.

Иессиқ куннинг соясиз ўтига чидаш ҳам осон эмас. Шунинг учун бўлислар ўязга хушомадгүйликни ошириб, яқинроқ тикилган беш-олти уйнинг ўртасига намат, гилемлар солишиди. Тепасига катта каноп чодир тўсиб соябон қилишиди. Уйдаги стол, стулларни ҳам шу ерга олиб чиқишиди. Сайҳон жой, кўп бийлардан неча бор кўп бўлган ҳалқа лиқ тўлди. Ўтиришга жой қолмаганлар типпатик туришиди. Уй уйларнинг орасига сиқилишиб, баъзи уйларнинг ичига кириб олиб эшигидан қарашаётган одамлар тирбанд бўлди.

Абайнинг гувоҳлик бериши бошланадиган пайг келди. Эпди тумонатдек ҳалқнинг хаёли ҳам, кўзи ҳам Абайнинг ўзидалигини, яхши умид билан ишонганини Абай аниқ билиб турибди.

Қозоқ йўл-йўриғи билан ўтказиладиган кўп йиғилишларда сўзлашга ёшлигидан одатланган Абай бу йиғиндан ҳам тортиниб турмади. Лекин умрида худди шу гал қаттиқ ҳаяжонга тушиб, қийналадиганга ўхшаб турибди. Сиртдан, атрофдагилардан, кўпчиликдан ўнғайсизланиб, ҳаяжонга тушадиган эмас. Одатда гувоҳлик бериш осон-да, бий бўлиш қийин. Бундан аввалги бирқан-

а йиғилишлар Абайга бугунгидан бир неча ҳисса оғир іўлса керак эди. Унда бу ўнгми, тескарими ҳукм чиқа-иб, чигал тугунни ечар эди. Ақли, обрўйи, номи, бориғи билан жавобгар бўлар эди. Лекин ўшандай пайтаришларниг ўзида ҳам Абай худди ҳозиргидек сиқилган имасди.

Ҳаёт юксалишини анчагина босиб чиқиб Абай, энди этрофга кўз ташлаб, ўтган билан кетганга, бугун билан селажакка ўз кўксидаги билганларини, чинини айтмоқти. Бу йигилганларга айтадиган эъдиги сўзига Абай юшқача, ўзгача бир аҳд билан келган. Узининг тушунласига кўра ҳозирги Абай анави ўтирган, хўмрайиб қараётган, ягона кўзли Ўрозбой ҳузурида тургани йўқ. Икки юз эллик нишон бўйниларида осилиб турган, орномуси ҳам, одамгарчилиги ҳам савдо қилина берадиган қанча-қанча бийлар ҳузурида ҳам тургани йўқ. Ко-па берса, Абайнинг сўзларини хатга тушириб олай деб ўтирган улуғлар ҳузурида ҳам тургани йўқ. Абай ҳозир ўзини ўз замони билан юзма-юз келиб турган одамдек ҳис этади. Бир ҳисобдан ота билан бола бўлиб сўзлашмоқчи. Яна бир жиҳатдан ўзи ота бўлиб, бола бўғин билан юзларини очишиб, ҳақиқатга етишмоқчи.

Ҳар икки жиҳатнинг икковига ҳам ори, вижданни ун-даганини арқоқ қилмоқчи. Нима ҳақда сўзлашини ўй-лаб олмаса-да, нимани ҳис эшитини англаб олган эди. Узига тал келганда Абай ўрнидан турди-да, қора тўри юзи оқаринқираб, бошидаги тумоғини олди. Икки қўлини ўша тумоғига қўша орқасига қовишириб туриб, сўзлаб кетди.

— Қардошлар, бир дуон элни чўғдек йиғдирган бе-ҳаловат иш юзасидан мени гувоҳликка тортибсизлар. Мен ўша гувоҳликни бергани келдим. Ҳукм чиқарадиган мен эмасман. Мансаб эгаси бўлган кўп одам шу ерда бош қўшибсизлар. Одам мансаб билан фазилат топмайди. Мансаб одам билан фазилат топади. Адолат йўл топсин, юксалсин дейман. Нақадар аччиқ бўлса-да, аллакимларга малол келса-да, халқ жароҳатини даволайдиган дори фақат —adolat бўлади. Дори аччиқ бўлса-да дардни даволайди. Сизлар шуни ўйларсиз деб ишонаман-да, ўзимга ҳам ўшани арқоқ қиласман. Қўлимдан келса, ақли-фаросатим етса, ўз кўнглимга оқ кўринаётганadolatни айтгим келади. Тўғри, бу иш енгил мас. Негаки, баъзибир кўкси тўла ғаразлилар бор.

Улар қасдлик, зўрлик ҳарамзода ҳисобидан бошқани ўйлаб кўрган эмас, зеҳн солиб боқсан эмас. Қозоқларда «игна билан қудуқ қазиш қийин» деган мақол борку, менга қолса ўша «игна билан қудуқ қазиш» баъзи диллардан ғаразни қувишдан осонроқми дейман! Мана шу айтганларим мен берадиган гувоҳликнинг яна бир арқоғи билан суюнчиқлари!— деди.

Абай мана бу ўтирганларнинг ҳаммаси жуда нотиқ дейдиган, ўз ҳолича ақл-фаросат дейдиган жиҳатларининг ҳаммасидан юқорилаб бориб, устун чиқди. Одамгарчилик, ор-номус тарозисини айтиб, бўлиб қўйгандек бўлди.

Уни англаган киши оз бўлгани билан «Абай бир улуғ гапни кўзлаб турибди-ку!», «Абайлигини сездириб, юқорилиб, юскалиб кетаётир-ку»— деган гапларни англаган кишилар ҳам борга ўхшайди.

Ёпирилиб Абайнинг сўзларини эшиштаётган нуқул юпун кийимли, Уоқ, Жотоқларнинг ичидаги Дармен ўтирган эди. Атрофла танглай қоқишиб, тамшаниб, у ер-бу ердан тилякдошлиқ, дўстона кўнгил билан айтиштаётган сўзларни Дармен тез-тез эшишиб турди.

— Вой айланай-я!

— Оғзингдан айланай, лабзингдан садаға, ҳамиша йўлинг бўлсин!

— Адолатни сен айтмасанг ким айтади, кутдим йўлингдан яхшиликни!— деган гапларни эшиштганда, Дарменнинг ўзи ҳам Абайга четдан туриб, бошқа кишининг кўзи билан томоша қилиб қараб қолди. Ёзиб юрган одилона гаплари, шеърлари, ўгутлари, маслаҳатларидан Абайнинг қандай одам эканлигини Дармен жуда яъши биларди. Лекин ҳаётда, чин воқеликда, кундаги атрофини қуршаб юрганлар ичидаги, кўп Қўононбойларнинг ўсиб-унган жойида турибди.

«Ҳақиқий ота номуси кўндаланг бўла қолса, мана шу Абай ҳатлаб ўтадими, ё ўтмайдими? Ўша пайтни бир кўрсам эди-да!» деган хаёл Дарменнинг Абайга бўлган дўстона кўнглиниң бир бурчагидан сира нари кетмай, унутилмай ёта берарди. Худди мана шу чоғ Абайнинг ўша Дармен ўйлаган синов ўткалиниң «тор эшик, тош бўсағасининг» ўзига олиб келди. «Қандай қиласар экансан, қандай ўтар экансан, Абай оға!» деб Дармен жони-дили билан берилиб, дамини ичига олиб эшиштаётир. Абай писиб ўтирган бийлар томонидан тиқ

этган товуш, қимир этган ҳаракат күрмаса-да, ўзининг эрқа томонини олиб, тирбанд турган халқ ичида танглай қоқиб турғанлар борлигини пайқаб турғанди.

Ҳалиги бошланғич гапни алоҳидалаб бўлиб қўйиб, энди бир вақт Абай мана шу йиғилғанлар ўзидан тилаётган гувоҳлик бериш томонига кўчди. Шу ерда Тўбиқтининг Урозбойигина эмас, айниқса ўзининг бир отадан тарқалган қариндошлари, урони бир жигарлари ҳам рангги ўчиб, сесканиб нафас оладиган гапларга кўчди.

— Тўбиқтининг мана шу кўкламда Кўкен элига ҳужум қилганини мендан сўрашнинг ҳожати йўқ. Уни ёлғон дейдиган одам йўқ. Нега ҳужум қилди? Нима учун Кўкен эли Тўбиқтини ўзига босқинчилик қилдирадиган қаршиликка борди? Шундан келайлик! — деб олиб, Абай энди бүгун эмас, анча илгари бўлган ишларга тўхтади.

— Мен Тўбиқтининг ўғлимани. Ҳеч кимга сотилган эмасман. Шунинг учун Тўбиқтининг ножӯя ишини айтаман, тентагини, зўравонлигини, ғаламуслигини айтаман. Бу Тўбиқтининг кўпчилик халқини қоралаганим эмас, аксинча, бегуноҳ кўпчилигини оқлайман деб айтаман ўшани. Беҳисоб ювош, бегуноҳ кўпчилигини олиб бориб, ҳаромликка итариб юбориб, ҳароб қилган Тўбиқтининг озчиликни ташкил қилган оғзинларини айтаман. Кўпчилик халқни озчилик ҳарамзодалардан, зўрлик қилувчилардан, безорилардан ўша Кўкеннинг кўп элининг кўз олдидаги оқлаб оламан деб айтаман. Кимни айтаман? Зўравон, безори, хиёнаткор, ғалаённинг бош омиллари бўлган тўбиқтиликларни айтаман-да. Адолат шуни талаб этаркан, отангни бўлса-да, айини айт. Энг аввал айбдор деб мен кечаги ўтган ўз отам, Қўйонбойни айтаман! — деб баланд овоз билан ғоят оғир бир ҳақиқатни очиб айтиб юборганида, ўзининг шу чоққача сиқилиб турган нафаси енгиллашиб, эркин нафас олаётгандек бўлди. Шунинг эвазига рўпарасида ўтирган Урозбойдан бошлаб, атрофда, ҳар ерда тўда-тўда бўлиб ўтирган тўбиқтиликлар «дув» силкингандек бўлишиди.

«Астоъфурулло!» дейишиб, «алжиди», «алжиди» деган гаплар ҳар ердан зувиллаб эшитилди. Абайнин ёзғираётган товуш ва кайфиятлар пайқалди.

Шундан кейин Абай эллик-олтмиш йил мобайнида ювош эл, меҳнат аҳли бўлган — Уоқларнинг қанча-қан-

ча құнисларининг бошлиғи Құнонбой бўлиб, кўп тўбиқ-тиликлар тортиб олиб юрганини айтди.

Уз отаси Құнонбой Уоқлардан тортиб олган Жимба, Орқалиқ, Қушикбайни батамом «шубҳасиз Уоқ ери» деб кесиб берди. Кеча Үрозбойлар олдирмайман деб, землямерга ўлчамтамайман деб тўс-тўполон кўтаришган Оқжол, Тўреқудуқ, Қорақудуқ, Ұболи, Қўғоли деган құнисларнинг ҳаммаси Қўкен элининг қайси овудининг, қайси авлодининг макони эканлигини Абай янглишмасдан санаб берди. Эллик йилдан буён тортиб олиб еб, бостириб бориб қўниб, бостириб бориб яйлаб, зўрлиги-ни ўtkазиб олган тўбиқтиликлар бугун Қўкен эли ўсиб, кўпайиб, меҳнат қилгудек жойини қайта сўраса, уни қоралайди, гуноҳкор қиласи. Қолаберса қириб янчади, жазолаб ярадор қиласи.

Шу жиҳатларининг ҳаммасини ҳам нотиқлик, ҳам газабли товуш билан ўртанганича ўринлатиб айтиб ўтаркан, тўбиқтиликларнинг кўпчилиги Абайнинг юзига тик қараёлмай қолди. Абайнинг кўзига кўзи тушиб қолганлари ҳайиқиб, тортина берди. Бу ерда ҳокимлар билан бийларга керак бўлган маълумотларнинг ҳаммасини бериб бўлиб, Абай гапининг иккинчи қисмida кўклидаги ҳужумга кўчди. Шу ҳужумни қилганлар, бу-гунги куннинг Құнонбойлари. Ӯшалар Қўкен элинигина бор қақшатиб, ўртаб ўтиргани йўқ!— деган гапга кўчди. Энди ўша босқинчиликда майиб бўлган, азоб чеккан қанча-қанча қашшоқ йилқичи, чўпон, тую боқувчи, не-не увадага ўралган камбағалларнинг «сўйилчилар» деган ном билан аталиб, Үрозбойнинг ўтида куйиб, чекаётган оҳу зорларини айта бошлади.

Бу ҳақда ҳам Абай қаттиқ жўш уриб, ранги оқариб, кўзлари хиёл қон талашиб, нафаси бўғилиб, ҳаяжон ичиди сўзлади. Чиндан ҳам қийналаетир, ҳамияти жабрланиб қийналаетир. Шу кайфиятлар йиғилиб, тутоқтириб сўзлаётир.

— Мен гувоҳликка чақирилган куни келмай, кечикиб келдим. Сабаби, ўша худой урган босқинчиликда майиб бўлган одамларнинг хонадонларини, ўзларининг ҳол-аҳволларини билиб кетай деб кечикдим. Кеча келганимдан буён кун бўйи ва тун бўйи Қўкенларнинг ҳам, тўбиқтиликларнинг ҳам кўп кишилгрининг арзи-додини эшитиб, кўз ёшларини кўриш билан бўлдим. Үрозбой отлантириб олиб борган лашкарлардан ўн уч киши

Қўкен элиниң қўлида ҳали ҳам тутқун бўлиб, қўл-оёғи-
а кишак урилиб ётиби. Қайтиб келишгани йўқ. Мана
шу йигилишга ўша машъум кечада майиб-яримта бўлиб
қолганликларини кўрсатгани, кечагина нордек юрган,
ир-азамат бўлган мана бу Бўстон, анави Қулжатой,
Энгсебойлар келиб ўтиришибди. Биттасининг қўли ~~ин-~~
ан, биттасининг тишидан битта қолмаган, биттасининг
совурғаси синган. Буларнинг бирортаси бой ҳам эмас,
зор ҳам эмас. Ҳаммаси ҳам қаширга тирноғи йўқ кам-
багал деҳқон, меҳнаткаш одамлар эди. Эшитиб, билиб
ўтирибман. Юрагинг увишади. Шуларнинг ҳар бири
боқиб турган қип-қизил гўшт ёш болалари, атрофида
қўлларига қараган етим-есирлари, қари-қартанг, оқсоқ-
тўқсоқлари бор экан. Худди мана шу уч йигитнинг қўл-
парига қараб, бугун оладиган озиғидан айрилиб, очлик-
дан тўлғаниб ўтирганлар йигирма тўрт жон экан! — деб
Абай аввало ўртанган, увишган юрак билан Кўкен та-
рафидан ўша ғалаёнда жазо кўриб, жафо чекаётгани
талай хонадонларнинг, талай йигитларнинг оталарини,
оналарини номма-ном айтиб чиқди.

Шундан кейин ҳали даставвал ўзи айтган ўн уч ки-
ши — Тўбиқти асиirlари ҳақида гапирди. Буларнинг
бештаси йилқичи, олтитаси чўпон, иккитаси отбоқар,
нуқул хизматкор-молбоқарлар экан. Иккитаси Ўрозбой-
нинг малайи, биттаси Азимбойники, учтаси Жонотой
бўлисники, яна бир нечтаси Жиренше, Обрали сингари
бойларнинг эшигига юрган ҳақсиз, кунини зўрга кўра-
диган хизматкорлар экан. Абай ўшаларнинг ҳаммасини
суриштириб кўрса, шу кунларда уларнинг уй ичлари
тентираб, хайрчилик қилаётгандари ҳам бор экан. Ота-
оналари, ёш болалари «ўлди» дейишиб, ҳар кун йигла-
шиб, зор қақшаб ўтиришган экан. Ўша молбоқарларнинг
хонадонларидағи бор одамлари шу кунларда ҳор-
лик, очликка учраб, хилқа-хилқа увадага ўралиб қолган
екан.

Шу жиҳатларини ва ҳар кишининг номини, шу кун-
ларда турадиган жойини, отасини, рафиқасини адаш-
май-янглишмай айтиб ўтиб, Абай Сомолбек тилмочга
алоҳида илтимос қилди. Ўзи айтган барча камбагал-
қашшоқларнинг отларини аниқлаб, хатга туширтириб
турди.

Ана энди ўшаларни олиб бориб хонавайрон қилган
Ўрозбой, Азимбой, Жиренше, Самен бўлис, Жонотой

бўлисларнинг бир туки хато бўлмай, боягидек кетишидаборишид!— деди. Яна бир вақт Абай тутқунда қолган ўн уч кишидан бошқа, элга қайтиб келган бўлса-да, қўл-оёғи, бош-кўзи майиб бўлиб қолган яна ўнтадан ошиқ сўйилчиларнинг ҳолини айтиб ўтди.

Шунга келиб тақалганда Абайнинг гувоҳлиги, бой-боёнларнинг хўрлигига келаётган, ҳуқуқдан маҳрум кўпчиликнинг кўп замонлардан буёнги ҳиссасини ўйқлаётган гапга айланди. Бу гаплар гувоҳликдан ошиб, ҳукмга айлана бошлади. Кўзи ёшликларнинг аҳволини ҳалқقا етадиган тил билан тасвирлаётган Абайнинг сўзлари, келиширадиган сўз эмас, айблайдиган сўз бўлиб бораётир. Шуни аниқ англаган, тўбиқтиликларнинг Жўкен деган гуруҳининг ўртасида ўтирган ёшроқ, ғаламус бўлис Самен бадиллаб, ёнида ўтирганларга Абайнин айблаб гапирди.

— Сойда сони, қумда изи йўқ аллакимлар учун шунчалик ўртаниб ётгани нимаси-я, бу Абайнинг? «Бўёқчи, бўёқчи» деса соқолигача бўяётир-ку жуда!— деб, лабини тишлаб қаттиқ ғазабланди.

Шунга яраша, худди шу пайтда, ўзи ўтирган тўпнинг орасида Дармен товушини барала қўйиб:

— Аттанг, Абай оға, қадрингга етадиган ҳалқинг озда, қандоқ қилай! Ҳозир кўзим етди-ку! «Отанинг ўғли бўлма, одамнинг ўғли бўл!» деб насиҳат қиласр эдинг. Шунчаки қиласидиган ўғитинг эмас, ҳазинангдаги аслинг, ҳақиқатинг, чин имонинг экан-ку! Садағанг кетай азизжон, ноёб оға!— деб юборди.

Абай учун ҳам шодланиб, ҳам беғубор кўнгил билан фахрланди. Оқини қизил тарамлар босган, катта-катта, нурли кўзлари шу онда мўлтиллаган ёшга ҳам тўлиб кетди. Ёнида ўтирган кўкенлик йигит, Қулжабой ҳам Дарменнинг гапидан хурсанд бўлиб, тиззасига уриб қўйиб:

— Лавзинг бунча яхши-а! Үзинг ҳам азамат экансан-ку, ундоқ бўлса. Тўбиқтиликлар у ёқда турсин, ҳатто боболаридан тортиб, кеча ўтган ўз отасини ҳам аямай, тўғрини айтишга яради-ку! «Ҳалқ ўғли», «ҳалқ азамати» деган шу-да. Ҳақиқий яхшини кўрганим ҳам шу, оқ йўл бўлсин азизимга!— деб дам Дарменга, дам атрофдаги Бўстон, Энгсебойларга ҳам гапини маъқуллатиб, жони-дили билан сўзлади.

Абай босқинчиликдан бошлари безорилар балосига

қолган, камбағал-қашшоқларнинг ҳол-аҳволларини батамом айтиб бўлди. Энди кўп ўйларидан туғилган бир қарори бор эди, ўшани айта бошлади.

— Хўш, мана шу бугун шўри қуриб қолган йилқичи, чўпон, молбоқар, хизматкорлар ўша Кўкендан тортиб олинадиган ерларга шу қадар орзуманда эдими?! Уларнинг ер юзига сиёдиролмаётган моли, ўша Кўкеннинг ерини тортиб олмаса, ютаб қолар эдими? Ўша қашшоқлар ўзининг қурум босган чайласи, чурик-чурин кўҳна кулбаларини тиккудек жой тополмай қолишган эдими? Уларга ўша Жимбо, Оқжол, Қорақудуқлар қора чақага керак эдими? Йўқ, керак эмас эди. Уларни «отганда ўқ, чопганде қилич»— деб баъзан «сўйилчи» деб олиб бориб хонавайрон қилгаи эл бузарларга жазо бериладими, йўқми? Бу илгарилар аталмаган даъво, айтилмаган ҳаёт ҳукми. Мен бугун шундай кишиларни шу йўсин шўрини қайнатувчи Ўрозбой, Азимбойларга алоҳида бир жазо берилсан! Ўшаларга худди мана шу шўри қуриган одамлар учун ўзга жиноятлардан бошқача ҳукм чиқарилсин дер эдим!— деди. Бу гапларини ҳам улуғнинг қозозига битта қолдирмай ёзилишини таъкидлаб, аниқлаб айтди.

Шундан кейин гувоҳлик беришга хотима бераркан, «буғун ери камайиб кетган, ўзлари ер кўкрагини эмиб, ҳалол меҳнатга берилган Кўкен элининг ер даъвоси, дов-жанжалсиз ўша элнинг фойдасига ҳал қилинсан» деб Абай ўз қарорини айтди. Гапини яна Тўбиқтининг зўрлиги устига кўчириб, энди бир қанча бийларига керакли бўлган далилларни кўрсатиб, гувоҳлигига хотима бермоқчи бўлди.

— Мен бошда айтдим-ку. Уоқларнинг ерини тортиб олиш Қўнонбой замонидан бошланган деб. Энди, ўша ҳозир жанжал бўлаётган ерларнинг қайси йилларда Тўбиқтининг қайси устуни тортиб олган ерлар эканлигини айтай. Менинг отам Қўнонбой Жимбони, Орқаликни, Кунакбойни босиб олиб, қўнис қилиб, кўклам пайтида даставвал қўна бошлаганида менинг ёшим ўн бирда эди. Билденинг қуий томонидаги Оқжолни Уоқдан тортиб олиб, бостириб бориб қўниб, Шўқа қўнис қилиб ола бошлаганда, мана бу ўтирган ўша Шўқанинг ўғли, бугунги минг йилқининг эгаси — Жиренше, ўн олти ёшда эди. Ана у Обрали ўн бир ёшда, Ўболи, Қўғолига ўз отасининг зўрлик билан қўндирган овулининг уйлари

тикилганини кўрган. Қорақудуқ, Тўреқудуққа, Ўрозбойнинг отаси Оққули зўрлик билан бостириб қўна бошлагандан, мана бу Ўрозбой ўн беш ёшда эди. Мана кимлар қилган зўрлик, қачонлардан буён бошланган зўрлик эканлигини билмоқчи бўлсаларингиз, билдирагним шу! Шуни эшитиб, билиб туриб, эли эгардек чопилган, азамати қон тўкиб ҳориган Кўкен эли, «ўз ерини қайтариб олиши нотўғри» десаларинг, шу ўтирган беҳисоб бийлар, сенлар ҳам худодан топарсанлар. Мен бўлдим!— деб галини тамом қилиб, Абай Сомолбек таклиф қилган столга ўтирди. Ялангқават кенг чопонининг чўнтағидан олган катта оқ рўмомчаси билан кенг, оппоқ пешонасининг терини артди.

Абайнинг гувоҳлиги, шу Шербешнайга келганларнинг ҳаммаси тикилган тугун эди. Ўзини тўбиқтиликтан демасдан, ёлғон номус сақлаган бўлмай, кўксига сиққалича оқлиги,adolati билан ҳал қилиб берди. Кейинги ҳукм ҳам мана шу гувоҳликдан ҳатлаб ўта олмади. Ниҳоят, Орқатдаги Шербешнайдаги Тўбиқтининг Ўрозбой бошлиқ бор устунларининг бўйни остида қолиб йиқилди.

Шербешнайнинг ҳукмига кўра, кўкламда Серке ўтказмоқчи бўлган землемернинг тақсимоти худди ўшанда аталганидек олиб бориладиган бўлди. Ўрозбой, Азимбой, Жиреншелар кўкламда ҳужум қилиб, икки эл ўртасида ғалаёни қўтаришгани учун айбдор деб топилди. Кўкен элига Тўбиқтининг ўн бешлаб устунлари түя бошлиқ тўққиз-тўққиздан жарима тўлайдиган бўлди.

Шербешнайга йигилган тўбиқтиликлардан ҳам, қўшни Сибон, Керей, Уоқ, Буро, Мотойлар кўп эди. Атрофдаги шу элларга зўравон-безориликда номи чиққан тўбиқтиликларнинг ҳозир енгилганига кўпчилик ҳалқ бениҳоя хурсанд бўлди. Шу йифинда бир чечанинг оғзидан чиққан бир ҳазил гап ҳам бир зумда кўпчиликнинг оғзига тушиб кетди.

— Энди Тўбиқти — Арғин эмас, Уоқ — Арғин бўлди. Арғин — ҳар ким бўлди!— дейишиб кулги қила бошлашди.

Ўрозбой билан Самен сиёзда, ўзлари енгилган ҳукмни эшитиб, Абайнинг ёнидан қиялаб ўтаётуб, уни айблаб бир гап гапирмоқчи бўлишди. Ўрозбой Абайга ўқрайганича қараб, хиёл тўхтаб ўша галини айтди.

— Абай, қаерга етарсан, қанчага борарсан, билмай

ман, ҳарқалай бир фалокатга қараб кетаётисан! Үшанинига эсингга солаётисман!— деди.

Абай унга кулиб, әрмак қилиб жавоб берди.

— Ҳой, Үрозбой, сенинг ўзинг ҳам йўғон, сўзинг ҳам йўғон, сўйилинг ҳам йўғон. Бироқ сен шўрлик, ўша йўғонларингни қандай ишлатишни билмайсан-да!— деб, атрофдагиларни кулдириб кесатди.

Абай бу орада ўзига қаратилган эндиги қасдликнинг ғашига тегиб, тутоқтириб олтанини билмай қолди. Бу унинг шошилиб айтган, шунчаки гапи эди.

Үрозбой Абайга қўшилиб кулган кўпчиликнинг товушини эшишиб, ичидан қандайдир аҳд қилганича кета берди. Самен ёшроқ, қаттиқ ғазаб бўғиб юрган Үрозбойнинг ҳақиқий қонли кўйлак, қора чўқмор жуфти эди. У ўзининг ғазабини Абайга ўз оғзи билан айтиб қолмоқчи бўлди. Үрозбойдан кейин қолиб, Абайга тикка қараб:

— Абай мирза, армонингиз шу бўлса, етдингиз-ку! Тўбиқтининг бор яхшиларини ерга қаратдингиз-ку!— деди.

Абай унга бақрайиб қаради. Саменнинг ўзига маълум бўлган машъум ишлари, зўрликларини хотирлаб, зардаси қайнаб кетди.

— «Яхши...», барча яхшими... ўша «яхши» сенмисан? Яхшиликдан садага кет! Бийликни сенга ким қўйди?

— Биламан, сиз бўлсангиз мени сайламас эдингиз, бироқ эл сайлаган.

— Сени эл эмас, молинг, поранг сайлаган.

— Уни ҳам менга кўп кўтар экансиз-да?

— Бетайнга теккан бўлислик ҳам, хор бўлган бўлислик.

— Хўп бўлади, олишиб кўрармиз. Таинликми, бетайнми эртага бўладиган сайлов кўрсатар! Фақат ўша ерда дуч келиб кўринг!— деди.

Бурнининг учига чип-чип тер чиқиб кетди. Юзидағи бир оз чўтири ҳозир ола тангаланиб, гезариб кетган сап-сариқ Самен, ғазабига чидолмай қалтираб кетди. Абайнинг эндиги гапига қулоқ ҳам солмай, қайрилиб кета берди.

Үрозбой билан Самен кўлчилик ичидан чиқиб, холи қолганларида гезаришиб, қаттиқ хўрланиб, кучли кек сақлаганларича ғазаб билан сирлашиши. Сўнгги пайт-

да бу икковидан нарироқда ўтирган Эсентой ҳам энди келиб, қаторга кирди. Фақат ияк тиришиб «ёнингдаман, биргаман, қандай ёмонликка бўлса-да, шерикман» дегандек ишора қилгани бўлмаса, Эсентой бу чоқда гап қотмади, ҳозир қотмоқчи ҳам эмас. Урозбойнинг ранги ўчиб, ягона кўзлари тешиб кетгудек қараб, Самен билан холи турганларини англаб олди-да, бошқа кишига айтмайдиган бир гапни бошлаб қолди.

— Айтган эдим-а, ёвнинг каттаси йироқда эмас, қошингда! У — мана шу Иброй деб!..

Ҳали ҳам нафасини ростлаб ололмаган, ғазаби бўғизига тиқилиб турган Самен гапни илиб кетди.

— Ёвлигига шубҳа йўқ! Тўбиқтининг яхшиларини ер билан битта қилишда, ўшаларнинг ичидаги айниқса сиз билан мени ер билан яксон қилишда сира аямас экан деб қўйдим!

Урозбой тутоқиб, ғижиниб туриб, Абай айтган бир гапни масхара қилиб қайтарди.

«Сўйилинг йўғон, урап ерингни билмайсан!» деди-ку.

— Шуни айтаман-а, шу айтган, урадиган жойи ёдинида борми, Урозака! Тунов кунги қозоқ хон-тўра Азимқои икковимизга айтган эди-ку? — деб ўқталиб, Самен ҳозир чавақлашиб, ёқалашиб олишадигаи бўлди. Урозбой Саменning елкасидан ушлаб, маъқуллаб силкитиб қўйди.

— Баракалла! Яхши эсимга солдинг! Ахир қўлимга сиртмоқ ушлатиб кетган эди-ку, ниятингга еткур ўшатўра! Айтган эдим-ку «эндиги қозоқларнинг йўлбошчиси ўша» деб! Мен ўшангага бошлатаман-да, қувватлайман. Фақатгина... — деб Урозбой бармоғини тишлаб, ягона кўзи ерга боқиб, ўкишиб бошини чайқади. — Аттанг, пайти келган бир жой шу эди! Ҳали ўша Иброй хўрлаб сўзлаётган чоғ эди! Ҳозирлик кўрмай ғафлатда қолибман-ку! Панд еб қолганимни қара-я! — деб юборди.

Шунда Самен яқинда яна келадиган бир хонасини Урозбойнинг эсига солди. У Урозбойнинг энди қандай аҳд қилганини билиб турганди. Ўзи ўтга тушгандек ўртаниб турган безори, энди фақат Урозбой шу аҳдидан қайтмаса экан деб тилайди.

— Ўкинма, Урозака, ниятинг ният бўлсин, пайт қўлдан берилгани йўқ... Ҳали вақт ўтгани йўқ...

— Яна қандай пайти бор?

— Пайти, бўлажак сайлов. Эшитдингиз-ку, ҳали эълон қилди. Ўяз билан иккита начальник шу чиққанича шаҳарга қайтмай, саҳро бўлисларига сайлов ўтказиб, қайтадиган бўлди. Үн беш кунча Қизилмўло, Ингирекей, Қондиғатос бўлисларининг сайловини ўтказади, йигирма кунларда бизнинг Тўбиқтига келади. Менга числонинг ўн беши билан йигирмасининг орасида яйловда «уй тиктириб, бўлисларни сайловга ҳозирла!»— деди-ку. Айни пайти деган шу эмасми?— деди.

— Унга ким келади, борадими Иброй?

— Боради! Фақат мени қайтадан бўлис сайлайман деб Мирза-Жўкен сўз бириттирисин. Абай ҳали тумонатдек одамнинг ичидаги мени қопиб гапирган гапига қарангандо, қадами етса, мени қайтадан бўлис сайлатадиган эмас. Қўлидан келса, мана бу ўяз билан тиломочларга борини бериб, мени ўриндан туширишга уринадиган кўринади. Хўш, энди ўша ердан можаро чиқмай, нима чиқади?— деб бориб, Самен Абайнинг нима учун унга қаттиқ жаҳли чиққанини айтиб берди.

Қўнғир-Кўкше деган элнинг ўтган сайловда бўлиси бўлиб тасдиқланган Самен ўз элининг бўриси бўлди. Кўкшенинг кўп камбағалларини йиғлатиб, «овулига ҳужум қилди, ерига ўт қўйди, бевасини фарёд қилди, молини ўғирлатди» еб атрофдаги элларга Саменни қаттиқ айблайдиган гаплар тарқалганди. Шу гап Абайга ҳам келиб етганди.

Абайга «қўлингдан келса, гапинг ўтса мана шу балодан элимизни қутқариб бер, бу эртаклардаги икки бошли илондан бадтар бўлди. От билан ошнигина олмай, одамнинг ор-номусига чанг солиб бошига етар бўлди» деб кўпчилик ювоща халқ Саменнинг устидан улуққа ҳам арз ёзишганди. Приговорлар ҳам туширишганди. Абайдек холис қардошга ҳам бориб кўп нолишганди.

Бу гапларнинг кўпи ҳақиқий кўзи ёшлилар томонидан Абайга илгари ҳам айтилган эди. Кечадан буён ма-на бу Орқатда ҳам айтилди. Абай овулдан чиқиб, Қўнғир-Кўкшенинг беҳисоб одамли яйловини оралаб келаётганда, йўлдаги кўп одамлардан ҳам шу гапларни ёшишиб келганди. Йиғилган халқнинг кўз ёшларини кўриб турган Абай, нафратини яшиrolмай, ҳали тумонатдек халқ олдида Саменнинг юзига қамчи билан ургандек, зарба берди. «Сен эл эгаси бўлмай, эл яхши-

си аталмай, элдан садаға кет!»— деди. Энди бу Абай қандай қылса ҳам Маковецкий ўязга Самен ҳақида күнгилдаги гапларни айтади. «Сайлатмасликка ҳам тиришади» деб Самен билан Үрөзбой ҳозир Абайдан яна бир жафо кутишди.

Шунинг оқибати Үрөзбой билан Саменниң ола-ғовур ҳаракатини туғдирди. Үрөзбой Орқатдан чиқиб, Самен бўлисисининг овулига борди. Унинг эли «Ёмон Тўбиқти» деб аталар эди. «Ёмон Тўбиқти» ўзларига «Жўкенг» деб ном қўйиб олишган. Қўнғир-Қўкшенинг кўп элининг биттаси мана шу Жўкенг, ундан кейин Мамай, яна бир озроқ тўпи Кўкшелар. Ҳозир Үрөзбой Саменни ёнита олиб ўтириб, уч кун ичида халқ тўла яйловдаги Жўкенгнинг ҳамма амалдорларини йиғди. Мамайнинг энг сержамоа уруғи — Мирзаниң бой-боёнларини ҳам чақиртириди.

Ушаларга худою арвоҳни ўртага солиб ўтириб, Қўнғонбойнинг ўғли Ибройни ўлгунча ёмонлади. «Орқатдаги сиёзда Тўбиқтини ер билан битта қилиб, Уоқларга йиқитиб берган Иброй деди. Ўша Иброй эрта бўладиган сайловда сенларниң ҳаммангнинг бошингни, теги-тахти номаълум, хуни йўқ бир қашшоқнинг, бир Кўкшенинг қанжуғасига бойлаб беради!»— деб ўтириб, бир неча бўз қашқани сўйдирди. Кўк қашқани ҳам ейиши. Шундай қилиб, онт ичишиб, Қўнғир Кўкше бўлисисининг Мирза-Жўкенг деган энг сержамоа элини ўз томонига, ўзи орқали Самен томонга онт ичтириб чиндан бойлаб бирлаштириб берди.

Шундан кейин ўн беш-ўн олти кун ўттанды Жўкенгнинг яйлови Ақшатовда бўз уйлар тикилиб, Қўшбика деган қўниңда сайлов ўтказиладиган бўлди. Үрөзбой бир оз кунга овулга қайтди. Худди сайловдан уч кун илгари, Самендан қўш от билан хабарчи келди. «Элга қўйиб берса, шарга солса, енгиб чиқаман, бўлисликка ўзим сайланадиган бўлиб турибман. Бироқ, сайлов бошига Абай келадиган бўлаётир. У ўяз, тиломочлар билан келишади-да, касрини тегдиради. Үзинг етиб келмасанг бўлмайди. Айтган гапларинг рост бўлса, келишинг керак бўлган ерга кел, Үрозака!»— деб юбориби.

Үрөзбой шу хабарни эшилтган он отга минди. Ёнига яна узанги йўлдоши Эсентойни олди. У шу маҳалда ҳам Үрөзбойнинг чўян чўқмори сингари, зилдек оғир салмоқ кўрсатади-да, индамай эргаша беради. Үрөзбой иккови

әшлик чоқларидан ўғри, босқинчи ўтганлари учун ҳозир-кексайиб қолған бўлсалар-да, отга мингандарида қаттиқ юришади. Ораси йироқ бўлса-да, орада бир қўниб Кўшбикага етмоқчи бўлишди. Йўлакай иш битириб, аҳду-паймон қилиб кетиш учун қўнадиган овули — Тажежоннинг овули. Шунда, миниб кетаётган оқ ёлли отининг бошини чайқатиб елдирганича ёкидаги учтагина йўлдош билан Ўрозбой қош қорайган пайтда жадал юриб келди. Шу орада чой ичиб бўлинмасданоқ, Такежон фақат Азимбойни ёнига олиб, яқин ердаги овулдан Шуборни чақириби келди.

Мана шу уч Иргизбой билан Ўрозбой ташқарига, холи ерга чиқиб, ярим кечагача ўтириб, қаттиқ сир тутиладиган бир машъум қарор қилишди. Ҳамма гап-сўзлардан кейин Такежоннинг олдида Азимбой ҳамда Шуборга ётиғи билан сўнгги бир гапни гапирди.

— Иккаланг икки «бирнинг» ўғлисан! — деб сўз бошлади.

Тажежоннинг ҳақиқий исми — Тангриберди, Шуборнинг отаси Қудойберди. Шунга ишора қилганди.

— Нариси Ўскенбой бийнинг, берисц.. ҳожи Қўнабойнинг арвоҳларини оғзиға олиб чақирсан, ёнимда пушти камаридан бўлған болалари — иккаланг борсан, ўзим билан бирсан! — деб кетаман.

— Ибройни ўша «арвоҳдан садаға» деб, «ота ўғлилигидан чиқариб ташладим» деб кетаман! — деди. Шу гапнинг тагини очиб, сўзига хотима берди-да, жим бўлди.

Ҳалиги уч Иргизбойга галма-гал боқиб, нима дейиншини кутиб ўтириб олганди. Уларнинг бирортасидан садо чиқмади. Лекин Ўрозбойнинг оғзидан чиққан каттакон офат-фалокат сўзга бирор йўл сесканишгани ҳам, чўчишгани ҳам йўқ. Индамаганлари бўлмаса маъқул кўрмай ўтиришганлари йўқ. Шубор бўлса, Ўрозбой тикилиб қараб қолганида, секин-аста бошини ирғади. «Хўп, маъқул кўрдим» деган тапни оғзи айтмаса-да, вазияти билдириб турибди. Азимбой, Такежонлардан Ўрозбой усиз ҳам шубҳа қилмасди.

Шуборнинг ҳалиги зимдан англатган сезилар-сезилмас ишорасини ягона кўзи билан аниқ кўриб, англаган Ўрозбой энди: «Бўлди, бас» — деб қамчинини биқининг таяниб суюнди-да, ўрнидан тура бошлади. «Келтир отимни» деб буйруқ ҳам берди. Шунинг билан келиши-

ни қош қорайиб, қоронри тушишига түғрилаган Үрзбой, эндиги сири — келиш сабабини ҳам аён қилишни истамади.

Мана бу Иргизбойларни, айниқса, Такежон, Азимбойларни, уларнинг истагига кўра, Үрзбой сир тутмоқчи. Булар шу жойларида шу йўсун ўтиришлари, очиқойдинда юзларини очиб чиқмай, панада туришлари Үрзбой учун қулайроқ. Шу сабабли тонг отгунча хаёл қилмай, овқат ичгандан кейин, қимизга бир тўйиб олиб, шу кечанинг ўзида отга минди. Бошини чайқаб юрадиган отини қаттиқ тасқоқлатиб, ёш босқинчи чоғидагидек тўхтовсиз елдириб, Кўшбекедаги сайлов бошига қараб кетди.

Абай, ҳаддан ташқари жабр кўрган Кўкше, Мамайлар одамнинг юраги чўчийдиган хўрликларни кўраётганини Самендан яна эшишиб, уйида қола олмади. Орқатда шу элнинг безориларига қарши курашди. Энди шу сайловда ҳеч бўлмаса Самендек, Азимбойдек порахўр бўлисларни ўрнидан тушириб «оз бўлса ҳам ҳалқقا енгиллик келтираман» деб ўйлади. Шунинг билан у ҳам Қўшбикадаги сайловга жўнади. Лекин Үрзбой кечалаб йўл юриб, эртага саҳар чоғида бориб тушган сайлов бошига Абай эртасига намозгар пайтидагина, ёнидаги тўртта йўлдоши билан шошилмасдан келиб етганди.

Яқин одамларидан Қакетойгина бирга борганди. Қолган уч киши — бегона қўшнилар, фақат бир марта гина бирга боришган кишилар эди. Уяз ҳам сайлов бошига эндигина келган экан. Абай холи бир уйга ўз йўлдошлари билан келиб тушаркан, бир оз қимиз ичиб, энди ўзи келган иш юзасидан ўязнинг олдига кирмоқчи бўлган эди. Булар тушган уйдаги қимиз қуйиб берадётганлар, Самен бўлис атайнин қўйган кишилар эди. Унинг бир жилпанглаган йигити қимиз қуйиб ўтириб Абайнинг ўяз ёнига бормоқчи бўлаётганини эшилди. Кейин лип этиб, бир нафасга эшикка чиқди-да, уни кутиб ўтиргаи бир кўмшик, сариқ кишига «Абай ҳозир улуғ олдига бормоқчи, бориб айт!»— деб хабар қилиб юборди.

Абай тушган уйга қўшни бўлган уйларда тиқилишиб, шайланиб ўтирган, гезаришиб кетган эллик-олтмиш амалдор бор эди. Ушаларнинг олдига Самен тушиб олди. Ҳаммасининг қўлида қамчигина эмас, баъзи бирларининг қўлида қисқа чўқмор, баъзиларида ханжар

ҳам бор эди. Шу тұда Абай үтирган уйга юз тутганда, Эсентой шап этиб, Саменни хиёл тұхтатиб, үз гавдаси билан тұғсанича күпчилиқдан четлатиб олди. Қисқа-қисқа құзларини катта очиб, ер тағидан қаради.

— Самен, құл ботир бұлмагунча, юрак ботир бұла олмайды...— деб, Саменниң құйындағы ингичка қамчиси-ни олди-да, үзининг саккыз арқоқлы, бузоқ тиши деган йүғон қамчинини тутқазди.— Этдан үтиб, сұякка етгап аламимиз бор. Жүкенг арвоғига топширидим! Асти аяма ҳам... Тортинма ҳам!..— деб Саменни сүзлатмай жұна-тиб юборди.

Азозил қон құмсаётганини билдириб қолди. Эшикни катта очдириб, Абайнинг устига бостириб, отилиб Са-мен кирганды, қолган үн-үн беш киши биргалашып қу-ролларини яширмай ёпирилиб киришди. Хиёл чүчиб, индамай қараб қолган Абайнинг ёнига Самен тикка бостириб келиб, бир ярамас, қаттиқ ҳақорат қилди. «Орқамдан қоласанми, қолмайсанми!» деб қамчи билан бошига солиб юборди.

Шу бўлди-ю, Абайнинг зўр гавдаси қўзғалиб, туриш-га ҳам мажоли келмай қолди. Қалтак ёпирилиб кетди. Қим эканлиги номаълум, ҳалиги келтап тўданинг ичи-да, энди Абайни талаб ўлдиришга шайланған вазиятни кўриб, қиёлмаган одамлар, Абайга үзини қалқон қилиб, устига ташлаганлар ҳам бўлди. Битта эмас, бир неча одам шундай қилди. Шундай тўс-тўполонда Абайга қамчини тегмай қолганлар, Какитой билан қолган йигитларни савалай кетишли. Жон аччиғида юргурган Какитой, қандай чиққани номаълум, ҳалиги уйдан юл-қиниб чиқиб, орқасидан қувлаган қамчи остида чирқи-раб бақирганича, русчалаб:—«Қутқаринглар, ёрдам беринглар!»— деб ўязнинг уйига қараб юргурди.

Бирталай вақт ўтгандан кейин, ўязнинг уйидан чи-киб, милтиқ отаётган стражникларнинг ҳаракатини фаҳмлаб, ҳали ёпирилиб келган ёвлар теварак-атрофга қочиб, тарқалиб кетишли. Бирок, Үроэбойдек қора ниятли душманнинг айтгани бўлди. Ӯлимдан ҳам айди-ған нияти йўқ. Саменниң қачонлардан буён ўчакишган итдек ириллаб, ҳапиллаб, гижиниб юрган тилаги бўлди.

Кечаю кундуз, ойлар давомида, йиллар давомида ёвуз душманларнинг қамалида келаётган, талашларига дуч келган, бироқ таваккал қилиб, чидаш берган Абай, бугун Ӯлимдан қаттиқ жазо чекди. Унинг бошига теккан

калтак, танасига тушган жароҳат, юзидан оқсан қон, бевафо замоннинг ҳалол ўғлонини бўридек талаган қасдликнинг шоҳиди эди. У калтак Абайгагина теккан калтак эмас, қозоқ халқининг ори-ифтихорига теккан машъум калтак бўлди.

Абай ҳушидан кетиб қолган экан. У нима бўлганини англаши билан, кўнглида бир оғули хаёлга борди. «Нимага ҳам тирик қолдим, ўлсам бўлмас эдими-а!»— деди. Ичидан неча бор қайта-қайта қилган армони шу бўлди.

Абай Шақпоқдаги овулга кеч келди. Барча овулларнинг катта-кичиги, қўни-қўшнилар, жигарлари — ҳаммаси ҳам Абайнинг юзига тўғри қарай олишмади. Бамисоли шундай азиҳ, улуғ одамнинг олдида ўзларини айблидек ҳис қилишди. Бу жароҳатнинг номини ҳам айта олишмади. Калтак Абайгагина эмас, Абайни яхши кўрадиган, унга шамолни раво кўрмайдиган, қадр қила-диган одамларнинг худди ўз бошларига теккан калтак-дек бўлди. Халқа теккан калтак, ёки бегуноҳ, шафқатли кекса онанинг юзига қасддан урнлган, машъум калтак бўлди.

Айгерим рангги ўчиб кетган ҳолда, икки кўзига мўлтиллаб ёш тўлганича, Абайни отдан тушириб, ўз қўли билан эшик очиб, қарши олди. Қечаси ҳам, кундузи ҳам Абайнинг юзига боқди дегунча, дамини чиқармай, ёшларини тўка беради. Мана шу икки куннинг ичидәёқ оппоқ юзига кўп ажин тушиб, кўқимтири соядек ғам тамғаси босилиб, осонгина пўрт учгандек, кекса тортди-қолди.

Абайнинг ўзи ҳам на сўз қотади-ю, на ҳаракат қила-ди. Борлиқ билан йўқлик орасида карахт бўлиб қолган.

Бу кунлардаги қайгули ишларга ўртаниб-куяётган Дармен эди. У ўз ўтовининг эшигидан кириши биланоқ каравот ёнида иш тикиб ўтирган Макенга Абай чеккан жазони қандайдир англаб бўлмайдиган гаплар билан айта бошлади. Каравотдаги катта-катта кашталик оқ ёстиқларга юзини босиб, бўғилиб ўкириб йиглади.

Макен ҳам жон аччиғида додлаб, дам учиб ёнига келиб Дарменни қучоқлаб, қимирлатиб юпатишга уринади, дам ўзини ҳам борлиғини ёнғин олгандек чирқираб зор-зор йиглади. Ыккови ҳам галма-гал:

— Эсиз, оғам-эй...

— Аттанг асилим, оғам-а!

— Садағанғ кетай оға жоним, азизим!..

— Қани қурбонинг бўлсам, оғажон...— деб алгангаю-оташ бўлиб чиқаётган, юракдан чиқаётган сўзларини дам баравар, дам биридан кейин бири айтишади.

Анчагача қайғу ҳасрат чеккандан кейин Дармен, эс-ҳушини йиғиши биланоқ бир фикрга келди. У Кўш-бикада содир бўлган хўрлик-жазонинг ҳақиқати, асли сири эди.

— Орқатдаги кечаги сиёзда берган гувоҳлигинг учун-ку! Ор учун, одамгарчилик учун, ноёб инсон бўлиб, одиллик билан берган гувоҳлигинг учун ёвуздардан жафо чекдинг-ку! Азизим, орконим-давлатим!.. Эсиз устозим, оғажоним!..— деб Макен икковигина бўлган пайтда шундай фикрларининг тагидаги жуда аламли дардни тортган эди.

Шунинг билан зартасига намозгарга бориб овул устида бир ғовур-ғувур чиқиб қолди. Шу кунларда Такежоннинг овули ҳам Абайга кўнгли яқинлик билдириган бўлиб, шу атрофга Шақпоққа кўчиб келганди. Ҳали Мағаш, Какитой, Боймағамбет учови от устида келаётib, хаёлда йўқ бир ишга дуч келишибди. Такежон овуллининг ёнидаги бир тўп толнинг тагига тикилиброқ турган, эгарлоғлик от бор экан. Буларнинг шарпасини эшитиб, бошини озод кўтариб қаратан чавкар отни Мағаш билан Какитой баравар таниб қолишибди. Танишлари биланоқ бир қабиҳликни сезиб, иккови таппа ташланишибди. Шунда ҳалиги чавкар отнинг бағрига тиқилиб ўтирган Ўрозбойнинг донгдор ўғриси — Қийқим иргиб турибди.

Новчагина, қирғий бурун, қоп-қора кўса Қийқим бекорга келган эмас. Какитой товушининг борича қичкириб: «Ҳой, тўхта!»— деди.

Шунда иргиб отига минганд Қийқим овулларни четлаб, ғарб томонга, Ўрозбой овули томонга қараб қочиб берди.

Бу учови қувгани билан анави донгдор, бақувват пойгачи чавкар от, чангига ҳам илаштиrmай, Қийқим қутулиб кетди. Маълум бўлган иш Какитой билан Мағашни ўтга тушгандек ўртаб юборди.

Мана шу пойгачи чавкар от, бу йигитларнинг акаси Ақлбойнинг отоқли югурик «тамғали от» деган оти эди. Үшани Ақлбойдан Азимбой сўраб олганди. Ўтган йил яйловда Азимбойдан Ўрозбойнинг овули қудалик, кўнг-

ли яқинлик важидан оғиз солиб, сүраб олганди. Эсбү-
латга борганидан буён «тамғали от» уч йўл пойгадан
келди деб эшишишганди.

Энди мана, ўша тамғали отга, Ўрзбойнинг отига,
унинг учиға чиққан ўғриси Қийқим миниб келиб, Таке-
жоннинг овули четида, ҳеч кимга кўринмай, бекиниб
ўтирибди. Нега ўтирганини ёш йигитлар дарҳол фаҳм-
лашди.

Ўрзбой Такежон билан Азимбойга ими-жимида
жосусини юбориб, Абайларнинг қандай ҳозирлиги, қан-
дай нияти борлигидан хабардор бўлмоқчи, Какитой
билан Мағаш Абайнинг ўзи ўтирган катта уйга лаънат
айтишиб, сесканиб келишиди.

Үйда сукут ичидаги ўтирган Абай эндигина ялт этиб
қараб, булар эшикдан кириб бўлмасдан: «Яна нима
гап? Ростини айтларинг, нима бўлди?»— деб қаттиқ
жеркиб сўради.

Мағаш ҳалиги кўрган ишини отасидан яширмай, Та-
кежонни «худо урди-ку, худо ургурни!»— деб ўтириб,
очиб айтиб берди.

Шу бўлди-ю Абай: «Олиб бер тумофимни!»— деб
Боймағамбетга қўлини чўзди. Боймағамбет тумоги би-
лан қамчинини қўша олиб берди. Абай шошилиб, то-
вуши қалтираб, иргиб турди. Фақатгина:

— Мени чақадиган илон қўйнимда ўтириби-ку!
Нимасига қоламан, бу ерда, бу элда? Сенлар учун эн-
ди мен йўқман! Чиқ, юр, Боймағамбет!— деб ҳайқириб
буйруқ қилди-да, Боймағамбетни эргаштириб эшикка
чиқди.

Сўнгги бир ойдан буён ўзи миниб юрган Эсентойнинг
жийрон йўрғаси деган от бўз уйнинг белбоғида бойлоғ-
лиқ турганди. Ўшани ўзи ешиб, миниб олди. Боймағам-
бетта Мағашнинг отини кўрсатди:

— Мин, мана бу отга, бошла мени! Кетдик бу элдан,
бу самарасиз ҳаётдан!— деди. Рангги оппоқ бўлиб ўчиб
кетганди. Борлигини ғазаб қамраб олганидан юзидағи
туклари ҳурпайиб кетди. Боймағамбет кермадаги отга
сакраб минди-да, Абайнинг олдига тушди.

— Қай томонга бошлай?

— Юр, ғарбга қараб!— деб, Абай жийрон йўрғани
тепиниб, қамчилаб кетди.

Мағаш билан Какитойнинг эси чиқиб, нима қилиши-
ни билмай, тахта бўлиб, қўрқиб туришганди.

Абайлар тасирлатиб қаттиқ юришиб кетаёттир. Шу чоғ эшикда ҳали ҳам афрайганича турган Мағаш билан Қакитойнинг ёнига от устида Исҳоқ билан Шубор келиб қолди. Исҳоқ олдида турган ёшларнинг авзойидан чўчиб: «Ҳой, нима гап, нима бўлди? Аnavи Абайми! Қаерга кетаёттир? Нега кетаёттир?»— деди.

Мағаш бу қариндошларнинг бетига қарамай, четга қараганича, ўзига ўзи сўзлаётгандек, алаҳлаётгандек бир гапни айтди.

— Билмадим, бу дунё нима бўлиб кетаёттир?. Кетди, элдан, бу юртдан... Умид узиб!. Энди қайтиб келмайдиган бўлиб кетаёттир, ана!..— деди-да, томонига ёши тиқилгандек, фазабли ёши тутилиб келиб, туриб қолди.

Шу бўлдию, Шубор бир лаҳзада даҳшатга тушган, жони ўртанган киши бўлиб: «Нима деяёттир? Эй худо, нима деяёттир. Юбордикми шу билан? Юрсанг-чи, Исҳоқ оғал!» — деб, отини ниҳталаб, Абайнинг орқасидан чоптириб кетди. Исҳоқ бирга чопди.

Яйловнинг булутсиз очиқ ҳаволи кечи кириб қолганди. Қатта доираси қип-қизил бўлиб, чўкиб кетаётган қуёшнинг йироқдаги тепалик орқасига ярми ботган пайтда, бутун олам қизил шуълага, шу қадар тиник, қип-қизил рангга бўялди. Йироқдаги тоғлар ҳам, яқиндаги моллар, овул-уйлар ҳам, ҳозир, шу чоғда Абай билан Боймағамбетнинг қаттиқ йўртиб келаётган отлари билан ўzlари ҳам ўша қизил рангга чўмган, ўзгарган, бошқача бўлганди.

Яна бир оздан кейин буларнинг ўз отларининг туёқ товушини босиб тасирлатиб келаётган, орқадан қувиб келган кишиларнинг шарпаси пайқалди. Абай қайрилиб қарамади. Олдинда келаётган Боймағамбет қайрилиб қаради-да, отининг бошини тортиб, тўхтаб қолди.

Чопиб келган Исҳоқ билан Шубор шу чоғ Абайнинг икки томонидан келиб етишлари биланоқ отларидан сакраб-сакраб тушишди. Новчагина, узун қора соқолли Шуборнинг рангги қум-қуйт ўчиб кетибди. Зорилаб: «Оғажон, Абай оға, қаерга кетаётиссан?»— деб юргарнича келиб, жийрон йўрганинг чилвиридан ушлаб олди.

Абай унинг товушини ҳам, ўзини ҳам ёқтирамай: «Тур, нари, қўйвор!»— деди.

Шу он Шубор Абайнинг отининг чилвирини ўзининг бўйнига солиб, узун соқолини қўшиб, икки айлантириб олди. Шу қадар ясама даҳшат ичиди, ҳеч нарсани

аямайдиган киши бўлиб, товуши ҳам қалтираб чиқди.
Ҳақиқий маккорлик билан ҳаяжон ичидаги сўз қотди.

— Кетмайсан элингдан, жигар юртингдан! Айланай
Абай ора! Кетадиган бўлсанг, мана бўғиб, отингнинг
туёғига бостириб, ўлдириб кет!— деб ҳайқириб юборди.

Энди Исҳоқ ҳам келиб, Абайнинг отининг сўлиғидан
олиб турган эди. «Сабр қил, Абай!»— деб у ававита
ўхшаб маккорлик қилмай, чиндан ҳам сиқилиб, ранжи-
ган одамдек сўзлади.

— Ҳалигина ҳолини билиб чиқдим. Анави севикли
ўғлинг Абишни ўйлай бериб сарғайган ёри, қайгули
Мағиши, ҳозир узилай деб ётибди! Сени «сўнгги нафа-
сим узиларда бир кўриб, рози-ризолик тиласам» деб
армон қилди. Қечаги Абишнинг арвоҳини унутасанми?
Бу ҳам боланг-ку. Видолашмай кетасанми?— деганда,
Абай тўсатдан ўзгариб, аввалги аҳдидан ночор айниб
қолди.

— Ушаним бор эдими? Менинг ҳам муигли шўр-
лигим бор эдими?!— деди, бу ночор қайтишнинг шо-
раси эди.

Худди шу дамларда, алоҳида ўтовда, каравот ёни-
да ерга солинган тўшакда, умр бўйи бирор марта қош-
қовоғини осилтириб кўрмаган, жонидек кўрадиган
дўсти Макеннинг тиззасига бошини қўйган ҳолда Ма-
ғиши узилиб кетаётган эди. Шу қадар соғлом, гўзал
яратилган жуссаси, борлигини ўртаган дарди-аламдан
эндигина биратўла енгилиб бўлган эди.

Икки йил мобайнида узоқ вақт қайғу ҳасрат чеккан
ўша Мағиши, ўзининг ошиқ ёри Абишга берган ваъда-
сига мана энди вафо қилди.

У юпанч билмас, овинишни ўйламас, мудом оғу
ютирадиган ҳасрат чангалида эди. Ушани ўйлаб
Абай бу йил яна Абишни ёд этиб, бир дарди-аламли
шеър яратган эди.

Ўша оҳи-зорининг сўнгиги сатрларида:

«Умидим-у, таянчим,
Энди кимга суюндим.
Ўйламадим тувғонни,
Бир ўзингга инондим.
Сендан айрилиб ёлғиз,
Орқангда мен оҳ урдим!
Ўйламадим ҳеч кимни,

Эргашдим сенга танҳо.
Ҳузур қилиб мақтаниб
Қилар эдим томоша.
Асли шүрлик мемман-ку
Мағишиш ўйлаб қарасал..»—

деб Мағишининг дарди-аламига, ўзининг мажоли қолмаган аламли дардини қўшган эди. Юпана олмаган Мағиши ниятига етди.

Ҳозир Абай, Шубор билан Исҳоқдан бўлиншиб, Бой-мағамбет иккови Абишнинг таъзиядор ўтови ёнига келиб энди отдан тушгандарида, Мағишиш жон берди.

Йиғлаб ўтирган Макенининг юзидан Мағишининг оламдан ўтганини билган Абай, энди эшикдан кириш билан ўпкасини тутолмай йиғлаб-ўкирганича келиб Мағишининг юзини қучди, шашқатор оқаётган дона-дона иссиқ ёшларини тўкиб юборди.

ТОРТИШУВ

1

Күшбикеда Абайнинг жонига қилинган қасдлик кўп замонлар халқ оғзидан тушмади. Албатта бу ҳақдаги гаплар, ҳислар неча турли ивир-шивир, дув-дув гаплар ҳар шароитда ҳар хил бўлди. Қўпинча бирига бири қарама-қарши, тескари бўлган ҳолда ҳам айтилиб юрди. Иргизбойнинг, бегин вақтларда гердайишиб, кучига ишониб чиранадиган зўравон ҳовлиқмалари бу иш устида қуруқ вақиллашдан нарига ўтишмади. Даставвал Абай қайтиб келган куни бир қанча Иргизбой огуллари, сўйил оладиган, жангга кирадиган йигитларини отга ҳам миндирди. Булар Ақшатовдан, сайлов бошидан ўз элига қайтиб кетаётган Ўрозбойнинг йўлини тўсиб чиқмоқчи бўлишиди. «Ўлдирамиз», «кўзини йўқотамиз», «йўлини тўсиб чиқиб, титкилаб ташлаймиз!» деган бўлишишиб, кундузлари кўпинча отларини ҳозирлашди. Ҳар огулга тушиб қимиз ичишиб, ғала-ғовур қилишиб, тўп-тўп бўлиб тепалик бошига чиқишади. Бироқ туш оғмай, кеч кирмай, қимизнинг кайфи тарқаши биланоқ ўзлари ҳам тарқалишиб, уй-уйларига қайтишганди.

Ўрозбой бўлса мана шу даврани эшитибоқ, чўчиб, қўрқиб кетди. Шунинг билан у йўли Иргизбой огулларининг устидан ўтадиган бўлгани учун, кечасилаб қочиб кетганди. Овулига борган он ими-жимида Азимбойга киши юбориб, Қийқим сингари чиниққан ўгри, ёки ўшанга ўхшаш сийқа, маккорлари билан шумларини жосус қилиб, Азимбойнинг олдига айғоқчилар юбориб турганди. Иргизбойларнинг даставвалги кунларда ло-

виллаётган бир тұпи, Такежон томонға, Азимбай билан Шуборнинг қош-қовоғига, вазиятига қарашади-да, тортина беришади. Сабаби, улар унчалик олиб-учиб «қирайлик», «йүқтәйлик», «хұжум қилаілік», «отланайлик» дея қолишмаётір. Бу томондан ҳафсаласи пир бўлиб, жаҳлдан тушган ўша кишилар Абайнинг овулига келиб янада қирадиган, титкилаб ташлайдиган киши бўлиб ҳовлиқиб кўришди. Шундайларнинг бир тұдасыни Иргизбойларнинг каттаси Ирсой бошлаб Абайнинг устига кирди. Ирсой йиғлаб, бўғилиб ҳам ўртаниб тутоққанди. «Қароғим, қандай буйруқ қиласан, душманнингнинг қўлида ўлтгани келдик! Чоп десанг чопамиз, ўл десанг, ҳозир бориб олишиб-юлишишга ҳозирмиз!»— деди. Эргаштириб келган йигирматача Иргизбойларнинг индамай ўтирган оқ соқол, қора соқол, бир қанча ландовурларини кўрсатди. Абайнинг қандай тилаги борлигини билгиси келиб, шулар билан бирга Мағаш, Какитойлар ҳам Абайнинг устига киришганди. Шунда Абай икки-уч кундан бүён сақлаб келаётган сукутини бузиб, кўнглидаги биттагина гапини айтди.

— Қопган итдан ўч оламан деб мен ҳам қосам, оғзимда қандай хосият қолади?— деб қўя қолди.

Абайнинг овулида ёки Мағовия, Какитой сингари ўнга яқин одамларнинг олдида ўтга ҳам тушадиган киши бўлиб кўринган Иргизбойлар Абайнинг овулидан бир қадам нари чиқмаёқ босилиб қолишганди. Негаки, Қўнонбойнинг бошқа, икки ўғлининг оувуллари юлқиниб, уринаётгани йўқ. Улар ҳеч нарса дейишмаса-да, дамини чиқармай гезаришлари билан кўп Иргизбойларга кайфиятни билдиришган, вазиятни англатишганди.

«Отаси бир, жигари», «бир оувуллик» дейиладиган жамоанинг ҳоли шу эди. Лекин, Чингиз бўлисисининг кўп эли, айниқса беозор кўпчилиги Абай учун чиндан ҳамияти жабрланиб, чиндан қаттиқ ўртанишганди. Ўша беҳисоб халқнинг ғазаб билан вижданан айтаётган аламли гаплари кўп одамларга, оддий кўпчиликнинг азаматларига қаттиқ ботаётганди. Оз кун ицида мана шу кўнгил, кўпчиликнинг кўнгли Чингиз бўлисидан ташқари, бошқа бўлисларга, умум Тўбиқти жамоатчилигига тез тарқалиб, ёйила берди. Бўлис эмас, бойбоён эмас, тўда бошлиғи амалдор бий эмас, оддий кўпчиликнинг, беозор кўпчиликнинг қанча-қанчаси Абай учун алам тортиб, ўқинчга қолганди. Шундай одам-

ларнинг баъзи тўплари Мағашни, Қакитойни ўртага олишиб, Ўрозбойдан Абайнинг ўчини олиш масаласини ҳам айтишди. «Абайнинг ўчинигина эмас, Ўрозбойдан халқнинг ўчини оламиз. Ёлғиз ўзини эмас, унга эрк берган айборларнинг ҳаммасини жазолаймиз, жарима тўлатамиз, юзини сидириб ташлаймиз. Ўзини жазога, моли-мулкини қазога учратамиз!»— дейишганлар ҳам бўлди.

Бу гапларни Абайнинг ўзига айтишмаса-да, «унинг яхши кўрадиган боласи» деб ва «эндиги ёшларнинг билимдони, если-ҳушлиги» деб Мағашга айтишганди. Ўзаро одам йўллаб хабарлашиб, ҳол-аҳволини билиб олишиб, бу ҳақда «қани» деб сўз қотган одамлар Тўбиқтида оз эмасди. Шундай пайтларда ҳали ҳам ота-отанинг номи билан ҳисобланадиган Мўтиш, Қулик, Дузбембет, Қорамирза деган элларнинг дуруст одамлари бир-бирлари билан маслаҳат қилишди. Ушаларнинг тўпидан Қўдиға деган одам элчи бўлиб Мағашнинг ёнига келиб кетди. Ери Ўрозбойга яқин бўлган Соқ-Тўғалоқ деган, Жўонтаёқ деган сержамоа эллардан ҳам одамлар келишди. Қўшни Кўкше билан Мамайдан ҳам хайриҳоҳлик, тилакдошлиқ билдирганлар бўлди. Ҳаммаси ҳам ҳали айтгандек: «Ўрозбойнинг юзини сидириб ташлаймиз, жарима соламиз, ўша жарима-паримаси билан олиб келиб, Абайнинг оёғига йиқитамиз» дейишганди. Шундай масала билан келгандарнинг ҳаммасига Мағаш ҳозирча қисқагина жавоб қилди.

— Отамнинг ори, молга сотиладиган ор эмас. Отамнинг одамгарчилиги, ёвузнинг зулмини мол билан даволаб жарима билан оқлаб таскин топадиган одамгарчилик эмас. Бундай чорани отам ҳам қабул қилмайди. Мен ҳам мақбул кўра олмайман!— деб юбораётганди.

Унинг шундай жавобларини кейинчалик эшитган Абайнинг ўзи ҳам маъқул кўрди. Мағашнинг шундай идроки билан одамгарчилик тарозисига Абай ич-ичидан хурсанд бўлиб баҳо берди.

Ҳарқалай Кўшбикеда қилинган, аямайдиган душманнинг қасдлиги Абай билан Ўрозбойнинг ўзлари яшайдиган элгатина эшитилиб қолмади. Ҳозир ана ўша машъум иш юз бергандан буён бир йилча вақт ўтди. Эл яна йилдагидек яйловларда, қўнишларда, булоқ,

қайнама булоқлари, яйлоқларида одатдаги тирикчилигини қилаётір.

Қанча вақт ўтган бўлса-да, қилинган ўша қасдлик ҳали ҳам ҳалқ оғзидан тушмайди. Энди Абай турган Тұбиқти эли әмас, Абайнинг шеърлари, ўгитлари, ғам-хўрлиги эшитилиб, яхши номи тарқалган элларнинг ҳаммасига қасдлик билан қилинган зўравонлик ҳам ошкора бўлган. «Ёмон гап ётмайди» деб Абай ҳақида айтилган мана шу хунук гап ҳозирги кунда чор даҳани чорлаган. Ҳали ҳам катта уруғ ҳисобланадиган: Керей, Найман, Уоқ, беҳисоб Арғинларнинг ҳаммаси эшитиб, билган хабар бўлди.

Саҳро эли, кўчманчи ҳалқнинг яйловлари, кўкламда кўчадиган жойлари, қишловларигина эшитиб қўя қолгани йўқ. Бора-бора пиёдалаб тарқалиб, бу хунук гап Семей обlastининг беш уездидаги шаҳар-шаҳарларга ҳам етди. Теварак-атрофдаги кўп эллар, ўязлари келадиган область маркази, Семей шаҳрининг ўзида батафсил айтилиб, кўп гап бўлди. Ўша Семейга дуони қарайдиган бўлгандан кейин Қарқарали, Кереку, Ўскемен, Зайсонг, Кўкпекти, Баён сингари шаҳарлар ҳам мудҳиш жиноятдан хабардор бўлишди. Семей обlastига қўшни бўлган область— Оқмўлонинг Қораўткели, Етисувнинг Шубороғочи, Лепси-Қопол, Аягўзи ҳам узун қулоқдан ўша хунук хабарнинг бир учини эшитишганди.

Ўз замонасидаги қозоқ деган ҳалқнинг зўр фазилат эгаси, қадрдони бўлган Абайнинг ҳамиятига урилган калтак, шу йўсинда йироқларга тарқалди. Янада ҳар гуруҳда ҳар хил айтилиб, ҳар хил ҳолатда тингланди. Ўша айтилиш билан тингланишининг вазиятида ҳам Абайга бўлган дўстлик беҳисоб ҳалқнинг чин қалбида намойиш қилинди. Шунинг билан бирга, Абайнинг ўз замонасидаги унинг йўли билан жонига аталган қасдлик ҳам ўз сиймосини кўрсатмай қолмади. Бу ҳақда мисол учун ҳар элнинг бўйислари, ҳожи, мулла, бой-боён дейиладиганлардан эшитилса, улар Абай учун у қадар қайишиб, қийналиб, ранжишмайди. Аксинча, ўз оталарининг улуғдан нишон олганини, бой-устун бўлганини ёки ўзларининг Маккага борганини, Макержида ярмаркага борганини кўз-кўз қилиб сўзлашарди. Фалончи жондоролнинг маҳкамасига боргани, қандайдир Шербешнайда кўпчилик ўртасига тушгани билан мақ-

танишарди. Бундайлар гоҳо Абай билан бирга Үрзбойни айбламай сүзлашарди. «Қилса қилибди-да», «ботирнинг қилгани шу-да» деган бўлишиб, йироқдан туриб Абайнинг яхшилигини кўролмай, Үрзбойнинг ўжарлиги билан қабиҳлигига сажда қилиб ўтиришарди. Абайнинг сўзларини эшитиб, бий-бўлисларни танқид қилиб айтган, келишишни билмайдиган, беомон ҳукми-ни эшитиб, ич-ичидан зидлашиб юрадиган йўғонлар, золимлар бўларди. Буларнинг кўпчилиги эшитган гапларни улғайтириб, бўртдириб сўзлаб, Абайнин ёэфириб, «ўзига ўзи қилди» деб ҳам қўйишарди. Ундайлар Абайнинг шеърлари, ўгитлари, янги йўли учун унга ўчакишарди.

— «Иброй ошиниб кетди! Гердайиб, ҳаддидан ошиб кетди! Қозоқнинг бор яхшиларига тили тегиб, гапи ўтиб кетди. Үрзбой шунинг учун, кўпчилик учун номус қилди. Бунинг ҳаммаси беҳуда эмас!»— дейишарди. Үскемен, Зайсонг, Кереку, Қарқаралининг кўп казо-казо бўйислари, отоқли ҳожилари худди шундай дейишарди. Улар кўп йиғилишларда Абайнин кўриб, унинг ўзларидан ортиқ эканлигини билиб, ҳасад билан ич этини еб юрадиган бой-устунлар эди. Бундай тўданинг ўз минбаридан қаралганда, Үрзбойни қувватлайдиган йўли бор.

Шундай экан, булар Үрзбойни айбли демай, ҳузур қилиб сўзлашади. Хўш, ҳалқ-чи? Ҳақиқий ҳалқ ичидагам Абай ҳақида биладиганлари, эшитганлари, эшитганда қаттиқ хафа бўлиб ранжиганлари жуда кўп бўлди. Бу хусусда «яқин овул», «жонкуяр» деб ёки «йироқ элнинг одами» деб бўлиш йўқ. Абайнинг бу дўстлари, тилакдош-ниятдошлари ҳам сон-саноқсиз, ҳам ер узоқлигини, эл йироқлигини парво қилмайдиган, парво қилдирмайдиган дўстлар. Абай ҳақида ўзларининг жонига, ҳамиятига қаттиқ теккан хиёнатни эшитиш билан бирга ранжишади-да, Абайнинг илгаридан ўзларининг қулоқларига етган ноёб гапларини такрор-такрор айтишади. Айтиш билан бирга унга садоқат билдириб, тобора яқинлашиб, жипслашиб боради.

Абайнинг худди шундай беҳисоб ҳалқ, умум кўпчиликдан чиқсан дўстлари шаҳарда-ю саҳрода бирдек эди. Айниқса, ўша тўпнинг энг каттаси Семей шаҳрида. Бу ерда русча, мусулмонча ўқишида бўлган ёш ўқувчилар Абайнинг асарларини яхши билишади. Қайиқчи Сейлга

ўхшаш шаҳарнинг сон-саноқсиз меҳнат аҳли ҳалол, беозор касб әгалари Абайни жуда яхши кўришади. Шаҳар тўла майда ҳунармандлар, бозорлар тўла қозоқ қашшоқлари, ҳатто шаҳарнинг у томон-бу томонидаги майда савдогарларгача сўнгги йилларда «Абай айтган» деган сўзларга кўп қулоқ сола беришарди. Бу масала-га келганда, шаҳар — қулоги очиқ жой. Букун бир ўрта ҳол хонадон кечқурун эшигдан янги сўз, янги хабар ёртага бутун бозорни, кўп кўчаларни осонгина оралаб кетади. Абайнинг санъати эса, Семейнинг у томон-бу томонини, жўламон жотоқларини, Затон элини шодлантириб, миннатдор қилиб ёйилганига кўп замонлар бўлган.

Шу шаҳарда қиз узатилса, келин туширилса, чилла-хонадан чиқилса, ҳайит-тўй, ўйин-кулги қилинса, Абай шеърлари, куйлари кўп ерларда айтилиб, тилга олиниб туради. Энди ўша Абайнинг бошига тушган оғир ҳол, ор-номусига босилган тамға масаласини Семей шаҳрининг меҳнат аҳли зардаси қаттиқ қайнаб, ҳамияти жабрланиб, кучли ғазаб билан сўзлашади.

Шу айтилгандек бир кайфият Семей билан Слободка орасидаги паром устида рўй берганди. Куз фасли эди. Иртишнинг катта суви кўкламдаги миқдоридан озайиб, катта наҳр хисёл озайганди. Шунга яраша унинг тиниқ суви аввалгидан ҳам тиниқлашиб, кўм-кўк бўлиб, зилол тортганди.

Иртиш билан Қорасувдан йўловчиларни иккита паром ўтказади. Ўртада азим дарахтлар, қайрагоч, қаралайли, серсоали орол бор. Слободка томонидан «қайиқ оғзидан» паромга тушган ҳалқ аввало катта Иртишни кесиб ўтиб, ҳалиги тўғарәк оролга ўтади. Шундан отлиқми-яёвчувалашиб оролдан ўтиб, қора сувга, иккичи паромга тушади. Шу йўсинда Слободкадан Семейга қараб секин юрадиган иккита паромга галма-гал тушиб, иккинчи соҳилга чиққунча, йўловчиларнинг ҳаммаси ҳам бир соатдан ошиқ вақт сарф қиласади.

Бундан бошқа «бош жотоқ» рўпарасидаги елканли қайиқлар бўлмаса, икки соҳилнинг олиб ўтадиган қайиқлари йўқ. Шаҳарнинг шу жиҳатини биладиган бола-ю, катта бу хилдаги қатновга ночор кўнади. Отлиғу яёв, рус, қозоқ шаҳар ҳалқи, элдан келган карвонлар, йироқ шаҳарлардан келган киракашлар, аравакашлар, бегона карвонлар ҳам сабр қилиб чидашади.

Мисол учун, бугун ҳам шу сингари кўп аравали киракашлар, саҳродан келган карвонлар ва икки соҳилнинг шаҳар турғунлари кўп аравалари билан қайиқ оғзиға сифишимай сиқилишиб, оролдан Слободка томонга кайтиб келадиган паромни кутиб туришганди.

Паром соҳилга етиши билан катта Семейдан бу томонга ўттан от-аравали йўловчилар, пиёдалар паромдан батамом чиқиб бўлиши. Шундан кейин паромни соҳилга улайдиган тахта кўприкнинг икки томонида тирбанд турган аравалар энди кўприкка қараб жадал интилишиб, урилиб-туртиниб, дув қўзғалиши. Оти бақувват, қамчини узун, ҳуштаги, жеркиши қаттиқ йўловчилар бундай пайтда кўприкка олдин илинса, паромга ҳам олдин тушади. Ҳозир шундай қилиб, дадиллик билан ҳаракат қилган аравалар — Еттисувдан келаётган киракашларнинг аравалари бўлди. Буларнинг битта араваси илинса, орқадаги аравалари ўт бўлсин, сув бўлсин тўхтамай, узилиб қолмай, ўлган-тирилганига қарамай интиларкан. Сабаби, ҳар бир олдинги араванинг орқасида ем тўрва бор. Кейинги от одамсиз аравани баравар олиб юриши учун олдинги араванинг еми уни интилтириб, орқада қолдирмай, эргаштириб юраркан.

Аслда, паромга энг олдин пиёдалар билан салт отлиқлар тушади. Улар кўприкда араваларнинг қаторидачувалашиб юриб, паромга олдин тушиб олади. Пиёдаларнинг кўпчилиги кўприк билан паромга талашиб чиққан от-араваларни томоша қилишади. Шунда саҳродан келган жўнроқ араванинг баъзан шоти илгаги чиқиб кетиб, баъзан фидираги қайрилиб, синиб кетади. Баъзи тия қўшилган араванинг ярми сувга тушиб кетса, пиёда қатновчиларга у ҳам бир қизиқ эрмак бўлади.

Қайиқ оғзи бу маҳалда: «Ой, ҳой!» деган ҳайқириқ, «Нари юр! Тўхта!», «Итдан туққан», «Узинг чўчқа!», «Ҳал сеними!» «Қўзингга қара!», «Отангни танитиб қўяман!» деб бақиришган, бир-бирини ёрдамга чақиқиришган қийғос, қий-чувга тўлган. Мойланмаган аравалар гичирлаб, баъзан болалар йиғлаб, хотинлар зориллаб, қандайдир эшак бемаҳал ҳанграб, қайиқ оғзида жон отиб ур-йиқит бўлаётганди.

Марков билан фельдшер Девяткин ва буларнинг ёри-дўсти грузчик Сеит учови Слободка томондан келиб паромга тушганларида, паромдаги ҳалиги қийғос-

сурон босилганди. Сабаби, паром түлган эди. Энди ҳеч ким кўприк талашаётгани ҳам йўқ. Чиқа олмаган, илина олмаган йўловчилар бири орқасидан бири қаторлашиб, бузилган муздек сиқилишиб қола беришганди.

Сеит, Девяткин, Марков учови Иртишнинг катта сувиини томоша қилмоқчи бўлиб, паромнинг орол томонидаги ерига чиқиши. Шу ерда ўнтача киракаш арава паромнинг қоқ ўртасига жойлашган экан. Отларнинг томоги тагидан энгашиб ўтиб кетаётан Сеитни арава устидаги бир аравакаш таниб, отини айтиб чақириб қолди. Сеит ҳам қайрилиб қараши биланоқ: «Ия, Жунисмисан! Омонмисан? Қаердан келаётирсан?»— деб, яхши танишини учратганидан хурсанд бўлиб шодланиб сўрашди. Сеит фиддиракка оёқ босиб, Жуниснинг овтерисини ортган баландроқ аравасига иргиб чиқди. Паром устида ўтирадиган курсичалар бўлмагани учун, Сеит ёнига Марков билан Девяткинни ҳам чиқарди. Улар ҳам тараддуд қилишмади. Ов териси юкланган, каноп билан ўраб арқон тортиб, яхшилаб бўғилган баланд аравага иргиб-иргиб чиқиб олишди. Жунисни Сеит яхши билар экан, йўлдошларига айтиб берди.

— Бу ҳам бизнинг Затонда грузчик эди. Икковимиз ғайратга бас бойлашар эдик. «Мен кўп кўтараман», «Мен кучлиман» деб баҳслашар эдик. Ҳозир мана Жунис бардам бўлуб қолибди. Кўрдингми, мана, бу бойнб кетган. От-араваси мана бу. Ортиб келаётгани нуқул тулки-ю, бўри териси. Ўзи узоқдан келаётган бўлса керак. Мана бу йироқдан олиб келаётган шунча казинасини кўр! Қаердан келаётирсан, Жунис?— деб, энди ҳол-аҳвол сўради.

Унниқиб кетган, қўллари ёрилган, қирқилган чўққи соқоли офтобда ўнгиб кетгандек сарғиш-қўнғир тортган Жунис, Сеитнинг гапларига кулимсираб қулоқ солди. Қадрдан ўртоғини кўрганига шодланаётганга ўхшайди. «Қаердан келаётирсан?» деганга у: «Еттисувдан, Шубороғошдан, ҳу ўша ййловдан келаётирман»— деди.

Ҳали ҳам Матели деган чалақозоқ бойнинг киракаши экан. Бойлиғи: от-арава ҳам ўзиники эмас. Қишинёзин тинмай юк ташийди. Шу гал йигирма аравали киракаш бўлиб, Хитой чегарасидан бу томонгача чўзилган ерлардан йигилган ов терисини ортиб келишибди. Ҳозир ўнта араваси паромга илингани билан, ўнга яқин арава орқада қолибди. Шу сингари гаплар билан икко-

ви ўзаро сұхбатлашиб кетиши; Девяткин билан Марков ҳам сўрашиб, бир-бирларига қаердан келаётганиларини айта бошлашганди.

Девяткин Иртишнинг қуий томони, чап соҳилидаги қозоқ овулларида бир ҳафтағача туриб, ўша ерда бир тиғға ўхшаш юқумли дард билан касал бўлган бир қанча одамларни даволаб келаётган экан. Марков Иртишнинг юқори төмонидаги Шуптиғақ сингариbekатларга бориб, Жўламон жотогида бўлиб, балиқ овлаб, қуш отиб қайтиб келаётган экан.

Бу иккови Сеит билан ҳам ҳали қайиқ оғзида учрашганди.

Бир вақт Марков билан Девяткин сал жим қолишиб, Сеит билан Жуниснинг гапларига қулоқ солишиди. Қозоқчани яхши биладиган Девяткин, анави икковининг суҳбати нима тўғрисида кетаётганини билди-да, Марковга қараб: «Мана буларнинг гапига қулоқ солинг, пайқаб кўринг-чи, ким ҳақида сўзлашаётир!»— деб бир оз турди-да:— «Булар Ибрагим Кунанбаевич ҳақида сўзлашаётир!»— деди.

Марков бир ишчи билан бир аравакашнинг даставвал учрашганларидаёқ Абайни оғизларига олганларига ҳайрон қолди. Ўзи қозоқчани унча билмагани учун Девяткинга: «Қани қулоқ солинг, эшитиб кўринг-чи, нима дейишар экан?» деди.

Сеит билан Жуниснинг Абай ҳақидаги гаплари шундан сал олдин, Жунис сўраган бир гапдан бошланганди. У шаҳарга шу кеча келиб кирганида бу ердаги янгиликларни ҳали эшитмаган экан. Фақатгина йўлда, сўнгги bekatda «Абайга бир ярамас кишилар қасдлик қилишибди», «қаттиқ қасдлик қилишибди» деган гап чала-чулпа қулогига чалинганди. Шунинг учун ҳам илгарилар Абайнинг шеърларини Сеитга қўшилиб ўзи ҳам кўп айтадиган Жунис: «Бу қандай гап, қандай хабар ўзи?»— деб сўраган эди. Сеит Абай ҳақида эшитганиларини айта бошлади. Шу чоғ Жунис икковининг ёнига бошқа аравалардаги аравакашлар ҳам аста-секин келишиб, буларни қуршаб туришганди.

Девяткин Марковга қисқа-қисқа қилиб, эшитганларини чала-чулпа айтиб турганича, аравакашларнинг эндиги гапларини эшитди. Жунис бўлмаса, аравакашларнинг кўпчилиги семайлик, бу атрофлик одамлар эмас. Еттита аравакашнинг ҳаммаси ҳам Шубороғов,

Қопол, аягүзлик одамлар экан. Лекин Жунис айтиб берганми, элларида эшитишганми. Абайни булар ҳам яхши билишса керак.

Сеит Күшбикеда содир бўлган қасдлик, ёмонликни батафсил айтиб берди. Абайни «Кўженинг камбагаллари, деҳқонлари, меҳнаткаш кўпчилигига ён босдинг» деб, «Тўбиқтининг арвоҳини синдиридинг», «теги-тахти устунларни ерга урдинг», «бегона эллар олдида Қунанбойдек яхшиларни хўрладинг» деб жазолашибди. «Улдирамиз» деган ниятлари ҳам бор экан. Фақат қўлларидан келмай қолибди, деди.

Жунис бошлиқ бир қанча киракашларга бир бошдан қаттиқ алам қилиб, ўртаниб ранжиганларича сўзлашди. «Қандай итлар, йиртқичлар-а!»

— Нуқул қонхўрлар кимни айди!

— Бошқаларга қасдлик қилса ҳам, Абайга қандоқ қилиб юзлари чидади-а, юзсизларнинг!

— Ер ўртагани, элга ҳужум қилгани, карвон талагани камлик қилган эканми, бу ўгри шаллақиларнинг! Энди битта Абай қолган эканми? Ёлизигина, битта яхши одамни-я! — деганларига қўшилиб яна бир оқсоқол киракаш ўзининг алоҳида бир фикрини айтди.

— Улуғ нима қилиб қараб ўтирибди? Абай рус маданиятини ёқлайди-ю, нега уни улуғ ёқламайди, сақламайди?

Шу ерда Сеит ўз тушунчаси бўйича улуғни оқламоқчи бўлди.

— Улуғ нима қилсан? Қола берса, Абайни ўша ерда омон олиб қолган ўша улуғ-ку. Стражнини юбориб, милтиқ отдириб, ўласи қилиб туришган жойларидан ўяз қутқариб олибди. Улуғнинг ёнини олган шу-да!

Гап шунга келиб етганда Девяткин аралашибди.

— Сен билмайсан, Сеит, ундоқ эмас. Қунанбаевни уездний начальник, сеники айтган улуғ ҳимоя қилмайди. Унинг ёнини олмайди. Қунанбаевдек одамни ким ҳимоя қиласи? Халқ ҳимоя қиласи. Мана сен! — деб Сеитни кўрсатиб, «сен!» деб кўкрагига туртиб, Жунисни кўрсатиб, қўлини қатор чўэди-да, «сен», «сенлар», «халқ ҳимоя қиласи!» — деди.

Сеит билан Жунис бошлиқ киракашлар Девяткиннинг гапига анграйишиб, ҳайрон бўлиб севиниб кетишибди.

— Ёпирай, рост айтиётир-а!

— Гапи жуда түғри-ку! Тикка айтилган гап-да! — дейишиб, гангир-гунгур қилишганларидан кейин Сеит ўйланиб туриб, бир фикрни айтди.

— Түғриси шу-да! Эл яхшиси деймиз, халқ ғамхүри деймиз. Халқ ким, Шроэбайлар эмишми? Улар эмас деб Абай минг марта айтмаган эдими! Беозор күпчилик халқ... Сен билан менга ўхшаш меҳнаткаш халқ, деб қанча-қанча ўгитларни қилди-ку. Шундай экан, бутуц ишни шундан билиб олабер-да. Девяткин ҳали ҳам ҳақ-қоний, ҳам танқидий гапни айтди. Нимасини айтасан, сен билан мени танқид қилди-да. Қозоқ халқи, беозор халқ! — деди.

Ўзининг ҳалиги озгина гапининг кўп маъқул тушганини пайқаган Девяткин янги бир гапни бошлади. У мана шу гал ўзи бориб келаётган Қорашибоқ, Кенжебой, Жолқибос деган овулларда кўрганларини айтди.

Кеч кирган пайтда, боласи касал бўлган бир кампирнинг уйига борган экан. Қорашибоқ овулидаги бир камбағал дехқоннинг хонадони экан. Ўша уйда кеч қоронғилигида айтиб йиғлаб намоз ўқиётгандек бир четга қараб, ёлғиз нола қилаётган бир чолни кўрдим,— деди Девяткин. Касал ётган боласига йиғлаётган экан деса, у ўша куни ўзларига етган Абай түғрисидаги соvuқ хабарни эшишибди-да, Абайга ачиниб йиғлаб ўтирган экан. Шуни кўрибди. Яна бир овулда ёш мулланинг ёнида беш-олтига бола Абайнинг шеърларини ёдлаб,чувиллашиб айтишаётганини кўрибди. Ўша болалар ҳам домласига ёпишиб, Абайнинг жазоланганини сўрашибди. Жуда хафа бўлиб сўрашганлари ҳам бўлибди.

Кенжебой овулида Оқбалиқ деган бир яхши қиз бор экан. Ўшанинг қаллиги келиб, кечқурун қизнинг уйидаги ўйин-кулги бўлибди. Девяткин меҳмонларнинг ичидаги ўтирибди. Шунда ўша Оқбалиқ Абайнинг Татъяна, Онегин шеърларини, куйларини айтиб-айтиб келибдида, ниҳоят ўкраб йиғлаб юборибди. «Шундай ноёб ота, дурдона сўзлар эгаси, Абайни ҳам ўлдирмоқчи бўлишибди, қозоқдан чиққан қонхўрлар. Бу элнинг ичидаги не-не итлар йўқ! Қандай оғзи қон бўрилар йўқ!» — дебди ўша оқила қиз Оқбалиқ.

Девяткин ўша Оқбалиқ деган қизни айниқса завқ билан гапирди.

«Абайни шу қадар биладиган, севадиган, тушунадиган қозоқ аёлинини мен ўз кўзим билан кўрдим. Мана

шунга қараб Абайни халқ билади, Абайнинг дўсти халқ, ўша халқ ҳимоя қиласи ҳам, сақлайди ҳам деб биламан!»— деди.

Абай ҳақида катта Иртишнинг устида бошланган шу гаплар, кейин йўловчилар Қорасувдаги иккинчи паромга бориб тушганларида яна давом этди. Унда Марков ҳам ўзининг овга чиқиб, Иртиш бўйлаб, балиқ овлаб юрганида қозоқларнинг ёшу қарисидан Абай ҳақида кўп гап эшитганини айтди.

Яна бир пайти келиб, қайиқ устида бўлган шу гаплар, шу вазиятларни Марков Павловга ҳам айтиб берганди.

Абай Кўшбикеда бегуноҳ жазолангандан кейин ярим ой давомида Иртиш паромида бўлган ҳалиги гаплар фақат ўша ерда эмас, қанча-қанча ерларда сўзланган, оғир ҳикоя қилинганди.

Шунда Дамежондек қашшоқ, меҳнаткашнинг уйида, Сеитнинг қайиғида, Абен, Сеит сингари грузшчиклар меҳнат қиласиган пристанларда кўп ғазабли гаплар айтилганди. Айниқса Затондаги ёлғиз, уй-жойсиз грузшчиклар ётадиган баракларда қанча-қанча ишчилар орасида ўтган ёзда, кузда Ўрозбойнинг итлиги, қабиҳлиги ҳақида қанча-қанча ҳамият билан айтилган нафратли сўзлар сўзланганди.

Хозир Кўшбике воқиасига бир йил бўлган пайтда, ўша Семейдан, Затондан бир оз вақтга элдан чиққан отоқли полвон-грузчик Сеит ҳам Абайга бўлган дўстона кўнглини бузмай келганди.

Сеит бу йил қиши чиқар пайтда зотилжам бўлиб, соғайиб турганидан кейин пароход юра бошлаганида, йилдаги мавсумли оғир иши — юк ташишга тушиши керак эди. Одатда, кун бўйи қиласиган меҳнати бир эмас, икки кишининг файратига дош берадиган қуввати, бу йил камайиб қолибди. Бўғинлари ҳам аввалгидек, бақувват тортиб кета олмади. Топиш-тутишининг ҳам маъниси кета бошлади. Шундан кейин Абен сингари қалин ўртоқ, дўстлари, рафиқаси билан яқинлари келишиб Сеитга бу йил ёз элга чиқиб келишини маслаҳат кўришиди.

Шундай қилиб, ўзининг бошидан буён Сеит ўзининг болалик чогида ташлаб кетган эли — Тўғолоқ эли ичидаги танишлари, қариндошлари, яқинларидан биттасининг уйида меҳмон бўлиб ётди. Бу кунларда тузалиб,

аввалгидек бақувват тортиб қолганди. Эл яйловга чи-
дадиган пайтда келганди. Ҳозир мана эл тоғ этаклари-
га туша бошлагунча, икки ойча қимиз ичиб, тиниқиб
бўлали жуссаси, барваста бўйи аслига келди. Кучга
кириб, қонсизланган юзига чиройли бўлиб қизил
югурди.

Сеит камбағал бўлса-да, кундалик нон, чойини кун-
далик оғир меҳнати орқасида топаркан, ўша унча-мун-
ча топганини келди-кетдидан аямасди.

Сеит ҳам Абен сингари, ишчи-грузшчикларнинг кўп-
чилигининг феълини яхши кўради. Булар мард камбағаллар. Сеитнинг Затондаги ластаккина икки хонали
гувала уйига, мана шу ўз элидан бориб, тушиб юрадиган
қалачилар ҳам унинг кичкина ҳовлисига улов-жабдуқ-
лари билан зўрга сифишиб, бир неча кунлаб ётиб кети-
шарди. Фақат ўз элининг — Тўғалоқнинг қалачилари
эмас, бошқа грузшчик ўртоқларининг эллари даги, бош-
қа бўлислардаги танишлари, яқинлари ҳам Сеитнинг
феъли кенглиги, қўли очиқлиги, хушмуомалалигини орқа
қилиб, унинг уйига туша беришарди.

Қишида сўқим сўйиларди, ёки ёзда юнг, қил-қилчиқ-
ни шаҳарга олиб келиб, бозор қиладиган, элдан келган
меҳмонлар, Затон ишчиларининг уй-уйларини, қўра-ҳов-
лиларини лиқ тўлдириб ётишарди.

Ўшандай вақтларда Сеит камбағал меҳмонларга
овқат қилгудек гўшит, ушатиб қўйгундек нон тополмайдиган
кунларга ҳам қоларди. Фақат кўп меҳмонлар
ицида камбағалнинг ҳолини яхши биладиган эсли-ҳуш-
ёр одамларгина Сеитнинг сирини англаб, енг ицида
топишиб, унча-мунча ёрдам қилиб кетишарди. Сеит
билан унинг ўзига ўхшаш ҳиммати баланд рафиқаси
Қатша бўлса, жуда ҳолатдан кетиб, силласи қуриб
қолмагунча «кута олмаймиз, қўл қисқа!» деб сир бой
беришмасди.

Аҳил қўшини қозоқлардан, ёки ўзларига ўхшаиш рус
ишчи-грузшчиклардан, мастердан, девор-дармиён тотук
дўсти, темирчи Кирилдан тийин-пийин олиб, меҳмонини
кутиб юбориб, кейин меҳнати билан қарз-қоваласини
тўлаб юрарди.

Сеит паҳлавонлиги, мардлиги устига жуда ҳам ўй-
наған-кулган, хушфөъл, хушчақчақ йигит. Шу феъли-

учун Абен билан бирга Абайнинг ини дўсти шоир Дармен ҳам жуда ҳурмат қиласади. Дармен билан Алмажамбет, Муқа сингари ашулачи, шоир санъаткорлар билан Сеит, Абенлар бошылғы Затоннинг барча ишчилари кўп улфатчилик қилиб, соғинишиб туришарди. Шуларга қўшиб Боймагамбетни ҳам ўша ишчилар жуда қадрлашар, яхши кўришарди.

Шу одамлар орқали Затоннинг Сеит, Абен сингари ишчилари Абай асарларининг кўпини эшишишган. Бир неча йиллардан буён Абай куйларини ҳам Затон грузшчиклари кўп ерларда, кўпчиликка тарқатиб, айтиб юришарди.

Сеитнинг уйидаги уч торли жаранглаган Семей дўмбирасининг сози бузилмайди. Қўли бўшаб, сал тинибтинчили дегунча Сеитнинг ёлғиз ўзи чалқасидан ётиб ҳам, сайраб турадиган дўмбирасини тўшига кўндаланг қўйиб олиб, Абай куйларини, қир билан қўйининг қозоги айтадиган янги куйларини, татар куйларини ҳам жаранглатиб чалиб, хиргойи қилиб қўшилиб айта берарди.

Ёз бўйи Тўғалоқ элида Сеит шу ашулалирига зўр берди. Шаҳарга, унинг уйига ўз уйидек бориб тушиб юрадиган, Тўғалоқнинг кўпчилик камбағал, камхарж хонадонлари шу ёз бўйи Сеитни ўз ҳолларича бошларига қўйиб кутишди. Биттаси қимизини, биттаси айрон-қатиғини бўлсин, қўзи-улоғини бўлсин, ҳаммасини Сеитга кўндаланг тортишишди. Уйдан уйга, овулдан овулга бориб юрган, ўзи ашулачи ҳам полвон, жуда хушфеъл Сеит, бор танишлари, яқинларига жуда қадрли бўлиб юрган эди.

Тўғалоқ сержамоа эл бўлса-да, ери оз, қўниси кам бўлгани учун ҳар қўнисда кўп овуллар бир бўлиб зич ўтиришади. Буларнинг яқини Соқ деган эл бор. У ҳам шулардек сержамоа, ўсан-унган элнинг биттаси. Соқ-Тўғалоқ деб отлари қўшилиб айтилганидан битта элдек туюлади. Үзлари ҳам жуда тотув. Яна ёмонлиги, безорилиги йўқ, беозор эл. Сони кўп бўлгани учун бу элни оёқ ости қилиб, зўравонлик қилиш осон эмас. Шунинг учун қўшни бўлган Эсбўлат, Үлжой сингари бойлари, безорилари кўп, устун эллар худди мана шу Соқ-Тўғалоқка тега беришмайди.

кунларда ёнига бир үспирин йигитни олиб ўша ерга борган эди. Бунинг таниши бўлган овул Эсбўлатнинг катта бойи, отоқли Ўрозбойнинг қўшниси экан. Сеит ўз ўртоғининг уйида икки кун меҳмон бўлди. Куйлашиб, ўйин-кулги қилишди. Унинг куйларидан ҳам ўланларни қизиқиб, маза қилиб эшитган камбағал-қашшоқлар, молбоқар-хизматкорлар жуда кўп бўлди. Сеит ўзининг қалин ўртоғи Ойсонинг уйини сўнгги кунларда кўпчилик йифиладиган қизиқ, кўнгил очадиган уйга айлантириди. Унчалик жаранглаган, ширалик товуши бўлмаса-да, ўртача, мулоим, ёқимли товуши бўлган Сеит, бу тингловчиларига ҳақиқий санъаткордек кўринди. Айниқса, шу овланинг йилқичи, туячи, мол соғувчи, мол суғорувчи хизматкор-молбоқарлари эшитмаган ўланлар чиқади Сеитдан. Баъзан куйлаб, дўмсирага қўшиб айтса, баъзан Сеит қайнаб кетиб, елдек эсланича териб кетиб айтиб беради. Айтадиган шеърларининг ҳаммаси фақат Абайнинг шеърлари эди. Шунда у Абайнинг бўлисларни мазақ қилганини, беоқибат бойларнинг танобини тортиб, танқид қилганини айтиб беради. Алвон турли тўда бошлиқлари, амалдорлар, элнинг ғаламуси бўлиб кетган йўғон безориларга тамға босиб, дарра ургандек бўлади. Кўпчиликни ҳузур қилдириб «ҳа» дедириб, кулдира-кулдира куйлаб беради.

Сеит кечка, кечки салқинда, ташқарига чиқишиб, кўнгил очишаётган бир тўп ёш йигитлар ичидаги ўзининг полвонлигини ҳам кўрсатди. Дамели деган, унинг билан ёши тенгдош учта йигитни Ойсо бошлиқ дўстлари чақириб келиб, Сеит билан курашга туширишди. Сеит ўша йигитларнинг учовини ҳам, кетма-кет ўзининг Семей курашида қўллайдиган усулидан қилиб кўтариб урганди. Орқалаб олиб «грузшчикларнинг усули шундай» деб, чалқасидан кетказиб, ўнг елкасидан ошириб, тумоқдек учирниб туширганди.

Бугун тушда кўп одамлар тўпланаётган катта овланинг ўртасидаги қудуқнинг бошига Ойсо билан Сеит ҳам келганди. Шундан олдин қудуқга бир қари она тия тушиб кетган экан. Уша тияни чуқур қудуқдан чиқариб олишнинг оворагарчилигига кўп эркаклар йифилишган экан. Тия ҳам, қудуқ ҳам бой Ўрозбойнинг мулки. Қулишсан тишин шикорини ҳам кетади, ҳам дароматдарниш

мол сугортираётган Үрозбойнинг бақироқ ўғриси Қийқим атрофидаги йигитларни йиғдирган экан.

Сеит билан Ойсо шунга келишган эди. Туяни чуқур, кенг эски қудуқдан чиқариш осон бўлмади. Лекин йигирмага яқин эркакларнинг ҳаммаси ҳам семиз, қари, сариқ туяни чиқаришда унинг бош томонини ўз қўлига олган Сеитнинг қаттиқ ғайрат қилганини барала айтишганди. Туя қудуқдан чиқарилгандан кейин, энди ўша эски, катта қудуқнинг сувини тозалаб, покизалаб олиш зарур бўлди. Бор овулнинг молигина эмас, тог этакларидаги қўнисда ўтирганларнинг ўzlари ҳам шу қудуқдан ичишар экан. Яйловдек эмас, ҳозир бу элларнинг кузевга қараб кетаётгандаги қўнисларида бўш сув, наҳир, булоқ йўқ эди.

Кўпчилик анчагача икки томондан челаклаб тортиб, сувини қуритиб, қудуқнинг тагигача тозалаб бориб қолди. Худди шу топда бўш ўтирган бир қанча камбағал-қашшоқлар яна Сеитни қўзғай бошлишди. Кечадан буён ундан эшитган, илгари қулоқларига етмаган яхши ўлан, «таълим-тарбия» деганларни яна айтиб беришни илтимос қилишди.

Сеит кўнгли чоғ кезларида кутдирмай, таранг қилмай, билганини айта қоларди. Ҳозир ҳам шундай қилиб, «Йироқдан сермап» деган шеърни дам ўша шеърнинг ўз оҳанги билан айтиб, дам елдириб-йўртиб куйга солмай териб кетиб, анчагача айтиб кетди. Ўзининг айтиш суръатига ва Абайнинг сўзларига берилиб кетиб, руҳланиб айтиётган Сеит, атрофида ўтирган баъзи бир бойваччалар, ёш-ёш йигитларнинг ва бир-икки кекса хизматкор — қўшниларнинг унинг орқа томонига қараб, кимдир ўнгайсизланиб, қараб-қараб қўяётганини пайқамаган эди. Эшитувчилар энди уни чала эшитиб, Сеитнинг орқасига қараб аланглай берганларидан кейин Сеит сўнгги сўзларини шундоқ айтиб битира қолди. Шу он ўзи ҳам айланиб орқасига қаради. Қараса, орқасида оқ қуён телпагини кўзига тушириб кийган, семиз, бақувват оқбўз отга минган бой Үрозбой бунга қаҳри билан хўмрайиб, ўқрайганича қараб турган экан.

Үрозбой Сеитнинг саломига дурустроқ алик ҳам олмади. Энди от устида қамчинини қисиб ушлаб, Сеит томон энгашди-да, заҳарханда қилиб:

— Сен қашшоқ, нима бу, менинг овулимга кимнинг гапларини келтириб юрибсан? — деди.

Сеит аввалига тушунолмади.

— Қандай гап олиб келибман, нима деяётирсиз, бой?

— Нима, тошмоқчимисан? Ҳали ўз қулогим билан эшиздим-ку!

Сеит энди тушунди-да, очилиб кулиб юборди.

— Ҳа, ҳалиги Абай шеърларини айтаётирсизми! Ҳа, тўғри, уни айтиб юрадиган одатим бор. Саҳрова эмас, ҳатто шаҳарда ҳам кўп айтаман. Нима қил дейсиз, бой ака?

— Қани яна айт-чи, биттасини! Кўрсат-чи, яна бир тиғингни!

— Айт десангиз айта бераман. Тифум ҳам, сирим ҳам йўқ. Менинг айтадиганим — билганимгина! — деди-ю, Абайнинг ўтган йили ёзган, ўша йили Дармен билан Сеитнинг ўзи ёдлаб олган «Молпарастнинг дарди йўқ молдан бошқа!» деган шеърини куйга солмай шундоқ айта бошлади. Чўкка тушиб ўтирганича Сеит бараваста, кенг кўкрагини Ўрозбой томон қаратиб олди. Гердайган бойга нисбатан унинг кўнглидаги ғазаби оз эмасди. Ҳозир Абай сўзларини, бир катта гуруҳ қозоқ халқи нафратланадиган ёвуз бойнинг юзига айтишга Сеит қизиқиб кетди.

Шеърининг эндиғи сўзлари ҳам унинг қўлига тўғри сўйил тутқазиб, «ур» деб тургандек эди. Шеърнинг ўша сатрларини, Ўрозбойнинг ғазабга тўла ёлғиз кўзига ўзининг кичикроқ ўткир сарғиш кўзларини тикиб туриб, Сеит аниқ қилиб, бошига ураётгандек қаттиқ айтиб кетди:

«Мол йиғади мақтаниб билдиргани,
Кўзни ўйиб, мол билан куйдиргани!
Ўзи чўчқа, бошқани ит деб ўйлар.
Шўрва билан суяқ бериб кўпидиргани.
Ақлли деб, орли деб, оқкўнгил деб,
Мақтамайди ҳеч кимни бу чогда кўп. —
Шу кунларда мол қаерда шалтоғида,
Олтин берсанг тортина мас тезагин ебл...» —

дэйиши биланоқ Ўрозбой ҳайқириб: «Бўлди, бас қил, алжима! Менинг олдимга тортган тортиғингми бу!» деб ўқталиб келди,

Сеит ҳайрон бўлиб, бир оз жим қолди-да, хайиқмасдан жавоб берди.

— Оқсоқол, мен шоир ёзган гапни айтдим. Сиз билан нима ишим бор! — деган эди, Үрозбойнинг энди зардаси қайнаб кетган экан, Сеитга ўчакишиб қаради.

— Сен ўзинг тентираб юрсанг-да, бекорга юрмаган экансан. Шундай экан, ҳалигининг эвазига, мен ҳам сенинг олдингга тортадиганимни тортаман. Туш анави қудуққа, тозала қудуғимни! — деб бўкириб буйруқ қилди.

— Йўқ, оқсоқол, мен тентирасам-да, сизнинг эшигингизга борганим йўқ! Қудуғингни тозалайман деб келганим йўқ. У нима деганинг?!

Үрозбой отини тепиниб, ўдағайлаб келди.

— Гап шу, туш қудуққа! Бўлмаса кечадан буёнги, ҳалиги қилиқларингнинг ҳаммасига қиласидиганим шу — сен эшитиб кўрмаган жазо бераман!

Сеитнинг жаҳли чиқиб, ўрнидан турди.

— Нима учун берасан? Қандай гуноҳим учун жазо берасан?!

— Гуноҳинг менинг душманимни ёқлаганинг.

— Душманинг ким эди?

— Билиб туриб, билмасликка солма. Сўзини олиб келиб, корчалонлик қилиб!. Абайни ёқламагандা, кимни ёқлаётисран?!

— Э-й, Абайни айтиётисизми?..

— Ҳа, Абайни айтиётирман. Ҳаромини айтиётирман! Элни бузадиган ғаламусни айтиётирман!..

Сеитнинг ҳамиятига тегиб, нима бўлса-да, чидашга аҳд қилди.

— Ҳа, тўғри, сиз айтсангиз шундоқ дейсиз. Биз айтсак-чи, сиздек бойларни Абайдан ғадаға кет деймиз! — деб Ойсога ияқ қоқди-да, кетаберди.

Үрозбой ўшқириб буйруқ қилди:

— Ушла, анавини! Сол мана бу қудуққа, ташланглар! — деб Қийқимга қаради. Ўзи ҳам қамчинини қаттиқ ушлаб, Сеитнинг орқасидан интилган Қийқимнинг ёнига кириб, ғазаб билан ўшқирди.

— Ушланглар, ёпирилинглар! — деди.

Үрозбой ўшқиргани билан, Сеитни биладиган, кечадан буён сўзлашган, маҳоратини кўрган қашшоқлар қўзғалишмади. Қийқим бир-икки овсар йигит билан Сеитни қувиб етган эди, Сеитнинг қонталашган ғазабли

күзлари, энди унга ялт этиб қаради-да,: «Тумшуғингни талқонлайман! Йўқол, кўзимдан!» — деб кета берди.

Бу ердаги камбағал, молбоқарлар Ўрозбойнинг уларга ўқталиб: «Ушла, югур, сургаб олиб кел!»— деган буйруқларининг бирортасига қулоқ солмай қўйди. Икки-уч кекса қашшоқ: «Қўйинг, сабр қилинг! Нима қиласиз, меҳмон-ку!» дейишган эди, Ўрозбой шундоқ деган уч камбағалнинг бошига қамчи билан солиб юборди. Узи энди йўғон товушининг борича бўкириб Сеитнинг орқасидан оғзиға жуда ёмон бир шартни олди.

— Ҳозир сени ушлатиб олиб, ерга тиқмасам, кофир бўлай!— деди-да, бўз отини нихталаб, бақирганича: «Отлан, тўплан, отлан!»— деб чопиб кетди.

Шундан кейин Сеит Ойсонинг уйига келиб, отини ушлатиб олгунча бўлмай, бу қашшоқ овулга йигирма-ўтиста сўйил-чўқмор, арқон-чилвир кўтарган, ҳовлиқма, қутурган йигитлар чопиб келишди. Ойсони савалаб, ажратишига қўймай, тўдаси билан Сеитни ўртага солиб, диканглатиб, олиб кетишли.

Ҳали жаҳли чиққанича қутуриб кетган Ўрозбой, ҳозир жинлари бўғаётган фолбиндек, катта уйининг орқасида, лабларининг икки четидан кўпик сочиб, тutoқиб, бир тўп одамга ер қаздираётган эди. Жаллодлари Сеитни олиб келишганда Ўрозбой энди бир машъум буйруқ берди.

— Жазо бераман дедим-ку, деганим шу! Ерга тиқман деганим. Тўшида нон пишадиган қашшоқ-ку! Солинглар манави гўрга! Тириклайн ерга кўмиб, шундай қилиб ерга тиқаман!— деди-да, Сеитнинг икки қўлини қил чилвир билан орқасига бойлатиб, чуқур қилиб қазилган қуруқ ўрага ташлатиб юборди. Шу орада ўзи бошлаб икки томонлаб чим-тупроқни Сеитнинг устига ташлай берди. Ҳаммасини ташлаб, уйрон солиб, бирлаҳзада ўрадан бошигина кўринар-кўринмас бўлиб турган Сеитни, чиндан ҳам тириклайн кўмдириб ташлади. Фақат ўлиб қолмаслиги учун, иягигача кўмдирди-да, ялангбош бошини, юзинигина тупроқдан ташқари қолдирди.

Ўрозбойнинг буйруғини ундан қўрққанидан, яна бир томони безорилик, каззоблик билан ичидан маъқул кўриб, амалга ошираётган Қийқим сингари зўравонлар бор эди. Улар Ўрозбойнинг орқасида шу чокқача бос-

Қинчилик ҳам қилишган, овулларга ҳужум ҳам қилишган. Кўпларга дарра ҳам уришган. Қанча-қанча ёқалаш, муштлашларда кўпларнинг бошини ёрган, қўлини синдирган, қон тўкиб юрган шумлар бўлишса-да, худди мана шунингдек машъум жазони кўзлари билан кўришмаганди.

Ҳозир шуни қўллари билан қилишди ҳам. Туш пайтида қора ерга тириклайн тиқилган, хўрлик жазога учраган вижданли йигит Сеит тун кечагача дамини чиқармай, мана шу таҳқирона жазо остида қолди.

Урозбой бу ишни қудуқ бошида, Сеитни кўргандан кейингина ихтиёр қилмаган эди. Икки кундан бўён унинг Ойсодек камбағалнинг уйига келиб, Абайнинг шеърларини айтиб, кўпчиликни ҳайрон қолдириб, шайдо қилаётганини билиб юрганди. Шунинг ўзи учуноқ Урозбой кеча одатдаги ўжарлигидан қилиб, Сеитни олдига чақиритиб келиб, жазо бермоқчи бўлганди. «Овулдан, элдан ҳайдаб юбораман», «қўрамнинг четига келиб, Абайнинг товуши билан ҳуришини кўтаролмайман», «ундай санқиб юрган итни уриб-уриб ҳайдаб соламан!»— деб бир жазаваси тутганди. Унда қимиз ичиб ўтиришган баъзи бир кексалар: «Овулингга келган ёлғиз-ярим, қадр-қиммати йўқ, йўққа ҳисоб бир яланг-оёққа қўлингни булғатиб нима қиласан», «Гапирадиган гапингга, жаҳлинг чиққанига арзимайдиган, тентираб юрган бир қашшоқ билан тенг бўлиб ўтирасанми!»— деб босиб қўйишганди.

Бугун қудуқ бошига кетаётib Урозбой ёнидаги йигитдан: «Сеит кетдими?»— деб сўраган эди. Шу топда у яна кеча билмаган, эсига келмаган бир ишни эндинга билиб, яна ғазаби ўт олиб, тишини қайраб келаётганди. Суриштириб кўрса, анави йили Макен деган қизнинг шаҳарда бўлган жанжалида, донғи чиққан баҳайбат йигит мана шу Сеит экан. Қизни Затондан Қўрабойлар тортиб олиб келаётганида, орқаларидан қувиб, паромнинг устида етиб келган полвон йигитлар бўлди дейишган эди. Шунда Урозбой билан Сейсекелар юборган Дўндағул деган түя полвонни, шаҳарнинг энг бақувват, чапдаст йигитини «бир уришда пирра қилди», «Затоннинг бир баҳодир паҳлавони бор экан» деган гаплар ҳам бўлганди.

Уша йигит мана шу Сеит. Бугунги аламнинг устига Урозбойнинг эски кеки ҳам бор экан. Шу қўшилгандан

кейин қудуқ бошига келаётганида, Үрөзбой Сеитни «Қандай қилиб жазо берсам-да», «ҳақим бор. Менинг қошимда айборнинг биттаси. Қўлимдан ким тортиб оларди, кўрарман!» — деб ғижиниб келганди.

Бундан кейинги иш, бу атрофнинг одами эшитиб кўрмаган даҳшатли, мудҳиш жазо Үрөзбойнинг шу сингари тишини ботириб келган қасдлигидан туғилган эди.

Үрөзбой, ўзи тириклайн ерга кўмдирган Сеитнинг ўлик-тириклигини билгиси ҳам келмади. Туш пайтида кўмилган одамни кеч кириб, қош қорайгунча ҳам «қай аҳволда ётибди» деб кўнглига ҳам олмади. Овулига, уй ичисига ўтказган қаҳри-ғазаби шу қадар кучли бўлмоғи керак. Унинг овулидаги одамлардан ҳам бирортаси Сеитнинг яқинига кела олмади. Фақат эл ётгандан кейингина, кун бўйи жигари хум бўлиб, Сеитга ачинаётган бўлса-да, иложини тополмай тинкаси қуриган Ойсо, қоронғи тунда Үрөзбойнинг овулидати кекса қоровулга келди. У илгарилари чўпон бўлиб юриб, ҳозир кечаси қоровулчиликка кўчган мўмин, кекса малай эди.

Уша қоровул пицирлаб, Үрөзбойни барча ёри-биродарлари билан қўша қарғаб, Ойсони эргаштириб келиб, Сеит кўмилган жойни кўрсатиб қўйганди. Ойсо билан икки кишилашиб тупроқни тирмалаб чиқаришиб, Сеитни зўрга чиқариб олишганди. Дами чиқмай қолган Сеит тириклайн кўмилган гўридан ёри-дўстлари тортиб олишганда сал ҳушидан кетиб, шилқ этиб тушдида, бир оздан кейин ўзига келди.

— Сув! — деб сўради-да, тери челякда олиб келинган қудуқ сувидан ичиб, қайтадан куч-қувватини йиғиб, ётган жойидан ўзи турди. Унинг билан бирга келган ёш йигитча ҳамроҳи таёқ еб, кегайга танғиб қўйилганича, Үрөзбойнинг қўлида қолди. Сеитнинг ўзи Үрөзбойнинг овулидан пиёда юриб четга чиқиши билан: «Касрим тегади, энди сенлардан бундан бошқа ёрдам керак эмас! Яхшилигингиздан беҳад миннатдорман. Тездан уйларингизга қайтинглар!» — деб Ойсо билан қоровул чолни қайтариб юборди.

Ўзи Үрөзбойнинг чўпони минадиган бир ола от яқин ерда арқонлаб қўйилганини пайқаб қолган эди. Ҳалиги икки кишини жўнатиб юборди-да, ўша ола отга яйдоқ миниб, лўкиллатиб чоптирганича Тўғалоқ овулларига қараб кетди.

Эртасига чоштгоҳ пайтида Сеит тушган Тўғалоқ

овулларининг устига гала-гала одамлар йиғила бошлиди. Бугун қурбон ҳайити эди. Шунга атрофдан одамлар йиғилишаётганди. Бу қўнида ўтирганлар жуда кўпчилик. Ҳаммаси ҳам Соқ-Тўғалоқнинг беозор, ўз рўзгори билан машғул бўлган беҳисоб ҳалқи-фуқароси, камбағал-қашшоқлари.

Узун ўлка бўйида булоқлар бўлганидан, ҳар бир қўзи қадами етарли ерга саёз қудуқ қазилиб, овуллар қўнибди. Қанот улашиб қўнишган. Овулларнинг деярли ҳаммаси оддий. Қора-қура уйлардан ёки кўхна кулбалар, чайлалардан иборат. Мана шу кўп ҳалқнинг ўртасида, худди мана шу катта қўнида оқ уйли, моли кўп, бой овуллар кўринмайди. Шунга яраша бу эл баракали, тутув, чири чиқмайдиган, борини бўлиб, еб, бўлиб ичадиган аҳил эл.

Ҳайит куни яна бирорта овулга, уйга алоҳида оғирлик келтирилмаган эди. Сержамоа элнинг кўп эр-азаматлари битта-битта отларига минишиб, ўз уйлари, овуллари, уй иchlаридаги овқатланишиб, отланишганди. Чоштгоҳ пайтида шу сингари кўп эр-азаматлар той-пойларини, озми-кўпми уловларини бўлиб минишиб, кўп овулларнинг ғарб томондаги тоши йўқ, чўпи қалин бўз телага йиғилиб чиқишганди. Худди мана шу тўп энди улоқ тортишиб, от устида келиб танга олишиб, енгилгина ўйин-кулги бошлаган пайтда, кўп одамлар турган ернинг қоқ ўртасига Сеит келди. Ез бўйи уйларидаги Сеит меҳмон бўлиб ётган, шу овуллар биладиган севикли азамат дўстлар бор эди. Булар ҳам бой-боёнлар эмас, кўпчилик ичидан чиқсан, кўпларга қадри бўлган, қўлларидан ботирлик келадиган, эс-ҳушли, гап-сўзлари маъноли йигитлар. Булар сийлашган билан сийлашиб, сирлашган билан сирлашиб, ўз ҳолларича олишибан билан олиша биладиган, ҳам бардам, ҳам обрўли ёшлилар эди.

Биттаси — Тўғалоқдан чиқсан Жўматр, иккинчиси — Соқдан чиқсан Үмар. Бу иккови ҳам Сеит билан тенгдош эди. Ез бўйи Сеитни кутганларида ўйнаган-кулган, хушчақчақ уч шерик бўлиб юришганди. Узлари яна паҳлавон йигитлар, манави Эспеда ўтирган ўн беш-йигирма овулнинг ҳаммасига ҳам жуда иссиқ кўринадиган қадрли ёшлар бўлишганди.

Ҳозир Жўматр билан Үмар ўрталарига Сеитни олиб, дўнглик тепасида турган халойиқ ёнига боришиди. Ранг-

лари ўчган, нафаслари оғизларига тиқилған, бошларига тұмоқ ҳам киймаган, ёқалари очилиб кетған ҳолда шошилиб келишди. Ылда турғанлар билан дурустроқ саломлашишмади ҳам. Баъзи бирорлар: «Мана буларга нима бўлған? Олдирган одамларга ўхшашади-я! Ҳарқалай бир кори-ҳол бўлди, бирор совуқ хабар олиб келишдими?»— дейишиб, кўпчилик ораларидан йўл беришди.

Тепаликда турған Соқ-Тўғалоқнинг, Жуонтаёқнинг оқ соқол, қора соқолларининг орасида ёши улуғлиги бўлмаса, моли-ҳолли, чинлик-марtabалик «самалдор», «эл оғаси» дейиладиганлардан ҳеч ким йўқ эди. Лекин, кутилмагандан шу тўпнинг ичидаги Бозорали билан унинг яхши кўрадиган баҳодир қашшоқ қариндоши, Сеит билан қадрдан, тутув — Абди бор эди.

Сеит сўзламади. Жўумарт товушининг борича сўзлаб, Бозорали билан ўз элининг катталарига Сеит кўрган хўрликни «мудҳиш иш» деб айтиб, ошкора қилди. Бақириб сўзлаб, Ўрозбойнинг ўзини ҳам, моли-мулкини ҳам қаттиқ ҳақорат қилди.

Ундан кейин Ўмар янада номус қилиб, ғазаб билан ҳайқирганича қичқира бошлади.

— Элмисан, ёки ҳезалак ҳори-зормисан, мана шу турған эр-азаматлар! Бундай таҳқирлаб ҳўрлашни кўриш эмас, эшитган эдиларингми? Шу ишларни қилиб ўтирган ёлғиз кўзли ялмоғиз, шум кўрга кўрсатадиган эрлигинг борми, йўқми?! Ҳаддидан ошиб кетди-ку бу жуда! Индамай қола берамизми шундай?!— деди. Баъзан Ўмар билан Жўумарт галма-гал ҳайқиришиб гапиришди. Бўлган ишни овулдан эшитиб, чопганларича энди етиб келишган яна бир неча ёш йигит ғазаб билан ҳайқиришди. Лекин тепаликда турған кўпчилик ёрилиб, бирор жавоб қилмай туришганди.

Жўумарт Бозоралини танир эди. Энди ҳайқириб, бақириганича ўша Бозоралининг ёнига борди, ўшашга арз қилиб, маслаҳат сўраб, ёрдам тилаб гапирди.

Бозорали бу элга кечагина келган эди. Шу овулларда жиянлари бор эди. Яна Тўғалоқнинг шу ердаги бир авлодининг, бир тўп овулларнинг онаси Жигитек элидан тушган қиз эди. Шунинг учун Бозоралини Ўмар сингари йигитлар «тоға» дейишиб, ҳурмат билан қарши олишарди. Ҳозир ҳам Ўмар билан Жўумарт иккови Бозоралига галма-гал гапиришди.

— Тοға, ҳеч бўлмаса сиз айтинг-чи! Мана бу турган ювош эл нима қилишини билмай гангиб қолганини кўраётисиз-ку? Нима қил дейсиз, ўл десангиз ҳам ўзингиз айтинг-чи! Бир маслаҳат беринг-да! — дейишди.

Бозорали Сеитга ачинганидан зўрға чидаб ўтирганди. Ёнидаги Абдига пичирлаб: «Аттанг, бу хўрликни кўр-а, шуни кўриб эшитгунча ўлган ортиқ-ку!» — деганид.

Шу билан бирга буқунларда ноchorланиб кетган дили қаттиқ уриб, ўпкаси оғзига тиқилаётгандек бўлди. Насаси жуда сиқилиб, қийналиб зўрға ўтирганди. Ҳалиги ғазабли, жаҳли чиққан, номусли йигитлар энди унга қараб гапиришганда, Бозорали пайқаб кўрса атрофидаги турган катта тўп, мўмин халойиқ оқ соқол, қора соқолнинг, ёшу қарининг ҳаммаси ҳам ундан умид қилиб, тикилиб туришган экан.

— Айтсин-чи, шуни Бозаканг айтсин-чи! Иўл кўрсатсин-чи!

— Шундай пайтларда қамалдан олиб чиқадиган, гангиғани бошлайдиган ўзи эди-ку.

— Кўпчиликнинг доноси-серкаси эди-ку! — деган гаплар биридан-бири қаттиқроқ чиқиб, халқ нидоши бўлиб, туташ эшитилди.

Бозорали элнинг сирини билади. Кўп томирларини, айниқса, миришкор меҳнат аҳлининг кўнглидагисини, кекса томирчидек жуда яхши билади. Сергак идроки, шу чор, ўзи кутмаган ҳолда, силкиниб уйғонди. Бор кучини йифиб, бошқа отларнинг ҳаммасидан елкаси, сағри баланд турган қари чавкарига мингган ҳолда, икки узангига оёғининг учини тираб олиб, атрофдагилар эшитарли қилиб, Жўматларга қаратса қаттиқ гапирди.

— Ҳой, эр йигитлар, мени тоға деб маслаҳат сўраётисиз. Тоғанг бу кунларда бармогини тишлаб, ўлгунча ўқиниб ўтирибди. Кўнгли-кўксим интилгани билан дард босиб, мадорим қуриб турибди. Лекин «домланинг қилганини қилма, айтганини қил» деган гап бор. Тоғангга қулоқ солсаларинг ҳозир унинг беморман деганига қулоқ солмаларинг, қилганини қил! Бундай пайтда менга қолса, қўлимдан келганда нима қилишимни биласизлар-ку, қардошларим, элим! Қараб тургандан нима чиқди!? Ўроэбойдан мана шу Сеит кўрганининг алвон турлилигини ҳар куни кўрмаганларинг борми? — дедида, қовоғини соганича иззали сўзларини қисқа қилди.

Бўзтепанинг қоқ чўққисидан то йироққа чўзилган этагигача беҳисоб лашкар, эр-азаматлар қотиб, серрайиб туриб, Бозоралининг сўзини тинглаётганди. Шу атрофда бугун отга мингани ёшу қарининг ҳаммаси, эр-азаматлар батамом бўзтепани қоплаб, сиқилишиб туришганди. Энди Бозоралидан жанг шиоридек, Урозбойга беомон ҳукм бўлган, қаҳри-ғазабга тўла сўзлар оти-либ чиқди.

У ҳайқириб баланд овоз билан шанғиллаб сўзлаёт-тир.

— Урозбой кўрни ҳаддидан ошириб юрган олдидағи моли-ку. Ўша мол мана шу юрган беҳисоб халқнинг кўз ёшидан топилган эмасми?! Қайси бирингизга зўрлик қилмай, хўрлик кўрсатмай, йўғонлигини ўтказмай юрган эди. Урозбой ошиб-тошиб бўлгани йўқми, кечаю, букупнларда?! Қарши чиқиб жазасини бериб қўядиган бирорта эр, ё бирорта эл чиқадими, йўқми?! Кора алвастининг қорин сочи олинмай кетаверадими?. Йўқ, кетма-син!.. Олиш керак элнинг ўчини, эрнинг ўчини! Кечагина, қозоқ боласи қадр қиладиган Абайнинг ўчини ҳам олиш керак!.. Мана бу олдиларингга йиғлаб келиб турган асл азаматнинг, Сеитнинг ўчини олиш керак!.. Беҳисоб эл ёпирилиши керак!.. Қўрқмаганини, ҳайқмаганини кўрарман ундай разил кўрнинг!.. Беҳисоб эл қани шу турган бўйингча бир ёпирил-чи. Ол ўчинги, ол эрнинг ўчини, Абайнинг ўчини ол!— деб ҳайқирганича буйруқ қилди.

Шу бўлди-ю, тирбанд турган эр-азаматларнинг оғиздан шиордек бир неча ўткир, аниқ, очиқ сўзлар алан-гадек ловиллаб, тарқалди-келди!.. «Ўчингни ол!», «Элнинг ўчини ол!», «Эрнинг ўчини ол!», «Абайнинг, Абайнинг ўчини ол!», «Кимнинг кўз ёши тўкилмаган!», «Ким хўрлик кўрмаган эди Урозбойдан», «Ёпирил беҳисоб эл!» — деб бўзтепанинг бошидан этагига қараб, этагидан қайта ловиллаб юқорисигача ҳалиги гаплар алан-гадек отилди. Ўзини, ҳар бир кўнглини номус билан чалпиган оташ билан, виждон ўти билан энди мана шу халқ турган ерини ларзага келтириб, титратгандек бўлди. Бошқа гапга ўрин йўқ эди.

Жўматр, Умар, Абди бўлишиб юқоридан пастга қараб «Қопла!» «Қопла!» деб, «Урозбойнинг овули қанисан?» деб от қўйганларича кетишди. Қўлларига йўлдаги оувуллардан сўйил, сиртмөқ, чўқмор, найза илинган

азаматлар қуролланипди-да, күпчилик йўғон-йўғон қамчиларига ишонган ҳолда қалин селдек қоплади-кетди. Жами беш юз кишича эр-азамат шу ердан икки давон нарида ўтирган Үрозбойнинг бир тўп оқ уйли овулларига худонинг ҳайқириб тоғдан оққан ғазабидек, чиндан тутоқиб кетган элнинг ғазаб селини ағдаришди.

Бу тўпни ҳозир бошлаб кетаётганлар Жўмарт, Үмар, Сеит сингари эр йигитларнинг ўзлари. Бемор Бозорали ҳужумга ярамай озгина оқ соқолларнинг ичидаги қолди. Бироқ, Абдига ўзининг саккиз ўримли бузоқ тиш деб аталган қамчинини бераётиб: «Мен учун ўнта душманнинг бошини ёр! Шундоқ қилмай қайтма!»— деб Абдини ёнидан қайраб жўнатди.

Ота ўғли эмас, ғазабланган беҳисоб кўпчилик «халқ ўғли» бўлган азаматларнинг ҳужуми Үрозбойнинг овулни тўс-талқонини чиқарди. Булар туш пайтида кўп овулларнинг ўртасида салқинлаб турган, Үрозбойнинг ўзи билан ўғилларига битта уч минг йилқини «қийғос-сурон билан» батамом ҳайдаб кетишиди. Учта желига боғланган юздан ошиқ қулунларнинг, желиларини шарт-шурт кесиб, тум-тарақайнини чиқаришди. Үларини савалаб, кегайларини синдириб, ташқарида юрган эр-какларни саваб-сўйиб, қувиб уй-уйларига тиқишиди. Беш юз киши довулдан оғир, селдан бадтар тўполон қилиб, Үрозбойнинг овулларини босиб пайҳонлашиб, у ёқданбу ёққа ўтишиди.

Үрозбой билан унинг уй-уйларидаги ўтирган болалари, жигарлари, қариндошлари, хотин-халажлари бош чиқариш у ёқда турсин, индан инга тиқилишиди. Үрозбойнинг ўзи ҳам ноиложликдан тинкаси қуриб, тўшагига ёта қолганди, унинг ҳолини англаған ёш хотини тўлиб ётган кўрпа-ёстиқларни устига уйиб ташлаб, яшириб қолди.

Шу сингари кутилмаган бир вақтда кўп юраклардан отилиб чиқсан одилона ғазаб, беҳисоб элни кўпдан буён қурбон қилиб юрган оғзи қон бўрининг ини оғзида фужон ўйнаб, таҳқирлаб жазо берди. Лашкар ҳаракати деса, ҳақиқий лашкар ҳаракати. Ҳужум деса, ҳақиқий тап тортмай қилинган ҳужум бўлди.

Илгари Үрозбойнинг ёлғиз ўзи кўпчиликка шу сингари лашкар ташлаб, ҳужум қилиб келган бўлса, энди бугун оти йўқ, теги-тахтли ёв эмас, бироқ аллақанча салмоқли, устундан-устун, кучликдан-кучли тўдалардан бир қанча кўп, ҳақиқий ноёб куч, жазо беришга чиқ-

қан эди! Илгари у кўпларни йиғлатган бўлса, энди ўша кўп элдан йиғилган кўпларнинг ўзи келиб, унинг молини нобуд қилиб, овулини чирқиратиб, ўзини ерга тиқиб ҳўрлаб, ўч олиб кетди.

Худди шу топда Тўғалоқнинг Соқнинг, Жуонтаёқнинг Абрали, Номоной, Мусирали, Бойғулоқ, Қоражонлардек бойлари — Соқ-Тўғалоқнинг ҳалиги ҳужумга қўшилган азаматларидан, тўпларидан, кўп овуллардан безиб қочишиди. Биттаси Үроэбой билан қуда, биттаси тилакдош-ошна, яна биттаси кўп ҳаромликларни бирга қилишган емтукдош бўлганидан, номи йўқ кўпчиликнинг можаросидан бошларини овлоқ қилиб, айтайн қочиб кетишиди.

Мана шундай қилиб, Кўшбикеда ўтган йил Абайнинг жонига қилинган қасдликдан кейин, йилдан ошиқ вақт ўттан чоёда, атайин аҳди-паймон қилишмаса-да, ўша Абай учун ўртаниб-куйган халқ, беҳисоб эл ўзининг ғазабли ўчини Үрозбойдек ёвуздан шу зайлда олди.

2

Бугун туш оққан пайтда Бозоралининг овулига бир иш билан борган Дармен қайтиб келди. Бозорали билан Абди Тўғалоқда бўлган воқианинг ҳаммасини достон қилиб айтиб беришибди. Дармен Абай билан Боймағамбетга, Муқага ўша ишларни, айниқса ўзи курсанд бўлиб, терисига сиғмай ўтириб, гапириб берди. Бўлган ишларнинг ҳаммасини айтиб келиб, Бозорали гапининг охирида унга бошқача гапларни айтди. Дармен ўшани ҳўп уқиб, ёдига сақлаб келгунича, Абайга қараб ўтириб, қандай бўлса, шундай етказди. Бозорали шунда:

— Мен тепалик бошида қолиб, беш юз киши ери ларзага келтириб, гуриллатиб «Соқ-Тўғалоқлаб». «Кек учун», «Номус учун», «Эр учун», «Абай учун!», «Азамат учун» деб урон, ҳой-ҳойсурон солиб кетишиганда бошим осмонга бир етди-да! Чинакам ҳужум бошлаб, ёлғиз кўэли ёлмоғизнинг ўзига қараб кетишиганда «ҳаётимда яна бир шу сингари қизиқ он, асл давронни кўрмасамда, армоним йўқ» дедим. Кўпдан буёнги ғашлик кетиб, кўнглим яна бир кўтарилиб ўсгандек бўлди! Утган йилдан буёнғам-ғуссадан қаддимки кўтаролмай, чўкиб кетган эдим. Энди нимасини айтай, тоғ бошига қанот қоқмасданоқ бир интилиб, отилиб чиққандек бўлдим...

«Бозорали энди ўлса ҳам армони йўқ! Сўйилни ишга солганда, катта қабиҳнинг ўзига, энг катта қабиҳлик-нинг бошига тушириб урди!»—деб келдим. Бундек кунни кўришни яна қайта насиб ҳам қилмас! Дардим кучайиб кетаётган бўлса-да, бир аламдан чиқдим-ку! Сирдош қардошлар Бозорали бугун ўлса-да, орқасида қоладиган дўстларига айтиб кетадиган васияти шу!—дебди.

Бу гапларда қанча-қанча сир, қанча-қанча эллик, азаматлик фазилатлари бор. Номус билан зўр одамгарчиллик, юксак фикр пайқалади.

Боймағамбет билан Муқа танглай қоқишиб, бош чайқашиб, Бозоралини олқишилаганларича чин кўнгилдан мақтاشди. Дарменнинг ҳам ўткир кўзларидан ўт сочилиб, чараклаб, дам кулиб, дам қовоғини солди. Қанот пайдо қилгандек кўтарилиб ўтирибди. Шодлик олиб келгандек, эм бўлгудек давони айтгандек Абайнинг ўзига боқди.

Абай сиймосида сабот акс этгани ҳолда хўп тинглади-да, индамади. У ичидаги чуқур хаёлларга бориб, қаттиқ изтироб чекаётгандек бўлди.

Кун қиёmdан оқсан пайтда Абай уйидаги ёри-дўстларини ўша суҳбат устида қолдирди-да, ташқарига чиқиб, ёлғиз ўзи аста-секин пиёдалаб, яқинроқдаги баландликка, сарғиш тепаликка кўтарилди. Шу қўнисадан Ўртенгнинг тўши дейиладиган баландлик, кичикроқ кузевдан эса атроф, бепоён олам яққол кўриниб, гўзал бир манзара касб этади. Абай анча вақт аста-секин бориб, кўпгина йўл юргандан кейин ўша тепаликка чиқди.

Кеч кириб келаётир. Кун ботишига арқон бўйидеккина қолган. Ўртенгнинг сарғиш тепалигидан Абай биладиган кўп тоғлар, далалар, қишлоғ бўлган қат-қават адирлар қатор кўриниб турибди. Чап томонда, кун чиқиши томонда Ўрда тоғи, Тўқимтиққан, Бўқай деган кўкимтири туманга чўлғанган оддий тоғлар кўринади. Үндан нарида, олис-олисларда, уфқда осмон билан ер қўшилиб, туташ суюқ, оқиши-кўк рангга кирган. Уфқ кўринмай қўшилиб кетган, туташ гира-шира туман ичидаги Орқат тоғи, Бойжонтош пайқалади. Уларнинг ўзгача синиқ чизиқлар ташкил қилган чўққиларигина гира-шира кўринади.

Жануб томонга кўз ташлаб чиқсанг, кун чиқишдан кун ботишга қараб бепоён ер, катта ўлкани қуршаб,

қат-қат қора-күк адирли, қалин төф Чинғиз ётибди. Абайга маълум бўлган ҳар тоифа эли билан ва Абай ёш чоғидан биладиган сой-сойликлари, қишлоғ қўнислари кўп бир қанча баланд чўққилари кўринаёттир. Чинғизнинг шу сингари алоҳида-алоҳида кўринаётган чўққилари — йироқдаги Бўрли, яқинроқда Қон, Қораша қўйтоси, оти иссиқ Туеўркеш, Тўқмамбет, ундан нарида ўз қариндошлари макон қилган қадди баланд Қорашибуки, бсрироқда Қидир қат-мақатланганича кўндалангига чўзилиб ётибди.

Чинғизда Шунойнинг қўш чўққиси, ундан пастроқ, берироқда қоя тошли гўзал төф — Дўғолонг турибди. Бир вақт, атрофдаги сукунат боскан оламни томоша қилиб турган Абайнинг кўзлари Туеўркешдан, Қоровулдан пастга қараб чўзилиб ётган оқиш далага тушди. Мана шу кенг сарғиш даланинг теп-текис юзида Шуной, Дўғолонг, Ўрда сингари төғлар бир нафасда Абайнинг кўзига төф эмас, қандайдир ажойиб буюк кемаларга ўхшаб кўринди. Сарғиш денигиз поёнсиз, текис тўлқинсиз, сокит денигизга ўхшаб кетди. Ўша денигиз юзида чўққи-чўққиси билан кесиб олингандек алоҳида-алоҳида турган кўк чўққилар кўк кемаларга ўхшайди.

Эртаксифат денигизнинг эртак сингари кўхна замон кемалари. Ўша эртакда дашти-биёбонларни кезиб юрган ёлғиз кишига онда-сонда дуч келадиган, тилсимланган дунё бўларди. Қимирламай қотиб турган, чексиз-поёнсиз, жонсиз бир пастқам-хилват дунё мудраб турган ҳолда учарди. У ерда тош бўлиб қолган одамлар, тош бўлиб қотиб турган жон-жониворлар кўринарди. Тиқ этган товуш, қимир этган ҳаёт аломати бўлмаган ва тош бўлиб қотиб, жим турган шаҳарлар бўлгучи эди. Абайнинг кўзига кўриниб турган, мана бу кесиб олингандек, сарғиш текис саҳрова алоҳида-алоҳида турган ўзгача тош қоялар, бамисоли ўша тош бўлиб қотиб қолган, тилсимланган тош кемаларга ўхшаб турибди.

Абай бир яҳши ёқимли, оромбахш шарпа сезаёттир. Энди пайқаса, Чинғиз томондан эсаётган салқин шабада борлигини жимирилаштириб, қандайдир ором бериб, мулойим шабада, ёқимли шарпага чўлғаб турган экан. Ичидан: «Ўҳӯ, қандай ёқимли шабада, мулойим шабада!» — деб, чопонининг олдини, яхтак ёқа кенг кўйлаганини бор бўйича очиб, кўкрагини ўша шабадага тўсди. Ажойиб салқин шабада юз-кўзлари, бўйни, кўкраги,

құлларини қуршаб силаб-сийпаркан, баъзи вақтлар шабада әмас, тиниқ, ёқимли тоза сувга ҳам ўхшаб кетади. Гүё ёқимли муздеккина сувга чўмилаётгандек бўлади.

Бу кайфият атрофни қуршаб турган оламга шоирнинг одатдан ташқари худди шу бугунгидек фикр кўзи билан тикилиб, берилиб боқишига етакчи бўлди. Янада кенг, тип-тинч сукут сақлаб ётган ўлкага, ўзи туғилиб ўслан ерларга, Абай узоқ-узоқ тикилиб қаради.

Қуёш ботиб бораётган сайнин атроф хилма-хил рангга кириб ўзгараёттир. Ҳозир Қоровулнинг баланд чўққиси, Кўлқайнарнинг кўп тепалари, энди ёйилиб тушиб турган кун шуъласи билан аниқ кўринаёттир. Одатдаги-дек қорамтири тоғ тепаларга ўхшамайди, энди ўша тоғлар, чўққилар жуда очилиб, ярқираб, тилладек сариқ, очиқ рангга кирибди.

Шунинг билан бирга кун ботиш томондаги Қидирнинг оддий адирлари, айниқса Шунойнинг ҳозирги кўланка босган, партовсиз ёнбағирлари бир бошқа оламга ўхшайди. Қат-қаватланиб кетган кўп адирлардаги кечки кўланка гўё ҳаёт шомига ўхшайди. Ҳувиллаб, қоронғилашиб ўтиб кетган оғир даврондек, ўша ўтиб кетган оғатли оғир кунлардан сақланиб қолган издек кўринади. Фақат совуқ сиймоли ўгайлик, бефайзлик, ўлимга мойил кўнгилсиз бир кайфиятни акс этдиради. Аллақандай мунгли, ғамли он сиймосидек гавдаланади. Ҳозир қуёш шуъласи остида ярқираб турган Қоровул, Кўлқайнар чўққиларига ҳалиги совуқ сояли ажин босган чеҳрали, ғарб томондаги тепалар ишончсизлик, машъумлик изҳор этиб туришганга ўхшайди.

У тоғлар ялписига ишончсиз, шубҳали тоғларга ўхшайди. Яна бир нафасдан кейин ҳалиги ярқираган, кун тушиб яшнаб турган жойлари ҳам оз-оздан йигилган соя, ажинларни кўрсата бошлади. Бу жойларда ҳам энди қуёш шуъласи билан ғамгин кўланка, кўкимтири ажинлар гал олишиб, талашиб туришибди. Баҳт билан баҳтсизлик олишаёттир. Яна бир оз тургач Абайнинг кўзи силжиб, ҳар онини аниқ ифодалаб бораётган бемаҳал чоғни англади. Кеч енгиб келаёттир. Кўланкалар тулашиб бораёттир.

Абайнинг илгари бир вақтда «мунгли кўнглим сирлашар шоми-ғарифон билан!» деган чоғи келаёттир. Ҳозир сарғиш шуъла хиёл тилла ялатилган қаймоқдек

сариқ уфқдагина сезилади. Бошқа майда адирлар ҳам ғарбдаги күкимтириң-қора тортган тоғлар рангига кириб келаётір. Бемаңал чөр оламни ғамғын тортдириб, сүндираётір. Энди ҳалигина ёқимли бўлган салқин шабада ҳам совуққина елга айлана бошлади.

Шу чөр Абай бу оламни, ўзи учун ҳам янгилик бўлган янги ўйлар билан бирга кўздан кечириб турганди. Ери, туғилган ери, энг тўла, энг кўп сирлари бўлган ўзгача эртакчи экан. Ҳаётининг бир қанча баланд лавонларига чиққан Абайнинг ўтган чоғлари қатор-қатор гавдаланиб ўтаётгандек бўлди. Ўша қат-қават тоғлар, оқиш далалар, узун чўзилиб оқаётган Туеўркеш, унинг гўзал тармоқлари, Қоровул, Боллонгдек наҳрлар, унинг ҳаётидаги қанча-қанча чоғларини ифодалайдиган, саҳифаси очилиб турган; ўзгача китобга ўхшайди. Атрофда қаерга кўзи тушмасин, нақадар иссиқ шодлик гавдаланди. Нақадар оғир қайғу, ҳолатдан кетказган, ҳоритган дард-алам, душманларнинг ҳам қанча-қанча заҳарли қасдликлари ёдига тушади. Кўпдан унутилган ҳушёр-хушфаҳм кимсалар ва йироқлаб кетган аллақандай майда воқиалар, ҳоллар — ҳаммаси ҳам ўртулиб,чуватилиб кела беради.

Абай ўз ҳаётини яна бир қайта кечириб ўтгандек бўлди. Ер, ўлка ҳар бир алоҳида чоғларини очиқ ифодалаб турганга ўхшайди. Яна боягидек, эртакдаги кемалардек, тилсимланган одамдек кўринаётган тоғ-тошларни кўздан кечирганича, бир бошқача ҳаёлларга борди. «Ким билади, буларнинг ичидаги бостирилиб ётган сири йўқми?! Ҳозирги наслларга номаълум, банди бўлиб ётган ажойиб бир бошқача куч йўқми?! Шу тоғлар ичидаги мудраб ётган хазина йўлини ким билади... Мана шу оқ адир, сарғиши дарада бир вақти келиб қўр-қут дала-си бўларли ивитқи билан қор йўқлигига ким кафил?.. Бугунги наслларга жумбоқ сингари кўриниб, унсиз мудраб, мангут сукутини бузмай турган дунё, балки вақти қелмаган замоннинг тилсими бўғиб турган дунёдир. Балки бир вақтлар бўлар, бир замонлар келар, шунда шу ерларда қадимги эртаклардаги шаҳарлар сингари қотиб турган, серрайиб қолган кучларнинг барчаси яна уйғонар...»

Абайнинг кўнглида шу ҳаёл билан бирга, бир қизиқ иссиқ ҳаёлдек яна бир аниқ бўлмаган истак пайдо бўлди. Қани энди, ўша дунёни, ўша замонни кўрса!.. Узоқ

Умр кўрмаса-да, ҳеч бўлмаса, қандайдир бир жойдан, қандайдир бир пайтини топиб, бир кўзи билан мўралаб қараса-да, ўша замон, ўша даврни кўрса!..— деган армон, истак Абайнинг кўнглини қамраб олди.

Шу хаёлга бориш билан бирга, «хўш, ўша айтилган бўлажакка, бу дунё, бу даврондан нима боради, нима етади!» Ўша шодлик кун, ёрқин замоннинг ҳожатига, бу чоғдаги нима керак бўла олади?— деб ҳам бир ўйлаб кетди. Албатта, мана бу бева замоннинг шумдираб турган дунёси ўша вақтларта ҳам шу ҳолича боради-да, ўзгаради. Хўш, одамлардан-чи? Бугунги қавм, бугунги жонлардан-чи?.. Тутилиб туриб, бу жиҳатини ўйлаганда Абайнинг қовоғи солиниб, юраги жирканч билан сикилиб, борлиги сесканиб, титроқ босгандек бўлди.

Тўқиничга тўла, сўқмоқ йўлсиз замонда умр кечираётган озгина ҳалқи бор. Унинг бугунги ҳаёти — хўрлик. У авом, нодон, уни бийлаётган куч-қувват қора алвости, зулмат кучлар. Шуни ўйларкан Абай бир лаҳзада тўсатдан бир беомон хаёлга борди. «Шу ҳаётдач кетса ҳам бўлади! Улиб, ўчиб, йўқолиб, ўша бўлажак дунё учун кетса. Яна бир уйғониш учун, бир нафаста бўлса-да, қайта тирилиш учун ўлса... Бўлажакда озгина яшаб кетишга қайтиб келиш учун шундай бўлса» — деган хаёлларга ҳам борди.

Шундай юксак фикрларга бораркан, бугунги ҳаётдан нафратлангани шунчалик бўлдики, Абай биринчи марта шу ерда «энди ўлсам ҳам бўларди-ку, бўлди-да! Мен чекадиган сафар поёнига етганга ўхшайди. Ўлсам нима қилади!..»— деб ҳам ўйлади. Лекин, бу ранжиш, қон ютиб қайғириш оқибатида ўлим тилаш эмас эди. Бугунги машъумликни, бемаъни хўрликларни нафрат билан ўз ҳаётидан силтаб, итариб ташлашнинг тилагига ўхшарди.

Худди шу хаёлни ўйларкан Абай ҳалигини ўзига-ўзи берган саволларига кўчди.

«Дунё, яратилиш рост, мана шу турган Шунойи билан, Чингизи билан, Қоровул, Болпонг, Оқадир, Үрдаси билан у замонга бориши шубҳасиз. Қани энди бугунги ҳалқдан, мана шу қавмдан, мана шу замондаги одамлардан ўша яхши замоннинг ҳам ҳожатига яраб борадиган нарса борми?.. Ҳалқдан ҳалққа етиб боргудек фазилат борми?!»— деб яна бир хаёлга бориши билан,

Абай шодланиб очилиб кетди. Лабларининг четида хиёл мамнунлик аломати акс этди. Унинг ёдига бойдан бери юрагининг чуқур жойларида ётган, Дармен айтиб келган ишлар тушди. Бу кунларда ёвуз ҳам бор, қор бўртиб турган довул ҳам бор. Лекин, бугун куни туғмаса-да, туғиладиган кунига нидо ташлаётган қавм ҳам бор. Мана бу Бозорали айтган «армоним йўқ» деган алангали сўз, жон сўзи-ку. Ана энди шиор ташлаб чиққан беҳисоб ҳалқ-чи?.. Абай билан туғишганман дейдиган, бир отанинг ўғли Қунанбой, Ўскенбой, Иргизбойлар эмас. «Номусни сақлашга тиришдим» деган бўлиб юрадиган жигарсимонлар эмас. Мутлақо ота ўғли бўлиб, урондош бўлиб бирлашган кишилар эмас. Донгсиз овуллардан чиққан, отоқсиз ўғлонлар. Номус талашган, кек олиш учун чиққан эллик фазилат шу эмасми? Омади келмаган кунда арзимайдиган бўлса-да, белги берган мана шу ҳаракат қанча-қанча сирдан дарак бериб тургани йўқми?.. Қўлидан аҳёнда бир келса-да, қўлидан шундай хулқ билан иш келган қавмнинг ўзи қандай! Бўлажак замонга ҳам фазилат зарраларини, қандайдир эгилик уруғини, донини ташлайдиган қавм шу бўлмасми экан?!— деб, холи туриб ўйлаган, узоқ ўйлаган бир ўйига шундай умид билан хотима берди.

Шунинг билан қоп қорайгаんだи кейин яна аста-секин юриб, ёлғиз қайтиб келаётганида Абай бошқача бир ҳаяжон ичиди келди. Ҳаяжонга солғаи оташин ҳодиса, хаёлига илк дафъа келган бўажак тўғриси эди. Уша бўлажак замоннинг насли билан, уша куннинг сирларига қулоқ бергувчи идроклиси билан, Абайнинг ўзи энди сўз қотишиб, боғланиша берди. Шу жиҳатини ўйлаган сайин, энди Абайнинг кўнгли таскин топмай, тўлқинлапиб жўш ура берди.

Агар у замон одами билан суҳбатлашадиган бўлса, қандай, қайси масалаларни Абайнинг ўзи олдин айтишга тиришар эди. Албатта, у замоннинг одамига бу гўё бир туташ жумбоқ-ку. У одам кўп ўйламаса, юрагининг чуқур жойларига бўйламаса, Абайни англаши осон бўладими?.. Тўқинчга тўла, сўқмоқ йўлсиз замонда ўсган мен сингари зотни яқин кўриши, тортиши арzonга тушадими?! Тимқоронғи саҳрода гала-гала нодон билан ёлғиз олишган эдим. Ҳолсиз қўлда биттагина жонсиз шам тутган эдим. Мен сингари изланувчини қабул қилувчи, осонгина тушуниб, била қоларми экан!..

Күпдан-күп айтадиган гапи бор, йиғлаб ҳам айтмайды, тортиниб ҳам сўзламайды, ўтинч ҳам қилмайды, факатгина «сангла мени, бил мени» дегисигина келади.

Кўнглини қамраб, ҳукмронлик қилаётган бир оташин тўлқин, иссиқ хаёллар улуғ кўксини чалпиб жўшурдирди. Абай шошганича уйга кириб, Айгеримга «шам ёқ-чи» деб бир илтимос қилди-да, тўшагининг бош томонидаги суюклар билан нақшбанд қилинган китобшкафидан қофоз, қалам олди. Катта тўғарак хонтахта ёнига лип этиб ўтира қолди. Айгеримнинг чароғон чироғи хонтахта устига қўйилганда Абайнинг шошилиб ҳаракат қилаётган эпчил қўли остидан бир ўзгача, илк дафъя яратилаётган шеър сатрлари қаторлашиб чиқа берди. Худди мана шу самарали кеч пайтида ҳақиқий шоирликнинг баланд чўққисига идроки, ҳисси билан юксалиб чиққан зўр санъаткорнинг ўзгача бир шеъри туғилди: келажак билан ўз замонасини бошқача бир ҳолда келиштириб, топиштиргандек бўлди. Хиёл нидоқилиб, ияқ қоққандек ишора қилди.

«Юрагингнинг тагига чуқур бўйла,
Мен бир жумбоқ одамман, уни ҳам ўйла.
Тўқинчи кўп, сўқмоғи йўқ ерда ўсдим,
Минг-ла ёлғиз олишдим айб қўйма!..

Ўзи эргашмай, эрк бермай эл хит қилди,
Сен хотирла, тинч ухлат, боқ сўзимга!..»

Шу сингари «Улсам ўрним қора ер» деган шеъри билан Абай биринчи марта ўлимни оғзига олди. Бироқ, бу ўлим ҳақидаги гапларида барҳаётлик сирини ифодалаш бор эди. Бахтиёр кучни қувватлаш билан йироқларга сафарбар қилиш бор эди. Бу, қариб оҳ-воҳ қилган, гўрга маҳкум бўлган зорлининг айтадиган ўлим ҳақидаги гапи эмас. Дунёдаги, халқлардаги, замонлардаги барча ўлмас, ўчмас кучлар, мангу барҳаётликлар борлиғига борлиғи билан ишонган қалбдан чиққан, ўлим номидан айтилган ҳаёт навоси эди.

Абай шу шеърини ёзиб бўлиб, энди дўмбирада бир хушоҳанг куй топиб мулоҳимгина чертиб кетди. Ёзиб бўлганидан кейин, ҳозирги уй ичидаги кайфиятга мойил бўлиб очилиб кетди. Шуни фаҳмлаган Айгерим Зулиқога ишора қилиб, кўпдан буён ерўчоқ бошида қайшаб турган, бир неча бор тўбилғининг чўғи билан димланиб

турган самоварни келтиришга буюрди. Чой ҳозирлана бошлаган пайтда шаҳардан келган Кишкене мулла ҳам кириб келди. Шаҳардаги Мағаш билан Қакитой Абайнинг ўзига маҳсус хат ёзиб юборишибди. Уша хатда Павловнинг бошқача бир саломини ҳам айтишибди.

Еш жигарлар билан яхши дўст шу гал Абайнинг шаҳарга келишини маслаҳат кўришибди. Мағаш билан Қакитойнинг Абайни шаҳарга чақиртиришда уларнинг ўз фикрларидан ташқари сабаблар туғилганди. Кўп вақтдан буён, Семейда бошлари қўшилган бир неча катта элларнинг «обрўли» дейиладиган, «эсли-ҳушли» дейиладиган, «эл яхшилари», «эл оғаси» деб айтиладиган, оқ соқол, қора соқоллари ўзаро сўз юргизишаётган экан. Бу гапнинг бошлиқлари қаладаю-далада кўп элларнинг бошини қовуштирадиган Арғин, Қоракесек уруғларининг билимдон кишилари экан. Сиртдати Керейнинг Бегеш деган билимдои одами, қўйидаги Керейнинг Рақш деган пухта одами экан.

Найман элидан Мотой, Сибондан бир неча отоқли одамлар бу гапга бош қўшишади. Булар ичидан Мотайдан — Жумақон, Серикбой ҳожининг яқинлари қўшилади.

Тўбиқтига қўшии бўлган бериги Сибондан Қамбар, Қоплон деган кишилар аралашади. Қизилмўла элиниг Уоқ, Мотой, Буросидан — Қозонғоп, Қонқўжалар ҳам чиқнишади. Кўкен, Семайтов Уғидан Сорке сингари, қўйидаги Билоғоч элидан Айтқозидек сўзамол, иш кўрган мансабдор аралашди. Мана шу бир тўп кишилар, шаҳардаги Қоракесек бойи Ўрозбойнинг қудаси, наматфурӯш Сейске билаи бир неча бор учрашиб, гапни бир жойга қўйишиади.

Шунинг билан қўллашиб, тўпланишиб кўтарган гапларини энди кўзлаган ўтлоқлари сари буришади. Шундай қилиб, шаҳарда бу томондаги Билевбой ҳожи деган тунукавонлик, болохонадор катта уйи бўлган, бой ҳожининг уйига Абайнинг шаҳарга келган яқинларини зиёфатга чақиришади. Билевбой ҳожининг меҳмонхонасига — иккинчи қаватдаги тўртта катта хонасига, эшикдан тўргача дастурхон ёзилган. Катта дастурхон атрофига узун кўрпачалар солингган, момиқ ёстиқлар ташланган, катта зиёфат берилаётир. Ҳар бир хонада ҳар ерга бир неча челяк қимиз кетадиган, «стой сузган» дейиладиган, чуқур сариқ қамиш чораларни лим-лим қилиб, сап-сариқ қимиз қўйилган. Қимиз шопирилиб, кўп

меҳмонларга тинмай узатилиб турибди. Сирли заранг косалар дам тўлиб, дам бўшаб, у ёқдан-бу ёқса тинмай узатилиб турибди.

Сур қазилар қўшиб осилган семиз қўйнинг гўшти товоқ-товоқ тортилди. Мағаш билан Какитой аввалига бу зиёфатнинг маъносини англаша олмади. Улар учун кутилмаган бир гап ўша гўшт ейилиб, қимиз ичилиб бўлингандан кейин, кечикиброқ тортилган палов билан олча комплот устида айтила бошланди.

Тўрт хонанинг ўттиз-қирққа яқин киши сиғадиган энг катта хонасининг тўрига «Абайнинг ўғли» деб Мағашни, «иниси» деб Какитойни чиқаришганди. Бу мажлис аҳлининг ички сирини яхши биладиган Шуборни, Азимбойни айтишибди. Улар ҳам тўрдан, Мағашнинг ёнидан жой олиши. Шуларнинг қаторида ўтирган Серке билан Бегеш — Уоқ билан Керейнинг сўзамол, хушмуомила одамлари, Мағашга қараб, галма-гал сўзлашиб, бир гапни бошлашди.

Бир оздан кейин Мағаш билан Какитойнинг аниқ англашича, булар Абайнинг бошидан кечган, ўтган йилги оғир иш ҳақида гап очишмоқчи экан. Мағаш билан Какитой ўз улфатлари ичидаги кўп эшишишмайдиган ҳашамдор, ўймакор гаплар аввало Бегешдан чиқди.

— Биз Абай ҳақида, асилимиз, қадрдонимиз Абай оғанинг ҳақида сўзлашмоқчимиз. Абайга бола, бизларга ини бўлган ёш жигарлар, мана шу тўпни, сенларнинг мана шу ўтирган учта-тўрттангни ўртангга ташламоқчи бўлаётган бир чигал тугуни бор, чироқлар! Сенлар орқали биз Абай мирзага салом йўлламоқчи бўлаётимиз. Биз деганимиз кимлар? Мана, атрофга кўз ташланглар-да, кўринглар-чи! Бу ерда Арғин оғадан Қоракесекнинг яхшилари бор. Юқоридаги-ю, қўйидаги Қоракесек отангнинг болалари бор. Баланддаги-ю, пастдаги Найманларнинг азамати ҳам бош қўшиб ўтирибди. Худди ёвларингизда ўтирган Серке мана бу. Мана шу шарофатли дастурхон устида бизларнинг бошимизни қўшиб ўтирган Билевбой ҳожи бўлсин, булар кимлар? Кўз етган билан сўз етганга зеҳн солсаларинг «умум қозоқ» деган шу. Бу тўрт арқоннинг ўғиллари, Ўрта юзнинг қаторлашиб келган тўдаси денглар! — деб, ўз улфатлари тўғрисида гапириб келиб, энди гапни Абай устига кўчирганда, учига чиқсан нотиқлигидан қилди.

— Абай ким эди, у Тўбиқтининггина Абай; эдими?

Йўқ, умум Уртаюзда, ҳаддан ташқари, отилиб чиққан югуригим эди!— деб келиб, яна бир Абайни кўкларга кўтарган пайтда «у ким эди?» — деб, ўзи савол ташлаб кетди-да, чертиб-чертуб сўзлай бошлади.

— У қўнфироқли жингалак нордек, кўпларга кўп фойда келтирган кўклам ёмғиридек яхшимиз эди!— деганида, яна шу сингари ҳурматловчи, мадҳ этувчи сўзларни Серке илиб кетди.

— Тили булбул, оёғи дулдул деганимиз Абай эди!— деб Серке энди мақсадга кўча бошлади.

— Кўчнинг таскин топгани, кўкаламзорга қўнгани, довнинг таскин топгани, холис қозига боргани!— деб силлиқлаб айтмоқчи бўлаётган масалага ишора қилиб ўтди. Янада Абайнинг фазилатларини мақтаб, гап айлантириб келди.

— Утга солиб эритсанг-да, олтин сира жез бўлмас, оёққа чўлғов қилсанг-да, асл ипак-бўз бўлмас! Бизларнинг Абай фазилатларини ҳор қиладиган ўйимиз йўқ!— деб қўйди бир.

Шу чоғ Айтқози ҳам қирдаги-ю, қуйидаги беҳисоб халқнинг кўнглини билдириб, Абай жафо чекса-да, халқнинг ғамхўри эканлигини кўрсатди. Халқ ғамини ейдиган яхшининг йўли осон бўлмайди. Эр-азаматнинг бошига у қимматга тушадиган оғир салмоқ эканлигини нотиқлик билан маъноли қилиб сўзлаб келиб, ўзича чуқур маъноли бир гапнинг учини чиқарди.

— Қўрғошиндек эриб балқисанг, жафо чекиб халлос урсанг, мақсадта тўғрт борасан!— деганлариdek. Абай ўзи учун эмас, халқ учун изланиш билан қийнлаётган эди. У ўртанаетган ўт, эл ғамининг ўти эди!— деб энди ўзгалар айтмаган яна бир масалага кўди.

Шу сингари ҳар элнинг тўдасидан битта-битта одам мажлис аҳлиниг мақсадини айтиб ўтгандан кейин, даставвал гап бошлаган Бегеш қайтадан ўша чигал тугунга тўхталди. Янада Магиш томонга ўгирилди-да:

— Ешинг ёш бўлгани билан «ёшлик ўтилик, қариллик қўллик» деган Мағаш чироқ. Қирғинда қирор тушмай ақл топадиган, йўл топадиган ҳам ёшлар бўлади. Самирқандни шопириб юрсак-да, қариларнинг ҳаммасини иқрор бўладигани ёш юракнинг қарори бўлади. Бизнинг кўп умидимиз сендан. Айтадиган гапимиз мана бу иккита бошқа юзнинг одами билан юзма-юз келсак, Абай тўғрисидан юзимиз шувит бўлиб қолди. Биз, Улуғ

юз билан Кичик юзинг одамига, ягона яхшимизни жароқатлаб ўтириб, қандоқ қилиб түғри қарай оламиз. Абай мирза бизнинг бир саломимизни қабул қилсин! Тарғил тошлоқнинг йиртқичларини ювош қилиб қўядиган куч-қудрат ҳам бор! Айборларни оёғига йиқитамиз. Тели-тентакларнинг тобини олиб, йўлга соламиз. Мана шу ниятимизга «хўп» деган жавобини кутамиз. Бизларга ҳомий бўлиб, «излайдиганингни излай бер» деган рухсатини олиб беринглар. Мағаш, Какитой, Шубор, Азимбой мирзалар — ҳаммангизга мана шу мажлис аҳлининг айтадигани шу! Олдиларингга дангал қўйиб, кишанладик. Жавобларингни бугун берасанми, эрта берасанми, тўпимииздан бир-иккита кишини танлаб олинглар-да, айтинглар!— дейишди.

Мажлис аҳли Абай атрофидаги ёшлардан очиқ жавоб ололмади. Мағаш билан Какитой очилиб жавоб қилғуси келмади. Шубор билан Азимбой ҳалиги уч-тўрт киши сўзлаётган ҳар гапнинг устида бир оғиз жуфтлаб қолишиди. Улар берилиб, розилик беришга ҳозир туришганга ўхшайди. Бироқ, кўпчиликнинг юзига тикилиб, жавоб кутаётгани, Абайнинг ўз ўғли Мағаш бўлди. У чечанлар билан сўзамолларнинг оғиз кўпиртириб сўзлаётган ёғлама тилига ҳайрон ҳам қолмади, эриб ҳам кетмади, ичидан совуқ, синовчи бир вазият олди-да, ўнғайсизланмай-нетмай қисқагина жавоб қилди. Унинг айттани: гарчи бу гаплар Мағашга қаратилиб айтилаётган бўлса-да, унинг ихтиёридаги гаплар эмас, Абайга йўлланган. Мағаш Абайдек отани бийлаб ўрганганд бола эмас. Шунинг учун отасининг ўрнига жавоб бера олмайди ҳам, бермайди ҳам.

— Мақсадингизни англадик. Асосан бу гаплар тегишли бўлган одамнинг нима дейишини сизларга етказиш, бизнинг шу бугунги ўтиришдан бўйнимизга олиб кетган бурчимиз бўлсин!— деди.

Шундан ортиқ гапни ўзи ҳам гапирмади, сўзлашга оғиз жуфтлаб ўтирган Шуборларга ҳам йўл қўймади. Ўтиришдан Қунанбойнинг тўртта набираси бирга қайтишиди. Йўлда Мағашни юмшатиш ниятида, аравада бирга кетаётган Шубор янада: «Ҳалиги эл одамларининг чечанлигини қара, зап тутилмаган гаплар чиқдими оғизларидан. Сан қўй, ман санчаман дейишади-я!»— деди.

— Азимбой ҳам унинг гапини қувватлай кетди.

— Үндоқ десанг, аниң чечанни меп шу ерда күрдим.
Хаққоний гаплар-ку «гилам тахтасидек»¹ — дегани шу-
ку, ўзи!

Мағаш бу икковини бараварига әрмак қылди.

Толган экансизлар ҳақиқий чечанни. «Бемаъни бир
хил бийлар, зўр беради маталга», — дейилган бўлса
керак?

Какитой хурсанд бўлиб, шарақлаб кулиб юборди.

Мағаш кулмади. Мана шу ўтиришга Мағаш билан
Какитойни ростини айтмай олиб боргани учун ичидан
Шубор билан Азимбойни ёқтирумай, жини қўзғаб кета-
ётган эди. Энди Какитойнинг ҳалиги кулгисидан кейин
Абайнинг отоқли шеъридан икки сатрини Шуборга ўги-
рилиб қараб, эслатиб қўйди.

«Эски бийдек ўтирибман беҳуда мақол ўқиб.
Эски шоирдек турибман мол учун зорлаб...» —

деган гап ёдингдан чиқибди-да, Шубор! Шоир ҳам
ўзинг, мақбул ҳам ўзинг, бирор йўл янгишсанг-чи — ал —
деди аниқ-таниқ кесатиб.

— Ҳа нимада янгишибман, Мағаш, нима деяётир-
сан? — деди Шубор нимадандир ўнғайсизланиб, Ма-
ғашга яқинлашиб.

— Оббо, қоч нари! Шу ўтиришга мени олиб борган-
да ҳеч бўлмаса тўғрисини айтибоқ олиб борсанг бўл-
мас эдими? Отамнинг дарди-аламини ёдланма гаплар
билан, хушомадгўй сохта чечанлик билаҳ даволамоқчи
эдингми?! — деди. Шуборга орқасини ўгириб, бошқа
гапларга хотима берди.

Ўша ўтиришдан кейин Мағаш билан Какитой «шу
вақтларда шаҳарга бир келсангиз қандай бўлади» леб
Абайга хат ёзишганди.

Абай шаҳарга келгандан кейин Мағаш билан Каки-
тойдан бу ерда бўлган гапларни яна эшилди-да, инда-
мади. Жавоб қилмади. Қандай қарорга келгани Мағаш-
га ҳам номаълум бўлиб, бу гап гаплигича қола берди.
Унинг эвазига Абай ўзини соғиниб кутган, кўришга шо-
шилиб келган Федор Иванович Павловни ўзгача хуш-
чирой билан қарши олди. Утган йилги оғир воқиадан
буён икковлари кўришганлари йўқ эди. «Шунинг билан

¹ Ранг-баранг, пишиқ тўқилган маънода. (Тарж.)

Абай саҳрода беҳисоб душманларнинг қуршовида қамалиб қоладими», «қайғу босиб кўнгли чўкиб кетадими?» — деб Павлов бу кезларда Абайнин кўришга кўп интизор эди. Яқинда Мағашни уйига чақириб, Абай ҳақида кўл эшишиб, билиб олган эди. Шундан кейин Мағашлар чақиртириб ёзаётган хатда «шаҳарга келсангиз яхши бўлар эди» — деб бу ҳам маслаҳат бериб юборган эди.

Аввалига қисқа-қисқа сўрашиб, алангали, дўстона кўришишдан кейин, Павлов шошмай сўрамоқчи бўлган бир гапи бор эди. Ҳозир Абайнинг чакка соchlари оқара бошлаган. Нурли кўзларининг атрофига тушган ажинлар кўринади. Шунга тикилиб, ўйланиб қараб ўтирганича Павлов: «Қалай, Ибрагим Кунанбаевич! Ҳозир тирикчилик қалай, кўнглингиз қалай?» — деди.

Абай ҳам Павловнинг чиройли мовий кўзларига иссиқ нигоҳ ташлади. Жуда ишончли одамга камдан-кам айтиладиган бир сирини ҳақиқий шоирларча қизиқ бир таққослаш билан айтди.

— Тириклик дейсизми, Федор Иванович! Тириклик деган, дунё деган, менинг билишимча, ўзининг мана шу куни-туни билан кулча бўлиб ётган бир ола илон-ку. Ўқилон бирда уради, бирда чақади. Шундай қилиш унинг мавжудоти-ку! Мана дунёнинг ишлари шундай, Федор Иванович! — деб қўйди.

Чеҳрасида ўйчанлик, истеҳзо акс этиб турибди. Со вунган кенг, идроки донолик сингари юксалиб турган фикр илҳоми намоён бўлмоқда. Тўғри, ҳалиги гапларни Абай қозоқчалаб қанчалик санъаткорона ифодаламасин, русчасига худди ўйлаганидек қилиб етказиши қийин эди. У Федор Ивановичдан узр сўраб ўтириб, тутилиб сўзлаб, қийналиб етказган эди.

Лекин айтилган шоирларча таққослаш ва ундаги кўзланган фикри Павловнинг кўнглига тез ўтириша қолди. У бошини чайқаб туриб, шодланганидан қизариб, қаттиқ хохолаб кулиб олди. Ичидан: «қандай шоир, файласуф шоирлик фазилати бор Ибрагим Кунанбаевичнинг» — деб ўйлади.

— Тўғри, Ибрагим Кунанбаевич, баъзан ҳаётнинг шу сингари машъум бўлишлиги ҳам тўғри. Бироқ, уни мангу шундай, бор қавмда шундай дейиш тўғри эмас. Яна ҳатто адолатдан эмас! — деган даъвони қилди

Абай дарҳол фикрини аниқлаб:

— Албатта, у гапингиз тұғри-ку, лекин сиз мен ке-
чирган ҳаётни сұрадынгиз, мен билған турмушни айт
дедингиз, шунинг учун айтаётірман-да!

— Шунда ҳам умидсизлик шоир тутадиган йўл
эмас.

— Шоир кимга ёзади. Атрофидаги аҳвол ҳалиги
бўлса, нима учун ёзади?

— Кимга дейсизми? Мен айтсан, ҳалиги даставвал
айтган маъноли гапингизнинг ўзида қанча-қанча шоир-
лик ётиби. Унда яна донолик ҳам ўрин олган. Сиз бор
нафасингиз билан ҳам шоирсиз, ҳам устоз. Сиз коҳ-
ланг, хоҳламанг, ўша санъат сизнинг ичингизда ўз-ўзи-
дан туғилади. Шундай экан, сизга тинмай ёза бериш
керак! — дейман.

— Ким учун, кимга атаб ёзай?.. Кимга керак?

— Ҳа, айтиб берай. Бугунгининг озчилигига, кела-
жак куннинг күлчилигига атаб ёзинг! — деб Павлов
ниманидир хотирлаб, жуда хурсанд бўлиб кулиб юбор-
ди. Унинг топиб гапиришидан, шоирона далилидан,
Абай ҳам ноҷор ўйланиб, жим бўлиб қолди.

Энди Павлов ҳалиги, қисқача айтган гапини Абай-
га яхшилаб, тафсилий равишда сўзлаб берди. Унинг
ўзи кўрган, ўзи билған Абайнинг шоирлигига алоқадор
кўп гаплар бор экан. Бошлигини Затон ишчилари қи-
либ кўрсатиб, бу томондаги мойканинг ишчиларини
айтиб ўтди. У томон билан бу томоннинг тери заводи,
булғори заводи, паром, қайиқ ёқасидаги ишчиларта
Павлов кўп аралашиб, оралаб юрар экан. У Ўжерке-
нинг, Секленкенинг, Жўломон жотоқлари билан бу то-
монда қайиқ оғзидан қуйин ердаги қозоқ қашшоқларини
яҳши билар экан. Утинчи, пичанчи, қоровуллар оғир
меҳнат аҳли жойлашган ерларни ҳозир мана шу шаҳар-
даги кўпгина қозоқ кексаларидан кўра зиёда оралаб,
билиб олибди. Ўшаларнинг ичидан кўп одамларнинг
номини ҳам айтиб, Абайни ҳайрон қолдириб, севинтир-
ганича ҳикоя қилиб берди.

Бу томоннинг Жўламон овулидан бошлаб, қайиқ оғ-
зининг орқасидаги мўйна заводини оралаб чиққанини
гапириб берди. Ундан нари Қорашибўлоқ, Байгелишағала,
Кенжебой, Кўктароқти, Жалпоқ сингари ғуж ўтирган
кўп элларни хотирлади. Шаҳар атрофидаги кўп қаш-
шоқларнинг, жафокаш меҳнат аҳлининг кун кечириши-
га зеҳҳ солиб, ҳол-аҳволларини суриштириб, анча кезиб-

ди. Шубҳа туғдирмаслик учун баҳона қилиб, елкасига милтиқ осиб, ёнига битта қари чўлоқ итни эргаштириб ҳам олибди. Кўпинча қўли бўш вақтларда — шанба, якшанба кунлари Затон ишчиларидан Сеитни, Абенни бирга олиб юрар экан. Баъзан Сейл сингари қайиқ чиларни ҳамроҳ қилиб олар экан. Қаердаки шу сингари қозоқларнинг излагани гап эмас, меҳнат бўлган қавми бор экан, ҳаммасининг оғзида Абайнинг сўзлари, Абайнинг куйлари — жонию тани, нонию суви экан. Павлов билган кишилар орасига жуда ёйилиб, сингиб кетган экан.

Павлов ўтган йилдан буён шу гапни Абайга айтиши ни катта бир мақсад қилиб олган экан. Кўшбикеда содир бўлган воқиадан кейин, айниқса, бу ердаги халқнинг Абайни нақадар ўзининг ноёб одами қилиб олганини айтишга шошиларди. Павлов ўзининг мана шу гапи — Абайга айниқса қанот битиради, деб ўйларди. Негаки, Павлов оддий қозоқ китобхоналарининг бири эмас, рус халқининг ўғли. Абай шеърлари унинг элида қандай қадр топганини кўриб, Павлов берадиган гувоҳлик холис одамнинг гувоҳлиги. Қимматли, салмоқли, бебаҳо гувоҳлик бўлмоғи керак. Шунинг учун ҳам Павлов бугун Абайга айтаётган сўзларни кўпдан буён ичидаги сақлаб юриб, энг ажойиб дўстнинг хабаридек олиб келганди.

Абай бугун унинг шу ҳақдаги сўзларини анча вақтгача эшилди. Чиндан ҳам шодланиб, қувониб ўтириди. Павлов Затоннинг санъаткор, ҳамиятли ишчиси — Сеит тўғрисида ҳам гапириб берди. У Павлов билан бирга чиққан пайтларида, Семей атрофидаги ҳалиги кўп овулларнинг беҳисоб хонадонлари буларни шодланиб қарши олишар экан. Булар тушган уйларга кечаю кундуз бостириб келишиб, ўлан тинглашга, шеър эшитишга уринишар экан. Эшиятганини уқиб олишга тиришадиган ёшлиларни, болаларни, баъзан ашулачиларни, хушчақчақ санъаткор қиз-жувионларни ҳам Павлов кўп кўрибди.

Шунинг билан бирга, Павлов шаҳарда, у томон-у бутомондаги баъзибир рус мактабларида, интернатларда ўқиётган қозоқларнинг ёш ўспирин янги бўғинлари борлигини эслатиб ўтди. Улар ҳам ёзда элларига бориб, қишида шаҳарга келишади. Халқидан узилиб кетган ёшлилар эмас. Ўшаларнинг тарбиясига ҳам Абай ўзининг кўп шеърлари, куйлари билан бош қўшаётганлигини

унутмаслиги шарт. Павлов шу йўсинда Абай қилиб келаётган иш билан бу кунларда унинг ҳафсаласи пир бўлиб, совуниб боқа бошлаган тирикликнинг, ҳаётнинг маъноси тўғрисида чуқур танқидий фикр юритиб, дўстларча айтиб ўтди.

Абай Павлов айтган гапларни, унинг кўпдан буён ўзи учун сақлаб юрган гаплар эканлигини энди яхши англаб, ихлос билан берилиб қулоқ солди.

Икковининг кун бўйи давом этган суҳбатлари бошланган пайтда Павлов Абайга келажак тўғрисида ҳам гапирган эди. Энди Абай кўпдан буён кутилаётган келажак, мажҳул келажак ҳақида Павловдан аниқлаб сўради.

— Келгуси ҳаёт қандай бўлади, ўшани бир айтиб беринг-чи?! Келажакда яхшилик бор деймиз, ўша келажак қайси замонда келади? Шарпаси ҳеч пайқалаётирми? — деди.

Сўнгги кезларда Абай ўзига-ўзи қайта-қайта бериб юрадиган мана шу жумбоқ саволини, энди бор салмоғи билан Павловнинг ўзига берди.

Бу гал Павлов илгарилар учрашиб юрган чоғидан кўра жуда ҳам ишонч билан сўзлади. Бир масалани жуда ҳам ётиғи билан айтди.

— Энг аввало, Ибрагим Кунанбаевич, ўша кўпдан айтилаётган яхши келажак аниқ бўлади, келади. Илгари ҳам биздан илгариги бўғинлар порлоқ кунларга ишонч боғлаб ўтса, бизлар энди ўшани кўришга умид қилсак ҳам бўлади. Шу қадар очиқ, шу қадар аниқ, яхши дунё, янги бир замон келади, Ибрагим Кунанбаевич! Унга шубҳа қилманг! — деди.

Абай: «Ушани йил билан тахмин қилингандан қанча вақтда бўлади» деб аниқлаб сўради.

Павлов «Хозир, албатта, йил билан ўлчаб айтиш қийин!»— деб Пушкининг Сибирга ёзган мактубини айтиб берди. У бундан етмиш-саксон йил муқаддам пешқадам одамнинг умидини, порлоқ ишончини ифодалаган экан. Шундан кейин Павлов Белинскийни эслаб, у эллигинчи йилда, юз йилдан кейин, бизнинг ўрнимизга келадиган наслнинг, қавмнинг баҳти нурга тўла ажойиб ҳаёти бўлишлигига қаттиқ ишонч билдирган эди. Мана, ўша гапларнинг ёзилганига ҳам эллик йилча бўлиб қолди. Мана ҳозир, тўққиз юзинчи йилга кириб келаётганда бизнинг бир гуруҳ қавмимиз, ўша ёрқин, яхши кела-

жак жуда яқин қолди деб билишади. Үшани ўз қўлла-ри билан олишга уриниб, тиришаётирлар. Бу қавмнинг минбаридан қараса, яхшилик даврони яқин кунларда тақалиб келиб турганга ўхшайди! — деб яна бир қизғин ишончли ақидасини оча бошлади.

— Үша дунёнинг энг катта янгилиги нима бўлади? Энг очиқ, кўпчиликка кўринадиган аломати нимадан бошланади? — деб шу гал Абай аниқлаб, нақдонасини сўради.

Павлов бу ҳақда нақдонасини гапирди. Товчшини пасайтириб, Абайга энди жуда махфий бир сирни сез-дирди. Үнинг айтишига кўра, энг катта аломати шумана бу подшонинг ҳукмронлигига хотима берилади. Подшо тожу тахтидан қулайди. Үшандан пастга қараб санай беринг. Қозоқлар кўп гапирадиган ана у саккиз сената, министрлар, жондороллар, мана бу ўязлар, ҳатто ана у сизларнинг бўлисларингизгача бор ҳукмронлик, амри-қудратнинг талқон-талқони чиқиб, йўқ бўлади. Үшанинг ўрнига халқнинг тилатига мос келадиган янги дунё барпо бўлади. Мана ўша келажак ҳақида менинг бор айтадиган гапим шугина! Уни менгина, шу ердаги хаёлпараст Павловгина айтаётир деб билманг. Айтилиб ҳам, ёэилиб ҳам, тасдиқланиб йўл бўлиб, қанча-қанча эр-азаматларни бошлаб келаётган орзу билан асли мақсад шундай. Бунга ишонинг! — деб сўзига хотима берди.

Павлов айтган гаплар ўзгача бир шуъвали қуёшнинг нурини сочгандек Абайнинг кўкси ёришиб кетди. Шунинг учун ўзича тахминан мўлжаллаб, ўлчагиси келди. Қаддини ростлаб: «Энди ҳеч бўлмаса ўша яхшилик бизнинг болаларимизнинг даврида туғилади деб мўлжалланса бўладими, йўқми?» — деб сўради.

Павловнинг фикрига кўра унга биратўла ишониш мумкинга ўхшайди. Мана, бугунги учрашувдан Абайнинг олган руҳий озиғи шу сингари бир катта қувончли тортиқ бўлди. Кўп вақтлардан буён хира тортиб ётган кўнглини, асти очилмай кетган қовоғини шодлантириб очиб юборган ноёб суҳбат бўлди.

Бугун шу суҳбат устида Абай ичкилик олдириб, меҳмони хуш кўрадиган қовурдоқ қовуртириб, ўзи ҳам кўп вақтлардан буён ичмаган ичкиликдан ичиб ўтириб, суҳбатлашди.

Икки дўстнинг ҳалиги сұхбатларидан кейин Абай Павловга ўзининг сўнгги йилларда ёзган шеърларини айтиб берди. Айниқса, Лермонтовдан таржима қилган баъзи шеърларини дўмбирада айтиб, мана бу дўстига ўзи куйлаб ҳам берди. Эл ётар пайтда Павловни кузатиб чиқиб ўзининг трашпанкасига ўтиргизиб, дўстнинг илтимосига кўра Абай бир ваъда берди. Шу гал шошилмай, шаҳарда анча вақт туриб, Павлов билан тез-тез кўришиб турадиган бўлди. Павловнинг маслаҳатига кўра, бу йил худди шу гал шаҳардаги меҳнат аҳлининг кўп гуруҳларига аралашиб, яқинлашиб юриб, уларни билмоқчи, танишмоқчи ҳам бўлди.

Павловнинг яна бир маслаҳатига кўра бу йил шаҳарда ҳар бир мактабда, мадрасаларда ўқиётган қозоқ ёшлари билан ҳам танишмоқчи бўлди.

Абай бутун вужуди билан истайдиган дўстнинг сұхбати даставвал учрашганиларида шу зайл тамом бўлди. Келаси кунлардан бирида, Абай шаҳарга келишига сабаб бўлган иккинчи масаланинг бир пайти келди. У келиши олдидан Билевбой ҳожининг уйидаган бўлган ўтириш билан, Мағашнинг жавоби ҳақида Абайнинг сўрашига кўра, Какитой батафсил айтиб берганди. У сўзлаб бўларкан, Мағашнинг хулқи ўзига жуда маъқул бўлганини англади.

Мағашнинг ўша ўтиришдагина эмас, кейин Шубор билан Азимбойни кесатиб танқид қилганини Қакитойнинг ўзи ҳам қувватлаб айтиб берганди. Абай Қакитойнинг бутун гапини эшигандан кейин, ҳаммадан ҳам Мағашдан хурсанд бўлди. Бу хулқихушгина эмас, если ва одамгарчилиги бутун азamat. Айниқса, унда ор, одамгарчилик деб Абай ёзиб, ўгит тариқасида айтган фазилатларнинг борлиги аниқча ўхшайди.

Бу ҳам Абайнинг кўнглига яхши бир юпанчиқ бўлди. Шундан бошқа, тунов кунги бир тўда кишининг Мағаш билан Қакитойдан кутган «Абайдан олиб беради» деган жавоби ҳақида янгилик бўлмади. Абай у қозоқлар қўэғашган гапларни Қакитой билан сўзлашганда ҳам жавобсиз қолдирди. Кейин Мағаш билан Қакитой иккенига Бегеш билан Серке одам юбориб: «Абай қандай жавоб қилди экан» деб сўратишган эди. Унга Мағаш яна қисқагина, дудмол жавоб қайтарди. «Шаҳарга ўзи келди-ку, бизлар орқали айтадиган гапини эшигма-

дик. Кўнглида қандай гапи борлигини билгилари келса, ўша қардошларнинг ўзлари сўраб била қолишсин!» — деб, Магаш ўзи билан Какитойнинг бошини эндиги жавобдан, гапдан четга олиб чиқди.

Шу гапдан бир кун кейин Абайнинг олдига «Абайнин кўргани келдик» деб бир тўп одам келди. Булар — Керейларнинг Бегеши, Уоқларнинг Серкеси, Наймон, Сибонларнинг Қамбари, Қоракесекларнинг Оқпони, қисқаси — тунов кунги «тўрт аркон, Ўртаюзниң тўпи» дейилган гуруҳдан атайин келган кишилар. Ҳалиги тўрттовори билан бирга қарағай ичидаги Белоғош элининг ҳозирги пухта, етук деган одами, асли зоти тўбиқтилик — Айтқози бирга келибди. У Абай билан меҳмондорчиликларда бирга бўлиб юрганидан, ҳалиги кишилар атайин чақиририб, бирга ола келишибди.

Абайнинг ёнига келганларида ҳам гапни аввал Бегеш бошлади. У Абайнинг олдида ҳам ўзининг йироқдан гап айлантириб келишга одатланган чечанлигини қилди. Одатдаги машқини бузмади. Гапнинг орасида аввало Абайнинг билими ноёб эканлигини бир қўшиб кетди. Шу орада: билим баҳтнинг юбормас қозиги, билимсиз баҳт аллакимлар озиғи деб қофиялаб ҳам қўйди. Шундоқ, Абайдек яхши кимса, нодон элни яхшиликка бошлаш йўлидан айниса нима бўлади? Ҳалқ устозидан айрилганда, нима топади? Эл нима? Эл — яхшиси билан эл. Бошлиқ бўлмаган элда эллик фазилати борми? Саробдек жилва қилиб, совун кўпигидек учиб, сўниб кета беради-да? Яхши деган осонми, у ҳадеб учрай берадими? Учрай бермайди. Кўплар бор, оғзида ойни олади, қўлидан қўшоёқни уриш ҳам келмайди! — деб тингловчиларнинг дилига ўтиришадиган жуда таъсири гаплар гапира бошлади.

Гап шу ерга келганда, Абай Бегешнинг нотиқлигига тан бериб ўтириб, бир оғир ҳаёлнинг бир аччиқ ҳақиқатини ўша Бегешнинг чечанлигига мослаб туриб, унинг оҳангжамадор тилига қаратса сўзлаб, қисқагина қилиб айтди.

— Оббо, Бегеш-эй, шу айтган гапларингнинг ҳаммаси тўғри бўлганда яна қолаётган ҳасрат ҳам бор-ку. Қорамиқнинг дони бўлгунча, буғдойнинг сомони бўл! Ёмон қавмнинг яхшиси бўлгунча, яхши қавмнинг ёмони бўл, деса нима дейсан! — деб Бегешни бир оз гангитиб, тўхтатиб қўйди.

Энди айланиб келган гапни Айтқози илиб кетди. У: «Яхши одамни хурсанд қиладиган ҳаёт йўқ, маст-аласт бўлмасанг тирикчиликдан фойда йўқ» деган Абайнинг ўз сўзини хотирлаб ўтди. Яна Абайнинг шеърларини, сочма фалсафий сўзларини ўқиб юрган, ёдида сақлаб юрган киши эканлигини пайқатиб, бугунги кунда идрокли одамга шодлиқдан қайғу кўплигини ҳам эслатиб ўтди. Шундай қилиб, у эпчиллик, чеварлик билан ўз фикрига кўчди. Ёмон бўлса ҳам ўз фикрига кўчди. Ёмон бўлса ҳам ўз эли, нодон бўлса ҳам ўз аҳли. Яхшиларда узр бўлмаса, дунё—дунё бўладими?— деган бир фикрни ҳам ўртага ташлади. Мана шу жиҳатларни айтиб келиб, у: «Абай оға, ўз ўғитларингиздан менинг яна англаганим бор эди. «Яхшиликка яхшилик ҳар кишининг ишидир, ёмонликка яхшилик мард кишининг ишидир» деган гапингизни уққандек эдим. Шу тўғриларидан сизга «мардим деб келиб ўтирибди-да, мана бу ҳалқингиз» деди.

Абай Айтқозини аслида ақлли, сўзамол, сермулозимат деб биларди. Мана бу ерда Абай жавоб ўйларкан, жуссаси ихчам, лекин кўркам, қизғиш кулча юэли, пешонаси кенг Айтқозининг ўйчан, сарғишиш кўзларига мароқ билан боқди. Абайнинг билишича у чин кўнгилдан сўзлаётир. Лекин, ўша кўнглидагини изҳор қиладиган жой бу ер эмас. Кечириладиган киши ўроэбай эмас. Булар нима дейишмасин, уни Абай билганидек билишмайди. Ўроэбай бўлса, аллақандай, пайқамай қадам қўядиган, билмай янгилишадиган киши эмас. У ўзининг қабиҳлигини аниқ, мустаҳкам йўли қилиб, ёпишиб олган киши. Унинг оти ўроэбай эмас, ёвузлик. Шанни қисқагина қилиб, тахминан гап келтириб эслатди-да, Абай сўзининг охирида бутун катта гавдаси билан Айтқозига қайрилиб, энгashiб, бир чуқур маъноли фикрини, шу чоқ айни вақтида оғзиға келиб қолган лаёқатли қарорини айтди.

Халиги сен айтган гапнинг ўрнига бу ерда бошқа бир фикр ўринли бўлмасми? Ёвузга айтган яхши сўза—сувга ёайлган шартга тенг эмасми?— деб, мана бу ўтирган тўрт-беш кишини ажойиб ўткир идроки билан танг қолдирди.

Серкс ҳамиша Абайнинг сўзларини эшлишни яхши кўрарди. Айниқса, ўтган йили Орқатдаги Шеребешнайдага ўз элининг устунларини Уоқларнинг кўпчилик мўмин

халқига йиқитиб берган гувоҳлигидан кейин, у Абайни орқасидан мақтаб юради. Ҳозир Серке шодланиб кулганича, Абайнинг ҳалиги гапини жуда хурсанд бўлиб қарши олди. Кўнглидан: «Абай қошига келсанг, мана шу сингари бир заковат ундириб, ўлжа топиб кетасан»— деган гап ўтди. У Абайнинг ҳалиги ўриналтиб айтган гапидан шодланиб кулганича чин кўнглидан мақтай кетди.

— Баланд қўргон қоядек, кўланкали дараҳтдек!— деб Абай мирза, қозоқ боласидан бирорни оғизга оладиган бўлсак атайдиганимиз ўзингиз эмасми! Сизни сақлай олмасак, бутун Үртаюэ бўлиб киройи эл кетмаймизми? Ӯша фазилатингизни йўқлаб келиб ўтирибмизда!— деди.

Абай бунга ҳам унча эрий қолмади. «Фазилат деган сақласа фазилат, булғаласа, оёқ ости қилса, тинифини лойқатиб хўрласа ёки синдириса у фазилат бўларми? Ӯшани ўйлаш керак-ку!»— деган фикрни айтаркан, эндиғи гапини бир яхшининг гўзал фикрини келтириб тасдиқламоқчи бўлди:

— Отокли Шайх Саъдий: «Бадахшоннинг лаъли тошини синдириш осон, лекин синдирганингни улаб кўрчи» деган-ку!— деб яна жим бўлиб қолди.

Мана шу тўпнинг ичидаги Қоракесеклардан келган, Абай билан кўпдан таниш, қанча-қанча марта Абай билан улфатларда ҳамдастурхон бўлган шаҳарнинг бир чечан қозоги Қалий эди. уни «Қалий Оқбосов» деб ташарлик қозогу татарларнинг ҳаммаси билимдон одам деб билишарди. У Абайнинг ҳалиги гапига ўзи билган, бир ўрнак бўларли гапни илова қилиб гапирди.

— Дон ташиётган қумурсқага тегма, ҳаёт учун курлашаётир. Ҳаёт шунчалар поёб нарса!— деган-ку Фирдавсий. Едингизда бўлса керак, Абай мирза. Сени йўқловчинг бўлганда, Ӯша элининг донини ташиётган қумурсқаси деб йўқлагим келади-да. Бунинг учун мен айбли бўлмасам керак. Мана бу келган қардошларинг ўртадаги гапни шунчаки бир беҳуда гап тарзида бошлигани йўқ. Айтила берса гап кўп-ку!— Бироқ худди шу жойда «оғиз — дарвоза, сўз — шамол!»— деб ярашмаган ишни ялғаштирайлик деб ўтирганимиз йўқ. Ақлимиз етса, қўлимииздан келса бир тарафингни яхшилик, бир тарафингни ёмонлик деб, хўп билиб туриб, Ӯша яхшилик билан ёмонликнинг ҳисобини тўғрилаб қўйги-

миз келади. Уртаюзнинг боласи бўлиб йиғилишиб, шу иш устида эл эканлигимизни, ўзимизни синааб кўргимиз келади. Гапнинг чигал жойи шу-ку! — деди.

Абайга ҳаммадан Қалийнинг гапи хотима берарли, салмоқли гапдек кўринди. Кўнглидаги чини билан дини қандай эканлигини кўриб-билиб турган бўлса-да, Абай энди бундан кейин гап қайтармади. Индамай мана шу сўнгги сўзни маъқул кўргандек, Қалийга қараб, бош этди-да, ўтира берди.

Шу чоғ чой ҳозирланиб, катта дастурхон устига Қумошнинг хонадонидан чиққан оширма бўғирсоқлар, тухум суреб яхшилаб ёпилган майда кулчалар қўйилди. Яроқлаган тоза оқ самовардан чой қуяилиб, меҳмонлар руҳланиб чойга киришди.

Абай бир пиёла чойни анча вақтгача ушлаб тургани бўлмаса, ичгани ҳам йўқ, айниқса, дастурхонга қўл узатгани йўқ эди. Ушани пайқаб ўтирган Бегеш Абайнинг ёнида ўтиараркан, бир-иккита кулчани Абайнинг ёнига суреб қўйди-да:

— Абай мирза, ўзингиз туз тотмадингиз-ку. Ҳеч бўлмаса мана бу нондан олинг! Нон имон дейилган-ку! — деб ҳазил қилди.

Абай кулиб юборди.

Шу орада, ёшлигидан хулқида бўлган тўғри сўзлик, ҳозиржавоблик аччиқ истеҳзога моҳирлигига борди. Бор гавдасини селкиллатиб кулганича:

— Ёпирай, «нон имон» дедингми, Бегеш-а? «Эс битмаган эл ҳам кўп...» дегани шу экан-ку, нон имон бўлганда нон кўп бўлган ерда имон ҳам кўп-ку! Унда асли мусулмон боласи излаб юрган имоннинг кўпи, шўрлик Россиянинг нони кўп мужигига экан-ку! — деганида Бегешнинг ўзи бошлиқ Серке, Айтқозилар қаттиқ кулиб юборишиди.

Шу суҳбатнинг охирида Абай Бегешдан ўртадаги бу гапга кимлар бош қўшаётганини аниқлаб сўради. Шунга жавоб бериб: «Бу келган тўрт-беш киши — Оргин, Наймон, Керей, Yoқ деган «тўрт арқон» деб аталадиган элларнинг кўп одамларини санаб беришиди. Яқинда Билевбой ҳожининг уйида бўлганиларни номма-ном айтишибди. Қуйидаги Керейлардан Рақш бор, деган гапни эшитганда Абай, «қозоқнинг сўзамоли-чечанимиз» деб юрган одамларни ҳайратда қолдириб, янада нақл бўлиб кетадиган чуқур маъноли бир ҳажв қилди.

— Ҳа, шундай қилиб, Рақш ҳам бор дөңг. Кечагина «Иброй халқнинг душмани» деб, ўз билан судни менинг кетимдан пойлатиб юрган эди. Бугун ўша Рақш Абайни омон олиб қолмоқчи, сақламоқчи, Абайга яхшилик қилмоқчи, а! Оббо қурғур-ей, қандоқ қилиб дунёда субут бўлсин. Дунёдаги ҳукмрон феъли-атворларда субут бўлмагандан кейин, бир ерда қарор топиб турадими! Онт ичаман, аслида мана шу ерингдаги мана шу торларга, айтайлик, мана бу Семейтов, Кўкенларга оёқ битса, ўшалар ҳам бир жойда турмай, юриб кетар эди-ку, а! — деди.

Бугун бир илҳоми келиб ўтирган Абай «элнинг чечанлари» деган ном олиб юрган бир тўп кишиларга ёндошганда қанча-қанча қизиқ гапларни гапирди. Шоирлик, ҳозиржавоблик санъати жўш уриб, отилиб чиқсан ажойиб гапларни қилди.

Шу учрашувдан кейин ҳалиги тўда, ўз ҳолларича бошлаган гапларни бартараф этиш йўлида ҳаракат қилиб юриши. Баъзан буларнинг тўпи бу томондаги Жақипбой, Сейсеке бойнинг уйида учрашишади. Гоҳо у томонга ўтиб, ўша ердаги йирик савдогарлардан биронтасининг уйида, қуюқ дастурхон атрофида боз қўшишади. Еки буларнинг гапи шу иш юзасидан жавобгар бўлиб, шаҳарда ётган Урозбойнинг ўғли — Элевга боради. Яна бир учи ўша Урозбойнинг кечагина Абайга қарши улоқтирган қора чўқмори безори Саменга бориб тегади.

Абай бўлса энди бу ҳақдаги гапнинг бирортасига аралашгани, қулоқ солгани йўқ. У ҳозир, шу кузда у томон билан бу томондаги қозоқ халқининг хилма-хил гуруҳларининг ҳёти билан танишиб, билишга қунт қилаётган эди. Шунга кўра, бозорда учрашиб, ўзларининг ўртаҳол — оддий уйларига, бақудрат қиласидиган меҳмондорчиликларига айтган баъзи бир ювон «олиб сотар» дейиладиган майда савдогарларнинг уйларida бўлди. У борган ўшандай уйлардан бири: уч хоналик, остиғиштин, қадди баландгина уй, Эсберген деган савдогарнинг уйи эди. У ерга Абай Боймагамбетнигиниа олиб борди.

Эсберген майда олиб сотар, «бировнинг қўлига қарам» дейиладиган шаҳар савдогарларидан экан. Бугун Абай мана шу ўрта яшар, тифиз соқоли қирилган, дилкаш савдогардан анча қизиқ бир ишни эшилди. У бугун ёлғиз Эсберген эмас, у томон билан бу томондаги,

шаҳарнинг Эсберген сингари юзлаб майда ҳунармандлари ҳақида эшилди. Яна, айниқса, қизиққани — Эсбергенлар билан қозоқларнинг ана у Сейсеке, Қасен, Жақип, Билевбой ҳожи сингари катта бойлари ўртасидаги муносабатлари бўлди.

Абайнинг пайқашига кўра, мана шу Эсбергентга ўхшаш майда савдогарлар ҳозир бошларидан қаттиқ бехаловатлик, сиқинтиликни кечиришаётир. Ўшани Абай бозорда, баъзи дўконларда, карвонсаройларда ва қайиқ устида кўп эшишиб, фаҳмлаганди. Ҳозирги кунларни Эсберген сингари савдогарлар «имомпўст-имомпўст» дейиша беради. Баъзан ўша «имомпўстни» — «Оқсобон» дейишади.

Бугун Абай Эсбергендан суриштириб кўрса, шаҳарнинг катта бойига куни қолган, муте бўлган кўп Эсбергенлар чиқарга Семей мақоли ҳам бор экан. «Е оқсобонда оласан, ё қақшаганда оласан!» — дейишаркан. Унинг маъниси — биттагина от-араваси билан қирга олиб чиқиб мелиш моли билан кун кечирадиган сонминг қозоқ бор экан. Шуларнинг ўзларининг қўллари қисқа бўлади. «Гап пул»лари бўлмайди. Шунда булар ҳалиги отоқли Сейсеке бойларга ялиниб, термулиб боришади. Ана у бойлар бўлса, у томондаги Михайлов-Малишев, Плещев, Деров деган ёки шуларга ўхшаш, катта магазинлари бўлган татарлар — Валибой, Исҳоқбай деганларга ҳалиги, шаҳарнинг ўзларидан ёрдам сурраб келган жотоқ, қўли қисқа савдогарларини эргаштириб боради. Катта бойларнинг ҳаммаси ҳам «банк очган» деган, бундоқ айтганда государственный банкда «текущий счёти» бўлган бойлар. Ўшалар ўн-ўн бешта майда савдогарни ўзларининг бойлиги билан хазиналарини ортдиришга ямай ҳадеб, ёлланган малай қилиб олишаркан. Пули кўп, дастурхонли, дунёдор, катта магазинларнинг эгалари, ҳалиги қозоқ бойларга зўришонч билдириб, яхши кутишади.

Негаки, бу бойлар ҳалиги ўн-ўн беш Эсбергенга ўхшаш савдогарларни магазинларга олиб бориб, ҳар бирига юз сўмлик, уч юз-беш юз, баъзан онда-сонда бир хилларига минг сўмлик мол олдиради. Шу сингари улгуржи харидорларни дўконларига бошлаб келгани учун Сейсекега бу магазинлар сўмига саккиз тийиндан ҷегириб, арzon қилиб мол беради. Сейсеке бўлса Эсбергенга ўша молни ўтказаётганда сўмига ўн икки тийин-

дан қилиб ўтказади. Шундай қилиб, бу бой, катта бой сўмига йигирма тийин фойда қиласди. Эсбергенларнинг кўл-оёғига яна бошқа йўл билан кишан уриб олади. Нима қиласди? У: «Магазиндан беш юз сўмлик мол олиб бер» деганида, Сейсеке билан Қасенлар уларнинг қўлидан «оқ вексель» олади. У — ҳеч нарса ёзилмаган векселга буларнинг қўйини қўйдириб олиш. Шундан кейин бу пулни, қарзини вақтида тўламаса, айтайлик, январда олган қарзни олти ойга деб ёки мана шу «имомпўстга» деб берганда, ўшани Эсберген вақтида тўламаса, Сейсеке ҳалиги оқ векселга сўмига йигирма тийинлик қўшимчани тиркайди, бунинг ўз вақтида тўла-магани учун штрафни яна ўзи хоҳлаганича қилиб қўя-ди-да, оқ векселни, қозоқ савдогарлари отидан қўрқа-диган латарисга (нотариусга) оширади-қўяди. Шундай қилиб, қарзи унмай бораётса, Эсбергеннинг уй-жойи-гача супуриб олади.

Шаҳарнинг ғиж-ғиж тўлиб ётган Абай биладиган Эсберген, Карипжон, Тўлопбек сингари битта от-арава-ли майда савдогарининг ҳаммаси ўз уйларининг атро-фидаги бойларнинг домига жуда ҳам илинишган экан. Булар гўё бўйнидан тўрга чўлғанганди чивину ана у жо-
тоқ уйларининг ўртасида икки қават бўлиб, қизил чо-дир, кўк чодири билан қад кўтариб турган бойлар уйи бий ёки ўргимчак экан. У уй атрофида, мачит ибораси билан айтганда, маҳаллага ўзининг тўринни қуриб таш-лаб, саҳродаю шаҳарда савдони ўз қўли билан олиб бормай, ҳалиги ўнлаб, юзлаб муҳтож майда савдогар-лар орқали олиб борар экан. Уша бойлар мана буларни яна бошқа хил йўл билан ҳам кишанлаб олар экан.

Мисол учун, саҳродан Эсбергендек, Тўлепбекдек уй-жойли, ҳовли-жойи кенгроқ, дурустгина шаҳар жотоғи-нинг дарвозасига, қишин-ёзин элдан катта карвонлар келса, ўшалар олиб келган тери-терсак, қил-қилчиқ, мўйна-пўйна, намат билаш ов терилари ёки тирик мол бўлса ҳаммасини ҳалиги катта бойлар мана шу савдо-гарларнинг дарвозасидан бошқа ёқقا силжитмасликка тиришар экан.

Савдогарнинг уйига тушиб ётадиган, уймалашиб эл-дан келган карвонлар ҳам Эсбергенга муте бўлади. Эсбергенлар бўлса мудом кўниб қолган одатларга кўра ана у кўк чодирли бой уйларига мана бу карвонларни алдаб олиб боришга, ағанатиб ейишга, приемдан алдаб,

безмендан еб, қоқиб қолишга чорасиз ёрдамчи бўлар экан.

Сиртдан қараганда, ўз уйларининг олдида дабдаба билан савдо қилмайдиган,чувалаштириб карвон туширмайдиган, дарвозалари мудом берк, ёпиқ турадиган отоқли ҳожилар, бойлар бор. Лекин уларнинг аслида нима эканликларини Абай Эсбергеннинг, Тўлепбекнинг, Карипжонларнинг уйига меҳмонга бориб батафсил билib чиқди.

Кечки чой билан кечикиб бориб тайёр бўлган овқат орасида Эсберген савдогар Абай билан Боймағамбетга ҳалигидек кўп ишларни ҳикоя қилиб берди. Бу савдогар шаҳарлик савдогарларга расм бўлган тирсак енг, узуноқ қора ламбук камзул кийган. Уйида ўтирганида қўлидан қўймай ҳамиша кирим-чиқимни ҳисоблаб ўтирадиган чўтини олиб, ўшани у ёқдан-бу ёққа қўзғатганича гапига қизиқиб қулоқ солаётган меҳмонларига ҳамон сўзлаётир.

Абай катта стол ёнига ташланган иккита ёстиққа ёнбошлаганча Эсбергендан кўзини олмади. Унинг гапларига ҳайрон қолиб қулоқ солаётир. Боймағамбет ҳам ўзининг шундай пайтлардаги одатидан қилиб, чўкка тушиб ўтиракан, бир чимдим носвойини чап томон бурун катагига тортиб-тортиб, Эсбергеннинг гапини тинглайди-да, онда-сонда танглай қоқиб, қуюқ, сап-сариқ соқолини силкитиб-силкитиб қўяди.

Эсберген ҳам мана шундай кекса, если меҳмонларининг шаҳар савдогарлари ҳаёти ҳақида ҳеч нарса бил маслигига кўзи етиб, ўз сирлари, оғир меҳнатлари тўғрисида бор ҳақиқатни холи уйда тортинмай айтиётир. «Ичак қириндисигача айтдим-ку» деб ўйлади ўзи.

Тўғриси, Эсбергеннинг ўзи, худди мана шу кунларда Сейсеке бойга берган минг сўмли оқ вексель қарзини тўлай олмай, исканжада эди. Абайдек кўпчиликнинг дўсти бўлган одамга холи ерда бир арз қилиш нияти ҳам бор эди.

Бир вақт Абай ундан: «Ҳозир нега бу шаҳарнинг кўпчилик одамининг аҳволи танг?» — деб сўради.

— Ана у Карипжон, Қўнғиртой, Тўлепбек, Қайнарбос сингари тўрт-беш кишига сўнгги кунларда зеҳн солсан, бир бошдан ҳаммаси ҳаллос уриб юришибди. «Нима қилиб юрибсизлар десам» «вой, вой, имомпўст тиқилинч келиб қолди-ку! Имомпўст бўйинга миниб

турибди-ку!» — дея беришади. Сен ҳам шундай дейсан, ҳамманг бирданига баравар бориб, қандоқ қилиб ўша имомпўстга тиқилдиларинг?» — деганида Боймағамбетнинг ҳам шу масалани аниқлаб билгиси келиб ўтирган экан. У ҳам шу ниятини айтиб қолди.

— Шуни айтинг, «имомпўст-имомпўст» — дейишади. Бу ўзи кимнинг сўзи? Китоб сўзими ёки қозоқларнинг бизлар эшитмаган қочириқ гаплариданми? — деди.

Эсберген ўзи билганича айтиб берди.

— Ҳалиги бойлар орқали рус купецининг магазинидан мол олдик дедим-ку. Уни бир йилга ёки ўн ойга чўзиб бермайди. Муддати саккиз ой бўлади. Январнинг бошидан ҳисоблаганда мана шу августнинг йигирма тўққизи куни русларнинг бир байрами бўлар экан-ку. Рўзасими, бир нарсаси, ўшани «имомпўст» дейди! — деганиларида, Абай, «имомпўстнинг» Иван эканлигини билади-да, кулиб юборади.

Аслида бу бутхонанинг «Иван постний» деб атала-диган куни. Аниқроғи Исонинг ўн бир апостолининг бири ўлдирилган кун.

Эсбергеннинг айтишича, январда кўтарасига насияга олинган мол-матоларни ҳалиги савдогарлар саҳрора, қозоқлар орасига қишидаги оқ қор, кўк музда жафо чекишиб олиб боришади. Шаҳар билан қатнови оғир, чап бўлган элларга боришиб, ўша молни сотишади. Сотганиларида озми-кўпми фойда қилгулари келади, касб-да! Унинг қўлидаги моли бўлса, анави Сейсекелар устига қўйиб берган фойдаси билан ўзи ҳам қимматга тушади. Энди мана бу савдогар устига яна тийин-пийин қўяди. Шунинг билан молнинг нархи кўтарилади. Уни элда ҳам ўтказиш, қўлма-қўл пуллаш мумкин бўлмайди. Шунинг билан мана бу Эсбергеннлар насияга бўлса-да, қимматроқ сотиб, ҳалиги саккиз ой давомида ёз ярмидан ошгандан кейин элга бориб, қишининг куни насияга берган молининг ҳақини йиғади.

Бирордан қўй, бирордан серка, баъзи бир ерлардан той-тўрпоқ йиғиб олишининг ўзи ҳам «бетнинг орини беш йўл тўкиб» ундириладиган оғир меҳнат. Энди ўша молни шаҳарга олиб келиб сотади, бозор дуруст бўлса, тузвукроқ пул қилади-да, ҳалиги йигирма тўққизинчи августда «имомпўстда» вексель берган бойга қарзини тўлаб қутулади. Шу тўғрида айтиб келиб, Эсберген бир ҳикоясини тамом қилди.

— Қутулади дейман-да! У бозор дуруст бўлиб, қўлидаги моли семиз бўлиб, ўлмай-йитмай омон келса, яхши сотилсагина қутулади. Бўлмаса, кўпдан-кўп биздек фақирларингиз ўша Сейсекеларга бир томонини тўлаб, яна бир нарсаларини тугал етказа олмай қолса бўлди. Қул қилиб оёғига ип тақади-қўяди. Аввалгидан бадтар бўйнига миниб, дунё ортдира беради! — деди.

Абай билан Боймағамбет сўнгги бир ичча кун ичидагана шу Эсбергеннинг қўшниси Тўлопбек чақириб, Ка-рипжон меҳмон қилиб, Қайнарбос ҳам туз тотишга чақириб, холи суҳбатлашган кезларида уларнинг ҳам ҳар биридан шундай оҳ-воҳни эшлишганди. Буларнинг ҳаммаси ҳам сиртдан қараганда туппа-тузук, бирорвга куни қолмайдиган одамларга ўхшаб кўринарди. Син-чиклаб кўрилса, ўзлари бир томондан элдан келган карвонни еб юриб, иккинчи томондан оёқларида кишини бўлган, чамбарчас боғланган мутелар бўлиб чиқди.

Қирга бориб насияга савдо қилганда, турган гап, булар ҳам элдаги мўмин хўжаликларни ағанатиб ейишга, ошириб савдо қилиб, алдаб кетишга тиришади.

Карипжон кексайтанроқ, тегажақ-ҳазилкаш киши эди. Абай ҳалиги масалада буларнинг ўзини ҳам қотириб гапирган чоғида, у бўйнига олиб сўз қотганди.

— Рост айтасиз, Абай, шаҳарнинг бу Эсберген, Ка-рипжондек савдогарларининг ҳам худога хуш келадиган қилиғи йўқ. Қирнинг беозор карвони учраса, қўли-миздан келса, айтганимизга кўнса «ўша Сейсеке билан Билевбой ҳожининг ўзимизга қилганини қилмайлик», «худога қарайлик» деб биз ҳам турмаймиз. Ундай жойда шариатни ўйлаб нима қилдик-а! — деб ҳазил қилди.

Абай Карипжонга танқид аралаш ростини эрмак қилиб гапирди. Кейин Карипжон ўша гапни бозордаги савдогар ошна-офайниларига кўп марта айтиб берибди: Абай унинг ўз гапини, ҳалиги айтганларини эшлиб танқид қилганди.

— Саҳрода мол ўғриси бўлса, бозорларда ҳам ўғрилар бор. Лекин улар ўзларини ўғримиз деса, булар ўзларини «савдогаргинамиз» дейишади. Шаҳарнинг шундай хулқи бор экан! — деб Абай бир ҳазил қилди. Яна бир вақт мана шу дасти қисқа савдогарларнинг катта бойлардан қилган шикоятини, шуларнинг ўзлари ўз ҳолларича ювоща ҳалқни алдаб ейишини айтиб келиб Абай Карипжонга яна бир ҳазил қилди.

— Ажабо, одам одамга доимо зулм қилсам деб ошинади. Ҳатто бўри-чи, бўри ҳам бир-бирини алдаб ейман деса, ғафлатда қолгандагина ёриб кетишни ўйлайди. Шаҳарнинг савдогарлари, баъзан сенлардан даладаги бўри покизароқми деб ўйлайман-да! — деди.

Абай шаҳарда узоқ турган чогида кундузлари кўпинча у томондаги Гоголь кутубхонасидан китоб олиб, холи ўтириб ўша китобларни ўқиди. Кечқурунлари бўлса, шаҳарнинг у томону, бу томонидаги камбағал-қашшоқлари ҳам уни меҳмонга айтишни орзу қиласи. Шаҳар қозоқларининг саҳродаги қаришдошларидан ҳали ўзгариб кетмаган бир фазилати: қудрати етгунча бениҳоя мөҳмондўст бўлади. Яхшими, ёмонми, ҳолибақудрат ёзилган дастурхонига қадрли одамини чақириб, баҳам кўришни деярли ҳаммаси яхши кўришади.

Канда бўлмайдиган одатларига кўра Абайнин эски дўстлари, бева аёл Дамежон, қайиқчи Сейллар мөҳмонга айтишганди. Кейин ўша хонадонларда Абай билан бирга мөҳмон бўлиб, ҳамтовоқ бўлган ўтини Савдобой, этикдўз Салмоқбой, машиначи Соғиндиқ сингари қўл ҳунари билан кун кечирадиган қашшоқ хонадонларнинг бир қанчаси яна қайта галма-гал мөҳмон қилишибди.

Баъзилари Абайдан кўра унинг йўлдоши Боймағамбет билан яхши таниш экан. Илгарилар Боймағамбет қишин-ёзин келиб юрганида ўшаларнинг баъзи бирларининг уйида хуш кўрадиган мөҳмони бўлиб, узүч эртаклар, қизиқ ҳикоялар айтиб берар экан. Абайнинг шеърларини ҳам, буларнинг кўнгли қонгунча айтиб берар экан.

Энди ўшалар бу томоннинг ўрта жотоқ, қуйи жотоғида Абайларни кечаю кундуз галма-гал чақириб ҳамсуҳбат бўлишади. Баъзи тўплар у томондаги Затон ишчилари, Сентнинг, Абеннинг уйига йиғилишиб, Абайнин ўрталарига олишади. Бир вақт Абай билан Боймағамбет Затонга, Сентнинг уйига боришиб, ўша ерда бир ҳафтагача қолиб, Затон ишчиларидан кўпларининг уйида овқатга оғиз тегизиб, мөҳмон бўлиб юришди. Шу қаторда Затоннинг Сент билан Абен ва Павлов, Марков яхши биладиган, тотув-қадрдан ишчилари — Оқшўлоқ, Жапек, Алибек, Исҳоқ, Қўсоқ сингари грузинчилари, булғори заводининг ишчилари, тўнчилари орасида ҳам Абай бамайлихотир юрди.

Бу йил Абайнинг одати мутлақо бошқача. Илгари шаҳарга келиб турғанида, вақтини кўпинча ўзи тушган уйда ўтказарди. Шаҳар билан саҳро одамларини ўзи тушган уйга таклиф қилас, меҳмон қиласарди. Бу йил даставвал келган куни Павлов билан ўтказган кечадан кейин, Абай шу шаҳарнинг кўпчилик меҳнат аҳлиниңг уй-уйларига ўзи ҳам кириб, ҳақиқий ҳол-аҳволларини билиб, танишмоқчи бўлганди. Боймағамбет иккени: «Қаерда қолдингизлар?» деб сўраган кишиларга жавоб қилиб ўтирмаёқ, шу шаҳарнинг ҳар тоифа халқининг ичидаги бўлишди.

Затонга Абай борганда Сеит билан Абен кечки пайтларда бирга юрадиган улфат бўлиб олишди. Яна Затонга, яқиндаги сержамоа жотоқ — Бойқадам-Сапоқ элидан келган Давлеткелди деган бир қашшоқ, лекин шу қадар қизиқчи, жуда хушчақчақ одам учрашди. Уйга йиғилганларнинг авзойидан пайқалишича, Давлеткелди бу шаҳардагилар кўпдан биладиган, севадиган қизиқчи экан. Уни кўрганда ишчилар, кекса чоллар, ёш келинчаклар ҳам шодланиб кулиб, унинг на гапидан, на бир қилиғидан қандайдир бир қизиқчилик чиқишини кутишади. Керак бўлса Давлеткелди шоир ҳам бўлиб кетади. Баъзан кимнинг бўлмасин ўзи бўлиб — артист ҳам бўлиб кетади. Узи қаширга тирноғи йўқ қашшоқ бўлишига қарамай, бутун юриш-туриши, хулқи-атвори билан нуқул қашшоқ хонадонлар, овулларнинг шодлигига айланаб кетган экан.

Оқшўлоқ деган, Сеит билан бирга пароходда юк ташийдиган яғринли, оқ сариқдан келган, бурун катаклари кенг, меҳмондўст бир грузчикнинг уйида Абайга даставвал салом бериб келган Давлеткелдининг юз тувилиши алоҳида кўринди. Икки чакаги сўлғин, юз суюклари чўққайиб чиқсан, бурни катта, кўзлари чуқур-чуқур ботган, кўсароқ Давлеткелди кишининг диққатини ўз чеҳрасига беихтиёр жалб этадиган, ўзгача қиёфали одам экан. Лекин гўзал бўлмаса-да, ҳалиги сиймосида чуқур-чуқур ўрнашган, йилтиллаб турадиган кичик-кичик кўзлари одамга шу қадар ёқимли, иссиқ кўринади. Кўзининг четидаги ажинлари ҳар ёнга ёйилган. Унинг кулмай турган қиёфасининг ўзи ҳам бир беғараз кулги келганидан далолат беради.

Давлеткелдининг ўзидан олдин Абайга етган бир ҳажвий шеъри бор эди. У, онасига айтган шеъри эди.

Ҳозир Давлеткелди келиб, ёнига ўтириб, чой ичиб бўлгандан кейин Абай ундан илтимос қилди.

— Узингдан олдин сўзинг келган эди. Ҳалиги қўнғир той касал бўлиб ўлганида, онангга нима деган эдинг, ўшани айтиб бер-чи? — деди.

Давлеткелди таранг қилмай гапни илиб кетди. Чеҳрасида кулгидан асар йўқ. Унинг айтишига қараганда, бири икки бўлмаган қашшоқ Давлеткелдининг ёлғиз сиғиридан туғилиб ўсган бир яхшигина ғунажини бор экан. Уша ўтган йили қисир қолади. Давлеткелди уйида йўқ маҳалда онаси бир қўшнисининг алдовига учади. «Ўғлинг мингудек улови йўқ. Менинг бир қўнғир тойим бор. Ушани ол-да, ғунажининг ўзи қисир экан, сўқим қилай, менга бер» — дейди.

Кампир алданади-да, Давлеткелди шаҳарга пичан ташиб сотиб юрганида «пиёда юрибди, ўшани севинтирай» деб айрибosh қилиб, тойни олади. Орадан бир ҳафта ўтгач, Давлеткелди уйига келса, тойга кўйдирги чиқиб ётган бўлади. Шундан ўлиб қолади. Тинкаси қурриган кампир, уйига киради-ю, тўрнинг калласига чиқиб ўтириб олиб, хўрсина беради. Давлеткелди бир нарса деяй деса, кампир бобиллаб оғиз очирмай қўяди. Узи ҳам ўқинчдан тарс ёрилгудек ҳолда хуноб бўлиб ўтирган шўрлик эмасми. Давлеткелди пойгакда, ўчоқ ёнида ўтириб, онасига ер тагидан қараб қўйиб кесатади. «Ўтиришини қара, қуда ойим бўлиб!» — деб қолади. Онаси унинг изза қилишини билиб, дамини чиқармай ўтиради. Энди бир пичирлаб: «ҳой, нима деяётисан, сен!?» — дейди. Шунда Давлеткелди тиржайиб онасига бир қарайди-да, шеър тўқиб юборади.

«Ниманг бор тойда?
Қилай деб фойда.
Мол йигай деб йиголмай,
Куда ойим ўтириби уялмай!»—

деб пиқ этиб кулиб қўяди.

Шунда ўзи тутақиб ўтирган онаси ўчоқбошидаги оташкуракни олади-ю: «Йўқол, оғзингта дард теккур ит!» деб талпа ташланганда, Давлеткелди тура қочиб қолади. Қочиб кетаётуб: «ҳа Абайнинг «Саккиз бўғини» эмасми? Саккиз бўғиннинг вазни эмасми! — деб қўяман!» деди Давлеткелди.

Давлеткелдининг бу ҳикояни чеҳрасида жиддийлик

акс этгани ҳолда қовоғини солиб ўтириб айтаётганини пайқаб, Абай Давлеткелдининг жуда қизиқчи, ўзи бир афандисифат ажойиб одам эканлигини билди.

Қашшоқлик аллақачон унинг бўйнига миниб олган. У юрган Бойқадам-Сопоғи, Жўломон-жотоги, Байгели-Шоғоласи, Затони — ҳаммаси ҳам қаширга тирноғи йўқ, мұхтожликка тўла жойлар. Умрбод қайтиб чиқолмайдиган боши берк кўчага қамалган қашшоқлар. Давлеткелди ўшалар билан бирга меҳнат чекиб, меҳнати зойе кетиб, жафо тортиб, ўшани енгадиган бир фазилатли қувват топган. Санъати билан, қизиқ кулгиси билан не-не йўқчилик-қийинчиликларни эрмак қилиб енга билади. Ўз бошига тушса ҳам тап тортмай кулиб қўйиб, жафо билан жант қиласди. Яна шунингдек, ўзи сингари қанча-қанча дили ғамли, кўзи ёшлиларни кулдириб юпатади, юпатиб куч-қувватини тиклади. Шу ишга қолганда Давлеткелди ўзидан ҳам кулади. Ўзига кўнгли яқин кишиларнинг ғамгин, ғариб аҳволи билан ҳам кулгиси орқали курашади.

Абайнинг кулиб қулоқ солаётганини фаҳмлаган Сеит, Давлеткелдидан Байгели-Шоғолада тўқиган шеърини айтиб беринини илтимос қилди. Давлеткелди уни ҳам парвойи фалак, хиёл бўлса ҳам жилмаймай айта бошлади.

— Ҳайнтда қирқ уйга кириш фарз дейилган. Байгели-Шоғоланинг барча жотоқларини оралаб, бирорта қашшоғини қолдирмай. Қирқ қашшоқнинг уйи — қирқ уйчиқмаганини кўриб қўярман деб, бир бошдан кириб келаётган эдим. Шунда бир уйга кирсам, бўсағаси қоқ тиззадан экан. Оёғимни қўтариб, ҳатлаб киришим биланоқ остананинг олдидаги тақир ерга боласи сийиб қўйганини кўриб қолдим, тойғоноқ бўлиб ётган экан. Ҳатлашим биланоқ тап этиб тушдим. Эшигини очганда пайқаган эдим, деразасининг бир кўзи йўқ экан, ўрнига қорин қоплаб қўйибди. Эшикни очиб юборганимда ўша қорин «гуп» этди. Шунда йиқилиб ётган еримда оғзимдан шеър чиқиб кетибди.

«Эшикдан кирсам «ҳап» дейди.

Деразаси «гуп» дейди.

Уйми бу, омборми бу,

Худодан олдин жонимни оларми шу?!»—

деб ҳайқирганимча туриб кетдим! — деди.

Давлеткелдининг эндиғи ҳикояларини дастлаб Абен әсга солдя. У — саҳронинг бир бойини эрмак қилгани ҳақида эди. Бойқадам-Сопоқ жотогининг атрофида биринкита бой овул бор эди. Ўшандан биттасининг катта оқсоқоли ўлади. Атрофга хабар етиб, ҳар ёқдан жонкуярлари от қўйиб кела беришади. Ҳалиги ўлган бойнинг қўйи кўп, бироқ, ўзи жуда беоқибат экан. Мол қўрани ҳовлиси билан битта қилиб солибди. Давлеткелди уйга кириб кўришиб, эшикка чиқиб келаётган экан, гавдаси тогдек, гумбаздек бир кекса бой ёлғиз ўзи от қўйганича келиб, отидан йиқилиб юмалаб тушиб келаётган экан. Давлеткелдига осила кетибди. Давлеткелди пайқаб қараса, ҳалиги бой икки кўзини чирт юмиб, оғзини очиб: «Вой, жигарим», «вой сунгган тоғим», «қаерга кетдинг?» — деб бақирганича уйга қараб интилади.

Шунда Давлеткелди бойни ҳовлига киргиши биланоқ одам турадиган томонга олиб бормай, кўзи юмуқ ҳолича суяб бориб, қоп-қоронғи қўй қўрага киргизади. Тўрга томон бирталай ергача олиб бориб, жуда ҳам зим-зиё қоронғи ерга етганда: «Қани, бундан у ёғини ўзим ҳам билмайман, ўзинг топиб ол!» — деб таппа орқага ташланади-да, бурчакка тиқилиб туриб олади.

Ҳалиги гумбаздек, зўр гавдали бой «Вой, жигарим!» — деб у ёқса қараб бақиради, бу ёқса қараб бақиради, атрофини пийпаслаб, бошини у устунга бир уриб олади, тақ этдириб бу устунга бир уриб олади. Энди дам «вой, жигарим!» — деб, ҳалигининг ташлаб кетганини билиб, «қаердасан ҳой, оғзингга...» деб қўяди, дам «вой жигарим»лай бошлайди. «Қўй-чи, сут пишгунчалик вақт ичиди ҳалиги бойини қудуқقا, тушиб кетган ҳўқиздек ҳўнгиллатиб кетдим-қолдим! — деди.

Давлеткелдининг энг кейинги, мана шу рўзада қилган бир хил ишлари бор экан. Уйдагилар унинг сўзларини хушчақчақлик билан тинглаб, ўша ҳикоясини ҳам айтдиришиди. Рўзанинг куни оғзи очиқ Давлеткелди шаҳардан қайтиб келаёттиб, кечга яқин бир бойнинг овуллига тушади. Унинг ёши анчага борган одам бўлгани учун «Оғиз очиб кет!» деб, ўша овул эгаси уйга таклиф қилиб, куттган бўлади. Ўша овулга тушган бегона меҳмонлар ҳам бор экан. Уларнинг бир қанчаси Давлеткелдини танийдиган шаҳарлик саводгарлар экан. Ўшалар бунга ҳазил қилмоқчи бўлиб «ҳа» деб қолишади.

Овқат олдиdan «хуфтан намозини ўқиймиз» деб, овул эгаси бошлиқ етти-саккыз киши сафга тушади-да, Давлеткелдини ўрталарига олишади. Унинг таҳорати борлигига, намоз ўқиши-ўқимаслигига қарамай «имом» бўл дейишади. Тортинай деса ўрталарига турғизиб олишиб, ҳақиқий имом қилишиб, олдилариға чиқаришади; муғомбир савдогарлардан бири аzon айтиб, так-бир тушира бошлайди.

Шунда Давлеткелди «ундоқ бўлса кўриб қўяй» дейди-да, аввало қулағузуни товушининг борича бошлаб юбориб, охирини минғирлаб тамом қиласкан, қўл қовуштириб, товушини барада қўйганича алҳамдуни «албисина ломга совкин — ал, хисинҳо — алҳа, мимга совкин-алҳам, далтурду алҳамду» — деб дам олдига, дам орқасига кетиб, чуғурлаб, мусулмон боласи ўқиб кўрмаган равишда намозининг «алҳамду» деган сурасини «ҳижжалаб» ўқий бошлайди. Парвойи фалак, ўшани чўза беради.

Шунда ҳали буни имомликка ўтказиб сафга турган савдогарларнинг ҳаммаси пиқирлаб кулишиб, жой-намознинг устида ағанаб қолишади. Буни Давлеткелдининг ўзи бамайлихотир айтиб берганда, Абайлар жуда ҳузур қилиб эшитишиди.

Уша Давлеткелди даставвал учрашган қунидан бүён бир неча кун давомида Абай бирга олиб юриб, бирга қадрли, қизиқ меҳмон бўлишди. Давлеткелди фақат қизиқчи, аскиябозгина эмас. У Абайнинг шеърларини ёддан билиб, ҳалқ ўртасида барада куйлаб юрар экан. Мана бу меҳмон бўлишиб юрган чоқларида баъзан Абай «ҳикоя қил» деса, Давлеткелди онда-сонда тўсатдан бир чўққига чиқади. Юлиб олгандек қилиб, Абайнинг «Сатанг» сингари «Адашганинг олди осон» дек ўз шеърларини Абайга илгарилар у мутлақо эшиитмагац, билмаган одамдек қилиб, қовоғини солиб жиддийлик билан, ўйноқи қилиб, шариллатиб айтиб беради. Шунинг билан у ўзининг одатдаги тингловчиларига ўзгача бир озиқ бериб юришини ҳам англатди.

Абайнинг шаҳарда кўп туриб қолган шу галги сафарида онда-сонда, яна баъзи кунларда атайлаб учрашадиган бир тоифа меҳмонлари бўлади. Улар шаҳарда ўқиётган, рус мактабларидаги турли ёшда бўлган болалар. Ўшаларнинг бир тўпини Абай билан

Боймағамбет бугун, шанба куни кечқурун ўзларининг кенг чаналарига учтадан-тўрттадан ўтиргизиб, Каримнинг уйига олиб келишганди. Сиғмай қолган бир тўп болаларни Абай Боймағамбетнинг ёлғиз ўзини юбориб, атайлаб бир чана қилиб олдириб келди.

Ҳозир, чойдан кейин, Абай кечки ўтиришни ўша болалар билан турли сухбатлар ўтказишга бағишилади. Уларнинг ҳар қайсиси ўқиётган синфларини, бугун берилган дарсларини, ёдлаб юришган шеърларини сўради.

Абай билан Боймағамбетнинг у томон билан бу томондаги ҳар иккита уйларида ҳам бундан олдин бир неча бор келишиб, меҳмон бўлишган бу болалар Абайдан унча уялиб, тортинишмайди, ҳаммаси ҳам Абай билан Боймағамбетнинг саволларига ўз ҳолларича жавоб беришади.

Ҳозир мактабларининг формаларини кийишиб, камарларини тақишишган тўққиз бола, Абайнинг меҳмонлари — уч мактабнинг ўқувчилари. Бу тўққизта болаларнинг ичидағи каттаси — Даркембойнинг ўғли Раҳим. У ҳозир ўн саккиз, ўн тўққизга чиққан. Ундан кейингиси ўн тўрт ёшлар чамасидаги Осон. У — Ийс кампирнинг ўлиб кетган ёлғиз ўғли, чўпон Исодан қолган Осон. Усен иккита етимча. Шалаларни Дармен тишида тишлаб, бошида парвона бўлиб, паноҳ бўлиб ўстириб, аввало Абайнинг овулида бир оз русчага ўқитганди. Сўнгра икки-уч йилдан буён шаҳардаги рус мактабига берганди.

Раҳим, Осон ва шу кунларда ўн иккига чиққан Усен учови ҳам «Городское училишче» формасида. Булар у томондаги «Пятиклассное городское училишче» деган рус мактабида ўқишиади. Ҳозир учови ҳам степной генерал губернаторга берган аризаларига кўра, стипендия олишади. Аслида бу стипендия рус мактабларида ўқийдиган қозоқ болаларига атаб, хонадан солиғига қўшиб, қозоқ бўлисларидан йигиларди. Бу стипендия бутун қозоқ болаларига тета бермайди. Омади юришиб аризаси қўл келган мана шу уч етим бола сингари баъзи бир камбағал етим болаларга аҳён-аҳёнда тегарди.

Ўша учовидан бошқа, қора кийимларига сариқ жез тутглалар таққан, ушоғроқ, ҳаммаси бир хилда бўлган тўрт бола бор. Улар Слободканинг ўзида қозоқ бола-

лари учун очилган интернатда ётиб ўқийдиган мана шу шаҳарлик қашшоқларнинг болалари. Буларнинг иккитаси тўққиз ёшда, улар Затон ишчилари, Сеит билан Абеннинг болалари. Ҳозир биттаси «кимсан?» деса, ўзини «Сеитов Асқарман» дейди. Иккинчиси, каттакатта кўзли, оппоққина чўзинчоқ юзли бола — Абенов Мақсут.

Қолган икки болалинг бири Дамежоннинг набираси, саккиз яшар — Жабекинов Мурот. Иккинчиси, қайиқчи Сейлнинг кепжаси, у ҳам саккиз яшар Шакет. Бу тўрт боланинг буруулари қисқа, бўйлари кичик, бир хилда форма кийган бўлиб, худди думалаб юрган қўзичоқларга ўхшаб, ширингина кўринишади. Рангги рўйлари топ-тоза, лўппигина, юзлари ним-ранг қизил. Ҳали соч қўйишмаган. Тўртталаснинг бир вақтда қирқкан тойчоқдек, энди текис чиқиб келаётган соchlари бир соатда олинганга ўхшайди. Булар кулгунчак, ўйинқароқ болалар.

Абайнинг меҳмон болалари ичида мана шу икки тўп камбағал-қашшоқ болалардан бошқачароқ, ўзгачароқ кўринадиган иккита бўлали, қора тўри бола ҳам бор. Улар интернатдаги ҳалиги тўрт боладан хиёл тикроқ. Булар ўн икки ёшлардаги тенгдош болалар, айниқса буларнинг кийим-бошлари бошқача. Негмет, Жалел деган, гимназияда ўқийдиган Қунанбоевлар.

Бугун улар Абай тушган уйга меҳмонга келишаётганларида ўзларининг меҳмонга борганда киядиган гимназия мундирларини кийиб келишибди. Қисқа бўйниларига уқали ёқалари тирадан, ўнтадан ошиқ оқ ялтироқ тугмалари томоқларидан киндикларигача қатор тизилган бу болалар, бошқа икки тўп болалардан ўзларини бир хил, бошқача тутишади. Жуда кам гап. Қўпинча атрофдаги болаларга худбиилик билан боқишлиди. Ҳам оқ тугмали мундирлари билан, гимназиялари билан мақтанишса, яна булар ўзларининг Қунанбоев эканликларини ҳам сезиб қолишган, шунга орқа қилишадиган болалар.

Ўн икки яшар Негмет Қунанбоев — Азимбойнинг ўғли. Ҳозирги кунда Азимбойнинг уч хотинидан ўн бир ўғли бор эди. У ўн бир ўғилнинг тўрттаси бойвуччасидан туғилган. Сўнгги уч-тўрт йилдан бўён Абай болаларни русча ўқитаётир деб Такежон, Азимбой ҳам ўн бир ўғлининг биттасини шаҳарга, четга юборганди.

Азимбайнинг ёшлигиде олган катта хотинидан туғилган катта ўғиллари ўн олти-ўн саккизга кириб, қатор ўсиб келишаётганди. Ўша бойвуччанинг ўртанчи ўғли нинг биттаси, мана шу Неғметни ҳар ерда тайёрлаб келиб, энди икки йилдан буён гимназияда ўқитишаётганди.

Иккинчи Қунанбоев Жалел — Қакитойнинг ўғли. У ҳам Неғмет билан бирга ўқыйди. Иккита Қунанбоевнинг сиртқи қиёфаси, юз тузилишлари бир-бирларига ўхшамаса-да, умуман олганда бирини бирига жуда ўхшаш қилиб турадиган бир жиҳати бор. Бу икковининг ҳам ўн икки яшар бола ҳолида турқи совуқ. Жалел чөлак бош келган, кенг пешонаси қисиқ-қисиқ, қийшиқ күзига ўртилиб тушган. Бурни кичкина, майдада сийрак тишли, қалмоқ башара бола. Кўзининг чети керилиб, қийғоч битганди, ўша кичкина кўзларининг эти ҳам сержирим. Қалин бўлиб, қовоғидан пастга осилиб, кўзининг ярмини ёпиб туроди.

Азимбайнинг ўғли Неғмет бўлса, у ҳам онасига ўхшаган, лаб-даҳани шалвираган. Қалин пастки лаби мудом бироғдан жирканиб, пишқириб қараб турганга ўхшайди. Азимбайнинг бу боласининг рангги қизил эмас, қонсиз-қора тўри бўлса-да, қовоқлари қалин-қалин, сержирим.

Икки кўзи ғазаб билан ўйноқилаб, мудом чатоқ излаб турганга ўхшайди.

Бу икки бола рус хонадонида туришади. Гимназиада икки йил ўқиганидан, рус хонадонида турганидан, рус тилига яхшигина омил бўлиб қолган.

Абай набира-иниilarини мәҳмонга олиб келгани билан, уларга кўнгил бўлмади. Аввало кўп сўзлашгани Даркембайнинг ўғли Раҳим бўлди. Абай унга аввалинг йилларда, городское училишчега даставвал кирган йилларида ҳазил қиласр эди.

— Оббо Раҳим-эй, ўқишга кечикиб кирдинг. Синфингдаги ўзингдан кичик болаларнинг-ку отасидек кўринасан-а! — деб ҳазиллашиарди.

Хозир Раҳимга яна ўша ҳақда ҳазил қилди.

— Хўш, энди қалай, Раҳим? Бу йил учинчи синфга чиқдинг. Ана у йиллари сени «дада» дейдиган рус синфдошларинг йигит бўлиб қолдими? — деб кулди.

Раҳим Абайни отасидек кўтар, бемалол ҳазиллаша берарди. Ҳалиги ҳазилга бошқа, майдада болалар қиқир-

лашиб кулишганида ўнғайсизланмади. Абайнинг ҳазилига лойиқ асия қилди.

— Нимасини айтасиз, Абай оға! Уч-тўрт йилнинг ичидаги ўша болаларнинг ўзлари ҳам сўррайшиб, зинғиртдек йигит бўлиб қолишиди. Шундан кейин кўзим очилди-ку. Даставвал приготовительний синфга кирган йилим бутун синфдошларим киндигимдан келарди. Танаффусда мен қўзилар орасида юрган бўтага ўхшардим!— деганида, Абай жуда хурсанд бўлиб қаттиқ кулиб юборди.

Энди бир маҳалда Абай Осон билан Усенниңг русча шеър ўқишини эшитмоқчи бўлди. Усен Абайнинг сўрашига кўра, сўнгги кунларда муаллим ёдлашга берган шеърини айтиши керак эди. Уларга Криловнинг «Эшак билан Булбул» деган масали берилган экан. Усен ўшанинг русчасини келиштира олмай ургусини, айтилишини жуда ёмон айта бошлади. Абай уни олдин тўхтатди-да, оталарча мулоиймгина ҳазил қилди.

— Епирай, Усен-эй, сенинг русчангнинг ургуси русчани ўттизга киргандага ўқиган меникидан ҳам ёмонку. Аввал мусулмонча ўқийман деб, русча тилга Осон иккаланг кўнгил қўймай келәтирсанлар-ку, а!— деди.

Энди русча ўқитишни қўйди-да, Усенга: «Хўп, ўша «Эшак билан Булбул» нима қилибди ўзи, ҳикоясини айтиб бер-чи»— деди.

Усен у масалнинг ҳатто бир қанча сўзларини ҳали тушуммаган экан, масалнинг маъносини ҳам билмас экан.

Нифмет билан Жалел уни масхара қилиб кулишгандага Усен номус қилиб қизариб, ўнғайсизланган бўлсада, Абайга «Эшак билан Булбул» қандай муносабат билан учрашганини айтиб бера олмади.

Шундан кейин Абай: «Вой-вой, Усен, сенга ёрдам керак экан. Қўй, мен бир чорасини қиласай!— деди. Шундан кейин у Сеитнинг ўғли Асқардан, Абенниңг ўғли Мақсутдан, яна Осондан ҳам мактабларида Криловнинг қандай масалларини ёдлаётганларини сўради. «Фил билан Кандин», «Чумоли билан Ниначи», мана шу «Эшак билан Булбул» яна шунга ўхшашлар ёдланар экан.

Абай ҳали ўз оғзи билан Усенга «ёрдам қиласман»— деган ваъдасини унутмаган эди.

Керимнинг иккинчи бир хонасига болаларнинг ҳам-

маси учун жой солинган. Абай Боймағамбетни ўша болаларнинг ёнида ётқизди. Сүнгра Асқар билан Мақсұтта маслаҳат берди. Улар иккөві Боймағамбетнинг иккі томонида ётишган экан.

— Сенлар биласанларми, болалар, мана бу Боқайнинг оғзини очса бўлди, эртак деганинг гуриллаб чиқади. Боқайнингга эртак айтдиринглар! — деб, болалар биратўла ечиниб бўлгунча ўзи уларнинг тўшакларининг оёқ томонида, кенг чопонини елкасига ташлагани ҳолда типпа-тик туриб, қўзичоқлардек болаларга шодланганича қараб турди. Қизиқиб, тикилиб қаради.

Ўша болалар чироқ ўчирилган қоронғи уйда бир-бирларини қўрқитишиб, туртиб ўйнашиб кулишганларича Боймағамбетнинг эртагини эшишиб ётишиди. Абай бўлса ўз хонасида холи қолиб, Усенга берган ваъдасини адо этиш билан бўлди. У мана шу кечадан масалини қозоқчага таржима қилиб кўрди.

Эрталаб болалар нонуштага ўтиришганларида Абай Усенни ёнига олиб: «Сен русча китобингга қара, мен қозоқча айтиб берай. Шундай қилиб, Эшак билан Булбул шу хилда учрашибди, болалар!» — деб кечаси ўзи меҳнат қилиб яратган таржима сатрларини қунт қилиб, пухталаб ўқиб берди.

Шу кечадан бошлаб, қиши бўйи шаҳарда туриб кечирган тўқсан тўққизинчи йилнинг даставвалги ойларила Криловнинг Усенлар, Осонлар, Раҳимлар ёдлайдиган қанча-қанча масалларини Абай диққат билан, қизиқиб таржима қилди.

3

Бу сафар қишининг ярмида Абай шаҳарга маҳсус бир чақиририқ билан келди. Кечадан кеч кириб, қош қорайган пайтда Абайнинг пар от қўшилган чанаси Қумошнинг ҳовлисига кириб келганди. Қечқурун Қумош Абайга пешвоз чиқиб, унинг қор босган кийимларини қоқишиб, болохонадаги зинага яқин бўлган катта хонасига киргизган эди.

Абай ўзининг шу гал ҳеч кутилмаганда келиб қолишини Қумошга қисқача айтиб берганди. Сабаби, ҳозир ўзи ҳам, элга етган қисқача хабар, чақиририқдан бошқа гапни билмасди. Тезгина келтирилган чойни ичиб ўтиаркан, Абай фақат:

— Билмадим, Құмош, балки бу ҳақда ўзинг мендан күра күпроқ биларсан. Шу ерда шаҳарнинг қозоги билан нұғойи бўлиб, бир маслаҳатта тушишибди. Мусулмон динидаги элларнинг ўша, дин қардоши бўлиб, қарор қилишадиган гаплари бор дейишашёттир. Шаҳарга ҳар тарафдан одам чақирилаётган экан. Менга ҳам шундай хабар борди. Шундай хабар боргандан кейин келиб қолдим! — деди.

Чой ҳозирланаеттанды әшикдан кирган Боймағамбет уйга катта бир сандиқ билан икки күзи тўла бир хуржунни киргиздирди. Абай ўша юкларни Құмошга кўрсатиб, оддий гапга кўчиб:

— Мана бу олиб келаётгандари, ўзинг биласан, менинг китобларим. Боймағамбет икковимизга ёзгача етарли қилиб, мана шу сандиқ билан хуржунни тўлатиб китоб олиб кетмоқчимиз! Қалачи, бозорчи бўлганда бу иккаламишинг асосий ишимиз шу! — деди.

Құмошнинг бошқа меҳмонлари йўқ эди. Ўзининг таги қўқонлик бўлгани билан Құмош ёлғиз Абай эмас, қозоқ қўшнилари билан ҳам кўп борди-келди қиласади. Шаҳар савдогарлари, қирдан келадиган карвонлар сингари кўплар билан ошна-офайни. Қозоқлар қандай бўлса ўзи ҳам, хотини ҳам йигитча бўлиб қолган, савдо билан у ёқ-бу ёққа қатнайдиган ўғли Алимқон ҳам қозогивор эди.

Құмош мусулмонча ўқиган одам. Баъзан Абайнинг шеърларини кўчиритириб олиб, китобга ўхшатиб уйида сақларди. Шу жиҳатдан Боймағамбетни ҳам ўзининг ёри-дўсти, оғайнисидек кўради.

Абай билан келса ҳам, ёлғиз келса ҳам уй холи қолди дегунча ўтиниб, Боймағамбетга эртак айтдиради. Ҳалиги хуржун билаң сандиқлар уйга киргизилганда Боймағамбетга бир ҳазил отди. Унда сипогарчилик билан қилинган илтимос ҳам бор эди.

— Шаҳардан чиққан китоб, сахрого бориб келди. Кўп романлар, ҳикоялар айтиб келди-а, Бақо! Бу китобларни ўқиёлмайдиган биздек одамларнинг ёнидан бу китоблар шу йўсинда индамай, у ёқдан-бу ёққа ўтиб кетаверадими? Еки, баъзи саҳифаларини очиб, ҳикояларини айтиб берадими? — деди.

Абай Боймағамбетга кулимсираб, мароқ билан қараб турди. Жавоб бергучи ўзи эмас, Боймағамбет бўлгандан кейин, ўша «нима дер экан» деб, унга ўгирил-

ганди. Боймагамбет йўлдан чарчаб келмаган экан. Чойдан кейин бемалол жойлашиб олиб, бир ҳикоя айтиб бермоқчи бўлди.

— Бунинг номи «меҳмон удми» бўлсин. Эрталабдан бошлаб, биз ўзимиз уй эгаси, овул эгаси бўламиш. Бугун, келган кунимиз менга айтдириб қолтанинг дуруст, унга даъво қилмайман! — деди. Кейин бамайли хотир ўтириб:

— Русларнинг бир катта фикр эгаси ёзган китоб экан. Абай яқинда шуни менга айтиб берган эди. Мен уни ҳали ҳеч кимга айтиб бермаган эдим, тутилмаган гапим шу бўлсин. Шундай қилиб, айтадиган бу ҳикоям «Кумуш князь» дейилади! — деди. Унинг энди айта бошлагани Алексей Толстойнинг «Князь Серебряный» романни эди.

Бу кеча Абай бошқа одам билан учрашмади. Қумош Абай келган иш ҳақида шаҳар халқининг оғзида юрган гапларни эшитганди. Бироқ, у қадар если-ҳушили одам билан сўзлашиб, ҳақиқатини билмагани учун, ўзининг ҳақиқатчи, тўғрисини билмай сўзламайдиган ювошлигига борди. «Қўпчиликнинг оғзида шундай гап бор, мен унча-мунча эшитган эдим. Ҳали ўзингиз айтгандек гаплар» деб қўя қолди.

Шунинг билан бугунги кечани Боймагамбетнинг қизиқ ҳикоясини эшитишга беришди-да, шаҳарнинг янги хабарини кейин эшитишмоқчи бўлишди.

Үйқуга жуда қониб, кеч турган Абайлар чойни яхшилаб ҳозирлатиб, тушга яқин ича бошлашганди. Чой ичилиб бўлаёзганда Абайнинг шаҳарга келганини эшитиб, уни кўргани икки киши келди.

Биттаси — олдин киргани, баланд бўйли, барваста келган, бу кунларда бақбақаси чиқа бошлаган, узун чўққи соқолли, бурни катта Кўкбой эди. Иккинчиси — пакана, япалоқ юзли, оқ чўтири, қирилган қора соқолли, Кўкшелардан сипогина Алпейим деган йигит. Бу икки киши Абайга таниш бўлса-да, ҳозир Абай уларга ҳайрон бўлиб қаради. Эшикдан киришганларидан бошлаб, улар тўрга чиқиб ўтиришгунча тикилиб, ҳайрат ичиди кузатиб борди. Уни ҳайратда қолдирган сабаб — бу икковининг ҳозирги кийимлари бўлди.

Абайнинг ўз элининг қозоқлари. Кўкбой бўлса бир вақтларда Абайга яқинлашиб ҳам юрган йигит эди. Ҳозир ўша Кўкбой кўк мовут сирилган татарча қундуз

тепек кийиб олибди. Эгнида татар тикучига тиктирган, елкаси тик пешмат. Унинг устидан шаҳар муллалари киядиган ялангқават малла түн. Оёғида ҳам қала кавуш, маҳси. Унинг ёнидаги пакана, чорбурчак келган Алпейим ҳам шу сингари «олифта, сиртини силаб» дегандек, шаҳарча кийинган. Буларнинг бири ҳозир катта мачитнинг халфаси — Кўкбой халфа дейилади. Иккинчиси — ўша мачитнинг ёнидаги мадрасага сўнгги йилларда келиб ётиб, ўқиб юрган муллавачча, соқолли муллавачча. Ўқишига ёшим улғайиб қолди деганига кўнмай, Кўкбой шаҳарга етаклаб келиб, Кўкше элининг шу сингари яна бир тўп ёшлари билан бирга мадрасага киргизган.

Ёши қирққа бориб қолган Кўкбой илгари бир вақтларда шоир, ашулачи Кўкбой эди. Ҳозир «Кўкбой мулла, Кўкбой халфа» деган номга рангги-бўйи, қиёфаси ҳам мослашиб қолибди.

Абай билан сўрашаётгандан Кўкбой «хайри дуюйи-нгизда, оллога шукур» деган гапларни айтиб сўрашди. Унинг мана шундай қақшатғич аёз, қарсиллаган қиши кунида, элтири пўстин, бўялган тўн, гуппи сирма чопон, ағдарма этикни ташлагани қизиқ. Шаҳарнинг, айниқса мачитдаги намознинг кийимиға кўчибди. Абай буни бошқача тушунди. «Кўкбой бирйўла ичию, сирти биланоқ худо йўлига кирганга ўхшаб олган экан»— деб ўйлади.

Ҳол-аҳвол сўрашиб бўлганларидан кейин, Абай муллавачча Алпейимга ўғирилиб қаради-да:

— Хўш, Алпейим, қани айт-чи, бу кунларда нимани ўқиётирсан?— деди.

— Наҳу ўқиётиман, Абай миrzal— деб Алпейим «нима дер экан» деяётгандек йилтиллаган кўзларини Абайга тикиб, кулимсираб қўйди.

— Ҳа, жинни бўлишингга озгина қолибди-да! Арабларнинг мақоли бор: «Фихқани кўп ўқиган ақлли бўлади, наҳуни кўп ўқиган аҳмоқ бўлади!»— деб Абай шу гапларни шариллатиб арабчалаб айтди. Яна кулганича:

— Шундай қилиб, бу гапни айтган мен эмас, ўқиб юрган арабларингнинг уламолари!— деб бир оз жим қолди-да:

— Алпейим тушкур-эй, отанг Муқир-Тақирнинг бўйнига даставвал экин эккан, ақлли иш қилган қозоқ эди.

Сенга ҳам қизиғи ўша элингга бориб, меҳнатга берилиш-ку. Кўкшеларнинг сенга ўхшаш бир тўп ёшлигини мана шу, у томон билан бу томоннинг мачит-мадрасаларида галалаштириб юрган мана бу Кўкбой-ку! Бунга эргаша бериб ҳам нима қиласиалар. Шундай бир яхшиликнинг бирйўла баҳридан ўтиб, шунинг ёлғиз ўзига бера қолсаларинг, нима қилади!— деди. Бир вақтлар ўзига ёш йўлдош қилиб юрган Кўкбойдан ҳозир умид узиб қўйганини билдириди.

Кўкбой бирорнинг оғзига боқадиган, қовоғига қарайдиган одати бўйича Абайнинг ҳалиги гапларини кўтарган киши бўлди. Чидаган бўлиб, сир бой бермай, дамини чиқармай эшилди. Ичидан: «Бирор нарса десам, яна бир ўчмас тамғадек тиғдор гап, заҳарханда қилиб қолади. Ундан кўра, мана бу Абай балосидан шу ерда индамай қутулай!»— деб ўтирганди.

Бир оздан кейин, Абай билан чой ичиб бўлгандан кейин, Кўкбой бу ерга қандай иш билан келганини сездириди. Абайнин шаҳарга чақиритириб келиш сабабини Кўкбой яхши билар экан. Салдан кейин аниқланишига қараганда, у Абайнин кўргани ўзича келмаган экан. Абай билан бир элдан бўлгани учун, қола берса, илгарилар йўлдош ҳисоблангани учун олдиндан гап олгани атайин юборган тўдалар бор экан. Бу жиҳати ҳам англашила бошлади.

Абай ўзини шаҳарда кутаётганлар кимлар эканини Кўкбойдан билишга киришиди. Уни у томон билан бу томоннинг, Кўкбойнинг ибораси билан айтганда нўғой, қозоқ «зиёлилари» кутишаётган экан. Улар кимлар десангиз — у томондаги мачитнинг отоқли имомлари, қўшмачит», «тош мачит», «қозоқ мачит» деган уч-тўрт мачитнинг имомлари, Фабдулжапор, Фабдураззоқ, Хисомий, Жамелитдин ҳамда Сарт мачитнинг имоми Мирқурбон охунларнинг тўдалари экан. Шуларнинг қаторида бу томондаги катта мачит билан қуий мачитнинг имомлари ҳам бор. Улар қозоқ имомлари, Маликаждар қори, Ашим хўжа ва ҳазрат Ақмеджонлар, қозоқдан чиққан яна бошқа ҳалфалар, қорилар, дин устозлари. Абай шуларга зарур бўлиби.

Абай буларни эшилганда ўзининг ҳозиржавоблигига бориб, Кўкбойнинг гали давомини кутмасдан шошганича бир ҳазил қилиб қолди.

— Ҳа, ўзи нима гап, бу дейман бор муллаю, хўжалинг йигилишиб, мени Маккага юбормоқчи бўлаётирсизларми? Ёки «боши саждага тегмаган эди, худо йўлига солайлик, савобга қолайлик» деяётирсизларми? — деди.

Алпейим кулиб юборди.

Кўкбой Абайнинг бу гапини ҳам ўзидан соқит қилиб, эшитмаган киши бўлди-да, парво қилмади.

— Абай оға, яна қулоқ солинг! Уша қавм сиздан маслаҳат сўрайди, ўтинади,— деди-да, гапида давом эта берди.

— Бу одамлар бирсари. Энди мана шу кишилар билан гапини бир жойга қўйиб сизни кутаётган у томон бу томоннинг яна бир жамоати бор. Улар у томондаги отоқли машҳур нўғой бойлари. Уй-жой, давлат эгалари, магазин хўжайинлари, мисол учун, Вали бой, Содик, Исҳоқ бойлар, Икром бойвачча, Шерниёзек мирзалар. Шулар билан бирга у томон, бу томоннинг қозоқ бойлари ҳам ниятдош, тилакдош бўлиб туришибди. Булар, масалан, Сейсеке, Қасен, Жақип бойлар, Билевбой ҳожи. Янги бойлардан, ҳозир ўзингизга маълум бўлган Хитоидан бошлаб, Ирбитгача моли тутиб ётган Бақия ҳожи, Болажон, Турбек бойлар ҳам бор. Бу одамлар ҳам ҳалиги айтилган уламолар, ҳазратлар билан тил бириктириб юришибди! — деди.

Шунинг билан бирга у Абайнинг юзига мароқ билан боқишини қўймади. Ичидан билиб туришибди, Абай бунинг бирма-бир санаётган бойларини кўпинча одам қаторига қўшмай, ёмон кўрарди. Лекин айтиш керак бўлгани учун Кўкбой Абайнинг энсаси қотиб, тескари қарай берганига ҳам аҳамият бермай, ҳалиги қозоқ бойларини ҳам батамом санаб чиқди. Шулардан кейин Абайга: «буларга кўнмасанг мана буларим бор» дегандек қилиб, энди яна бир тўда одамни ҳам санаб берди.

Кўкбой айтмоқчи бўлаётган ҳалиги кўпчиликка, тўдага тааллуқли масалага, мана бу аталадиган одамлар ҳам ниятдош-тилакдош эканлигини эслатди. Шундай қилиб, энди Абай ҳалиги тўдага ноилож яқинлаштирадиган кишилар деб ўйлади-да, бир тўп қора таёқларни, русча ўқиганларни айта бошлади. Буларнинг бир-иккитаси у томонга уй солиб олишган, ўрта ёшга бориб қолган, қозоқларнинг кўпчилигига маълум катта тиломочлар. Яна бир бошқа тўдаси «Петербург, Москвада ўқи-

ган» деган, ёки «ўқиётир» деган, Кўкбойнинг айтишича қозоқларнинг ҳақиқий зиёлилари экан. Уларни айтганда «саҳрода, элда аллакимларнинг боласи эмас, баъзилари хон, тўра авлоди», «отоқли теглик-тахтлик овулларнинг болалари», «сержамоа Суюндиқдан чиққан», «Қоракесекларнинг асли теги бўлган еридан чиққан», «Тўқол Арғиннинг отоқли авлодларидан», «Наймонларнинг миқти овулининг одами» деб гапирди. Илгариги хон, сultonларни мақтайдиган, мадҳ этадиган Кўкбой ўша аслига тушибди-қўйибди.

Абай «отларини айт!» деб буюрганидан кейин, Кўкбой Семейда турадиган ёки бир оз вақтга шу ерга келиб, мана бу гапнинг бир ёқли бўлишини кутиб ётган кишиларнинг номини айтди. Аввал «Жабойқонов Азимқон» деб тўра авлодини, катта бир чиновникни алоҳида айтди. Петербургда «адвокатликда ўқиётган Соқпоев Соқип» деди. «Мол докторликка ўқиётган Боспоқов Башир», яна бир «катта тўра, Нуржонов Қидир», деб санади. Ўшаларнинг ичиди Абай яхши биладиган, бу кунларда чин олган, чиновник бўлган Сармоновни, Сомолбекни, Дониёрларни айтди.

Бир ёғи имом, бир ёғи русча ўқиган, подшо маҳкамасининг тўра, чиновниги бўлган қозоқларнинг қандай қилиб тилакдош бўлганини билиш Абайга қизиқ кўринди. Бу ҳақда Кўкбой ҳозирча гапни чўзиб ўтираса-да, аниқлаб тушунтириб берди. Абай билан ҳалиги катта гуруҳ, тўда оғизма-оғиз сўзлашмоқчи экан. Кўкбой унинг майли билан ниятинигина билиб, бу томоннинг икки имомига — Ашимқўжа билан Ақметжон ҳазратларга бориб айтмоқчи экан. Шунинг билан Кўкбой Абайнинг ҳалиги тўдага тилакдош бўлишини кутади.

Хўш, шунда бутун тўданинг тилаги билан орзуси нима? У муфтига тобе бўлиш. Мана шу шаҳар мусулмонларига, қола берса Семей области ва ҳатто барча қозоқ ҳалқига баравар зарур иш шу экан.

Ҳозир Абайнинг Кўкбайдан билгани Россиянинг жаммики мусулмонлари бўлиб, бир диний марказ қилишмоқчи. «Уни муфти» деб аташмоқчи. «Шунга нўғой, қозоқ сингари ҳу ўша Қозоқдан, Уфадан, Оренбург, Троицк, Омск, Қизилжардан тортиб барча мусулмон ўзининг дин устози деб тобе бўлиши керак». Асли муддаоларини айтишса, «Россиянинг ўттиз миллион мусулмони дин қардошлари бўлиб бир-бирларига яқинлаша-

ди!» — деяёт. Яна «халифаий султон» юртида довур суриб ўтирган, барча мусулмон оламининг Стамбулдаги диний маркази Шайхул Ислом бор. Бу ердаги диний мусулмон қавмни бирлаштироқчи. Бу ҳақдаги гапни бошловчилар — бу йил Россиядан Макка-Мадинага ҳаж қилишга бориб келган бир тұда нұғой, қозоқ яна бошқа вилоятларнинг ҳожилари бўлишибди».

Ўша маслаҳатда Семейдан Фабдираззоқ ҳожи, Икром бой, қозоқлардан Ақметжон ҳазрат ва қозоқ бойларидан Бақия ҳожилар бўлишибди. Шулар бу ёқдаги мусулмонлар номидан ваъда бериб келишибди. «Биз Россияда ўзимизнинг дин устозимиз, муфти бўлишини истаймиз. Шунга оқ подшо, барча мусулмонлар севадиган уламоймизни сайлаб қўйишга рухсат берса! — деб сўрашмоқчи бўлишибди.

«Россиянинг подшоси бўлса, эшишишимизга қараганда: «ўшани муфти сайлаймиз», «ўшанга тобе бўламиш» деган мусулмон динидаги халқларнинг ҳаммаси ўзларининг приговорларини, арзномаларини йиғиб беришсин» дебди. Мана ният шу! Мусулмон динидагилар бир шуъла кўрадиган йўл. «Шунга қозоқнинг жамики яхшилари бирлашиб гапни бир жойга қўйсин, кўмаклашсин! Мана бу шаҳар билан саҳро халқидан бир оғиздан сўз, бир ёқадан баш чиқадиган қилиб, ўз ўгитларини айтишиб, приговор йиғиб берсин» дебди. Халқ олдида обрўйи катта, донғи кетган одам бўлгани учун, шу ҳақда Абайдан зўр умид қилишиб, кўмак кутишаётган экан.

Кўкбой бу гапларнинг ҳаммасини Абайнинг тикилиб қараб, ўйланиб қулоқ солаётганини пайқаган ҳолда батафсил баён этди. Лекин, ўзи кутган жавобни Абайдан бу ўтиришда ололмади. Кўкбой гапни тамом қилгандан кейин унга Абай ҳеч қандай жавоб қилмайтуриб, Боймағамбетга «Отни қўш!» — деди-да, ўрнидан туриб кета бошлади.

От қўшилган чанага, Боймағамбетнинг ёнига Абай ўтироқчи бўлиб, яқинлашиб боргунча Кўкбой билан Аллейим орқасидан қолмади. Уйдан индамай шошилиб чиққани билан Абай бирор жавоб айтар деб, эргашиб келишганди. Чанага тушгандан кейин ҳали ҳам ўзига тикилиб турган Кўкбойни пайқади-да, Абай Боймағамбетга «жиловни торта тур!» — деб ишора қилди. Шундан кейин Кўкбойга қараб, бир-икки оғиз сўз қотди.

— Мендан ҳозир жавоб кутиб турибсан-ку. Мен бир

нече одам билан сўзлашиб аниқлаб олмагунча бу ҳақда жавоб бермасам дейман. Ҳалиги гапларингнинг ҳаммасига жавобим ҳозир бўлса да, ўшани бошқалар билан ўйлашиб, маслаҳатлашиб айтаман. Гапимни билгиси келаётган мачит имомларига уч кунсиз жавоб қилмайман! — деди.

Кўкбойнинг қолган гапига қулоқ солмай, сўрамай Боймағамбетга ишора қилди. Оқ туёқли қўнғир от тез юриб, кўча бўйлаб елиб кетди.

Бу кунларда Кўкбойга ўхшаб, бу томоннинг бош жотоғи, ўрта ери, қуий жотогини, қайиқ оғзини ва Слободкага яқин жойидаги беҳисоб овулларни оралаб, кезиб юрган одамлар кўп эди. Шаҳар халқи биладиган Сомурут маҳдум, Кўрқори, Шарибжон халфадан бошқа, бу кунларда икки мачитнинг имомларига тенг келадиган катта халфа Закен, Ғабдушукур деган катта муллалар бор. Намозга келадиган оз-овлоқ, қари-қартанг маҳалла аҳлига ўғит-насиҳат этиш буларнинг ҳаммасига ҳам камлик қилаётган эди. Булар энди халқ кўп йиғиладиган жойларга бора бошлишибди.

Шу билан бирга у томонда Затондагиларни, тўнчи, пиймачи, булғори заводининг ишчиларини оралаб чиқишиганди. Бу томонда кўпчилиги қушхонада ишлаб, мол сўйиб юрган шаҳарнинг кўп қашшоқ ёшу қарисипи, эркагу хотинини йиғиб олиб, ўғит қилишаёттир. «Муфтига боқиб, дин-мусулмон боласи бирлашмоғи зарур» дейишаёттир. «Халифайи султон» деб, «Шайхул ислом»га тилакдошлиқ билдириб, овоз беришларини сўрашетир.

Затонда Сеит, Абенлар билан ҳамма ишни бамаслаҳат қиласиган темирчи Савелий, мастер Марков мана шу янги гапнинг ҳар кун тарқалаётганини эшитишганди. Улар ўзларича Сеит билан сўзлашганларида: «Русларнинг попидан биз рус қашшоқлари яхшилик кутмаймиз, Уларнинг бизлардек усталар билан грузчикларга ҳозирлаб юргани фақат тузоқ, холос. Сенлар мулланинг, мачитнинг кўп шарофатига учраб, беҳишт оласанларми? Уни Павлов билан маслаҳатлашиб аниқлаганинг маъқул бўлар, бизлар унга хабар қиласилик. Сен иккаланг бу ердаги қозоқ ишчиларига гапни аниқлаб айтинглар. Кўпчилик, фуқаро халқ бундай ўйламаймиз деб, қилинадиган қарорни кўпчиликка тарқатиш керак!» — дейишиди.

Шунинг билан неча хил меҳнат аҳлига дўстона маслаҳати ҳозир бўлган Павлов сўнгги кунларда тўп-тўп ишчилар, меҳнаткашлар, фуқаро халқ орасида бўлди.

Абай уни худди мана шу гал осонлик билан топа олмади. Фақат кечга яқингина уйта келадиган вақтини пойлаб туриб, уйида кутиб олиб, холи ўтириб сўзлашиш учун Қумошнинг уйига олиб келди.

Шу кечга Павлов билан Абайнинг суҳбати ҳар икки тарафдан кўп янгиликлар билан янги бир оламнинг четини очди. Аслида бу икки дўст шу вақтгача бошқа кўп ишлар ҳақида сўзлашган бўлсалар-да, дин масаласини оғизга оларга олиб, суҳбатлашиб кўришмаган эди.

Павлов Абайнинг бир вақтлар «Худога ишонадиган мусулмонман» деб дангал айтган гапини эшигандан бўён дин ҳақида гап очишдан сақланар эди. Бугун бўлса Абай ўзининг жавобини кутаётган тўдаларнинг биронтасига ўз қарорини айтмай туриб, Павлов билан маслаҳат қилаётир. Бу ҳол, албатта Павловнинг ҳам ёрилиб сўзлашини талаб қиласди. Павловнинг ўзи ҳам рус подшолиги билан православ бутхона устозлари қозоқ, татар сингари халқларга нисбатан қандай беўхшов ишлар қилишини яхши билади. Унга яна Павловнинг ўзи ҳам, унинг дўсти бўлган кўплар ҳам ўзгача қарши эканлигини Абайга айтмоғи керак.

Шунинг билан бирга Павлов аввало подшолик тузумини танқид қилди.

— И момлар, бойлар шаҳарнинг қашшоқларини, саҳронинг авом халқини алдайди, янгилиширади. Уларга, кўзини ўйиб туриб кўрсатиб, нима дейди? Мана бу почтанинг ёнида, каланчанинг олдида турган оқ бутхонани кўрсатади. Унда ким бор, нима бор? Бу бутхонани «миссия» деб атайди. Уни ўзингиз ҳам биласиз. Хўш, миссияда ким туради? Катта дин бошлиқлари туради. Анави Омскдаги генерал-губернатор даражасидаги, Оқмулла, Семейдек икки областнинг дин бошлиги бўлган епископ туради. Уша епископ Андриан мана шу қозоги кўп Слободкага атайин жойлашган. Нега? «Қозоқ, татар халқини чўқинтираман», «ислом динидан хрестиан динига кўчираман», деб ўтирибди. Шу ҳақда Павлов миссиянинг ичидаги, Абай билмайдиган кўп сирларни, ишларни айтиб берди.

Оқ бутхона ёнида мактаб ҳам бор экан. Етим болалар турадиган ўй-жойлар ҳам бор экан. Унга мана шу

шаҳарда паноҳсиз қолган етим болаларни олишар экан. Шу кунларда ўттиздан ошиқ қозоқ, татар болаларини чўқинтириб, ўқитиб тарбиялашаётир! — деди.

Яқинда унга бу томондаги почта бўлимининг майда чиновники Ивашкин айтган бир боланинг воқиасини Абайга сўзлаб берди.

Семейтов бўлисидағи Знамёнька шаҳрига почта ишлари билан Ивашкин бориб, қайтиб келаётганида йўлда бир кичкина, саккиз-тўқиз яшар, жулдур кийимли қозоқ бола йиғлаб турган экан. Суриштиrsa, қариндошли ҳайдаб юборган, ота-онаси ўлган, Мекеш деган етим бола экан. Шу томонда шаҳар бор, у ерда «хайр сўраб, овқат топиш, ўлмай қолиш мумкин» деб келаётган экан. Ивашкин ўша болани олиб келиб миссиянинг интернатига беради. У Оқбўта бўлисидаи келаётган бола экан. Ушани Ивашкин айтаётир: «Яқинда билсан, болага Бутин деган фамилия берилибди. Мекеш деган отини йўқ қилиб Михаил, Мишъка деган оти қўйибди. Ўзини русча кийинтириб, фақат русча сўзлатар экан. Ҳеч нарсанни билмайдиган саккиз яшар болани ҳозир епископ Андриан чўқинтириб: «Сен энди рус бўласан!» деб тарбиялаётир» деди.

— Боланинг жуда ҳам зеҳни ўткир, зийрак экан, мен ҳам кўрдим. Икки кўзи қоп-қора бодрайган, бурун катаклари кенг, бир ширин бола экан. У ҳозир бир нарса демоқчи бўлса, ўзи биладиган озгина русча сўзлар билангина галиради. Бор билгани, қозоқларни уришади. Қозоқнинг муллаларини русчалаб ҳақорат қиласди! — деб, Павлов бу ишни Абайга атайин батафсил айтиб келиб: «Русларнинг попи ҳам ёмон, мусулмонларнинг имоми, муллалари ҳам ёмон!» — деди.

— Буларнинг икковидан ҳам халққа яхшилик келмайди. Улар фақат дин нуқтai назаридангина қараб, орада низо туғдириб, халқларни бир-бирларига душман қилишнинг поида бўлади! — деди. Яна ўзининг шунга қарши ақидаси, муддаоси бўйича Павлов умрида биринчи марта яширин бир газетанинг озгина жойини Абайга атайин ўқиб берди. Бу газета жуда ҳам яширин равишда кўлчилик революцион ишчиларга тарқатилади. Эндиги наслларга раҳбарлик қиласиган, Россиядаги энг кучли тўпнинг ўтли сўзи бўлган матбуот экан.

Биринчи декабрь куни чиққан «минг тўққиз юзинчи» деб рақам қўйилган, бошқача газета эди. Газетани

қўлида буқлаб, бекитиб ўтириб, биттагина жойини Павлов Абайга русчалаб ўқиб берди.

— Мана, пайқаб кўринг-а... Мана шу ерида идрокли ишчиларнинг ҳаммаси ҳалқларни ҳалқларга душман қилиб қарши қўядиган қасдлик билан олишиш керак деяётир. Билдингизми, шундай қилиб, рус ҳалқининг чин, адолатли, дуруст кучлари подшони ҳам, русларнинг бутхонасини ҳам айбдор деб билади. Ўйласангиз, шу ҳақда ўйланг. Қозоқларнинг, татарларнинг муллалари эмас, бойлари, бўлислари, ҳожилари эмас, Сентдек меҳнаткашлари ва сиздек ўша меҳнат аҳлининг ғамхўри қандай ўйлаши керак?— деб бундан буёғини ҳал қилишни Павлов Абайнинг ўз ихтиёрига берди.

Абай шунга яраша Павловга ислом ўғитчиларининг тўлиб-тошиб ётган кулгили, қоронғи нодонликларини айтиб берди. Уларнинг фикри бутунлай Стамбулга, Халифа юртига, Абдилҳамид сultonга тобе фикр эканлигини сўзлаб берди. Ўша ердаги Шайхул Ислом ўғити билан бу ердаги Кўрқориларнинг нияти, имони, орзуармони бир эканлигини англатди.

Шу орада Павлов ҳам кўп нарсаларни билган экан. У энди Абайга ҳозирги Туркия ҳақида кўп қизиқ, янги гапларни айтиб берди.

Абдулҳамидинг ҳарам хонасида мингта канизаги борлигини, Туркиянинг алоҳида қоронғи, нодон подшонлик эканлигини жуда кўп далиллар келтириб, очиб айтиб берди.

Абай билан Павловнинг аввалги куни бўлган суҳбатлари, бу икковининг кенг фикр юритишда бир ердан чиқишини билдириди. Абайнинг тили билан айтганда: «бир сойга қўйганини» жуда аниқ англатди.

Иккови яна маслаҳатлашиб турмоқчи бўлишди. Павлов бўлса, қозоқ, нўғой ишчиларига қўл қўйишдан олдин, Абайнинг ўғитини эшитиб олишни маслаҳат кўрадиган бўлди.

Абай эртага шаҳарнинг кўпчилик ҳалқи билан алоқа қила бошлайди. Иккинчи томондан ўзининг жуда қатъий аҳди орқасида шаҳарнинг имомлари, ҳазратлари билан олишиб кўрмоқчи бўлди.

Орадан уч кун ўтгандан кейин, Абайнинг ёнига келиб кетадиганларнинг сони беҳисоб бўлди. Ҳеч кутилмаганда ҳар тарафдан қанча-қанча кишилар Қумошнинг уйигачувалашиб кела бошлади. Абай буларнинг

ицидаги, күпчиликка сўзи етадиган одамларни ўз ҳузырида кўпроқ тутиб қолди. Ўзининг қисқагина, бир хилда бўлган ўгитини айта берди. Шуларнинг қаторида бош жетоқ билан ўрта жетоқнинг кўпчилиги номидан келган икки киши ҳам бўлди. Абай кўпчиликка бориб етиши керак бўлган гапини ўшаларга тушунтириб айтди. Бу келганлар Абайнинг иккита totuv таниши — қайиқчи Сейл билан шаҳарнинг кўпчилиги танийдиган, гапи ўтадиган Бектўғой Бўтабоев деган, Оқбўта элининг қозоги эди. Ўзи кўп эл ичига кириб, аралашиб юрган, оз хонадонли қипчоқлардан чиқкан. Бироқ, ақлли, гапга уста, ўртаҳол шаҳар одами.

Ҳайит билан тўй, катта бозор, яқинда бўладиган ярмарка, тўсатдан келган офат, устма-уст бесаранжомлик вақтлар бўлса, баъзи бир очарчилик йилларида, шаҳарнинг кўп қашшоқлари аввал мана шу Бектўғой билан, Сейл билан маслаҳат қилгучи эди. Абайнин буларнинг ўzlари кутиб туришганди. Шунинг устига Павлов билан бир неча марта учрашиб, ҳар томонлама ўйлаб кўришганларидан кейин, Абай бу икковини ўзи ҳам чақиртирган эди. Абай шуларга айтган гапини кейинчалик ҳар тўпдан келиб-кетиб юрган одамларга ҳам тайинлаб, пишиқлаб айтиб берди.

Бектўғойларга шундай деди:

— Ким айтса-да, шаҳар халқи бундай приговор ҳам қилмасин, қўл қўйиб розилик ҳам билдирамасин! Биз муфтини истамаймиз! — десин. Сабаби, қозоқлар, отабобосидан тортиб, унчалик художўй бўлиб, диндор бўлиб ўsgан халқ эмас.

Қадимдан келаётган, оқ-қорани ўзича таниган, тушунчаси бор халқ. Йўли, расми, урфи-одати бор халқ. Энди ўшаларнинг ҳаммасини тарқ этиб, «шариат тарикатлари билан янгидан ҳаёт тузаман» деб орзу қила-диган, қизиқадиган жойи йўқ. Негаки, халқни ўстирадиган шариат эмас, маърифат билан билим. Маърифат билан билим бўлса, шариат йўлида эмас. У маърифатли халқдан ўrnak олишда ҳар жиҳатинг мукаммал бўлиб, энди фақат муфтига қарашиб қолдими?! Ундан кўра маърифатидан фойда тегадиган халқнинг, яхшилигини ўзлаштириб, фойдасини кўрайлик. Дин қардоши бўлиб бирлашамиз деган шиор бўлса, бизнинг дидимизга ўтиришмайди. Халқ бўлиб айтсан, кўнглимизга ёқмайди. Сабаби, у маърифатдан, илмдан йироқлаштирмаса,

яқинлаштирадиган йўл эмас! Муфти бизга қўл келмайди, мана шу юрган муллаларнинг ўзи ҳам етади!— деган маслаҳатни берди.

Кўпчиликка тапи тез тарқаладиган Бектўғой шу жиҳатларини тушуниш билан бирга, кейин кечқурун холи вақт топиб, яна Абайнинг ёнига келди. У: « билтанимнинг устига билсам, уқзанимнинг устига уқсам» дейдиган, кўзи ўткир, қулоғи динг одам. Сўнгги марта кечқурун бир келганида, Павлов яна Абай билан холи суҳбатлашиб ўтирганди. Абай Бектўғойни ёиларига олди. Павлов билан онда-сонда русча сўзлашиб, маслаҳатлашиб ўтириб, тахта-тахта қоғозга йирик-йирик ҳарфлар билан беш-олти бет қилиб ўз маслаҳатларини, қандай қарорга келганликларини ёзиб берди.

Чойдан кейин, Бектўғойни Қумошнинг уйидан жўнатаётганида ҳалиги қоғозларни буклаб бераркан, Абай илова қилди.

— Бектўғой, мана бу қоғозни фақатгина ўзини ўқи, бошқа бирорвнинг кўзи тушмасин! Халқа маслаҳат беришдан олдин, ўзиниң қайта-қайта ўқиб, уқиб ол. Шундан кейин, «худо берган тилинг бор-ку», кўнглинига жо қилиб ол-да, «ўз фикринг», «менинг фикрим» қилиб айта бер!— деди.

Бектўғой қизғиши мўйловлари, нағис лабларини ёзиб куларкан, дона-дона оппоқ тишларини кўрсатиб, Абайнинг гапларини маъқуллаб бош эгди.

— Абай мирза, бошингга йиғ, оғзинг билан айт, ўзингни қилиб айт дединг-ку! У гапинг тўғрику-я. «Емон бий ёнига йиғади» деб, қозоқларнинг ҳам ачитиб айтадиган одати бор. Қора пайим қонуни бор. Лекин шундай десак ҳам, мен қулоғим билан эшитгандан кўра, сизнинг ёнингиздан ҳамиша чўнтағимга солиб кетадиган ўлжамни ортиқ кўргучи эдим!— деб айёрлик билан кулиб қўйди.

Айтаётган пул эмас, Абайнинг ҳали бу эшитмаган, янги ёзган шеърлари эди. Ушаларни ҳамиша Абайнинг ёнида ўтириб, кўчириб олар ёки бирорвнинг кўчириб олганини сўраб оларди-да, ёдлаб юриб, ўз фикрини айтишда фойдаланарди.

Абай унинг шундай зийраклиги, хушфаҳмлиги, дўста на кўнглини ўйлаб, англаб хурсанд бўлиб кулиб қўйди. Бектўғой ҳалиги гапга қўшимча қилиб, ҳозирги қоғоз ҳақидаги қарорини айтди.

— Шу айтганимдек мана бу қоғоз ҳам беҳуда көрөз бўлмай, яна бир ўлжам бўлар деб турибман. Лекин, топширдингиз-ку, эҳтиётини қиласман. Бироннинг кўзиға тушириш у ёқда турсин, илғатмасман ҳам! — деб кетди.

Ўша Бектўғой билан Сейл сингари, у томоннинг кўпчилик ишчи, камбағал-қашшоқлари номидан Сент. Абенлар келиб маслаҳат олиб кетиши. Шаҳарнинг даладаги халқ билан алоқадор тўпдан Абайнинг олдига ҳар хил ишларга аралашиб юрадиган Қалий Оқбосов келиб сўзлашди. Бу ҳам Абайнинг бор гапини маъқулламаса-да, муфтига қаршилик қилиш масаласига махкам ёпишди. Упинг далили: «Муфтига қаралса, бўгун ишни шариат йўли билан олиб бориш керак. Халқ ҳаётida мачит ҳукмрон бўлади. Ҳукмни қозилар чиқаради. Қозоқ қиз айтдирса, куёв келиб, келиш туширса, аменгерлик — бевалик жойга учраса, унда бу ишларнинг ҳаммасини ўз урфи-одати бўйича эмас, шариат бўйруғи билан олиб борадиган бўлади!» — деган гапни зўр қаршилик билан айтди. Худди шу жиҳатларининг ўзидан ҳам у: «Абайнинг бир маслаҳатига кириш дуруст бўлади, дейман. Муфтига тобе бўлмайлик» — деб гапирди.

Шаҳардаги савдогар аҳлининг кўпчилиги бўлган Эсберген, Тўлепбек, Карибжон сингарилар бир қизиқ вазият олишди. Улар катта бойларга ўз ичларидаги норозиликларини бошқа вақтларда билдира олмайди. Ўз уйида, холи ерда йиғлаб-сиқтаб, ҳар кимга арзу дод қилиб юриб, бетма-бет келганда муте бўлган, кўк чодирли уйи бўлган бойлар дарвозасидан юз пана қиласди. Тик қарай олмай, бўйсuna беришади. Ҳозир ўшаларнинг тўдасидан Абайнинг олдига Эсберген келниб кетди. У бозорда, дўконларда, карвоғ кутиб шаҳар четига чиққанида кўпларга учрашди. Шунинг билан ўзиға ўхшаш йигирма-ўттиз майди олиб сотар, «дасти қисқа» савдогарларнинг оддий уйларига тарқалган қарор — «катта бойларга эргашмаслик» бўлди.

— «Бизларга нима керак? — Сейсеке билан мулла акалар бир ердан чиқишаётган бўлса, уларнинг дастурхони бир. Яйлайдиган ўтлого бир. Эшикларидан мўралашга ботина олмайдиган бизлар, қўшиладиган бўлсак, кўпчиликка қўшилайлик. Ўша ҳазратнинг чақириғига ҳам, бойларнинг бошлишига ҳам худди шу гал эргашмаёқ қўяйлик. «И момпўст» эмас-ку. Натарисга бериб,

оқ векселни садувателга ўтказиб, уй-жойимизни хатга олдирмас!»— дея беришди.

Албатта, Эсбергеннинг бу маслаҳати кор қилган савдогар ҳам бор-да, кор қилмагани ҳам бор. Ү ҳам бир савдогарнинг ҳар бир катта бойдан одатда январда оладиган насиясининг суммасига қараб бўлинди. Эсбергенлар ярлақаган йили минг сўмдан ошиқ насия олиб кўрмаган бўлса, Қўдиға, Қўнғиртой сингари тахта чодирли уй солишга қудрати келиб қолган, катта бой олдида обрў топган кичикроқ гуруҳ савдогарлар ҳам бор. Улар насияни уч мингга, баъзан беш мингга ҳам етказиб олишади. Бундайлар тўнғиллаб Эсбергендан койиб, маслаҳатига қулоқ солмай кетишли. Қисқаси, энди бир ҳафта ичиде Семейнинг у томон, бу томони яна тўлиб ётган яқин эллар, жотоқ овуллари муфтига тобе бўлиш ҳақидаги қатъий гапларни айтадиган вақт етди.

Ўша кун яқинлашиб келганда шу ишнинг бошида юрган, тунов куни Кўкбой айтган имом-ҳазратлар, боймирзалар, ўқимишли қора таёқ зиёлилар қаттиқ чўчишиб умид узадиган кайфият рўй берди. Приговорлар тушмай қўйди. Сонминглаб қозоқ, нўғой хонадонларидан «тушди» деган приговорлар юзлабгина саналди. Шунга тарс ёрилгудек бўлиб, ўртаниб кетган саккизтўққиз мачитнинг ҳазрат-халфалари шаҳарнинг жамики халқига одамлар йўллашди. Бозорларда жар чақиришли. Шу билан муфти ҳақидаги гапни бир жойга қўйиш учун, халқни мачитларга йиғишиб, алоҳида йиғилишлар ўтказмоқчи бўлишли.

Бироқ Семейнинг ҳазратлари билан бойлари ўзларининг майна бўлишларини худди мана шу мачитлар ичиде кўришли. Қозоқ халқи бирорта мачитга бормай қўйди. Намозни канда қилмайдиган қари-қартанглар бўлмаса, шаҳарнинг «маҳалла аҳли» дейиладиган қашшоқлар тўпидан, кўп савдогарларидан, карвонларидан қозоқ боласи қадам қўймади. Шунинг билан бирга «муфтига тобе бўлмаймиз», «мана шу яхшилигини ҳазратлар қозоқ жамоатчилигидан дарифтута қолсин!»— деган гаплар ҳар тарафдан қаттиқ туртқидек етиб кела берди. Шундай қилиб, энди мана бугун жамики ҳазратлар билан бойлар катта бир маслаҳатлик ишларини қилмоқчи бўлишли.

«Халқ номидан аниқ сўзлашадиганлар кимлар экан,

німа дейишар экан». Үшані эшитмоқчи, айтишиб күришмоқчи бўлишди. Шундай қилиб, бу томондаги заликенг катта мачитнинг мадрасасини белгилашди-да, үшанга шаҳарнинг ҳар тарафидан кўп одамларни чақиришди. Бу ишдан яна ҳаммадан олдин Павлов билан Бектўғой, Сейл, Сеитлар хабардор бўлишди. Абай қозоқларнинг ҳаммасига ўша мадрасага боришни буюрди. Үзи ҳам борди.

Мадрасанинг бир неча юз киши сиғиб ўтирадиган «дарсхонасига» гиламлар, кўрпачалар солингган. Бедастурхон, мажлис бўлади. Ерга жой солингган катта узуи хонага кўп халқ сиғди. У томоннинг мачитларидан келган Ғабдижаппор, Ғабдираззоқ ҳазратлар билан Исҳоқбой, Содиқбой деган бойваччалар тўрнинг калласига чиқишибди. Бу томоннинг қозоқ бойларидан Сейсеке, Билевбой ҳожилар ҳам тўрда ўтиришибди. Ашимхўжа билан Ақметжон ҳазратлар ҳам ўша қаторга жойлашишибди.

Бу тўданинг икки тарафидан давра олиб, оқ ёқали, фрак, сюртук кийган, баъзи бирлари уқали ёқа, сариқ чипор тугма таққан қозоқ чиновниклари ўтиришибди. Қозоқ, нўғой бойлари нуқул яшил, кўк, қора мовутсирилган пўстинлар, кўпчилигига тулки томогидан қилинган пўстин, үшани хуш кўришса керак. Битта-яримталаргина енут пўстин кийибди. Ҳазратларнинг бошлирида саллалари.

Шу йиғилишда «аҳли ислом қавмига» аталган «узр» ҳақида гапга уста Ақметжон ҳазрат гапирди. У ярим китоб тили билан, ярим қозоқча мақол-мatal билан сўзлаб, уқдириб берди.

Абай йиғилишнинг тўрида, Бектўғой, Эсберген, Сеит билан Абен сингари шаҳар одамларининг ўртасида ўтирганди. Унга яқинроқ ерда Қалий билан Серкелар ўтиришган экан. Улар асосий гапни Абайдан кутаётганликларини пичирлаб айтиб ўтиришганди.

Ақметжон ҳазратдан кейин нўғой бойларидан Исҳоқ сўзлаб, муфтининг зарурлигини айтди. Сейсеке ҳам қора пайим қозоқча тили билан оми одам эканлигини билдириб қўяётган бўлса-да: «Тилагимиз бир, ниятимиз қабул бўлсин! Муфтига ихлос қилайлик, қозоқ боласи!»— деб гапирд.

Абай энди пайқаса, бу ерда ўтирган қозоқ тўраларидан Петербургда ўқийдиган студент, бўлажак адвокат

кат Соқпоев бор экан. Нуржонов деган, барваста келған, қалин қолови солиқ, майда чүтири, сиртқи күриниши саботли чиновник ўтирибди.

Абайнинг сиртдан эшитишига қараганда, бу тўданинг маслаҳатгўйи, шу гап ҳақида бошлиғи бўлиб юрган қозоқ тўраси Азимқон Жабайқонов эди. Абай уни орқаваратдан кўп эшитгани билан илгари кўрмаган эди. Ҳозир Сармонов, Дониёр, Сомолбек сингари, ўзи биладиган тиломочлар билан ҳалиги Нуржоновларга бир бошдан қараб чиқиб, Абай ўша Азимқонни излади.

Уни Бектўғой танир экан, бу орада Жабайқонов йўқ экан. Суриштириб кўришса, у кеча Петербургга жўнаб кетибди. Бу ердаги халқнинг приговорларини, аризаларини ўша ерда кутиб олиб, ўша ерда амалга оширишни ўзи тилаб, бўйнига бурч қилиб олибди дейишди. Бу ердаги қора таёкларга ҳазратлар билан шаҳар бойларининг, саҳро одамларининг сўзларини бир қилиб, битта қарор қилдириб юборишини топширибди. Яна шундоқ бўлади деб ишонибди-да, ўзи жўнаб кетибди. Абай унинг шу ерда бўлмаганига бир оз ўкиниб қолди. Сабаби, худди шу иш устида ўша тўра билан бир синашиб, тўқнаш келиб кўрмоқчи. Негаки, тўқсон еттинчи йилдаги ҳисобот устида унинг қилган қилиқлари билан айтди деган гаплари, Абайни ўша киши ҳақида бир танқидий фикрга, кескин қарорга мойил қилиб юрганди. Бугун Азимқон Абайнинг олдидан яна чиқиб қолибди. Қозоқларни муфтига тобе қилмоқчи бўлган кишининг биттаси ўша экан.

Мажлис аҳли аввало муфтига қараймиз деган, қаратмоқчи бўлган тўраларнинг гапини батамом эшитди. Ўқиган қора таёклар тўдасидан ҳалиги Соқип Соқпоев ҳам бор ташаббускор гапи, тилакдошлигини изҳор қилди.

Унинг калта-култа иккита қўли оғзидан олдин тинмай ўйнаб турар экан. Кафтини бир ёзиб, бир юмади. Катта бурнининг кенг катакларини чап кафти билан қоқиб-қоқиб қўйиб сўзлайди. Икки кўзи тасрайган, халқуми шишган, йўғон мўйлови, баджаҳл қора-сариқ йигит экан. Гапнинг бошини қаттиқ бошлаб, ярмига бормай сўзини ютиб юбориб, чала эшитдириб гапиради. Оғзи сўзга уста бўлмаса-да, шижоатли, журъатли бўлиб кўринишга тиришади. Маълум бир фикри йўқ. Яккаш уриниб-туртиниб ҳар нарсани товушининг борича

atab, бошини силкитиб қўяди. Ўзи аслида мусулмонча ўқимаган бўлса керак. Муфтини «мұпти» дейди. Муллаларнинг китоб ибораси билан айтадиган гапларининг кўпига тили келишмайди. Яна унга парво ҳам қўлмайди. «Шайхул исломни» икки ерда оғзига олай деб қандай айтилишини эсидан чиқарип қўйиб, тили тутилиб қолди. Шунда ҳам сиқилиб-нетиб ўтирамай «шиши» деб турди-да, «ну как это там!» деб олиб, ҳалиги «бир нарса ислом» деб бир айтди, яна бир хонаси келгандга «ҳалиги ислом» деб кетди.

Бу тўдалар сўзлаб бўлгандан кейин, ҳамма бир озжим турган пайтда Абай сўзлади. Абайнинг гапи оғиз очишиданоқ «қозоқ ҳалқининг муфтига тобе бўлишининг ҳожати йўқ» деган дангал, кескин маслаҳатидан бошланди.

— Аввало, ислом динининг қавми бўлиш лозим дейишади. Дин қардоши деб, Мисрнинг арабларидан, Ҳиндистоннинг мусулмонларидан, Стамбулнинг Халифайи сultonидан, Шайхул исломдан Россияда. Сибирда ётган қозоқларга қариндош топиб беришмоқчи. Қарин дош топмоқчи бўлишаётир. Аввало шунинг ўзи ёлғон. Ҳар бир ҳалқнинг беҳисоб қавмини олсак, кундальик ҳаётига яқин бўлган қўшниси билан келишиб кун кечиради. Бизларни ҳалифанинг мусулмонлари билағ яқинлаштираман дегучилар энг олдин ёнимиздаги қўшнимиз, рус ҳалқидан йироқлаштираман дейдиганлар бўлади. Айтмаса ҳам бу очиқ кўриниб турган гап. Ҳўш, ўша рус ҳалқидан сен қандай қилиб йироқ бўласан қозоқ ҳалқи? Ёлғиз шахс ҳам, бутун бир ҳалқ ҳам жонли ҳаёт кечиради. Ҳаёт деганимиз: мана бу ичилаетган сув, еяётган таом, кийилаётган кийим, умр кечирилаётган уй-жой. Узгаларни қўйиб, Семейнинг қозоги, сенларни айтай; мана Иртиш, сенларнинг наҳрининг эмас, рус ҳалқининг наҳри. Шундай экан, Семей ҳалқи, қозоги, аввало сенларнинг ичib ўтирган сувларинг рус ҳалқининг суви. Йиккинчи, еб ўтирган нонинг, ўзинг экин экмайдиган, меҳнат қилмайдиган элсан, рус мужигининг ўстириб бериб, тегирмонига тортиб бериб келаётган уни. Қолаберса, кийган кийимнинг, ўтирган уйинг, бор йиққан-терганинг — ҳаммаси, ҳаммаси рус ҳалқининг шаҳридан, маърифатидан келаётган дунёйнинг!. Сен шундан йироқлашмоқчимисан?! Йироқлашар бўлсанг, тиляланғоч кетиб бор-да, қариндош топа

қол! Иккинчидан, бизлар қоронғида ётган, қалин ту-
ман босған, нодонлик тумани босған, шўри бошидан
ошған, авом халқмиз. Бизларга аввал нима керак? Би-
лим ёғдуси керак. Ўзимиз нодон ўтган бўлсак, эндиги
наслимизни бўлса ҳам тез-тез ўқитиб, дунёдан хабар-
дор қилиб, кўзини очишимиз керак, бу йўлда шошили-
шимиз керак! Бу ҳақда ҳам, бор ёғдусини ола билсанг
аямай берадиган дўстимиз — рус маътифати, руслар-
нинг ўрнак бўладиган қавми! Учинчи, муфтига қа-
рамаслигимизнинг сабаби: аёлларимиз, оилавий ҳаётимиз
истамайди. Бизнинг аёлларимиз усиз ҳам шўри
қуриган қавм. Мусулмончиликнинг чиндан ўрнашиб,
шариати билан чамбарчас боғланган халқларни эсга
олайлик-чи! У ердаги аёлларнинг аҳволи қозоқларнинг
таъзиядор аёлидан ҳам оғир шўр-да, қоронғи гўр-да.
Қозоқ аёлининг бошидаги, бозорга чиқариладиган мол-
никидек «оқ нўхтанинг» ўзи ҳам етарли оғат. Энди
олиб бориб, унга «чодира билан чаҷвон», «парда билан
паранжи», «чопон билан рўмол» ёпиб эзишнинг яна
ҳожати йўқ.

— Қозоқнинг қора қонунидан, ота-бобо нодонли-
гидан олишиб юриб қутулиш осон. Ана энди «муфтига
қараб, дин қардошини излаймиз» деб яна олиб бориб,
зимистон тунаш жойга авом халқни қамаш — ҳозирги
вақтда адашганлик. Аяб айтсам — адашганлик, қат-
тиқ айтсам — қасдлик! Кирманглар бу гапга, беозор
қозоқ эли! Беҳисоб халқим, менинг айтадиган гапим
шу, холос! — деди.

Абай энди пайқади, унинг орқа томонида турган
кўпчилик халқ бор экан. Улар Сейл, Сеит сингари ёпи-
рилиб келган эски чопон, оддий қиёфали, Абайнинг ўзи
айтган ҳалиги, «беҳисоб халқи» шундоқ турган экан.
Улар шовқин солиб:

— Баракалла, мана шу гап — гап!

— Абайнинг гапи тўғри. Кераги йўқ, шу гапда ту-
рамиз!

— Абай халқнинг кўнглидагини айтди! — деб қич-
қиришиб, руҳланиб сўзлаб, кўтарилиб қолишиди.

Барча мулла, имомлар ҳам, бойлар ҳам энди Абай-
га қарши ботиниб гапиролмай, оғизларини очолмай қо-
лишиди. Айниқса, ҳалиги халқнинг авзойини кўргандан
кейин улар чўчиб, тортинишиди. Ўқимишлилар орасида
фақат ҳалиги Соқпоев Соқипгина енгилтаклик билан,

шир неча оғиз гапларни русчалаб айтиб, Абайға қарши бошини қаққайтириб күттарганича гап қотди.

— Сиз қандай?! Абай дейишади, сизни шоир дейишади, сиз қандай, билмайсизми?— дейиши билан Абай аввало уни бир қаттиқ жеркиб, құлни силтади.

— Шу адашишни аввало сенларнинг ўзларинг қўй-саларингчи-а! «Ўқиган», дейди, «кўзи очилган» дейди. Мана шу йиғилғанларда сенларнинг нима ҳақларинг бор! Қандай қора босиб, тентираб келиб юрибсанлар!— деб қаттиқ ғазабланиб, уришиб гапирди.

Анави шу топда чўкка тушиб ўтириб олганича яна тутилиб, гапининг бошини ҳайқириб айта бошлади.

— Дини йўқ ҳалқ бўлмайди! Яхши ҳалқларнинг ҳаммасида ҳам дин бор! Диндор бўлиб туриб, маърифатли бўлади. Католикларни қаранг, сиз айтаётган русларнинг ҳам князлари, дворянлари, учёнийлари, поэтлари — ҳаммаси ҳам дини бор ҳалқлар!— деди.

Абай: «Бас! Даранглаган қўнғироқнинг ичи бўшда!»— деб қўйиб, шиддат билан сўзлаб кетди.

— Дини бор, лекин алдама ҳалқни. Улар маърифатга эришганда, дин бошлиқларига йўл бошлатиб маърифатли бўлган эмас! Дин бошлиқлари билан юксак ғоя эгалари, ҳақиқий илм эгалари олишиб, курашиб юриб маърифатга эришган! Бир яхшилик чиқади деса, сенинг нодон ҳалқингнинг ўртасига олиб келганинг шуми!? Янги бўғиннинг зўри бўлар деса, шўри бўладиган сирларинг бор эдими, қозоқнинг суллоҳ чиновниклари, қора таёклари! Пайқадиму умидимни узиб қўйдим мен сендан. Мана бу турқинга қараганда сен алдарсан, ҳали талай алдарсан! Кимларни алдаб, кимларни сотмас эканлар! Шундай экан, овлоқ юринглар! Бундай тўралардан эҳтиёт бўлинглар, қозоқ ҳалқи!— деб Абай атрофидатиларга яна қаттиқ жар солди. Ҳукмини айтиб, буюриб гапирганда, ҳалиги Абайнинг гапини қувватланган ҳалқ, энди Соқпоевгина эмас, бошқа жамики қора таёкларнинг тўрдаги озгина тўдасини бирйўла босиб, янчиб кетаёди.

— Етар, бўлди! Бас қил энди гапларингни!

— Абайдан бошқа одам бизларга ақл ўргатмасин! Кераги йўқ гапларингни!— деб ўрнидан туриб ғужғон ўйнаётган ҳалқ, ғазаб билан бақиришганларича тарқала бошлади.

Абай ўзининг роса енгиб чиққанини англауб, энди

ҳалиги Соқпоевни кулги қилди. Үнинг тутақиб бодилла-
ётганини сал түхтатди-да, товушининг борича:

— Сен адвокат, бу имомлар билан қандай қилиб
дүст бўласан! Үзинг ҳатто «Шайхул исломни» тўғри
айта олмайсан-ку. «Қакой-то ислам» дейсан. Шунинг
ўзи биланоқ диндан чиққанинг йўқми? Булар мени
куфр, сени кофир дейишса раво-ку!— деб қаттиқ кулди.
Абайнинг ёнидаги Бектўғой, Сеит, Қалийлар ҳам ҳузур
қилиб кулиши.

Бу қишдаги кутилмаган, ўзгача бир йиғилиш Абай
ва халқнинг шу сингари аниқ енгиб чиқиши билан тар-
қалди. Лекин шунинг эвазига, ўша куни кечқурун, Се-
мейнинг полицеистери берган маҳфий бўйруқ билан
Федор Иванович Павлов яна қамоққа олинди.

Ўша куни кечаси Абайнинг уйида қаттиқ тинтув ўт-
казилди. Беш киши жандармлар келишиб, Қумошнинг
уйини остин-устун қилиб, уч соат титкилашди. Изла-
ганда, аллакимдан эшитган, аниқ бўлмаган хабарнинг
далилини излашди. Полицеистерга ўша аризани икки-
уч бойнинг қўлини қўйдирив, бўлажак адвокат Соқ-
поев ёзив берганди. Аризасида: қозоқ халқини оздирув-
чи — Абай дейилганди. Үнинг ўгитчиси, маслаҳатгўйи,
русларнинг сургундаги революционери социалист Пав-
лов. Ўша иккаласи бирлашиб қарор қилган, бирга
ёзишган қарорлари ҳам бор деб, кўрсатилганди.

Жандарм Павловни ушлаши билан топа олмаган
қофозини, жиноятнинг иссиқ изини йўқотмай, Абайнинг
чўнтағидан суғуриб олмоқчи эди. Лекин у қофоз ўзи-
нинг халқ ғамики ейдиган ҳақиқати билан ва ичига
солган сири билан Бектўғойда қолди. Минг жандарм-
нинг қўлига тушмайдиган мустаҳкам хазинасида қол-
ганди.

Ю Т Д А

I

Қишлоға жойлаштандан бошлаб ҳозирги қаҳратон қишиш ўртасында Абай Оролтүбеда, Айгеримнинг холи қишлоғида китоб устида вақт ўтказмоқда эди. Оқшўқида Мағаш, Нурғоним, Диљда яшайди. Абай сўнгги йилларда мана шу Оролтүбега Айгерим билан ўзига атаб, холи бир қишлоғ солган. Бу қишлоғ Семей шаҳрига кираверишда. Оқшўқидан бир кунлик ерда. Семейга ҳам салт от билан жадаллаб юрилса, бир кунда бориб қўнтарлик ерда. Оролтүбенинг ҳар бир тарафида уч чақирим, беш-олти чақирим, етти-саккиз чақирим ерларда кўп эл бор. Яқин ерда Оқилбойнинг қишлоғи, унинг нарёғида ҳар уруғдан тарқаб келиб қўнган, тўпланган «кўп жотоқ» деб юритилган жотоқларнинг қишловлари бор.

Айгеримнинг қишлоғи ҳам Оқшўқидаги қишлоғга ўхшаш. Бу ерда ҳам ости-усти тахтавонли, катта деразали, кенг ва яхши меҳмонхоналар бор. Қўшнилар Дармен билан Макенлар. Яна шуларга ўхшаш ёш, тотув хонадонлар. Уларнинг болалари билан Абайнинг ёш набираларини ўқитадиган Ҳасанмулла деган қонсизгина оппоқ юзли мулойим мулла бор.

Абай мана шу қишлоғда бу йил бир неча ойлаб жудатинч ўтириб, мудом китоб ўқир, Айгерим билан овулдаги ёшларга, қўли бўш қўшниларга ўша ўқиган китобларини қизиқ, бадиий ҳикоя қилиб берарди.

Қишининг дастлабки ойлари, айниқса, шу сингари яхши, тинч бир вазиятда бошланган эди. Бироқ, декабрнинг ўртасидан буёғига, сўнгги ўн кунчадан буён Орол-

түбенинг молга эга бўлган одамларини шубҳага солиб, сиқа бошлади. Ёлғиз Айгеримгина эмас, қўшни Толдибулоқдаги Оқилбойнинг овули ҳам, Бўрлидаги Абайнинг эски, қўшнилари — Кўжанинг овули деб аталган овул ҳам қишининг авзойидан чўчий бошлади. Тўхтамай, кунлар бўйи бўралаб қор ёғиб турибди. Бу ўлка баъзан «Бовир» деб, баъзан «Бойғобил» деб аталадиган, туташ кетган ясси тоғликлардан иборат. Сой-сойликларида булоқ, қўриқ, бутазорлар кўп, пичанзорлари, қўнис жойлари мўл ер. Экин экишга ҳам қулай жой. Лекин бу ерларнинг, бутун Бойғобилнинг бошқа Чингиз, Жидебой, Оқшўқи сингари кўпчилик эл, кўп овуллар макон қилган ерлардан бошқача бир ноқулайлиги ҳам бор. Бовирда қор қалин тушади. Қишиштиқ келган йиллар, чўп яхши чиқмаган йилларда ют қийинчилигига энг олдин мана шу Бовирнинг эли учрайди.

Деҳқончиликни касб этган кўп меҳнаткаш халқ, Бовирнинг ўша меҳнат талаб қиладиган касбга қулай бўлганига қизиқиб бориб макон қилади. Лекин, қишининг қаттиқ бўлишини ўйлаб, Бовирдаги бой, камбағал хона-донларнинг ҳаммаси ҳам ёз яхши бўлиб, чўп дуруст чиқса қишлиқ пичанни жуда кўп йигиб, ғамлаб олишга тиришади. Ҳақиқий катта-катта, кўп моялар Абайнинг қишлови Оролтўбеда, Оқилбойнинг қишлови Толдибулоқда, Бўрлидаги Кўжа қишловларида бутун Чингиз элининг қозоқларидан бошқача қилиб кўп қўр тўплашади.

Бу, шу ердаги элнинг, ишончсиз қишишга қарши кўрадиган тадбирининг каттаси. Шунинг билан бирга, Бовир элининг қишишга қарши, ютга қарши иккинчи чораси ҳам бор. Декабрга етгандан бошлаб ўз ерининг кайфиятини, қишининг келишини, исканжага олишини жуда синчилаб ўйлай бошлашади. Агар мана шу йилдагидек декабрда ҳам қаҳрига олиб кета бошласа, ориқ-туригини, озроқ молинигина Бовирда, қўлида қолдириб, ҳайдашга ярайдиган бор қўйларини, қора молини батамом Оқшўқига, йироқдаги Жидебойга, Чингизга олиб қочиб, чувалаштириб жўнаб қолишади. Уша ерга олиб бориб: ишончли қишлов, тамаддуғли қўриқ, қора адирли, қатма-қат Чингизнинг бағрига кириб кетишади.

Шундай қилиб, қанча-қанча қишиларнинг ютидан шу сингари эрта ҳаракат қилиб олишиш орқасида молларини сақлаб қолишади.

Оролтүбедаги Айгерим овулининг декабрнинг ярмида тўсатдан ўйлаб қилган қарори шундай бўлди. Қўшни бўлган тўрт-беш овул Айгеримнинг уйига йиғилишиб, маслаҳатлашиб кўришганда: «Бу йил қишининг авзойи ёмон. Ёзда эса қурғоқчилик бўлиб, Бовирдаги ҳаммамизнинг ҳам қўрамизга йигиб олган пичанимиз оз бўлди. Қоронғи қишининг чиқишига ҳали анча бор. Қиши чўзилиб кетса, яна кўп хатар бор. Мана шундай мол этдан тушмай, ўзини олдирмай турган чоғида Оқшўқига, Жидебойга, Чинғизга қараб қўйни, қора молни ҳайдайлик!» дейишиди.

Кўп овул, ҳар ким ўз моли билан бир кунда қўзғалмоқчи бўлишди. Сабаби, йўл йўқ, қор қалин. Мол юргудек из тушириш учун қорни бузиб юриш керак. Ушанга кетма-кет тизилиб борадиган кўп овулларнинг бирга отланишганлари маъқул. Ҳар овул иккита-учта чанага пичан босиб, бўғиб олишди. Йўл юрадиган эр-азаматлар, бақувват аёллар бўлса озиқларини, кийимларини шайлаб олишди. Шундай қилиб, ҳар овулнинг моли олдida пичанли чана юриб, молни орқасида эргаштири; ўзундан-узун, гала-гала бўлиб, Бойғобилдан Оқшўқи, Жидебойга қараб мол чувалашди.

Абай бу ишларга унча аралашмади. У ҳамиша кечки чой устида айниқса Айгеримнинг ўша ишлар ҳақида овулдаги азаматлар билан сўзлашганини тинглайди-ю, ўзи кўп аралашмайди. Бу йил бир ишни пайқаб хурсанд бўлди. Айгерим хўжалик ишини олиб боришда жуда ғайратли, ақлли, миришкор эканлигини кўрсатиб келаётir. У ҳозирги ҳавонинг авзойидан, қишининг қаҳридан жуда сиқилаётir.

Абай уйда ўтирганида ҳам молга қараб эркагу-аёлларга ачиниб, хўжалик ҳақида чуқур ўйлаб, керакли гапларнигина гапиради. Ўз овулининг қўйларини кеча Оқшўқига жўнатарда Айгерим ўз эли Мамай-Бойшўрадан қўшни қилиб олган жигарларидан танлаб олди. Тўрғай, Монғоз, Оқжўл деган катта-кичик уч азаматни ўзининг ишончли, если жигари ҳам қўшниси бўлган Найматойга қўшиб берди. Мана шулар қўшни овулларнинг Жидебой билан Чинғизга лак-лак мол ҳайдаган тўплари билан бирга кетишиди.

Айгерим иссиқ кийиниб Макен билан Дарменларни ёнига олиб, анча вақтгача эшикда юрди. Чувалашиб кетаётган қўй билан учта чана қишлоғининг орқасидаги

баланд адирга етгунча күз олмай қараб турди. Құшни молчилар бұлалы, әс тортиб қолган уч-түрт азаматлар бұлса, Оқжүл пакана, қизил чұтир ёш ийгитча. Айгерим ўшанинг бўйнидаги шарфини ўзи маҳкам бойлаб бериб:

— Совуқ қотиб қолма. Юз-кўзингни, қўлларингни совуқдан жуда эҳтиёт қил! — деб қошлигини чимиради. Хавф олиб, нафис овози билан чин кўнгилдан тўрт ийгитнинг соғ-саломат бўлишини тилаб йўлга солди.

Кўпдан буён кун исимади-қўйди. Бугун ҳам қарсилаган қаттиқ аёз. Лекин бир яхшилиги — мол жўнатилган куни шамол бўлгани йўқ. Аслида бу ерларда совуқ жуда қаттиқ бўлишининг устига, физиллатиб қиров бостириб турадиган қаттиқ шамол совуқни қаҳрига олдирди. Шу сингари шамол аралаш аёзни: «Қирсиллама аёз», «бўкираётган аёз», «ҳайқираётган аёз», «халқумдан ҳап этиб оладиган аёз» деб ҳалқ неча хил мудҳиш ном билан оғзиға олади. Бу йил декабрь кирганидан буён Абай билан Айгеримнинг қишлоғига яқин ерга ўша ҳалиги айтилган ажалдек аёзнинг нафаси қаттиқ уриб турибди. Бундан икки кун олдин пишиқ, ишончли қўйчи Тўнгликбой совуқнинг зарбидан юзи-бурнини совуққа олдириб келди. Овулдаги қўшнилар, молбоқарлар, хотин-халаж, кийими noctor бола-чақа қўрадан тумшуғини чиқаришга қўрқади. Атрофдаги овуллардан камдан-кам келадиганларнинг ҳаммаси ҳам фақат ноиложлик ҳайдаб келганидан юришганини айтишаётир. Бовирдаги, Бойғобилдаги қайси овул бўлсин ҳаммасидаги ёшу, қариларнинг қишдан чўчиб, қўрқа бошлагани эшитилади.

— Қиши эрта ғазабига олаётир, дунё нима бўлар экан?..

Ёзда қурғоқчилик бўлиб, чўп чиқмай, даланинг ўти ҳам эрта қуриб кетган эди. Мол шўрликка ўтлоқ йўқ!..

— Уминг устига қор қалин тушиб, тепалик-сойларнинг ҳаммасини тухумдек сип-силлиқ қилиб, шуваб қўйди. Кўриниб турган қылтаноқ йўқ. Тўбилғи, бута, чангал, чийларнинг тагини кавлаб чўп излай деса, майда мол учун у ҳам қўлдан келмайдиган иш. Қорнинг усти яхмалак бўлиб қотиб қолган. Үн кунлаб сурункасига эсаётган совуқ шамол қорни ҳам уймалаб, шишадек қилиб, худди муздан бадтар қилиб, қотириб ташлаган. «Фақат семиз от-айғирларнинг тепинган туёғи бузмаса, бошқа қўй туёғи, қора мол у ерлардан чўп оладиган эмас» —

дэйишаётir. Яна баъзилар Бовирдаги барча халқнинг ҳолини яхши англаб, кўпчиликка тааллуқли бўлган яна бир мол ташвиши тўғрисида сўзлашади.

— Эндиги бирдан-бир чора қўрадаги пичанга қартишми? Мол қўлга қарагандан кейин нима бўлади? Ундай пичан фамлаган овул бу атрофда йўқ ҳисобида. Бу йил айниқса йўқ. Ёзинг ўзи аслида ют бўладиган йилнинг ёзи бўлиб ўтди-ку! Ёлчитиб пичан йикқан эл борми?— дэйишади.

Абай билан Айгерим ўз уйларига атрофдаги овуллардан онда-сонда келиб тушадиган ёши улуғ чорварлардан шундай гапларни кўп эшлишганди. Шунинг билан Айгеримнинг Оқшўқи, Жидебойга шу сингари эрта кунда ҳаракат қилиб, қўй ҳайдатайлик деган гапини Абай дарҳол маъқуллаганди. Мана энди молнинг кўпи нима бўлиши номаълум бўлиб, узоқ, оғир сафарга кетди. Шунинг эвазига овулда, қўлда қолган мол озгина. У оз-овлоқ тўқли-сўқли, қари совлиқлар «қишининг қаттиқчилигига учрайди-ку» дейилган той-тўрпоқ, битта-яримта бўта-тойлоқларгина эди. Ундан бошқа чавандоз эркаклар минадиган, эти яхши отлар бор. Қўлда қолган бу хилдаги молни энди боқиш оғир эмас. Уларни Айгеримнинг кўп хонали қишловидаги қўшниларпининг аёллари, бола-чақаларининг ўзлари ҳам қарашади.

Шундай қилиб, ўн кунчадан буён Абайнинг ўзининг хўжалик ташвиши билан эртаю кеч хаёlinи бўлиб турадиган гаплар энди Оролтўбедаги овулда камайиб, бо силган эди.

Сўнгги кезларда нурли юзидаги қизили сўниб, ранги оқиши-сариқ тортиб, сўлинқираб қолган Айгерим, энди тинчлана бошлади. У, декабрда фақат мол билан молбоқарларнинг, эр-азаматларнинг дардини сўзлай берадиган бўлса, энди у гапларига хотима берган. Яна майин, таъсирили, латиф кулгиси бошланиб, хуш чиройи янада ўзининг оқ-қизил рангини кашф этиб, гулгун ёниб кетганди.

Овқат чоғида, баъзи вақтларда Абай ўқиган китобларидан ҳикоя қилиб беришини сўрарди. Абай унга қараб, ўқишидан кўзи толган ҳолда қалин китобни ёлиб қўйиб, хиёл юмган кўзларини катта-катта бармоқлари билан силаб ўтириб, аллақайлардаги, Айгеримнинг хаёлига келмайдиган воқиалар ҳақидаги қизиқ ҳикояни бошлаб юборарди.

Шундай пайтларда Айгерим ёнида бўлмай қолса, дарҳол бирорта боланими ёки хизматчи аёлними юбориб, Макен билан Дарменни, Ҳасанмуллани чақиртириб келарди. Булар ҳаммаси бир бўлишиб, Абайнинг ё бир иссиқ томонлар, мевазор боғлар, қуёш заррин нурлари ни сочиб турадиган маконларда юрадиган гўзал чеҳрали, кўп меҳрибон, хулқи хуш ёки жасур, ўқтам зотларнинг ўз ватанидаги ёвузликлар билан ҳормай-толмай олишганини айтиб берарди. Қоп-қора тоғдек не-не қора кучларга тўла, қаҳри-заҳри кўп, беомон кучлар билан ҳалиги сони озгина, лекин фазилати ортиқ бўлган яхши зотларнинг тап тортмай олишганини қизиқиб ҳикоя қиласарди. Шунинг билан қўй жўнатилгандан кейинги икки-уч кун хотиржамлик, кўнгилли бир йўсинда ўтиб келаётганди. Мана, бугун қоқ туш пайтида Абай Айгеримнинг суюклар билан нақшбанд қилинган каравоти олдида, тўгарак хонтахта ёнида француз ёзувчисининг қалин романини ўқиб ўтирган пайтда, катта уйнинг эшиги очилиб, бир бегона йўловчи салом бериб, кириб келди.

Меҳмон бўсағадан ҳатлаши биланоқ сёғидаги қалин, эскироқ, ағдарма этигига Абайнинг кўзи тушди. Ташқаридаги совуқдан келган одамнинг кийими-етиги, қамчисигача қиров босган. Муз қотган сийраккина соқол-мўйловларигача совуқ илашиб, Абай ўтирган жойга қаттиқ аёз келиб, тумшуғини тиққандек бўлди. Йўловчининг қиров босиб бўзарган иккала этигидан энди буғ чиқиб турибди. Аёзниг оғир ҳовурли нафасини ер бағирлатиб ёйиб келаётир. Этикларининг ўзи ҳам аёз билан дам олаётганга ўхшайди. Тумоғининг икки томонини қалин қиров босиб, кўк сансанг қорли муз тутилган яхмалакка айланаб қолибди.

Келган одам Абайнинг жой кўрсатишига кўра, тўрга чиқиб эндинигина ўтирганди. Абай энди уни таниди-да, хушчирой билан сўрашди. Шу чоғ уйга бирин-кетин: Айгерим, Дармен, Макенлар ҳам киришганди. Меҳмон улар билан қадрдонларча сўрашди. Абайдан тортиб бу уйдагиларнинг ҳаммаси бу одамни яқин танишдек қабул қилишди.

Йўловчи тумоғини ечиб, соқол-мўйловини қорли муздан тозалай-тозалай ўтириб, ўзининг қаердан келганини айтаётир.

— Шаҳардан келаётган эдим, орада икки қўниб

етиб келганим шу. Кече совуқ юргизмай қўйди, отим ҳам семиз эмас, эти ориқ эди. Ўшанинг ҳам ҳолига қараб, совуқдан ҳам қўрқиб, мудом элни ёқалаб, астасекин келаётирман. Бугун мана бу Қоной, Кўп-Соқовдан чиқдим!— деди.

Шаҳардан келган Абди эди. Бир вақтларда Макен билан Дарменнинг бош қовуштиришида жонини фидо қилиб, қонини тўккан дегандек, қимматли дўст эди. Абай билади. У баҳодир, доим тўғри йўлда юрадиган, мана шу элдаги қашшоқлардан чиққан яхси йигитнинг бири. Абай ҳозир ўшани ўйлаб, дўстона ғамхўрлик билан меҳмондўстлик қила бошлади.

— Ўзинг совуқотиб келдинг-ку. Кун ҳам қаттиқ аёз. Ечин, сиртқи кийимингни ечиб, елкангга ташлаб ўтири! Исин-чи, аввало, исиниб ол-чи!— деди-да, Айгеримга ўгирилиб:

— Айгерим, Макен!— деб, мезбон аёлларга қараб, меҳмондўстлиги бор ихлоси билан билдира бошлади.— Чойни тезроқ ҳозирланглар! Тушлик оқватларинг қачон бўлади? Қуртава қилдириб юборинглар! Абди, қаттиқ совуқда бир кун эмас, бир неча кун қийналшиб келди-ку, ҳаракат қилинглар!

Айгерим билан Макен ўзаро пичирлашиб олишди. Макен, Қарибжон деган ўрта бўйли, оппоққина келинчакни Айгеримнинг ёнига чақириб келди.

Абди сиртқи кийимики ечди-да, елкасига ташлаб, энди иссиқ уйда юзлари қизариниб, исина бошлади. Абай ундан шаҳар ҳақида ва йўлда кўрган-билгалирини сўрай бошлади. Абди олдин қиши ҳақида гапирди.

— Ҳозир иккенинг бирини оғзида мана шу қиши масаласи, Абай оға! Қишдан қийналган эл кун сайин ортиб бораётир. Кўпчиликни исканжага оладиган оғир қиши дейишашётир.

Абай ундан аввало унинг йўлда кўриб келган эли — Уоқлар ҳақида сўраган эди. Абдининг айтишига қараганда, йўл бўйидаги Болта-Ўроқ, Муқир, Орқалиқ, Кушикбой, Қоной элларининг ҳаммасининг ерида қор жуда қалин тушиб, моли қўлга қараб қолибди. Қудрати етадиганларнинг ҳаммаси атрофларидағи қўриқ тоғларга ёки Иртишни бўйлаб тўқай ёқасига, озми-кўпми пичани бўлган ерларга қараб чувалашиб кетаётир,— деди.

Яна Абди күрган бир ҳодиса: шаҳарга кетаётгану, шаҳардан келаётган карвонларнинг юзу кўзларига қараб бўлмас эмиш. Бир хилларининг бурнини совуқ урган, бир хиллари юэларини олдирган, ёноғини совуқ олгац, яна қанчаларининг юзида оқ доғ, қизил дор бўлиб, илгари совуқ урган ерларининг ўрни бўртениб, гардиш-гардиш бўлиб кетибди. Шуларни айтаркан, Абди: «Қишининг даҳшати ёмон. Одамнинг ҳам, молнинг ҳам баракасини кетказиб, сиқиб бораёттир! — деди. Шундай аҳвол яна қайси бўлисларда юз беряётганини сўраған Абайга Абди тағин бамаъни, қулоғи динг одам сифатида жавоб берди.

— Эшитишимга қараганда, Семей дуони тугул, унга тулашиб кетган мана бу Қорабўжир, Қолбо, Ўсекемен томонингиз, анави Қўкпекти, Торбоғойтойингиз ҳам қийналаётгандардан дейишаётир. Мана бу ғарб томонимиздаги элни олсак, Оқбўта, Дегеленгдан нари қараб беҳисоб Қоракесек, ундан наридаги ёндош Қораёткел, бу томони Суюндик, Қувондиқ — ҳаммасининг ҳам хабари яхши эмас, овозаси хунук дейишаётир.

Бугун чой устида, сўнгра тушки овқат чоғида ҳам Абай билан Дарменнинг сўрашларига кўра Абди кўп гапларни айтди. Шаҳар аҳволини, Затондаги Абен, Сентларнинг ҳол-аҳволини сўраётган Дарменга жавоб бераркан, Абди шаҳар халқининг ҳам оғир аҳволини баён этди.

— Ёзда экин ҳамма областларда ёмои бўлган экан. Ушанинг оқибати билинаётир. Бозорга дон-дун тушиши камайган. Шаҳарда озиқ-овқатнинг нархи ошган. Шу кунда камбағал-қашшоқ хонадонларнинг аҳволи жуда ҳам таиг. Базъи қашшоқ хонадонлар учун қора нон билан қуруқ чой топишнинг ўзи ҳам маҳол бўлиб қолган! — деди.

Бу — Абди келтирган совуқ хабар эди. Яна бир оздан кейин Абди, нуқул кўнгилсиз хабарлар келтирганини ўзи ҳам бўйнига олиб, кейин бошқа гапга кўчди.

— Қани энди, ҳоли ҳаробалик ҳақидаги хабаримга шунинг билан хотима берай. Одатда бирор сафардан келса: «Қандай яхши гап, қандай ёмон гаплар бор?» деб сўралади-ку. Ҳалиги гапларни шунинг учун айтган эдим. Энди ўзим билган яхши хабаримни ҳам айтай, Абай оға! — деб қўйиб, Абай билан Дарменни чиндан рұхлантириб, шодлантирадиган хабарини айтди.

Унинг айтишига қараганда, ҳозир шаҳарда олти дуон элнинг боши қўшилган жуда катта бир шербешнай бўлаётган экан. Сой билан қирнинг, пастлик билан баландликнинг қаймоги йиғилиб, бир ҳафтадан бўён ўртага ташланган бир катта иш устида баҳе, талаштортиш олиб борилаётир дейишади. Бу аслида туташиб кетган элларингизнинг ҳаммаси...— деб қўйиб, Абди гапни энди Абайнинг ўз гувоҳлигига суюб айта бошлади.

— Туташиб кетган бўлганда икки ўязнинг эли, ўзимизнинг Тўбиқти, Наймандек олишиб, чопиша берар экан-ку. Одам ўлган, овулини босган, баримта саримта дегандек, ҳарқалай, тиним топмаса керак. Ўшаларнинг баъзилари кўпчиликка бориб етиб, кўпларга касири тегибди!— деб сўзлаб келиб, энди шербешнай текшираётган ишларни айтди. Номи яхшига, ёмонга йўйилган эл одамларини айтди.

Бу ҳақда Абдининг ўзи баҳо бермай, шаҳардаги кўпчилик ҳалқнинг оғзидан эшитган гапини айтди. Эшитишига қараганда, сиёздагиларнинг ҳаммаси тақдирлазб тургани деб, айниқса довига даво топиб, кетишганни «келиштирди», «йўл йўқ ишга йўл топди» деб баъзи бирорларни кўпчилик кўкларга кўтариб мақтаётган экан, «Тўбиқтида, қола берса бутун Семей дуонида, шу йўсин қорасини кўрсатмай ўзиб, яхши номи чиқиб турган киши Мағаш бўлибди» деб Абди Мағаш ҳақида кўп гапирди.

Шу кунларда қирдаги, қўйидаги элнинг ҳаммаси ҳам катта дов-можароларини Мағашнинг олдига келтириб қўйишга уринадига ўлибди. Абди ўз кўзи билан кўрибди. У Мағаш билан кўришай деб Сулейменнинг ўйига борса, даъволарини айтишиб, Мағашнинг ҳукмими эшитгани келган одамлар ҳовли, эшик олди, ташқарига сифмай кетган экан. Мағашни қамаб, қуршаб босиб ётган эл кимлар десанг, тўбиқтиликлар эмас, тумоқларига, чопонлари, тўнларига, отларининг тамғаларига қараб, Абдининг айтишича: «Бўшон ҳам, Шоқонтой, Керей ҳам, Тебрис-Топгбали Матай, Сибон ҳам — ҳаммаси борга ўхшайди!»— деб бир гапни тамомларкан, ўзининг яна бир хурсанд бўлганини айтди.

— Мағашнинг ҳукмига келганларнинг кўлчилиги йиртиқ тўн, эски чопон, айниб кетган тумоқ, чакмон кийган кўзи ёшли кўпчиликка ўхшайди!— деди.

Адолатпарварлигини билиб, умид қилиб Мағашни

излаб келувчиларнинг кўпчилиги йўқ-йитик, бечораҳоллар эканлиги Абдига маъқул бўлибди. Шундай одамлар уймалашаётгандан кейин Абди Магаш билан кўриша олмай кетибди. Лекин, ичиде миннатдор бўлиб кетибди. Бугун шу ерда ўшани айтиб берди. Абай бу хабарни ўй ичи билан қувониб эшилди.

Шундан икки-уч кун ўтгандан кейин, Оролтўбега хамдан-кам келадиган меҳмон тарзида яна бир йўловчи тушди. У кеч кирган пайтда келиб, отини чиқариб, чансини панага қўйиб, ундаги дон-дунини яхшилаб йигиштириб курди. Эҳтиёт қилиб намати, шолчаси билан ўраб-чирмаб қўйди. Чироқ ёқилиб, чой тайёрланадиган вақтдагина уйга кирди. Иссиқ уйда енгил кийиниб, китоб ўқиб ўтирган Абайнинг олдига ҳозирги қиши кунининг аччиқ-аёзини, қақшатгич совуғини бу ҳам ола кирди. Янги қора этик кийган йўловчи салом бериб кирганда, Дармен билан Ҳасанмулла бирга киришди. Уч кишининг ҳам совуқ этиклари, иссиқ уйда буғланиб нафас оладётир. Совуқ-аёз буғга айланганда, оғирлашиб, ер бағирлаб тарқалаётир.

Чой ҳозирлаб ўтирган енгил кийимли Айгерим уйга кирган совуқ ҳаводан сал сесканиб, Абай томон оғиб ўтириди. Кетмон соқол йўловчи, ҳозир оппоқ яхмалак бўлган қорли муз билан юзини қоплаб олганга ўхшайди. Сирти нимдош жигар ранг қора элтери тумоқнинг юз томонида қорли муз қотган. Меҳмоннинг оғзи саломга зўрға келди. Абай унинг саломига алик олса-да, аввал танимаган эди. Кейин йўловчининг афти-ангари, соқол-мўйлови муздан очила бошлагандагина аниқ таниди.

— Ия, сен Алпейиммисан? Тўғрисини айт-чи, ҳали ҳам наҳу ўқиб юрибсанми? Еки бошқача йўл топдигими?

Меҳмон севиниб, эви кетган оғзини илжайтирганича тараффудланиб туриб жавоб берди.

— Наҳуни ташлаганман, Абай оға! Ушанда айтган бир оғиз маслаҳатингиз даво бўлди-ку. Ўзингиз айттандек, элга бориб, Тақирнинг бўйида отамнинг касбини қилаётирман. Уша айтганингиздек «экин экиб, меҳнатга берилиб» миришкор бўлиб қолганман! — деди.

Абай «баракалла!» — деб хурсанд бўлиб, Алпейим чой ича бошлаган вақтда, қаердан келаётганини сўради.

Алпейим ҳам шаҳардан келаётган экан. У ўзи эккан экинининг бир озини шаҳарга элтиб, тегирмонда тортдириб, ярим-ертисини бозорга чиқариб сотибди. Қишига керакли нарсалар: қанд, чой, кийим-кечак олибди; буғдойининг ярмини ун қилиб тортдириб, қишининг ғамини яхшилаб еб, шаҳардан элга келаётган экан. Бошқа юқориу қуйидаги очиққан, ҳаракатсиз ётган кўпчиликка қараганда бу ўз меҳнатининг чиндан ҳам иғилигини курган одамга ўхшайди. Абай Алпейимдан жуда хурсанд бўлиб, элнинг кўп қашшоқларига уни ўрнак қилиб сўзлади.

Алпейим Абайнинг мақташидан қувониб, илжайганича, уй ичидагиларнинг шаҳар ҳақида сўраган саволларига очилиб, батафсил жавоб бера бошлади. Узи гапдон, если, сермулозимат йигит эди. У қуви томондаги ҳалқнинг қишидан қаттиқ қийналаётгани ҳақидағи мана шу овул эшитаётган хабарларни янада тўлдириб, янгиликларини ҳам қўшимча қилиб сўзлаб берди.

«Қишдан молгина эмас, бу йил одам ўлиб бермаса бўлмайдиган кўринади-ку». Айниқса Иртишнинг бу томонидаги, юқорисию қўйисидаги қашшоқ овулларнинг аҳволини суриштириб яхши билиб олган экан. Шўптироқ, Жўломон, Ўжерке, қуйидаги Байгели — Шағала, Қорашўлоқ, Кенжебой, Жаллақ сингари беҳисоб камбағал-қашшоқлар жойлашган овуллар харёб бўла бошлади. Кўпчилигининг одамлари тентираб шаҳарга бориб, иш излаб, овқат қидиришга тушибди.

Бозорда нарх кўтарилган. Озиқ-овқат кам. Шаҳар атрофидаги крестьян қишлоқлари ҳам, бу йил ёзда экини чиқмай, харобалашиб қолишган дейишаётир. Йўл юзидаги эл карвонларини уйларига туширмай ўтиналарини эҳтиёт қилиб, бир дона чўп, сомонларини ҳам санаб ўтиришибди. Ҳатто ўз озифидан овқат қилиб ейишга ҳам рухсат бермаётир. Аёз бўлса, бир нафас босилмайди. Сўнгги кунларда Күшикбой, Муқир атрофларида қор бўрони яна тишмай авж олаётир!— деб Алпейим ҳали шу уйга кирганида этигига илаштириб келган аёзнинг дамини энди бутун кўрганлари билан бўртдириб, қуюқлаштириб айтди.

Кейин овқат чорида, сұхбат мавзуи бошқа масалага кўчганда, Алпейим шаҳарда бўлаётган Шербешнайдан ҳам яхши хабар айта бошлади. Ўзининг гап-сўзи жойи-

да, яхши гапни қулоғига оладиган, ёдида сақлайдиган хусусияти бор экан. У Абай билан Айгеримга қараб ўтириб, ўзича гап бошлади-да, Мағашни мақтаб кетди.

— Олти ўяздан йиғилган, беш-олти уйда қатор ўтирган юзга яқын бийлар бор экан. Шуларнинг ичидаги: «Қарчиғайдек чоққина бўйи бор, уйдек катта ўйи бор, олғир, оппоқ, Абайнинг ўғли — Мағаш, қорасини узиб, ўзиб чиқди. Мана ман деб олдинга тушиб турибди! — деган гапни шаҳар ҳалқидан ҳам, сиёзда иши бўлган, дов-жанжали бўлган кишилардан ҳам кўп эшилдим! — деди.

Абай ундан ўз кўзи билан кўриб, ўз қулоғи билан эшилтган гапинг борми? — деб сўради.

Алпейим унга ҳам қизиқ жаєоб берди.

— Ишимни битирганимдан кейин, Мағаш ҳукмини айтаётган Сулейменнинг уйига атайнин икки кунгача бордим. Арзчиларнинг бири бўлиб кўпчилик ичига кириб ўтирдим-да, ўз қулоғим билан бир-икки оғиз гап эшилдим. Ўшани сизга айтиб берай! — деб янги гапга кўчди.

— Қоракесекларнинг бир вақтларда ўзингиз билан бирга катта гапларга аралашиб юрган, Қалий деган маҳмадонаси бор экан. Мағашдан ёши катта, донғи ҳам кетганга ўхшайди. Ўшани Семейнинг тўрт бийининг биттаси дейишар экан. Мен ўтирганимда Мағашнинг олдида ҳалиги Қалийнинг ҳузурига дов билан иккита уоқ келди. Уоқлар илгари дўст бўлишади. Ўша дўстлик важи билан бир-бирларига ўтишгани бор экан, кейин олди-бердига чидашмай ўпкалашади, шундан пизолик туғилади. Энди иккаласи довлашиб, бийининг ҳузурига келишади. Ўша ишни Қалий ҳадеб чўза бериб, можаро қилиб кетадиган бўлди. Яраштирмоқчи бўлиб ҳам кўп уринди. Анави иккови икки ёққа қийшайиб асти битишмай, гап бош-бошига қовушмай чўзилиб кетди. Шунда Мағаш Қалийга сиполик билан холисона бир гап гапирди. «Қалий оға, мана шу масалани ҳал қилиш осон-ку? Рухсат этсангиз, мен айтай, — деди-да, — дўст бўлдинг — довинг йўқ, қўлдан бердинг — ҳақинг йўқ! Бундай можаронинг ҳал қилиниши шундай бўлса, бўлмайдими. Бундан буён шуни қоида қилиб, йўл қилиб олсак қандай бўлади?» — деганида, уй тўла ўтирган, бўйнига белги таққан бошқа, ўн беш

ий баравар қувватлай кетиши. Шундай бир билим-
ионлигини күрдим!— деди.

Абай хурсанд бўлиб ўйлаб турди-да:

— Манави эшитилмаган бир янги гап экан-ку!—
деб Дарменга қаради.

Дармен кулди-да: «Эшитилмаганинг сабаби, мен
бислам, Мағаш бу гапни ўзи тўқиган. Шундоққина
шоирона гап-ку»— деди.

Шундан кейин Қалий, оғзимдаги галимни илиб кет-
динг дегандек, Мағаш билан асқия қилиб ўтириб, айб-
лаб қолди. Гапининг орасида кинояси ҳам бўлди.

— Қўчқор туқсан қўзиdexсан, чироғим. Бироқ
йўлимни кесганинг нимаси? Катта эдим-ку?— дегандек
қилди.

Мағаш унга нари-бери ҳазил қилиб: «Адашган овул
бўлмас, ҳисоблашган эл бўлмас, деб арзимаган нар-
сани ҳисоблаб нима қиласиз?»— деб, яна бир пичинг
отиб қўйди.

Қалий индамай қолди. Лекин қатордагилар нуқул
гап пойлаб ўтирган, пиҳини ёрганлар эмасми! Нарроқда
ўтирган биттаси Қалийга тегажоғлик қилди.
«Қалий йўлимизни тўсиб, ҳеч қўймаётган эди. «Тоғ-
даги тулкини подадаги този олади»,— деганлар-ку,
Мағаш балодан ўнгмай суринди-ку!»— деб ҳазил
қилди.

Қалий гап тополмай қолдими, тиқилиб қолдими,
ҳадеганда жавоб қила бермади. Мағашнинг ўзи уни
суяб, яна бир ҳазил қилди: «Қалий оға, ҳазилда кек
йўқ, ғийбатда чек йўқ! Үнғайсизланишга ўрин йўқ!»—
деб, уйдагиларни яна бир хохолатиб кулдириб, ҳалиги
муаммони ўзи очиб ташлади.

Қалий шундан кейингина ўзини тутиб олиб, ҳалиги
уни камситган Буранинг ўзи қатори бир бийига энди
боплаб жавоб қилди.

— Бахтсиз бошга жавдираган кўз битади, овозсиз
оғизга шовдирган сўз битади, деб йигирма кундан буён
бўлаётган шу мажлисда йиртилганни ямагундек, узил-
ганинн улагундек баракали бир гапингни эшита олма-
ган эдим. Мағаш инимдан ёрдам олган бир пайтимни
пойлаб ўтирган экансан-да!— деб ҳалиги бийни ҳам
суриштириб кетди. Ўзи ҳам қисилиб қолган катагидан
қиялаб чиқди. У ҳам кўп уста одам экан. Лекин ёшига
қарамай, ўша ўтирганларнинг ҳаммасидан Мағашнинг

қадди баланд келиб турганини күрдим! — деб Алпейим сўзига хотима берди.

Унинг гаплари Мағашни қуруқ мақташ эмас, Абайни чиндан мамнун қилгандек қувонтирди.

Шаҳарнинг шунга ўхшаш хабарини орадан бир ҳафта ўтгандан кейин олиб келган яна бир йўловчи бўлди. У — Абай атрофидагиларга бегона одам эмас, яқин одам. Семейдан қайтиб келаётуб, йўл-йўлакай Абай билан кўришиб, Мағаш топширган хатни келтириб бериш учун Оролтўбega тушган Самарбой мулла эди. Новчагина, қотмадан келган, кўзларининг, бурни нинг атрофида ёқимтойлик — иссиғи бор, қийилиб келган қингир мўйловли Самарбой ёш мулла бўлса-да, илми етук. У Абайга қўшни бўлган Мамай жотоғидан чиқкан етим боланинг биттаси эди.

Бундан ўн беш-ён олти йил муқаддам уни Абайнинг ўзи олиб бориб ўқишга берганди. Кейин Самарбой Мағашнинг қўлига келиб, бир томондан ини қатори бўлиб, Оқшўқидаги овулда икки-уч йилдан буён бола ўқитарди. У, кўп ҳусниҳат ва китобхон, илми толиб ёшлардан. Ҳозирги кунларда мусулмонча ўқишидан русча илм олиш анча ортиқ эканлигини яхши тушунган. Эшитиш билан англашдан бу кунларда бошига йиққани ҳам кўп.

Абайнинг таржималаридан, Абишнинг ҳикояларидан, Мағаш билан Какитойнинг ўқиганларидан эшитиб, кўп шоирона гапларни ёдида сақларди. Абайнинг атрофидагилар айтадиган қанча-қанча романларни, катта эртакларни, қизиқ «масала», ҳикоя, достонларни Самарбой бамайлихотир ўтириб айтганда, жуда гўзал тил билан ҳикоя қиласарди.

Шаҳардан Самарбой хат олиб келди. У — Мағашнинг отасига ёзган, жуда оғир сири бўлган хат эди. Абай Айгеримнинг пайқашича, Мағашнинг хатини қўли титраб ўқиб, кўпгача тикилиб, тушуниб, кўнгли бовар қилмагандек бўлди.

Айгерим хатда бир хунук хабар борлигини Абайнинг юзидан пайқади-да, суяқ шкафдан унинг кўзойнагини олиб берди. Илгари ҳам бир зада бўлиб қолган юрак сезаётган ҳақиқат энди аниқланди. Абай Самарбойнинг юзига чўчиған, олайған кўзлари билан индамай тикилганида, ёш йигитнинг ҳам чеҳраси ғамгин кўринди.

Мағаш хатида: «Сүнгги вақтларда анча ситқим йўқ. Шаҳарда иш кўпайиб, кета олмаётирман. Бироқ, докторга қаратиб, жавобини ҳам кутиб турибман. Аҳволим қандай бўлиши номаълум. Шаҳарга жойлашиб олиб даволатаманни ёки маслаҳатини, дориларини олиб, докторнинг рухсати билан элга қайтайми? Шунга қандай маслаҳат берасиз!»— дебди.

Табиатан кўп сипо, мулойим Мағаш Абайга келинг, демабди. Лекин отасининг ҳозир олдида бўлишини истаётганлиги очиқ кўриниб турибди. Абай чой ичолмади. Тинчиёлмай, юраги оғзига тиқилиб, пешонасидан совуқ тер чиқди-да, бир ўтириб, бир турди.

«...Яна қайғу босиб келаётирми, яна ажалнинг тифи кўринаётирми! Эндиғи ҳаётимнинг ёлғизгина бир суюнчиғи бу ҳам эндиғина чечак отиб, отанинг тарбиясини оқлаб келаётиб, маҳв бўладими?.. Ҳориб толған юракдаги эндиғи ёлғиз бир тиргович шу йўсинда ўртасидан қарс синиб, узиладими?!»

Абай асти тинчлана олмади. Самарбойдан уй ичидагилар Мағаш ҳақида сўрашса, Абай сўз қотмай, юраги безиллаб йигитнинг юзига боқади, холос. Кўп ҳушёр, саботли Самарбой уйдагиларга айтаётган бўлиб, Мағашнинг ҳозир жуда катта обрў қозонганини, ҳалққа ёқиб катта раҳматлар олаётганини айтди.

Абай яна ундан унсизгина тилаётгандек, «юпатчи» деяётгандек ғурбатга тўла кўзлари билан боққанида, Самарбой уни яхши тушунди. Мағашнинг ўз қулоги билан эшитган бир бошқача маъноли гапларни секингина айтиб ўтди.

Бир кун уй холи бўлганда Мағашнинг ёнида Какитой билан Самарбой икковигина қолишган экан. Ундан олдин кундузи, яна одам босиб, яна Мағашнинг бир хил можароларни ҳал қилиб беришини ўтиниб келишганди. Шунда Мағаш Самарбойнинг олдида, тўшакда ёнбошлаб ётганича, дов-жанжал билан келган ҳар икки тарафни адолат йўлига солиб, ҳукмини айтибди. Кечқурун Самарбой билан Какитой иккови икки ёқдан Мағашга маслаҳат бериб: «Тездан элга қайтсанг», «сен ҳар кун босиб келадиганлардан қутулсанг. Энди элга кетайлик!»— дейишибди. Шунда Мағаш: «Сақлан деяётисизлар», «ажалдан омон тилаймиз» деймиз-ку. Бироқ, «Темир-метин ажалнинг тифи етса, темирни ҳам емиради!»— деб жавоб берди!— деди.

Шундан гап уринтириб Мағаш баъзи бир ишларни айтиб берибди: «Халқ ўтинади, кўксингдаadolatинг борми! Яхши ота тарбиясидан олган озиғинг борми? Ушандан бер, даво бўлсин!»— дейди. «Киммиз ўзимиз? Нима сақлаб юрибмиз ичимида! Ўртага ташлаб кўрайлик деган эдим!»— деб ўтирибди-да, Самарбойнинг хотирида қолган яна бир янги гапни гапирибди: «Кўмилиб ётган тиллонинг, тупроқ босиб ётган тошдан ортиқ қандай фазилати бор?!»— дебди.

Абай Мағаш айтиган гапларни энди қизиқиб тинглади. Самарбой билан Какитойга ҳаётнинг ҳар соати қанчалик зарур, қанчалик қиммат эканлиги ҳақида ҳам гапирибди. Шунда яна бир қизиқ фикрни анча тўзал ифода билан, Самарбойнинг дидига ўтиришадиган қилиб айтибди: «Ҳаётнинг ҳар бир дами шу қадар қимматли, деб келиб,— бироқ, на чора! Чўзишга ҳам, тўхтата туришга ҳам, «ўтма», «тугама» деб илтижо қилишга ҳам йўл йўқ! Минутнинг, соатнинг энг секин қўзғалишининг ўзи, энг югурик отнинг энг қаттиқ чопишидан кучлироқ... На чора!..»— дебди.

Абай бу гапларнинг тагида ноёб ўғлининг доноликка етгудек ақли, маърифати борлигини англади. Шунга қизиқиб, шодланиш билан бирга, ўртаниб қайғирди. Шу кеча тортган ғамидан, янгидан тўлиб келган гуссадан. Абай тинчимай, ажриққа ағанаб, чўчиб чиқди. Эртасига Абай тездан ҳозирланиб, Дарменни ёнига олиб, шаҳарга жўнаб кетди.

Аёз ҳали ҳам, бугун ҳам атрофни тўзгитиб, чирсиллаб, ўкириб ўраб турган эди. Шунга қарамай, чана-нинг устига қора намат ёпдириб, иссиқ кийим билан чанага ўтириб, Абай овулдагилар билан кўзларига ёш олганича хайрлашди. Ранги кетиб, озиб қолган Айгеримнинг ҳозир тўкилган иссиқ ёшлари киприкларида, ойдек юзида дўл донасилик юмалоқ-юмалоқ муз бўлиб, қотиб турган экан. Қўш отли чана шаҳарга қараб тўхтамай елиб, жўнаб кетгандан, Абайнинг кўз олдида Айгеримнинг азалик чеҳраси асти нари кетмай, тикилиб, унга чексиз муҳаббатини изҳор этиб туриб олди.

Абай шаҳарга келган куни тўғри Мағаш турган уйга тушди. Йўл бўйи туз тотмай, мижжа қоқмай, тинчимай келган Абайнинг юзи ҳам оғир касалдан турган кишидан бадтар эди. Отасининг қўрқиб, шоши-

иб келганини англаган Мағаш, севикли, азиз отасининг кўнглини озгина бўлса-да, тинчлантироқчи бўлди. Қош қорайган пайтда ҳовлига отасининг чанаси селди деб эшигтан он, енгил кийими билан ўтирганича бошига тумогини кийиб, одми камзул пўстинини кийиб, отасини кутиб чиқадиган бўлди.

Мағашнинг камзул пўстинининг сирти, тую жунита коптоқ ип қўшиб, қизғиш жигар ранг бериб, чакмон қилиб нафис тўқилган эди. Ёқаси, енгларига жигар ранг духоба тутиб шаҳар тикувчиси тикикан эди. Ихчамгина, қарчигайдек жуссасига тулки тумоги, камзул пўстини ярашган оппоқ юзли, кўзлари чиройли Мағаш, Абайни Сулейменинг уйидан эшикка чиқиб кутиб олди.

Шаҳарда кўпдан буён туриб, янги кийим тикириб кийган Мағашни Абай аввалига таниёлмай қолди. Мағаш эканлигини унинг жарангли овоз билан берган саломидангина билди. Товушидаги оҳангдан соғ одамнинг товушини эшигандек бўлди. Отаси Мағашни ёстиқ тортиб ётибди деб ўйлаган эди, ундоқ эмас экан, ўзи пастга тушиб келаётир. Қадди-басти, ҳаракатлари пишиқ ва сергак кўринди.

Қалин кийимли Абай зинада Мағашни таниши биланоқ бағрига босиб, кўзларидан ҳидлади. Иккови қатор юриб чиқишига зина торлик қилгани учун Абай Мағашни олдига солиб, «Бошла, ўзинг юр!»— деган эди, отасининг олдига тушиб, зинадан қайтиб чиқаётганда Мағашнинг юриши сал сустроқ кўринди. Шу ерда унинг ёшига лойиқ бўлмаган, жуссасининг енгил, серҳаракатлигига мос бўлмаган оғирлик билинди.

Ҳеч қандай ҳаракат назаридан қочмайдиган Абайнинг кўзига бу ҳаракат маъқул бўлмади. Бир оз олдин кўнглида «туриб юрибди-ку, дарди енгиллаштан бўлса керак?»— деган умид туғилганди. Ҳозир эса ота яна ичидан зил кетди.

Шу кеч Мағаш ҳоли келгунча очилиб-ёзилиб сергак ўтиришга тиришди. Ҳар хил гапларни, айниқса, шаҳардаги Шербешнайда пайқаган, англаган фикрларини ҳам айтиб, ҳам танқид қилиб ўтирди. Олис-яқинидаги, Абайга таниш бўлган ҳар хил кишиларнинг ҳам кулили, ҳам куйгули феъли-атворларини эрмак, асқия қилиб, отасини руҳлантириб кулдириб гапирди. Жуда раҳмдил, меҳрибон, феъли жуда кенг Мағаш, ярамас

хулқли, қилиғи бемаъни мансабдорлар, даъвогарлар, ҳарамзада, ҳаромхўрлар ҳақида сўзлаганида, истеҳзо аралаш ҳазил қилиб гапирди. Нодонлик, авомлик, билмаслик сингари камчиликларни сабаб қилиб, танқид қилган кишиларини ёвуз дейишдан кўра, шўрлик сифатида тасвиrlади.

Мағаш шаҳарда, отасидан йироқда, шу қишининг бошидан буён ўтказган бир неча ой ичидаги янада ўзгача бўлиб ўсиб, қадди кўтарилиб қолганга ўхшайди. Албатта-да, Абай уни тушунади. Катта синов, исканжаси орасида меҳнат қилган, кўпчилик орасида кўп тортишувларга тушган ёш йигит мана шу Шербешнайнинг ўзида ҳам кўп тажриба ортдирган, кўп фикрларнинг мажҳул ерларини англаган, мажлис кўрган. Ўзи серфикр, илмли, одил Мағаш энди қанчалик идрокли, катта киши билан дуч келса-да, тенглаша оладиганга ўхшайди.

Абай огулда шаҳардан чиқиб борганлардан эшитган гапларнинг дарҳақиқат рост эканлигини ўғлиниң сўзидан, чеҳрасидан, хулқидан аниқ фаҳмлади. Шу жиҳатларини сезиб, кўнгли қувонч билан юпанчга тўлган сайин Абай Мағашнинг соғлигини, умрини алоҳида тилайди. Шу кеч Мағаш гапни жўрттага бошқа ёққа айлантира берса ҳам, Абай қўярда-қўймай, қайта-қайта доктор ҳақида гап оча берди. Мағаш боқтираётган докторнинг қанчалик илми бор, ўз ишига пухталигига ишонса бўладиган одамми? Павлов билан унинг рафиқаси бу докторни ишончли деб ҳисоблайдими, йўқми?! Шуни қайта-қайта сўрай берди.

Мағашнинг айтишига қараганда, ҳозир уни қараетган Станов деган, Семейга янги келган, илми мукаммал, тажрибаси кўп, ўрта яшар доктор экан. Бу кунларда ўзи Мағаш билан яхши танишишнинг устига, ҳатто дўстлашиб, жуда яқин киши бўлиб кетибди. Уни Мағашнинг ёнига бошлиб келган, бутун иш билан таништирган Павловнинг ўзи экан. Энди Станов Мағашни қунт қилиб даволаётган экан. Қолган ишларни Мағаш Абайнинг ўзи билан маслаҳатлашмоқчи. Яна отаси Становнинг ўзи билан сўзлашиб, Павлов билан маслаҳатлашиб, Мағашга бундан кейин қандай маслаҳат беради, Мағаш шуни кутар экан. Ҳозир отасини юпатиш учунгина айтиётгани йўқ, ўзининг кўнглида. тинкани қуритиб, узиб-юлиб олиб кетаётган ҳеч нарса

йўққа ўхшайди. Келган куни Абайни шу сингари ўз уйида меҳмон қилиб, Мағаш бир оз тинчлантириди.

Бироқ, кечаси, бошқа хонада, каравотда ётган Мағашнинг ўша уйдан келаётган тиқ этган ҳаракатига, товуши билан дамига, онда-сонда йўталишига Абай у уйда қулоқ солиб ётганди. Бу кеча ҳам ухлай олмади. Дам ўтмай уйғониб, оғир тушлар кўриб, уҳ тортиб чиқди. Отасининг кўнгли таскин топмаётганини Мағаш ҳам сезиб ётди. Ҳар иккала сезгири қалбнинг бу хил зийракликлариға тенг келадиган ҳеч нарса йўқ. Яхши ўғлини севадиган яхши ота билан яхши отасини севадиган яхши ўғилнинг ўртасида айтилмайтуриб англаниладиган ишлар қандай кўп. Омончиликда, тинчликда бир сари бўлса, биттасининг бошига хавф-хатар ўртилиб келган пайтда сезгирилик ҳар қандай юракни ҳам чўчитиб туради. Ўша кайфият жуда зийрак қилиб, ажойиб сезгири, ҳушёр қиласиди.

Улуғ фазилат, катта одамгарчилик, назокат эгаси бўлган икки одамнинг дили имо-ишора билан сўзлашади. Қимир этган ҳар бир ҳаракатдан, билинар-билинмас товушдан қоп-қоронғида ҳам юзларини кўришмай турибоқ шу қадар маълум тил билан боғланишиб ётганга ўхшайди. Бу кайфиятнинг икки улуғ қалбдаги оти ҳам муҳаббат. Оталик билан болалик муҳаббати.

Мағаш очиқ англаб, билиб чиқди. Отаси ҳозирги аҳволидан тинчлана оладиган эмас. Энди қандоқ қиласиди, фақат озгина бўлса-да, чалғитгудек юпанч керак. Ўша юпанч кўп ақлли, доно, бардошли одамларни ҳам баъзан чалғитади. Болалардек юпантариб, бир оз бўлса-да, ором беради. Мағаш энди отасининг ҳозиқи бўлиб, кўп ўйланадиган ҳушфаҳамлигига кўчди. Бир вақт у ўзидан кўра отасини ўйлади. Мен ўлиб кетсам умиди бир йўла барбод бўлиб, тирговичи қулаб, муқкасидан кетади-ку! Тагсиз чуқурга қулаб кетгандек аламзада бўлиб кетадими?

Шу жиҳатларини ўйлаганда ўзи касал бўлгандан буён биринчи марта Мағашнинг томоғига оғир тўлқин, тошдек тугун ўралди. Кўзларига кўпдан келмаган аччиқ ёш келиб, нафаси битаётгандек қийналиб ётган пайтлари бўлди.

Келаси куни кечқурун Мағаш отасига ўзи маслаҳат бериб, Боймагамбет, Дармен учовини Қумошнинг уйига юборди. У Абайнинг ўрганиб қолган жойи тинч,

яхши жой эди. Үша куни шанба эди. Магаш ўтган шанба, якшанбаларда ўзининг ёнига келиб, ётиб қолиб, эрмак бўлиб юрадиган ўқишдаги ёшларни атайни чана юбориб, Абайнинг олдига юбортирди. Болалар ҳозир Даркембойнинг йигит бўлиб қолган ўғли Раҳим, унга ини, дўст бўлиб мудом бирга юрадиган Магаш билан Абайнин яхши биладиган, саҳро билан шаҳарничг бир тўп болалари бор. Улар — Осон, Асқар, Мақсад, Шакет, Мурот сингари Абайнинг қашшоқ дўстларининг ҳозир азамат бўлиб қолган болалари. Булардан ташқари ҳозир ёшлари ўн олтига чиқиб қолган, бешинчи синфда ўқийдиган иккита гимназист қўш Қунанбоевлар — Негмет, Жалеллар бор.

Раҳим бу болаларнинг ҳаммасидан катта. У рус мактабини тамомлаб, шу чоқларда Семейда янги очилган Учительская семинарияга кирган экан. Осон беш йиллик городское училищени шу йил битиради. Ун икки-ўн учга чиқиб қолган шаҳарлик грузчиклар билан жотоқларнинг болалари Асқар, Муротлар ҳам ҳозир Абайнинг пайқашича маърифатли тарбия кўриб, анча пишиб, чиниқиб қолишибди. Бу болалар ҳам соч қўя бошлаган. Русча тикилган икчам формалари бўйларига лойиқ. Юзларини иссиқ, совуқ олмаган, қўллари дағал ишга урилмаган, бармоқлари оппоқ, пилтакач-дек, чиройли.

Негмет билан Жалел бўлса ҳозир йигитча бўлиб қолишган. Үзларини оқсуяк билишиб, худбинлик, кибри-ҳаво билан тутишга тиришишади. Негмет қовоқлари қалин-қалин, турқи совуқ, қора сариқ бўлиш билан бирга, кулганида беихтиёр кишининг диққатини жалб қиласди. Кулайдиганда пастки қалин лаби аввало кўтарилиб лабини чиқараётган кишидек, истехзоли эрмакомуз бир ҳаракат қилиб, шундан кейин оппоқ дона-дона чиройли тишлари очилиб кулади. Ўткир кўзларида, қалин-совуқ қовоқларида бошқа вазиятга кўча бошласа ҳам, бир Азимбойлик сифати кўриниб туради. У баъзан очиқ, ҳазилкаш, кулгинчаклик қиласди. Абайнин бугун ўз турқи билан кўпроқ ҳайрон қолдириб, тикилтирган Қакитойнинг ўғли — Жалел бўлди. Йилқининг қирқилган думи тагидаги қаттиқ қилига ўхшаш сочи усиз ҳам катта бошида ҳурпайиб туради. Үша типратиканнинг тукидек сочи, унинг табиатида бир ўжарлик борлигини билдиради. Қенг, очиқ пешонаси

идрокдан дарак берса, хұмрайған қовоқлари остидаги қийшиқ-қийиқ күзлари ўзгача совуқ. Қовоқлари ўша кичик-кичик күзлари устига шалвираб осилиб тушган. Ў, усиз ҳам қийшиқ битган күзларининг ярмисигача босиб тушиб, киприкеиз, илон күз қилиб күрсатади. Сийрак чиққан майда тишлари бу башарадаги кулгини ҳам ёқимсиз, совуқ бир ўзгаришдек күрсатади.

Жалелнинг кичкина бурни катта юзидағи бир қарама-қаршиликка ўхшайды. Бу иккита гимназист Қунанбоевлар, Абайдан унча ҳайиқмайды. Яна улар үчун Абай шоир, ақл әгаси, катта одам деган тушунчалар йўққа ўхшайды. Сабаби, иккөнің қайси Қунанбоевнинг уйига боришимасиň, уларни эркалатиб, кафтларига қўйиб, авайлашларини талаб қилғанлари бўлмаса, ҳозир ўзларига тенг келадиган, бараварлашадиган саҳро қозоги бор деб билишмайды. Кийими, ўтириш-туриши, юз-кўзлари Жалел билан Негметнинг оталари, дадаларига ўхшаш бўлгани учун, булар Абайнин ҳам ўша саҳро қозоқларининг ўзларидан тубан бўлган кўп одамлардан биридек кўришади.

Абай рус шоирларининг помини, китобларнинг отини айтса, шеърлар ҳақида сўзласа, улар кўпинча кулиб қулоқ солишида. Ёши улғайғандан кейин ўқигани учун баъзи гапларни улардек русча тўғри айта олмаслигиги иккита гимназист кечиролмайды. Ўрганай деб уринишинга улар оворагарчилик деб қарашади.

Бугун Абайнинг меҳмони бўлиб ўтиришса-да, Негмет билан Жалел бошқа қариндошлари турган уйга келганда қиласидан қилиқларига кўчишиди. Иккаласи бошларига катта-катта ёстиқлар қўйдиришиб, папиросларини тишлашиб, оёқларини узун чўзишиб чалқанғасидан ёки бағирларини ерга бериб ётишадида, ўзаро ивир-шивир қилиб, русча сўзлашида. Гаплари ўтган кунларда танишган гимназисткалар, ёки турган уйларида бўлган ўйин-кулги, ўшанда танишган қизлар билан жувонлар ҳақида боради. Баъзан тургаш уйларидаги ёш бека ёки бўйн етган қизлар билан бўлган муносабатларини сир қилиб сўзлашишида.

Абайнинг суҳбатларига у қадар хуши бўлмаган Негмет билан Жалел бугун Абайнинг ёнидан иккинчи хонага чиқиб, ўша ердаги каравотга қатор чўзишишиб, керилиб ётишиб, ўзларининг кула-кула сўзлашадиган одатдаги сирларига кўчишиди.

Абайнинг ёнида қолган бошқа ёшларнинг бўлса хулқи мутлақо бошқача. Уларда айниқса Абайнинг руҳий ҳолатини билгандек сезгирили кўрилаётир. Оғанинг ҳар бир сўраган гапига ёшлари кичкина Шакет билан Муротгача тездан, борлиғи билан қониқарли жавоб беришга тиришади. Раҳим билан Осон Мағашнинг касаллигини, Абайнинг ўшанга ташвиш тортаётганини аниқ англашган. У иккави Абайнинг бугунги кайфиятини, баъзан кўнгли бузилиб, хўрсенишини, қаттиқ ачиниб ҳис этишади. Мағаш уларга бир ишни топширган эди. Шуни ўйлаб Раҳим билан Осон кечқурун келишиб, Қумошнинг катта тўгарак хонтахтаси атрофига, чойга ўтиришаркан, шаҳардаги воқиалардан гап очиши.

Абай аввало Асқар, Мақсуд, Шакет билан Мурот тўрттовидан хонадонларининг бу йилги аҳволини бирма-бир сўради. Сейтнинг, Абен билан Сейлнинг ва кекса она Дамежон билан ўз отаси Жумошнинг ҳозир қандай касб-кор билан машғул бўлаётгани ҳақида Муротдан сўради. Бу болаларнинг хонадонлари, ҳозир оч эмасми, ўзларига тўқми? Оталари ишдан, топиштушишдан қолган эмасми, шуларни сўради. Абай ҳалиги тўрт боланинг ҳам хонадонлари овқатдан қийналишаётганини, оталарининг топиш-тутиши йўқлигини ҳамда бутун жотоқларнинг ишсизликда аҳволлари танглигини эшиитди. Шуни эшитиб ўтиаркан, Абай бу болаларнинг қанчалик эси кириб қолганини пайқади. Сейтнинг ўғли ҳатто Абайни ҳайратда қолдириб қувонтириди.

— Бу йилгидек оғир йил бўлмаганди. Менинг отамдек ғайратли, серҳаракат ишчи ҳам хонадонини таъмин қилгудек пул тополмай ўтирибди. Мен стипендиямдан қарашмасам, онам оч қолар эдик, деб ҳам қўрқади! — деди.

Бу боланинг дилидаги тилида. Оч-яланғоч меҳнаткашларнинг дардига жуда дардкаш. Фикри-ёди, жонидили ўшаларда. Нариги уйда, каравотда шақиллаб кулаётган ваҳший табиатли бойваччалар бир ёқда турсин, мана буларнинг киндиклари ўзлари чиққан уяларидан узилмаган. Абай Асқар, Мақсут, Муротларнинг гапларига қулоқ солиб ўтириб, уларга шусингари уй-жойларини, эл-юртларининг ғамини, фуссанини, ҳол-аҳволларини билиб туриш, англаб, тушуниб

юриш зўр фазилат деб мақтади. Доимо шундай билиб, англаб юринглар!— деб оғаларча насиҳат қилди. Сұхбатлашиб ўтиришаркан, Абай чин күнглидан сўзлашастгани учун ўқувчи ёшлар шаҳарнинг ҳозирги аҳволи ҳақида яна бир оғир вазиятни айта бошлашди. Раҳим билан Осон галма-гал сўзлашиб, бу сўнгги ишни Абайга яхшилаб, ётиғи билан айтиб беришди. Гапни Раҳим бошлади.

— «Бу йил шаҳарда ҳаёт қийинлашиб, оғирлашиб кетди» деб, қозоқ, нўғой, рус хонадонларининг ҳаммаси айтаётир. Сабаби, куздан бўён шаҳарга жуда кўп переселенц, крестьянлар келишган. Ички Россияядан Еттисувга қараб яначувалашив боришиб, «катта шаҳар» дейишиб, Семейга қайтиб келишган. Негаки, Еттисувда ҳам бу йил Семей обlastидагидек қурғоқчилик юз берибди. Экин унмай қолибди. Энди болалари очарчиликка учрай бошлагандан кейин, ўша крестьянлар мана шу шаҳарда дуч келган уйга кирншади, бойларникига боришади, ишчи ёллайдиган жойларнинг ҳаммасига киришади. Арzonга ёлланишади!— деб Раҳим бир оз билганларини айтди. Осон бунга қўшимча қилди. Унинг айтишича:

— Арзон бўлганда ҳам, қўли қурол азамат фақатгина қора нонга, бир маҳал бериладиган шўрвага ҳам ёлланадиган бўлибди. Бойларга нима керак, мужикларнинг арzon меҳнати керак. Аввалги ишчиларини «қиммат олаётисиз»— деб ишдан бўшатиб, мана бу арzon ишчиларни ёллашаётир!— деди. Энди Асқар, Мақсут, Шакетлар ҳам ўз уйларида оталаридан эшитган гапларини айтишди.

«Затондаги булғори заводи, пиво заводи, илгариги ишчиларини бўшатиб, ҳалиги текин ишчиларни ёллаётир» деб Асқар ҳам тортинибгина эшитганларини айтишди. Абеннинг ўғли Мақсуд ўз уйида эшитганларини айтишди. «Улар якка бойлар-ку! Мана, анави пристандаги, Затондаги ишчиларни ёллайдиган пурратчиклар ҳам, управляючий ҳам шунга тушибди. Менинг оғами, Сеит оғами яна ишдан бўшатди-ку, Абай оға!»— деб Мақсуд Затоннинг эски грузшчикларининг ишдан бўшаб қолганини билдириди. Бошқаларидан оғир табиатли бўлса-да, айтмоқчи бўлган гапини баъзан салмоқли қилиб, тўсатдан айтиб қўя қоладиган Усен ҳам

бир масалани бу күпларда дүриллаб қолган овози билан айтиб қолди.

— Уни айтасызлар, фақат крестьянларгинами? Ҳозир Слободка билан у томоннинг атрофидаги қашшоқ овулларнинг ҳам одамлари пиёда чувалашиб шаҳарга келишаётир. Экин чиқмай, овқати ўтмай қолгандан кейин қаерга боради? Улар ҳам овқат учун шаҳардаги кўп бойларга текинга ёлланшиётир. А, бойларни биласанми, уларга только шу керак!— деб бошқа ўртоқларини ўзининг дағалроқ муомаласи билан кулдирди.

Абай бу томон жотогининг фарзандлари бўлган Шакет билан Муротдан уларнинг ўз хонадонларининг, қўни-қўшниларининг аҳволини сўради. Бу болалар ҳам уйларига бориб юриб, шаҳар жотоқларининг аҳволини яхши биладиганга ўхшайди. Дамежоннинг набираси ўткир, катта-катта, қоп-қора кўзли, танқа бурун Мурот, ўзи кам тапириб, кўп қулоқ соладиган энасига ўхшаб гапиради.

— «Қорашўлоқ овулидан, Шўптеғоқдан, Жўломон жотогидан келган пиёдаларнинг ўзлариёқ шаҳарда иш берадиган бойларнинг, довернайларнинг, приказшчикларнинг бўсағаси билан дарвозасини бўшатадиган эмас. Шаҳар қашшоқлари номус кучли бўлса-да, фақат нону шўрва-шутурга ёлланмайди. Улар ўн беш тийин бўлса-да, меҳнатига ҳисоблаб ҳақини олади. Хўш, овулдан келгани, борарга боғи, босарга тоғи йўқ, оч камбағаллар қандоқ қиласди? Шунинг билан бирга, кечаги күшхонанинг ишида ҳам шаҳар қашшоқлари қүшхонага бора олмай, ишсиз қолди. Топиш-тутиш йўқ, дами қайтиб ўтирибди!— деди.

Усен унинг худди катта кишиларга ўхшаб боплаб гапирганига «оббо сен-эй» деб севинганича эрмак қилиб қўйди-да, кулиб юборди. Бошқа болалар ҳам бир-бирларига қарашиб, қаттиқ кулишди. Абайдан ийманиб кулганилари учун, ҳадеганда ўзини босиб ололмаганлари ҳам бўлди. Мурот бўлса сал қизариниб, кулаётганларга жаҳли чиқиб: «Нега кулаётурсиз, ёлғонми?»— деди.

Абайга боқаркан, оқи-қораси ярақлаган ўткир кўзларида, ундан кулаётган дўстларидан шикоят қилиб, кўмак тилаётгандек бир вазият акс этди. Абай унинг япини қувватлади.

— Мурот яхши гапирди, болалар. Мен шаҳарда ҳали ҳеч кимдан эшиитмаган, билмаган хабаримни Муротдан эшиитдим! — деди.

Шунинг билан Муротни ўз отаси Жумош, қўшинилари Бидойбой, Жабайқон, Шарипа сингариларнинг ҳаммаси ҳақида сўзлатди.

...Бой қассоблар, теричи савдогарлар, дўкондорлар ҳалиги одамларнинг иш сўраб борган йигитлари, аёллари, ўрта яшар одамларидан кулиб, эрмак қилиб, баъзан уришиб кесатиб қайтаришар экан. «Кунига йигирма тийин олмайсанми?», «Пулинг кўпайганда ортиқча ҳақ сўрамайсанми?», «Сени ёлламай кимни ёллайди бой? Кел деганда келмай, гердайиб ётиб, уйнингга одам юбортриб, таранг қилмайсанми?» — деб Сейсеке, Билевбой ҳожи, Жақип, Ҳасенларнинг ўзлари ёбошлаб, кулги қилишар экан. Шуни дастак қилиб олиб, болалари, инилари ҳам оғизларига келганини қайтармас экан. Утарбой, Қўрабой сингари довернай, пудратчилари жавоб қайтарган, ранжиган жотоқларни «бу ҳали аразлаб тинкани қуритади» деб, ҳақорат қилиб ҳайдаб юборишар экан. Кичкина Муротининг ўзича сўзамоллиги билан изҳор этган шу сингари ишларни Сейлнинг кичкина ўғли Шакет ҳам айтиб беради.

Сейл ўзининг қайиқчи, кўмакчи икки йигити билан тери ёйиш учун күшхонага кира олмабди. Шунинг билан Мешел деган баконщик, балиқчи русга қўшилиб, ҳозир Иртишдан балиқ овлашга айланашаётган экан. Оролда, ўрмонда ёзда йигиб қўйган қурғоқ ўтини билан озроқ пичани бор экан. Ушани ора-чўра қўл чанага ортиб келиб, сотишга уринар экан. Шакет ҳам бу йилги қишининг қирдаю қўйидаги бор ҳалқни қаттиқ қийнаётганини ўз отасининг тортаётган азоби орқали яхши биларди.

— Бу йилги қишидек совуқ, даҳшатли қишини ўттиз йилдан бўён кўрганимиз йўқ дейишишади-ку. Отам бир марта тўпигини совуққа олдириб қўйди. Яна бир куни няги билан юзининг чап томонини совуққа олдириб келди. Шу куъларда юзи қора доғ бўлиб юрибди. Умрида юзини совуқ ургани шу. Қандай аёз бўлганида ҳам олдирмас эдим. Бу йилги қиши жуда мудҳиш деб, отам қайта-қайта айта беради! — деди. Раҳим ҳам шаҳар ҳаётининг оғирлигига переселенцларнинг кўп

келгани, экин чиқмаганини сабаби қилиб күрсатмади. У Павловдан эшитадиган Абенниң гапларидан қиёс қилиб, бўртдириб айтди.

— Шаҳар очарчиликка учрайдими деган хавф бор. Уни переселенцларнинг кўп келганидан десак, ўша переселенцлар нега ўзларининг туғилган ерларидан шу қадар сел бўлиб, бир тоифа эл бўлиб кетиб қолаётир? деб Абайни ҳам ўйлатиб, ўзига савол бериб сўзлади.— Россиянинг ўзида ҳам бу йил жуда оғирчилик бўлса керак. Очарчилик бўладими деган хавфли ивир-шивирлар кўпга ўхшайди. «Ери йўқ, ичкудек овқати йўқ беҳисоб крестьянлар ички Россияда гуж бўлиб ўтириша беришса, подшоликка ноқулай бўлади» дейишар экан. Шунинг билан бирга, бу йил шу сингари ери кўп, эли оз томонларга ички Россия крестьянларининг кўпчилиги кўчаётган кўринади!— деди.

Раҳим илм олиб, халқ ҳақида кўп ўйлаб, яхши ўсиб келаётган ёш эканлигини кўрсатди. Абай унга жуда кўнгил қўйиб, бош эгиб ўйланганича қулоқ солди.

— Тўғри айтаётирсан, билиб айтаётирсан, Раҳим!— деди. Шу соқ даҳлизда, каравотда кулишиб сўзлашэтган қўш Қунанбоев гимназистлар ўзаро гапларини тұхтатишиб, Раҳимнинг ҳалиги, сўнгги сўзига қулоқ солишаётган экан. Энди Жалел каравотдан иргиб тушиб, шақиллаб кулганича бу уйга чиқди. Икки енгини, узун мундириининг барларини қайирапкан, шимишинг чўнтакларига солиб, Раҳимнинг рўпарасига келди-да, гердайиб, масхара қилиб гапирди.

Сержирим қалин қовоқли қисиқ-қийшиқ кўзлари Раҳимга юқоридан қадалиб, тикилиб турди. Соф рус тилида Раҳимга ўдағайлаб сўзлаб, айблай кетди:

— Сен қанақа одамсан ўзинг, Россия государство-си кечагина қулликдан озод бўлган крепостной крестьянилардан қўрқади дейсанми! У крестьянлар молдек ҳаёт кечиришга энди кўнишаётирми?! Бундай очарчиликни шу бу йил, биринчи марта кўришаётирми? Билмайдиган нарсангни, тушунмайдиган ишингни алжиб галириб ўтирамай, оғзингни ёпсанг-чи!— деди.

Раҳим қозоқчалаб жавоб бермоқчи эди, «довольно, эшитгим ҳам келмайди!»— деб Жалел қўл силтади. Абай Жалелнинг хулқини ёқтирамай, нотўғри деб билди-да:

— Йўқ, Жалел, ундоқ эмас, сен айтаётганингдек эмас, Раҳим тўғри айтаётир. Ўз халқининг беҳисоб кўпчилиги офатга учраб очарчиликка йўлиқса, подшолик нега сиқилмасин? Сиқилиш у ёқда турсин, ҳар томонни ўйлаб, чўчишдан ҳам холи бўлмас, эҳтиётини ҳам қилмай қўймас. Сен бу жиҳатини юзаки тушунар экансан, чирорим! — деди.

Раҳимга қараб, давом эт, деб Жалелдан юз ўғирди. Жалел Абайга ҳам ҳўмрайиб, совуқ назар ташлаб турди-да, гап тополмай чиқиб кетди. Шу кечада Абай ўқувчи болаларни бошқа уйга ётқизиб, ёнида Дармен билан Боймағамбетни олиб қолди. Баланд, кенг ёроқ каравотда Абай ётди. Кундаги одатларига кўра, тўрга солинган кенг ўринда Дармен билан Боймағамбет ётмоқчи бўлиб ечина бошлиши. Абай ўз ўрнида чалқанчасига кўкрагини очиб ётиб, ўз-ўзига сўзлаётгандек бир гап гапирди.

— Анчадан буён зеҳи солиб юрган эдим... Бизниңг Қакитойнинг мана шу Жалел деган ўғли дидимга ўтиришмайди. Нима қилиб шу боласини ўқитаётир? Русча яхши ўқишга лаёқатлироқ бўлган бошқа боласини кўзи кўрмаганми? Бу қандай иш? — деди.

Дармен кеч бўйи кам гапириб, Абайнинг ҳар бир болага оға сифатида зеҳи солиб, синчиклаб кўраётганини сезиб ўтирганди. Абай Жалелни ёқтирмади. Энди Дармен Қакитойнинг ноилож қолганини айтди.

— Абай оға-эй, бу боласи лаёқатли бўлмаганда, бошқа, ёлчитаётган қайси боласи бор? Анави Дархон деган катта ўғлини ху ўша йилларда Мағашга синататётган эдим. «Шу болам яхши чиқадими, сен нима дейсан?» — деган эди. Шунда Мағаш хулқи-турқига ҳам қараб ўтириб, ҳам Қакитойга ҳазиллашиб, ҳам тўппа-тўғриси, ҳақиқатини айтган эди. «Бу боланг қаёқдан яхши бўлар эди, пешона териси бир энлик келадиган яхшини кўрганим йўқ. Русларнинг бир адаби ўзи тасвирлаган бир ярамас одам ҳақида айтган эдику: «Бунинг ҳамиятининг манглайи жездан!» — деб. Мана бу «боланг ахирнинг ахирода жез манглай ҳамиятнинг эгаси бўлмай, нима бўларди!» — деганини эшигтан эдим. Қакитой шундан кейин ўқишга Дархонни бермай, мана шу Жалелни берган-ку! — деди.

Абай Дарменнинг бу ҳикоясига кулганича қулоқ

солди-да, ҳалиги ўзининг саволини ўзи ҳал қилиб, жавоб бергандек бўлди.

— Ким билади, илм одамни қайтадан дунёга келтиради. Яхшиликка томон ўзгартириб юборса ажаб эмас. Ана энди ёмон чиқса борми, худди мана шу Жалелингдан «кунларнинг бирида бениҳоя ёвуз, ёмон одам чиқмаса гўрга эди» деб ҳавф оламан. Булар Қунанбойнинг авлоди. Саҳродағи йўғон, тўнг мўйин, безори овулларнинг худбин мирзаси бўлиб, бузилиб ўсишлари ҳам мумкин-ку! Ана унда бориб, шўри қай-наб юрмаса бўладими!— деб қўйди.

Жалелнинг такаббурлик, худбинлик, оғзи шалоқ ҳақоратчилиги учун ёмон кўрадиган Дармен билан Боймагамбет Абайнинг гапларига баравар кулишди.

2

Абай келган куни ҳол-аҳволи дуруст кўринган Мағаш, келгуси кунларда аввалгидек бўла олмади. Отаси энди пайқаса, Мағашнинг тез-тез пафаси қиси-либ туради. Майда, ёпишқоқ тер босади. Кам бўлса-да, мудом бир зайлда қуруқ йўталиб туради. Узоқ умрида кўп беморни, айниқса, шу сингари дардни болаларда, ёшларда, йигит-азаматларда кўп кўрган Абай, энди Мағашга қаттиқ қайғира бошлади. Бор ишонгани доктор билан дорининг кучи. Мағаш ҳали ёстиқ тортиб ётиб қолгани йўқ. Шунингдек оёқдан йиқитиб қўймасдан илгари дарднинг олдини олиб, яхши докторга қаратиб, вақтида даволатса, ўша шифо бўларми эди... Ҳеч бўлмаганда, тез олиб кетмай, узун оғриқ бўлиб юрадиган, парвариш билан кўпга борадиган ҳолга келтиратми эди. Мағашнинг дардга чалиниб, катта ҳавф чангалида қолганини ич-ичидан зил кетиб билган Абай, энди ҳеч бўлмаганда ҳалиги айтганидек жиҳатларига умид боғлади.

Бугун туш пайтида, Мағашнинг уйидаги меҳмонхонада Абай докторни кутиб ўтирибди. Тайинланган куни, айтган соатидан кечикмайдиган, уддабурон доктор ҳозир келиши керак. Абай яна ўша доктор билан Павловни ҳам кутиб ўтирибди.

Павлов бундан олдин ҳам Абайнинг олдига келиб, Қумошнинг уйида меҳмон бўлиб кетганди. Ҳозир ўзининг яхши таниши бўлган доктор Станов билан Пав-

лов бирга келди. Чиройли, жингала құнғир соқолли, үрта яшар доктор Станов — паст бүйли, күркем чекралы одам эди. Бежирим қирра бурни унинг қизғиши юзи, очиқ, кенг пешонасининг ҳуснинг ҳуснің құшиб турарди. Қалин құнғир соқоли куракчага үхшатиб саришта қилинган.

Станов келган заҳоти ечиниб, Абай билан сиполар-ча сүрашди-да, таклиф кутмасдан, түрдеги уйга — Магашнинг ёнига кириб кетди. Павлов билан Абай дақлизда, бүрчакдаги ёзув столининг ёнида үтиришиб, үзаро суҳбатлаша бошлашди.

Абай бугун Павлов, Станов ўзи уч киши бўлиб маслаҳатлашиб, Магаш масаласини бир ёқлик қилмоқчи экан. Становдан ташқари Павлов қандай маслаҳат беради. Шуни билиш учун ҳозир Павловнинг келишини атайин кутган эди.

Станов бугун Магашни узоқ қаради. Яна унинг ўзи билан холи үтириб, бундан буён қандай даволанишии айтди. Беморнинг ўзини-ўзи қаттиқ эҳтиёт қилиб сақланиши, ўзини қандай кутиши түғрисида кўп маслаҳатлар берди. Станов энди Магашнинг шаҳардаги уйда туришини ман қилди. Кўпинча холи уйда, озроқ одам билан тинч вақт ўтказиши тайинлади. Ейдиган овқати, тозалик билан яхши жой ҳақида дўстларча қайта-қайта тайинлади. У Магашга энди саҳрогоға чиқишини маслаҳат берди.

Магаш билан Станов бир бошқа үтиришганда, дақлизда Абай билан Павлов докторни кутиб үтириб, шаҳар аҳволи ҳақида гап очишиди. Даставвал учрашганларида Павлов Абайга батағсил айта олмаган бир гап бор эди. Сўнгги вактларда ички Россиядан, ўзининг ўртоқларидан олган хабарлари, маълумотларига қараб, Павлов Абайга катта бир янгилик, ўзгача сирларни айтди.

Бу йил подшо ҳукумати революция бўладими деб қаттиқ қўрқаётган экан. Сабаби, ўтган ёзда Россиянинг ички губернияларида норози крестьянларнинг жуда кўп намойишлари бўлибди. Шаҳарнинг ишчилари, меҳнаткашлар бўлса улар ҳам норози. Революцияни махфий равишда ҳозирлаб келаётган зўр кучлар бўлса, улар ҳам ҳалиги крестьянларнинг норозилигидан яхши фойдаланиб, ўз ишларини кучайтириб юборишга ҳозир туришибди. Подшолик мана шу ҳоллардан жуда

чүчиб, құрқаётір. Шунинг билан улар иккі хил катта чора ва ҳийла ишилатшаётір.

Аввало ўтган ёзда намойишга чиққан, ерсизликдан сиқылған, озиқ-овқатдан, йўқчиликдан адо бўлған крестьянларни шу томонларга кўчиришга тиришаётір. Бу ёқда «Сибирда, Еттисувда ер кўп, бойлик беҳисоб, борасану, ғарқ бўласан» деб, ҳозир Семейни ғиж-ғиж тўлдирган сон-саноқсиз крестьянларни ўз маконларидан алдаб жўнатган. Яна очарчилик хавфи ҳам бор. Бу йил фақат Семей обласи, Еттисувдагина эмас, мана шу крестьянларнинг жойларида ҳам экин ёмон чиққан. Ўзлари усиз ҳам йўқчиликда озиб-тўзиб, тувақиб кетай деб турган тумонатдек крестьянлар очарчиликка учраса, нима бўлади? «Бу балоларнинг ҳаммаси подшо ҳукуматидан! Подшо билан оқсуякларнинг жабризулмидан, қасдлигидан» деса, у крестьянлар катта бир ҳаракатга, қаршиликка юз тутиб кетиши мумкин.

Айниқса, крестьянларни, сон-саноқсиз меҳнат ахлини қаршиликка бошлаб борадиган революцион кучлар ҳам кўпайиб келаётір. Шу сингари атроф-атрофлама, устма-уст хавф сиқаётгани сезилади. Келгусидаги кунлар шубҳага тўла. Шуни назарда тутиб, подшолик бир томондан крестьянларни узоқ бир чеккага — Сибирга кўчирди. Ана у бошқа, беҳисоб меҳнат ахлиниң қаршилигини яна бир нарса билан чалғитиши керак. Шунинг учун подшолик ҳозир бир уруш очмоқчи бўлаётір дейишади. Япония билан урушмоқчи. Ким билан урушишининг аҳамияти йўқ. Ҳарқалай: «Подшоликка ёв ҳужум қилаётір. Ажнабийлар билан урушиш зарур. Азamatлар керак. Эл-юртни ҳимоя қилиш эрлағнинг иши. Халқ бирлашсинг, халқ ўзини босиб келган, қора ниятли ёт душманларини ғайрат билан, қайсаарлик билан қарши олсин!» деганга ўхаш, қанча-қанча алдоқчилик, айёрлик гаплар гапирилади, ўгитлар қилинади.

Қора халқнинг кўпчилиги ҳали ҳам нодон. Уларни ҳовлиқтириб бориб, мана шундай йўлга солади. Шунда «революцияни орзу қилған, подшоликка қаршилик қилмоқчи бўлған кўпчилик ҳам, гурухлар ҳам ўз ниятларидан қайтишади. Четдан душман чиққандан кейин, ички норозиликни қўя туради» деган гап бор. Шунинг учун энди сал кунда Россия билан Япония уруш очди деган

хабарни ҳам әшитиб қолармиз!— деб Павлов Абайга күп ишларни қизиқ қилиб айтиб берди.

Шаҳар қозоқлари, саҳрордаги эллар әшитган, Раҳим сингари ўқувчилар айтиб юрган крестьянлар масаласи ва ундан бошқа бир қанча ишлар Абайга таг-туги билан очиқ-ойдин англашилди.

Абай Павловдан яна бир чигал масалани сўради.

— Ундей бўлганда, Федор Иванович, агар Япония билан бизнинг подшолик уруш очадиган бўлса, Россиянинг енгани яхшими, енгилгани яхшими?— деган эди, Павлов бу саволга дарҳол жавоб берди.

— Бизнинг ўз халқимизнинг фикрини айтсам, албаттада Россия подшосининг енгилгани яхши!— деганда, Абай бундай жавобни бир ҳисобдан кутган бўлса-да, аввалига маъқул кўрмади. Павловнинг гапини бўлиб, ўзининг шубҳасини айтди.

— Шундай дейишимиз тўғрими, аввало адолатданми! Бу хусусда мен сиз билан баҳслашмоқчиман.

— Қандай баҳс? Қани гапиринг-чи, мен әшитай!— деб Павлов хиёл жилмайиб, синовчан назар билан боқиб, ўйланиб қолди.

— Биз деб бошлаб — ўзимнигина айтмайман, халқни айтаман. Айтайлик, рус крестьяни, қозоқларнинг саҳрордаги халқи, яна бошқа шаҳарлар тўла неча турли миллион-миллион халқни олайлик! Ҳашалар қандай ўйлайди деб биласиз? Менинг билишимча, бундай вақтда уларнинг ҳаммаси ҳам фақат бир нарсани ўйлайди. У — ўзимниг государством, отечествеом,— деб мана шу икки гапни умрида биринчи марта айтаётган бўлса-да, Абай босиб, пишиқлаб айтди-да,— енгилса экан демайди. Нима бўлса ҳам, енгса экан деб номусни ўйлайди. Юрагида ўти бўлган, мардлик ўти бўлган ёшу қари шундай деб ўйламай иложи йўқ-ку!— деб, ўз далилини Абай ишончли оҳанг билан сўзлади.

Павлов ҳамон саботини бузмай ўтирди. Абайга уқдириб, ишонтириш ўзининг бурчидек туюлди.

— Юзаки қараганда, албатта, бу гапларингиз тўғри. Ҳар бир душманга, ақлли, дуруст одамнинг шундай қараши керак. Бироқ, ўша ўзингиз айтган миллион-миллион халқнинг душмани фақат Япониягинами? У иироқдаги душман бўлса, яқиндаги душман — иккинчи душман ҳам бор!— деганида, Абай Павловнинг фикрини тушуниб олди.

— А,— бошини эгиб қўйиб,— подшолик тузумини айтаётисиз-ку, албатта, у ҳам халқнинг зўр душмани эканлиги рост!— деди.

Гап шу ерга келганда Павлов қаддини ростлаб, тўлғаниб гапира бошлади.

— У бизнинг халқимизнинг энг яқиндаги, энг ёвуз душмани!— деб, Павлов Абайга томон чўзилди, қаттиқ қаттиқ пицирлаб, бошқача бир куч билан айтди. Нафрат, ғазаб, кекнинг қўшилишидан туғилган кучга ўхшайди.

— Ўша энг катта, энг ёвуз душман калтак сбенгилса, эсидан адашиб, қўрқиб қолади. Революцион кучлар бўлса, подшоликнинг шундай ҳолсираб, тинкаси қуриб турган чоғида тездан ўт олиб, куч билан ташласа бўлади. Агар подшолик енгса, у ғалаба қозониб, ҳаддиндан ошиб кетади. У ҳолда революция бош кўтара олмайди. Ноилож босилиб қолиб, яна узоқ йилларга чўзилиб тўхтаб қолади!— деб бу жиҳатини ўзининг аниқлаб, алоҳида ўйлаб олган йўли билан айтиб чиқди.

У Абайга яна бир жиҳатини қисқача маълум қилди. Кўп гуруҳларнинг ҳаммаси ҳам ҳалигидек ўйламайди. Оғзида «халқ тарафдориман» деб, яна «Россиядаги подшо ҳукуматига қаршиман, норозиман» деб юриб, мана шунингдек синов чоғида, пайт келганида ичларида ўша подшоликка, эскиликка қул бўлиб юрадиганлар ҳам бор! Улар ҳалиги Павлов айтган гапга қарши. Уруш бўлса: «Подшони қўллаш керак», «Россияни қутқариш керак, революция қилмаслик керак, ҳали эрта, вақти бўлгани йўқ»— деб чалғитувчилар ҳам бўлади. Улар — мана бу подшоликка қарши бўлган ҳақиқий революцион кучларга, ҳақиқий ҳалқ ишига, қаторда юриб, қасдлик қилувчилар!— деди.

Павлов булар ҳақида ор-номусдан ғазабланиб гапирди.

Ҳарқалай, Павловнинг Абайга эндиги олиб келган гаплари ўзгача бир яхшиликнинг нишоналарига ўхшайди. Унинг чеҳрасида, ҳозирги нафасида Абайнин шодлантириб, ҳайратда қолдирган катта бир ишончли аланга бор. Яқин вақтда бўладиган яхшиликни сезиб теварак-атрофига, бор яқин кишиларига умид-қувват, қувнат-ғайрат бергиси келаётган жуда кўп, ажойиб зотнинг алангаси кўринаётир. Павлов Абайнин ғуссасидангиша чалғитгани йўқ. Бу кунларда дарди-алам қоплаб

келаётган хира күнглини зўр аланга, ёрқин шуъла сочиб иситган, яшнатган яхшилик олиб келди.

Абай энди Становнинг қарорини Павловнинг олдида ўзини босиб олган, сабрли одам тарзида эшилди. Докторнинг айтишига кўра, Мағашнинг дарди — оғир дард. Уни тузатаман деб, ҳеч ким айта олмайди. Илм ҳозир бу дардга қарши кураша оладиган дори-дармонни ҳам топган эмас. Фақат парвариш билан, авайлаш билантина Мағашнинг дардини узоқ чўзиладиган, узув оғриққа айлантириш мумкин. Становнинг Мағаш учун ҳозирги курашишдан мақсади шугина бўлади. Ҳеч бўлмаса узоққа чўзилиб, эскириб кетадиган хилига айланса экан. Ўша ҳолда кўп йиллар ҳаёт кечирадиган одамлар ҳам бўлади. Становнинг тилаги-ю, айтадигани шугина. Шундан кейин Павлов билан Абай икковига маслаҳат қилиб, Мағашнинг ёнига икковини олиб кириб, Станов фикрини айтди. Унинг маслаҳатига кўра, Мағашни энди йўлда совуқ теккизиб олмай, иссиқ ўраб, парвариш қилиб, саҳрога олиб кетиш керак.

Элда қимиз, яхши овқат билан яхшилаб парвариш қилиш керак. Станов шаҳардан вақти-вақтида дори юбориб турди. Абайнинг ўзи бу ерга, Становга беморнинг аҳволи қандай бўлаётганини доим ёзиб турсин. Кун исигандан кейин, кўкламда, Мағашни жуда яхши кўриб ҳурмат қилгани учун Становнинг ўзи ҳам узоқ деб ўтирмаи, Абайнинг овулига атайн бориб, даволаб келмоқчи бўлди.

Бундан кейинги кунлар — Абай билан Дарменнинг, Боймағамбет, Какитойларнинг Мағашни элга олиб кетиш учун қилаётган ҳаракати билан ўтди. Бошқа йиллардагидек эмас, бу йилги қиши бўлакча. Саҳродан келган салт отлиқ йўловчилар, айниқса чана билан секин юрадиган тия карвонлари бўлсин — бу йилги қишининг қаттиқлигидан, беомон совуғидан зириллашди. Саҳродан келган, юз-бурнини совуқ урган, нуқул қора дод босган эл одамларининг юзлари у ёқда турсин, ҳозир январнинг ярмидан ўтган пайтда шаҳардати ҳалқ ҳам, бир зайлда турган эндиги аёз, қақшатиб дилдиратаётган мудҳиш совуқдан чўчиб, қўрқиб юришибди. Неча кунлаб болалар мактабларига боролмай ҳам қолишли.

Иложини қилолмай, ноилож чиқмаса, эркагу аёл, катталар ҳам уйдан чиқишга тортина диган бўлишди.

Абай: «Йўлнинг бўрони, кунда ёғадиган қори ташвишга қўяди» деб энди бир илож топди. *Мағашни* саҳрода тўхтатиб, яна совуқ теккизиб олмаслик керак. Шунинг учун бир-иккита чана бўлиб юриш тўғри келмайди. Абай билан *Мағашнинг* элдан келиб, ҳозир шаҳарда юрган қариндошлари, ёру дўстлари, яқинлари бор экан, ҳаммаси ҳам ишларини тезроқ битиришсин. Шундай қилиб, бир кунда «қани» дейишиб шаҳардан бир тўп чана бўлиб чиқиш керак. Бўрон туриб, йўл бекилиб қолса, кўп чанали йўловчилар галма-галдан олдинга тушиб, қордан йўлни тозалаб *Мағашнинг* чанасига йўл очиб турадиган бўлади!— деди.

Абайнинг бу гапи кўнгли яқин ёру дўстларига қилинган буйруқ эмас, илтимосдек бўлди. Шу билан унинг айтганини қилмоқчи бўлганлар кам бўлмади. Лекин қишининг келгуси ойларига ҳозирлик кўргани келган қалачилар Абайлар билан бирга жўнаш учун ундан бир неча кун хаяллашини илтимос қилишди. Булар бозордан керак-яроқларини олиб бўлишгунча яна бир неча кун ўтди. Ниҳоят, эртага эрта билан тонг гиравшира отиб келаётганда кўп йўловчилар ўзлари тушган уйларидан отланиб чиқадиган бўлишди.

Шундай тараддудни бошлатиб ўтирган Абайнинг ўзи қаттиқ ташвиш тортаётганди. Эртага жўнаймиз деган куни Абайни йўқлаб Павлов келди. Афтидан, Абайга бир зарур гапни айтгани келган кўринади. Нурли, катта-катта мовий кўзлари кўнглидаги бир катта хурсандчиликдан порлаб, кулимсираб турибди.

Одатда у, Абайнинг уйига кириши биланоқ дўстининг олдига ўтириб оларди. Ҳозир бўлса Павлов бир жойда қўниш тополмай, типирчилаб, кўнглидаги гапини ичига сифдиролмай ўз-ўзидан курсанд бўлиб ўтирибди. Уйда ўтирган Какитой, Дармен, Қумош учови Павловнинг кайфиятини пайқашди-да, Абай билан холи ўтириб сўзлашадиган гапи борлигини билиб, даҳлизга чиқишиди. Павлов уй холи қолиши билан Абайнинг ёнига келди-да, шодланиб кулганича гап бошлаб кетди.

— Ибрагим Кунанбаич, эсингизда бўлса керак, яқинда айтган эдим-ку, «уруш бўлади» деб. Уша уруш бошланибди. Россия подшолиги очиқдан-очиқ урушга ҳаракат қилгандан кейин, «ҳарқалай, урушмасак бўлмас экан», деб, Россия уруш очишини кутмасданоқ, Япониянинг ўзи бошлаб юборибди. Россиянинг катта

денгиздаги барча кемалари туралын Порт-Артур деган шаҳарни японлар талқонлаб ташлашибди, тортиб олишибди. Шундай қилиб, даставвалги мушт подшоликнинг, рус подшосининг қоқ тумшуғига қаттиқ тегибди, қон ялатиб кетибди!— деб шақиллаб кулиб юборди.

Абай билан шу ҳақда бугун янада сирлашиб сўзлашган Павлов чуқур маъноли гапларни гапирди.

— Подшо ҳокимияти Россиянинг фазилатларини маҳв этмаса, оширган эмас. Европалик ҳалқларнинг кўзи билан қараганда, Россиянинг маънавий қувватини сўриб ўтирган тажовузкорлар Европага оғирлигини солаётган жандармлар, «Европалик жандармлар» деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам кўпчиликни қул қилиб ўтирган қон сўрувчи тўралар, Россиянинг ҳозир Япониядан енгилишидан қўрқишиди. Россиянинг меҳнаткаш фуқаросини олсангиз, улар жуда ҳам шодланадиган кўринади. Подшонинг амри-фармони бизнинг энг ёвуз душманимиз бўлса, унинг зарба ейиши — рус ҳалқининг озодликка чиқиши аломати. Ана у Европадаги меҳнат аҳлининг, фуқаронинг ҳам революция йўлидаги кураши бундан кейин авж олади деб ҳисоблаш керак!— деб ўтириб, илгари Абай эшитмаган янги бир гапни Павлов аниқлаб тушунтириди.

— Подшо ҳокимияти ҳолсираб қолди. Илгарилар ишонолмай юрган не-не шубҳа қилувчилар энди революцияга ишона бошлайди Хўш, беҳисоб кўлчиликнинг революцияга ишониши, революциянинг яқин эканлиги аломати!— деди.

Павлов келтирган шу сингари умидга тўла фикрлар Абайнинг ҳозирги вайрон кўнглига йироқ бўлса-да, ғоят порлоқ шодлик шуъласини сочгандек бўлди. Ўзи биладиган ҳаёти, атрофини қуршаган, шахсий ғуссаси ҳар тарафдан йиғилиб, елқасидан босиб тургандек бўлса-да, мана бу шуълали шодлик хабари Абай учун ҳаёт суюнчигидек бўлди. Синиб, қайрилиб, ҳолсизланиб қолган қанотини қайтадан ростлаб, «йироқни кўзла, ёнингга тикилма! Йироқда бўлса-да, шодлантирадиган даврон келади! Шунга қараб жўш урган кўнгил билан, ўшанг шубҳасиз ишонган кўнгил билан, фикри хаёл билан интилиб кўр!»— деятгандек бўлди...

Абай сўнгги бир ой ичидаги ўзини гўё бир қоядан жарга қулагаб кетаётган кишидек ҳис қиласарди. Оёғи

остидан ер силжиб кетиб, уни қайта чиқиб бўлмайдиган қоп-қоронги, зим-зиё жар тагига итариб юборгандек бўлаётганди. Яна шунга ўхшаш ҳолатни ўйлаганда, баъзан у гўё бир оғир туш кўраётгандек ҳис қиласади. Онда-сонда у ўзини бир катта ибсан, лой тўлқини, қонли сув ичида сузиб келаётгандек фаҳмларди. Баъзан шамол, тўполон, қоронги тун кечага ўхшаган бир заҳмат, унга ҳамла қилгани ташланиб келаётгандек туюларди. Қайғудан, ҳаёт зарбасидан сиқилиб, қийналган чогида, Абай шу сингари таги йўқ, беомон совуқ, балчиқ, совуқ олам ичида ўз кучига ишонолмай хуноб бўларди.

Сўнгги ой ичида Мағашнинг ташвиши баъзан катта хавфга айланаб чўчита берганида, Абай ҳалиги тўлқинланиб турган таги йўқ сувни кундаги ҳаётида ҳам учратиб тургандек бўларди.

Ҳали Павлов келтирган нурли, шафақ отиб турган эзгулик дарагини, шуъласини, Абай бор қалби билан жуда мақбул кўрди. Павловга, дўстона кўнгилга, борлиғи билан олқиш айтиб, қабул қилди. Кўпдан буён хира кўнглида йўқ шодликни ҳис қилди. Павлов кетгандан кейин ҳам Абай ёлғиз қолганида кўнглига иссиқ, ҷароғон ҳаёт озиғини сингдириб кетган иғилик элчисини ҳис этиб турди. Дам унга Павлов номи унча маълум бўлмаган ноёб одамларга, янги олам, янги йилнинг даракчи қушларига ўхшаб кетарди. Одамзоднинг, келажак наслларнинг, янги қавмларнинг тўнғичи, серкасига ўхшайди. Матонатли куч эгаси — бақлони келаётгандек бўлади. Яна бир вақтда Абайнинг кўнглида умид жилва қилгандек бўлиб, ўз ҳоли хотирига тушади...

У билган оламда, у юрган мұхитда, қозоқларнинг беҳисоб кўпчилигининг ичида ўша, ҳалиги шодлик сари қулоқ ёзиб, шодланиб қадам ташлаётган ҳалқ борми, жамоат борми? Агар бўлса, мен ўшаларнинг қаерида-ман?— деб бир ўйлади.

Умид бўлгудек бир суюнчиқ излаб, хаёл кўзи билан иироқ-яқинга назар ташлайди. Ҳали саҳро унсан, бу билган олам ҳали оғир зулмат ичида. Бу ерга шуъла тушмаган деса ҳам бўлади. Шунинг учун ўзини яна ҳалиги бир тагсиз, чексиз совуқ олам, балчиқ сувда сузиб келаётгандек ҳис эта бошлияди. Лекин қоронгидан қаерга боришни, қандай қулоч отишни билмаган

чөгларыда, энди олдда бир соҳил күринаётгандек бўлади.

Ёйилиб ётган довонми, унга кўз тутаётган гўзал яилов, яхши бир янги оламми?.. Ҳар ҳолда энди олдда бир мақсад бўлгудек яйлоқ борга ўхшайди. Ўша унга «бу ёққа кел» деб қўл тўлғаб, нидо қилаётгандек туюлди. Яна бир вақтда ўша тун тумани қуршаб турган, қорамтири, лекин очиқ довоннинг орқасидан сузилиб келаётган оқ шафақ кўринади. Тез ўзгариб, тун ёлигини сидириб ташлаб, баҳор ойининг ажойиб, гўзал, чарақлаган осмонни кўринаётгандек бўлади. Сутдек бегубор осмонни, кенг жаҳонни тонг шафаги хиёл қизғиши шуъла билан нурлантириб келаётганга ўхшайди.. Мана Абай Павлов кетгандан кейин ёлғиз ўзи, холи қолганида шундай хаёлларга борди. Абай илгари пайқаб кўрмаган поёб дунёни тахмин қилаётгандек бўлди.

Абайнинг Мағашни элга олиб кетмоқчи бўлаётганини эшишиб, кекса дўстларидан Сейл, Дамежонлар кўргани келишди. Аҳволлари оғир бўлса-да, совуқ куннинг аёзига, қақшатиб ғизиллаб турган шамолига қарамай у томондан, йироқдаги Затондая шамолга қарши пиёда юриб Сеит билан Абен иккови бошлиқ беш-олти ишчи келишди. Абай ҳамиша дўстона кўнгил билан учрашиб юрадиган бу одамларини хуш кўриб қарши олди. Сейл, Дамежон келиши билан оқ Абай Боймағамбетга: «Гўштни кўп солинглар, қимиз олиб келишсин. Бугун Сейлларни меҳмон қиласиз!»— деди.

Кейин буларнинг устига Сеит билан Абенлар келишганда, Абай бу яқин кишиларининг гапни бир жойга қўйишиб, атайин «бир кунда борайлик» деб ваъдалашиб келганларини англади. Аслида Сейл: «Абай шу кунларда хафа кўринади. Суянчиғи бўлған, энг яхши кўрадиган ўғли ўлиб қоладими деб хавф олаётган экан. Кўнгли ғуссага, фурбатга тўла кексага айланиб кетаётир, дейишди. Бизлар кўп вақтларда Абайнинг қошида бўлар эдик, бу аҳволда қолганида индамай ўтирамайлик. Ҳеч бўлмаса, кўзига кўриниб, кўнгил сўрашиб, кўриб келайлик. Абай хуш кўрадиган дўстлари «фалон куни йиғилишиб боринглар!», деб Затондагиларга хабар қилганди. Дамежонни Сейлнинг ўзи ола келганди.

Бу одамлар тунов кунги ўқишдаги болалар айтишган гапларни Абайга қисқача қилиб бир-икки оғиз сўз

билан уқдиришди. «Үз ғамининг устига бизнинг ғами-
миз ортиқча бўлмасин, айтмай қўя қолайлик» дейишгам
бўлса керак. Сўз билан изҳор қилишмаса-да, кайфият
шуни билдириди.

Абай дўстлари ўртасида бугунги кўп ишларни
тафсилий равишда сўзлаб, очилиб суҳбатлашди. Сўнг-
ги купларда Россия билан Япония уруш очибди, деган
хабарни шаҳарнинг барча халқи билан бирга Абайнинг
мана бу меҳмонлари ҳам эшишган экан. Япониянинг
номини кечаю бугун илк дафъа эшишган одамлар ҳам
бор. Уларнинг ери қай тарафда, уруш қаерда, қандай
денигизда олиб борилаётгани ҳақида аввал эшишганла-
рига қаноат қилолмай юрган Сейл, Сеит, Абен — ҳам-
малари ҳам Абайдан кўп жиҳатларини аниқлаб сў-
рашди.

Абай ўзи билган жиҳатларини тушунарли қилиб,
анча ҳикоя қилиб берди. Гапнинг негизини англаб, ту-
шуниб тинглаётганликларини Сеит, Абен, Сейл сингари
одамларнинг чехрасидан Абай аниқ пайқади. Үzlарин-
инг баъзи умидларини сездираётганлари ҳам бўлди.
Абай сўзлаб ўтиаркан, Сеитларга Павлов, Марковлар
тушунтирган гаплар етиб қолганини пайқади.

Сеит билан Абен қуруқ маслаҳат қилиб, йироқдаги
шов-шув ҳақида сўрашаётганлари йўқ. Улар Абайнинг
халқ оғзидағи гапдан асослироқ билган гали борми,
кўпчиликка умид бахш этгудек ишларни сезганми,
ўшани «қандай тил билан, қай таҳлитда айтади?»—
деб Абайнинг оғзиға тикилиб ўтиришибди.

Шунга ўхшаш Абайга ҳам, меҳмонларига ҳам қи-
зиқарли бўлган бир масала устида суҳбат қизиб кетган
пайтда, уйига Дарменнинг орқасидан, бир гала элдан
келган кишилар киришди. Ичларида Шубор ҳам бор
эди.

Абай янги келганлар билан қисқагина сўрашди-да,
ўтирган меҳмонларига қараб, айтай деб турган гапини
бошлай берди.

— Қанча вақт ўтар экан!.. Йилларми, кўп йиллар-
ми, уни ўзимча тахмин қилишим қийин. Мендан кўп
бидаганлар, йироқни кўрадиганлар, рус халқининг
ноёб — доно одамлари балки йил мўлжалини ҳам
айтиб берар эди. Ҳарқалай, бир тахминимиз бор!—
Ҳар нечук мана шу ўзларинг билиб, кўриб турган дунё
остин-устун келиб, тўс-тўполон бўлиб, бир ўзгаради-да,

янги бўлади. Ундан у ёқдаги замон, сенларниң отабоболаринг, қадимгию яқиндаги арвоҳларинг англаб, тахмин қилиб кўрмаган бир ўзгача замон бўлади!— деб Абай гапини тамом қилганда, уйдаги аввал келган меҳмонлар жуда таажжубланиб, оғзилари очилиб қолди. Уларниң ранжга, озорга тўла ажин босган юзларига ҳозир бир нафас ёрқин шуъла тушгандек бўлиб, қувончдан туғилган шодлик акс этди.

Абай ўзи айтган гапнинг қанчалик кучли таъсир қилганини атрофида ўтирган Сейллинг, Дамежоннинг, Сеит билан Абеннинг чехрасидан очик кўрди. Улар жим бўлиб, қотиб қолганларича баравар жилмайшиб, кўзлари кулимсиракан, Абайга «оғзингдан айланай» деб офарин айтаётгандек шодланганларича қараб қолишиди. Буларгина эмас, Абайдан пастроқда, қаршисида, катта дастурхоннинг у бошига қатор келиб ўтиришган Дармен, Боймагамбетларнинг сиймосида ҳам ҳалигидек ҳолат акс этди.

Боймагамбет бўлса, кўпдан бери ғамга чўмгани Абайнинг ҳозир хиёл очилганига, чўкиб кетган кўнглиниң сал кўтарилиганига хурсанд. У Дамежон билан Сейлларга ҳам миннатдорлик билан боқиб қўяди.

Дармен Абайнинг ҳозирги фикрига жуда ҳайрон қолиб, қизиқиб қулоқ солди. «Бу ҳам кўп замонлардан буён камол топган кўксида йигилиб ётган фазилатли фикри экан-ку. Ўқтин-ўқтин атрофинг, ҳар идрокнинг туманини тарқатиб, билмаганини билдириб, кўрмайдиганини кўрсатиб, шу сингари порлоқ шуъла сочишинг бор-ку, Абай оға!»— деди. Ичида шу олқиши билан бирга қаторлашиб келган гўзал манзарани шоирона куйлаб, ўйлаб кетди.

— Абай ҳам бамисоли бир чўл-биёбоннинг дехқони. Умр бўйи дон тикиб, яхшилик, ёғду уругини экиб келаётир. Тўгри, улардан бу кунларда на азим ўрмонзор, на шовулдек ширин мева, буғдой ўсив унаётгани йўқдир-ку. Лекин шунда ҳам қанча-қанча жойда, талай юзлаб, минглаб қалбларда асл ўгитларинг қолаётир-ку, ноёб, азиз оға! Орқангда қолдирадиган уруғинг-урпоғинг мана шу ўтирганлар сингари ҳар кимнинг юрагига, идрокига экиб кетган донинг-ку!— деб ўйлади.

Уйдагилар Абайнинг оғзидан бегин вақтларда айтадиган гапларидан бошқача, илгарилар ҳеч эшитилмаган

гаплар чиққанига жимжит бўлиб, қулоқ солиши. Бирорлар танглай қоқиб, бирорлар тамшаниб қўйиши. Абай ўзининг орқароқ томонидан ждй олганлаф-шинг ҳаммасини ҳам пайқамаганди. Ҳали бир вақт гап орасида саломларини алик олгани билан уларнинг ҳаммаси ҳам хотирда қолмаганди. Энди ўша эсидан чиқиб кетган кишилар орасидан Абай ёқтирмайдиган, ҳамиша совуқ туюладиган, жуда таниш бир товуш чиқди. Бу Шуборнинг товуши эди.

Абайга гапирганда кўпинча пичинг отиб гапира-дигап Шубор, ҳозир ҳам ўша одатини қилди. Уйдаги-ларнинг ҳаммаси Абайнинг гапидан шодлик, ишонч, яхши бир нафас ҳис этгандек бўлса, Шуборнинг тову-шида сал эрмак қилиш, ҳажвий оҳанг пайқалди. У аслида шанғиллаб гапиради. Ўша одатига кўра кулиб қўйиб:

— Абай оға, бирорлар охир замон бўлади деса, сиз яқин замон, яхши замон бўлади дейсиз. Ундан яхшилигинги аниқ бўлса, қани энди ўшанинг ўзи тез-роқ бўла қолса! Ўшани айтиб берасизми? Ҳеч бўлмаса мана шу ўтирганлардан бирортамизга кўриш насиб бўладиган яхшилик яқинми? Уни мана шу тирик юр-ганларимииздан кўрадиганимиз борми ўзи, йўқми?— деб, ҳеч ким кулмаса ҳам, ўзи хоҳолаб кулиб олди.

Абай унинг келганини хуш кўрмаганидек, кулги-сини ҳам ёқтирмади. Унинг гапини жавобсиз қолдирди. Қайрилиб ҳам қарамай, парво ҳам қилмай, Сейлга қа-раб ўтирганича суҳбат мавзуини бошқа масалага кўчи-риб, сўзлашиб ўтириди.

Мажлис аҳли қош қорайган пайтда тарқалди. Кўп меҳмонларни сўнгги чойга қондириб, Боймағамбет билан Дармен чана қўшиб, уй-уйларига етказиб, қоронги тушган пайтда уйда ёлғиз ўтирган Абайнинг олдига иккоби қайтиб келди.

Дармен пеъч бурчагида турган катта лампани ёқиб, Абайнинг олдидаги хонтахтага қўяркан, бугун кечгача кўнглида юрган билан гапни Абайга айтди. Ўзи жойла-шиб, ўтириб олгани ҳам йўқ эди. Абайдан пастроқда билан тиззалашиб чўкка тушганича унинг юзига кўп меҳри-бонлик, ўтиш билан боқди. Қийилиб келган мўйлов-лари чиройли буралган, ўйчан, ўткир кўзларида Абай ҳамиша қизиқиб қарайдиган, ўйноқи, сўнмас ўт ёниб турибди. У Абай янгишмай пайқайдиган илҳом чиро-

ғи. Дармен ҳозир шунингдек бир алапга отиб турганга ўхшайди. Шундай чоқларда у Абайдан нима тиласа ҳам олар эди. Қандай иш ҳақида сўраса-да, Абай унга асосли жавоб бермай қолмасди. Ўша Дармен кун бўйи ичига солиб зўрга чидаб келган ўтичани, холи қолишлари биланоқ айтиб юборди.

— Абай оға, кун бўйи хаёлимдан шари кетмади. Ҳали Сейлларга бошқача бир гап гапирдингиз-ку. Шубор сўраб қўйганидан кейин бизлар тортиниб қолдик. Бироқ, ҳали Абен ҳам айтиб кетди, менинг ҳам кўнглимдан кетмай турибди. Ўша айтган замонингиз қачон бўладиган замон? Бизларга насиб қилмаса, ҳеч бўлмаса мана шу ҳозирги ўсмир болалар ўша замонни кўришадими, йўқми? Мана шу юрганларимизнинг ичida ўша сиз айтган яхши замонанинг бир учини бўлсада, кўриб ўладиганимиз борми, йўқми? — деди. Борсири, чин кўнгил билан оғага ёпишиб, ўтиганича тикилиб қолди.

Абай хиёл ўйланиб қолди-да, жавоб қилди.

— Ёш ўсмирлар у замонни албатта кўради. Ҳозирги эсини йиғиб олган катталарга келсақ, улардан ҳам бир нечтаси етар. Унга яхши ҳам етар, ёмон ҳам етар, балки! Албатта, яхши — яхшилиги билан, ёмон ўзининг ёмонлиги билан етганлиги орқасида, ҳар қайсиси ўзига тегишли ҳиссасини олар. Менга қолса, сен ўша замонга етсанг экан деб тилар эдим. Ҳеч бўлмаса, сен етарми эдинг! — деб, сўнгти сўзларини нимагадир қалтираган товуш билан айтди.

Дармен Абайнинг ҳозир қаттиқ ҳаяжонга тушиб, тўсатдан ўзгарган, йиғламсираган товушини пайқаб қолди. Ялт этиб Абайнинг юзига боқди. Олга нигоҳ ташлаб, тикилиб турган ноёб оғанинг ўйчан кўзлари тўла жиқ-жиқ ёш кўринди. Шу он бу чеҳрада Дармен ёшни ҳам, ғуссани ҳам, яна ёрқин шуъла нурлантирган ифодани ҳам пайқади. Меҳрибонлик ёшлари, аламли ёшлар эмас, фазилати зўр инсоннинг келгусини кўра оладиган кўзларидан аҳёнда бир чиқадиган эзгулик ёшлари эди.

Келаси кун саҳарда туриб, ярим кечада қўйилган чойни ичиб олган Абай, Дармен, Боймағамбет учови пар от қўшилган катта чанани қаттиқ ҳайдаб, бозорнинг орқасидаги Мағаш турадиган уйга, Сулейменнинг икки қаватли оддий уйига этиб келишди. Шу чоғ, бу

ҳовлидан беш-олти чана бирининг орқасидан бири физиллаб юриб, шишадек қорни ғийчиллатиб, чиқиб келишиди. Энг кейинги чана қалин намат билан қопланган. Усти ҳам яхлит катта намат билан ўраб-чирмалган. Бу Магашнинг чанаси.

Абайни пайқаган йўловчилар тўхтамоқчи бўлишган эди, Абай қичқириб шаҳарнинг четига, эл томонга қараб қўл силтаб, «Тўхтамай кета беринглар!»— деб бўйруқ қилди.

Бемор Магашни ўртага олган етти-саккиз чана, ҳали уйқудан уйғонмаган Слободканинг қатор солинган оддий, қашшоқ уйлари ёнидан қаторлашиб, шаҳар четига йўл олди. Кун бугун ҳам қаттиқ аёз экан. Яна бир неча кундан бўён юмшамай, ҳайқириб ураётган машъум совуқ, суюкка ўтиб кетадиган бўрон ўкирганича эсиб турибди.

3

Бу йил кузнинг бошиданоқ авзойи бузуқ бўлган беомон йил, қиши чиқарга яқинлаб қолган бўлса-да, қаҳри кетмай, қаттиқ аёз бўлиб, қақшатиб турибди. Йил яхши келганда бугунгидек, мартнинг ярмида кун исиб, ер қорая бошлар эди. Ҳозир ундоқ яхши кунларнинг шарпаси ҳам ийүқ. Ҳали ҳам қишилагидек оқ бўрон уриб, оппоқ далани тухумдек қилиб, музли қалин қор босиб ётибди. Элга ют келди. Сўнгги кунлар билан ҳафталар эмас, баъзи бир аҳволи танг кўпчилик овулларга бу йилги қишининг вазминлиги декабрданоқ билина бошлаган эди. Шундан бўён ют йилнинг кўп фалокатлари билан офати, йўқчилиги қанча-қанча элларнинг кўп одамларини қаттиқ эсан-киратиб турибди. Қўлдаги мол пичанини еб бўлиб, энди очликка учраб, овулда турган жойида ўлаётир. Қўралар қотиб, тиррайиб қолган, баъзи бурчакларга ўюлиб қўйилган қўйларнинг ўлиги билан тўла. Ориқлаб кетиб қулаган сигирларнинг ўлаксалари ҳам кўп. Қишининг қаттиқлиги шунчалики, ютга асти парво қилмайди деган тиялаф ҳам жуда ориқлаган, нотавон бўлган. Бироқ, ҳар ҳолда кечаси иссиқ қўрада ётса бўлгани, эрталаб қишлоғ-қишлоғнинг атрофиға тарқалиб, қалин қор тагидан ўзларига унча-мунча бўлса-да, тамаддиқ излашади.

Кўзга илинадиган узун чийнинг боши, сийрак қамиш бўлса ёки онда-сонда учрайдиган тиканакли чангаль, буталарнинг боши дуч келса, ўшаларни сидириб еб, узиб-юлиб тамаддиқ қилиб, кўпга чидаб келаётган катта туяларгина. Қалин қорни бузолмайдиган бўтатайлоқ, қари тая, қотма үрғочи туялар қишининг охиригача эўрга етиб, овул-овулнинг ёнида муккасидан кетиб, ўлиб ётишибди. Ҳар ҳолда «мол боласининг энг чидамлиги тая» деб, чорвадор қозоқларнинг ҳаммаси миннатдорлик билан эсга олишади.

«Атан¹— олти ошса тўяди» деган эмасми, туя-бузрукни айтсанг-чи! Одамга оғирлиги, жафоси кам мол — фақат туягина-ку! — деган гап бу йилги қишида ютга йўлиқкан элларнинг ҳаммасининг оғзида. Қўлга қараган ориқ, тўқли қўйлар, той-тўрпоқ бутун овулларда ҳам аллақачон ўлиб бўлган. Йил яхши келгандა ҳам оҳ-воҳ билан чиқадиган ундай ориқ-тириқларнинг эгалари аввалгидек кутмай ҳам қўйишган. Озгина бўлса-да, пичан, сомонни қўлига қараб қолган, этдан тушмаган, ўзини унча олдирмаган молигагина беради. Ҳар овулнинг, ҳар бир хонадоннинг қўлида қолган отуволовидан бошқа йилқи боласи ўторларда, қўшларда. Кўп эллар, овуллар, қўлларидаги молларидан ажраган сайнин ўша йироқдаги йилқиларини оғизларига ола беришади. Ҳеч бўлмаса ўша омон қолармикин деб умид қилишади. Бошқа моллардан кўра қиши жафосига чидамли деб ишонадиган халқ, унинг фазилатларини алоҳида қайд қиласди.

— Йилқи ютай қолмайди-ку.

— Фақат ерда кўп бўлса бас, қўлтиғидан қовурғасигача ботиб, қорни қазиб, чўпни ўзи топиб турадиган хосияти бор эди, умид энди ўшандан! — дейишади.

— Йилқининг бошқа молда бўлмаган бир фазилати ҳам бор. Ў — оқ бўрон, довул қутураётган аёзда ҳам қор тагидан чўп топилса бўлди. Паналаб, силжимай бир ерда туриб олиб, чўпни ея берадиган бўлади! — дейишади.

— Йилқига тенг келадиган мол борми. Унинг болтатешаси қўлида эмасми! — деб түёқли молнинг тепининишга чидамли эканлигини ҳам эслаб қўйишади. Бироқ, бу

¹ Катта эркак тая.

Йилги йил — бу ерларда ўша йилқини ҳам қаттиқ оғатта учратған жуда оғир йил бўлди.

Тоғдаги эллар, қуйидаги овуллар билан қўриқдаги кўп эллар, беҳисоб овуллар бир-бирларидан хабар олишиб, мудом ҳол-аҳволларини сўрашиб туришибди. Ҳозир мартнинг ўрталарида ўша барча ўлка, водийлардаги янгиликларнинг ҳаммасида бирдек ўлим хабари бор. Бутун элларнинг ўпорлардаги қўш-қўш йилқилари ўлаёттир дейишади. Ёзги яйлов «Сирт» дейилган ўлкага кетган қўшчилар йилқиларини бўронла тўздириб, тарқатиб, қириб олишибди дейишаёттир. Жарга ағанаб, чуқурга тушиб, қатма-қат қоя тошлар орасига қочиб, адашиб ўлаётган мол кўп дейишади.

Бир ярим минг йилқи, бир минг икки юз ёки мингга яқин йилқи фалон овулнинг қўши, тугун овулнинг ўторида ҳозир кўп йилқи ўлиб, уч юз-икки юз, юз элликтагина йилқиси қолганлари бор. Уларнинг ҳам аҳволи чатоқ. Қиши чўзилиб кетса, биратўла тамом бўлиб, фақат қўшчиларнинг ўзларигина қолишлари мумкин! — деган гаплар эшитилаёттир.

Молнинг аҳволи бундек бўлса, бу йилги қишида қозоқ сахросидаги одамларнинг аҳволи ҳам шу қадар оғир, қўрқинчли экан. Мол боқаман деб ҳориб-толиб, ўзини олдириб қўйган эркагу аёлларнинг рангларига қараб бўлмайди. Юз-қўлларини совуқ олган, юзлари қорайган, оғир йўл босиб келган, ҳориб-толиб ваҳший бўлиб кетган кимсаларга ўхшашади. Кун бўйи далада, қаттиқ аёзда ер очиб, молга тамаддиқ бўладими деб, бўта, чангаль, қамиш билан чий ўриш орқасида ҳафталар, ойларни кечирган аёлларнинг юзларида нуритаровот қолмаган. Эрта ажин тушиб, қўллари қасмоқ бойлаб, лабларию юзлари тарс-тарс ёрилиб, алоҳида бадбашара бўлиб кетган одамлар кўп. Эркакларда ҳам, аёлларда ҳам қишилик иссиқ кийим бўлмаганидан шамол уриб, совуқ ўтиб кетганлар бор. Мана шу бир қишининг ўзида этдан тушиб, бор ҳуснидан айрилиб, озиб-тўзиб, ҳозир неча хил дардга чалиниб, ёстиқ портиб ётганлар ҳам кўп. «Ют етти оғайни бўлади» дейдиган қозоқ ҳалқининг чорвадор хонадонлари ҳозир ўтингдан ҳам толиқкан. Озиқ-овқат таҳчили тортган. Шаҳарга, бозорга ойида бир, ҳафтада бир бориб, керак-яроғини олиб келадиган эл, яна бир томондан тангчиликка учради. Минарлик улов бўлмай, ҳориб-

очиқиб қирила бошлагандан кейин, уловсизлик, пиёдалик яна дард устига дард бўлди.

Йўловчи кам бўлганидан оқ бўрон, қалин қор, ер-кўкни қуршаб олганидан шаҳар билан элларнинг, вллар билан элларнинг, овул билан овулнинг орасидаги қатнов узила бошлади. Ҳар бир сойни, сойликларни, адирлар йилғасини, паноҳ қилган ёлрез-ёлғиз кишловлар ўша сойлардаги, қиши кунларида инида қолган сувурлариdek бўлишди. Ўзларидан ўзга тириклик оламидан узилиб қолишли. «Ўзинг учун ўл етим» деган пайт келди.

Ўйидаги озиғи батамом тугаб, кун кечиргудек тамаддиғи, суянгундек битта-яримта моли қолмай, қашшоқлашган хонадонлар энди иложлари қуриб ёш болаларини опичлаб, аллакимлардан ёрдам кутиб, тўзиб кетаётгани ҳам сезилаётир.

Шу йўсинда кўпчиликнинг тинкасини қуритиб, исканжага олган беомон қишини «Оқ қуён йили», «офат йили», «эсадан чиқмайдиган ют йили» деб, ҳалқ март ойидаёт оҳ уриб ҳикоя қила бошлади.

Кўпга келган офат — фалокат сўнгги кунларда Абайнинг овулидан чиқсан қўш бошига ҳам етди. Қузда Мағаш, Абай, Какитой бўлиб яна бир неча моли озроқ, кўнгли яқин қўшни овуллар билан бирлашиб, алоҳида бир қўш тузишиб, ўторга чиқаришганди. Беш йилқичи, бир ошпаз, олти азамат бир минг иккю юз йилқилик қўшни бошқариб кетишган эди. Юрган жойларida фойласи тегар деб, қўш бошлиғи Олтибой, ўз қўшларига Абайнинг қўши деб ном қўйган. Қиши тушиб долган пайтда «ёзда чўпи қуюқ бўлади» деган довруқни эшитиб, Олтибой ўзи бошлиқ бўлган қўшни қуидаги яқин эл — Қизилмулла бўлисининг Ҳожи деган уруғининг ерига олиб бориб боқа бошлади. Ўзларининг йилқилари оз бўлган ҳожилар қор остида ётгани бўш ерларини Абайдан аяшмади. Шунда ҳам Абай Ҳожининг овулига салом йўллаб, бўш ерларига йилқи яйлатишга рухсат сўради, ўша элга ҳақ тўлайдиган бўлди.

Йилқичиларнинг айтишига қараганда, Ҳожиларнинг ерини фалонча семиз отнинг, айғирнинг мойига байлашиб олган. Қиши қаттиқ бўлса-да, февралгача Ҳожининг озгиниа ерида бир қўш йилқи озроқ тамаддиқ толиб кун ўтказиб келаётганди. Лекин февралнинг

ярмига борганда у томонда ҳам қиши кучайиб кетиб, ют ёқалаб келиб қолди. Йилқининг ўтлоги тугади-да, мол оза бошлади. Ора-чўра той-япоқи, фўнан-байталларнинг эти устихонига ёпишиб, кўталанг бўла бошлади. Ноchorлашиб, аёзни кўтаролмай, икки-учта той бир кунда ўлиб ҳам қолди.

Бунинг устига-устак яна бир катта хавф пайдо бўлди. Сўнгги кунларда ёмғир аралаш қор ёғиб, ер музга айланди. Шундан буён тун ошган сайин беш-үн бия бола ташлайдиган бўлди. Бу ҳолни кўрган Олтибой Ҳожининг еридан қаерга бўлса-да қочиб, қаерга бўлса-да, кўчиб кетиш ҳаракатига тушди. Элдан келган Какитой: «Қандай бўлса-да, йилқини қайтадан Бойгобилга, Оқшўқига томон ҳайдаб, силжитиб кетишини буюрди. Шундан кейин Олтибойнинг ҳалиги бир ой давомида исканжага тушган йилқиси, Қизилмулладан Бовирдаги Абайнинг овулига қараб кўчди. Олтибой тинмай ташвиш тортиб, олддаги ерларга назар ташлаб кўчиш-қўниш ишларини ўзи бошқарди. Лекин бу чоғтирик юрган япоқиларнинг думи узайиб кетганди. Аслила чорва ишига омил одамлар мана шундай қўшга келганиларида катта тўп йилқининг аҳволини япоқининг кўринишидан билишади.

Ўторда қўшга чиққан йилқи ичида юрган япоқининг думи калта, қисқа бўлса, қўшни даставвал кўрган киши аввали ўшани айтади. Мол этаси бўлса, йилқичиларига миннатдорчилик билдириб, шукур қиласди. «Япоқининг думи қисқа тортибди. Барча йилқининг аҳволи яхши бўлар» деяр эди. Мана бугунги Олтибойнинг қўшида бўлса, япоқининггина эмас, тойларнинг ҳам ёли-думи, кокили баҳайбат узайиб, ҳурпайиб ўсиб кетган.

Кўпчилик йилқининг ёли-думи чигал бўлиб, тиканак, уйғоқлар ёпишиб кетган. Чакак юнглари ҳурпайиб ўсан, катта йилқиларнинг ҳам суяк-суяги ажралиб, паю тарамушга илиниб, бор ҳуснidan айрилган. Ҳозир Олтибойнинг қўшида семиз дегудек бирорта йилқи боласи йўқ. Айғирлар ҳам ҳориган, отлар ҳам ҳолма-ҳол туки мўйнадор молдек ҳилпиллаб кетган, бола ташлаган, эти устихонига ёпишган катта биялар ҳам бир хол-бир сон.

Мана шу бир қўш йилқи ўз макони сари силжиркан, кун санаб, тун ошган сайин ўлиб, камайиб қолаётир.

Иўл бўйи тўкилиб қолгандек сочилиб, оқ бўронга қамралиб қолаётир. Қандай бўлмасин ўз еримизга етамиз деган ниятда Олтибой ҳар кун бир бошқа айғирга, югурик бияга минади. Унча-мунча ҳоли бор деган отни галма-гал миниб, қўш олдига ўзи тушади. Бошқа йилқичилар унинг изидан орқадаги йилқини навбати билан алмаштириб, олдинги тўпини йириклаб, қўп йилқини юргизиб кўришади. Мудом қор бузишга доши бера олмайдиган бўлгани учун, қўшни бошлайдиган олдинги тўдадаги айғирнинг уюрини, от тўпини йилқичилар Олтибойга айтиб, тез-тез алмаштириб келишаётир.

Шунда ҳам қор тагидан чўп чиқмайди. Куздаги музли ёмғир яхмалак бўлиб қоплаб ётган кўм-кўк тойғанчоқ муз чиқади. Неча кунлаб бўшашмаган аёз пешонасидан ураётган йилқи бор кучи билан ер тенинади. Шунда ҳам қўлтигидан келадиган яхлит қорни очиб, тамаддиқ бўлгудек озгина чўп топмай қаттиқ гангиг кетади. Салт от билан икки кун босиладиган йўлда Олтибойнинг қўши бир ойга яқин юрди.

Энди Бовирдаги Абайнинг овулига етиб қолган пайт эди. Жимбо, Итжўн деган қори қалин бўлса-да, ора-чўра тўбилғиси бор, баъзан чий ҳам учрайдиган бир ўлкага етишганди. Кундузи йилқичиларнинг устибоши муз бойлаб, совуқ қотиб, уриниб келишди. Оёқ Жимбога кўхна капаларни тикиб, ёш йилқичилар исиниб олмоқчи бўлишиб, кеч кириб қолган пайтда отдан тушишган эди. Олтибой уларга: «Қош қорайгунча дам олиб, эс-ҳушларингни йигиб олинглар, исининглар!»— деди. Ёш йилқичилар қўшда исиниб чиққунларича, йилқига ўзи қараб турмоқчи бўлди.

Шунинг билан галалашган йилқи қўшдан йирюқлашиб Қашама, Белсув деган қўнишлар томон юз тутиб, ғарбга қараб кетди. Кундузги юришдан, қалин қордан, бир зайлда турган аччиқ аёздан ҳоли-жони қолмаган Олтибой бўз айғирнинг устида билагига илгани сиртмоғини сургатганича, қора сангсанг тумоқ кийган оғир бошини қўйи солиб, мудраб кетаётир. Бир уйғониб кетади-да, яна мудроқ босади. Очиқсан, жуда ҳориб-толган Олтибой, от устида бир оз мижжа қоқиб олишнинг ўзида ҳам мудом бошини қотириб, такрорлана берадиган бир ғалати туш кўради. Тушида унинг

қишиш бўйи кўрмаган хотини, йиртиқ кийимли, ювош, озғин Инкор эрига ачиниб, ғамхўрлик қиласди.

«Чарчадинг-ку! Совуқотиб келдинг-ку, ухласанг-чи... Ана тўшак солиб қўйдим, ухлай қол, ором ол-чи!» деб Олтибойга ачинади. Унинг ҳозирги бор ҳаётдан, тириклик дегандан тилайдиган ягона тилаги уйқу, бир оз ором олиш ҳақида Инкор меҳрибонлик қиласди. От устида юриш, кўпдан бери бехаловатлик Олтибойни кўп ҳолатларга кўндирган.

Сукут ичидаги жимгина кетаётган Олтибой ўзини ўйлагиси ҳам келмайди. Ўйлай деса ўша ўйининг охирiga ета олмайди, кўхна кулбасида, увада тўшагида, хотин-болаларининг олдида тинчид ётиш деган нарса Олтибойнинг қишин-ёзин қўлига кирита олмайдиган орзусига ўхшайди.

Олтибой кечалари йилқига чиққанда ювош отга минади-да, қоронгида жимгина чувалашиб юрган йилқининг орасида бу ҳам унсиҳ, мудраб-мизғиб, от устида кўз илинтириб олиб, юраверади. Ҳозир ҳам ўша кайфиятда келаётган Олтибой шу дамда сесканиб, чўчиб уйғонди.

Яхлит тую юнг камзулининг чап елкаси йиртилган. Ҳамиша қаршисидан эсган қаттиқ шамолни даставвал мана шу елкаси биларди. Уйгониб қараса, шамол қаттиқ ўкириб эсиб, довулга айланниб кетаётган экан. Ҳалигина ёп-ёруғ эди. Энди кўзини очиб қараса, бир лаҳзада говгум тортиб, гира-шира қоронги тушиб бораёттир. Оламни кўриб бўлмайди. Оппоқ тутак энди қўнғир-қўкимтири, англаб бўлмайдиган гунгурт рангга кириб, қаршидан эсиб қутираёттир.

Қишининг қуйиндеқ қаттиқ ўкириб эсадиган ваҳший оқ бўрони бошланибди. Олтибойнинг борлиги совуқ қотиб қолган экан. Энди у силкиниб, ўзини ростлаб, отини тепиниб кўрган эди, ориқлаб кетган, унинг устига кун бўйи оғзиға бир тола чўп илинмаган бўз айғир шалвираб қолган экан. Бошқа вақтларда елиб-югуриб турадиган айғир энди сал ер тепиниб тез юргиси келгани билан, тез тоб ташлаб, хориб қолди. Олдида, атрофида йилқининг қанчаси борлигини кўролмай турган Олтибой энди ўзи боқиб юрган катта қўш йилқининг қишиш бўйи қулоғига сингиб қолган қаттиқ товуши билан ҳайқириб, овоз берди. Худди шу он оқ тутак бўрон ичидаги ўзига қараб келаётган бир гала йилқини

кўрди. Олтибой буни кўриб, англаши биланоқ кайфи учиб кетди. Бошқа кўргулиги камлик қилаётгандек куни бўйи ҳориб-толиб келаётган йилқи, дурустроқ озиқ топмаганинг устига, мана бу бўронга чидай олмай адашиб, дайдиб кетибди.

Вақт бўлса кундузи ҳам эмас, ёнида йилқичи шериклари ҳам йўқ. Бир оз ҳоли-қуввати бўлган, ҳозирча омон қолиб келаётган йилқи, энди мана шу бир бўроннинг азобидан кўрмаганини кўриши мумкин.

«Эсиз мол, қандай аҳволга учарсан! Мана бу ўкираётган бало, машъум совуқ қандай оғатга учратар экан!» — деб қаттиқ хавф олди-да, Олтибой бор кучини сафф қилиб, шу кечанинг бехаловатлиги билан олишишга аҳд қилди. Сўйилини кўтарганича дам-бадам ҳайқириб, бир гала йилқининг ичига кириб, қайтариб олишининг ҳаракатига тушди. Кўп йилқининг бошқа тўпи қаерга, қаёққа қараб кетганини Олтибой билолмади. Фақат пайқагани, ўзининг устига келган йилқининг олдида Абай хонадонинилг пойгачи жийрон айғирининг уюри экан. Ушанга эргашиб кетаётган яна элликтача йилқи ҳам кўринди. Ҳаммаси бўлиб юзга яқин йилқи экан. Қиши бўйи не-не оғир кунларда бир қўш йилқининг олдига тушиб, қор бузиб, машаққатли тепиниш билан бўлиб келган мана шу жийрон айғирининг уюри эди. Бошқа уюларга қараганда ориқлаган биялар, ғуон-дўонлар ҳам шу тўпда кўпроқ эди.

Ҳозир мана шу тўпдаги йилқига эргашган бошқа уюрнинг йилқилари орасида ҳам бақуввати йўқ. Бор молнинг ичидаги боши ҳисоблоглиқ, эти дуруст жийрон айғирнинг ўзи бўлса, Олтибойга тутқич берадиган эмас. Қўлтиғидан келадиган қалин қорни ўзи бузиб, олға қараб кетаётир. Агар йўлда озгина бўлса-да, чўли бор жой дуч келса, қандай қаттиқ бўрон уриб турган бўлмасин, пойгачи жийрон айғир қорни бузиб, туриб олар эди. У тўхтаган жойда ўрганганд оdatлари бўйича бутун катта-кичик йилқи ҳам батамом тўхтаб, тепинишга тушарди. Кўп йилқининг олдида юрадиган бу тўй тўхтаганда, бошқа бир қўш йилқи ҳам тўхтаб тепина бошларди.

Олтибойлар бу йил қишида йилқи зотининг ажойиб хусусиятларини неча бор кўришганди. Бўроннинг қанча вақт давом этиши номаълум. Кўп йилқи адашганда, кўп хавф-хатарлар бирга рўй беради. Адашган йил-

қининг олдида жар бўлса, катта чуқур бўлса, ёки созлоқ бўлса, шундай ерларга қулаб, қирилиб ҳам кетиши мумкин.

Қаттиқ бўрон, довулли кунларда йилқига бўрилар ҳужум қилиши ҳам бор. Адашган йилқи кўпинча гала-лашиб юрмай, тарқалиб, тўзиб, боши оқсан томонга кетиб, бир неча кунлаб топилмай ҳам қолади.

Шу кетганича оч, ориқ, кўталанг бўлаёзган кўп йилқи яна ўз уюрини ҳам, тўпини ҳам тополмайди. Шундай бўронлардан кейин оппоқ далада сон-саноқсиз ўлакса, емтуклар қолади.

Бугун қандай оғат етганини Олтибой ҳозир аниқ билолмаса-да, жийрои айғирнинг орқасидан келаётib жуда хавф олди. Энг кўп қўрқаётгани: ҳозир Олтибойнинг тагидаги бўз айғир бўлдириб қолай деб турибди. Энди адашган йилқига аввалги одати бўйича паноҳ бўлиб, товуш бериб, ўзини қора тортдиришга мажоли ҳам йўқ. Ҳадемай адашган йилқидан кейинда қоладиган. Қўшда қолган йилқичилар етиб келишса анча дармон бўларди, бироқ улардан ҳозир дарак йўқ. Адашган йилқига даставвал дуч келганидан бўён Олтибой тинимсиз ҳайқирди. Бир томондан «Йилқига паноҳ бўлсин, бўронда бўри доригудек бўлса қўрқсин» дейди. Одатдагидан баланд овоз билан, кучининг борича чўзиб бақирди. Йўғон товушини тўлқинлантириб чўзганича: «Уаха-ҳою», «ўй-ҳайт!» деб кучли бўрои уввос солаётган кимсасиз далада ёлғиз ҳайқириғини чўзади.

Олтибойнинг мўлжали, тахминига кўра ҳозир йилқи қўшдан қиялаб ўтиб кетаётганга ўхшайди. Энди бир оздан кейин, булар шамол эсаётган ёққа ўтгандан кейин қўш шамол эсаётган томонда қолади. Унга ёлғиз кишининг ҳайқириғи эмас, осмон ёрилиб, олам остинустун келса-да, мана бу машъум бўронда ҳеч қандай товуш эшитилмайдиган бўлади. Бўрон, ҳақиқий тўстўполон, қаттиқ довул, оқ тутакка айланиб кетди.

Қуёш ботган бўлса керак. Атрофда тўрт томонга югуриб, сапчиб эсаётган қорли бўрон, қорамтири кўкиш тортаётир. Қўшдаги йигитлардан бўронни фаҳмла-ганлар бўлса ўйғониб, отга миниб чопса керак эди. Шу жиҳатлари эсига тушган зимиштон кеча кириб келаётганини даҳшат ичидан ўйлаган Олтибой ҳамон тинмасдан ҳайқиради. Томоги йиртиладигандек, ўчмас

товуши бўғилиб қоладигандек туюлади. Лекин ўзи билан олдидаги молини беихтиёр силжитиб олиб кетаётган беомон совуқ кучдан чўчиб келаётган Олтибой ҳамон тинмай ҳайқиради. Пойгачи жийрон айғир боқувчи эғаларига итоат қилишни, ҳайқириғига қулоқ солишни ҳозир ҳам унумтаган кўринади. Юришини тезлатмай, йилқичининг ҳайқириғи узоқлашиб қолиб кетаётган бўлса, уюрининг олдида хиёл тўхтайди ёки жуда секин-суст қадам қўйиб қолади.

Ҳали бирйўла бўлдириб, туриб қолмаган бўз айғир билан Олтибой кўп йилқининг изига илинди. Ачингани билан чораси йўқ, ҳаяллашнинг иложи йўқ. Бўрон кучайиб, совуқ аёз қаҳрига олган сайнин кўп йилқидан бўлинниб, узилиб қолаётган ориқ йилқиларини ғамхўр йилқичи санай-санай, белгилаб келаёттир. Улар учун эндиги қолган ҳаётнинг ўзи ҳам бир зўрлик, азоб эканлигини Олтибой билади.

Баъзи бир қари бия, қари от, ориқ ғўнан-байталлар аста келаётган Олтибойнинг кўз олдида, қорайиб кетаётган олдиндаги тўпдан айрилиб, қотиб туриб қолишининг устига ўша орада ёки чўккараб йиқилиб, ёки лоп этиб қулаб тушади. Қулаганлари сёқларини типирлатиб ҳаракат этаркан, қўзғалишга келмай, фақат жонсиз бир ёғоч от қулагандек тарракдек қотиб қулайди.

Анча вақт ўтди, орқадан етиб келган йилқичи бўлмади. Олддаги йилқининг дармони буткул тўхтайдиган эмас. Қандай шўрига, кўргулигига кетаёттир, маълум эмг ҳамон силжиб кетаёттири. Онда-сонда туриб қолиб, қул тушаётган оч-ориқлар ҳали тамом бўлгани йўқ. Олт йининг олдиндаги тўпдан узилиб, орқада қолиб кета, к ўрни бор эди. Баъзан ҳалигидек қулаб қолган с ҳ йилқилар унинг эндиги ҳаракатида у ер-бу ерда имдан тизилган аломатларга ўхшайди. Тутоқиб эсаёті оқ бўрон йироқни эмас, яқинни ҳам кўрсатмайди. Олтибой қор бўронда кўп юриб ўрганганидан, баъзан оддий одамнинг кўзи кўрёлмайдиган ишларни ҳам пайқаб қолади.

Куюндек ўраётган қалин қор учқунлари Олтибойнинг фаҳмлашича баъзан сўйил етарлик ерни ҳам кўрсатмайди. Уни оқизиб олиб кетаётган оқ дентизининг тагига ўхшаб, онда-сонда озгина сайҳон ер пайқалади. Қуйилиб, учиб қуршаб чўлғаётган қор сели бир нафасга нимадандир сийраклашиб, харир тортиб, очилиб

кетди. Шундай пайтни пойлаб, тикилганича кутиб келаётган Олтибой оқтутакнинг ҳалиги пардаси йиртилган он, олға қараб қаттиқ ҳайқирди. Қанча эканлиги номаълум қора кўланка сингари ҳамон кетаётган уволгина молнинг қорасини ҳам кўриб қолди. «Нега пойгачи жийрон тўхтади? Нима бўлди бугун шўрликка. Ҳали ҳам туёғи тагида тўхтаб тепингудек тамаддиқ тополмагани нимаси? Ёзинг куни бу даласи қурғур ўртаниб кетган эканми?..» Олтибойнинг қаттиқ ташвиш тортаётган кўнглидан дам-бадам ҳар хил оғир-оғир хаёллар кечарди.

Бамисоли бир оч аждар шу ердаги барча жон эгасини ўзининг совуқ, машъум дамига тортиб бораёттirmi? Борған сайн кўк уввос солиб, атроф чинқириб, дам ўшқириб, дам кучайиб эсади, қутуриб юлқинади. Ўша дамига тортиб кетаётган ажалнинг, аждарнинг совуқ дамлик — ўлим нафаси ҳукмрон. Пойгачи жийрон ўша ажалга ноилож, тўхтамай ўзи интилиб, ўқталиб отилганича кетаёттир.

Олдиндаги катта қўшдан қолган озгина йилқи, қадрли молга Олтибойнинг раҳми келганидан баъзай томогига тиқилиб келаётган ёшини сезади. Кўкси ларзага келиб хўрсина олмайди ҳам. Бўз айғирни янада тепиниб, қамчилаганича қичқириб, олдиндаги молга етишга уринади. Хулди шу топда, икки томондан гизиллаб, қорни учириб, кўринар-кўринмас бўлиб, бир кўкиш хулё ўта борди.

Олтибой ҳой-ҳойлаб келаётган бўлса-да, унга парво қилмаган гала-гала қасд тўдалар ҳужумга киришган эди. Оти юролмай келаётган Олтибой ҳайқириги билан хиёл ҳайқтирган экан. Бўлмаса, тўғри унинг ўзига даф қилиб келаётган шиддатли селдек тўда бўз айғир билан Олтибойнинг устига уймалашиб, ур-йиқит юз берар эди.

Бўрои кўтариб, кўкимтири қуюндеқ келаё ан сел қоқ ёрилиб ўта берганде Олтибой янга ҳайқир қа зўр берди. Ўткир кўзи қутураётган зимистон кечга инг тунагини ҳам, тутагини ҳам йиртиб тинткилаётгандек бўлди. Ҳалиги янги ёвнинг сонини пайқаб қолди. Ҳаммаси бўлиб йигирмага яқин оч бўрилар! Улар отилганича бориб олда бораётган йилқига ҳужум қилди. Олтибой шошилиб тепингани билан бўз айғир ўша аста лиқиллаб юришини тезлата олмади. «Йилқи қандоқ

қилар экан» деб Олтибай, булар ҳам кўп йилқининг бўри йўлиққанда қиладиган феълидан қилар деб кутган эди. Одатда бўрини кўриш билан қудрати етган йилқи бирлашиб, чирқираб баравар кишинар эди. Мючорларини, ёшларини, той-япоқларини ўртага олиб биялар билан катта отлар дарҳол ўраб туриб, ораларига бўрини йўлатмасликнинг чорасига киришарди.

Айғирлар ўша давра олиб турган тўпнинг атрофида чопиб юриб, яқин келган бўрига ташланарди. Оғзини очиб, ер тепиниб, баъзан бўйинни қисиб, ёлини ёзаркан, сапчиб ўйноқилаганча қўрқитишга ҳаракат қиларди. Баъзан уюрини ҳимоя қилиш учун, ўша бўриларга қарши ҳужум қилиб, қип-қизил қонига белашгунча жон-жаҳди билан олишарди.

Бугунги йилқининг бошлиғи Пойгачи жийрон айғир, бошка йилларда, эти қочмаган вақтларда бор йилқичиларга афсона айтдириб, айиқдек олишгувчи эди. Олтибай энди пайқаса адашган, ҳориган йилқи аввалгидек бирлашиб олишга ҳам ярамай қолибди. Фақат эсини йиғиб олган битта-яримта қари биялар билан жийрон айғирнинггина кишинагани сал-пал эшитилиб қолди. Олтибай жийрон айғирнинг кишинашини олти қирнинг орқасида туриб ҳам билар эди. Бугун ҳоли жони қолмаган жониворда ундоқ товуш ҳам йўқ. Олтибай товушларини биладиган катта қизил чавкар бия билан, япасқи жийрон бия ҳам фақат бўлар-бўлмас товуш бергани бўлмаса, тўпнинг бошини қовуштириб қийғос солиб ҳаракат қила олмади.

Бир гала қутурган бўрилар — бу йил ўтордаги йилқини ейишига хўп ўргангандек қонхўрлар эди. Уч уядоши бўрилар тўдаси учта катта кул ранг бўрига бошлатиб, ғизиллаб кетадиган оқ қанжиқларига эргашиб, қуюн-дек келиб Пойгачи жийроннинг уюрига ташланди. Йилқининг худди шу чоқ етган жойи ҳам бу молнинг ажал күтиб турган гўри ҳисобида экан. Бош Жимбанинг шу сингари бўрон ҳайдаб адашган йилқига хатарли бўлган катта, узун чуқур жарининг ёқаси экан.

Бир ғайрат қилар деб кўзда тутилган Пойгачи жийрон, олдинги тўпни тўхтатмоқчи бўлиб кишинаганича энди ўраб ола бошлаганида аллақандай бир чуқурга гуп этиб тушди-кетди. Ҳарнинг ёқаси билан ичи қор билан лиқ тўла, наиза бўйламайдиган жаҳаннаманинг ўзи эди. Жийрон айғир салмоғи билан жар тагига шўн-

ғиб қулади. Оч бўриларнинг олдида энгаҳи тушган кекса кўк бўри бор эди. Ўша Пойгачи жийроннинг орқасидан иргиб тушиб, елкасига икки оёғини тираб туриб, халқумидан олиб-олиб ташлади.

Ажалга омон бермайдиган ҳужумдан қўрққан бошқа йилқи, ўзларини бошлаб келаётган жийрон айғир сакраб тушганда энди ҳалиги жардан баравар отилиб, қулаб туша беришди. «Нима қолди, ким қутулди, қолган йилқи қаерга кетди?» Олтибойга номаълум. У ҳайат қилиб, сўйилини урганича жар ёқасида бўриларни қўрқитмоқчи бўлиб турибди. Ўзи гўгрисини ҳам унуган. Жар тагида жон талашаётган йилқисини кўрганда Олтибой бу мол бироннинг моли деган гапни ўйлагани ҳам йўқ.

Кишин-ёзин ўзишинг олдида юрган, ҳой-ҳойига ўрганган, кўпинча айтганига қараб яйрайдиган жонли мол, асл мол, йилқи деган, ўлим устида гўё ризолик тилаётган дўстидек кўринди.

У чидай олмай сўйилини кўтарганича отидан иргиб тушди. Жарни ёқалаб, оёғини тираб туриб чиранганича, узун сўйили етарли ерда Пойгачи жийронни талаётган кул ранг бўрини қоқ қулоқ чаккасидан солиб қолди. Кул ранг бўри ўша оннинг ўзидаёқ тарракдек қотиб, ҳозир хириллаб жон бераётган Пойгачи жийроннинг ёнига қулаб тушди. Бироқ, бўрилар тўдаси шу кадар кўп, уларнинг баъзилари жарга тушиб, қовурғасидан қорга ботиб, энди ҳолатдан кетиб, қўзғалолмай қолган бияларни, отларни ҳар ер-ҳар ерда ёриб, қипқизил қонига белаб қиришаёттир. Йилқи қулаган жойга Олтибой бирга туша олмади. У ҳоли етгуунча жар бўйида ҳайқириб, сўйил урган бўлиб юрибди. Лекин, даставвалги кўк бўридан бошқа бўрилар сўйил урдирмай қўйди. Жарга тушса, ўзи ҳам қалин қорга белидан ботиб, ҳаракат қилолмас эди. Унинг жар ёқасида юриб, ҳайқириб қилаётган лағдағасига бўлса, иссиқ қонни татиб қолган, ҳидига кайф қилаётган оч бўрилар тўдаси тўхтайдиган, парво қиладиган эмас. Олтибой узун, баланд жарни ёқалаб юриб, яна бир йилқининг елкасидан босиб туриб, сағрини юмдалаётган оқ бўрини сўйили билан зап қўйиб қолди-да, учирив туширди.

Шу чоғ ўзидан юқорироқда, баланд жар бўйида, оти қолган ерда бир тўполон бўлаётганини пайқади. Қараса, шалвираб силласи қуриб турган бўз айғирни

бир тўп бўрилар уриб йиқитиб, томоги-ю човидан олиб, ёришаётган экан. Олтибой энди бутунлай бўғилиб, хаста бўлган овози билан пицирлаб ўшқириб, ҳайқирганича интилди. У оғир кийими билан қалин қорда салмоқли қадам ташлаб зўрга етиб келаркан,чуввос солиб, сўйилни кўтариб олганидагина тўрт бўри шошилмасдан ўзларини четга олишди. Улар бўз айғирни ғажиб ўлдириб ҳам бўлнишибди.

Бир оздан кейин бўрилар зингиллаганча, қор тўзитиб, Олтибойнинг кўзидан ғойиб бўлишди. Бу ердаги йилқининг ҳаммаси ҳам ё ўлган, ёки қимирлай олмай қовурғасидан қорга ботиб, туриб қолган.

Олтибой энди пайқаса, кун ботарда Пойгачи жийрон бошлаб унинг устига келган юзга яқин адашган йилқидан худди мана шу ерда жарга қулаб, ҳалок бўлгани элликтacha йилқи экан. Қолгани кеч бўйи Олтибой етолмай келаётганида тўзиб, санқиб кетган, яна бир қанчаси кўз олдида тун бўйи йўл-йўлакай гуп учиб, ииқилиб ўлган.

Тун ҳали чексиз узоқ. Бўрон аввалгидан ҳам зўрайиб, тўс-тўполон қилаётир. Аёзда пиёда қолган Олтибойни энди от устидагидан эмас, қаттиқ совуқ қотириб ҳолдан кеткиза бошлади. Мол бўлса ана у, катта қўш йилқи, кўпларнинг югурек отлари соғин биялари, бағри баракатли айғирлари, ҳар хил ёшдаги болаларнинг укнор-тумор тақиб юрган гўнан-дўнанлари — ҳаммаси ҳам бепоён далада, паноҳсиз ҳолда ваҳший бўроннинг сургунида жарга қулади. Ўтга ўртангандан кам эмас, аламли жойда шамолга учди, қор босди, ўлиб-ўчиб йўқ бўлди.

Шу бўрон бир кун эмас, икки кун эмас, ҳақиқий маҳшаргоҳга айланиб, олти кун турди. Еттинчи куни аёзли-совуқ кун булатсиз ярқираб очилганда, шамодсиз, тип-тиниқ бўлиб очилди. Даставвал бўрон бошланган куни Олтибой умид қилиб, кўп чақирган ёш йилқичилар Жимбонинг жарига етиб қирилган молнинг қор остидан ҳар ерда бир тиккайиб кўринаётган ёли-думини, чала ғажилган устихонларини кўришди. Ўша Жимбонинг баланд жари бағрида Олтибойнинг ҳар ерда сочилиб ётган эски тuya камзулининг парча-пурчасини пайқашди. Яна бир ердан эски кўни этигининг чами, юлиниб йиртилган боши, қўнжини топишди. Яқин жойдаги қор тагидан сирма сангсанг

тумоғининг бир қулоғининг учи чиқиб ётган экан. Үттиз беш ёшгача кечирған ҳаётининг роса ўн икки йилини қишига ўторға чиққан йилқи орқасида юриб кечирған эди. Йилқига эгасидек бош-қош бўлиб яхши кунни, тинч тунни кўрмаган ноёб азамат — Олтибой йилқичи, бу йилги оғир йилда энг оғир қазога учради. Кўп йиллар боққан молининг омон бўлишини ўйлаб, бой молининг четида қурбон бўлди.

Кейин ёз чиқиб, ер қуриған пайтда мана шу Жимбонинг йилки қирилган жарига келган йўловчилар бошқача, фавқулодда бир ҳолатни кўришди. Жимбонинг чуқур жарига Пойгачи жийрондан кейин қулаган ўттизистача йилқи қалин қорга сиқилишиб, қовурға тирашиб тушган экан. Мана шу бир тўп йилқи ўша соvuқда тик турған бўйича, қорга ботиб туриб ўлибди. Кўкламда қор кетган сайнин ўша йилқилар ёндошганларича қор билан бирга чўка беришибди. Бўғини қотиб ўлган бир тўда йилқи, энди қор кетгандан кейин ҳам тик турганича ёндошиб, сиқилишиб туриб қолибди. Жарни ёқалаб келиб кўрган кишиларнинг кайфи учиб, тикилиб қарашиб, худди тирик йилқининг сояда салқинлаб турганига ўхшатишганди. Бу ўттиз йилқи тик турганича қотиб ўлиб қолгандек машъум бир манзарани кўз олдига келтирғанди. Март ойидаги оқ бўрон, узоққа чўэйлган лойгарачилиги ўзининг шундай жатими ҳам кўрсатди.

Бу йилги қаттиқ қишининг қаҳри. Олтибойнинг овудидаги амакивачча ииниси Бойтуёқнинг бошига ҳам катта дард бўлиб тушган эди. Оқшўқидаги «мол қўраси» дейиладиган қўранинг бир бурчагида уч-тўртта хонадон бошпана қилиб ўтирадиган пастак, қоронги ертўла ўйлар бўлар эди. Ӯшанинг биттасида Олтибойнинг кекса энаси билан учта етим боланинг онаси — Жария зор қақшаб қолди. Қатор уйчада ерга солингган тўшакда, Олтибойнинг эр азамат жигари, йигирма яшар чўлон Бойтуёқ кўпдан дард тортиб ётибди. Буни ҳам шу кулфатларга солган нарса беомон аёз билан бой молининг ташвиши бўлди. Қишининг бошларидан буён Оқшўқидаги Дилданинг қўйини боқиб юриб, январь ойида Бойтуёқ бир қаттиқ бўронга учраганди.

Илгари «кийимим юпун, пайпогим йиртиқ, этигимнинг тешигидан қор тўқилиб юрибди» деб бир куви қаттиқ аёзда қаттиқ совқотиб келиб, аҳволини ўз

оғзи билан айтиб күрган эди. Мағашнинг касали эс-хушидан айнган Дилда, молбоқар йигитнинг гапига дурустроқ қулоқ ҳам солмаганди. «Кузда онангга қўй тери берган эдим, ошлаб тўн тикиб бермаса, ўзингдан кўр. Мағашимнинг дарди жони-жаҳонимни ўртаётгашда, энди сенинг ҳам ташвишингни тортайми! Асти кўзимга кўринма!»— деб, жеркиб ташлаган эди.

Бу чоқда Мағаш шаҳарда эди. Дардининг оғирлигидан яқинлари қаттиқ ташвиш тортиб, энди овулга келди деб юришган пайт эди. Дилда бўлса Мағашнинг касали «Абишининг касалига ўхшаб кетаётир» деб яқинларининг куяётганини эшитаркан, эртаю кеч қаттиқ қайғуриб, оҳи зорини айтиб йиғлай берарди. Аслида чорвага умр бўйи мутлақо салқаси бўлмаган Дилда бу йил «ют бўлади, қиши қаттиқ бўлиб кетди», «мол боқиш ёв билан олишишдан осон эмас», «эр-азаматлар учун оғир азоб, қаттиқ исканжага айланди» деган гапларга парво ҳам қилмас эди.

Ўз жароҳатини «батамом ҳаммага тааллуқли дард бўлиб тарқалсин» деб ўйларди. Дарди алам чекишида ҳам худбинлик бор. Дилда айниқса молбоқар, хизматкорларнинг қайғу ҳасратини, ғам-ғуссасини ўйлаб, дардкаш бўлиб кўрган киши эмас. Улар нима ичиб, нима еяётир, нима кияётир, қандоқ қилиб меҳнат қилаётир, нима миниб-юрибди?— деган гапларни бошқалар айтганда ҳам, қулоғига чала-чулпа киради.

Ҳалиги Бойтуёқнинг: «Тўним эски, чакмоним йиртиқ, кўпинча далада совқотиб кетаман-да, қаттиқ шамол, чирсиллама аёзда от устида юролмай қоламан. Қотиб қолмаслик учун отдан тушиб, пиёда югурниб, зўрға танамни иситган бўламан. Шунда қалин қор тиззамдан ошиб қўнжимга қуюлади, этигимнинг тешигидан киради, иккала оёғим шишиб кетган вақт ҳам бўлади!— деди.

Чидаб-чидаб келиб, бор жафосини, кўргулигини йиғиб юриб, кўзига ёш олиб бирйўла айтиса-да, иссиқ жавоб эшитмади. Шундан кейин ҳам қанча-қанча кучли бўронлар, бўкирган аёзлар бўлиб ўтди.

Оқшўқининг чўпи қалин бўладиган адирларининг қўй ётадиган бағирларида, ҳозирча молни адаштириб кетадиган оқ бўрон бўлгани йўқ. Бироқ «оқ йўрға» дейиладиган изғирин турмайдиган кун йўқ. Бу совуқ шамол, мудом кишининг қўйни қўнжига, юзи кўзига, бўй-

ни-елкасига майда қорни түздириб түкиб туралын даҳмаза бўрон. Бу йил ют келган қишида оқ йўрға, оқ бўронга айланмаган чоқларида, кечаю кундуз тинмай эсади. Тескаридан эсадиган совуқ шамол оқ йўрға далини, сой-сойлоқларга оқ ҳошия тутиб, қор уюмларига — қалин қорга тўлдира беради.

Тўни эскирган, совуқ ўтиб кетган, ёш гавдаси хўп ҳориб, азоб чеккан ёш йигит Бойтуёқнинг жони ҳам сўнгги йигирма кун ичида қайғудан, озордан қийналган. Сўнгги вақтларда озиб, суюк-суюги ажralиб чиқа бошлаган йигитни аямажизнинг қақшатиб эслан аёэли шамоли аямай гуп учирди.

Қош қорайган пайтда қўйнинг кетидан пиёда келган чўпон уйига етиб, эшикдан кириши биланоқ кекса энасининг кўз олдида бўсафага қийшайиб, ўзини ташлаб юборди. Ияги иягига тегмай титраганида икки кўзидан шашқатор ёш ҳам оқиб кетди. Унинг муздек юзларини силаётган кекса энасининг кичкина, қовжираган кафтлари чўпоннинг кўз ёшларидан ҳўл бўлди. Бойтуёқнинг оғзи гапга зўрға келаётир. Эви кетган лаблари билан айтаётган сўзлари — қарғиш колос.

— Етти-ку тагимга, етди-ку! Бугунги совуқ суюк суюкларимдан ўтиб кетди-ку! Ўлишдан бошқа чора йўқ, шўрлик онажоним! Худо тенг тепангдан ургурлар, увадага ўралиб, яланғоч ўтдим-ку,— деб мук тушиб ётиб олди.

Ҳозир Олтибойнинг қазоси мол қўрасидаги қоронги кулбаларга эшитилаётган Бойтуёқ ҳам ҳолсираб, тинкаси қуриб бўлганди.

Даставвал гуп учиб ётган куни кечқурундан бошлаб вотилжам бўлиб ётди. Шу дард билан бир ойча қийналиб, охирида йўтал касалига йўлиқди. Унинг ўпка касали фақат ўпкада эмас, томогига ҳам ўтган. Ичай деса унча-мунча овқатнинг ўтиши ҳам қийинлашиб бораётир. Сил касалидан Бойтуёқнинг ёш гавдаси енгилгандан, пўрт учиб, тез енгилди. Матол, нозик бўйини ҳозир беомон дард қамраб олганда, шамдек ўртаниб, тўсатдан сўниб кетаётир. Мудом дами ичида бош томонда ўтириб, ёш тўкаётган кекса энасигагина, дардкаш деганда ягона яқини — Бева онаси Тулумдигагина сирини айтади. Сири, йиқилганидан буён айтаётган қарғиши, ҳасрати. Ўзини аямаганларга айтаётган ёш жонининг ғазаби билан норозилиги.

Апрель ойи кирди. Лекин беомон қишиң қозоқ далааси-
ни исканжага олган гирдобини бўшатмади. Апрелнинг
бошларида ҳам қор тушиб, совуқ қаҳри заҳрига олиб
турди. Даланинг оппоқ тухумдек қори ҳали кетгани
йўқ.

Оқшўқидаги молбоқарлар уйида ўтина тугаганига
кўп вақтлар бўлган. Совуқ Бойтуёқни тепалик устида
январь ойида, қўй орқасидагина қийнагани йўқ. Энди
ертўла уйда, мудом зах тортиб турадиган совуқ, қорон-
ғи бурчакда ҳам совқотдирди. Боши берк кўчага чиқиб,
ҳали ҳам қалтиратиб, тинкасини қуритаётir. Уша муз-
лаган, совқатганича, бераҳм ҳаётда то сўнгги нафаси
чиққунча ҳам бирор он иссиқ кўрмади. Уша иссиқни
қўмсаган ёшқалби билан қирчиллама йигит, бегуноҳ
Бойтуёқ жон берди.

Худди шу кунларда Мағашнинг дарди ҳам ҳолат-
дан кетказиб, енгиб қўйган эди. «Ҳолма-ҳол, терисию
пайларигагина илиниб турибди. Дард енгди» деган
ўлим шарласи сингари совуқ хабар унинг ҳар тараф-
даги яқинларига, қариндошларига батамом етди. Яна
бигъ оздан кейин, апрелнинг ўнидан ошган пайтдагина
қишининг заҳри тугаб, қор кета бошлади.

Элдан оларини олиб, ҳамма жойда, қулоқ эшиштган
тўрт тарафнинг ҳаммасида қозоқ ҳалқини қириб, ютган
қиши, ниҳоят тугаган пайт эди. Апрелнинг ўн беш, йи-
гирмалари ўртасида Оқшўқи билан Қўриқда қор бата-
мом кетди. Шунинг билан бирга бу овулга ўрдан ҳам,
қирдан ҳам яқинлар, жонкуярлар йигилиб кела бош-
лашди.

Келаётган кўпчилик қишлоvdаги уйларга сиғмайди-
ган бўлди. Буни кўриб Мағашнинг отаси, оғалари,
дўст-жигарлари энди тездан бўз уйлар олиб келишиб,
Мағашнинг қишлови ёнига қаторлаштириб тика бош-
лашди.

Айгерим бўз уй билан кўчиб келиб, Абай ўша ерда
турадиган бўлди. Оқлбой, Қакитой сингари яқин қиши-
лари ҳам бўз уйларини олиб келиб тикишди. Абайнинг
тайинлашича Дармен билан Макен ҳам бўз уйларини
тикишиб, энди келаётган меҳмонларни шу уйларда
кутишадиган бўлишди.

Бошқа йиллардан кўра эрта тикилган бу уйлар —
хурсандчилик учун, сайл-томоша учун эмас. Кун санаб
кутилаётган, хавф солаётган кулфатнинг ҳозирлиги.

Яқинда кутилаётган яна бир дард-аламли ўлимнинг тараддуди.

Эрта-индин ноёб азаматидан айрилай деб турган, шўри қайнаган овулнинг таъзия тутадиган уйлари, эл қатори эмас, бемаҳал эрта тикилган уйлар шулар.

Қор кетиб, ер қурғаши биланоқ, пиёда бўлса-да, юриш мумкин бўлгани учун, энди шу ўтган қиши хароб қилиб, шўрини қурдириб кетган кўп кишилар бир жойда қарор тополмай қолишли. Озиқ тугаган, ўтин йўқ, унча-мунча моли бўлса, қирилиб битган кўчманчи хўжаликлар, қозоқ овуллари ютдан кейин тентирашга тушди.

Айниқса, камбағал-қашшоқ, беҳисоб кўлчилик танг аҳволда, танқисликда қолган эди. Атрофидаги моли бор, қудрати келадиган, ўзига тўқ овулларга қари-қартанг ота-онасини, ёш болалари билан рафиқасини эрганишириб,чувалашиб келадиганлар кўпайди. Қудрати келган азаматлар текинга ишлаб, ҳеч бўлмаса оч-ориғининг жон сақлаб қолишини ўтишиб келишади. Шўрва-шутур бўлса-да тамаддиқ умид қилишади.

Баъзи бир бевалар «озиги бор» деган яқин қариндошларига етимчаларини совқотган, музлаб кетган ҳолда орқалаб, етаклаб олиб келишади. Боласини тишлаб қочиб, ажалдан қутқазиб қоладиган оналик одатини қилишади. Очлик устига қарилек эсанкиратган, бир уйда фақат чолу кампирдангина иборат бўлиб қолган, қўш ғарип жовдираб, қалтиллаб, тутун чиқаётган уйнинг ўзоқбошига телмуришади.

Хувиллаб қолган вайрона қўрани ташлаб, тентираб, дарбадар бўлиб кетган элнинг қашшоқлари: Чинғиз тоғидан, Қидирнинг бағридан, Қоровул-Болпонг, Ший Кўриқни бўйлаб у томону бу томонга пиёдалашиб, аста-секин чувалашиб юришади.

Мадори келганлари, эс-хүшини йиғиб олганлари: «у ер тўқчилик» деган хабарни эшишиб, шаҳар томон қимирлаб қолишиади. Баъзан йиртиқ кийим, сўлғин чеҳрали оч-яланғоч пиёдалар бутун саҳрони босган ғурбат билан қашшоқликнинг жонли хулёсига ўхшайди. Бамисоли бир офатга учраган беҳисоб элининг оғир кулфати соясидек, лиқиллаб, тебранади. Кўп ерларда етим қолган болалар ҳақида сўз кетади. Баъзи овулларнинг четида ўшаларнинг оҳ-зори тонгни тонгга улаб, қулоқдан нари кетмайди.

Күн сайин күпайиб бораётган, шиша бошлаган она-лар, күч-қуваатдан қолған қарилар күзге ташланаверади.

Ҳар сойда думалаб ўлиб ётган күталанг сигир, қоқ сүяк туялар, ориқ отларнинг ўлаксалари учрайди. Жар-жарликларда, қўралар атрофида, мозорларнинг ёнида тўмпайиб-тўмпайиб ётган ўлаксалар кўринади. Моли бўлган овулларнинг қўралари ёнида, кул тепаларнинг атрофида энди чирий бошлаган ўлимтиқ кўп. Устма-уст уйиб ташланган, юнглари ёпишиб, чигал бўлиб кетган қўйларнинг ўлиги тепа-тепа. Оёқлари серрайган, маъносиз бўзариб боққан кўзлари ярқираб ётган, тўлиб-уюлиб ётган ўликлар.

Қишлоғ-қишлоғларнинг устини тинмай қағиллаша-ётган олақарғалар билан қора қузғунлар босган. Эрта келган калхат оқ-сариқ бўктергийлар ҳам ўлган молларнинг устига уймалашиб қўниб, пашшахўрда бўлиб олишган. Овуллардаги қўйлари, моллари шу зайл ютга учраган бардам, ўзиға тўқ овуллар ҳалигидекчувалашиб келган қашшоқларга раҳмисизлик билан совуқ қа-рашади.

Кул тепанинг бағрини кўрсатиб, ўлган қўйларнинг ўлаксалариға ишора қилиб, қари чоллар, оч оналар, кўзи ёшли гўдакларни уришадиган бойлар бор. Дар-бадар бўлиб келган қашшоқлар, бегуноҳ бўлсалар-да, ўшаларни ўзларининг кўргилиги, чиқими, ютга учрагани учун ёэғириб уришиб, қарғайдиган хасис хотин, бойвуччалар ҳам йўқ эмас.

Қанча-қанча йилқилик овуллар ҳозир май ойи кир-гандан буён йилдаги тирикчилигидан бошқача кун кечиришади: «Икки қўлим бир тепа кунлар келди», «қаҳрига олган йил келди» деб кечаю кундуз ноли-шади. «Уч юз йилқилик бир овул қўриққа, қишлоғга эндигина келиб етган янги йилқиларни қарши олиб, пи-ёда чиққанида, ўн еттитагина ориқ, қотма биялар билан отларини санаб олишибди».

«Қидирдаги фалон овул ўторга чиқарган тўрт юз йилқисидан йигирма учта йилқи олиб қайтибди», «Чин-ғиздаги Аягўэга минг йилқилик қўшни жўнатган уч-тўрт овул, ҳаммаси бўлиб йигирма еттита йилқисининг келганини кўрибди». Шийдан қишининг бошида ҳайдатиб, Үоқнинг ерига, Керей ерига юборган Фалон қўш йилқидан элликта йилқи келибди», деб нуқул ўлим

Билан қазо, оғир оғатнинг хабари май ойининг даставалги кунларида оғиздан оғизга тушди.

Хар құшдаги беш-олти йилқичи, аслида, битта бойнинггина қўриқчиси эмас. Озроққина йилқиси бўлган овуллар бирлашиб чиқарган молларнинг йилқичилари ҳам бор.

«Чинғизнинг усти билан Тўбиқти ерининг қуий томонига, Уоқ, Керейга кетган қанча-қанча қўшларнинг баъзи йилқичилари пиёда қолибди»— деб ҳам ҳикоя қилинади. «Баъзилари эгар-тўқимини орқалаб келибди. Яна бир хиллари улов ёллаш учун эгар-тўқимини, тери тўнини сотиб, мингашиб, уйнга зўрга етибди»— деган гаплар тарқалади.

Шунинг билан бирга кўп бойлагнинг йилқиси орқасида қишининг қаҳрига олган аёзи, қорли бўронида жонини фидо қилиб, молини сақлайман деб юриб, совуқ-қа қотган, совуқ урган, не-не оғир дардларга чалингандар ҳам кўп. Бойтуёқдек оғир дардга йўлиқиб, ёстиқ устида ётиб қолган, не-не бўлали, жуссали, ботир юракли жасур азаматлар ҳақидаги сўзлар бой овулларида оғизга ҳам олинмай қолаёттир.

Ҳалқ бошига тушган шундай маҳшар кунлар Оқшўқида яна бир кўпдан кутилган, қулоққа сингиб кўнишиб қелаётган навбатдаги ўлим билан келиб туашди.

Бўз уйда энди ионушта қилаётган Абайнинг ёнида Айгеримдан бошқа Мағашнинг икки кичик боласи, буларнинг ёнида Абишдан қолган етим қиз — ўн яшар Роҳила бор эди. Тун бўйи Мағашни қуршаб, кутган дўстлар, жигарлар билан бирга Абайнинг ўзи ҳам ўтириб чиққанди. Умидини узиб, «буғуми, эртами» деб турганди.

Тил изҳор қилмаса-да, дил айтиб турган ҳасрат Абайнинг кўксини ўт билан оғуға тўлдирган. Чойга ўтирса ҳам юраги оғзига тиқилиб, кўксида бир бўлак тош ётгандек бўлиб, борлигини саросимага солаётган дард-алам бор эди.

Шундан ўн кунча олдин Мағаш вужудидаги бор кучини йиққандек бўлиб, отаси билан видолашаётгандек бир сўзлашганди. Даҳшат билан хавф олишдан руҳи тушиб, тутдек тўкилиб, озиб кетган отасига ачишган бўлса керак. Ўйни холи қилиб, Абайнинг катта қўлини иккита ориқ-ориқ, қуриб қолган совуқ қўллари

билан ушларкан, силаб ётиб, гапини пичирлаб айтганди.

— Оға... Абиш оғамни узатиб, Олматидан қайтиб келган эдим-ку...— деб бир оз нафас етмай ётиб, яна сүйләганди.— Үлүгвөр юзли Жамбул шоирнинг айтган саломини сизга етказган эдим... Едингиздами?..

— Ёдимда, Мағашим! Үқимаган қозоқларнинг ичидә күнгли очиқ, тили бийрон одам бўлса керак деган эдим. Уни нега эсладинг?

— Уша айтган эди-ку сизга... Шеърини олиб келиб берган эдим!.. «Не-не йиғлаган, зор қақшаганларни ўзи юпатган оға, ота эмасмиди?.. Унинг қайғусига ўша эл-юрти бирга қайғуради... Ҳамдард бўлади... Эр-азамтидан айрилса-да, элидан айрилмасин! Қуршаб турган жигар-жони—халқини ўйласин»—деган эди-ку!...— деб Мағаш бўлиб-бўлиб бор гапини хийла вақтда гапириб бўлди-да, бир оз вақт бўғилиб йўталди.

Шу қадар хушфеъл, чуқур ўйлайдиган Мағаш отасига шоир Жамбулнинг сўзи билан таъзия билдираётгандек бўлди. Үзининг ўлимига ҳам Жамбулнинг ниёсси билан таъзия билдирган эди.

Бутун ишни фаҳмлаган Абай сукут ичидә бош эгди. Мағашнинг қон талашиб, ёшланиб боқсан кўзларига энгашганича катта юзини босди-да, узоқ вақт ўпди. «Бор гапинг ёдимда бўлар, нуридийдам!»— деди.

Шундан бўён ҳозиргача Мағаш фақат оғир тортарди... Сўниб бораётганди.

Бир вақт бўз уйнинг ўймакор катта эшиги қаттиқ, тез очилди-ю, оқсоқ хотин Зилийқо, ёшга тўлган кўзларини уй ичида гилардан яширолмай, мудҳиш хабар олиб келди. Совуқ хабар...

— Абай оға, Мағаш ўсал тортиб қолди. Сизни чақираётир!— деди, холос.

Болалар даҳшат ичидәчувиллашди. Абай ўрнидан ёш боладек дик этиб иргиб туриб, елкасига чопонини ташлаганда, қалтираб кетганидан чопони тўхтамай сирғаниб, қайта-қайта тушиб кетаверди. Ковушини киёлмай, бўғинлари титраб, борлиғи бўшашиб, ҳозир гуп этиб йиқилиб тушгудек бўлди.

Айгерим югуриб келиб, Абайнини суюб туриб ковушини кийгизишиди. Чопонини қайта-қайта елкасига ташлаб, ўзи ҳам йиғлаганича Абайнинг юзига назар ташлаган эди, қўрқиб кетди.

Бир лаҳзада қариган, соқолининг оқи кўпайиб қолгап Абайниш ранги оппоқ оқариб кетибди. Икки кўзи косасидан чиқиб, чатнаб кетаётир. Олайиб, шипга қарай беради. Зийрак Айгеримнинг кайфи учиб кетди. Абайнинг кўзлари шу зайл олайиб, аланглаб, маъносиз боққанини Айгерим ҳеч қачон кўрмаган эди.

Ичидан: «Худоё, ўзинг сақла... ўзини сақла. Эсидан адашиб қолмаса гўрга эди!» — деб ўртанганича ёлвориб аста пичирлади. Ўзининг ҳам ранги қум-қуйт ўчиб кетганича Абайнинг орқасидан югуриб кетди.

Мағаш ётган уйга Абай кириб борганда, беморнинг тўшаги ёнида энгашиб, тикилиб ўтирган эркагу аёллар дарҳол туриб, Абайга йўл бериши. Ҳали нафасини ростлаб олмаган ҳолда, қўрққан, эси чиққан бўйича Абай келиб Мағашнинг тўшаги ёнига йиқилиб бориб ўтира қолди. Кўзлари ҳали ҳам боя Айгерим қўрқиб кетганидагидек косасидан чиқиб, чатнаб турибди. Ярақлаб, катта-катта очилиб турган кўзларидан оқаётган мунчоқ-мунчоқ ёшлари буғдойдек тўкилаётир.

Отаси ёнига етиб келганини сезиб ётган Мағаш унга билинар-билинмас, ҳолсизгина ишора қилди. Чўзилиб ётган ўнг қўлининг бир-иккита бармоғини хиёл қимирлатиб ёэди. Оғиздан Абайнинг қулогига зўреа етган, сўнгги нафаси билан аралаш чиққан сўнгги пи-чирлаши эшитилди, аниқ эшитилди.

— Оға... дунё... шу! — деди, холос.

Шу он Мағаш узилди. Уй ичида гилар, даҳлиздагилар, ундан кейин эшик тўлиб турган катта қишиловдагилар батамом ўксиб, ўкириб, дод-фарёд қилиб, йиғлай бошлишганда, ерлар титради.

Кекса, оқ соқол эркаклар, юзларини ажин босган она-эналар, чумчуқдек ёш болалар — ҳаммасининг кўксидан чиқаётган фарёд, нолаю зор ичидан: «Мағашим», «жигарим», «мадорим», «акажоним», «укам» деган алоҳида-алоҳида қисқа сўзлар эшитилади.

Бу гаплар ҳозир юракдаги аламнинг, кўздаги ёшнинггина тили. Теварак-атрофдагилар қаттиқ йиғлашиб, шашқатор ёш тўкиб, фифон қилаётганда Абай бир хил, тушуниб бўлмайдиган аҳволга тушди. У сукут ичидан. Товуш чиқариб, ўксиб йиғлаб, фарёд ҳам қилмайди. Тиқ этиб бирор оғиз сўз ҳам қотмайди. Фақат олайиб, ўти ёрилиб кетгандек чатнаб турган кўзлари-

дан дўланадек ёшлари узилиб-узилиб, ўқтин-ўқтин дув томиб, тўкилиб кетади.

Энди у, бирор суюб турғизса туради, етакласа юради, қаерга олиб бориб ўтиргизса, сўраб ўтирмай сўз ҳам қотмай ўтира қолади. Магашнинг жанозасига йиғилган халқ кутилганидан анча кўп бўлди. Еттисигача ерларни титратадиган йиги-сиғи бўлиб, тумонатдек халқ ўлардек уввос солди.

Бу кунларда от қўйиб келган Қунонбойнинг жамоаси, Иргизбой авлоди, кўзи ёшликлар, жонкуярларнинг бир тўпи бўлиб алоҳида ажралган. Қўлларнга узун оқ ҳассалар ушлашиб, куйиб йиғлаб, от қўйиб келган қариндошларни, бегоналарни, фотиҳа ўқигани келганиларни қарши олувчилар — Иргизбойнинг ёшу қариси бўлди.

Даставвалги уч кун ичида овул четида катта саф бўлиб, ҳалигидек оқ ҳассаларга суюнишиб, йиғлаб ётган эркакларнинг қоқ ўртасида Абайнинг ўзи турди. Уни икки томонидан Дармен билан Какитой суюб туришди. Шу қаторда туриб, бирга йиғлашиш бурч бўлгани учун «яхши тўй, ёмон ўлим» дегандай, айтдирмай бирга бўлган бўлиб, Такежон ҳам Азимбой билан келган. Йўғон ҳассаларга кўкракларини тирашиб, бошларини қуви солиб, ерга боқиб туришибди.

Абайга яқин жойда Шуборга ўхшаш қариндош уруғ ҳам ўқтин-ўқтин зўр фарёд чекиб, ҳассасига таяниб турибди. Уйларда бўлса, Дилда бошлиқ кекса аёлларнинг ичида Такежоннинг хотинлари Қоражон, Зейнеблар бор. Исҳоқнинг турқи совуқ, қоп-қора кервоз, семиз хотини — Манике ўтирибди. Бу чоқда жуда семириб, юзи жуда катталашиб, энди кекса торта бошлаган Нурғоним кўринади. Шу элнинг қадимдан расм бўлиб келаётган урф-одати бўйича кўнгли яқин қардошлар от устида «вой жигаримлаб» бақириб йиғлаганларича олисдан чопиб келиб, ўзларини ташлаб юборишади.

Бир тўп ёш, эпчил йигитлар уларнинг олдиларидан югуришиб, отларининг бошларини ушлаб, қўлтиқлаб олишади. Яна бир неча йигит шундай йиғлаб келганларни етаклаб, қўлтиқларидан олганларича ҳалиги ташқарида турган эркакларнинг ҳаммаси билан бир бошдан кўриштириб ўтади. Эркаклар билан батамом кўришиб бўлгандан кейин, ҳалиги йигитлар катта уйда

қора кийиб, йиги берәётган аёлларнинг ҳаммаси билан кўриштиради.

Одатда бу ерда, уй ичида кўришаётганларни қўлтиғидан олиб, бир бошдан кўриштириб юрадиган хизматчи аёллар, ўзлари ҳам йиғлаб юрган келинчаклар бўлиб чиқади. Мағашнинг ўлтанига йиғлаб келган қардошлар жуда кўп бўлди. Ҳозиргина қишлоғдан чиқиб, яқин ерга келиб қўнган Мағашнинг овулида эндигина тикилган бўз уйлар жуда кўп.

Фақат Абайнинг овулларигина эмас, Оқшўқи, Кўриқдаги барча яқин, қўшии овулларнинг ҳаммасидан ҳам меҳмонхона, ошхона уйлар келтирилиб тикилган. Ҳар ёқдан келиб, ётиб қолиб, тушлик овқат қилиб бўлиб отланаётган сон-саноқсиз эркагу аёл фотиҳа ўқунчиларни ҳар бир қардош ўзлари келтириб тиккан уйларига йигирма, ўттиз кишидан бўлиб олиб, кутишаётир.

Шу қаторда Қоражон тикирган, Манике, Нурғоним ёки Оқлбой, Шубор ва бошқа кўп «жонкуяр» деб юритиладиган, бир отадан туғилганлар тикирган уйлар Мағашнинг еттисига қадар меҳмонларни бўлиб олиб, кутиш билан бўлишди. Мағашнинг ўлигини Ирғизбой, Улжон деган, бир отадан тарқалган устун уругнинг одамлари шундай кутишди. Ҳар бир ўлим устида қилинадиган ишлар бажариладётир.

Лекин шунинг билан бирга Мағашнинг ўлими устида идрокли кишиларни беихтиёр бошқача бир фикрга олиб борадиган яна бир жиҳати аниқ, очиқ кўриниб турибди.

У — мана шу Мағашнинг ўлимига беҳисоб ҳалқнинг, камбағал-қашшоқ кўпчиликнинг билдирган қўнгли, муносибатлари эди. Оти борлар оти билан, оши борлар оши билан, уйлари билан келишаётир. Булардан беш ҳисса, ўн беш ҳисса ортиқ бўлиб йиртиқ чакмон, эски чопон, кўн этик кийган нуқул ориқ, ажин босган сўлғин чехрали беҳисоб ҳалқ ҳам ялписига келаётир. Буларнинг кўплари Абай билан неча ерда учрашган, ҳар элдан чиққаи, чин кўнгилдан дўст бўлган кўп қашшоқлар. Қирдаю, қуйида меҳнат аҳли бўлган жотоқ, ҳунармандлар. Бу йилги ютнинг касри уриб, сўнгги тамаддуғидан, суюнчиғидан айрилиб тентирай бошлаган қари-қартанг эркагу аёл, молбоқар-хизматкорлар ҳам кўп. Шу одамлар Мағашнинг таъзиясига тикилган уйларгачувалашиб, пиёда йиғлаб келишаётир.

тир. Бошқаларга қарамай, фақат Абайнинг ўзинигина қучоқлаб, қаттиқ йиғлашади.

Қора күнгиллари ўз одатини тарк этмайдиган Азимбой билан Шуборлар ўлим устида ҳам бу қашшоқларнинг кўплашиб, тўдалашиб келишаётганини ёқтирумайди, ёзгириб сўзлашади.

«Булар ҳам фотиҳа ўқиган киши бўлиб, ош билан садақанинг пайида юришибди-да! Шунчалик жони-жажони ўтранаётир дейсанми?» — деб энсалари қотиб қараб қўйишади.

Абай бўлса чиндан йиғлаганда, қийналиб, куйиб йиғлаганда, фақат ўша пиёда келган йўқловчилар билан, ўшаларнинг кўзларидаги аччиқ ёшларини қўриб қаттиқ йиғлайди. Аслида ўша пиёда, йўқ-йитик, беҳисоб эл, атоғи бўлмаган кўпчиликнинг шу кунларда Абай билан йиғлашиши бошқача. Бир отадан тарқалгани, бир жигар аталган Қунанбой Иргизбойлардан мутлақо бўлакча, бир ҳақиқат, бир сир бор. Ўшани мана бу жамоа ичидан Абай билан Дарменгина аниқ билди.

Беҳисоб ҳалқ, таъзиядор эл-юртнинг ҳақиқий кўпчилиги, ҳалол гуруҳи бугун Абай билан чиндан йиғлашётирил. Уларни уч хил оғир, бедаво дард йиғлатаетирил. Бу эл аввало, бу йилги йилнинг тинкани қуритган азаси билан исканжага олган қазосига йиғлайди. Очдан ўлган ота-онаси, шишиб ётган бола-чақаси, ноchor-нокорлиги — ҳаммаси йиғилиб, ҳалқнинг чинакам ёшини оқизаётир.

Ўшани бошқа жойда чиқармайдиган, бирор кишига изҳор қилмайдиган ҳалқ бугун битта азamatнинг азасида фарёд чекиб йиғлаб, оху зорини бир-бирига айтаетирил. Айниқса, буларнинг кўнгли, қалби ишонадиган бирдан-бир яқин кишиси бўлган Абайга келиб айтаетирил. Шунинг билан бирга, Абайни чиндан эритадиган бошқача бир сир билан ҳақиқат ҳам бор. Кўзи ёшли, дили ғамли, эзилган эл Абайга ачинади ҳам. Жамики Иргизбой, Қунанбойлар йиғилиб, ҳассасини таяниб, куйиб ёнган бўлиб турса-да, ҳалқ улар учун ташвиш тортаётгани йўқ. Абайнинг қайғуси учун бўлса қон йиғлашади.

Шу билан бирга, бу ҳалқ Магашнинг ҳам қадрини билади. Қисқа умр кўриб, беҳисоб кўпчиликнинг кўзига кўп иш билан кўринган бўлмаса ҳам, Магашда эл-

нинг умиди билан ишончи бор эди. Унинг орадан кетиши — яна бир умид таянчининг кетиши ҳисоб.

Мағашнинг ўлганига ўзи қаттиқ қайғуриш билан бирга ҳам Абай учун, ҳам ҳалигидек халқ учун қаттиқ қийналиб ўйлаган одамнинг бири Дармен эди. Мағашнинг касали кўп вақтлардан буён ҳаммани бўйсундирив, кўнглини чор-ночор кўндириб келаётган дард эди. Асовларни қулоғидан босиб бўйсундирадиган, нафасини сиққан хавф-хатар бўлса-да, Мағаш ўлгапдан бўён Дармен учун шу бевафо дунёнинг катта ярим бўллаги учуб, кўчуб кетгандек бўлди. Урида фақат бир тагсиз чуқур бўшлиқ қолгандек туюлди. Кўнглида шундай ҳис пайдо бўлиб, бошқалардан четланиб, оғир нолага берилади. Уни фақат кечалари куйиб, ёниб, уйқусиз хўрсиниб ётганида жонажон сирдоши Макенгагина айтади.

— Дунё нима бўлиб кетди!.. Бевафо дунё!.. Қандай офатга учратдинг бизни?.. Шу хилда одойи тамом бўлганимиэми? Кечаги гўзал ҳаёт, кенг олам сўлганингми, бизнинг ёшга тўла кўзларимиз олдидан, пир-пир учуб кетганингми!.. — деб қаттиқ ўртаниб алам чекади.

Бу қайғунинг кўпдан-кўли яна Абайга алоқадор. Ўлган Мағаш билан бугун ўлик билан тирик ўртасидағи Абай икковини жароҳатли жони дили билан баравар ёд этиб, йўқлаб тўлғонади. Бу ҳолатга, Абайнинг қайғусига сўнгги кунларда чувалашиб келиб оҳу зорини қўшаётган оч-ялангоч қанча-қанча кўзи ёшликлар, пиёда келган ёру дўст халқнинг қайғусини қўшади. Ун ҳам ўз дардига дард, аламига алам қўшаётган ўзгача бир ҳақиқатнинг кўз ёшлиридек ҳис этади.

Азимбой, Шубборлар ўйлаганидек қаторлашиб келаётган кўзи ёшликлар, кўпчилик Абайдан бир нарса олсан, есам дейдиган одамлар эмас: «Азиз одам кўнглингда ғам, кўзларингда ёш турган пайтда менинг ҳам сендан аягудек молим йўқ. Оҳингга зоримни қўшаман. Борим шу, шуни олиб келдим!.. деб келган.

Шашқатор ёш тўкиб Абай ёнига келаётганларда шундай сир бор. Чинакам яхши дўст одамга одам бўлиб, халқ ўғлонига халқ бўлиб, ёпирилиб келиб, қайғусига шерик бўлди. Шундай қилиб, катта бир тўп қашшоқлар йиглаб келишганида ораларида Давлет-келди ҳам кўринди. У ўкириб қучоғини ёзганича Абай-

га яқинлашиб келганида «Эсиз оғажоним! Шүрлик оғам-а! Сени қандоқ күзим қияди... Шундай ҳасратта қандоқ күзим қияди!»— деди йиғлаб.

Худди шу күришиш, йиғлашиб устида Абай тұсатдан ғалатироқ бир ҳолатта күчди. У Мағашнинг ўлимини әмас, ўз ўлимини күриб турғандек бўлди. Давлеткелди унинг ўзи ўлганига йиғлаётгандек туюлди. «Ҳақиқати ҳам шу», «түрриси шу», «рост, мен ўламан, ўладиганман», «мен ўлган деган шу-да» деб Абай мутлақо ўзгариб кетаверди. Энди бунинг кўз ёшлари бир-йўла қурғади-да, йиғини бас қилди. Лекин ўзининг ўлимини, ўзига фотиҳа ўқиётганини узлуксиз күриб турғандек бўлди. Эндиги бор одамларга, атрофидаги-ларнинг ҳаммасига у: ўтиб кетган, узилиб кетган кишиларнинг кўзи билан сукут ичида боқмоқчи. Абай гапга ҳам барҳам берди.

Шу зайл ўзгарган одам пўрт учди. Үндаги ягона хаёл, узлуксиз ўй «кўзи ёшлиқ эл... ҳалқ оҳи-зори... умр кетди, ўтди. Ӯша элни йиғлататиған менинг ҳам ўтиб бораётган тириклигим»— деган фикрга келди.

Мағашнинг ўлимини Абай шундай фаҳмласа, Дармен бошқача ўткир ўйлари билан куйиб-ёниш орқасида зийраклашиб, аниқлаб англайди. У Қакитойга, Боймагамбетга ўзи сезганларини неча бор айтди. Дарменнинг пайқашича Абайнинг эндиги кунлари, фикри-зикри, юрак дарди, бир катта саросимада, беқарорликда.

У куч-қувватини қирқиб кетган қайғу чангалида. Гоҳ ҳуд, гоҳ беҳуд бўлиб айниб қолгандек бўлади. Бугунги ҳолатини бирор инсонга айтмайди, иэҳор қилмайди. Энди бир оздан кейин, Мағашнинг еттисини бергандан сўнг, йилнинг маълум вақти келиб, овуллар Чинғиз сари кўчди. Яйловга қараб кетди. Оқшўқидаги овуллар, Шийдаги, Чингиздаги тўбиқтиликларнинг кўпчилиги ўтирган жойларга борилади. Мағаш даставал ўлган кунларидаги сингари тўплашиб, тўдалашиб йиғлаб келаётгандар кўп бўлди.

Абай фақат Дармен, Айгерим, Боймагамбет учовининггина айтганига кўнади. Улар кийимини кийдиришади, дастурхонга ўzlари олиб келиб, иштаҳаси йўқолган Абайга овқат беришади. Уйдан олиб чиқиш бўлсин, ҳаммасини ҳам шу учови қай тахлитда етакласа, Абай ёш болага ёки бир ҳуши йўқ одамга ўхшаб дамини чиқармай эргашаверади, кўна беради. Шу уч

жонкуяр, дунёда энг яхши кўрадиган уч дўсти, Абайни шу зайл кечаю кундуз парвариш қилиб юришаркан, учови бўлиб Абайнинг эндиги ҳоли ҳақида сирлашганида қаттиқ қўрқишиади. Магашнинг вафот қилганига ўттиз кун бўлган пайтда Боймағамбет, Абайнинг жуда ўзгариб кетганлигини Дармен билан Айгеримга алоҳида сир тарзида айтди.

Магаш ўлгандан ўн кун кейин қишлов атрофидан, Оқшўқидан йироққа кўчиладиган бўлганда тумонатдек одам Магашнинг қабрига бориб, видолашиб келишган экан. Шунда Абай Магашнинг ёш болалари билан Боймағамбетнигина олиб, қабр бошига бошқалардан кейинроқ борибди. Имлашаётган эркагу аёлларни қабр бошидан тез жўнатдириб юборибди. Болалар билан ўзи соғона ичига кириб, бир оз ўтирибди-да, бир вақт Боймағамбетга «болаларни олиб чиқавер» деб ишора қилибди. Шундан кейин Боймағамбет болаларни извошга ўтиргизиб, ташқарида тура берибди. Абайнинг ёлғиз ўзи, ўғлининг янги қабри бошида икки соатгача қимирламай, ташқарига чиқмай қолиб кетибди. Кейин, кечга томон соғона ичидан Абай чиққанда соқоли оппоқ бўлиб, юз-кўзидан лаҳад тупроғи ёғилиб, бор вужуди ер тортган кишидек, силласи қуриб чиқибди. Эндигина Боймағамбетнинг ёдига тушаётир, Абай ўшанда унга бир оғизгина гап гапирибди.

Бу сирларни Боймағамбетдан илк дафъа эшитиб ўтириб, Дармен яна бир сирни айтди. Магаш вафот қилиб ўн икки, ўн уч кун ўтган пайтда Абайга яна катта бир тўлқиндек зарбанинг зарб билан қаттиқ текканини хотирлади. Айгерим билан Боймағамбетга у ҳам ўзи билган махфий сирини энди айтди.

Шу йил кўклам, Абайнинг умр йўлдошлари, иккита суячигидек, иккита содиқ дўсти Эрбўл билан Бозорали ҳам қазо қилганди. Аввало Эрбўл тиф бўлиб йиқилди. Унинг дарди оғирлаша бошлаганда Бозорали ушинг ёнига боради-да, ўн кунча ўзи парвариш қиласи. Узилган соатида дўстининг бошини тиззасига қўйиб, видолашади.

Халқнинг аҳволи оғир, ют йили, овул билан овул орқасидаги хабар-ўчарнинг узилиб қолган вақти бўлгани учун Эрбўлнинг жанозасига кўп одам айтилмай, озгина жонкуярларнинг ўзлари ўқиб қўя қолишади. Худди ўша кунларда Эрбўлнинг ёнида ўтиаркан, Бо-

зоралининг ўзи ҳам касал бўлиб қолганини сезиб ўтирганди. Тутдек тўкилтириб, оғирлашиб бораётган дардини ботир қалби билан тишини тишига қўйиб енгиб, Эрбўлнинг жанозасини ўзи бошлиқ бўлиб ўқитади.

Уша куни кечқурун уйига келади-ю, гуп учади. Орадан уч кун ўтгандан кейин иситмаси ошиб, аъзойибадани ўт-олов бўлиб ёна бошлайди. Тоби қочиб қолганини ҳатто яқин овулдагилар, жонкуярлари ҳам билиб улгурмайди. Кўпдан буён ҳолсираб, дардга чалиниб келган юрак, мана бу иситмани, тиф касалининг иситмасини кўтара олмай, атиги уч куннинг ичидаганни бўлди. Бозоралининг ўзи ҳам вафот қиласди.

Бу ишлар худди Мағаш ўсал тортиб ётган чоғида бўлганди. Абай усиз ҳам ўртаниб куяётгани учун Кақитой билан Дарменларнинг ўзлари ҳам Абайга билдирамади, бошқаларга ҳам айтдирамай туришганди. Фақат Мағаш ўлганидан ўн икки кун кейингина оғир ўлим хабарларини икки дўст иниси — Дармен билан Кақитой ночор ўтириб, холи ерда Абайга айтишганди.

Шунда Абай қаттиқ куйиб ўкириб йиғлаб юборди. Анча вақтгача ўзини тутиб ололмай, борлиғи билан бир тагсиз жарга интилиб, қулаб кетаётгандек бир йўла ўртаниб кетган экан. Шунга қадар бир қанча вақт индамай ичидаган бўлиб бўғилиб, оғир дард билан дами чиқмаган бўлса, худди шу дамда «сўнгги марта айтиб қолай» деяётгандек ўзгача бир оҳу нола қилган экан.

— Шўппайиб, ёппа-ёлғиз қолибман! Бахшининг мозоридек ёппа-ёлғиз қолибман. Ким қолди? Нима қолди? — деб ўзи билан ўзи пи chirлаганича сўзлашиб кетади.

— Эй машъум замон, менга кўрсатмаган қандай қасдлигинг қолди... Мен ичмаган оғу борми... Юрагими ни кўрчи, мана, жароҳатдан соғ жойи қолдими? Шунча азоб чеккулек нима ёзигим, қандай гуноҳим бор эди? Кўп кўраётганинг аламлик кўксимнинг ҳолсираган нафасими?! — деб бир оз ўтириб бориб, яна бир вақт заҳарли ўйларидан уйғонгандек бўлибди.

Абайнинг ҳалиги оҳу зорига чидаёлмаган Кақитой қаттиқ йиғлаб юбориб, кўз ёшларини кўрсатмаслик учун уйдан чиқиб кетибди. Дардли одамининг ўзига тикилиб, ҳар бир ҳаракатини кўздан кечириб ўтирган сл-

ғиз Дарменгина қолибди. Үшанга Абай яна бир оз сири, аламини айтибди.

— ... Даشت-биёбон, элсиз, йўлсиз саҳрода ёлғиз тул дарахт ўсибди. Ойлар, йиллар, қанча замонлар яшабди. Ҳар бир кўкламга умид bogлаб, шодлик қуввати — япрогини ёзиб чечак отибди... Кўп йиллар ўтибди. Ҳар бир йилнинг гуллари билан донлари учуб, тарқала берибди. Қанча-қанча япроқлар сарғайиб сўлиб, йўқ бўлибди. Бир замон ўша саҳродаги ёлғиз дарахтга чақмоқ тушибди-да, ер билан яксон бўлибди. Бор бутоғидан, гули-япроғидан, дони-ширасидан айрилибди, ажралибди... Сўлиб, шўппайиб қолган ёлғизгина ҳуруқ дарахт фалакка нидо қилибди. Нима ёзиғим бор, қандай машъумлик, қандай золимлик қилган эдим?! Мана одо бўлдим, фақат эй фалак шоҳидим эдинг, сендангина сўрайман. Шўримнинг ҳам гувоҳи, кўкарған, чечак ёзган чоғимнинг ҳам шоҳиди сен эдинг эй фалак!.. Қани, сен бир айт-чи... Мен ўлайин, бироқ ўша кўп йиллар давомида сенинг шамолларинг учириб кетган гулларим, доналаримдан авлод, насл қоладими?.. Аҳёнда битта, онда-сонда бир сойда бўлса-да, ёш япроқларини кўкка чўзиб, гул мевасини ер юзига берадими?! Қандайдир бирор ўлкада ва бир замонларда ўша гулларинг бир тўпидан сояйи салқин ўрмон, мевали боғ этишадими!.. Навдаларидан унган-ўсгаларни малҳ этиб қумри-ю, булбуллар сайрайдими! Соясида ёш ҳаёт, янги даврон ўрнашадими! — деб ўзи билан ўзи сўзлашиб, бир улуғ чинакам илҳом, шоирона илҳом билан машъалдек бир порлаб ёнибди-ю, шундан кейин сўниб кетибди.

Дармен Айгеримга шу ишни айтиб ўтди-да, ниҳоят «Абай оғамнинг сўнгги марта қаддини ростлагани, сирини айтгани ўша бўлдими деб чўчийман!» деб, ўзи пайқамай шашқатор оқиб кетган ёшларини кафтлари билан артиб ташлади.

Ёлғиз ўзигина биладиган Абайнинг дарди аламини, сирини айтиш юзасидан Дармен авваллар англамаган, фаҳми етмаган бошқача ишларни энди-энди чуқур, кенг англай бошлади. Аслида ҳалиги юрак сўзлари Абайнинг оғатдан омон чоқларида айтилмаган, ҳали яратмаган ажойиб сирли, ўзгача бир шеърига ўхшайди.

Буюк қалбнинг тагидаги энг сўнгги бир кенжаси, шунинг билан тугайдиган, ноёб туғиладиган эканми!

Оддий сўз билан айтгани бўлмаса, ҳалиги Дарменнинг ўзи қайтариб айтган Абайнинг сўзлари чуқур маъноли, бадиий-ку! Бир шеърларидан устун, алоҳида бир шеър-ку! Тўлишиб, туғилай деб турган чуқур сирли бир уйғунлик-ку. Тўлқинланган денгиз тагидан отилиб чиқадиган дурданалардек, дона-дона бебаҳо хазина-ку!. Мана шу Абай кечиб ўтган, илҳомли шоир умри-нинг меҳнатга тўла оламшумул фикрининг, ўйларга тўла ҳаётининг терилиб, сараланиб келган йигинидиси экан.

Дарменнинг фикри йироқларга кета бошлади. Зўр илҳом билан пайқаб, синчилаб кўрса Абай ўзини: узоқ умри дивомида ўша саҳродаги гуллар сочган, ноёб уруғлар тарқатган азим даражатга тенглаштирибди. У тўғри-ку. Жуда одилона, аниқ ҳақиқат-ку. Шуни яна қай вақтда айтибди? Чақмоқ тушиб, сўнгги бутоқлари синиб, қурғоқ кундадек ёлғиз қолган, ер билан яксон бўлган чоғида тақдирига арэ қилиб айтгандек, ҳукмини айтиб ўтибди. Бу азим даражатнинг уч-тўртта мевали бақувват бутоқлари қолганди. Унинг биттаси — Мағаш. Биттаси халқнинг азизи — Бозорали эди. Яна биттаси — Абайнинг болалик, йигитлик, бўз йигитлик чоғидан то шу кунга қадар умрида бир йўл, бирор марта, салгина қош-қовоги осилмаган содиқ дўсти, бор жигарларидан ҳам яқин жигари, умр йўлдоши, жонажон дўсти Эрбўл эди. Шуларнинг учаласи бирдек синиб, қулаб тушган куни ҳалигидек жон алансини отган экан ноёб қалб!

Дармен энди ўиласа: Бозоралига, Эрбўлга, Мағашга Абайнинг айтган «алвидо-алвидоси» ҳам дўстлик, оталарча «алвидо айтиб, рози ризолик сўраши» ҳам шу экан. Борлиғи йиғлаб яратган марсияси ҳам шу экан-ку...

Дарменнинг ўзи ҳам шу сингари бир чуқур шоирона ҳаяжонга тушди. Шоирнинг руҳини шоирларча чина-кам илҳом билан тўла-тўқис англади. Унинг кўнглида Абай энди ўз сафарини, умр сафарини тутатган одамдек кўринди-да, сира юпана олмай кўп йиғлаб, кўп эзилди.

Абай шу сингари бор ноёб одамларидан айрилганини кўриб, куйиб ёниб бўлди-да, англаб бўлмайдиган дардга тушиб қолди.

«Куним саноғлик, мей ҳам йўқман, даво йўқ!» — де-

ган экан Боймағамбетга. Ёнидаги Қакитой, Оқлбой сингари инилар, болалар, яқинлари «доктор чақыртирамиз» дейишгана Абай қовоғини солиб, совуққина бош чайқади. Мутлақо керак эмаслигини билдирибди. Үнда энди тун бүйи күз илинтириб олгудек уйқу йўқ. Кундузлари битта-яримта, тўсатдан айтиб қоладиган гапидан бошқа тил ҳам йўқ...

«Нима бўлди», «сизга нима бўлди, Абай жоним!» леб, уй холи қолганида юз-кўзларини иссиқ ёшлари билан ювиб, уч кунгача уч марта ёнига келган Айгеримга ҳам Абай жавоб қилмади. Бошини чайқаб, Айгеримнинг орқасини силаб, бошини, юзларини сийпаб қўйди. Учинчи мартагина Айгеримнинг ёш томчилари тўлиб турган ўнг кўзидан бирйўл ўпди. Шундай қилди-да, қўли билан «бошқа гапни гапирмал» дёяётгандек ишора қилди.

Абай учун ҳозир дунё вайрон бўлиб, бузилиб, қулаб, тўзиб кетаётганга ўхшайди. У биладиган олам худди шундай.

Халқ очиқиб, озиб-тўзиб, ютаб, қирилиб кетаётир. Саҳро халқи тўзиб кетди. У қадр қиладиган «халқ» деган тумонатдек эл сочилиб, йитиб, тамом бўлаётир. Абайнинг ўзи бўлса, унинг ҳам суюнчиғи синди, Мағаш кетди. Энди унинг ўзи ҳам ўртасидан ўпирилиб, қулаб, синиб қолган. Уни ўзининг ҳам борлиғи, мавжудоти сачраб, йитиб, тўзиб бораётганга ўхшайди. Ўзининг ҳам бир фазилатидан кейин бир фазилати кун сайин тарқалиб, тугаб бораётир.

Шунга яраша унинг бор жуссаси, аъзойи бадани ҳам сўлиб, қуриб, бир қувватидан кейин бир қуввати кетиб, тўзғиб кетаётир. Ҳозир у кўп нарсани сезмайди. Кўпинча унинг идроки кўп нарсани англамайди, уқмайди. Шунинг учун унга энди уйқу ҳам керак эмас, овқат билан озиқ ҳам керак эмас. У сўзламайди. Фикри ҳам сўнган. Кулмайди. Қувонч билан юпанч, яхшилик билан ёмонлик, кун билан туннинг фарқи йўқ бўлиб тулашиб, туманга айланаб бораётир.

Бор қолган ҳисси, у ўзини янада совуқ, тагсиз лойка тўлқинли сув ичидан сезади, сузган бўлади. Лекин, яқинда етгудек соҳил йўқ. Фақат йироқда, кўз илғайдиган ерда, қияликтагина ҳозир бу томонини зимиштон кечадан босган баланд қўнғир давон бор. Ӯшанинг у томонидан шафақ отиб келаётган тонг, зимиштон кечани кўй

тариб ташлаб, аста күтарилиб енгиб келаётганга ўхшайды. Абай бор бўйи ўйи билан ўша ноёб шафаққа, йироқдаги тонгга қибласидек берилмоқда. Атрофидаги олам бўлса, совуқ, лой, тагсиз чуқурликдек. Тортган сайин, у ўча беради, сўниб, сўла беради.

Бир тахлитга солган ҳалиги жумбоқ ҳолат, унинг энг сўнгги дамигача фикри зикридан, кўз олдидан кетмади. Шу йўсинда атрофини кўтарилимайдиган оғир кул ранг туман босган, совуқ замон ичиди буюк одам дунёдан кўчди. Магашнинг қирқи берилиб бўлган куннинг эртасига Абай ҳам оламдан ўтди. Улуғ қалбнинг иссиқ нафаси тўхтади. Даشتни биёбонни қоқ ёриб оққаш дарёдек эзгу умр узилди. Ҳу ўша бир вақтларда тошлоқ-тақир, йилтироқ қоя бошига чиққан, азим дарахт бўлиб етилган, ёлғиз буюк чинор қулади. Ҳаётдан Абай кетди.

ЭПИЛОГ

Шундан бир ярим ой ўтгач, куз яқинлашиб, яйловдати эл Чингиздан яна ошаркан, тоғ этаклари сари узилиб-уланган қатор-қатор күчалар чўзилди. Абайнинг туғилган ери, онасининг қўниси, қишлик қишлови Жидебойда пичанлик ўт-ўланлар бўй чўзиб ўсиб бўлган. Атрофидаги даланинг ўт-ўланлари сарғайган. Жидебойга яқин жойдаги ёлғиз тепалик — Уртенгнинг бағридаги сўлғин, сап-сариқ филғон, эрмонлар ўтган умр рағнини, адо бўлган ҳаёт хулёсини кўз ўнгидага далаңтиради.

Мана шу манзара заъфарондек бўлиб сарғайган, файзи кетган нишобликдаги ўлканинг қайғусини, дардини аниқ баён этаётганга ўхшайди. Аста эсган шабада Жидебойни бўйлаб ётган қалин чийлик, кўк майса ўт-ўланларини мудом тўлқинлантириб, тебрантириб, фақат бир томонга, шимолга қийшайтириб эга беради. Чингиздан келаётган мулоим шабада иссиқ кунларда жанубдан эсади.

Сўнгги кунларда жонсиз, элсиз мудраб ётган Жидебойда бор ҳаракат, қилт этган тебраниш фақат ўша шабада тебратаетган ўт-ўланлар бошининггина ҳаракати. Мана шу Жидебойда кекса эна Зеренинг, асл она Улжоннинг бағрида қулунчоқдек беғам, беташвиш ўсган бола — Абай эди. У ўйнаб, чопиб юрадиган тақир ерлар, майда тошлоқ тепалар, қалин чий қуршовида қад кўтариб турадиган тепаликлар бўлади.

Қишлоvdан кун чиқишга қараб чўзилган нишоблик-

да, шундай бир кичкина тепачанинг устида, яқин вақтларда ясалган баланд, кенг, тўрт бурчакли соғона бор эди. Унинг тепасига Ўспоннинг номи ёзилган. Ёзнинг ўрталаридан буён ўша Ўспоннинг соғонаси ёнига яна бир сандиқ шаклида ясалган Абайнинг соғонаси — янги соғона барпо бўлган.

Еугун ўша соғона тепасига жуда кўп элларнинг кўчлари келиб кетишли. Кўч билан келаётган ота-оналар, той ғуоннларга мингандан болалар, айниқса, қўй-сигир ҳайдаган подачи-чўпон хизматкорлар — ҳамма келди. Тонг отгандан буён кўп одам келиб кетди.

Туш оққан пайтда қабр тепасига Абайнинг ўз овулдаги барча эркагу аёл, ёшу қарилар, эсини танига одамларнинг ҳаммаси келишили. Тумонат ҳалқ турна қатор бўлиб аравада, отда, пиёда чувалашиб, чўзилиб келганди.

Катта, тўрт бурчакли соғонанинг ичи кенг, сиртида соғонанинг сояси тушадиган текис, катта тақир ер ҳам бор. Шу ерларга лиқ-лиқ тўлиб ўтирган ҳалқ яна эзилиб, фигон қилиб, ўкириб йиглаётир. Шундай йиғи билан кўп вақт ўтган эди, худди шу он, мана шу қабр теласида айтиладиган, бағишланадиган гап, чин оҳу зор битта-яримта жонкуярнинг қалбida туғилиб, айтилиши керак эди.

Кўпларнинг йиғиси босилай деб қолган пайтда, бир кексароқ аёл баланд, ширали овоз билан йиги бера бошлади. Ҳаммага аниқ эшишилган, такрор-такрор айтилган сўз — «қўш қораҷаларим, қўш қораҷаларим!» деган сўз бўлди.

«Бу ким? Ким йиғи бошлади?» деб сиртдан сўраганларга соғона ичидаги баъзи ёши улуғлар пичирлаб: «Зейнеб» дейишили.

Ёшроқ аёллар, орқадаги аёлларга айтишганде «Мулла опанг» — дейишили. Зейнеб мусулмонча ўқиган. У ўз кўнглидан чиқариб жуда бир маъноли, мунтли, чин оҳи зорини айтиётир. «Қўш қораҷаларим» дегани ўзининг илгариги эри, мана бу ётган Ўспон-да. Иккинчиси — Абай. Зейнебнинг оҳи зори, йиғига қулоқ солганиларнинг ҳаммасини унсиз ёш тўқтириб, кўп йиғлатди.

Яна бир вақт, Зейнебнинг товуши босилиши биланоқ, жуда латиф, ғамгин, лекин шу қадар баландпарвоз қилиб, жуда тўлқинланиб жаранглаган бир товуш чиқ-

ди. Бу йиглаётган — Айгерим эди. Абай умр бүйи севиб ўтган, мафтун бўлиб севиб ўтган хушфаҳмли гўзал ёри. Кўп замонлардан бери босилиб, тўхталиб қолган ажойиб санъатини, энди аста дуо бўлмайдиган армонидоги билан оҳи зорига бағишлади.

Бу марсияниг шу ўтирган ҳалойиқ эшитмаган, тахмин ҳам қилмаган маъноси ҳам, таъзиялик латофати ҳам бўлакча. Айтилаётган янги сўзлар ҳам бошқача.

Айгеримга бу марсияни Дармен ёзиб берганди. Аламли, ғамгин, фигон созини бўлса, Айгерим ўз қалбida яратганди. Ҳозир тумонатдек ҳалқ олдида, Абайинг ёнида, қабр тепасида айтилаётган бу нолаю зор, марсиягина эмас. Уни кўзларида ёш оқизмай, тиник, муносиб товуш билан айтиаётган Айгерим, Абайга кўп айтиладиган, кунда айтиладиган марсия қилиб чўзиб ўтиrmади.

Буюк санъат доносига аламли сознинг бастакори келди. Юракдан туғилган бир жигари келиб, ўзгача бир ёдгорлик барпо қилиб ўтирганга ўхшайди.

Айгерим айтиаётган гаплар Абай ҳақида бу атрофла шу маҳалгача қозоқ боласи айтмаган гаплар. Ҳалқ фарзанди Дармен ноёб ёрниг тилидан Абайга ҳалқ номидан нидо қилаётir. Нимаси билан қимматли! Ҳалқнинг қандай азизи эди Абай! Унинг тили билан қайғули, дарди-аламли онлар йиглар эди. Идрокли ота, ақлли азаматлар фикр юритар эди. Унинг овози билан истиқболи баланд, умиди бўлган ёш бўғин қабиҳликдан нафратланганини, яхши кунларни орзу қилганини батафсил айтиган эди. Шунинг учун бугун Абай ўлгани йўқ.

«— Улди деб бўладими ўйланглар-чи,
Ортида сира ўлмас сўз қолдирган!»—

деган ўзинг эдинг Абай оға!

«Тилло дарахт, аршга қулоч отган қадрли азамат, сен ўлмайсан! Элниг ёлғиз қолган, энг сўнгги ўғлимни, қизими, энг сўнгги насли бўлган бирорта одам бўлса, ўшанинг ҳам кўксида сенинг номинг бирга кетади. Сенинг ҳаётинг бирга яшайди, сенинг нуринг бирга порлайди.. Истиқболинг порлоқ, ўзинг шу зайл сўнгаш эдинг... Она юрting сени ўлди демайди! Ёруғ дунёга янги келиб, чирқиллаб туғилганингда, мана шу Жиебойда, мана шу Ший-Қўриқда сени авайлаб бағрига босган онанг бор эди. У даставвалги, ёлғиз онанг сени

оқ қучоги, ҳалол мөхри билан бағрига босған әди. Бүгүн сени ундан ҳам улуғ, ўлмайдиган онанг, унугтилмас ўғлим деб бағрига босади. Келажақдаги узоқ даврон, әрқин замон сафарига сени кўксига босганича абадий ола кетмоқчи! Ўлим ҳам енга олмайдиган одамлар бор. Улар кам бўлса, ўшаларнинг бири сенсан. Бу атрофда ўтганларнинг ичидаги ягона бўлса, ўша ягона сенсан!— деяётир Айгеримнинг сози. Ўзи ҳам ўчмайдиган, эскирмайдиган сўзлар Абайнинг эскирмаган қабри тепасига йигилган ҳалқа маълум қилинди.

Ажойиб овози бугун шу қадар ўзгача янграган, кўкси жароҳатли санъаткорниг нидоси билан изҳор этилди. Бу сознинг гўзаллиги, юксаклиги, минорадек!.. Тагсиз мовий осмонда парвоз қилган оққунинг оппоқ тоза қаноти қуёш нурига беланиб, тиллодек ярқирамас эдими!. Хосиятли қуш оппоқ қанотини қоқмасдан қалқиб, астагина тўлқинли товуш бериб, ажойиб нидо қилмас эдими!.. Ҳаётингда бирйўлгина бўлса-да, эшиятган эдингми?.. Ҳаёлингни қамраб олган гўзал манзара эсингдан кетадими асти?!

Айгеримнинг ҳозир Абай билан сўнгти марта видоълашиб айтган дардли сози ўшанга ўхшарди. Шу билан Айгеримнинг энг сўнгги куйи куйланди. Бир вақтлар Абайнин жуда элитиб, эритган ажойиб куйнинг сўнгги овози шунинг билан ўчди.

Айгеримнинг куйи, дардли дили, қайта уйғонмайдиган, қайтиб келмайдиган санъати Абайнинг мана шу қабри тепасида Абай билан бирга сўнди-да, йўқликка кетди. «Абай билан бирга қучоғим кетди» деса, Абай билан бирга унинг кўксидаги куйга бўлган иштиёқи кетди. Томоғидаги кумушдек шилдираган латиф овози сўнди. У ҳали ажойиб санъатини ўзгача сўзлар билан тўлқинлантириб қўйиб, ҳаммани қаттиқ йиглатган чоғда, Абайнинг қабрига тикилиб, оппоқ бўлиб ранги ўчиб кетган Дармен ўтирган әди. Унинг ёнида Даркембойнинг ўғли, ўқимйишли ўш Раҳим бор әди. Ундан нарида — Абайнинг бир вақтлардаги ўсмир меҳмон дўстлари, ўқиб юрган болалар — Усен, Мурот, Шакетлар ўтиришганди.

Айгерим йиғи берадиган чоғида, Дармен шуларнинг ўртасида Абайнинг қабрига тикилганича ичидан бир онт, аҳд қилиб ўтиргандек бўлди.

Сақларман, қўйнимдаги тиллодек сақларман сиз

қолдирған донларни... Асл уруғларингизни... — деган хаёл келганды, Дарменнинг ёдига Абайнинг энг сұнгғи, қаттық армон қилған дарди алами түшди.

У фалакдан ўша донларнинг келажак тақдирини билмоқчи бўлган эди. Энди Дармен ўйласа ички сири, армопи зори ўша экан... Айгеримнинг йиғисига қулоқ солиб ўтиаркан, Дармен ўз ичидаги Абайнинг саволларига жавоб излади.

— Абай оға, аэзизим! У донларинг ўлгани йўқ, маҳв бўлгани йўқ. Тўғри, шу кунларда бу орада ўсган гавжум ўрмон бўлмасин. Ям-яшил бўлиб турмасин... Бироқ бепоён дала, кенг саҳрони бўйлаб ўша донларинг униб келаётир... Кўплаб ўсиб, кўклаб келаётир... Кундан кун, йилдан йил ўса беради... Шунинг учун ҳам ўз ҳаётимда, ўла ўлгунча бебаҳо сўзларингни сақларман, оталик тарбиянгни оқларман, оғажон! — деб такрорларди.

Ҳалол ёриннинг марсияси билан Абай янги йўлга кўчди. У ўлмаслик сари қадам қўйди! Айгеримнинг куйи билан ўша куйга солиб айтилган Дарменнинг шеъри, Абай ҳақида кейин яратиладиган барча санъатнинг боши эди. Янги туғилган куйдан бошлаб, Абай янгидан туғилишга ўтди.

Мана шу куйнинг шоҳиди бўлиб ҳозир ҳам Абайнинг қабри бошига тумонатдек халқ йиғилиб қолибди. Булар — ўтаётган кўчлардан келган кексалар, ёшлар, эркаклар, аёллар... Айгерим билан Дармен ҳам, ўқувчи ёшлар ҳам пайқашмабди... Булар ўз оҳи зори, қайғуси, хаёли билан банд бўлиб ўтиришаркан, орқаларида Айгеримнинг маъноли нолаю фифонига қулоқ солиб, ичларида мақбул кўриб сонсаноқсиз халқ ўтирган эди... Абайнинг шу йўсинда янгидан барҳаёт бўлиб туғилишини қарши олаётган ота халқ — шулар эди.

Тамом

МУНДАРИЖА

Коронги кечала	3
Тик қояда	95
Кайгу	173
Қасдлик	244
Тортышув	326
Ютда	413
Эпилог	488

На узбекском языке

МУХТАР АУЭЗОВ

ПУТЬ АБАЯ

Книга вторая

Роман

Гослитиздат УзССР — Ташкент — 1960

**Қозогистон Давлат бадиий адабиёт
нашриётининг 1957 йилги нашридан
таржима**

Редактор И. Муслим

Васис И. Икрамов

Расмлар редактори Г. Остапенко

Техн. редактор Н. Курилова

Корректор И. Қабилов

Босмахонага берилди 11/IV 1960 й. Босишига руксат
втилди 16 VI 1960 й. Формати 84×108/ $\frac{1}{4}$. Босма л. 15,5.
Шартли-босма л. 25,42. Нашр. л. 26,97. Индекс: н/а.

Тиражи 30 000. УзССР Давлат бадиий адабиёт
нашриёти Тошкент, Шайхой кўчаси, 30. Шарт-
нома № 5/37.

УзССР Маданият ми истилиги Ўзглавиздатининг
1-босмахонаси. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1960 й.
Заказ № 190. Баҳоси 10 с. 10 т.

ЎзССР ДАВЛАТ БАДИЙ АДАБИЁТ НАШРИЁТИ

Куйидаги китоблар босилиб чиқди ва китоб магазинларида сотилмоқда

Горький М. Таңланган асарлар. Уч томлик. I том. (Бу томга ёзувчининг „Фома Гордеев“ ва „Она“ романлари ҳамда дастлабки ҳикоялари киргани.) 820 бет. Тиражи 45 000 нусха. Баҳоси 15 сүм 50 т.

Горький М. Таңланган асарлар. Уч томлик. II том. (Бу томга ёзувчининг „Мешчанлар“, „Тубанликда“, „Душманлар“, „Егор Буличев ва бошқалар“ номли пьесалари, „Артамоновлар иши“ романни, „Америкада“, „Менинг мусоҳабаларим“, „Русия бўйлаб“ циклларидаги ҳикоялари ҳамда „Италия эртаклари“ киргани.) 815 бет. Тиражи 45 000 нусха. Баҳоси 15 сүм 20 т.

Горький М. Таңланган асарлар. Уч томлик. III том. (Бу томга ёзувчининг „Болалик“, „Малайликда“, „Менинг дорилфунунларим“ трилогияси ҳамда „Хўжайин“ повести киргани.) 825 бет. Тиражи 45 000 нусха. Баҳоси 15 сүм 65 т.

Ажсаев В. Москвадан узоқда (роман). 812 бет. Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 17 сүм 90 т.

Саксе А. Юксалиш (роман). Латишчадан таржима. 474 бет. Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 9 сүм 80 т.

Ян В. Г. Чингизхон (роман). 368 бет. Тиражи 45 000 нусха. Баҳоси 8 сүм.

Федоров А. Яширин обком ҳаракатда. 668 бет. Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 15 сүм.

Станюкович К. Повесть ва ҳикоялар. 212 бет.
Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 4 сўм 90 т.

Прус Б. Етимлик (роман). Полякчадан. 104 бет.
Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 1 сўм 25 т.

Ле Иван. Төғ оралиқлари романи 730 бет.
Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 15 сўм 25 т.

Марк Твен. Ҳикоялар ва памфлетлар 126 бет.
Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 3 сўм 60 т.

Шевченко Т. Таинланган асарлар. II том. драма
ва повестлар. 492 бет. Тиражи 10 000 нусха. Баҳоси 10 сўм 80 т.

Гранин Д. Изловчилар. (роман). 533 бет. Тиражи
15 000 нусха. Баҳоси 10 сўм 75 т.

Овеккин В. Серташвиш баҳор (очерклар). 392
бет. Тиражи 15 000 нусха. Баҳоси 8 сўм 40 т.

Тўплам. Лениннинг мактуби (Ленин ҳақида
ҳикоялар). 154 бет. Тиражи 30 000 нусха. Баҳоси
2 сўм 70 т.

Қутуй О. Жўнатилмаган хатлар (повесть), 103
бет. Тиражи 60 000 нусха. Баҳоси 1 сўм 10 т.

Тўплам. Рус халқ эртаклари. 614 бет. Тиражи
15 000 нусха. Баҳоси 16 сўм 40 т.

Юқорида кўрсатилган китоблар Ўзбекниготорг
ва Матлубот кооперацияси магазинларида топил-
маса, заказлар қўйидаги адресга юборилсин:

Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 11. Ўзбекниго-
торгнинг „Книга-почтой“ бўлими.